

# **ФИЛОСОФИЯДАН ҚИСҚАЧА ЛУГАТ**



**«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ**  
Тошкент — 1973

РУСТАМ АБДУРАҲМОНОВ  
таржимаси

Масъул мұқаррир  
УзССР Фанлар академиясининг  
мұхбир аъзоси,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор *M. M. ХАЙРУЛЛАЕВ*

«Философиядан қисқача лугат» таржима қўл-  
ёзмаси таҳрир қилинган вақтда профессор *M. M.*  
*Хайруллаев* томонидан шарқ философиясига оид  
изоҳлар билан китоб ҳажми ҳазм қилган дара-  
жада тўлдирилди.

Философиядан қисқача лугат. Р. Абдураҳмонов тарж. Масъул мұқаррир  
фалсафа фанлари д-ри, проф. М. М. Хайруллаев. Т., «Ўзбекистон», 1973.  
432 б.

Краткий словарь по философии.

1(03)

01—5—2      41  
—  
К — М 351 (06) 73      20—72

## **РЕДАКЦИЯДАН**

Бу лугатни нашр этишдан мақсад — китобхонга философия дарслекларида ва дарслек қўлланмаларида, оммавий философик адабиётда энг кўп ишлатиладиган асосий тушунчалар ва терминларни тушунтириб берадиган, содда тилда ёзилган ва фойдаланишга қулай бўлган справочник — маълумотнома беришдир. Лугат партия ўқуви системасидаги тингловчиларга, студентларга, шунингдек марксча-ленинча философия асосларини мустақил ўрганишга интилевчиларнинг ҳаммасига фойдали бўлади. Ушбу китобни тайёрлаётгандага редакция ва нашриёт кейинги йилларда кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб чиқарилган эстетика, этика, атеизм, илмий коммунизм лугатларини назарда тутиб иш кўрдилар. Шунинг учун ҳам лугатда ўзига хос философик тушунчаларга, диалектик ва тарихий материализм проблемаларига катта ўрин берилди. Лугатда тарихий-философик материал ҳам бўлиб, бир қанча мақолалар ҳозирги замон буржуа философияси ва социологиясининг асосий ўналишларини танқид қилишга бағишиланган. Китобда исмлар кўрсаткичи берилиб, унда мақолаларда тилга олинган философлар,

социологлар ва шу кабилар ҳақида қисқача маълумот берилади.

Луғатнинг ушбу нашри тақризчиларининг муроҳазалари ва китобхонларининг таклифларини назарда тутган ҳолда янада ишлаб тўлдирилди, мақолалар янгиланди, уларнинг тарқиби бирмунча кенгайтирилди.

Луғатда баъзи қисқартувлар қўлланилади. Чунончи, мақоланинг номини тўлиқ бериш ўрнига унинг текстда мазкур номни инфодаловчи сўзларнинг биринчи ҳарфларигина келтирилади. Текстда тилга олинган бошқа мақолалар *курсив* билан берилади.

Редакция ўз фикрларини билдириб, луғат усткабундан кейин олиб бориладиган ишимизга ёрдам қилган китобхонларга миннатдорлик билдиради.



**АБАДИЙ ҲАҚИҚАТ** (Вечная истпна) — абсолют ҳақиқат маъноларидан бирни (*Абсолют ва нисбий ҳақиқат*). Илмий тадқиқот, одатда, нисбий ҳақиқатларни аниқлашга олиб келади, сўнгра улар ўзгариб, аниқ ва равшан бўлади. Бироқ бу ҳақиқатларда шундай элементлар ҳам бўладики, улар воқеликни тўғри акс эттиради ва илм-фанинг янада ривожланиши билан ўзгартмайди. Худди ана шулар абадий ҳақиқатлар деб аталади. Қатъий аниқланган айрим фактлар, аллақачон содир бўлган воқеалар ҳақидаги билимлар, мас., биринчи сунъий Ер йўлдошининг учирилиши, Л. Н. Толстойнинг вафот этганлиги ва шу кабилар ҳам абадий ҳақиқатлар жумласига киради. Бу хилдаги ҳақиқатлар ҳамиша эски гап бўлиб ва илмий билиш учун муҳим кимматта эга бўлмайди.

**АБСОЛИЮТ** (лат. *absolutus* — мутлақ, ўз-ўзича мавжуд) — идеалистик философияда ишлатиладиган тушунча бўлиб, маъноси — ҳеч нима билан чекланмаган, белгиланмаган, мустақил ва ўз-ўзича ҳаракат қўйувчи «моҳнат» демакдир. Масалан, Платонда бу — идеялардир, сколастларда — ҳеч нима билан чекланмаган, аммо бутун мавжудотни яратадиган худодир, Гегелда — оламий руҳ бўлиб, бу руҳ ўзининг диалектик ҳаракатида ҳамма нарсанинг табиат, инсоният тарихи, тафаккурнинг бирламчи манбаи бўлиб қолади. Ҳозирги вақтда А. тушунчасини позитивистик оқимлар ва экзистенциализм тарафдорлари танқид қўймоқдалар. Аммо марксча философия бу тушунчани чинакам илмий нуқтаи назардан танқид қиласди. Оддий тушунишда абсолют — шак-шубҳасиз, мутлақ, сўзсиз демакдир. Нисбий, чекланган, ўткинчи ва ш. к. унга қарама-қарши тушунчалардир.

**АБСОЛИЮТ ВА НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ** (Абсолютная и относительная истина) — билишнинг, объектив ҳақиқатга эришишининг диалектик характерини акс эттирувчи философик категорияядир. Инсонни қуршаб олган, инсон билиб олаётган ва ўзгартираётган олам ниҳоясиз ва битмас-туганмасдир. Макон ва замонда ўзининг ниҳоясизлиги жиҳатидан фақат коннотигина битмас-туганмас эмас, балки ҳар қандай моддий объект ҳам битмас-туганмасдир, чунки унинг бошқа предметлар билан алоқаси, муносабати ва ўзаро таъсири бениҳоядир, унинг структураси битмас-туганмас ва чексиз мурак-

кабдир. «Атом сингари, электрон ҳам битмас-туганмасдир, табиат ниҳоясиздир...» (Ленин). Шуниси ҳам борки, ҳар қандай предмет, ҳар қандай ҳодиса, бутун табиат сингари, узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб туради. Шу сабабли инсоннинг билиши барча табиат ҳодисаларини бирданга тушуниш ва изоҳлашга қодир бўлиш у ёқда турсин, ҳатто ҳар қандай айрим предметга ёки ҳодисага мутлақо тўла, тугал-тўқис изоҳ бернишга ҳам қодир эмасдир. Бу ҳам инсон билишининг тарихи характери натижасида содир бўлади. Айрим кишиларнинггина эмас, балки бутун-бутун авлодларнинг ҳам билиш имкониятларни тарихий шарт-шаронтлар билан ишлаб чиқариш, техника, илм-фан тараққиётининг эришилган дараражаси билан чекланган бўлади. Шу сабабли инсон билиши жараёнида бутун коннотни бирданга, охиригача тушуниб олишга ҳақиқатан қодир эмасдир; инсон коннотнинг баъзи умумий хусусиятларни очиш билан чекланган ҳолда ё айрим обьектларни, ёки уларнинг мажмумини характерловчи айрим томонларни, муносабатларни, қонуниятларни ўрганиш йўлидан бораверади. Бу йўлда инсоннинг билиши учун принцип нуқтаи назаридан ҳеч қандай тўснқ-тўғаноқ мавжуд эмас, пайдо бўлган қийинчилклар ва тўсиқларни ҳамиша енгис мумкин бўлади. Ҳар қандай ҳодисани, у нечоғлиқ муаммио бўлмасин, пировард натижада тушуниб олиш ва изоҳлаб бериш мумкиндири. Билиб бўлмайдиган нарса йўқ, фақат бугунчалик билиб олинмаган нарсалар бор, аммо ривожланиб бораётган инсоннят ва унинг илм-фани уларни эртага билиб олади. А. ва н. ҳ. ҳақидаги диалектика-материалистик таълимот ниҳоясиз ва битмас-туганмас табиатни билишининг худди ана шу мураккаб характерини очиб беради. Бу таълимот билиб олинган нарса билан илм-фан тараққиётни натижасида билиб олинадиган нарса ўртасидаги, билимларимиз мазмунинда тўғри бўлган ва бундан кейин ўзгармайдиган нарса билан муқаррар равишда аниқланадиган, ўзгартириладиган ёки рад этиладиган нарса ўртасидаги инсабатни ифодалайди. Ана шу жиҳатдан «абсолют ҳақиқат» ва «нисбий ҳақиқат» терминнларининг икки хил маъноси борлиги ҳақида сўзлаш мумкин. Биринчидан, абсолют ҳақиқат—бу тутун воқеъликни тўла, тугал-тўқис билиш демакдир, аммо амалий жиҳатдан бундай билишга эрниш мумкин эмас ва у фақат илмий билишининг маъсади сифатидагина майдонга чиқади; нисбий ҳақиқат—бу билимларимизнинг нотўлиқлиги, нотугаллигидир. Иккинчи томондан, теварак-атрофдаги оламнинг конкрет ҳодисаларини ва томонларини ўрганиб бориши жараёнида инсон тадқиқ қилинаётган обьектларнинг бирон-бир хусусиятларини тўғри акс эттирадиган ва илм-фанинг янада ривожланиши натижасида рад қилиб бўлмайдиган маълумотлар олиши мумкин. Билимларимизнинг ана шу тўғри элементларини ҳам абсолют ҳақиқатлар деб қараш мумкин. Воқеъликни ноаниқ акс эттирадиган ва бундан кейин ўзгартиш ёки аниқлаш мумкин

бүлдиган билимлар эса фақат нисбий ҳақиқатлардыр, холос. Мас., «дунё биносининг энг майда гиштчалари» — атомлар ҳақиқати, яъни модданинг энг сўнгги, ўзгармас ва бўлинмас варралари ҳақидаги антик замондан қолган таълимот узоқ вақтга ҳақиқат деб билинган эди ҳамда физика ва химиянинг мазкур гипотезадан чиқарган хуносалари маълум даражада экспериментал равиша тасдиқланган эди. Бироқ, бу хилдаги тасаввурларнинг ҳақиқатлиги нисбий бўлиб чиқди, илм-фанинг янада ривожланиши натижасида аниқландиди, атомлар бўлинар экан, улар мураккаб структурага эга экан, оламнинг физик картинасида «энг сўнгги» маълум моддий обьектлар сифатида уларнинг ўринин эгаллаган энг майда зарралар (элементар зарралар) эса ўзгариш ва бир-бирга айланиш қобилиятга молик экан. Лекин фанинг атомлар ҳақиқати илгариги тасаввурларида абсолют ҳақиқат элементлари ҳам бор эди, чунки улар бир жиҳатдан тўғри бўлиб чиқди: химиявий ўзгаришларда атомлар ҳақиқатан ҳам бўлинмасди. Шундай қилиб, диалектика материализм илмий ҳақиқатларнинг нисбий характеристини, билимларимизнинг хотугаллигини эътироф этади. Бироқ *релятивизм*-дан фарқли ўларо, диалектик материализм, бизнинг билимларимиз фақат нисбийdir, уларда њеч қандай абсолют ҳақиқат элеменatlари йўқdir, деб љисобламайди. «...Ийсон тафаккури ўз табигатига кўра бизга абсолют ҳақиқатни очиб бера олади ва бермоқда, бу абсолют ҳақиқат нисбий ҳақиқатлар мажмуидан таркиб топади. Илм-фан тараққиётидаги ҳар бир босқич абсолют ҳақиқатнинг бу мажмуига янги зарралар қўшади, лекин ҳар бир илмий қоиданинг ҳақиқат доираси нисбий бўлиб, билиминг янада ўсиб бориши билан гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб туради» (Ленин). Билимларимизнинг нисбийлигини, чекланганлигини таъкидлаш уларнинг дормаларга, ўлик, қотиб қолган схемаларга айланиб кетишига йўл қўймайди. Илмий назарияларда абсолют ҳақиқат элементларининг мавжудлиги бу назариялар қандайдир ўзбошимча, субъектив нарса эмаслигидан, бизнинг билишимиз обьектив оламнинг тобора аниқроқ, тобора чукурроқ инъикоси процессидан иборат эканингдан далолат беради.

**АБСТРАКТЛИК ВА КОНКРЕТЛИК** (лат. *abstractio* — узокла-шув, мавхумлик; *concretio* — қуоқлашув) — философик категориялар бўлиб, улар тараққиётнинг диалектик жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган турли моментларини ифодалайди. Абстракт предметнинг ривож топмаган ҳолати бўлиб, бу пайтда унинг ҳамма хоссалари, ҳусусиятлари ҳали батамом яққол очилмаган бўлади, конкретлик esa — предметнинг узвий бутунилгидан, унинг томонлари ва боғланышларининг бутун хилма-хиллигидан иборат. А. билан к. ўртасидаги фарқ нисбийдир. Конкрет бир бутун предмет, агар у уму-

мийроқ системанинг бир қисми деб қаралса, абстракт бўлиб чиқиши мумкин. Мас., биологик вужуд бўлған инсон — мураккаб структуралир. Бу структура функцияларининг ишоятда хилма-хиллиги, мураккаб биохимиявий процессларнинг мажмун билди характерланиди. Шу билан бирга инсон, агар у боғлиқ бўлган ижтимоний мунон-сабатлар нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, бунда унинг биологик табиити одамларда кўп жиҳатдан бир хилда бўлган абстракт томондан кўзга ташлапади. А. ва к. асосан предметлар ҳақидаги назарий билимни тавсифлаш учун хизмат қиласди. Абстракт деганда потўлиқ, бир ёқлама билим тушунилади. Бу билим конкрет предметларниң айрим томонларини, белгичаларини, аломатларини акс эттиради ва уларниң бошқа томонлари ва хусусиятларини назардан соқит қиласди. Бу эса предметларниң хусусиятларини соғ ҳолида олиб қараш ва уларниң ҳар қандай ўткинчи, тасодифий таъсиirlардан холи тасаввур этиш имкониятини туғдиради. Бироқ бунда предмет бўлакларга бўлинниб кетади, ўзи ниң бир бутунлигини, томонлариниң ички беғланишини йўқотади. Ваҳоланки, билиш конкрет бўлгандагина, воқеликдаги предметлар ва ҳодисаларни «уларнинг жонли ҳаётida», улар томонлариниң яхлит бирлигига очиб берган тақдирдагина у ҳақиқатдир. Бундай конкрет билим бирданнiga қўлга киритилмайди. Бу билим фикр ҳаракатининг предметни бир томонлама, абстракт аниқлашлардан тобора мураккаброқ, диалектик зидма-эид аниқлашларга қараб бориши натижасидир. Фикр ҳаракатининг бу процессиши абстрактликдан конкреттика қараб юқорилаб бориш деб атайдилар. Бу процессли биринчи бўлиб умумий тарзда Гегель тасвирлаган бўлса-да, лекин уни идеалистик формада, конкрет предметларниң ўзини бу процессда фикр вужудга келтиради, түғдирди деб кўрсатган эди. Ҳақиқатда эса конкрет яхлит тарзда бу предметлар ҳар қандай билишдан олдин мавжуддир, абстрактликдан конкреттика қараб юқорилаб бориш йўлидаги тафаккурда эса улар руҳан, фикран ҳосил қилинади, тасаввур этилади. «Конкретлик шунинг учун конкретки, у кўп аниқлашларниң синтезидан, демак, хилм-хиллик бирлигидан иборатдир. Бинобарин, тафаккурда у бошлангич нуқта тарзида эмас, балки синтез тарзида, натижа тарзида юз беради, аммо, аслини суриштирганда у ҳақиқий бошлангич нуқтадан ва, бунинг натижасида, мушоҳада ва тасаввурнинг бошлангич нуқтасидан ҳам иборатдир» (Маркс). Предметни фикрда жонли бир бутун тарзида тасаввур этиш унинг айрим томонларини акс эттируви абстракцияларни жамлаш, санаб чиқиши деган маънои билдирамайди. Бу процессда уларниң бир ёқламалиги, яккаланганлиги бартараф этилади ва улар шундай бир изчилликда жойлаштириладики, бу изчиллик предметнинг ўзидаги томонларниң ички боғланишини ва унинг тараққиёт процессини акс эттиради. Абстрактликдан конкрет-

ликка қараб юқорилаб боришинг илмий методини биринчи бұлыб Маркс капиталистик жамиятни анализ қылғанда татбиқ этди. У анализни капиталистик ишлаб чиқариш усулі учун характереллі бұлған энг оддий, абстракт муносабатдан, яғни товарларни айр-бошлашада ве уларнинг қыйматидан бошлади. Маркс ана шу ибтидоий «иқтисодий ұжайрача»дан бошлаб, пул, капитал, құ-шымча қыймат, фойда, ишлаб чиқариш бағоси, рента ва ш. к. кате-горияларда ифодаланған мұраккаброқ иқтисодий болганишларға үтди ва шу тариқа капитализм ишлаб чиқариш муносабатларининг бутун системасини қадам-бақадам очиб ташлади, «бутун капиталистик ижтимоий формацияның онин тарзда» (Ленин) күрсатыб берди. Шу билан бирға капитализм ривожланыпты яхлит организм тарзда ҳам, яғни унинг пайдо бұлши, ривожланиши ва муқар-рар ҳалок бұлни процессида күрсатыб берилған эди. Предметни абстрактлікден конкретлікке қараб юқорилаб бориши методи билан тасаввур қилиншда хилма-хил усуллар құлланылады: абстракцияниян түрли формалари (*Абстракция*), анализ *ва синтез*, *тарихий* *ва мантикий* ва ш. к. формалар татбік этилади. Бунда билим биргина тафаккур доирасыда қолмайды. Бунда билиш әмпирик кузатиш материалдан фойдаланыши, реал фактларга, практикага донмо мурожаат қылған түрлерде лозим, бусыс предметтің конкрет яхлит тарзда түрі манзарасини ҳосил қилиш мүмкін әмас.

**АБСТРАКЦИЯ** (лат. *abstractio* — узоқлашув, мавдұмлек) — предметтің баъзи хусусиятлары ва болганишларини фикран ажра-тиш ҳамда унинг бошқа хусусиятлары ва болганишларини назар-дан соқыт қилиш процессы. Ана шу процесс натижасыда ҳосил қилинган түшүнчә ҳам А. деб аталағи. А. әрдамы билан ажратылған хусусиятларни биз үз-үзлигінча, фақат бошқа хусусиятлардан-гина әмас, балки шу хусусиятларнинг әгаси бұлміш предметларнинг үзіндегі ҳам ажратылған ҳолда фикр қиласыз. Илм-фандада құлла-ниладиган күпдан-күп түшүнчалар: миқдор, теңзик, қиймат, иссиқ-лик ва ҳ. к. ана шу тарзда пайдо бұлади. Дағыттан қараганда А. да биз предмет ва ҳодисалардан четлашамыз, узоқлашамыз. Ҳақиқатда эса бундай узоқлашув мазкур предмет ва ҳодисалар-нинг табнатига чүкүрроқ кириш имкониятini беради. Ҳиссий мұ-шоҳада фақаттана тафовутларни күрган жойда А. түрли конкрет предметлар учын умумий бұлған белгиларни ажратып күрсатыш имконосты беради. Фанда татбиқ этиладиган түшүнчалар — «қис-қартишлардан» иборат бўліб, бу қисқартишларда биз, уларнинг умумий хусусиятларига мурофиқ равиша: «күнгина түрлича ҳис-сий тасаввур қилинадиган нарсаларни қамрап оламиз» (Энгельс). А. түрлича құшымча таъсирлардан йироқлашган ҳолда, предмет-ларнинг асосий, мұдым белгиларини ажратиб олиб, «соф ҳолида» қараб чиқиш ва, шундай қылған, уларнинг ривожланиш қонуният-

ларини аниқлаш имкониятини беради. Абстракцияларда буюмларнинг айрим томонларн қайд қилинбгина қолнимайди, фикр ҳарекати жараёнида улар предметларни тұла бутунлигича, конкретлича тасаввур қилишга ёрдамлашади (*Абстрактлик ва конкретлик*). Тафаккурнинг абстракциялаш фаолияти инсонда ижтимоий практика жараёнида, мәжнатда ташкил топди. Инсон предметта таъсир күрсатғанда уни бошқа предметлардан ажратади, уни объектив хусусиятларига мувофиқ қысмаларга бўлади. Инсон бу ишларни фикран бажариши, нарсаларнинг муҳим белгиларини мияга жо қилишини аста-секин ўрганиб олди. Амалий фаолият мураккаблашиб, кенгайиб борган сарн инсоннинг абстракциялаш қобилияти ҳам такомиллашиб боради. Практика эҳтиёжлари пиравард натижада турли фанлар бирон-бир абстракцияларни вужудга келтириб, предметларнинг ва ҳодисаларнинг кўпдан-кўп хусусиятларидан қайсиларини ажратиб кўрсатишни аниқлаб беради. Чунончи, геометрия жисмларнинг ташқи фазовий формалари ва муносабатларини ўрганади, химия эса моддаларнинг ички структурасига, уларнинг бир-бирларига айланиш процессларига кириб боради, сиёсий иқтисад эътиборни одамларнинг ишлаб чиқариш муносабатларига, уларнинг ишлаб чиқарыш воситаларига бўлган муносабатларига қаратади, психология эса диққатни одамлар онгининг хусусиятларига, психик фаолиятига ва ш. к. жалб этади. Практика шунингдек нарсаларнинг объектив хусусиятлари ва муносабатлари илм-фан тушунчаларида қанчалик тўғри акс этишини ҳам аниқлашга имкон беради. А. нинг табиати ва келиб чиқишини диалектика-материалистик тушуниш идеалистик тушунишга қарама-қаршидир. Ҳозирги замон идеалистик философияси (мас., *неолозитизм*) А. ни амалий фаолиятдан ҳам, нарсаларнинг ўзидан ҳам бутунлай ажратиб қўяди, уни фақат ўзбошимча фикрий фаолиятнинг маҳсулни деб қарайди. Бу хил тушуннинда А., аслда, ўзининг билим бериш қимматини йўқотади, ташқи олам предметлари ва ҳодисаларининг моҳиятига кириш учун муҳим қурол бўлмай қолади.

**АГНОСТИЦИЗМ** (грек. *agnostos* — билиб бўлмайдиган) — таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра, инсон нарсаларнинг моҳиятини билишга, улар ҳақида аниқ билимга эга бўлишга қодир эмасдири. «А.» терминини инглиз олими Гексли жорний этган. Философия тарихида Юм ва Кант А. нинг классик вакилларилир. Юмнинг фикрича, инсон фақат ўз сеэгилари билан иш кўради, шунинг учун у ташқи олам тўғрисинда: унинг ҳақиқатда бор-йўқлигини ҳам, унинг қандайлигини ҳам асло билолмайди. Кант, гарчун нарсаларнинг объектив мавжудлигини эътироф этса-да, лекин уларнинг моҳиятини билиш мумкин эмас деб ҳисобларди (*«Нарса ўзида»*). Унинг фикрича, инсон фаросат ва ақл ёрдами билан фақат ҳодиғаларни (феноменларни) билишга қодирдир. Шу билан бирга

нарсаларнинг бизга қандай кўрининиши, уларни биз қандай кўришмиз, Кантнинг фикрича, нарсаларнинг ўз хоссалари билан эмас, балки бизнинг билишимиз формаларининг хусусиятлари билан белгиланади. А. империализм давридаги буржуа философиясида кенг ёйилди. У неокантчилик, неопозитивизм, прагматизм, экзистенциализм ва шу каби философия оқимларга бирон-бир тарзда хосдир. А. бунда, мас., билишини фақат бевосита тажрибада, илмий экспериментда ҳосил қилинган нарсаларни (ва лекин субъектнинг тасаввурлари, фикрлари, тили доирасидан ташқари чиқмайдиган нарсаларни) ёки «экзистенциал тарзда» ҳосил қилинган, яъни инсоннинг мавжудлиги нуқтаи назаридангина англаш мумкин бўлган нарсаларни тадқиқ қилишдан иборат қилиб қўйишга уринишларда намоён бўлади. Қолган ҳаммаси бемаъни ақл сотиш, «метафизика» деб эълон қилинади. Аслини олганда, ҳозирги замон агностиклари фанни гипотезаларни илгари суриш, ҳукуқидан сиртқи фактлар билан чегараланмай, нарсаларнинг ичкарисига чуқур кирувчи назарияларни ишлаб чиқиш ҳукуқидан маҳрум қилишга уринмоқдалар. Агностиклар, инсон олам ҳақида тўла, тугал билимга эга эмас, унинг билими, тараққиётнинг маълум босқичидаги билимлари чеклангандир (улар, мас., ишлаб чиқариш тараққиётининг даражаси тақозосига боғлиқдир), деган фактни мутлақ қилиб қўядилар, ҳаддан ташқари бўрттирадилар. А. негизида моҳият билан ҳодисанинг ўртасидаги алоқадорликни инкор қилиш ҳам бор. А., предметнинг моҳияти юзада турмайди, ҳодиса билан мос келмайди, деган фактни асос қилиб олиб, улар ўртасида ўтиб бўлмас жар қазиди. Илм-фан ғоят катта ютуқларга эга бўлган ҳозирги даврда А. нинг тарқалиши сабаблари тўғрисида сўзлагинда, унга реакцион синфларнинг идеологлари томонидан кўрсатилаётган ёрдамни унутмаслик керак, чунки реакцион синфларнинг идеологлари омманинг ижтимоий тараққиёт истиқболлари тўғрисида аниқ билимларга эга бўлишидан манфаатдор эмасдиirlар. А. ақл-идрок, илм-фан кучига шубҳа туғдириш билан диний эътиқод учун ўрин ҳозирлаб беради, диннинг ўзига хос бир таяничи бўлиб хизмат қиласди. А. га бериладиган энг қатъий раддия одамларнинг амалий фаолиятидир. Инсон теварак-атрофидаги предметларга таъсир кўрсатганда уларнинг моҳиятига киради, улар ҳақида аниқ билимлар олади. «Агар биз табиатнинг муайян бир ҳодисаси ҳақидаги тушунчамизнинг тўғри эканлнгини бу ҳодисани ўзимиз вужудга келтиришимиз, бу ҳодисани унинг ўз шароитидан юзага чиқаришимиз ва, бунинг устига, уни ўз мақсадларимизга хизмат қилишга мажбур этишимиз билан исбот қилас эканмиз, у вақтда Кантнинг пайқаб бўлмайдиган «нарса ўзида»сининг умри тугайди» (Энгельс).

**АЙРИМЛИК, УМУМИЙЛИК, ХУСУСИЙЛИК** (Единичное, всеобщее, особенное) — предметнинг диалектик тарзда ўзаро алоқадор

характеристикалари бўлиб, улар мазкур предметнинг бошқа предметларга бўлган муносабатларининг турли формаларини ифодайди. Айримлик предметнинг сифат муайянлигини, унинг индивидуаллигини, ўзига хослигини, маконий ва замонавий аниқлигини ва шу каби хоссаларини кўрсатади. Фақат икки предмет, ҳодисани бир-бираiga таққослаб, улардан ҳар бирининг ўзига хослигини аниқлаш, айримликни пайкаш мумкин. Умумийлик, биринчидан, ҳамма ҳодисаларда тақоролаюнадиган баъзи хусусиятларни, айни бир туркумдаги предметларга хос бўлган белгини ифодайди (абстракт-умумийлик); иккинчидан, барча айрим ҳодисаларининг мавжудлиги ва рибожланиш қонунини ифодайди (конкрет-умумийлик). Абстракт-умумийлик предметнинг моҳиятини акс эттирамайди. Фақат конкрет-умумийлик хусусијликнинг, индивидуалликнинг, айримликнинг бутун бой мазмунини ўзида гавдалантиради; у ҳодисаларнинг хилма-хиллигини бирор тарздаги бирликка боялайдиган қонунда мавжуддир ва уни предметнинг ўзаро муносабатларининг ривож топган системасида аниқлаб олиш мумкиндиr. Айримлик аниқлаб олиниадиган иккى предмет ўртасидаги муносабат — муносабатларнинг мазкур ривож топган системасининг бир моментидир. Шунинг ўзи билан айримлик умумийликнинг воқеликда мавжуд бўлишиният зарур формаси сифатида намоён бўлади. Шу сабабдан айримлик билан умумийлик диаглектик тарзда ўзаро алоқадор бўлиб, ўзаро бир-бираiga ўтиб туради. «...Айримлик умумийликка олиб борадиган алоқадорликдан бошқача тарзда мавжуд бўлмайди... умумийликка нотуллик равишда доҳил бўлади ва ҳоказо ва ҳоказо... Ҳар қандай айримлик бошқа хилдаги айримликлар билан (нарсалар, ҳодисалар, процесслар ва шу кабилар билан) мингларча ўтишлар орқали боғлиқдир» (Ленин). Чунончи, Петровнинг ўзига хослигини аниқламоқ учун уни Иванов билан таққослаб кўрмоқ керак. Мазкур иккى кишини таққослаб кўргандагина улардан ҳар бирининг индивидуаллигини билиш мумкин. Улар ўртасидаги умумийликни топмоқ учун эса энди иккى кишини таққослаб кўриш билан чекланиб бўлмайди, уларни энди алоқаларининг кенгроқ система-сига киритмоқ керак. Уларни таққослаганда одамлар ўртасидаги умумийликни уларга хос бўлган белгига қараб, мас., қулоғнинг юмшоқ тугмачаси каби, одамларга, фақат одамларга хос белгига қараб билиш мумкин. Лекин бу одамнинг моҳиятини ифодаламайдиган абстракт-умумий белгиdir. Одам кишилар ўртасидаги муносабатлар системасида олиб қарапган чоқдагина чинакам умумий хусусиятни топиш мумкин. Марксизм инсоннинг моҳиятини ижтимоий муносабатлар мажмуудидан иборат, деб таърифлаганида худдиана шу ҳолни таъкидлаб кўрсатади. Бунда ижтимоий муносабатлар системаси қонун сифатида, ҳар бир одамда ифодаланадиган, айримлика гавдаланадиган конкрет-умумийлик сифатида намоён

бұлады. Айрымлік билан конкрет-умумиілкінің биrlігінің худдық құсуемілік ифодалайты. Хусусийлікка индивидуал хусусияттар билан үмумій белгилар бир бутун бўлиб бирлашады. Хусусийлік айрым-айрым ҳодисаларда юз берадиган умумиілкідан бошқа нараса әмасдир, у үзининг реал шарт-шароитлари ва мавжудлик формалари билан бир бутун бўлган қонундир. Чунончи, инсон үзининг бутун индивидуаллігіда умумиілкін намоён қиласы, хусусийлік тарзда майдонга чиқиб ижтимоий тараққиёттің қўлга киритилган даражасини ифодалайди. Илмий билиш айрымлікдан абстракт-умумиілкі, ундан эса конкрет-умумиілкіка ва фақат шундан кейингина хусусийлікка қараб юқори lab бориш йўли билан предметни унинг бутун ранг-барангларига, унинг томонлари, алоқалари, мунсабатларнинг бой мазмуниди қайтадан ҳосил қиласы.

### **АКСИОЛОГИЯ — қ. Қимматдорлар.**

**АКСИОМАТИК МЕТОД** (грек *акиома* — қабул қилинган көнда) — илмий назарияларнинг дедуктив холосалар чиқариш (*Дедукция*) ёрдамида ташкил топиши усулларидан бири. Аксиоматик тарзда тузилган назариянинг асосини аксиомалар, яъни исботсиз қабул қилинадиган гаплар ташкил этади, шу билан бирга уларга кирувчи тушунчаларга мазкур назария доирасида мутлақо таъриф берилмайди. Назариянинг бешкә ҳамма гапларни мазкур назарияда йўл қўшиш мумкин бўлган холоса чиқариш қоидалари ва таърифлаш қоидалари асосида аксиомалардан холоса қилиб чиқарилади (яъни исботланади). Бундай қоидалар системасини *формал логика* беради. Шундай қилиб, бирон-бир назарияни аксиомалаштириш лозим бўлган тақдирда, биринчидан, логиканинг бундан кейин фойдаланиладиган қонунларни аниқламоқ зарур, иккинчидан, аксиомаларни танлаб олмоқ зарур ва, учинчидан, холоса чиқариш қоидалари асосида аксиомалардан мазкур назариянинг қолган ҳамма ҳақиқий фикрларнин холоса қилиб чиқармоқ зарур. А. м. ҳақидаги дастлабки тасаввурлар Қадимги Грецияда пайдо бўлди (Аристотель, Эвклид) ва үзининг узоқ тарихи давомида бу тасаввурлар анча ўзгарди. Узоқ вақтгача аксиомалаштириш амалга оширилганда яққол, яъни ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган аксиомаларни танлаб олиш талаб қилинарди. 19-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, математиканың *математик логиканынг* жадал ривожланиб кетгандығы натижасида аксиоматик назария олдига бошқа талаблар қўя бошладилар. Бу назария зиддиятли бўлмаслиги керак, яъни шундай назария бўлиши керакки, унда байзи гапни (фикрни, далалини) ва унинг инкорини айни бир вақтда исботлаш мумкин бўлмасин. Бу назария тўлиқ бўлиши, яъни объектларнинг муайян системасини тасвирловчи барча ҳақиқий гапларни ва ш. к. ўз ичига олган бўлиши лозим. Аксиоматик назария ҳозирги вақтда фақат холосасини дедуктив техникасидан фойдаланувчи ҳамда

муайяя синтактик ва семантик талабларни бажарувчи маҳсус формаллаштирилган тил (белгилар системаси) тарзида тушунлади; бундай тил уни қаноатлантирадиган кўпдан-кўп объектларнинг ҳар қандайини тасвирлайди. Аксномалаштириш фақат илмий билим тузишининг эҳтимол тутилган методларидан биридир, холос. Барча билимларни ўз ичига оладиган аксиоматик система тузиш мумкин эмаслиги исбот этилган: фақат илмий билимнинг нисбатан кичикроқ бўлинмалари аксиоматик назарияларини тузиш мумкин. Бундай назариялардан ҳозирги замон фанида кенг фойдаланилмоқда, улар илмий билишни қатъйи суратда мунтазам тузиш мақсадига хизмат қилмоқдалар, унинг барча асосий фикрларини ифодалаб бермоқдалар, унинг барча натижаларини қатъий суратда қўлга киритмоқдалар ва ҳоказо. А. м. дан табий илмий билимда фойдаланилганда, у гипотеза-дедуктив формада юзага чиқади. Бундай ҳолда назария А. м. принципларига мувофиқ равишда тузилади ва, бундан ташқари, назарий системага кирувчи тушунчалар ва гапларни эмпирик (тажриба) йўл билан текшириш имконияти туғилади. Бу текшириш назариянинг бирон-бир терминларини (гапларни) эмпирик тарзда кузатиладиган фактлар билан боғловчи фикрларни маҳсус равишда жамлаштириш ёрдами билан амалга оширилади. Натижада назарий система гапларининг бир қисми бевосита эмпирик текширишдан ўтади, қолганлари эса бавосита, уларнинг дастлабки гаплар билан боғланиши орқали текширишдан ўтади. Гипотеза-дедуктив метод принциплари ҳозирги вақтда кўпгина илмий назарияларни (физика, биология, психология, социология, лингвистика ва шу кабиларнинг айрим бўлинмаларини тузишда) кенг қўлланилмоқда.

**АКЦИДЕНЦИЯ** (лат. *accidens* — тасодиф) — термин; борлиқнинг ўзгармас ва абадий моҳиятини излаган философлар (Аристотелдан бошлаб) нарсалардаги ҳамма ўзгарувчи ва ўткинчи холларни ана шу термин билан белгилаганлар. А. ни улар муҳим бўлган, ҳодисалар оқнамида ўзгармай қоладиган моҳият сифатида субстанцияга қарама-қарши қилиб қўйганлар. Бундай қарама-қарши қилиб қўйиш диалектик материализмга ётдир. Нарсаларнинг хоссалари гарчи бир хилда бўлмаса-да (баъзилари кўпроқ барқарор, муҳим бўлиб, бошқалари кўпроқ ҳаракатчаи, тасодифийдир) улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг ҳаммаси ўзгариб туради, ҳодисаларнинг ҳеч қандай ўзгармас негизи йўқдир. Шунинг учун «А.» термини марксистик философияда қўлланилмайди.

**АЛГОРИТМ (АЛГОРИФМ)** — математика ва математик логиканинг энг муҳим тушучаларидан бири. А. маълум бир туркумга доир масалаларни ечишда қўлланиладиган амаллар ёки операцияларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоидани билдиради; А. ўз ҳарактерига кўра, формалдир. Қўшув, айрув;

күпайтирув ва ш. к. арифметик қоидалар А. нинг энг оддий мисоллари. Ҳозирги замон математикасида алгоритмлар назариясидан иборат маҳсус фан яратилган. Бу фаннинг вазифаси А. тушунчасини аниқлаш, А. типларини туркумларга бўлиш ва улар ўртасидаги нисбатларни белгилаштир. Қўп проблемаларни тадқиқ қилишда А. тушунчаси кенг қўлланилади: биз бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш алгоритми ҳақида, инсон фаолиятининг алгоритми ва шу кабилар ҳақида сўзлаймиз. Алгоритмлар назариясининг жадаллик билан ишлаб чиқилаётганлиги кўп дараражада кибернетиканинг ривожига, инсон тафаккурининг моделлаштирилувига боғлиқдир.

**АЛОҚА** (связь) — алоқадорлик, боғланиш, боғли бўлиш — бу тушунча шундай бир фактни ифодалайдики, бир ҳодиса иккинчи ҳодисага муайян даражада боғли бўлган, бўйсунган ҳолда мавжуд бўлади (ёки ривожланади). Бундай боғли бўлиш, бўйсуниш ё бир ёқлама, ёки икки ёқлама бўлади. Бир ёқлама бўлганда белгиловчи ҳодиса одатда вақт жиҳатдан белгиланувчи ҳодисадан олдин бўлади (мас., ота-она билан болалар ўртасидаги алоқа); икки ёқлама бўлганда алоқа ҳам тўғридан-тўғри, ҳам қайтарма тарзида бўлади, яъни боғли бўлган ҳар иккала ҳодиса ўзаро бир-бирини белгилайди, аммо шуниси ҳам борки, бунда улардан бирни етакчи роль ўйнаши ҳам мумкин. Бундай ўзаро алоқага жамият ҳаётидаги ишлабчиқариш ва истеъмол, ҳайвонлар ва ўсимликлар эволюциясида ирсият ва ўзгарувчалик мисол бўлиши мумкин. Ҳозирги замон фанида алоқаларнинг турли типлари борлиги кўрсатилади, аммо уларнинг ягона бир таснифоти ҳозирча яратилган эмас. Ҳозирги замонда қабул қилинган таснифотлардан бирни мөддий, энергетик ва информацион алоқаларга ажратишига асосланади. Фан энг кўп ҳолларда сабаб-натижага алоқалари билан иш кўриди (*Сабаб ва натижажа*). Тараққиёт процессларини тадқиқ қилиганда ривожланиш алоқаларини ёки генетик алоқаларни аниқлаш асосий адамиятига эгадир; бу алоқалар одатда ривожланётган съектнинг бир неча кетма-кет келувчи ҳолатларини таққослаб кўриш йўли билан аниқланади. Айрим фанлар функционал ва структур алоқаларни маҳсус равиша қараб чиқадилар (*Структура ва функция*). Билиш назариясида объектга хос алоқалар билан формал алоқаларни, яъни фақат тафаккурда мавжуди бўлиб, объектнинг ўзида тўғридан-тўғри, бевосита мувофиғи бўлмаган алоқаларни бир-биридан фарқ қилиб қараш муҳим аҳамиятга эгадир.

**АНАЛИЗ ВА СИНТЕЗ** (грек. *analysis* — ажратиш, бўлиш ва *synthesis* — қўшиш, бирлаштириш) — амалий равиша ёки фикран будунни қисмларга ажратиш ёки қисмларни, қайтадан қўшиб бутун

хосил қилиш (*Кисм ва бутун*) процесслари. Синтезлаш ва анализлаш фаолияти инсоннинг амалий ва ишлаб чиқариш фаолияти асосида тарихан шаклланиб, ривожланиб борган. Инсон тушунчалар ёрдамида А. ва с. операцияларини фикран бажарышни ўрганишдан олдин миллиард мартараб амалий равишда бутунни қисмларга ажратган ва қисмларни қўшиб бутун ҳосил қиласган. Анализ обьектларни тадқиқ этишининг шундай бир усулидирики, бу усул бутундан айрим қисмларни ажратиб олиб, уларни мустақил равишда ўрганишга имкон беради. Модомики бунда айрим қисмлар уларнинг боғланишларидан, бошқа қисмлар билан ва яхлит бутун билан ўзаро таъсиридан узиб олинар экан, демак, абстракт, нотўлиқ, бир ёқлама таърифлар ҳосил бўлади. Бироқ, анализ — бутуннинг билишнинг зарур босқичидир. Ў бутуннинг айрим қисмларини ўрганиш, барча қисмлар учун умумий бўлган муносабатларин очиб бериш ва шу билан бутун обьектнинг (бутуннинг) пайдо бўлиш ва ривожланиш хусусиятларини англаб олишга имкон беради. Мураккаб, ривож топган обьект ўз қисмларининг жамидан иборат бўлиб чиқмаганилиги сабабли, уни тафаккурда ўзаро алоқадорликларининг тўлалигича қайтадан ҳосил қилиш учун бошига методни — синтезни қўйлаш зарур бўлади. Синтез йўли билан бутун тафаккурда «кўпдан-кўп» аниқлашлар ва муносабатлар билан яхлит» тарзда (Маркс), конкрет бутун тарзда қайтадан ҳосил қилинади. Шу сабабли, аслини айтганда, А. ва с. билишнинг атиги бир-бирини тўлдирувчи, бир-бири кетидан борувчи айрим босқичлари эмасди; ҳар бир босқичда улар чамбарчас боғлиқ бўлиб, қисмларнинг бутун билан алоқадорлигини акс эттиради, бинобарни, уларни бир-бирипсиз самарали равишда амалга ошириб бўлмайди. Чунончи, анализ қиласганда биз предметда уни бутуннинг қисми қилиб қўядиган хоссаларни ажратамиз ва бунда, гарчи умумий (дастлабки) тарзда бўлса-да, бутун ҳақидағи синтетик тасаввурга асосланамиз, синтез қиласганда эса биз бутунни ўзаро муайян тарзда боғланган қисмлардан иборат деб англаймиз. Шу туфайли билиш жараённанда синтез анализ орқали, анализ эса синтез орқали амалга оширилади. «...Тафаккур қанчалик онг предметларини уларнинг ўз элементларига парчаланишидан иборат бўлса, бу бир-бирига боғли бўлган элементларнинг шунчалик бирон бирликка биркувидан ҳам иборатдир. Аналисиз синтез бўлмайди» (Энгельс). Реал билиш фаолиятида А. ва с. бошқа фикрий операциялар билан: абстракциялаш, умумлаш ва ҳ. к. операциялари билан маҳкам боғлиқдир.

**АНАЛОГИЯ** (грек. analogia — ўхшашилик, мослиқ) — оддий маънода предметлар ўтасида бирон жиҳатдан ўхшашилик. Предметларни тадқиқ қилишининг муайян методи, билимимизни кенгайтириш воситаси ҳам шу термин билан белгиланади. Предмет-

ларнинг қандайдир белгилар билан ўхшашлигини пайкарач, биз уларнинг баъзи бошқа белгилар билан ҳам ўхшашлиги ҳақида ху-  
лоса чиқара оламиз. Бу хулоса А. бўйича хулоса чиқариш деб  
аталади. У бир предмет хақида олинган билимларни бошқа пред-  
метга кўчиришга имкон беради. Билимни бундай кўчириш кўпин-  
ча эҳтиомлликка асосланган ҳолда қисман тўғридири, чунки пред-  
метлар ўртасидаги ўхшашлик нотулиқ бўлиб чиқиши мумкин. Биз,  
предметлар баъзи умумий хоссаларга эгадир, деган фикрга асос-  
ланниб, ҳамма вақт ҳам, уларнинг бошқа белгилари ҳам умумийдир.  
деган гапни мутлақ ишонч билан айтольмаймиз. Mac., Ньютон ёнув-  
чан жисмлар катта ёруғлик синдириш қобилиятига эга эканлигини  
пайкарач, олмас ёнувчан мoddадир, чунки олмас ёруғликни кучли  
равишда синдириди, деган хулосани чиқарган. Бу хулоса тўғри. Ле-  
кин бу хулосанинг тўғри бўлмаслиги ҳам мумкин эди: сабабки,  
кучли равиша ёруғлик синдириш қобилиятига эга бўлган ёнмай-  
диган минераллар ҳам бор. Агар предметлар ўртасида ўхшашлик  
ташки белгилар билан эмас, балки муҳим белгилар билан аниқ-  
ланса, у вақтда А. бўйича чиқариладиган хулосанинг ишончли  
эканлиги кучайди. Ҳодисалар ўртасида уларнинг моҳиятига (та-  
биатига) кўра бундай ўхшашлик баъзи ҳодисаларни ўрганганда  
ишлиатиладиган методларни бошқа ҳодисаларга кўчириш имкония-  
тини беради. Бу нарса А. ни самаралироқ қўймоқда. Mac., 17- аср-  
даёқ Гюйгенс томонидан товуш ҳодисалари билан ёруғлик ҳодиса-  
лари ўртасида аниқланган А. ана шундай. Гарчи бу А. ёруғлик  
табиатини охиригача очиб бермаган бўлсада, бироқ тўлқинланниш  
процессларини ўрганиш методлари ёрдамида кўпигина ёруғлик ҳо-  
дисаларни (ёруғлик интерференцияси, дифракцияси, қутбланиши)  
изоҳлаб беришга муваффақ бўлинди. Фанда кўпинча баъзи мурак-  
каброқ масалаларни бошқа оддийроқ масалалар ёрдами билан  
ечишга, баъзи ҳодисаларда юз берадиган процессларни, агар улар-  
ни бевосига тадқиқ қилиш имкони бўлмаса, бошқа ҳодисаларда  
ўргапишга тўғри келади ва хоказо. Бундай ҳолларда кўпинча А.  
га мурожаат қилинади. Шу сабабдан у ҳозирги замон итм-фанида  
кенг қўлланилаётган модельлаштирув методи билан маҳкам боғлиқ-  
дир. Бу метод асосланадиган ўхшашлик назарияси А. юзасидан  
чиқарилган хулосаларнинг ишонарли бўлишини кучайтириш усу-  
ларини ўрганади, бу хулосалар ишонарли бўлиб чиқадиган шаронт-  
ларни очиб кўрсатади. А. юзасидан қилинган муҳокама ҳамма  
вақт ҳам тўла ишонарли хулосани беравермайди, деган фикрга  
асосланниб, кўпинча. А. нинг катта исбот қилувчилик кучи йўқ,  
таққослаш — исботлаш эмасди. деган гапларни айтадилар. Албат-  
та, А. бирон-бир қоиданинг ~~такъдимоти~~ «еки» елғонлигини исботлаш-  
нинг бирдан-бир асоси эмасдир. ~~Эндижон худоқаслари~~ ундан кейинги  
тадқиқотлар билан асослаб бериладиги лозим... Шу билан бирга А.

Күп холларда қимматли илмий таҳминлар, фаразлар учун, гипотезаларни олға сурыш учун асос бўлиб хизмат қиласдики, бусиз итманинг ривожланиши мумкин эмас. А. юзасидан чиқарилган хуносалар бир неча бор муҳим илмий кашфиётлар қилиншига сабаб бўлди. А. илмий тафаккур формалари, усуллари системасига қўшилганда, у назариялар тузишининг ноёб қуроли, уларни татбиқ этиш чегараларини аниқлаш воситаси бўлиб чиқади.

**АНАРХИЗМ** (грек. αραγχία — бебошлик, ҳокимиятсизлик) — майда буржуа социал-сиёсий оқими бўлиб, бу оқим давлат ҳокимиятини, жамиятнинг ҳар қандай сиёсий ташкилотини инкор қиласди. Сиёсатда А. «тўғридан-тўғри ҳаракат қилиш» деган авантюристик тактикани ва дарҳол революция қилиш талабини билдиради. Аҳолининг капитал шафқатсиз эксплуатация қилаётган майдага буржуа қатламлари (майдага савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлар) А. нинг социал негизи бўлиб хизмат қиласди. Капитализм томонидан ҳаётнинг одатдаги йўлидан суриб чиқарилган ва суриб чиқарилаётган барча бу қатламларнинг довдираб қолиши, уларнинг системали, таъкилий синфий курашга қодир эмаслиги худди А. идеологиясини акс эттиради. А. 19-асрнинг ўргаталарида пайдо бўлди. Штирнер, Прудон, Бакунин унинг асосчилариdir. Ишчилар ҳаракатида марксизмнинг обруй-этибори ошиб бораётганлиги муносабати билан Париж Коммунасидан кейин коммунистик А. деган оқим (Кропоткин, Реклю, Грав ва бошқалар) пайдо бўлди. 19-асрнинг охирлари ва 20-асрнинг бошларида анархо-синдикализм вужудга келиб, бу оқим касаба союзларини (синдикатларни) ишчиларни бирлаштиришинг бирдан-бир формаси деб қарайди ва сиёсий партия тузиш зарурлигини инкор қиласди. А. нинг назарий негизи — субъективизмдан, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини инкор этишдан, индивидуализмни тарғиб қилишдан иборат. Анархистлар янги жамият учун курашда мутлақо зарур бўлган пролетарча интизом ва ўюшқоқликнинг душманларидир, улар пролетар партиясининг раҳбарлик ролини инкор қиласдилар. Анархистларнинг тасаввурicha, революция — ижтимоий ҳаётнинг барча мавжуд формаларини вайрон қилиб ташлаш, инсоният жамғарган моддий ва маънабий бойликлардан воз кечиш демақдир. Марксистлар социализмни ривожланган йирик ишлаб чиқариш билан боғлайдилар; анархистларнинг юксак foя-мақсади эса, одатда, майдага ишлабчиқариш реакцион хаёлпаратлигидан иборатdir. А.-нинг барча оқимлари учун шу нарса ҳарактерлики, улар давлатни мутлақо зарарли деб тасаввур қиласдилар. Майдага буржуазиянинг катта мулкдорлар манфаатини қўриқловчи буржуа давлатига бўлган нафратини А. ҳар қандай давлаттаға кўчиради, ҳар қандай давлат ҳокимиятини, шу жумладан профетариат диктатурасини ҳам инкор этади. Ишчилар ҳаракасида анархистлик foяларни асосан майдага

бүржүа тибақалари көп бўлган мамлакатларда ёйилди. Капиталистик мамлакатлардаги студентлик ҳаракатида А. гоялари маълум дәражада ижобат топмоқда. Янги троцкийчилик, авантюристик дастурларига таяниб иш кўрувчи анархистларнинг фаолияти ҳозирги замон ишчи ве демократик ҳаракатга зарар етказмоқда.

**АНИМИЗМ** (лат. анимата — рух, жон) — жонга, руҳга, қандайдир ғайри табиий кучларга ишониш; ўсмилклар, ҳайвонларнинг ҳаёти, одамларнинг фаолияти, теварак-атрофдаги оламдаги барча предметларнинг мавжудлиги гўё ана шу ғайри табиий кучларга боғлиқ эмиш. Анимистик тасаввурлар ибтидоий одамларда пайдо бўлган. Улар ишлаб чиқариш егарли ривожламаган бир шароитда табиатнинг кишини қўрқувга соладиган даҳшатли кучларини, иносон ҳаётидаги сабабини тушини бўлмайдиган ҳодисаларни жоплантириб тасаввур этгандар. Чуночни, сирли қоронғу ўрмон дев қиёфасида жонланиб кўринган, дарёларнинг хавфли гирдоблари алвасти қиёфасида гавдаланган ва ҳ. к. Аввалда жонлар ёки руҳлар предметлар билан маҳкам боғлиқ бўлган, лекин уларни ташлаб кета оладиган жисмоний, моддий вужудлар деб ҳисобланган. Аста-секин одамларда абстракт тафаккур ривожланиб борган сари, моддий предметлардан ташқарида ва уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшайдиган жисмсиз, танасиз руҳлар ҳақида тасаввур пайдо бўла бошлаган. Ҳозирги замондаги барча динлар А. элементларини (арбоҳлар, жин-ажиналар, худолар, фаришталар, шайтонлар ҳақидаги, руҳининг ўлмаслиги ва шу каби тасаввурларни) сақлаб келмоқда.

**АНТАГОНИСТИК ВА НоАНТАГОНИСТИК ЗИДДИЯТЛАР** (грек. *antagonisma* — мунозара, кураш) — жамиятдаги зиддиятларнинг асосий турлари. Антағонистик зиддиятлар — бир-бирига душман ижтимоий кучлар, синфлар, группалар ўртасидаги зиддиятлар бўлиб, бу зиддиятлар мазкур синфларнинг иқтисодий аҳволи қаррама-каршилигидан, уларнинг туб манфаатлари ва мақсадларнинг муроса қилолмаслигидан келиб чиқади. Бу ўзига хос ижтимоий ҳодисаларни тирик табиатда учрайдиган антағонизмлар (касал қўзғочи микроблар ва антибиотиклар, сассиқ алафлар ва маданий ўсмилклар ва ш. к.) билан аралаштираслик керак. Антағонистик зиддиятлар тенгсизлик, бир синфини иккинчи синф эксплуатация қилиши мавжуд бўлган жамият тараққиётининг ҳамма босқичлари учун характерлидир. Бу зиддиятлар хилма-хил бўлиб, бир-биридан ўзининг кескинлиги билан фарқ қиласи. Мас., бизнинг замонимизда капиталистлар билан ишчилар, барча меҳнаткашлар ўртасидаги энг ўқуру антағонизмлар билан бир қаторда империалистик мамлакатлар билан уларга қарам бўлган мамлакатлар ўртасида, мол сотиш бозорлари ва таъсир доиралари учун кураш олиб бораётган империалистик мамлакатларнинг ўзлари ўртасида ҳам антағонистик

ТИК ЗИДДИЯТЛАР МАВЖУДДИР. Капиталистик жамият моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма томонларига антагонистик зиддиятлар сингиб кетган. Шу сабабдан реформизм, ўнг ревизионизм тарафдорларининг капитализмдаги зиддиятларнинг антагонистик характеристерин инкор этишга, уни социал манфаатларнинг «уйғунлашуви» мумкин бўлган жамият қилиб кўрсатишга уринишлари асоссиздир. Антагонистик зиддиятларнинг умумий қонуниятин — уларнинг кучайиши, чуқурлашуви, кескинлашуви ва бу ҳолларнинг қарама-қарши томонлар ўртасида кескин конфликтга айланниб кетишидир. Бу конфликтнинг ҳал қилиниш формалари конкрет тарихий шароитга боғлиқ. Эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчи-лар ўртасидаги антагонистик зиддиятлар, бу бир-бирига душман синифларининг манфаатлари муросага келомаслиги сабабли, социал революцияга олиб келувчи кескин синифий кураш йўли билан батараф қилинади. (*Социал революция.*) Революция ижтимоий тузумни ўзгартиради ва шу билан бундай антагонизмлар учун асосни тутгатади. Зулмнинг, бир синф иккинчи синифни эзишининг барча турлари йўқ қилинган тақдирдагина антагонистик зиддиятларнинг мавжуд бўлиши учун замин қолмайди. Ноантагонистик зиддиятлар шундай социал кучлар ўртасида пайдо бўладики, уларда баъзи манфаатлар, тенденцияларнинг қарама-қаршилиги билан бир қаторда энг асосий, туб нарсада умумийлик бўлади. Мас, капитализмдан социализмга ўтиш даврида ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги зиддиятлар ана шундай. Ноантагонистик зиддият томонлари, одатда, кучайиб бир-бирига душман қарама-қаршиликларга айланмайди ва улар ўртасидаги кураш кескин конфликт формаларига кирмайди. Лекин бундан — ноантагонистик зиддиятлар конкрет сабабларга кескинлашиб кетмайди, деган маъно чиқмайди. Ленин курсатган эдики, социализм қурилиши даврида деҳқонларга нисбетан троцкийчилар партияни ундалган хотўрги сиёsat ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасида нифоқ чиқишига олиб келини мумкин эди. Ноантагонистик зиддиятлар уларни юзага келтириувчи иктисадий шароитларни ўзгартиш йўли билан, тўғри сиёсий йўл тутиш йўли билан, янгилликнинг эскилика қарши кураши йўли билан бартараф қилинади. Модомики ҳар қандай жамият зиддиятлар асосида ривожланар экан, демак, социализм қурилгандан ва синифий антагонизмлар тутгатилгандан кейин ҳам ноантагонистик зиддиятлар қолади. «Антагонизм билан зиддият мутлақо бирдай нарса эмас. Социализм даврида биринчиси йўқолади, иккинчиси қолади» (Ленин).

**АНТИКОММУНИЗМ** — ҳозирги замон империалистик буржуазиясининг асосий ғоявий-сиёсий қуроли. А. тарихий ташаббускорликдан маҳрум бўлган, ҳозирги замонда юз берастган социал таъқиётни, революцион ҳаракатларни кўриб қўрқувга тушиб қолади.

дан мазкур сиёсатнинг ўз табиатидан келиб чиқади. Икки система-нинг кураши тобора кескинлашаётган шароитда А. капиталистик мамлакатларда давлат сиёсати даражасига кўтарилимсқда. Буржуа давлатлари А. нинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқмоқдалар, антикоммунистик пропагандани маблағ билан таъминламоқдалар, маҳсус марказлар тузмоқдалар. Буржуазия мафкурачилари марксизм-ленинизм фояларининг омма орасига ёйилишига қарши таъсири кўрсатиши лозим бўлган назариялар, доктриналарни яратиш йўлида жон талвасаси билан зўр бериб ҳаракат қўлимоқдалар. Улар социалистик тузумга очиқдан-очиқ тұхмат қилиш, социалистик давлатларнинг сиёсатини қўпол равишда сохталаشتариш, агрессияга даъват этиш билан бир қатерда социализмн ичдан қўпоришига қаратилган «иҳамроқ» воситалардан ҳам фойдаланмоқдалар. Мас., идеологиялар «плюрализми» (бир талайлиги), уларнинг тинч-тотув яшаши шиорини илгари сураётган «мафкуравий қуролсизлантириш» концепцияси ана шундай. Социализм билан капитализмнинг яқинлашувини, уларнинг ҳар иккала социал система белгиларини ўзида мослаб бирлаштирадиган қандайдир янги, мукаммалроқ жамиятга («ягона индустрималь жамияти»га) қўшилиб кетишини тарғиб қилаётган «конвергенция» назарияси ҳам мазкур концепцияга яқиндир. Бу доктриналарнинг ҳаммаси «кўприк қуриш» сиёсатнга хизмат қиласади, бу сиёсатнинг мақсади — ҳозирги замондаги асосий зиддиятни (социализм билан империализм ўртасидаги зиддиятни) ҳаспушлаш, социалистик жамият ва унинг идеологиясининг «эрозиясини» (еликиб бузилишини) ҳосил қилиш, социализм мамлакатларини бир-биридан ажратиб юбориши, антиимпериалистик кучларни заифлаштиришдир. А. мафкурачилари бу сиёсатни «назарий асослаш учун турли социал ва философик концепциялардан фойдаланмоқдалар. Улар оммадаги ҳар хил бўлмағур хаёллар ва хурофотларни ҳам дастак қилмоқдалар, ревизионизмга, милләтчиликка умид боғлашмоқдалар. А. га қарши кураш — меҳнаткашлар оммасининг тинчлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашининг мұхим таркибий қисмидир. А. идеологиясини танқид қилиш буржуа назарияларини фош этишни, марксча-ленинча назария принципларини ҳимоя қилишини, уни ижодий ривожлантиришни, ҳозирги замоя ижтимой тараққиётни илгари сураётган проблемаларни чуқур назарий ишлашни кўзда тулади.

**АНТИНОМИЯ** (грек. *antinomia* — қонуннинг ички зиддияти) — муджакама давомида бир-бирига тўғридан-тўғри қарама-қарши бўлган, ҳар бирини айни бир даражада асослаб бериш мумкин бўлган иккى фикрнинг бирлаштирилиши. Немис идеалист философи Кант А. нинг табиатига кўп эътибор берган эди. Мас., «Соф ақлни танқид» деган асарида у тўрт антиномияни қараб чиқади: 1) оламнинг

замонда ибтидоси бор ва маконда у чеклангандир — оламнинг замонда ибтидоси йўқ ва маконда у ниҳоясиздир; 2) фақат оддий нарса ва оддийдан таркиб топган нарса мавжуд,— оламдаги ҳеч бир мураккаб нарса оддий қисмлардан таркиб топган эмас ва умуман оламда ҳеч бир оддий нарса йўқ; 3) фақат табиий сэбабиятгина эмас, балки табиат қонунларига бўйсунмайдиган эркинлик ҳам мавжуд,— ҳеч қандай эркинлик йўқ, ҳамма нарса табиат қонунларига мувофиқ юзага келади; 4) оламга ё унинг бир қисми сифатида, ёки сабаб сифатида мутлақ зарур вужуд, яъни худо тегишилдири,— оламда ҳам, оламдан ташқарида ҳам ҳеч қандай мутлақ зарур вужуд, яъни худо йўқ. Кантнинг фикрича, бу зиддиятларининг пайдо бўлишига сабаб фақат шуки, ақл жасорат кўрсатиб, нарсаларни ўз-ўзлигича мавжудлиги (*«Нарса ўзида»*) тарзида тадқиқ қилишга киришади. Бундан у инсон ақлининг имкониятлари чекланганилиги, унинг нарсалар мөҳиятига киришга қодир эмаслиги ҳақида хуолосалар чиқаради. Бу хуолосаларга қарамай, Кантнинг антиномиялар ҳақидаги таълимотида диалектика элементлари бор, чунки у билишининг зиддиятли табиати ҳақидаги масалани ўттага кўйган. Бу, мас., дастлабки икки антиномияга онд бўлиб, уларда аслда *ниҳояли ва ниҳоясизлик, узлукли ва узлуксизлик*нинг диалектик зиддияти акс этади. Билишининг диалектик зиддиятлари ҳақидаги масалани *диалектик материализм* чинакам илмий равишда ҳал қиласди. Ҳозирги замон формал логикасида А. проблемасига катта эътибор берилади (*Парацокслар*).

**АНТИК ФИЛОСОФИЯ**— Қадимги Греция ва Қадимги Римда ривож топган куллорлик жамияти философияси. Ижтимоий оғнинг махсус формаси сифатида философия жамият синфларга бўлинниб кетган ўзага пайдо бўлди. Дастлабки фалсафий тасаввурлар Қадимги Мисерда, Хитойда, Ҳиндистонда ва Қадимги Шарқнинг бошقا мамлакатларида юзага келди. Қадимги мутафаккирларнинг фалсафий фикри А. ф. да юксак дараражага етди. А. ф. нинг бутун тарихи икки қарама-қарши йўналишнинг — материализм билан идеализмнинг, «Демокрит йўли» билан «Платон йўли»нинг — кураши билан ўтди. Бу кураш пирорвард натижада қулдорлар синфининг турли қатламлари ўтасидаги курашни акс этитирарди. Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Гераклит Қадимги Грециянинг биринчи материалистлари эдилар. Уларнинг қарашлари ҳали оддий характерга эга эди. Оламнинг бош асоси деб улар аксари бирон-бир муайян моддани: сувни (Фалес), ҳавони (Анаксимен), оловни (Гераклит) билардилар. Ҳамма нарсани тудирадиган бирдан-бир манба ҳақидаги бу тасаввур Қадимги Греция мутафаккирларидан оламда «ҳаракат қилмайдиган ва ўзгартмайдиган ҳеч нарса қолмайди, балки ҳамма нарса ҳаракат қиласди, ўзгаради, пайдо бўлади ва йўқ бўлади» (*Энгельс*) деган стихияли ишонч билан бирга қўшилиб

кетган эди. Табиат ҳодисаларига бундай ҳали содда диалектика қарашыңыз яқын формада Гераклит ифодалаб берган эди («хамма нарса ўзгаради, бинобарин үч нарса ўрнида қолмайды», «хамма нарса қарама-қаршиликларнинг алмашинувидан иборат»). Антик материализмнинг ундан кейинги ривожи қадимги дунёнинг энг йирик мутафаккиларидан бири бўлмиш Демокрит номи билан боғлиқдир. Демокрит материянинг тузилиши моҳиятини билишга уриниб кўрди ва шундай гипотезани илгари сурдики, бу гипотезага кўра оламда атомлардан (модданинг бўлинмас зарраларида) ва ичида атомлар ҳаракат қиласидан бўшлиқдан бошқа нарса йўқдир (*Атомистика*). Демокрит воқеъликдаги барча ҳодисаларни, шу жумладан маънавий ҳодисаларни ҳам, атомларнинг ҳаракатидан ва уларнинг турди тарзда мослашиб қўшилишидан ҳосил бўлади деб изоҳлайди. Антик идеализмнинг энг йирик назояндлари Сократ ва Платон эди. Платон объектив идеализмнинг кенг ривожлантирилган системасини яратди. Бу системага асос бўлган нарса объектив суртда мавжуд бўлган ва гайри ҳиссий маҳсус оламни ташкил этадиган жисмсиз моҳиятлар — идеялар ҳақидаги таълимот эди. Платоннинг фикрича, реал ҳиссий олам — идеялар абадий оламининг сўнник, номукаммал нусхасидир, холос. Платоннинг нарсалар моҳиятини нарсаларнинг ўзидан ажратиб қўйган идеялар назариясини қадимги дунёнинг энг йирик мутафаккири Аристотель асосли равишда танқид қилди. Аммо Аристотель платонча идеализмни батамом бартараф қилолмади ва ўз таълимотида идеализм билан материализм ўргасида иккиланиб юрди. Аристотель моддий оламининг, ҳиссий идрок этилуви нарсаларнинг реал мавжудлигини эътироф қила туриб, айни вақтда материяни қандайдир пассив нарса деб қаради. У фақат нарсаларнинг формаларинигина актив ҳарактерга эга деб биларди. У худони «формаларнинг формаси», бутун оламни ҳаракатга келтирувчи бош ҳаракатлантирувчи куч деб ҳисобларди. Аристотель диалектикани ривожлантиришга катта ҳисса қўши (ҳаракат формаларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги таълимот, имконият ва воқеъликнинг диалектик ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фараз ва бошқалар). У философия тарихида биринчи бўлиб категориялар системасини яратди, логика асосларини қурди. Қулдорлик жамияти кризисга учрай бошлаган даврдан А. ф. да скептицизм, эклектика, очиқдан-очиқ мистик таълимотлар (неопифагореизм, неоплатонизм) кенг ёйилди. Бу даврда материализм грек Эпикур ва римлик Лукреций Кар таълимотларида ифодаланган эди. Улар Демокритнинг атомистик назариясини ривожлантирган эдилар. А. ф. фалсафи янада ривожлантиришта катта таъсир кўрсатди. Энгельс таъкидлаб ўтганидек, унда «деярли энг кейинги ҳамма дунёқарааш типлари куртак ҳолида, пайдо бўлиш жараёнда мавжуддир».

**АНТРОПОЛОГИЗМ** (грек. *anthropos* — инсон) — философик наукия бўлиб, бу назариянинг вакиллари *инсон* тушунчасида ўз аҳамиятига кўра материя ва онг тушунчаларидан умумийроқ бўлган асосий дунёкараш категорияси бор деб биладилар. Инсоннинг мавжудлигини улар энг биринчи ҳақиқат деб қабул қиласидар ва фақат шу ҳақиқатга асосланниб табиат, жамият ва тафакур ҳақиқати тасаввурларнинг яхлит системасини ишлаб чиқиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. А. кўп ҳолларда материализм билан идеализм қарама-қаршилигидан устун туришга уринишлардан биридир. Бироқ ҳақиқатда унинг тарафдорлари инсонга ё матерналистик назар билан қарашни, ёки идеалистик назар билан қарашни ҳимоя қилиб келмоқдалар. Матерналистик А. нинг энг кўзга кўринган вакиллари Гельвеций, Фейербах ва Чернишевский эди. Философияда антропологик принципни жорий қилиш ва универсал асослаб бериш хизматини Фейербах бажарди. «Инсон» категориясини у «идея» ва «руҳ» антитетаси сифатида илгари сурдикни, ўша даврда ҳукмрон бўлган объектив идеализм ана шу тушунчаларда якунланган эди. 19-асрнинг иккинчи ярмидан боштаб А. нинг идеалистик вариантлари тез ривожлана боради (Ницше, Дильтей, Зиммель). Ноизиги замон идеалистик «фалсафий антропология»нинг отаси бўлмиш Шелер А. ни энг тўла асослаб берган кишидир. Унинг тарафдорлари (Гелен ва бошқалар) ҳамда руҳан уларга яқин турган философ-экзистенциалистлар «инсон» категориясини «жамият» тушунчасининг, яъни тарихни матерналистик тушуниш системасида талқин этилган «жамият» тушунчасининг антитетаси сифатида илгари сурмоқдалар. А. нинг чекланганлиги аввало инсоннинг ўзини абстракт ва бир томонлама тушунишда, унинг ижтиёмоний вужуд сифатидаги ҳаётни фоалиятининг хусусиятларини ҳисобга ола билмасликда намоён бўлмоқда. А.— ўзининг ҳар қандай вариантлари жиҳатидан — жамиятни тушунишда идеализмни билдиради, одамлар ўртасидаги объектив социал муносабатларни Мен билан Сен ўртасидаги идеалистик тарэда тушуниладиган алоқаларга олиб бориб тақайди.

**АПОРИЯ** (грек. *aporia* — мушкуллик) — муҳокамалардаги зиддият натижасида юз берган, ҳал этилиши қийин бўлган ёки ҳал этиб бўлмайдиган мушкул аҳвол. Қадимги Греция философи Зенон Элейлининг *парадоксларини* А. нинг классик намунаси деб ҳисоблайдилар, чунки Зенон шу парадокслар ёрдамида ҳаракатнинг мумкин эмаслигини исботлашга уринган эди. Мас., учәётган ўқ ҳар лаҳзада ўз-ўзига тенг бўлган муайян ўринни ишғол қиласиди. Аммо предметнинг ҳар қандай бошқа жойга кўчиши учун предмет ишғол қилиб турган ўриндан каттароқ ўрин зарур бўлганлиги сабабли, Зенон фикрича, ҳаракат қилаётган ўқ ҳаракатсиздир. Зенон ҳаракатнинг зиддиятли характеристини очиб берди. Бу зиддият шундан

ибаратки, ҳаракат қилаётган жисм айни бир вақтда ҳам ёзи турган жойда, ҳам ёзи турмаган жойда бўлмоғи керак. Унинг фикрича, мадомики бундай зиддият мумкин эмас экан, демак, ҳеч қандай ҳаракат ҳам йўқ. Зеноннинг мулоҳазаларн кўпгина энг кейинги философларга катта таъсир кўрсатди (*Антиномия*). Апорияларни материалистик диалектика асосида илмий равишда ҳал этиш мумкин. Материалистик диалектика ҳаракатни қарама-қаршиликларни ўзлукли ва ўзлуксизлик бирлиги деб қарайди, чунки ҳаракат қилаётган жисм территориянинг муайян бир нуқтасида айни бир вақтда бор ҳам, йўқ ҳам. Лекин худди ўзининг зиддиятили табигатига кўра, ҳаракат бўлни мумкин, у объектив суратда мавжуддир. Апорияларни ҳал қилиб бўлмайдиган проблемалар деб талқин қилинишига *метафизика* учун характерли бўлган нарса, яъни борлиқ ва онгнинг зиддиятили эканлигини инкор қилиш асос бўлиб хизмат киласди.

**АПОСТЕРИОРИ ВА АПРИОРИ** (лат. *a posteriori* — сўнгидан ва а *posterior* — азалдан) — билимин унинг манбаига қараб характерловчи философик терминлар. Апостериори — ҳиссий идрок қилиш орқали тажрибадан олинган билим. Априори — онгга азалдан ҳос бўлган, туғма билим. Идеалистик философия, айниқса Кант философияси тажрибагача бўлган билим билан тажрибадан олинган билимни бирбиридан фарқ қилиб қарайди. Кантнинг фикрича, бизнинг билимимиз онгга ҳос бўлган қандайдир априор формаларга бурканган таҳдирдагина ишончли бўлади. (Бу, мас., инсоннинг предметларни маҳон ва замонда идрок қила оладиган, улар ўртасидаги турли алоқаларни аниқлай оладиган туғма қобилиятидан иборатди). Диалектик материализм, бизнинг ҳамма билимларимиз пировард натижада тажрибадан ҳосил бўлади, яъни биздан ташқарида мавжуд бўлган ва бизнинг сезги органларимизга таъсир қилиб турадиган предметлар ва ҳодисаларнинг инъикосидир, шу сабабли қандай бўлмасин бирор априор (тажрибагача, туғма) билим бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

**АППЕРЦЕПЦИЯ** (лат. *ad* — га ва *receptio* — идрок) — ортигулган тажрибанинг, иллари эгаллаб олинган билимларнинг иёлекка актив таъсир қилиш процесси. Идрокнинг характери, унинг мазмуни инсоннинг дунёқарашига, унинг маълумот даражасига, манфаатларига, кайфиятига ва шу кабиларга боғлиқдир. Шу сабабли айни бир нарсага одамлар турлича қарайдилар. Бир киши бирони предметга эътибор бериши, иккинчи киши эса уни шунчаки пайҳамаслиги мумкин. Агар инсоннинг майиллари, ҳаётин тажрибаги ўзгарса, у айни бир ҳодисани турлича идрок қиласди. Инсоннинг маданияти нақадар юқори бўлса, унинг ички-дунёси нақадар мураккаб бўлса, ташки дунё унинг назарида шу қадар бой ва разнг-баранг гўзал бўлиб кўринади, А. шундан далолат берадики,

билиш шунчаки ойнадаги акс каби оддий нарса эмас, балки инсоннинг фаолияти, унинг онги актив роль ўйнайдиган мураккаб процессидир. Идеалистик философияда онгниң активлиги, шу жумладан А. ҳодисаси ҳам тексари изоҳланади. Мас., Кант трансцендентал А. тушунчасини жорий этиб, унинг билан «соф» онгни белгилади. Бу тушунча гўё энг азалдан инсонга хос эмиш ва бирор ҳиссий тажрибага боғли бўлиши у ёқда турсин, балки, аксинча, бу тажрибани уюштирас, унга бирлик киритар, унга қонунлар тузиб берар эмиш.

**АРАБ ФИЛОСОФИЯСИ** — ўрта асрларда араб халифаликни составига кирган муштарак маданий тил сифатида араб тилини қабул қиласган халқлар философияси; янги замонда араб мамлакатларида яшовчи халқлар философияси. Аввал бошда мусулмон дини проблематикасидан пайдо бўлган ўрта аср А. ф. аста-секин, соф теологик мунозаралар доирасидан чиқа борди ва кўпинча диний дунёқарашга қарши қаратилди. Мусулмон теологияси ичидаги радикал рационалистик оқим бўлган, 8-асрнинг иккинчи ярнида пайдо бўлган мўътазила таълимотиёнк инсоннинг хатти-ҳаракатини худо олдиндан белгилаб қўйган, деган ортодоксал таълимотга қарши чиққан ва инсон иродасининг эркинлигини байн этган эди. Мўътазила таълимоти диний мунозараларни ҳал қилиш мезони деб инсон ақл-идрокига мурожаат этарди, худонинг кўпдан-кўп атрибулари борлигини, уни одамга ўҳшатишга уринишларни никор этарди ва шу билан уни мавҳум вужудга айлантириб қўярди. 10-асрга келганда мўътазила таълимоти ўринини мутакаллимлар томонидан *ислом* ақидаларини рационалистик шарҳлашнинг мўътадил формаси эгаллади. Бу даврда теологиядаги мистик оқим тарзida сўғизм пайдо бўлди ва унинг ниқоби остида баъзан душман ортодоксиялар, даҳриёна пантеистик (*Пантеизм*) гоялар тарғиб килинди. *Неоплатонизм* ва унинг аскетизмни, тарқидунё қилишни ва руҳнинг экстаз орқали худо билан қўшилиб кетишини тарғиб қилиши сўғизмга сезиларли таъсир кўрсатди. Қадимги грек мутафаккирларининг ва аввало Аристотелнинг асрлари араб тилига таржима қилингандиги рационализмнинг ривожланишига, диний ақидалардан холи фикрнинг шаклланишига кучли турткি бўлди. Биринчи йирик араб аристотелчи философи ал-Киндий эди. Математика, астрономия, медицина соҳаларидан кенг маълумотга эга бўлган ал-Киндий табиат ва жамиятдаги ҳодисаларни илм-фан ёрдами билан билиш зарурлигини исботлади. Унинг тасаввурчча, олам гарчи худо томонидан яратилган бўлса-да, лекин у ўз қонуниятларига эладир. Илгор фикрнинг ривожланишида «Ихвон ас-Сафо» (Соф биродарлар) деган диний-фалсафий иттироқ (9—10 асрнинг охири) катта роль ўйнайди. Бу иттироқ ўз замонасадаги илмий ва фалсафий билимларнинг ўзига хос энциклопедиясини тузуб.

ган, диний чеклашлардан холи бўлган дунёвий маълумот олишини, расмий дин ўрнатаётган нодонликни йўқ қилишни ёқлаб чиққан эди. Урта Осиёлик мутафаккир Форобий диний ақидаларни танқид қилиб чиққан эди. Араб тилида фалсафий асарлар ёзган философлардан биринчи бўлиб Форобий ўз замонаси жамиятини, унинг сиёсати ва ахлоқини тушунишга уриниб кўрган ва маърифат тарқатиш, илмий ва фалсафий билимларни ривожлантириш ва ёйиш йўли билан «яҳши фазилатли» давлат тузиш мүмкун деб ҳисобланган эди. Яқин ва Урта Шарқ ҳалқларининг илғор ғоялари Урта Осиёнинг иккинчи мутафаккири Ибн Сино асарларида яққол ифодалангандир. Бу атоқли энциклопедист олим илм-фяннинг кўпгина соҳаларида катта из қолдирди. Унинг медицинага доир илмий асари 15-асрдагча Европа врачларининг асосий қўллланмаси бўлиб келди. Ибн Сино гарчи атеист бўлмаса-да, унинг фалсафий назарияси моҳият эътибори билан теология (илоҳиёт) доирасидан чиқар, оламни илмий билишга йўл очиб берарди. Худо тушунчаси Ибн Синода ўзининг анъанавий диний мазмунини йўқотган эди. Ибн Сино Аристотелининг сабаб ва амалнинг бирлиги принципига асосланиб, худонинг табиатдан ташқари яшаши мумкин эмаслиги, унинг табиат билан бирдайлиги ҳақидаги тезисни ёқлаб чиқди. Унинг асарларида рационал биллиқ методи сифатида мантиқ проблемалари катта ўрин тутади. А. ф. да ҳур фикрлиликнинг ривожланиши мусулмон руҳонийларининг ва мистицизм мухлислиарининг унга қарши ҳаракатининг кучайишига сабаб бўлди. 11-асрда ал-Газзолий диний ортодоксия ва мистик философия нуқтаи назаридан рацionalист мутафаккиларнинг, аристотелизм тарафдорларининг асосий назарияларини танқид қилишга уринди. 12-асрга келганда А. ф. маркази Фарбга, Испанияга кўчди. Унинг бу даврдаги энг атоқли намояндаси Ибн Рушд (Аверроэс) бўлиб, у Аристотель асарларига берган шарҳлари билан шуҳрат қозонди. Ибн Сино сингари, Ибн Рушд ҳам худонинг мавжудлигини эътироф қиласарди, аммо уни абадий материя билан бирдай деб фикр қиласарди. Йисоннинг ўлиши ва ўлмаслиги ҳақидаги мунозорани у интеллектуал ҳаётнинг узлуксизлигини, инсон зотининг бирлигини, айрим инсоннинг ўлиши мумкинлигига қарамай, инсониятнинг ўлмаслигини ўзида гавдалантирувчи умумий ақл назарияси ёрдами билан ҳал этарди. *Иккىёқлана ҳақиқат* назарияси ҳам Ибн Рушд номи билан боғлиқдир. 19-асрда араб тафаккуроти Ибн Холдун каби олимни ва жамоат арбобини майдонга чиқарди. Ибн Холдун жамият тарихи ҳақидаги идеяни маҳсус фан обьекти сифатида илгари сурди. Турли ҳалқларнинг вакиллари ривожлантирган А. ф. ўрта аср Европаси фикрига катта таъсир кўрсатди, уни *анттик философия* билан таништирди, уни проблемаларни янада анілаб боришига қизиқтируди, диний мутаассибларка қарши курашга қўзгатди. Бизнинг за-

монашимизда араб мамлакатларида социал-сиёсий ва философик фикр-нинг ривожланиши миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш билан боғлиқдир. Бу мамлакатларда социал структуранинг ва ижтимоий-сиёсий проблемаларнинг мураккаблиги пировард оқибатдаоявий ва философик оқимларнинг турли хилда эканлнгини: мусулмон динидаги традиционализм ва модернизм ҳамда *прагматизм, позитивизм, экзистенциализм, интуитивизм* ва бошқа оқиъларни белгламоқда. Реакцион идеологияга қарши курашда прогрессив демократик фикр мустаҳкамланмоқда. Араб мамлакатларининг маънавий ҳаётида социализм ғоялари катта роль ўйнамоқда, уларда марксча-ленинча идеологияга қизиқиш ўйғонмоқда.

**АСОС ВА НАТИЖА** (основание и следствие) — предметлар ўртасидаги алоқадорликни ифодалайдиган фалсафий категориялар бўлиб, бу алоқадорликда бир ҳодиса (асос) зарурان иккинчи ҳодисани (натижа) туғдиради. А. ва н. сабаб ва амал муносабатларида бир томонни, яъни бир ҳодиса иккинчи ҳодисани тақозо қиласидаги нарсани қайд қиласди, аммо сабаб ва амал диалектикасини, ўзаро таъсирнинг мураккаб формаси бўлган сабабиятни (*Сабаб ва натижа*) очиб бермайди. 17—18-асрлар механикасида сабабият кўпинча А. ва н. алоқадорлиги деб тушуниларди. Бу алоқадорлик типи сабабиятнинг метафизик материализм ривожлантирган тушунчасида ўумумлаштирилган эди. Бу тушунчага кўра, сабаб — айни жисмга ташқаридан таъсир кўрсатадиган кучдир. Бунда сабаб билан амалнинг ўзаро таъсири эътиборсиз қолдирилганлиги сабабли, асосдан натижа сари қилинадиган ҳаракат ниҳоясиз қатор деб қаралади. Ҳар бир ҳодиса натижани туғдиради, бу натижа ҳам ўз навбатида асосга айланаб, бошқа натижанни туғдиради ва ҳ. к. Шунинг учун метафизик материализм материянинг ўз ҳаракати манбани тушуномлайди, бинобарин, асослар ва натижаларнинг ниҳоясиз занжирини билиш мумкин эмас, деган фикрга келади. Диалектик материализм таъкидлаб кўрсатадики, сабабият — ўзаро таъсир алоқадорлиги бўлиб, бу алоқадорликда фақат сабаб муайян натижани юзага келтирмасдан, балки натижа ҳам сабабга муҳим таъсир кўрсатади. Сабаб билан натижанинг ўзаро муносабатида алоқадорлик зидма-зид томонларнинг ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади, бу ўзаро таъсир эса предметлар тараққиётининг ички манбаидир, материянинг ўз ҳаракати манбаидир.

**АТЕИЗМ** (грек. а — никор ва theos — худо; худони инкор этиш, даҳрилик) — гайри табиий кучга ишонишни рад этувчи плмий равишда асосланган қарашлар системаси. «...Атеизм *худони инкор* қилишдан иборат бўлиб, *инсоннинг борлигини* худди ана шу инкор воситаси билан тасдиқлайди» (Маркс). Атеист бўлиш — ҳеч қандай *динни* эътироф қиласаслик демакдир. А. нинг ривожланиши моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар даражаси билан

белгиланади, *материализм ва фан* А. нинг назарий асоси бўлиб хизмат қиласди. Антагонистик жамиятда А. нинг динга қарши идеологик кураши прогрессив кучларнинг реакцион кучларга қарши курашини акс эттиради. А. оламни материалистик тушунишнинг бир томони сифатида антик жамиятда пайдо бўлди. Атоқли материалист философлардан Демокрит, Эпикур, Лукреций Кар ва бошқалар А. ни ривожлантиришга катта ҳисса қўшидилар. Диннинг тасирига путур етказишида катта роль йўнаган буржуа атеизми А. нинг шаклланишида муҳим босқич бўлди. Буржуа А. и 18-асрда ўтган француз материалистлари (Дидро, Гольбах, Гельвеций) ва 19-асрда ўтган немис материалисти Фейербах асарларida ўз чўққисига эришиди. Мазкур материалистлар диннинг илм-фанга қарши характеристикини эҳтирос билан фош қилдилар; улар диннинг илдизлари халқнинг нодонлигидарид, деб билардилар, диний ахлоқнинг ёлғонлигини, риёкорлигини очиб кўрсатардилар. Бироқ, буржуа А. и ноизчил ва чекланган эди, диннинг социал илдизларини очиб ташлай олмаган, уни бартараф қилиш йўлини кўрсатолмаган эди. халқ оммаси орасида ёйилмаган эди. Курашчан А. рус революцион демократлари (Белинский, Герцен, Чернышевский, Добролюбов) қарашларига ҳам хос эди. А. марксизм пайдо бўлишидан бошлаб изчил илмий назарияга айланади. Марксистик А. пролетариатнинг социализм учун олиб борган революцион кураши жараёнида шаклланди. Унинг философик асоси — диалектик ва тарихий материализмдир. Марксистик А. диний қарашларга оламнинг илмий манзарасини қарама-қарши қилиб қўяди. Марксистик А. биринчи бўлиб диннинг социал ва гносеологик илдизларини очиб ташлади, унинг антигуманистик характеристикини кўрсатди, учинг меҳнаткашларни гангтиш, уларга итоатгўйликни, сабр-тоқат қилишини уқдириш юситаси сифатида эксплуататорлик тузумини ҳимоя қилишдаги ролини фош қилди. У диннинг моҳиятини фош қилиш билан чекланиб қолмайди, балки халқни диний зулмдан батамом озод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, диний эътиқодларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатади. Капиталистик жамиятда дин иқтисодий зулмининг маҳсулни ва инъеккосидир. Меҳнаткашлар зошимларга қарши синфий кураш олиб бориш жараёнидагина диний хурофтolarдан қутулишлари мумкин. Иқтисодий зулмни бартараф қилиш, эксплуататор синflарни тугатиш йўли билан меҳнаткашларни диннинг маънавий таъсиридан қутқариш учун ва улар орасида А. ни оммавий тарзда тарқатиш учун зарур шарт-шаронг яратилмоқда. Социализм қуриш натижасида диннинг социал илдизларига путур етказилди. Бироқ диний эътиқодларнинг қолдиқлари, ўтмиш сарқитлари сифатида, меҳнаткашларнинг бир қисмида ҳали аяча узоқ вақтгача сақланиб, уларнинг янги жамият қувилишида, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги актив иштирок этишида хала-

қит беради. Шу муносабат билан кенг халқ оммасыда илмий, атеистик дүнәқарашни шакллантириш мұхым аҳамият касб этмоқда. Диний сарқитларни бартараф этиш коммунистик қурилиш мұваффақиятлари таъсирі остида амалға оширилмоқда. Шу билан бирга ҳозирги замон илм-фани ютуқларига таянувчи илмий-атеистик прогаганданың кенг суратда ва мөхірлік билан оліб бормасдан туриб, диний әзтиқод сарқитларини батамом йүқ қилиш мүмкін әмас. Ҳозирги замон илм-фани оламнинг ҳақиқият манзарасини тобора тұлароқ очиб күрсатмоқда, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигінің күчтірімоқда да диннинг ғайры табиий күчлар тұғрисидаги хаёлий үйдірмаларига ўрин қолдирмаётір.

**АТОМИСТИКА** (грек. *atomos* — бўлинмас) — матерянинг узлукли (дискрет) тузилиши ҳақидағы таълимот. А. тараққиётининг асосий босқичлари: қадимги материалистлар А. си 17 ва 18-асрлардаги механистик А., 19-асрдаги химиявий А., ҳозирги замон физик А. сидир. Қадимги грек материалист философлари (Левкипп, Демокрит, Эпикур) атомларни абадий ва ўзгармас, доимо ҳаракатда бўлган ҳамда формаси ва катталигига, тартиби ва ҳолатига қарраб бир-биридан фарқ қиласынан энг майда бўлинмас зарралар леб қарадилар. Нарсаларнинг сифат жиҳатдан жуда хилма-хиллнгини улар атомларнинг комбинацияларидаги тафовутлар билан изоҳлардилар. Қадимги А. ақлий кузатишгагина асосланған тасаввур этиш натижаси эди, чунки у вақтда ҳали тажрибавий фан йўқ эди. Фақат 17—19-асрлардагина А. аввал илмий гипотезага, сўнгра эса илмий назарияга айланади. 17—18-асрларда А. ни Галилей, Бойль, Ньютон, Ломоносов ишлаб чиқадилар. Бу даврда механика энг ривожтаниб кетгандылық сабабли, атомларнинг ўзаро таъсир қилиш ва бир-бiri билан қўшилиб кетиш қобилиятига турли механик хоссалар сабаб қилиб күрсатиларди. Атомлар кўп ҳолларда илгакчалар, кунгирачалар ва шу кабилаларга эга бўлган зарралар шаклида тасвирланарди. Кимёвий А. ни 19-асрда Дальтон, Менделеев ва Бутлеров яратган эдилар. Ағом оғирлиги ва валентлик (бошқа атомлар мұайян сонларининг қўшилиб кета олиши) атомларнинг асосий хоссалари деб ҳисобланадиган бўлди. 19-асрнинг охирларигача А. асосан метафизик характерга эга эди, чунки у атомларни ўзгармайдиган, мутлақо бир-бирига айланиб кетолмайдиган зарралар, «дунё биносининг ғиштчалари» деб тасаввур қилишга асосланарди. Ҳозирги замон А. си 19-асрнинг охирлариданда ва 20-асрнинг бошларидан физикада содир бўлган революция муносабати билан юзага келди. Бу даврда атомларнинг мураккаб тузилиши топилди, элементар зарралар деб аталған зарралар (электронлар, протонлар, позитронлар, нейтронлар, фотонлар ва шу кабилар) кашшылардың элементар зарралар сифат жиҳатдан ўзига хосусиятларга эга бўлиб, узлукли ва узлуксиликнинг, корпуксул-

лар (зарралар) ва тўлқинларнинг бирлигини ташкил этади. Ҳозирги замон А. си микрозарраларнинг ўзгарувчалигини, бир-бираига айланга олишини эътироф этади ва шу билан материя фундаментининг ўзида содир бўлаётган процессларнинг дигорага даҳончилик характерга эта эканлигини исбот қиласди.

**АТРИБУТ** (лат. attribuo — бераман, бағишлайман) — предмет-ният зарур хосаси бўлиб, бусиз у предмет бўла олмайди. Мас., Декрет ва Спиноза философиясида А.—айрим ўзгарувчан предметлардаги субстанциянинг конкрет кўринишларидан (Спинозанинг таърифича, «модуслар»дан) фарқли ўлароқ, ўзгармас субстанциянинг муҳим, асосий белгисидир. Диалектик материализмда А. тушишчиси материянинг ажралмас, унга тубдан ҳос бўлган хусусиятларини ифодалайди. Чунонча, ҳаракат ҳақида сўзлаганда у материянинг А. и деб қайд қилинади.

**АХЛОҚ** — мораль (лат. mores — ахлоқ-одоб) — кишилар ҳатти-ҳаракатининг нормалари, принциплари, қоидалари, шунингдек инсоний хулиқ-авторининг ўзи (ҳатти-ҳаракатларнинг боенлари, фаолият натижалари), кишиларнинг бир-бирларига ҳамда ижтимоий бирлашмаларга (коллективга, синфга, халқга, жамиятга) муносабатлари соҳасига тааллуқли бўлган ҳис-туйғулар, муҳокамалар. А. идеологик томонни (ахлоқий онгни) ҳам, амалий томонни (ахлоқий муносабатларни) ҳам ўз ичига олади. Кишилар манфаатларининг ифодаси деб қараладиган ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ахлоқий жиҳатдан баҳо бериш ҳам (мас., ишлаб чиқариш муносабатларига адолатли ёки адолосиз деб баҳо бериш ҳам) А. га таалукқандир. А. жамият тараққиётининг тонгига пайдо бўлган. Унинг пайдо бўлишида кишиларнинг меҳнат фаолияти ҳал қиувлечи роль йўнаган. А. туғилиб келаётган жамият учун табиат билан курашда ёрдамчи восита сифатида зарур бўлган. Инсон ўзаро ёрдам бермасдан, уруғига нисбатан муайян мажбуриятларни зинмасига олмасдан туриб, ўз тирикчилиги учун курашга олмас эди. Ундан кейин ҳам А. кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи бўлиб майдонга чиқади. Шахс ахлоқ-одоб нормаларига амал қилиши билан жамиятнинг (синфнинг, халқнинг) ҳаётий фаолиятига қўмаклашади. Ўз навбатида жамият ҳам у ёки бу А. ни қўллаб-қувватлаши ва тарқатиши билан шахсни ўз идеалига мувофиқ равишда камолга етказади. А. ҳуқуқдан фарқ қиласди; ҳуқуқ ҳам гарчи кишиларнинг ўзаро муносабатлари соҳаси билан иш кўрса-да, лекин давлат томонидан мажбур қилишга суюнади. А. эса жамоатчилик фикри билан қувватланади ва одатда ишонтириш кучига таянади. Ижтимоий онг формаси бўлган А. ижтимоий муносабатлардан вузудга келган бўлиб, пировард ҳисобда ижтимоий борлиқ билан, кишилар ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиланади. Аммо А. ижтисодий муносабатларга ана шундай боғли бўлишилик доира-

сида нисбий мустақиллікка ҳам әгадир. Бу мустақиллік шунда юз берадын, ҳар бир даврда А. янгидан яратылмайды; ундан оддин үтган давр ахлоқый қарашларидан қимматли бұлған нарсаларнинг ҳаммаси унга киришилады. Нисбий мустақиллікка әга бұлғач, А. кишилар үртасыда таркиб топған мұносабатлар орқали ижтимоий-тарихий процесста катта таъсир күрсатады. А. тушунчалари даврдан даврга үзгариб, доимо такомиллашиб борди. А. да, ҳаётнинг бошқа ҳамма соқаларыда бұлған сингари, пирөвард натижада шундай бир процесс юз бердик, бу процесс инсоннинг шахсий қадр-қиммати, үз-үзини аяглаши үсишида, А. принципларининг тобора күпроқ инсонпарварлашувида (*Гуманизм*) ифодаланды. Синфий жамият пайдо бўлиши билан А. синфий бўлиб, у ёки бошқа синфларнинг манфаатларини, идеалларини, ҳаёт тарзини акс эттира бошлады (мас., қулдорлик, феодал буржуза, коммунистик А. ни фарқ қилиб қарайдилар). Идеалистлар дазво қылғанидек, жамиятга худо томонидан буюрилган ёки инсонга азалдан хос бұлған ғайри синфий, ғайри тарихий А. йўқдир. Шу билан бирга ҳар бир синфий А. да умум инсоний А. элементлари бўлиб, бу элементларни кейинги авлодлар мерос қилиб оладилар. А. нинг синфий ва умум инсоний элементларнинг мазмунини анализ қилиш унинг чинлиги масаласини ҳал қилиш имкониятни беради; унинг чинлиги критерийсі сса у ёки бошқа А. нинг ижтимоий тараққёт талабларига қанчалик жавоб бера олишини анықлашдан иборатдир. Mac., капитализм эндигина вужуд-ға келаётган даврда буржуача А. феодал А. га нисбатан анча прогрессив эди. Лекин сұнгра у умри тугаган капиталистик мұносабатларнинг ҳимоячиси бўлиб қолди. Унинг үрнини энг прогрессив ва ҳақиқий А. бұлған пролетариат А. и әгаллади, чунки пролетариат А. и шундай бир синфнинг А. идан иборатки, бу синфнинг манфаатлари барча эксплуатация қилинувчи табақаларнинг манфаатлари билан, жамият ҳаракатининг обьектив бориши билан мос бўлиб тушади. Пролетарча А. асосида коммунистик А. ривож топады; коммунистик А. жамиятнинг бутун тарихи давомида инсоният яратған энг яхши, энг ҳақиқий нарсаларнинг ҳаммасини үзига жамлаб олди. Коммунистик А. нинг принциплари ва нормалари кишини киши томонидан ҳар қандай эксплуатация қилишини истисно этадиган социалистик ижтимоий мұносабатларни акс эттиради. Коммунистик А. амалий гуманизм, инсонпарварлық билан суғорилған бўлиб у шахсларнинг ҳар томонлама, эркин ривожланишига ёрдам беради. Коммунистик А. да шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг бирлиги принципи үзининг энг тұлиц үфодасини топады. Коммунистик А. нинг тарбия мактабы социалистик колективдир, бу колективдә ҳар бир совет кишиси унинг баҳт-саодати социалистик жамиятнинг бошқа аязолари баҳт-саодати билан чамбарчас боғли эканлығига ишонч ҳосил.

қолади. Шу сабабли коммунистик А. нинг характерли хусусияти — бир мақсадни — коммунизм қуришни кўзлаб ҳаракат қилаётган барча жамият аъзоларида ижтимоий бурчни англашни, уларнинг манфаатлари бир эканлигини ҳис этишини ўстириб боришдан иборат. Коммунистик А. нинг барча принцип ва нормалари: **коллективизм**, меҳнатка коммунистик муносабат, ижтимоий мулкни сақлашга ва кўпайтиришга замонийлик қилиш ва ҳ. к. ана шу мақсадга хизмат қилади.

**АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ МЕҲНАТ** (умственный и физический труд) — инсон фаолиятининг турли хиллари. Жамият тараққиётининг дастлабки қадамларидан бошлаб меҳнат ягона бир процесс бўлиб, объектив оламни акс эттириш билан боғлиқ бўлган фикрлаш фаолиятини ва моддий объектларни ўзгартиш соҳасидаги жисмоний ишини ўз ичига олган. Бироқ тарихан тараққий қилаётган **меҳнат тақсимоти** доирасида жисмоний фаолият билан ақлий фаолият турли ижтимоий группаларнинг улуши бўлиб қолган. Бундай меҳнат тақсимотининг куртаклари ибтидоий жамиятда пайдо бўлади: чидамлироқ ва кучлироқ кишилар (одатда ёшлар) кўп жисмоний куч сарфлашни талаб этадиган ишини ўз устларига оладилар, тажрибаси кўпроқ кишилар (одатда қариялар) қабиланинг социал ҳаётини ўютирадилар, ишларни бажаришга раҳбарлик қиласидилар ва ҳ. к. Синфлар пайдо бўлиши билан меҳнат тақсимоти ўзининг дастлабки табиий характеристини йўқотади. Ақлий меҳнат ҳукмрон синфининг имтиёзига айланади. Шу билан А. ва ж. м. ўртасидаги тафовут социал қарама-қаршилик сифатида юзага чиқади. Синфий-антагонистик жамият тараққий қилиши билан ҳукмрон синфининг бир қисми паразит (текинхўр) табақага айланади, ақлий меҳнат эса алоҳида табақадаги кишиларнинг иши бўлиб қолади ва кишилар ҳукмрон синфга ва ишлабчиқариш эҳтиёжларига хизмат қиласидилар, лекин улар турли социал қатламлардан келиб чиқадилар (*Интеллигенция*). Ривож топган капиталистик ишлабчиқариш шароитида интеллигенция кўп сонли бўлиб қолади. Капитализм шароитида учинг социал аҳволи икки хил бўлади: бир томондан, зиёлининг меҳнати максимум фойда олишга хизмат қиласиди. Иккинчи томондан, сони анча кўпайган зиёлилар ҳам капиталистик эксплуатацияга дучор қилинади. Ақлий меҳнат механизациялаширилиши (ҳисоблаш техникиси ва ш. к.) муносабати билан зиёлиларнинг кўпчилиги бошига, худди пролетариатнинг бошига тушгани каби, ишсизлик хавфи тушади. Шундай қилиб, ижтимоий тараққиётнинг бориши интеллигенцияни капиталга қарама-қарши қилиб кўяди ва унинг жуда кўп манфаатларини пролетариат манфаатлари билан бирдай қилиб кўяди. Социалистик революция юз бериши билан А. ва ж. м. нинг социал қарама-қаршилиги йўқолади, чунки ишлабчиқаришнинг ривожланиши, кишиларнинг

маънавий фаолияти натижалари эндиликда бутун жамиятга хизмат қиласидиган бўлади. Бироқ А. ва ж. м. ўртасидаги муҳим тафовутлар, жамиятнинг социал қатламларга бўлиниши, кишининг ақлий ёки жисмоний фаолият билан шуғулланышдан қатъий назар, сақланиб қолади. Уларнинг мавжудлиги ишлабчиқаришининг ривожланганлик даражаси билан, коммунистик тақсимот усуудини амалга ошириш меъёри билан, жамиятнинг маданий тараққиёти даражаси билан белгиланади. Бу тафовутлар ишлабчиқаришининг ривожланиши на-тижасида меҳнат харакатерининг ўзгаришига, фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланишига қараб, бартараф қилиниб борилади. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, илгор технологияни жорий қилиш ва ш. к. лар кишини жисмоний зўриқиб ишлашдан, меҳнатнинг бир хиллигидан кутқариши, унинг барча қобилиятларини меҳнат процессининг ўзида ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб бериши лозим. А. ва ж. м. ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилиш синфлар ўртасидаги фарқларни, *шаҳар* билан *қишлоқ* ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилишга ҳам боғлиқдир. Коммунистик жамиятда меҳнатнинг ҳамма турларни ҳар томонлама камол топган кишининг яхлит фаолияти кўринишларидан иборат бўлади, меҳнат ҳәстий өхтиёжга айланади, чуники унинг процесси инсон «жисмоний» ва интеллектуал кучларининг ўйини» (Маркс) бўлиб қолади.



**БАДИЙ ОБРАЗ** (художественный образ) — воқеликни санъатда акс эттириш ва ўзлаштириш усули. Санъат асари турли хилдаги бадий образларни (у ёки бошқа персонажлар образларини, табиат образларини, образлы тилни ва х. к.) ўз ичига олади, айни вақтда яхлит холда ҳам у Б. о. дан иборатдир. Фан тушунчалари сингари, у ҳам ҳодисаларининг умумий хоссаларини акс эттиради, ҳаётнинг умумлаштирилган инъикосини ифодалайди. Лекин агар илмий тушунчаларда умумийлик мавхум, абстракт формада берилса, бас Б. о. умумийлики эстетик аҳамиятга эга бўлган, такрорланмас айрим ҳодиса орқали очиб беради. Чунончи, портретда расом конкрет инсон харагутерини фақат унга хос барча индивидуал белгилари билан тасвирлаб беради. Шу билан бирга рассом унга кўп кишиларга бирон-бир даражада хос ва улар учун типик бўлган сифатларни ҳам беради. Б. о. нинг муҳим ҳусусияти шундаки, у объектив воқелиини акс эттиради-ю, лекин субъектив нуқтани назардан акс эттиради. У санъаткорнинг индивидуал ҳусусиятларини, шахсини, аммо лекин ижтимоий эҳтиёжларни, манфаатларни бирор йўсунда англайдиган шахсини ифодалайди. Санъат образларида санъаткорнинг ўй-фикрлари ҳам, ҳис-туйгулари, ҳам ифодалangan бўлади. Маяковский, Маркс «қўшимча қиймат таловчиларини жиноят устида тутиб олди» — деб ёзганида, бу Б. о. билан у социал таловчиларга нафрат ҳиссини ва уларни фош қилиб ташлаган революционер олимгаг қойил қолганини ифодалаган эди. Демак, Б. о. қандайдир бошдан-оёқ диалектик зиддиятлардан тўкулгандай бўлиб кўринади: у — умумийлик билан айримликнинг, зарурат билан тасодифнинг, объективлик билан субъективликнинг, шахсий билан ижтимоийликнинг, мазмун билан форманинг бирлигидан иборатдир. Б. о. инсоннинг воқеликка муносабатини ўзида гавдалантиргани ҳолда, ўзи ҳам инсонга кучли гоявий-эмоционал таъсир кўрсатади.

**БАЗИС ВА УСТҚУРМА** (базис и надстройка) — жамият ҳақида, унинг структурасини (тузилишини) тавсифлаш учун марксистик фан ишлаб чиқкан тушунчалар. Марксизм жамият ҳаётидаги тараққиётидаги, одамларнинг маънавий фаолиятида моддий ишлаб чиқаришининг ҳал этувчи ролини аниqlагач, унинг олдидаги қон-

дәнни конкретлаштыриш, яъни ишлаб чиқариш томонларидан қағиси бири одамларнинг ғояларини, қараашларини, улар билан боғлиқ бўлган муассасаларнинг асоси бўлиб хизмат қилишини кўрсатиб бериш зарурияти пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш иккى томонни: ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариши муносабатларини ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш муносабатлари ғояларнинг, уларга мувофиқ келадиган муассасалар, ташкилотларнинг бевосита асоси бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучлар эса улар билан ишлаб чиқариш муносабатлари орқали боғлиқдир. Худди ана шу ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий базисдан иборат бўлиб, унинг пождевори устида у ёки бу жамиятнинг бутун биноси курилади, баъча бошқа ижтимоий муносабатлор ташкил топади. Шундай қилиб, базис билан ишлаб чиқариш муносабатлари айни бир мазмунга эгадир, лекин базис тушунчаси ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар билан боғлиқ ҳолда эмас, балки устқурма билан боғлиқ ҳолда характерлаб беради. Устқурмага базисни аке эттирувчи гоялар ва уларга мувофиқ тарзда таркиб топадигая идеологик муносабаглар ҳамда ташкилстлар ва муассасалар (давлат, суд, черков) ва ҳ. к. киради. Б. ва у. тарихан гивожланади. Гарихан муайян бўлган ҳар бир жамият ижтимоий-иқтисодий формация муайян базисга ва унга мувофиқ келадиган устқурмага эгадир. Бир формациядан иккинчи формацияга ўтгандага иқтисодий муносабатларда тўнтириш содир бўлади, яъни бир базис иккincinnи билан алмашинади. Шунга мувофиқ озми-кўпми тезлик билан бутун улкан устқурмада ҳам тўнтириш юз беради, Бунда ўмрӣ тугаган бутун эскиллик тугатилади, бутун прогрессив нарса эса (мас., ахлоқда) сақлаб қолинади. Б. ва у. айрим формация донрасида байзи ўзгаришларга дучор бўлади, лекин бу ўзгаришлар уларнинг асосий мазмунига дахл қилмайди. Чунончи, капитализмдан империализмга ўтиш фақат экономикадаги ўзгаришдан иборат бўлмасдан, балки бутун устқурмада реакцион тенденцияларнинг кучайишидан ҳам иборатдир. Социализм шароитида иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви устқурмада ўзгаришларга сабаб бўлади ва бу ўзгаришлар оммани давлатни бошқаришга жалб этиш учун янада кенг имкониятлар очиб беради. Устқурма базисни, унда юз берадиган ўзгаришларни шунчаки акс эттириб қўлмасдан, балки унга актив таъсир ҳам кўрсатади. Устқурма шунинг учун ҳам пайдо бўладики, усиз базис яшаб ва сакланниб туролмайди. Ахир, жамиятда ҳамма нарсани одамлар бажаради-ку. Одамлар эса ҳаммиша ўз истаклари, интилишларига, яъни ўз эҳтиёжларининг идеал инъексига қараб ҳаракат қиладилар. Улар турила идеялар, муассасалар, ташкилотлар ёрдами билан бу эҳтиёжларни англайдилар ва уларни амалга оширадилар. Лекин синфий жамиятда одамларнинг иқтисодий аҳволи (де-

мак, уларнинг моддий эхтиёжлари ҳам) турлича бўлади. Шунинг учун улэр яратадиган идеялар ва муассасалар ҳам турличадир. Йқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлган синф унинг жамиятда ҳукмронлик мавқеини таъминлайдиган базисни сақлеб қолишга ва мустаҳкамлашга қаратилган идеялар ва муассасаларни вужудга келтиради. Эзилган спіфларнинг манфаатларини акс эттирувчи идеялар ва муассасаларнинг вазифаси бошқача. Улар пиорвард оқибагда муайян базисни тубдан ўзгаришга қаратилган. Шундай қилиб, антагонистик жамиятда устқурма базисни турли синфлар позицияларидан туриб акс эттиради. Қарама-қарши манфаатларни ифодаловчи синфлар йўқ бўлган социалистик жамиятда устқурма зиддиятиларни характерга эга бўлмай қолади. У меҳнаткашларнинг ўз манфаатларини ифодалайди ва социалистик базисни сақлаб қошлиш қуроли бўлиб гина эмас, балки уни янада ривожлантириш қуроли бўлиб ҳам хизмат қиласди.

**БЕГОНАЛАШИШ** (отчуждение) — инсон фаолияти маҳсулотларининг (меҳнат маҳсулотларининг, социал ва сиёсий муносабатларининг, эзлоқ-одоб нормаларининг, илмий назарияларнинг, ижтимоий онг формаларининг), шунингдек инсоний хусусиятлар ва қосилияларнинг қандайдир инсонга боғли бўлмаган, унга ёт бўлган ва унинг устидан ҳукмронлик қиласдиган бир нарсага айланиши. Б. жамият тарихида ўткинчи ҳолат бўлиб, меҳнат тақсимоти ва хусусий мулкдан вужудга келади, бунинг натижасида кишилар ўргасидаги ижтимоий алоқалар стихияли суратда қарор топади ва уларнинг назорати остидан чиқади. Бундай шароитда фаолиятнинг ҳар бир тури (меҳнат, фан, санъат, бошқариш) бир группа алоҳида кишиларнинг монополияси бўлиб қолади ва жамиятниш қолга ҳамма аъзоларига нисбатан ёт бир нарсага айланади. Натижада жамият фаолияти ва унинг маҳсулотлари индивидуумлардан бегоналашади. Йқтисодий соҳада Б. хусусий мулкчиликнинг ҳукм суришида (меҳнат маҳсулотлари уларни ишлаб чиқарувчиларга тегиши бўлмайди), меҳнатнинг инсонга ташқаридан мажбур қилиб юкландган эркисиз фаолиятга айланшида, турли синфлар манфаатларининг душманчилигига ифодаланади. Жамиятнинг социал-сиёсий ҳаётida Б. ижтимоий тараққиётнинг стихиялиги тарзида, инсоннинг ўзи яратган ижтимоий кучлар (уруш, кризислар ва б.) олдида ожизлиги тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга кишиларнинг муносабатлари нарсаларнинг муносабатлари шаклинига киради (*Фетишизм*), одамлар эса ўзларининг инсоний хусусиятларини йўқотадилар ва қиёфасиц бўлиб қоладилар. Инсон нима қилиши мумкинлиги ва лозимлигини ўзи белгиламайди, балки унинг устидан ҳукмронлик қилувчи, назорагдан ташқари кучларга итоат қиласди, қанчалик ҳаракат қилиб уринса ҳамки, ўз олдига қўйган мақсадларига деярли ҳеч қачон эришолмайди; унинг ҳаёти

тишинг нормалари ва формалари унга кишиларнинг биргаташиб ишлашидан келиб чиқмайдигандек, балки ё бошқа кишилар, ёки гайри табиий кучлар томонидан зўрлаб юклатиладиган мажбуриятлардек туолади. Бундай шароитда кишиларнинг онгида ҳам уларнинг ҳақиқий муносабатлари бузилган бўлади, ҳар хил хаёллар ва янгишлар пайдо бўлади. Бу ҳол динда айниқса яққо трои кўринади. Сабабки, диний онгда худди шундай социал кучлар илоҳийластириладики, уларни гарчи кишиларнинг фаолияти вужудга келтирган бўлса-да, шунга қарамай, шу фаолият устидан ҳукмронлик қиласди, уни ўзига бўйсундиради. Б. ни бартараф қилишнинг иегизи — социал-антагонизмларни, эксплуатация муносабатларини йўқ қилишдан иборат. Жамиятни коммунистик асосда қайта қўриш натижасидагина Б. ни узил-кесил тутатиш мумкин.

**БЕЛГИ** (знак) — моддий ҳиссий равишда идрок этиладиган предмет, воқеа ёки ҳаракат бўлиб, улар бошқа предмет, воқеа, ҳаракатни, кўрсатади ва ҳ. к. «Б.» тушунчасининг анализи философия, логика, лингвистика, психология, социология ва ш. к. да, яъни инсон фаолиятини тадқиқ қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамма фанларда муҳим ўрин тутади. Антик философлар (Платон, Аристотель, стоиклар), 17—18-асрларнинг мутафаккирлари (Локк, Лейбниц, Кондильяк) билишда белгиларнинг ролига катта эътибор берардилар. 19 ва 20-асрларда лингвистика ва математик логикс Б. ни тадқиқ қилишга кўп янгилик киритдилар. Ҳозирги вақтда Б. ҳақида маҳсус фан — семиотика ишлаб чиқилмоқда (Пирс, Моррис ва б.). Белгилар тил ва гайри тил белгиларига бўлинади: гайри тил белгилар ҳам ўз навбатида белги-копиялар, белги-аломатлар, белги-сигналларга ва ҳ. к. бўлинади. Б. нинг информация бериш процесси билан алоқаси фойтда муҳимdir. Б. нинг таърифидан унинг муҳим ҳусусияти келиб чиқади: бир қадар моддий обьект бўлган. Б. бирор бошқа нарсани белгилаш учун хизмат қиласди (мас., физикада у белгиси тезликни билдириш учун хизмат қиласди). Бинобарин, Б. ни тушунмоқ учун унинг маъносини аниқлаш зарур: предмет маъноси (бу билан обьект белгиланади): мас., «Тонг юлдузи» белги ифодаси Венера планетасини билдиради), мазмун маъноси (мазкур обьектнинг образи: мас., «Тонг юлдузи» ва «Шом юлдузи» ифодаларини бир обьектни билдиради-ю, лекин мазмунни бошқа-бошқа бўлади), экспрессив маъноси (ҳиссиёт Б. си ёрдами билан ифодаланади ва ҳ. к.). Семиотикада белгиларнинг бир-бирига муносабати (синтаксис), белгиларнинг улар билан белгиланадиган нарсаларга муносабати (семантика) ва инсоннинг у фойдаланадиган белгиларга муносабати (прагматика) тадқиқ қилинади. Б. тушунчаси тил (ҳам табиий, ҳам сунъий тил) тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир; тил кишиларнинг алоқа воситасидир, уларнинг фаолиятини, воқеалини

ридан фарқ қилинади. Марксистик философия ўтмишдаги бутун тафаккур эришган ютуқларни танқидий суратда қайта ишлаб, материализм билан диалектикани бирлаштири, бу эса Б. н. масалаларига чинакам илмий нұқтаи назардан қараши имкониятини түғеди. Диалектик материализм билишни биздан ташқариди мавжуд предметлар ва ҳодисаларнинг онгдаги инъикоси деб тушунади. Шу билан бирга у бу процесстининг мураккаб диалектик характерини очиб, диалектика билан Б. н. нинг бирлиги нұқтаи назарини көлгари суради. Марксистик Б. н., оламни билүвчі инсон — яккаланған индивидуум эмас, оламга пассив мослашадиган биологик вужуд эмас, деган фикрга асосланади. У дүнёга актив таъсир күрсатади, үзининг предмет-хиссий фаолияти процессида уни үз-гартиради. Моддий предмет инсон фаолияти орбитасига пеочглиң күшилишига караб билиш объективига айланади, бу предметтин инсон фақат уни қай даражада үз фаолияти объективига айлантирганинга қарабына билиши мүмкін. Шундай қилиб, билиш биринчи марта үлароқ инсоннинг бутун ҳәётининг ажралмас қисми деб тушуниди, билиш билан амалий фаолиятнинг мустақам алоқаси таъкидлаб күрсатилди. Инсон билиш фаолиятнин шахс сифатида үз ҳәёттің зухуротининг бутун жамул-жамида амалга оширади. *Практика* — билишнинг асоси, ҳаракатлантирувчи кучи ва ҳақиқат критериясидир. Инсоннинг предмет фаолияти билан боғлиқ бўлган билиш ташқи оламни пассив мушоҳада қилувчи бўлиб эмас, балки уни назарий үзлаштиришининг актив яратувчи процесси бўлиб майдонга чиқади. Инсон билими ривожининг чек-чегараси йўқ, чунки предметларнинг үзлари бенихоя ривожланиб ва ўзгариб туради, инсон практикаси тексиз рашишда такомиллашиб, кенгайиб боради. Марксистик Б. н. билиш процессини унинг бугун мураккаблигига, зиддиятлигига тадқиқ қиласи, билишнинг турли формаларининг үзига хос хусусиятларини, уларнинг диалектик бирлигини очиб беради. Шу билан бирга у бошқа фанларга (*табиёт, психология, тильтунослик ва ҳ. к.*) таянади. Б. н. ҳозирги замон фани фойдаланаётган методлар ва усусларни (*эксперимент, модельлаштириши, анализ, синтез ва ҳ. к.*) умумлаштириб, илмий тадқиқотнинг умумий принципларини, йўлларини, воситаларини аниқлаб олмоқда.

**БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ СИФАТЛАР** (первичные и вторичные качества) — бу терминлар ёрдами билан механистик материализм вакиллари (Демокрит, Гобс, Локк) нарсаларнинг хоссаларини (сифатларини) уларнинг объективлик даражасига қараб бир-биридан фарқ қилишга уринган эдилар. Бу нұқтан назардан нарсаларнинг бирламчи сифатлари объективдер, яъни уларни билүвчі субъектнинг идрокига боғлиқ эмасдир. Кўлам, ҳажм, форма, ҳаракат, зичлик, масса ва ҳ. к.— шундай сифатлардир. Иккиламчи сифатлар эса үз-үзлигича нарсаларга хос бўлмасдан, балки

нарсаларнинг бирламчи сифатларининг инсон сезги органларига таъсири натижасидир, шунинг учун ҳам улар субъективдир. Иккяламчи сифатларга ранг, маза, ҳид, товуш ва ҳ. к. киради. Бу назария тарафдорлари умуман материалистик йўл тутганликлари ҳолда хато килиб, инсон сезгиларини (ранг, маза, ҳид, товушни) объектив нарсаларнинг хоссалари билан бирдай қилиб қўядилар ва шу асосда мазкур хоссалардан баъзиларини субъектив хоссалар деб эълон қилган эдилар. Бу хатодан *субъектив идеализм* (Беркли) фойдаланиб, умуман барча нарсаларнинг субъектив характеристики шоша-пиша эълон қилган эди. Диалектич материализм, нарсаларнинг сифатларини субъектив ва объектив сифатларга бўлиш тўғри эмас, деб ҳисоблайди. Предметлар на ҳодисаларнинг хоссалари фақат объектив бўлишлари, яъни инсон уларни идрок қилишига боғлиқ бўлмасликлари мумкин. Бироқ инсон сезгиларини (ранг, ҳид, маза) нарсаларнинг хоссалари билан аралаштириб юбормаслик керак. Ленин Фейербахнинг «маза сифатида тахирлик тузинг объектив хоссасининг субъектив ифодасидир» деган сўзларини шарҳлаб, сезгини объектив оламнинг субъектив образи, деб таърифлаган эди.

**БИХЕВИОРИЗМ** (ингл. behavior — хатти-харакат) — фарб психологиясидаги оқимлардан бири бўлиб, 20-асрнинг бошларида пайдо бўлган. Унга Д. Уотсон асос солган. Бихевиористлар психика билан фаолият бирлиги принципини механистик материализм нуқтаи назаридан талқин қилиб, аслда психик фаолиятнинг мураккаб формаларини оддий реакциялар йигиндисидан изборат қилиб қўярдилар. Стимул билан реакциянинг бевосита алоқаси хатти-харакатининг асосий ёдиницаси деб эълон қилинди, ўзгарувчи вазиятларда организмнинг турли реакцияларини тасвирлаш эса талқиқотнинг асосий методи деб эълон қилинди. Б. психологларнинг эътиборини хатти-харакат категориясига, унинг оддий формалари ва кўнкималарини ўрганишга, индивидуал тажрибани ўрганиб олиш ёки эгаллаб олиш проблемасини ўртага қўйишга жалб этди. Бироқ у ҳайвонлар ва айниқса инсон хатти-харакатининг мураккаб формаларини изоҳлаб беролмас эди. Бу ҳол, шунингдек академик Павловнинг организмдаги реакциялар марказий нерв системасининг фаолияти воситаси билан юз беришини исбот қилган таълимотининг кенг тарқалиши 20-асрнинг охирларида — 30-йилларнинг бошларида бир катор необихевиористик назарияларнинг юзага келишига сабаб бўлди: «шартлилик» ёки шартли реакцияларнинг вужудга келиши назарияси (Газри, Халл, Скиннер ва бошқалар), билиш муносабатларини ҳисобга олиб иш қўрувчи «конгнитив» назариялар (Толмен ва бошқалар). Необихевиористлар механистик детерминизмдан воз кечиб, «стимул-реакция» формуласига оралиқ ўзгарувчанлар деб аталадиган (мас., кўнким, кўзғалиш ва тўсик-

ланиш потенциали), хатти-харакатта таъсир ўтказадиган ҳолатларни киритдилар. Бирсөз бу ўзгарувчан ҳолатларни улар ўзлари қабул қылган негопозитивизм методологиясынан мурофиқ равиша, объектив реалликка алоқаси бўлмаган ва асосан соғ мантиқий системалар билан белгилайдилар, психиканинг социал аспектларини сийка ҳолда талқин қилидилар.

**БОРЛИҚ** (бытие) — марксча-ленинча философияда ва умуман материалистик философияда объектив равиша, онгимизга боғниң бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган теварак-атрофимиздаги бутун оламни белгилаб берадиган тушунча. Бироқ диалектик материализм фақат оламнинг мавжудлиги реаллигии, Б. нинг фақат объективлигини эътироф қилиш билан чекланмайди. Б. нинг энг муҳим белгиси — унинг моддийлигидир. Материалистик философиянинг бу қоидасини илм-фанининг бутун тараққиёти тасдиқлаб келмоқда. Бунинг маъноси — Б. шунчаки онгимиздан ташқарида мавжуддир демак эмасдир. Б. онгга нисбатан бирламчи бўлиб, унинг тараққиётини белгилайди, онг эса иккиласми бўлиб, Б. нинг инъикосидир. Шу сабабдан Б. ва материя тушунчалари кўпинча айни бир маънода ишлатилади. Яна шуни таъкидлаш керакки, худди материя теварак-атрофимиздаги оламнинг объектив реаллигига сабаб бўлади, ўзининг доимий ҳаракатида, тараққиётида Б. нинг бениҳоҳ хилма-хил формаларини — конкрет предметлар ва ходисаларни юзага келтиради. «Соф» Б., яъни материягача ва ундан ташқарида мавжуд Б. йўқдир. Б. ни материядан ажратишга уриниш мұқаррар равиша идеализма элиб келади, унда оламнинг реал, моддий асоси ўрнига рух, идея асос қилиб олинади. Жамият тараққиётига нисбатан татбиқ қилинганда Б. тушунчаси умуман ижтимоий Б. тушунчаси сифатида, ижтимоий онгга нисбатан бирламчи бўлиб ва унинг мазмунини аниқловчи бўлиб майдонга чиқади (*Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг*).

**БОШҚАРИШ** (управление) — моддий системанинг ўз сифати муайянлигини сақлаш, мұхит билан динамик мувозанатни сақлаб туриш, такомиллашиб қобиляти. Б. процесслари моддий тузилмаларини ҳаммасига хос бўлмай, балки фақат биологик, социал тарздаги мураккаб ҳаракатчан (динамик) системаларга ҳамда инсон яратган автоматик қурилмаларга хосдир. Бу системалар ўзаруьчи мұхит шароитида ўзининг асосий параметрларини сақлаб қолиш хусусиятига эгадир, ўз-ӯзини такрор ҳосил қилишга, ўз-ӯзини тақомиллаштиришга, мақсадга мурофиқ хатти-ҳаракат тутишига қодирdir (сунъий равиша тузилган қурилмаларга бу хусусиятлар инсон томонидан солинган ва программалаштирилгандир). Б. ни, мұхитнинг издан чиқарувчилик таъсирига қарши таъсир кўрсатишини системанинг ўзи, ичдан унга хос бўлган механизмлар билан амалга оширади. Демак, Б. ўз-ӯзини бошқариш сифатида юз бе-

ради. Б. тушунчаси биология, социология каби фанларда тарихи топганига анча бўлди, лекин унинг ҳақидаги умумийроқ тасаввурни кибернетика ишлаб чиқди. Шу билан бирга кибернетика Б. процессларини формал, структур томондан, асосан, системанинг ўзига хос хусусиятидан, мазмунидан қатъи назар, миқдор томондан үрганади. Шу сабабли Б. нинг кибернетик анализи *диалектик материализм* методологиясига асосланган мазмунили анализ билан чуқурлаштирилиши лозим. Бу анализ фавқулодда мураккаб, кўп планли системадан иборат жамиятни бошқариш назарияси ва практикасида алоҳида аҳамият касб этади. Б. жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида унга ичдан хосдир, у кишилар меҳнатининг ижтимоий характеристидан, меҳнат фаолияти процессида алоқа боғлаш, бу фаолият маҳсулотларини айрбошлаш заруратидан келиб чиқади. Б. кишиларнинг социал ҳатти-ҳаракатига таъсири кўрсатиб туради, чунки улар ҳамиша ижтимоий системалар, колективлар (формация, синф, группа) шароитида ҳаракат қиласидар ва системалар, колективлар улар олдига муайян талаблар (хуқуқи), ахлоқий ва шу каби талаблар) қўяди. Жамиятда икки типдаги Б.—стихиляти ва онгли Б. мавжуддир. Биринчи типдаги Б. га капитализм шароитида ижтимоий меҳнат тақсимотининг тартибга содишиши, қўймат қонунининг амали орқали хўжаликда мутаносибликнинг барқарор бўлиши, бозор стихияси мисол бўлиши мумкин, бундай ҳолда айрим кишиларнинг конкрет мақсадлари ва ҳаракатлари умуман системанинг ҳаракати тенденцияси билан мос келмайди. Онгли Б. кишиларнинг маълум мақсадга қаратилгиз актив фаолияти билан боғли бўлиб, одатда ўзига хос социал институтлар (давлат, партиялар ва ҳ. к.) орқали амалга оширилади. У конкрет-тарихий характеристерга эга бўлиб, ижтимоий тузумнинг социал-иқтисодий табииати билан белтиланади. Социализм шароитида ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк бўлганилиги сабабли, биринчи марта ишлаб чиқаришни, умуман жамиятни онгли равишда бошқариш мумкин бўлади ва бу бошқариш ижтимони тараққиёт қонуниятларини илмий асосда билишга таяниб иш куради. Социализм даврида Б. нинг умумий мақсади — бу қонуниятлардан оптималь даражада фойдаланишдан, коммунистик қурилиш-вазифаларини ҳал қилиш учун ҳамма ресурсларни сафарбар қилишдан иборат.

**БУДДИЗМ** — жаҳон динларидан биро бўлиб, асосан Ҳиндистонда, Непалда, Бирмада, Японияда тарқалган. Ривсятга кўра, Б. нинг асосчиси Сиддхартха Гаутама ҳисобланади. Унга Будда яъни эс-хушини ва ақлини топган деб лақаб қўйилган. Будданинг гўё унинг фаолияти бошланган вақтдан анча кейин ёзилган таржимаи ҳоли афсонадан иборат. Б. эрамиздан олдин б-асрда Шижмолий Ҳиндистонда ривожланган қулдорлик жамияти ташкил

топаётган ва йирик давлатлар барпо бўлаётган шароитда вужудга келган. Б. таълимотига кўра, инсон ҳаёти — ёвузлик ва азоб-уқубатдан иборат; азоб-уқубат чекишининг сабаблари эса истак ва эҳтироссадир, ана шулардан қутилмоқ зарур. Б. таклиф қилган «қутилиш» йўли диндор киши учун «тақводорликка интилиш» ва «яхшилик билан ҳаёт кечириш»га бориб тақаларди, оқибат натижада эса барча орзу-истаклардан қутилишдан ва нирвана ҳолатига, яъни дунёвий нарсаларнинг ҳаммасидан тамомила воз кешишга эришишдан иборат эди. Дастрлабки вақтда Б., инсоннинг «қутилиши» унинг кастага мансуб бўлишига, худога қиладиган қўрбонликларига боғлиқ эмасdir, балки фақат қанчалик яхшилик ва тақводорлик билан ҳаёт кечиришига боғлиқдир, деб тарғибот юргизарди. Б. браҳманизм динига қарши чиқди, у «қутилиш»га (қуллардан бошқа) ҳамма эриша олади, деб эълон қилди, ваҳо-ланки, браҳманизм «қутилиш»ни коҳинлар — браҳманларнинг имтиёзи қилиб қўярди. Б. ифодалаб берган бу руҳоний диний тенглик одамларнинг касталарга бўлинниб тарқалиб кетишига қарши курашда ижобий ҳол эди. Бироқ, Б. нинг социал программаси биронир ижтимоӣ ўзгартишларни истисно қиласди ва шахсий «қутилиш»дан, ёвузлика қаршилик кўрсатмаслиқдан, ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини камолотга етказишдан ва ш. к. лардан иборат бўлиб қолган эди. Эрамизнинг дастрлабки асрларида Б. да анча ўзгарниш содир бўлади. Диний маросим кенгаяди, Буддага сифиниш кучаяди, диндорнинг «қутилиши» унинг шахсий интилишларига эмас, балки худонинг иродасига боғлиқ қилиб қўйилади. Б. тезлик билан Ҳиндистонда, Хитойда, Кореяд, Японияда ёйилади. Бироқ феодализмнинг ривожланиши, феодал тарқоқликининг кучайиши, шаҳарларнинг тушкунликка кетиши муносабати билан Б. 12—13-асрларга келганда ўзининг ўтмишдаги аҳамиятини йўқота бошлади. Ҳозирги вақтда Осиёнинг бир қанча мамлакатларидаги баъзи буржуза идеологлари ва буддизм руҳонийлари Б. ни қайтадан тиклаб, миллӣ идеологигия айлантиришга уринмоқдалар.

**БУРЖУАЗИЯ** — ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилувчи, ёлтаима ишчилар меҳнатини эксплуатация қилиш ҳисобига яшовчи синфи. Ўз состави жиҳатидан Б. бир хил эмасdir, у йирик, ўрта ѿ майдада капиталистлардан таркиб топган. Ривожланган капиталистик мамлакатларда йирик монополистик Б. ҳукмронлик мавқенини эгаллаб олган бўлиб, у давлат ёрдами билан миллӣ даромадни ўз фойдасига қайтадан тақсимлашни амалга ошироқда, ўз мамлакати ва бошига мамлакатлар меҳнаткашларини эксплуатация қилмоқда. Тарихан Б. ўрта аср эркин шаҳарларининг аҳолиси орасидан ажralиб чиққан. Ўз вақтида Б. жамият тараққиётida прогрессив роль ўйнади. Буржуза революцияларини (*Burjuya revolyutsiya-si*) даврида Б. феодализмга қарши курашаётган халқ оммасига

Бошчилек құлді. Б. ҳукмронликка әришган жойларда феодализм-га хос бұлған ишлаб чиқарыш воситаларининг тарқоқлигига бар-ҳам берди, уларни озғина кишилар құлда марказлаштирди. У шаҳар ахолисинен қишлоқ ахолиси ҳисобдан күпайтирди, қишлоқны ша-ҳар ҳукмронлигига бейіснідерди. У жақон алоқаларини ривожлан-тирди, жақон бозорини вужуда келтирди. Илм-фан өрдамы билан Б. ишлаб чиқарыш қиёфасини ұзгартирди, унинг техника базисини революционлаштириди. Бироқ, капитализмнинг тараққий қилиши, айниңса унинг монополистик босқичга үтиши муносабати билан Б. нинг тарихий роли тубдан ұзгарды. Бир вақтлар феодаллар синфи бұлғани сингари, монополистик Б. ҳам иқтисодий ва социал тараққиеттің асосий тұғоногига айланды, чунки унинг эгоистик манфаатлари ижтимои тараққиет манфаатлари билан муросасиз зид бўлиб қолди. Б. эскирган капиталистик муносабатларни алмаш-тиришга тұсқынлик қилишга уриниб, фашистлар диктатурасини ұратышта чолишиб оқда, социалистик мамлакатларға қарши қара-тилган агрессия ташқи сікесат юргизмоқда, ұз имтиёзларини сақлад қолиш учун ҳамма жойда умри тугаган ва тугаёттеган күчлар билан оғиз-бурун ұшишмоқда. Монополистик Б. нинг әуравонлиги вә зул-ми фақат ишчилар синфининг манфаатлари биланғина эмас, балки капиталистик жамиятдаги бошқа табақалар — деҳқонлар, зиёли-лар, шаҳарнинг майды ва ўрта буржуазияси манфаатлари билан ҳам тұқнаңы келмоқда. Капиталистик мамлакатлarda ишчилар син-фи бошчилигида демократик күчларнинг бирлашган антиимпериа-листик фронты вужуда келмоқда. Мустамлакачилардан озод бў-либ, ривожланаётган мамлакатларда Б. нинг роли иккى ёкламади: бир ёқдан, Б. антиимпериалистик ва антифеодал курашда қатнашмоқда, иккинчи ёқдан, үзининг тор синфи манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қылган ҳолда демократик ұзартышларнинг чуқурлашувига ва кенгайишига қаршилик күрсатмоқда. Совет Іттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тарихий тажрибаси шуни күрсатдик, Б. ҳукмронлигининг ағдариб ташла-ниши — социал-иқтисодий тараққиет суръатларини тезлаштириш-нинг зарурый шартидир.

**БУРЖУА РЕВОЛЮЦИЯСИ** — социал революция типи бўлиб, бунинг нағижасида ривожланаётган капиталистик ишлаб чиқарыш усуси билан феодал ижтимои тузум үртасидаги зиддиятлар ҳал қилинади. Б. р. шунингдек миллий мустақилликни (мустамлака ва қарам мамлакатларда) құтта киритишини ҳам ұз олдига мақсад қилиб қўйиши мүмкин. Б. р. нинг характери, ҳаракатлантирувчи күчлари ва гегемон синфи турли тарихий даврларда турличади. Феодализмнинг ҳукмронлиги шароигида (16—18-асрларда) Б. р га буржуазия бешчилек қилди. У вақтда буржуазия ҳалқ омма-сини крепостниклик гузумига қарши курашга бошлаб бора олади-

ган бирдан-бир синф эди. Буржуазиянинг ғалабаси у вақтда Европада фоят катта ижтимоний тараққиётни, янги социал-сиёсий тузум тантанасини билдиради. 19-асрнинг ўрталари, ижтимоний майдонда пролетариат пайдо бўлган вақтдан бошиаб, буржуазиянинг Б. р. даги тактикаси тубдан ўзгаради. Буржуазия революцион халқ оммасининг, айнича пролетариатининг ташаббускорлигини чеклашга уринади, эски ҳоскимият билан битимга келиш пайига тушиб, революциянинг ривожидан бонапартчи диктатурани афзал кўради. Буржуа революцияларининг алоҳида хили — буржуа-демократик революциялар бўл:б, бу революцияларда «халқ оммаси, унинг кўпчилиги, зулм ва эксплуатация остида ээйлган энг чўкур ижтиёний «қўйи қатламлар» мустақил суратда бош кўтариб чиқдилар, революциянинг бутун жараённига ўз талабларининг, вайрон қилинаётган эски жамият ўрнига ўзлари янги жамиятни ўз хоҳишларича қуришга уринишларининг тамғаларини қолдирдилар» (Ленин). Бу хилдаги революцияларга, мас., Буюк француэ революцияси таалуклайдир. Империализм даврида пролетариат буржуа-демократик революцияларнинг боришига ва натижаларига тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Пролетариат буржуа-демократик революциясининг гегемони бўлиб колади. Россияда 1905—1907 йиллардаги революцияда, 1917 йилги Февраль революциясида шундай бўлган эди. Пролетариат буржуазияни четга суриб, майдада буржуа оммасини ўзига эргаштириб борган шароитда буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтиши учун имконият туғилади. Буни, мас., рус пролетариатининг тарихий тажрибаси, шунингдек иккинчи жаҳон урушидан кейин халқ демократияси мамлакатларида юз берган ва фақатгина феодализмгагина эмас, балки империализмга қарши қаратилган революциялар тажрибаси ҳам исбот қилди. Ҳозирги даврда миллий-озодлик ҳаракати буржуа-демократик революциянинг алоҳида формасини — миллий-демократик революция деб аталадиган революцияни илгари сурдики, бу революцияда пролетариат (у мавжуд бўлган жойда). деҳқонлар миллий буржуазия билан биргаликда мустамлакачилликка қарши чиқмоқдалар. Муайян шароитда бу революциялар буржуача ўзgartишлар доириасидан ўсиб чиқади.

**БУРЧ** (долг) — этика тушунчаси бўлиб, бу тушунча бирор хилдаги мажбуриятларни (онлавий, гражданлик, синфи мажбуриятларни, бирон-бир колективга ёки группага ва шу кабиларга нисбатан бўлган мажбуриятларни) бажаришининг ахлоқий зарурлигини билдиради. Б. да шундай ахлоқий талаблар жамлашадики, бу талабларни жамандиган (ўз тараққиётининг у ёки бошқа босқичида) шахс олдига кўндаланг қилиб қўяди. Фалсафий-ахлоқий таълимотлар тарихида ахлоқий Б. нинг келиб чиқиши ва моҳияти турлича изоҳланаб келинди. Идеалистик ва диний-ахлоқий назариялар

ҳаммадан кўпроқ Б. нинг у дунёга хос абстракт, «нлоҳий» асоси-ни илгари сурдилар (Кант, Гегель, христиан ахлоқи ва бошқалар) бу асос эса муқаррар равишда мавҳум, файри синфий бўлиб чиқарди. Мас, Кант назарича, Б. қатъий императиөнинг формал талабларидан кедиб чиқади. Марксгача бўлган материализм ҳам Б. ни чекланган ҳолда тушунтириб, уни ўзгартмас инсон табиати, «табиий қонун» ва шу биларининг талабларидан келтириб чиқаради. Б. янниг моҳиятини файри илмий изоҳлаш замирнда шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабати ҳақидаги хато тасаввурлар асос бўлиб ётади. Инсон ижтимоий муносабатларнинг муайян система-сидан ташқарида олиб қаралади, бу система эса ҳақиқатда жамиятдаги хилма-хил ахлоқий нормаларни ва мажбурнятларни вужудга келтиради. Кишини кишин эксплуатация қилишнинг асосланган синфий-антагонистик формацияларда Б. ҳам, бошқа ахлоқ нормаларни сингари, кўпинча шахс учун ташки мажбур қилиш сифатида, унга ташқаридан мажбуранк юклатилган бегона, баъзан эса ҳатто унинг майилларига душман бўлган куч сифатида майдонга чиқади. Социалистик жамият шароитида Б. шахсга нисбатан бундай бегона куч бўлмай қолади, чунки шахснинг манфаатлари ўз асоси жиҳатидан ижтимоий манфаатлар билан мос кела бошлидай. Бироқ бунда ҳам Б. нинг буюрувчилик томони сақланиб қолади ва унда жамиятнинг шахсга нисбатан хилма-хил талаблари ва шахснинг жамият олдидаги мажбурнятлари ифодаланади. Шу билан бирга бу талаб ва мажбуриятлар эндиликда, илгарнгидек, инсон учун ахлоқий бўғовлар эмасdir, балки энди инсон уларни ўз манфаатларига мувофиқ келадиган бир нарса, деб ихтиёрий равишда бажарадиган бўлади. Бу ҳолда Б. шахсий истаклар ва манфаатлар билан тобора кўпроқ мослашиб тушади, унинг бажарилиши эса, гарчи баъзан катта ахлоқий куч-ғайратни талаб этса-да, англаб, тушунишга асосланниб боради.

**БЎШ ВАҚТ** (свободное время) — инсонга «билим олиш учун, интеллектуал ривожланиш учун, социал вазифаларни бажариш учун, ўртоқларча алоқа қилиш учун, жисмоний ва интеллектуал кучларнинг эркин ўйини учун» (Маркс) зарур бўлган вақт. Бу — иш вақтидан ташқарини бутун вақтдан уйқуга, овқат ейишига, ўзига қарашга, овқат тайёрлашга, иш жойига бориб-келишга кетадиган соатлар чиқариб ташлангандан кейин қоладиган вақтдир. Кишилар бўш вақтга қанча кўп эга бўлсалар, улар ўзларини шу қадар кўп кўрсата, табиат сирларини очиш билан, санъат соҳасидаги янги ютуқлар билан инсониятни бойита оладилар. Кўпроқ ўқимишли ва маданиятли кишилар жамиятни моддий жиҳатдан ҳам бойроқ қиласидилар, чунки уларнинг меҳнати унумлироқиди. Б. в. дан фойданиш характерини ижтимоий тузум белгилайди. Капитализм шахснинг меҳнаткашларнинг жуда аксарияти маънавий бойлик ола-

мидан бегоналаштирилғанлығы сабабли, уларнинг Б. в.-и ё ишдан бүшлікни (ищсизликни) билдиради, ёки өақтни бекордаи бекорга үтказишга мойил бўлади. Коммунизмга ўта борган сари иш өақти билан Б. в. ўзининг ўтмишдаги қарама-қаршилигини йўқотади, чунки иш өақтидаги меҳнат ижодий, эркин бўла боради, Б. в. эса тобора кўпроқ актив ижодий фаолиятга бағишлиандиган бўлади. Коммунизмда жамият бойлигининг мезони иш өақти эмас, балки Б. в. бўлади.



**ВЕРИФИКАЦИЯ** (лат. *verus* — ҳақиқат, *facere* — қылмоқ — ҳақиқат қылмоқ) — бирон-бир илмий фикрнинг (назария ва унга ки-рувчи қоидаларнинг) чинлигини текшириб кўриш. В. процесси иккаки босқични ўз ичига олади. Биринчисига назариянинг зиддиятли эмаслиги ва тўлиқлиги мъиносида мантиқий яхлитлигини ва мунтазамлигини текшириб кўриш киради. Бу текшириш айрим назарий фикрларни мазкур фикрлар натижаси сифатида хулоса қилиб чиқариладиган озгина умумий принципларга нисбат бериш билан амалга оширилади. Иккинчи босқич назарияни экспериментал (ёки кенгроқ тарзда — амалий) текширишдан иборат бўлиб, бу текшириш жараённада назариянинг унинг ёрдами билан акс эттирадиган объектларга мувофиқ келиш-келмаслиги, упин мазкур объектлар ҳақида билим олиш учун асос бўлиб хизмат қила олиш-олмаслиги аниқланади. Бундай текшириш одатда экспериментлар асосида амалга оширилади. Бу экспериментлар эса планлаштирилади ва текширилайдиган назарияга мувофиқ ўтказилади. Агар экспериментларнинг натижалари илгари айтилган назарий фикрлар билан тўғри келса, назария верификациялаштирилган ҳисобланади. Верификациялаштирилиш принципи (субъектив-идеалистик тарзда талқин этиладиган принцип) — мантиқий позитивизмда (*неопозитивизмда*) асоси principle-лардан биридир: Витгенштейн, Шлик ва бошқалар. У мазкур философларнинг умумий позицияси билан bogliқidir. Неопозитивизм объектив ҳақиқатни «сохта проблема» деб рад қилиб, В. ни фақат бирон-бир илмий фикрни у ёки бу «базисли гаплар» га («атомар фактлар» ва шу кабиларга) асосланган муайян тил (мантиқий) конструкция доирасида «англашилиши» га қараб текширишдан иборат деб қарайди. Агар текширилайдиган фикрларни ё сезгилар ҳақидаги («феноменалистик анализ»), ё физик экспериментлар ва ўлчовлар ҳақидаги («физикалистик анализ») ёки идроклар ҳақидаги («кундалик тил анализи») фикрларга олиб бориб тақаш мумкин бўлса, улар «англашилган» деб қарадади. Бу ҳолда универсал характердаги ҳар қандай фикрлар (мас., қонунларнинг формулировкалари) аслида «бемаъни» бўлиб чиқади. Неопозитивистик мактаблар ўртасида қанчалик тафовут борлиги-га қарамай, улар В. ни конкрет илмий назарияларни «лаволаш»,

уларни «бемаъни» фикрлардан халос қилиш усули деб қарайдилар. Бу усул назариянинг объектив воқеликка муносабати ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайди. Бундай позиция, аслида, «методологик солипсизм»дан иборатdir.

**ВИТАЛИЗМ** (лат. *vitalis* — ҳаётпй) — ҳаётнинг моҳияти ҳақидаги идеалистик таълимот. В. тирик организмларнинг ўзига хос ҳусусиятини уларда алоҳида номоддий ва билиб бўлмайдиган ҳаётний кучнинг ҳозирлиги билан изоҳлайди ва, аслида, тирик билан тирнкмас ўртасида ўтиб бўлмас чегара қуради. Тарихан В. ҳаётнинг моҳиятини физик-химик процесслардан иборат қилиб қўювчи механизлизмга реакция сифатида юзага келди. Виталистлар, тирик жисмларда физик-химик анализга бўйин бермайдиган қандайдир бир нарса бор ва уни сабабият принципи асосида изоҳлаб бўлмайди, деб даъво қнладилар. В. нинг энг таниқи намояндадаридан бирн бўлмиш немис биологи Дриш, мас., тирик организмларнинг яхлнтлигини, уларда юз берадиган физиологик процессларнинг мақсадга мувофиқ йўналнини, уларни тартибга солувчи номоддий куч — энтелекия таъсири билан изоҳлашга уринди. Ҳаёт ҳақиқатан материя ҳаракатининг қуйн формаларидан иборат эмасdir, тирикнинг ўзига хос қонуниятлари бор, лекин уларнинг сабаби руҳий асосда эмас, балки материя тузилишининг, унинг эволюцияси иштижасида вужудга келган алоҳида усулидадир. Табниёт илмининг ривожи В. ни рад этмоқда, аммо В. биологиянинг ҳал этилмаган проблемаларидан озиқланиб, янгиланган формаларда ҳамон яшаб келмоқда.

**ВОЛЮНТАРИЗМ** (лат *voluntas* — прода) — буржуа идеалистик философиясидаги оқимлардан бўлиб, унинг тарафдорларни табиат ва жамият қонунларини инкор этадилар, воқееликнинг моҳиятини ҳамда инсон фаолиятини ҳеч нима билан боғлиқ бўлмаган *иродада* деб биладилар. В. нинг ҳарактерли ҳусусиятларидан бинри — ақлни «эркин» ва «автоном» иродага қарама-қарши қилиб қўйишадир. Бу хилдаги идея ўрта аср философи Дунс Скоттдаёқ учрайди. Бироқ В. ривожланган таълимот сифатида янги замонда шаклланди. Унинг типик намояндаси немис философи Шопенгауэрdir. Унинг фикрича, биз яшаб турган дунё «сўзининг бутун моҳияти билан бошдан оёқ *сирада*» — онгиз, кўр-кўронга интилиш тарзида тушуниладиган иродадир. Ақл эса ироданинг малайи, «вужудимизнинг оддий тасодифи» эмиш. Ницше ҳам, Шопенгауэрга эргашиб, «борлиқнинг энг чукур моҳияти ҳокимиятга эришиш учун бўлган иродадир» деган фикри асослаб беришга уринди. Ницшенинг ахлоқ-одобнинг энг оддий нормаларини оёқ ости қнладиган устун инсон образи шу тезисга далил бўлиши мумкин. Ницшенинг идеялари буржуа жамиятининг энг гайри инсоний идеологияси — *фашизм* учун манба бўлиб хизмат қнди. Рус ижтимоий фикри тарихида на-

родникликнинг баъзи социологлари В. нинг ўзига хос формасини ривожлантирилар. В. психологик таълимотларга ҳам хосдир. Бунда у иродани шахснинг асосий психик хусусияти деб эътироф қилишда ифодаланади, айни вақтда тафаккурга инсон ҳаётий фаолиятида иккинчи даражани роль берилади (Вундт, Паульсен ва бошкагар). Агар ҳозирги замондаги идеалистик оқимлар ҳақида сўзланадиган бўлса, В. белгилари ҳаммадан кўпроқ интуитивизмда, прагматизмда ва экзистенциализмда ифодаланган. Илмий-материалистик нуқтаи назардан В. танқиддан тубан туради: у инсон психикасининг бир хусусиятини, яъни иродани табиий алоқадорликдан юлиб олади, уни мутлақ қилиб кўяди ва қандайдир ўз-ўзи билан қаноатланадиган бир нарсага айлантиради, индивиднинг на зарий ва амалий фаолияти нисбатини бузиб талқин қиласди. Волюнтаристлар практиканни билишдан ажратиб ташлайдилар ва уни ҳақиқатда инстинкт кўринишларидан иборат қилиб кўядилар. Фоевий-сиёсий курашда В. муҳлислари, одатда, консерватив кучлар томонида турадилар.

**ВУЛЬГАР МАТЕРИАЛИЗМ** (лат *vulgaris* — оддий, содда) — 19.-асрда пайдо бўлиб, материализмни сийқалаштирган ва давалаштирган фалсафий оқим. Унинг вакиллари (Бюхнер, Молешотт, Фогт) табиатшунослар, физиология ва медицина соҳасида мутахассислар эдилар. Философиянинг туб масалаларини (онгнинг борлик-қа муносабати ҳақидаги, оламни билиш мумкинлиги ҳақидаги ва шу каби масалаларни), этика, эстетика, психологиянинг ўзига хос проблемаларини вульгар материалистлар «бекорчиликдан ўйлаб чиқарилган уйдирмалар» деб, инсоният асрлар давомида улар устидага бекордан-бекорга бош қотириб келган, деб ҳисобладилар. Улар гуманитар фанлар ва уларнинг методларининг аҳамиятини инкор этган, ўша йилларда физиология ва медицинада муваффақият билан қўлланилаётган механистик талқинни мутлақлаштирган эдилар. Вульгар материалистлар онгнинг мустақиллиги ва активлигига ҳақидаги қоидага қарши айниқса шовқин-сурон кўтариб чиқдилар. Уларнинг фикрича, тафаккур материядан, мнямиздаги физиолог ўрганадиган процесслардан принципиал равишда фарқи бўлиши мумкин эмас. Фогт ўзининг ўт жигар билан, сийдик буйрак билан қандай алоқада бўлса, фикр ҳам мия билан тахминан шундай алоқаладир, деган гапи билан ном чиқарган эди. Вульгар материалистлар ижтимоий ҳаётни инҳоятда сийқа талқин қилишни таклиф этардилар: жамиятдаги тараққиётни улар яшаш учун кураш билан, синфий тенгислизники приснят қонунлари билан, турли даврларда яшаган, турли ирқ ва этник группаларга мансуб бўлган кишилар учун характерли бўлган фикрлаш тарзини иқлим ва овқатдаги тафовутлар билан изоҳлашга уринардилар. В. м. нинг ўз вақтида таъсирили бўлганлигининг сабаби унинг атеистик йўл тутган-

лигига, унинг табииёт илмининг обру-эътиборига мутлақ ишонишида ва бу ишонишнинг 19-асрнинг иккинчи ярмидаги прогрессив интеллигенциянинг ақл югутиришига монандилигидар; унинг вакиллари дарвинизмни, физиологиядаги янги кашфиётларни, энергияпинг сақланиш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши қонунияни ва шу кабиларни оммалаштириш учун кўпгина ишлар қилинадар. В.м. ўша йилларда шаклланган диалектик материализмдан тубдан фарқ қиласди. Ҳозирги вақтда буни таъкидлаб ўтиш айниқса муҳимдир, чунки марксизмни танқид қилувчи идеалист философлар В. м. нинг хатоларини умуман материализмга тўнкашга уринмоқдалар.

**ВУЛЬГАР СОЦИОЛОГИЗМ** — ижтимоий онг формаларини (айниқса философия ва санъатни) ўрганишга сийқалашган нуқтаи назардан қараш. Бу нуқтаи назардан мазкур формалар нуқул музайн синф манбаатларининг ифодаси деб, техника ва экономикадаги ўзгаришларнинг бевосита натижаси деб қаралади. Дарҳақиқат, гарчи синфий кураш ва иқтисодий шарт-шаронт пировард оқибатда гоявий ривожланишини белгиласа-да, социал-иқтисодий соҳа билан идеологик соҳа ўртасидаги ўзаро алоқадорлик хийла мураккабдир. Агар гап философия устида борадиган бўлса, у вақтда шуни унутмаслик керакки, у экономикага нисбатан нисбий мустақилликка эгадир, чунки у ҳар сафар айни вақтда мавжуд бўлган фикрлаш материалига асосланиб иш кўради. Экономика фалсафий назарияларни яратмайди, балки фақатгина уларнинг ўзгариш ва янада ривожланиш формаларини белгилайди; лекин ҳатто шуни ҳам у. Энгельс сўзлари билан айтганда, кўп жиҳатдан бевосита ҳоснл қиласди, ваҳоланки философияга сиёсий, ҳукуқий, ахлоқий инъикослар бевосита энг муҳим таъсири кўрсатади. В. с. масалани сийқалаштиради. Мас., «Фарбий Европа философиясида капитализмнинг оқланиши» деган китобида (1908) В. Шулятиков, ҳар бир фалсафий тушунча ижтимоий синфни ёки группани билдиради, деб исбот қилишига уринигина қолмай, балки шу билан бирга фалсафий ўзгаришларнинг манбанини «капиталистик корхоналарнинг ички тузилишида» деб қарарди. «Намуна қилиб йўлга қўйилган корхонанинг эгаси,— Лейбницнинг худосидир», Кант назариясида «мануфактура ишхоналарининг мураккаб тузилиш манзараси» тафсилотлари билан кўрсатилади ва шу каби гаплар ана шундан келиб чиққан. Ленин Шулятиковнинг китобини ўқиганида шу хилдаги жойларини кўриб, «Бемалъилик», «Нотўғри», «Болалик» деган сўзларни ёзиб қўйган. Эстетикада В. с. нуқтаи назари бадиий ижоднинг социал маъносини очиқдан-очиқ бузиб кўрсатишга олиб келди. Чунончи, адабиётшунос Фриче, Данте— дворянлар шоири, Боскаччио эса буржуазия шоиринири, Шекспирнинг асаллари феодал-аристократик синфнинг руҳий ҳолатини шоирона шаклда ифодалади.

лглайди, деб ёзган эди, у ҳатто передвижникларни «буржуа санъатининг пионерларни» деб атайди. Переверзев ва бошқалар Пушкинни дворянлар шоири деб, Достоевскийни майдада буржуа ёзувчиси неб атаган эдилар ва ҳоказо. Бу хилдаги фикрларнинг тарафдорлари шундай фактни эътиборга олмас эдиларки, ҳақиқий санъаткорларнинг ижодида шахснинг эстетик идеали гавдаланади ва бу идеал маълум даражада умуминсоний аҳамият ҳам касб этади. Шу ҳолни назарда тутмасдан туриб, Шекспир ёки Пушкин ижодларни нима учун турли даврларнинг кишиларнiga лаззат бағишлишини тушунтириб бўлмайди. В.с. вакилларин ўз методологиясини марксистик методология деб кўрсатишарди. Ҳақиқатда эса вульгар социологияни нуқтан назар диалектик-материалистик назарияни бу зиб кўрсатарди, шунинг учун ҳам марксча-ленинча ижтимоий фан уни рад қилди.



**ГЕДОНИЗМ** (грек. *hedone* — завқ, лаззат) — фалсафий-ахло-  
кий таълимот (анттик философияда унинг бош вакили — Эпикур).  
Бу таълимотга кўра, лаззат, завқ — инсон хатти-ҳаракатларининг ҳа-  
ракатлантирувчи кучи, мотиви ва мақсадидир. Чунончи, Эпикур на-  
зарича, лаззат — бахт-саодатнинг негизи ва принципидир, дастлаб-  
ки ва табиий яхшиликдир. Бироқ бахт-саодат келтирувчи лаззат  
шундай нарса бўлиши мумкинки, унинг кетидан азоб-уқубат ва  
дард-алам келмаслини керак. Христиан ахлоқи Г. ни, жумладан эпи-  
курча Г. ни ҳам, дунёвий бахт-саодатга интилиш деб тамомила  
улоктириб ташлади. Якиги замонда, 18-асрнинг охиirlари — 19-аср-  
нинг бошларида, инглиз утилитаристлари (*Утилитаризм*) Г. ни қайта-  
дан бунёд қилишга уринидилар. Бироқ уларнинг таълимотида Г. бур-  
жуа индивидуалистик ахлоқ принципига алланиб кетди. Утилитаризм  
лаззатни буржуа жамиятида ҳар бир киши нима қилиб бўлса ҳам  
қўяла киритишга уриниши лозим бўлган фойда, ҳамён билан  
боглади.

**ГЕНЕТИК МЕТОД** (грек. *genesis* — келиб чиқиш) — табиий ва  
социал ҳодисаларни уларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ана-  
лиз қилиш асосида тадқиқ этиш усули. Бу метод библиографиян ҳоди-  
санни қандайдир азалий ҳолатдан келтириб чиқаришни назарда тува-  
ди. Бу ҳолат гўё айни ҳодисанинг ўзгарниши ва ривожланишининг  
бошланғич иштаси эмиш ҳамда мазкур ривожланишининг асосий  
боекчилари ва тенденциялари шу асосда кузатиб борилар эмиш.  
Г. м. 18 ва 19 асрларда илмий билимда кенг ёйилди. У ҳозирги за-  
мон илм-фанида ҳам турли ҳодисаларни (ижтимоий ҳаёт, психика,  
онг ҳодисалари ва шу каби ҳодисаларнинг) келиб чиқишини анализ  
қилганда татбиқ этилади. Чунончи, у *аксиоматик методни* асослаб  
бериш усули ва назарияни кенг авж олдириш усули деб, психологи-  
ядэ субъектнинг психик фаолиятини моддий фаолиятга боғлиқ экан-  
лигини аниқлаш усули деб қаралади ва ҳоказо. Г. м.ни татбиқ этиш  
қийинчилклари кўпинча генетик тарздаги бошланғич ҳолатни аж-  
ратиш қийинчилклари билан боғлиқдир. Бу методни мутлақ қилиш  
кўйини одатда тараққиётнинг ҳақиқий манзарасини сийқалаштириш-  
га олиб келади. Шунинг учун уни тадқиқотнинг бошқа методлари  
бизни қўшиб олиб бориш мухимдир.

**ГЕОГРАФИК МУХИТ** (географическая среда) — инсоният жамияттнинг яшаши ва тараққий қилишининг табиий шароитлари, ишлаб чиқаруучи күчлар тараққиётининг бу ёки бошқа босқичида инсон фаолияти соҳасига доғыл бўлган табиат предметлари ва ҳодисаларининг мажмуй. Ижтимоий ишлаб чиқариш табиат моддалари ва күчларидан фойдаланиши билан ҳамиша боғлиқ бўлиб, улар сиз яшай олмайди. Шу сабабли Г. м. инсон ҳәётининг ҳамда инсоният жамияттнинг яшаши ва ривожланишининг зарур шартидир. Табиатининг ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсири жамият тараққиётининг даражасига қараб тубдан ўзгарди. Тарихий тараққиёттнинг илк босқичларида ишлаб чиқаришда кўпинча яшаш учун керакли табиий воситалар (тупроқнинг ҳосилдорлиги, мевалар ва бошоқли ўсимликлар, балиқ ва қушлар ва шу кабилар) фойдаланилади, жамият тараққиётининг юқориyoк босқичларида меҳнат воситаларини ташкин этувчи табиий ресурсларининг (ёғоч, металлар, энергия манбаи бўлган шаршаралар ва шу кабиларнинг) роли ошади. Бу қол шундан далолат берадики, кишилар ҳәётининг турли томонларига Г. м. нинг таъсири айни ишлаб чиқариш усули тақозоси билан юз беради ҳамда ишлаб чиқарувчи күчлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига боғлиқдир. Шу сабабдан Г. м. гарчи жамият тараққиётига уни тезлаштирадиган ёки унга тўсқинлик қиласидиган таъсир кўрсатса-да, лекин бу тараққиётни белгилаб беролмайди. Ишлаб чиқаришнинг тараққийси учун табиий шароитларнинг қилима-хил бўлиши энг қулайдир. Жамият тараққий қилиб бориши билан унинг табиатга бевосита қарам бўлиши камая боради, лекин шу билан бирга ишлаб чиқаришда табиий ресурсларнинг тобора кенгроқ доираси фойдаланадиган бўлади. Жамият ҳам ўз иавбатида Г. м. га энг кучли таъсир кўрсатиб, уни ўзига керакли томонига йўналтиради, бошқа шаклга солади ва ўзгартиради. «Инсон табиатга ўз таъсириининг тамғасини босиб қолдириши биланоқ, у ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турли хилдаги турларини бир жойдан иккинчи жойга кўчирибина қолмади, балки шунингдек ўз турар жойининг ҳам ташки кўринишни ва иқлимини ўзгартирди, ҳатто ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ўзларини ҳам шу даражада ўзгартирди, унинг фаолияттнинг натижалари фақат ер куррасининг ўлиқ ҳолга келиши билан биррагина барҳам топиши мумкин» (Энгельс). Табиатни ўзгартирганда табиатнинг барча ҳодисалари ўртасида мавжуд бўлган ўзаро алоқадорликни доим назарда тутмоқ керак, токи ўйламасдан аралашув билан табиат процессларининг таркиб топган «мувоза-натиши» бузуб қўймаслик лозим, бу эса кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати шароитларига жуда ноқулай тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

**ГЕШТАЛЬТПСИХОЛОГИЯ** (нем. Gestalt — форма, шакл-шамоил) — 20-асрнинг иккинчи ўн йиллигига буржуа психологиясида

пайдо бүлган оқым. Үннинг бош вакиллари — Вертгеймер. Келер, Коффка — психикага яхлит, структура нүктан назаридан ёндошишни амалга оширишга уриниб күрдилар. Шу билан бирга психика фаяолияттанин улар, асlda, жисмоний структуралар учун характерли бүлган қонуниятлар билан изоҳладилар. Ана шу нүктан назардан туриб гештальтистлар антропоидларнинг «амалий интеллектини» (Келер), психиканинг ривожланишини (Коффка), инсон тафаккурини (Вертгеймер), группалардаги одамларнинг шахси ва ўзаро муносабатларини (Левин) тадқиқ қилиб чиқдилар. Г. сезгиларнинг бирлашувидан иборат қилиб қўйилмайдиган идроккинг ўзига хос ва азалдан яхлитлик характерининг исботига ҳисса қўшди.

Бироқ гештальтистлар махим гносеологиясига эргашиб, идрок образларни мужассам олам билан бирдай қилиб кўрсатадилар. «Мен ҳозир ўзим ёнида ўтирган ёзув столини идрок деб атаган бўлардим» (Коффка). Шунга мувофиқ улар идроккинг яхлитлик характерини инсон амалий равишда ўзаро таъсир кўрсатадиган предметларнинг яхлитлиги билан эмас, балки инсон миясидаги нерв (электр) процессларининг ўзига хос тумча ўюшув билан изоҳлайдилар. Гештальтистлар экспериментларда фақатгина феноменологик методдан (Феноменология), яъни аллақачон шаклланган образларни катта ёшлаги кишининг тасвирлаши методидан фойдаланиб, идрок процессининг ўз қонуниятларини ва үннинг инсоннинг амалий ва билиш фаолиятни билан алоқадорлигини очиб бера билмадилар, бунинг сабаби эса кўп жиҳатдан уларда психикага тарихий, генетик нүктан назардан қарашнинг йўқлигидир.

**ГИЛОЗОИЗМ** (грек. *hyle* — материя, модда ва *zoe* — ҳаёт) — фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимот, тириклик хусусияти ва аввало сезувчанлик, сезиши, идрок қилиш қобилияти бутун материяга хосдир, деб ҳисоблади. Қадимги Греция материалистлари (Фалес, Анаксимандр, Эмпедокл ва бошқалар), кейинчалик Жордано Бруно 18-асрдаги баъзи француз материалистлари (мас., Дидро) ана шундай нүктан назарда турган эдилар. Г. механистик материализма (Декарат, Гоббс ва бошқалар) қарама-қарши турарди, чунки механистик материализм материяга ҳаракатнинг фақат механик формаси хосдир ва бу форманинг энг муҳим хусусияти кўламдан иборатdir, деб ҳисобларди. Диалектик материализм тириклик хусусиятини фақат муайян тарзда ташкил топган материяга — органик оламга ишбат беради.

**ГИПОТЕЗА** (грек. *hypothesis* — асос, принцип, фараз) — ҳали исботланмаган назарий фикр (муҳокама), фараз. Гипотеза ишончли, илмий равишида исботланган назариядан ана шу билан фарз қиласди. Г. ни илгарни суриш, асослаш ва исботлаш — илмий билишнинг ривожи учун зарур моментdir. «Табииётнинг ривожланиши формаси, модомикии у фикр қиласар экан, гипотезадир» (Энгельс).

Математикадан тортиб то философиягача ҳамма фанлар Г. орқали ривожланади ва барча назариялар Г. босқичини босиб ўтади. Ленин айтган эдники, тарихни материалистик тушуниш ўзининг пайдо бўлиши пайтида Г. эди, «Капитал» майдонга келгандан кейин эса у «энди гипотеза эмас, илмий равиша исботланган қоидадир». Г. нинг билдирувчилик аҳамияти ҳар хиллар. Бир хил гипотезалар тахминий, ҳали ишлашини талаб қиласидиган характеристерга эга бўлиб, фактларни дастлаб системалаштириш учун хизмат қиласиди, иккинчи хилларни эса фактларни чуқурроқ изоҳлаш учун фойдаланилади ва бўриб-бориб, практика тасдиқлаб бергандан кейин, улар илмий жиҳатдан ишончли назарияларга айланни мумкин. Мас., ёргулкнинг квант Г. си аввал бошда тахминий фараз тарзида пайдо бўлиб, абсолют қора жисмнинг нурланишини изоҳлаш учун хизмат қиласиди. Бор ана шу фараз ёрдами билан атомнинг тузилишини изоҳлаб бергандан кейин у катта илмий қимматга эга Г. бўлиб қолди, эндиликда эса квант назариясига айланди. Ишончли назария мавжуд бўлмаган чоқда Г. предметни билиш якунлари жамланган форма бўлади, шунинг учун кундалик оддий тушунчада у назария билан қўшилиб кетади. Биз: академик Опариннинг Ерда ҳаётнинг келиб чиқинши ҳақидаги назарияси деймиз. Ҳақиқатда эса бу етарли даражада асосланган Г. дир. Қуёш системаси планеталарининг келиб чиқинши ҳақидаги, қуёш системасининг бошқа планеталарида тирик материянинг мавжудлиги ҳақидаги ва шу кабиллар ҳақидаги билимларимиз ҳам гипотеза ҳолатидаги билимлардир. Қўпинча фанда айни бир вақтда бир неча гипотеза мавжуд бўлиб, улар айни бир ҳодисани турлича изоҳлайдилар. Бир-бирни билан рақобатлизувчи бу гипотезалардан эҳтимолга яқинроги танилаб олиниади ва сўнгра худди ана шу гипотезани исботлашга уриниб кўрилади. Г. тузгандага олимлар маълум қоидалардан фойдаланадилар. Чуонончи, Г. илгари аниқланган ва ишончли эканлиги аллақачон исбот бўлган билимга (фактларга, қонунларга, принципларга) мантиқий жиҳатдан зид бўлмаслиги лозим; у ҳодисаларнинг айни доирасига таалуқли бўлган барча фактларни изоҳлаб берини, мумкин қадар сунъий даҳмазалардан холи, оддий бўлнишни лозим. Г. да гарчи ночинлик моменти бўлса-да, унинг ўзи фикрнинг объектив ҳақиқатга эришиш йўли билан ривожланшини формаси бўлса-да, албатта қандайдир ишончли бир нарсани ўз ичига олган бўлади ва гираворд натижада, исбот қилингандан кейин, илмий назарияга айланади.

### ГНОСЕОЛОГИЯ — қ. Билиш назарияси.

**ГУМАНИЗМ** (лат. *humanus*) — инсонпарварлик — инсонни энг юқори қадр-қимматли деб қаровчи, унинг озодлигини ва ҳар то-монлама ривожланшини ҳимоя қилувчи назария. Г. озми-кўпми шаклланган оқим сифатида 14—16 асрларда, Уйғонши даврида

пайдо бўлди (Данте, Бруно, Коперник, Шекспир, Ф. Бэкон ва бошқалар); тўғри, унинг зўрим томонлари халқ оммасининг ҳаракатлари асосида илгарироқ ҳам шаклланган эди. Г. энг аввал бошда буржуа революцияларининг гоявий тайёрланиши сифатида майдонга келди ва шунинг учун у диний-феодал философия ва ахлоқда ҳарши қаратилди. «Инсон табиити» нинг ҳамма кўринишларига эркинлик бериш дунёвий ҳаётдан лаззатланиш, инсонни ҳар қандай зулм ва тенгисназликтан озод қилиш қуқуқлари тўғрисидаги талаблар ана шундан келиб чиққан эди. Марксизмга бўлган Г. нинг етишмовчилиги, айниқса 17—18 асрлардаги философлагдаги яққол кўринган етишмовчилиги унинг абстрактлиги эди. Бу абстрактлик шу билан bogliq эдик. Г. нинг асосий талаблари абадий ва ўзгармас «инсон табиити» дан келтириб чиқарилард. «Инсон табиити» хусусий мулкчилик ва индивидуализм билан бояланганларига сабабли, Г. объектив раввиша капиталистик жамият хусусиятларининг илк башоратчиси бўлиб қолгани эди. Капитализм ғалаба қилиш билан бундай Г. мазкур тузумнинг одамгарчиликка хилоф табиатини ниқоблаш усулига айланди. Бироқ бу фикр буржуа гуманистларининг қарашларида маълум даражада прогрессив мазмун борлигини истисно қилимайди (уларнинг урушга, милитаризмга, ирқчиликка ва шу кабилаларга ҳарши чиқишилари). Жуда эрта Г бағрида *утопик социализм* таълимоти пайдо бўлади ва бу таълимот инсон шахсининг равнакини хусусий мулкчиликни ва социал тенгисназликини тутатиш билан боялади. Бу идеялар марксизмда жиддий илмий асосга эга бўлди. Марксизм шунга асосланадики, айни даврдаги инсоннинг қиёфасини, демак, Г принципларининг реал мазмунини пировард натижада ижтимоий муносабатларнинг мажмуни белгилайди. Эксплуатация, бегоналашириш ҳукм сурувчи жамиятда инсон унга ёт бўлган кучлар хукмронлиги остида тушиб қолади, унинг фаолияти одамгарчилик мазмунини йўқотиб, унга ташқаридан зўрлаб юкланган ишга айланади. Индивид фақат бошқа кишилар, сиғфлар, партиялар, давлат ва шу кабилалар учун восита сифатида майдонга чиқади. Кишилар орасида ҳақиқатан инсоний муносабатларни вужудга келтироқ учун инсонни ҳўрловчи шароитларни ўзгартироқ ва биринчи навбатда хусусий мулкчилик ва эксплуатация жамиятни тутатмоқ керак. Бу иш — ишчилар синфининг тарихий вазифасидир. Марксистик Г «абстракт» одам номидан эмас, балки пировард натижада жамият манфаатларини акс этирувчи худди ана шу синфи номидан майдонга чиқади. Социалистик ўзгартишлар Г. принципларни барқарор қилишини билдиради, бу эса ишлаб чиқарини ривожлантиришини кишиларнинг моддий ва малакий эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирисда, меҳнатнинг ҳарактери ва шароитини ўзгартиришда, социал, сиёсий ва миллий тенг-

сизликтин үйк қишлишда, индивидуализмни бартарап этишле үз информациин топады.

Көнг күләмдә ва изчил формада Г. тұла социал теңгеликни, айниңса шахснинг ҳар томонлама ривожланыш мүмкін бүлдігін шаронтларны яратышин назарда тутивчи тараққий қылған коммунистик жамиятда юзага чиқиши мүмкін. Бунга мәжнаттинг социал тақсимотини бартарап қишиш, инсонни жамият ҳәттининг ҳамма соҳаларига дохил қишиш йүли билан еришилады. Фақат ана шу тарздағина инсонга ёт бүлган күчларнинг уннинг устидан ұжымрон-лик қишишнега барғам берилады, инсоннинг қобилянятларини ривожлантириш эса айни мудда бүлиб қолады.

**ГҮЗАЛЛИК** (прекрасное) — эстетиканың эң мұхит тушунчаси бүлиб, бу тушунча табиаттың қодисаларининг, ижтимои ҳәттінинг, инсон фаолияттанның шундай хусусиятларини тавсифлаб берадыки, бу хусусияттар инсонда беғараға мәхр-мұхаббаттың, шодлық, әркінлік түйісіннің үйготишиңа қодирдір. Г. иннег табиатига, уннинг манбаига жұда хилма-хил нұқтаи назарлардан қаралиб келинмоқда. Идеалистик эстетика назарича, Г. иннег манбаи — инсоний екінші гайры инсоний онғыл (худо, абсолют идея, оламий рұх ва ш.к.), худи әна шу онғ қодисаларга гүзәллик хусусияттани ато қылар әмніш. Материалістлар Г. иннег манбасын инсон онғылғы таъсир қылувчи моддий воеликтің үзіде деб биладилар. Марксистик эстетика ҳам материализм нұқтаи назаридан туради-ю, аммо диалектик материализм нұқтаи назаридан туради. У Г. иннег воелиңде мавжуд деб ҳисоблайди-ю, лекин воеликтің үзінің фәқат предметларнинг соғ табиий сифаттардан иборат қылиб құймайды. Воелик ҳам жамияттанның ҳәттідін, ижтимои-тарихий практиканың иборатидір. Практика процессында қодисаларнинг шундай хоссалары юзага келады, одамлар уларни Г. деб идрок қылады. Mac., биологик жиһатдан үшаш бүлган асалары билан ари, гарчи айнан бир хилда жициллатып чақсаларда, нима сабабдан улар эстетик нұқтаи назардан түрліча идрок этилады? Халқ орасыда ҳамиша асаларижон, асалар инлари, деб суоб гапирилады, аммо арилар күзде тутилиб, «газандалар уяси» деганды қандайдыр ярамас одамлар тұдағы жирканиб тавсифланады. Равшанки, асалариларга эстетик нұқтаи назардан берилған баҳо уларнинг инсон ҳәттідегі әзі бүлган ақамияттың боғлиқдір. Бирок, бундан, Г. фәқат нағи тегадиган фойдалы нарса экан, деган маъно чиқмайды, албатта. Медицина зулуклары әч кимга гүзәл бүлиб күрінмес-да, фойдалидір. Иккінчи томондан, мутлақо фойдалы бүлмаган капалаклар ва бұтакұзлар жуда чиройлідір. Яна шуниси ҳам борки, эстетик мұносабат беғараздір, яғни инсон бирор нарсаны Г. деб идрок қылар экан, ундан бирон шахсий манфаат екінші бевосита нағи тегадиган фойда күтмайды. Г. қодисаларнинг

шахсий истеъмол қимматдорлигини эмас, балки ижтимоиј-амалий қимматдорлигини, уларнинг инсон учун маънавий аҳамиятиниifo-далайдир. Сарғаяётган жавдор денгизи соясида кўм-кўк бутакўз чироилидир. Аммо бегона ўт-бутакўзлар босиб ётган қаровсиз даланинг кўриниши мутлақо Г. манзараси эмасдир. Энг аввало мөҳирона, эркин, ижодий, ижтимои жиҳатдан қимматли фаолият бўлмиш меҳнат Г. хусусиятига эга бўлади. Бундай меҳнатнинг на-тижалари ҳам гўзалдир. Инсоннинг оламини билишида ҳақиқатни излашлар ва бу ҳақиқатни барқарор қилиш учун жаҳолатпаст кучларга қарши кураши гўзалдир. Кишиларнинг конкрет феъл-ат-ворларида ва ҳаракатларидаги кўринадиган юксак ахлоқий сифатлар Г. фазилатига эгадир. Санъатда Г. ҳаётни ҳалқнинг, илфор ижтимоиј кучларнинг туб маңбаатларини ифодаловчи идеаллар билан мувофиқ равишда ҳаққоний акс эттиришдир, шунингдек у санъат асарининг мазмуни ва формаси бирлиги тақозо этган бадиий маҳоратдан иборатдир. Маънавий бойликни, ахлоқний покликни ва жисмоний баркамолликни ўзида уйгунаштириб қўшиб олган шахсни ҳартомонлама ривожлантириш — Г. нинг олий идеалидир ва бу идеал коммунистик жамиятнинг мақсадидир.



**ДАВЛАТ** (государство) — синфий жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг асосий қуроли. Ҳукмрон синфнинг иқтисадий жиҳатдан уюшуви тарзида пайдо бўлди. Инсоният тонгида, ибтидоий жамоа тузуви даврида, кишилар коллектив бўлиб яшар ва меҳнат қиласидилар. Жамият синфсиз эди. Барча масалалар уларга дахлдор бўлган кишилар томонидан ҳал этиларди. Иккимойи вазифаларни адо этиш учун сайлаб қўйилган лавозимдор шахслар (бирор ишнинг раҳбарлари, оқсоқоллар, аскарбошилар) фоят катта обрў-этътиборга эга бўлсалар-да, лекин улар ўз хоҳишларини бошқа кишиларга бажартириш учун ҳеч қандай моддий воситага, ҳеч қандай кучга молик эмас эдилар. Уруққа, қабилага бирон ҳавф туғилган тақдирда қурол кўтаришга яроқли кишиларнинг ҳаммаси мудофаага отланарди. Хусусий мулк ва синфлар пайдо бўлгач, бутун ҳалқнинг бундай ўз ўзидан ҳаракат қилиувчи қуролли ташкилоти эндиликда сақланнуб қолиши мумкин эмас эди, чунки турли синфларда умумий бўлмаган, балки қарама-қарши манбаатлар мавжуд эди. Ҳукмрон синф эндиликда авторитет кучига таянолмас эди, унга энди зўрлик авторитети керак эди. Мана шунинг учун ҳам синфлар пайдо бўлиши билан Д., яъни маҳсус аппарат ҳам вужудга келади ва бу аппарат иккимойи тартиби мухофаза қиласи, мухофаза қилганда ҳам «бу дунё зўравонлари»га, эксплуататор синфларга фойдали ва маъқул бўлган тарзида мухофаза қиласи. Бу аппарат қуролли кишиларнинг маҳсус отрядларидан — армия, полициядан иборат бўлиб, уларнинг ихтиёрида турмалар ва бошқа муассасалар шаклида моддий қўшимталар ҳам бўлади. Давлат аппаратини таъминлаш учун зарур маблағлар солиқлар тарзида тушиб туради ва уларни йиғиш учун чињсвиллар армияси хизмат қиласи. Жамиятнинг илгариги уругдошлик ташкилотига нисбатан Д. нинг алоҳида фарқи яна шуки, у одамларни қон-кардошлигига қараб эмас, балки территориал белгисига қараб бирлаштиради. Тарих эксплуататорлик давлатининг турли типларини: қулдорлик давлати, феодал давлат, буржуа давлатини билади. У ёки бу мамлакатда синфий ўзаро муносабатларга қараб, синфий кураш характеристига қараб, идора усуллари турлича бўлади (буржуа республикаси, конституцион монархия ва ҳоказо). Лекин ҳар бир Д. типининг моҳияти битта: у ҳам бўлса —

иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи синфнинг диктатурасиндир. Социалистик революциянинг эсли мақсади — синфларсиз ва Д. сиз жамият барпо қилишдан иборат. Бу мақсадга капиталистик тартибларни қўриқловчи буржуа Д. ини йўқ қилиш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш йўли билан борилади. Пролетар Д. и ўз табиати, мақсадлари ва вазифаларига кўра илгари мавжуд бўлган давлатларнинг ҳаммасидан сифат жиҳатдан фарқ қиласди. Бу янги типдаги Д. бўлиб, у халқдан ажralган эмас ва унга ёт ҳам эмас. У халқни итоатда сақловчи куч сифатида унга қарама-қарши турмайди. Шу сабабдан Энгельс, пролетар давлати — асл маънодаги давлат эмасдир, деб ёзган эди. Социализм ғалаба қилиб, жамият коммунизм қурилишга ўтиши билан Д. бир синфнинг диктатураси бўлмай қолади, у бутун халқнинг, бутун жамиятнинг қуоролига — умумхалқ давлатига айланади. Коммунизм бутун дунёда ғалаба қозонгач, Д. батамом барҳам ейди ва ер юзида коммунистик ижтимоий ўз-узини бошқариш қарор топади.

**ДЕДУКЦИЯ** (лат. *deductio* — хulosы чиқариш) — муҳокама қилиш (*хulosы чиқариш*) нинг асосий усусларидан ва тадқиқот методларидан бири. Дастраси вақтда **формал логикада** (мас, Аристотелда) Д. билимнинг умумийликдан жузъийликка қараб ҳаракат қилиши, деб қараларди. Чуончи, «Ҳамма металлар электр ўтика-зувчилардир» (умумий) ва «Мис — металлдир» деган қоидадан: «Мис электр ўтказувчидир» (жузъий) деган хulosы келиб чиқади. Ҳозирги вақтда Д. дегандан исбот ёки асослардан натижча чиқариш тушинилади. Бу натижча логика қонунларига асосланиб чиқарилади ва ишончли характерга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, дедуктив хulosы — ҳукмлар занжирни бўлиб, булардан ҳар бири ё асос, ёки ҳукм бўлади ва бу ҳукм логика қонунларига кўра мазкур занжирдаги бошқа ҳукмлардан бевосита келиб чиқади. Назариялар тузишнинг дедуктив методи ҳозирги замон фанида кенг ёйилгандир. Бу метод, одатда, билимнинг маълум соҳасида фактили материал тўпллангандан кейин ана шу материалини чуқурроқ ўрганиш, уни системалаштириш, барча натижаларни қатъий суратда хulosса қилиб чиқариш ва шу каби ишларни бажариш мақсадида қўлланилади. Ҳозирги замон фанида дедуктив метод турли формаларда, асосан **аксиоматик метод**, шунингдек гипотеза-дедуктив метод шаклида қўлланилади. Мавжуд фактили материалдан дедуктив назариялар тузганди бошлангич қоидаларнинг (аксиомалар ва шу каби ларнинг) мажмун танлаб олинади ва улардан — фан қонун-қоидаларидан фойдаланиш йўли билан — қолган бутун билим хulosы қилиб чиқарилади. 20-асрнинг бошларигача Д. ёрдами билан фақат математика ва логика назариялари тузилган бўлса, ҳозирги вақтда физика, биология, лингвистика, социология, психология ва шу каби фанларнинг назарияларини дедуктив тарзда тузишга уриниш кенг

ёйилган. Д., дедуктив метод индукция билан, индуктив метод билан чамбарчас боғлиқдир.

**ДЕИЗМ** (лат. deus — худо) — фалсафий таълимот бўлиб, таълимотга кўра худо табиий ва ижтимоий процесслар жараёнинг, инсоннинг кундалик ҳаётига аралашмайди. Деистлар назарича, худо ҳеч нима билан чекланмаган подшоҳи олам бўлиб эмас, балки қандайдир қиёфасиз бош сабаб, коинотнинг яратувчиси бўлиб чиқади. Сўнгра эса коинот ўзининг габиий қонунларига мувофиқ ривожлаша беради. Д. нинг пайдо бўлиши 16—17-асрларга бориб тақалади ва бу келиб чиқиш ривожлаштирган философия ва фаннинг феодал тузумни табаррук қилиб қўйган диннинг устунилгига қарши кураш билан боғлиқ эди. Деистик қарашлар Ибн Сино ва Беруний таълимотларига ҳам хос бўлганлигини кўрамиз. Деистлар фанин дин бўювларидан кутқаришини, виждан эркинлигитни ёқлаб чиқдилаар, улар ақли-идроқни динин эътиқодга қарама-қарши қўйдилар, кўпигина черков ақидалари ва маросимларини ташқид қилдилар. «Деизм — ҳеч бўлмаганда, материалист учун — кўп бўлмаса ҳам, диндан ажралишнинг қулай ва осон усулидир» (Маркс). Д. бир бутун фалсафий йўналиш эмас эди, унга материалистлар ҳам, идеалистлар ҳам қўшила берардилар. Англияда — Чербери, Ньютон, Локк, Толанд, АҚШ да — Франкллик — Жеффферсон, Францияда — Руссо ва Вольтер, Россияда — Ломоносов ва Радищев, Германияда — Лессинг Д. тарафдори эдилар. Илм-фан ривожланиб бориши билан Д. ўзининг прогрессив характеристини йўқотди ва 19-асрдаёқ дин маддоҳлари томонидан черков ақидаларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган бўлди.

**ДЕМОКРАТИЯ** (грек. demokratia — халқ ҳокимияти) — сиёсий, давлат ҳокимияти формаларидан бири бўлиб, бу форма учун характерли нарса — гражданларнинг бошқаришда иштироки, қонун олдида уларнинг тенглиги, шахснинг муайян ҳуқуқлари ва эркинликларининг мавжудлигидир. Тарих умуман Д.ни билмайди, Д.нинг фақат конкрет формаларигина мавжуддир; бу формаларнинг мазмунни ижтимоий тузум характеристига (қулдорлик, феодал, буржуа, социалистик Д.) боғлиқдир. Синфи жамиятда у ҳукмрон синф диктатурусадан иборат бўлиб, унинг манфаатлари учун фойдаланилади. Чунонча, буржуа Д.си буржуазия синфи ҳукмронлиги формасидан иборатдир. Қапитализмнинг илк босқичларида буржуазия феодал-абсолют идора усулига, сословия имтиёзларига қарши курашмоқ учун озодлик, тенглик ва бирордларлик каби демократик широрларни майдонга ташлайди. Буржуазия Д.га ўз сиёсий ҳукмронлигига эришиш воситаси сифатида қизиқади. Бу даврда вакилик муассасалари (парламент) вужудга келтирилади, конституция ишлаб чиқилиди, сиёсий эркинликлар эълон қилинади, оммапнинг тазиийки остида умумий сайлов ҳуқуки жорий этилади. Бироқ иқтисодий нотенглик шаронтида демократик ҳуқуқлар ва эр-

кинлихлар асосан гоят катта бойликларга эгалик қилувчи ҳукмрон синфиңнің имтиёзи бўлиб қолади. Капиталистлар қўлида босмахоналар, газета ва жудиалларнинг асосий кўпчилиги, радио, телевидение ва шу кабилар мавжуд. Ана шуларпинг ҳаммаси капитализм шароигида ҳакиқий матбуот эркинлигидан кимлар фойдалана олишини, кимлар сайланишга ҳақли эканлигини ва шу каби ҳолларни белгилайди. Буржуа демократияси шароитида бутун ижро қилувчи ҳокимият сайлов характерига эга бўлмаган, монополиялар билан маҳкамалоқада бўлган давлат аппаратида марказлашгандир. Бундап ташқари, капиталистик мамлакатларда жар солиб эълон қилинаётган эркинликлар доимо қирқишиб турилади, унда ирқий, миллӣ ви бошчака чеклашлар ҳукм суради. Империализм даврида ўсиб бораётган синфий кураш тазиикини буржуазия энди демократик ҳокимият формалари ёрдамида тўсиб туриши қийин. Д. ни монополияларнинг ошкора деспотизм формалари билан алмаштиришга уринишнинг, сиёсий реакцияга юз ўгиришнинг боиси ҳам шудир. Шу сабабдан капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг бошқа қатламлари Д. учун кураш олиб бормоқдалар. Буржуа Д. си қанчалик камчиликлари бўлишига қарамай меҳнаткашларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун молия олгархияси (*Фашизм*) нинг ошкора диктатурасига қараганда анча қўпроқ даражада имкон беради. Капитализм шароитида ижтимоий ҳаётни кенг демократлаштириш учун кураш оммаки тўрбиялайди, уларни социалистик революцияга яқинлаштиради. Д. нинг олий формаси социалистик Д. бўлиб, у бутун халқнинг, кенг меҳнаткашлар оммасининг манбаатларини ифодалайди ва у социалистик давлагиниг умумий сиёсий формасидир. Социалистик Д. шароитида барча гражданлар жинси, миллати ёки ирқидан қатъи назар, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тенг ҳуқуқлардан: меҳнат қилиш ва дам олиш, қариганда, касал бўлганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда моддий таъминот олиш, сўз, матбуот, мажлислар эркинлигидан, умумий сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар. Социалистик Д. гражданларнинг ҳуқуқ ёки эркинликларини эълон қилибина қолмай, уларни моддий гаъминалаш учун гарантия беради ҳам. Чунончи, меҳнат қилиш ҳуқуқи эксплуатациянинг тутатилганлиги, ишлизликнинг йўқ қилинганлиги ва ишлаб чиқаришда кризисларнинг йўқлиги билан реал суратда таъминланади. Социализм шароитида меҳнаткашлар фақат сиёсат соҳасида эмас, балки ҳужалик ва маданият соҳасида ҳам жамият ишларини босиҳаришга актив жалб этилади. Коммунизм курилиши даврида, пролетариат диктатураси ўсиб умумхалқ давлатига айлангач, бу процесс кучаяди. Вакиллик ҳокимият органларининг, биринчи галда Соретларнинг роли, жамоат ташкилотларининг ёсли ошиб боради. Социалистик Д. нинг ана шу томонларининг янада ривожлачиши давлатнинг барҳам топишига,

унинг ўрнида коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқарши барпо бўлишига олиб келади.

**ДЕТЕРМИНИЗМ ВА ИНДЕТЕРМИНИЗМ** (лат. *determinare* — белгилаш ва *in* — инкор) — ҳодисаларнинг замонда ўзаро алоқадор-лигининг характери ҳақидаги қарама-қарши нуқтаи назарлар. Детерминизм ҳодисалар ўртасида умумий қонуниятли алоқа борлигини эътироф этади, яъни ҳар қандай ҳодиса ўтмишда бўлиб ўтган бошқа ҳодисалар билан алоқадор бўлиб, уларнинг тақозоси билан юзага келган деб ҳисоблайди. Индетерминизм замонда ҳодисалар ўртасида бирон-бир алоқа борлигини инкор этади. Индетерминистларнинг фикрича, оламда ҳеч қандай тартиб йўқ ва унда хаос (бошбошдоқлик) ҳукм суради. Бундай, инсон ўз хоҳишича ҳаракат қилиши мумкин, унинг харакатлари асло ҳеч бир сабабга боялиқ эмас, деган мантиқий хулоса келиб чиқади (*Волюнтаризм*). Индетерминизм ҳозирги замон буржуза философиясида кенг ёйилган. Бироқ детерминизм нуқтаи назарнида туруучи философлар ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни амалга оширадиган куч ёки процессларнинг характерини турличи тушунадилар. Илоҳий ваҳий диний концепциясига амал қилувчиларнинг фикрича (*Фатализм*), замонда ҳодисаларнинг қонуниятли боғланшини ёхудо, ёки тақдир белгилайди. Материалистлар эса, ҳодисалар ўртасидаги алоқалар моддий процесслар тақозоси билан юзага келади, деб таъкидлайдилар. Моддий системанинг ҳар қандай ҳолати унинг ўтмиш моментдаги ҳолати билан ва ҳам система элементлари ўртасида, ҳам бу система билан уни қуршаб турган муҳит ўртасида амалга ошириладиган моддий ўзаро таъсиirlар билан қонуниятли равишда белгиланади. Бунда замонда моддий системалар ўртасидаги қонуниятли алоқалар динамик (бир қимматли) алоқалар ҳам, статистик (эҳтимолли) алоқалар ҳам бўлиши мумкин. Классик физика моддий системаларнинг ҳолатлари ўртасида фақат бир қимматли қонуниятли алоқа борлигини тан оларди: айни ҳолат кетидан ҳамиша фақат қатъий белгиланган бир ҳолат келади. Француз олимни Лаплас ўз замонасидаги илм-фан тараққиёти даражасига асосланаб, шундай бир принципни ифодалаб берган эдик, бу принципга кўра оламда ҳолатларнинг фақат бир қимматли динамик алоқаси мавжуддир ва бу алоқа классик механика қонуларига бўйсунади, у ташқи, механик характерга эга-дир. Шу сабабли лапласча детерминизм механик детерминизм ҳамдир (*Механицизм*). Ҳозирги замон физикасининг, аввало қвант механикасининг ривожланиши микроҳодисаларни тасвирилаганда Лаплас детерминизмидан воз кечишига мажбур этди. Маълум бўлдики, микро-зарралар ўртасида эҳтимолли (статистик) алоқа ҳаракат қиласиди, яъни системанинг айни ҳолати кетидан қатъий белгиланган ҳолатлар эмас, балки энг хилма-хил ҳолатлар келиши мумкин, зотан янги ҳолатнинг пайдо бўлиши эҳтимолини (мумкинлик даражасини) статистик қонуниятлар белгилайди. Бироқ идеалист философларнинг

даъвосига хилофан, бу факт индетерминизмнинг тантанасини билдиримайди ва материализмни рад қилмайди, чунки квант система-ларининг турли ҳолатлари ўртасидаги алоқа моддий ўзаро таъсирлар билан белгиланади ва у қонуниятли характерга эгадир.

**ДЕФИНИЦИЯ** (лат. *definitio* — таъриф) — тушунчанинг таърифи. Д. тушунчанинг мазмунини ташкил этувчи асосий белгиларни ифодалайди (мас., «Молекула — мoddанинг энг майда зарраси бўлиб, бу зарра унинг химиявий хоссасини сақлаб туради»). Бошқача қилиб айтганда, Д. да тушунча мазмунининг ҳамма бойлиги очиб берилмайди, у қисқа, лўнда шаклда тушунча мазмунидаги энг муҳим нарсани кўрсатиб беради. Логикада дефинициянинг ҳар хил турлари мавжуддир. Д. қандай турга мансуб бўлмасин, у маълум қонун-қоидаларга бўйсунади. Д. жуда тор ҳам, жуда кенг ҳам бўлмаслиги керак, яъни жуда камни ҳам, жуда кўпни ҳам ифодаламаслиги керак. Унда норавшанлик ва дудмаллик бўлмаслиги зорур. Д. ниг қонун-қоидалари бузилганда тушунчалар билим бериш қимматини йўқотади ва нотўри билим беради.

**ДЕҲҚОНЛАР** (крестьянство) — хусусий ёки кооператив-колхоз мулкчилиги асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида машгул бўлган ижтимоий группа, синф. Д. *ибтидоий жамоа тузуми* бузяляб, ишлаб чиқариш воситаларининг жамоа мулклиги хусусий мулкка ўрин бўшатиб бериши натижасида пайдо бўлди. Социализмдан аввалги ижтимоий иқтиносий формацияларда деҳқонлар ўз ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган ва хўжалигини асосан ўз оиласининг кучи билан юргизадиган майда ишлаб чиқарувчилар эди. Феодал жамиятда Д. асосий синфлар жумласига киради. Унда деҳқонлар крепостной аҳволда яшаб, шахсан феодалларга қарам бўладилар ва уларга қўшимча маҳсулот ишлаб берадилар. Капиталистик муносабатлар ривожланиб борган сари деҳқонларнинг хўжалиги ўзининг натурал характерини тобора кўпроқ йўқота боради ва бозор муносабатларига тортила беради. Бунинг натижасида капиталистик жамиятда Д. бир бутун синф бўлмай қолади, улар доимо табақаланиб кетаверади: улардан ёланма ишчи кучидан фойдаланувчи қишлоқ буржуазияси (қулоқлар) ажралиб чиқади, улар асосан ўз ишчи кучини сотиш ҳисобига яшовчи батракларга, энг камабагал деҳқонларга ва ўрта деҳқонларга бўлинниб кетадилар; ўрта деҳқонлар эса бунда икки хил мавқени эгаллайди: бир томондан, улар мулкдер деҳқонлар сифатида ўз хўжалигини кўпайтиришга иштилади, иккинчи томондан, улар меҳнаткаш деҳқонлар сифатида тирикчилик воситаларини ўз меҳнатлари билан топадилар, ўзлари эксплуатация обьекти бўлиб қоладилар ва йирик ер эгалари томонидан қилинадиган кескин конкуренция шароитида қашшоқланиш ва хонавайрон бўлиш хавфи остида қоладилар.

Империализм даврида, қишлоқ хўжалигида монополиялар ҳукмронлик мавкеини эгаллаган чоқда, меҳнаткаш деҳқонларнинг бўлиниси кетиши, хонавайрон бўлиши процесси кучаяди, улар тобора кўпаяётган солиқлардан, банкларнинг асоратга соловчи қарзларидан ва ҳ. к. азоб чекадилар. Шунинг учун ҳам Д. ишчилар синфиининг монополистик буржуазияга қарши курашида унинг иттифоқчиси бўлиб қолади. Ривожланаётган мамлакатларда Д. энг оммавий социал кучдир. Улар ишчилар синфи билан иттифоқликада миллӣ-озодлик ҳаракатида муҳим роль ўйнамоқдалар. Социализм даврида Д. ишчилар синфи билан бирлиқда жамиятнинг асосий синфи бўлиб қолади. Ишчилар синфи раҳбарлигига деҳқонлар социалистик асосда ўзгари бормоқдалар. Қулоқлар тугатилмоқда, меҳнаткаш Д. эса кооперация орқали ижтимойи хўжалик юргизишга ўтмоқдалар. Бу процесс Д. нинг психологиясини ҳам ўзгартироқда: деҳқонларнинг тарқоқ ҳолда яшаши, уларнинг ўз улуш ерларига ёпишиб олинши барҳам емоқда, уларда колективизм, ўртоқчилик ҳис-туйғуси пайдо бўлмоқда. Аммо социализм даврида ҳам ишчилар синфи билан Д. ўртасидаги тафовутлар сақланиб қолади. Улар замирида давлат ва колхоз-кооператив мулла формаларидаги тафовутлар, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш формаларидаги тафовутлар ва ҳ. к. асос бўлиб ётади. Бу тафовутларнинг ҳаммаси коммунистик қурилиш процессида тугатилиб боради. Д. ишчилар синфи ва интеллигенция билан коммунистик жамиятнинг ягона меҳнатчилар армисига қўшилиб кетади.

**ДИАЛЕКТИКА** (грек. *dialegomai* — сұхбат олиб бораётиман, муҳокама қилаётиман) — табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан, воқелик ҳодисалариниң уларнинг ривожида, ички зиддиятлар тақозоси билан юз берадиган ўз ҳаракатида билиш назарияси ва методи; «ҳар томонлама ва зиддиятларга тўла тарихий тараққиёт ҳақидаги таълимот» (Ленин). «Д.» термини марксистик философияда ана шу маънода ишлатилади. Даشتлабки вақтларда эса бу термин муноузара, қарама-қарши фикрларнинг тўқнашуви ва бу бунинг натижасида ҳақиқатнинг юзага келишин маъносини билдиради. Воқеликка илмий диалектик қараш дарҳол пайдо бўлмади, уни инсон билимнинг узоқ ривожланиши тайёрлади. Аввалда Д. ташки кузатишига асосланган содда тасаввур шаклида мавжуд бўлиб, оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси ўзгариб, янгиланиб туради, табиатда моддаларнинг гир айлананиб турниши содир бўлади, нарсалар пайдо бўлади, ғойиб бўлади ва ўз қарама-қаршилигига айланади, деб биларди. Бу стихияли Д. Қадимги Греция мутафаккири Гераклит қарашларида ўзининг энг яққол ифодасини топгаи эди. Гераклит олам «қонуният билан аланталанувчи ва қонуният билан сўнувчи абадий жонли олов эди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлади» — деб ҳисобларди

Стихиялы диалектик фикрлашнинг айрим кўринишларини ўрта аср шарқ мутафаккирлари Ибн Сино, Беруний асарларида ҳам кўрамиз. Қадимги мутафаккирлар ҳодисаларнинг ниҳоясиз ўзгариши нинг фақат умумий манзарасинигина кўрар эдилар, улар бу ўзгаришининг қонуниятини очиб беролмас, турли ҳодисаларда бу ўзгариш конкрет тарзда қандай жараён этишини тушунолмас эдилар. Д. га қарма-қарши бўлган метафизик метод ҳукмроилиги даврида (15—18-асрлар) Д. нинг айрим элементлари энг йирик философларнинг назарий қарашларида учрайди; мас., Декартда (оламларнинг дастлабки элементлардан келиб чиқсанлиги идеяси), Спиноза (эрканилик ва зарурят проблемасига диалектик нұқтаи назардан қараш), Дидрода (тирик вужудларнинг эволюцияси ҳақидаги тахминлар) ва ҳоказо. Диалектиканинг ривожланишида ундан кейинги босқич 18—19-асрларда яшаган немис идеалист-философлари номлари билан ва биринчи талда Кант ҳамда Гегель номлари билан боғлиқдир. Бу идеалист философлар тафаккур процессининг мураккаблиги, зиддияти эканлиги тушунчасига анчагина ҳисса қўшган эдилар. Бунда Кантнинг ақл антиномиялари ҳақидаги таълимоти катта роль ўйнади. Гегель биринчи бўлиб олами, умумий илгарилаб бориши ҳаракати, қуий босқичлардан юқори босқичларга қараб ривожланиш процесси деб, ҳаракатлантирувчи куч деб ва унинг манбаи — бутун ҳодисаларга хос бўлган ва бутун мавжудотнинг ҳаётий кучини ташкил этадиган зиддиятлардан иборат, деб кўрсатди. У бундай тараққиётнинг асосий қопунларини ифодалаб берди ва Д. категориялари системасини яратди, бу система ундан кейинги фалсафий фикрга муҳим таъсир кўрсатди. Бироқ, Д. ни Гегель сохта, идеалистик асосда ривожлантirdи. Унинг фикрича, оламда ҳаракат, тараққиётнинг мавжудлигига сабаб фақат шу эмишки, ҳамма нарсанни табиатдан ташқарни қандайдир онг, оламий ақл бошқарib туармиш ва бу оламий ақл фикр қилас, тушунчалар яратар, уларнинг ҳаракати орқали ўз-ўзини билиб олар ва ана шу ҳаракат процессида табиат ва жамиятни вужудга келтиради эмиш. Оламий ақл Гегель системаси орқали ўзининг бутун ички бойлигини пайқаб олган ҳамон ҳар қандай тараққиёт тўхтайди. Идеализм Гегель Д. сининг маълум консервативлигига, реаль процессларни тушунчаларнинг ривожланиши схемасига жойлаштиришига бўлган сунъий уринишга сабаб бўлди. 19-асрнинг 40—60-йиларида илгор рус мутафаккирлари (Герцен, Белинский, Чернышевский) Д. дан табиат ва жамият тараққиётини изоҳлаш учун, самодержавие ва крепостной ҳуқуққа қарши революцион курашни асослаб бериш учун фойдаландилар. Бироқ улар Д.ни материалистик қайта ишлаб чиқиши ишини бажаролмадилар, чунки ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашда идеализмни бартараф қилолмадилар. Марксизм ҳодисаларни изоҳлашда идеализмни бартараф қилолмадилар. Энгельс Гегель Д. сидаги энг қўимматли нарсадан фойдаланиб

ва ўз замонаспининг илм-фани эришган ютуқларга таяниб, чинакам илмий, материалистик Д. ни яратдигар. Марксистик Д. учун ҳодисаларниң ўрганишининг объективлиги, уларни қандай бўлса шуидайлигича тушуниш характеридир. Билишнинг бутун тажрибаси ва кишиларнинг амалий фаолияти кўрсатдик, оламда барча ҳодисаларнинг, ҳар бир ҳодисадаги барча томонларнинг энг маҳкам, чамбарчас алоқаси, «ҳаракатнинг ягона, қонуниятли оламий процессини юзага келтирадиган алоқа» (Ленин) мавжуддир. Ҳодисаларнинг ҳаракатини, ривожланишини диалектик тушунишининг мояхитини, унинг метафизикадан фарқини Д. қонунлари ифодалаб беради. Бу қонунлардан асосийлари: 1) қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонуни бўлиб, тараққиётнинг ички импульсларини, сабабини очиб беради ва бу қонун Д. нинг моҳияти, мағзидир; 2) миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва сифат ўзгаришларининг миқдор ўзгаришларига ўтиши қонуни бўлиб, бу қонун тараққиётни предметларнинг соф ташки ӯзгариши тарзида эмас, балки уларнинг ички хоссаларига алоқадор бўлган туб ўзгариш тарзида caratterлайди; 3) инкорни инкор қонуни бўлиб, бу қонунга кўра тараққиёт илгарилаб бориши характерига эгадир, у оддийликдан мураккабликка, қуий ҳолатдан юқори ҳолатга қараб боради. Асосий қонунлар Д. категорияларида ифодаланган қонуниятлар билан тўлдирилади ва конкретлаштирилади. Бу қонуниятлар мояхият ва ҳодисанинг, зарурият ва тасодифнинг, имконият ва воқеаликнинг, сабаб ва натижанинг ва шу кабиларнинг алоқадорлигини очиб беради. Д. қонунлари — фақат моддий олам тараққиётнинг эмас, балки иносоннинг билиши тараққиётнинг ҳам қонунларидир. Иносон моддий олам ҳодисаларини уларнинг ҳамма алоқалари, муносабатлари, бир-бирларига ўтиб туришлари, зиддиятлари билан била олиши учун унинг онги, унинг миясида пайдо бўладиган тушунчалар ҳам шу қадар ихчам, ҳаракатчи, зиддиятли бўлмоги лозим. Шу сабабли Д. айни бирор вақтда ҳам билиши назариясидан, ҳам диалектик логикадан иборатдир. Д. фақат билишнинг негизи бўлиб қолмай, балки шу билан бирга дунёни ўзгартишга қаратилган кишиларнинг мувafferакиятли амалий фаолиятининг ҳам негизидир, у ижтимоий ҳаётнинг барча формалари тарихан ўткинчи характерга эга эканлигини кўрсатади, туб ижтимоий зиддиятларни шуваб кетишини эмас, балки уларни революцион методлар билан ҳал қилишини талаб этади. «Диалектик философия учун ҳамиша барқарор бўлган, мутлақ, муқаддас ҳеч нарса йўқдир. Ҳамма ва ҳамма нарсада у муқаррар тушкунлик тамғаларини кўради, бинобарин унинг олдида пайдо бўлиш ва йўқ бўлишнинг, қуий ҳолатдан юқори ҳолатга бениҳоя юқорилаб боришининг узлуксиз процессидан ташқари ҳеч нима бардош берниб туролмайди» (Энгельс). Диалектика буржуазияни ва унинг маддоқларини даҳшатга солади, чунки у хусусий

Мулкчиллик ва капиталистик эксплуатациянинг муқаррар ҳалок бўлишини асослаб беради. Шунинг учун буржуа идеологлари Д. ни рад этишига уринадилар. Лекин марксизм душманларининг бу кучанишлари беҳуда, фан ва жамият тараққиети Д. нинг чинлигини тасдиқлабгина қолмасдан, шу билан бирга унинг мазмунини янги жиҳатлар билан бойитмоқда.

**ДИАЛЕКТИК ЛОГИКА** — тафаккур ҳаракатининг умумий қонуллари ва формалари ҳақидаги, фикр билан объектив реалликни билиш йўллари ҳақидаги фандир, фалсафий категорияларнинг ўзаро алоқадорлигин тадқиқ этадиган фандир. Д. л. диалектика билан бирга пайдо бўлди, у илмий фикрнинг узоқ тараққиети натижасида шаклланди. Марксгача Д. л. нинг ривожига Гегель энг катта ҳисса қўшди. Гегель биринчи бўлиб мантикий формаларни (тушунчалар ва бошқа тафаккур формаларини) қотиб қолган ҳолда эмас, балки ўзаро алоқадорлик, ҳаракат, тараққиёт ҳолида олиб қарай бошлиди. У биринчи бўлиб, бу формалар — ҳар қандай мазмун бурканниб оладиган қуруқ қобиқ эмасдир, балки уларда нарсаларнинг ўзининг алоқалари ва муносабатлари ифодаланади, деб кўрсатди. Бироқ тафаккурнинг бундай мазмундорлиги сабабини Гегель шунда деб билдики, унинг фикрича, тафаккур оламини яратувчидир, шу сабабдан у ўзи вужудга келтирадиган конкрет предметларнинг ҳамма хоссаларини, ҳамма сифатларини ўз ичига олади. Бинобарин, Гегель яратган Д. л. бузук, идеалистик характерга эга эди, у тафаккур диалектикасининг баъзи қонунларини фақат тахмин қила оларди, холос. Д. л. марксизмда ҳақиқий фанга айланди. У философиянинг асосий масаласини материалистик асосда ҳал қилишга таянади, тафаккурни объектив реалликнинг инъикоси деб, мантикий формаларни эса инсон ўз амалий фаолиятида бир неча бор дуч келадиган нарсаларнинг инсон миясида акс этгай муносабатлари, деб қарайди. Инсон диалектика қонунларига, объектив олам тараққиётининг умумий қонунларига таяниб, предмет ва ҳодисалар ичига тобора чуқурроқ киради ва уларни билиб олади. «Объектив диалектика деб аталган диалектика бутун табиатда ҳукм суради, субъектив диалектика деб аталган диалектика, диалектик тафаккур эса, бутун табиатда ҳукм сурувчи ҳаракатининг қарама-қаршиликлар йўли билан акс этишидир, холос» (Энгельс). Бинобарин, диалектика қонунлари айни вақтда Д. л. қонунлари сифатида ҳам юзага келади. Марксистик философияда Д. л. ҳар қандай тараққиётнинг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан бўлган диалектиканан айрим ҳолда мавжуд эмасдир. Д. л. нинг асосий масаласи — ҳақиқат ва унга эришиш йўллари ҳақидаги масаладир. У ҳар қандай предмет уни ўргангандга тафаккур амал қилиши лозим бўлган асосий талабларни очиб беради. Бу талаблар — предметларга объектив нуқтаи назардан қарашдан, уларни барча хоссалари, алоқалари, муносабат-

лари билан ҳаракатда, тараққиётда ўрганишдан иборат. Д. л. кишиларнинг моддий предметларни билишда уларнини амалий фаолияти ҳал қилувчи роль йўнашини таъкидлаб кўрсатади. чунки практика мазкур предметларни воқеалик ҳодисаларининг бениҳоя оқимидан ажратиб олиш, уларнинг инсон учун энг қимматли бўлган хоссаларини аниқлаш, уларнинг тафаккура қанчалик тўғри акс этганини билиш имкониятини беради. «Предметни ҳақиқатан билмоқ учун унинг ҳамма томонларини, ҳамма алоқаларини ва «басоситаларнни» қамраб олиб, ўрганим оқимни керак...» Бу 1-дан. 2-дан, диалектик логика предметни унинг тараққиётидаги, «ўз ҳаракати»да олиб қарашни талаб этади..., 3-дан, инсоннинг бутун практикаси ҳам ҳақиқат критерияси бўлиб, ҳам предметнинг инсонга керакли нарса билан алоқасини амалий равишда аниқловчи бўлиб предметнинг тўла «таърифи»га кириши лозим. 4-дан, диалектик логика «абстракт ҳақиқат йўқ, ҳақиқат ҳамиша конкретдир...» деб таълим беради» (Ленин). Д. л. нинг муҳим принципи — предметлар, ҳодисаларни қарама-қаршиликлар бирлиги сифатида билишдир, бусиз уларни ўз ҳаракатида, тараққиётida тасаввур қилиш, уларнинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Д. л. зиддиятлар логикаси бўлиб, у нарсаларнинг объектив суратда мавжуд бўлган зиддиятларни тафаккурда акс эттириш методини беради. Д. л. тафаккурнинг ўзининг ҳам зиддиятли характеристерини — ундаги қарама-қарши томонларнинг, билиш усуулларининг ўзвий бирлигини очиб беради; анализ ва синтез, индуksия ва дедукция, абстрактлик ва конкретлик, тархий ва мантиқий тадқиқот методлари (*Тархийлик ва мантиқийлик*). Фан объектив ҳақиқатини билиб олади, билиш натижаларини тафаккур формаларида (*тушунчада, муҳокамада, хуносада*) қайд этиб боради. Бу формаларни тадқиқ қилиш ҳамиша логиканинг вазифаси бўлиб келган. Д. л. бу формаларни ўзгармас, бир-биридан ажралган формалар деб эмас, балки маҳкам ўзаро алоқада, ҳаракатда бўлган формалар деб қарайди. Тафаккур формалари ҳамиша мазмунлидир, улар инсон оғни ташки олам предметлари ва ҳодисалари ичига чуқурроқ кириб борган сари, уларнинг тобора янги хоссалари ва муносабатларини аниқлаб борган сари ўзининг мазмунига қараб ўзгариб туради. Чунончи, билишининг айрим предметларгагина онд бўлган хоссалардан тобора кўпроқ предметларга онд хоссаларга ва, ниҳоят, айни группадаги ҳамма предметларга ва умуман барча предметларга онд хоссаларига қараб қиласидиган ҳаракатига муҳокама турларининг (айримликдан хусусийлик орқали умумийликка қараб) ривожланиши ҳам мувофиқ келади. Тафаккур формаларининг ихчамлиги, ўзгарувчанлиги моддий олам ҳодисаларининг ҳаракатчанлигини, кўп томонламалигини акс эттиради. Д. л. формал логиканинг зарурлигини йўққа чиқармайди; формал логика тайёр билимнинг формал тузилишини ўрганади ва унинг

ривожланишини назардан соқит қиласди. Д. л. библиотекининг бошқа соҳаларидан фойдалангани сингари, формал логика натижаларидан ҳам тафаккурнинг ҳақиқат сари қиласдиган ҳаракатининг умумий қонунларини аниқлашда фойдаланади.

**ДИАЛЕКТИКА, ЛОГИКА ВА БИЛИШ НАЗАРИЯСИННИНГ БИРЛИГИ** (единство диалектики, логики и теории познания) — марксистик философиянинг энг муҳим принципларидан бири бўлиб, бу принцип унинг структурасини ва мавзунни очиб беради. Уни биринчи бўлиб В. И. Ленин аниқ ифодалаб, «диалектика худди... марксизмнинг билиш назариясидан иборат» — деб ёзган эди. Марксистагча ўтган мутафаккirlar учун ҳаракетли нарса шуки, улар философияни бир-бирига боғли бўлмаган алоҳида соҳаларга: борлиқ ҳақиқати таълимот бўлган онтологига ва тафаккур қонунлари ва формалари ҳақиқати таълимот бўлган логикага бўлиб ташлаган эдилар. Бу айрилиқни бартараф қилишга биринчи бўлиб Гегель уринган эди. У ўз философиясининг бош асоси қилиб диалектика, логика ва билиш назариясининг айнанлиги принципини қўйди, лекин у бу айнанликни идеалистларча тушунади. Гегель руҳияти (тафаккур) бутун мавжудотнинг бош ибтидоисига, қандайдир объектив бир нарсага айлантириди, моддий олам эса, унинг назарича, ривожланаётган руҳнинг фақат чекланган мужассамоти бўлиб қолди, холос. Демак, Гегель нуқтаи назарича, олам тафаккур қонунларига мувофиқ ривожланган; объектив оламнинг тараққиёт қонунлари (унинг диалектикаси) логика қонунларига айлан тенг эди. Модомики, Гегель фикрича, оламий руҳ ўз ҳаракати жараёнида айни бир вақтда ўз-ўзини бўлиб, ўз мазмунини очиб берган экан, демак, у вақтда оламий руҳнинг тараққиёт қонунлари ўз билан бирга билиш қонунлари ҳам бўлганлар, логика категориялари эса билиш тараққиётининг босқичлари бўлиб майдонга келганилар. Шундай қилиб, объектив диалектика (ташқи оламнинг ривожланиши) билан субъектив диалектика (билиш, тафаккурнинг ривожланиши) Гегель философиясида бир-бирига мос келади, аммо лекин бунда субъектив диалектика асос бўлиб қолади. Марксистик философия диалектика, логика ва билиш назариясининг бирга мос келиши принципини Бутунлай бошқача асосда ифодалаб беради. У ташқи, предмет оламининг бирламчилиги ҳақиқати қондага асосланниб иш кўради. Бу предмет олам активликни ўз-ўзида ифодалайди, у ҳеч қандай «силоҳий» ибтидога муҳтож эмасdir, у ўзига хос қонунлари билан ривожланади. Диалектика бу қонунларни биринчи галда худди уларнинг умумийлигига олиб ўрганади. Ўзининг амалий фаолиятида инсон объектив олам қонунларига таяниб, унн ўзгартиради, предметларни уларнинг хоссаларига асосланган ҳолда, уларга хос бўлган алоҳаларга мувофиқ равишда ўзгартириб, бошқача шакла

солади. Шу сабабда диалектика қонунлари предмет-хиссий фаллиятни ҳам қамраб олади ва шу асосда билиш қонунлари бўлиб қолади. Инсон билиш фаолигити жарабенида объектив суратда нарсаларга хос бўлган диалектик алоқаларни, қонуниятларни идеал формада акс эттиради. Билишинг ўзи предмет оламини тобора кўпроқ ўзлаштиришнинг, нарсаларнинг ичига тобора чуқурроқ кириб боришининг мураккаб диалектик процесси сифатида майдонга чикмоқда. Тафаккурда, мантикий формаларда, категорияларда объектив олам диалектикаси қамраб олинмоғи учун бу мантикий формаларнинг ўзлари (мас., тушунчалар), ихчам, ривожланувчи, бир-бирларига ўтувчи бўлишлари керак. Шундай қилиб, тараққиётг прияципи фақат объектив оламга эмас, балки тафаккурга, билишига ҳам татбиқ этилади. Диалектика, логика ва билиш назариясининг бирлиги худди шунга асосланадики, диалектика қонунлари фақат объектив оламда амал қилмасдан, балки билишда, инсон тафаккурида ҳам амал қиласди. Бу бирлик бир процесс деб, диалектика, логика ва билиш назариясининг бир-бирига тўғри келиши деб тушунилади ва бу ҳол кишилар амалий ва назарий фаолиятининг узоқ давом этувчи тараққиётида амалга оша боради.

**ДИАЛЕКТИК МАТЕРИАЛИЗМ** — марксизм-ленинизм философияси бўлиб, философиянинг асосий масаласини материалистик асосда ҳал этишини **диалектика** билан узвий равишда боғлади; Д. м. объектив реаллик ҳодисалари ривожланишининг ва билиш процессининг умумий қонунлари ҳақидаги фандир, воқеиликни билиш ва ўзгартишининг революцион методидир. Д. м. 19-асрнинг ўрталарида марксизмнинг таркибий қисми сифатида пайдо бўлди. Унинг асосий қоидаларини Маркс ва Энгельс ишлаб чиқдилар, Ленин ва бошقا марксистлар бу қоидаларни ижодий ривожлантirdилар. Д. м. нинг пайдо бўлиши ва янада ривожланиши ўзининг зарур шарти сифатида муайян ижтимоий практикага эга эди. 19-асрнинг ўрталарида келганда ижтимоий ҳаёт майдонига пролетариат чиқди, тарих унинг эннисига капитализм билан бирга кишининг киши томонидан эксплуатация этилишини йўқ қилиш каби буюк вазифани юклади. Пролетариат ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишга ёрдамлашадиган философияга муҳтоҷ эди. Илм-фанинг, жумладан табииёт миннинг ривожланиши жарабени ҳам диалектик-материалистик дунё-қарашга олиб бормоқда эди; бу вақтга келиб табииёт илмида кашфиётлар юз берди ва бу кашфиётлар табнатда содир бўлаётган процессларнинг диалектик ҳарактери ҳақидаги масалани бор кучи билан ўртага қўйди (энергиянинг сақланиши ва бир ҳолатдан иккичи холатга ўтиш қонунишини кашф этилиши, организмларнинг ҳужайрали тузилиши, Дарвиннинг эволюцион назарияси). Д. м. ўтмишдаги фалсафий фикрнинг ҳамма ютуқларини синтезлаштирди ва уларни янги мазмун билан бойитди. Д. м. нинг бевосита фал-

сафий салафлари немис мутафаккирлари Гегель ва Фейербах әдилар: Гегель диалектика қонунларини идеалистик асосда ифодалаган эди, Фейербах табиат ҳодисаларига материалистик қарашни ривожлантирган, ташки оламнинг объектив мавжудлигини, материянинг бирламчи ва онгнинг иккиласми эканлигини асослаб берган эди. Д. м. нинг марказий тушунчаси *материядир*, материя деганда объектив реаллик англашилади ва бу объектив реаллик «инсоннинг сезгиларида акс этгандир, уни бизнинг сезгиларимиз копиялаштиради, фотография қиласи, акс этиради, аммо у бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир» (Ленин). *Онг—юксак даражада ташкил топган материянинг (инсон миясининг) хоссаси бўлиб, у инсоннинг жамиятни пайдо бўлгандан кейин юзага келади.* Онгнинг моҳияти объектив реалликни акс эттиришда, унинг субъектив образини вужудга келтиришдан иборат. Материянинг мавжудлик, борлик усули турли формаларда юзага келадиган ҳаракатдир. Материалистик диалектика табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳаракатининг энг умумий қонунларини очиб берди. Улардин асосийлари: *микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва аксина, инкорни инкор, қарара-қаршиликлар бирлилиги ва кураши қонунларидир.* Бу қонунлар тараққиётнинг диалектик концепциясининг моҳиятини ифодалаб, бу моҳият диалектикани метафизикадан фарқ қилдиради. Бундан ташқари, *моҳият ва ҳодиса, мазмун ва форма, имконият ва воқелик, зарурият ва тасодиф* ва шу кабиларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодалайдиган кўпгина қонунлар (*Категориялар*) ҳам мавжудки, улар асосий қонунларни тўлдиради ва конкретлаштиради. Д. м. инсон билишининг хусусиятларини ўрганади, у инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд нарсаларнинг принцип эътибори билан билиш мумкинлигини эътироф этади, билиш процессининг мураккаб, зиддиятли характеристерини очиб беради. Д. м. «ҳозирги кунда билиш назарияси, гносеология деб аталаидиган нарсани ўз ичига олади, бу назария ўз мавзуга ...тарихан қараб, билишининг келиб чиқиши ва ривожини, билмасликдан билишга ўтишни ўрганиб, умумлаштириб бориши лозим» (Ленин). Д. м. ташки олам предметларининг моҳиятини объектив — чинлик билан билиш мумкинлигини инкор этувчи *агностицизмнинг* ҳар қандай формаларига қарши чиқади. Д. м. нуқтаи назаридан нарсаларнинг объектив хоссаларининг инъикоси бўлган билимларимизнинг мазмунни инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғли бўлмасдан, *объектив ҳақиқатдир.* Бироқ бу ҳақиқатга дарҳол абсолют формада эришилмайди, у нисбий ҳақиқатлар йигиндисидан таркиб топади. Инсониятнинг амалий фаолияти билишининг асоси ва билимларнинг чинлигининг критерияси (мезони) бўлиб майдонга чиқади. Философиянинг ҳам, турли фанларнинг ҳам ривожи учун Д. м. табиат ва жамият ҳақиқадаги фанлар билан итифоқ

бұлниши зарур. Дарқақиқат, Д. м. ўрганадиган олам тараққиетінің умумий қонуулари воқеликнің конкрет фанлар ўрганадиган айрим соҳалари қонуулари билан чамбарчас боғыл бұлды, шу қонууларда юз беради. Шу сабабдан фанларнің маълумотларыга таяниш, улар ҳосил қылған натижаларни умумлаштириш философия учун жуда мұхымдир. Ұз нағватида Д. м. ҳам фанларга тадқиқотнің умумий методини беради ва бу умумий метод мазкур фанлар құлланадиган айрим методларға ассо бўлади. Бу эса мазкур фанларга воқеликнің мураккаб ҳодисаларини билишда тўғри йўл топиш, илмий тадқиқотда тафаккур формалари ва унинг қонууларидан тўғри фойдаланиш имкониятини беради. Д. м. фақат табиат ҳодисаларини эмас, балки ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ҳам илмий асосдан изоҳлаб беради, у жамият тараққиетини диалектика-материалистик тушуниш принципларини ўз ичига олади. Шу сабабли тарихий материализм Д. м. нинг бевосита давоми ва ривожланишидир. Иккичи томондан, табиат тараққиетінің ва билишнің моҳияти ва қонуниятларини очиб бермоқ учун уларнинг жамиятта бўлган муносабатини аниқлаш, билишни ижтимоий-тарихий процесс деб, табиатни эса инсон фаолиятінинг обьекти деб қараш керак. Буларнинг ҳаммаси фақат тарихий материалистик тушуниш принциплари, тарихий материализм принциплари асосида юзага чиқиши мүмкін. Шунинг учун диалектик ва тарихий материализм марксизм-ленинизмнің бир бутун, ягона фалсафий системасини ташкил этади. Д. м. қоидалари илмий билишнің ривожланишида, инсоннің амалий фаолиятіда тасдиқдан ўтади. Шу билан бирга уларнинг ўзлари назарий билишнің ва амалий фаолиятнің құдратли қуороли бўлиб хизмат қиласади. Д. м. пролетариатга, барча меҳнаткашларга маънавий қуллайдан қутылиш йўлини курсатди, тарихий материализм билан бирга капитализмнің ҳалокати ва янги коммунистик жамиятнің галабаси мұқаррар эканлигини асослаб берди. Д. м. буржуя дунёқарашшынинг ѡч қандай формаси билан сиришмайды ҳамда назария ва практикада идеализм ва метафизиканынг барча кўринишларига қатъй суратда қарши чиқади.

**ДИН** (лат. religio — тақвадорлик, авлиәлік) — ижтимоий онг формаларидан бири, табиий ва социал кучларнің кишилар устидан ҳукмронлигининг бузуқ, фантастик инъекси бўлиб, бунда дунёвий кучлар гайри дунёвий, гайри табиий кучлар формасига киради. Д. — тасаввурлар, кайфиятлар ва амалиётларнің озми-кўпми мунтазам системасидир. Диний тасаввурлар ва идеялар диннің мифологик ёки дунёқарашлик деб аталаған элементидир: ҳудолар, қаҳра-монлар ва турли хилдаги иблислар ҳақидаги, уларнинг дунёга ва инсонга муносабатлари ҳақидаги афсоналар йигиндисидир.. Диний кайфиятлар диний ҳиссият соҳасига тааллуқли бўлиб, бу ҳиссият иккى ёқлама характерга эгадир бир томондан, у ожизликни, заинф

ликни, құрқинчни ифодаласа, иккинчи томондан, умид, тасалли түйгесини ифодалайды ва бу түйғу бир қанча ҳолларда диний жа-  
завага ва фанатизмга айланади. Диний амалнётлар диний сажда  
әеки сиғиниш соҳасига, диний маросимлар, курбонликлар, номоз-  
ниёслар ва шу кабилар жумласига киради. Ибтидоий одамнинг  
хәётини ўрганиш шуни құрсаңдик, инсоният тараққиётининг энг  
дастлабки босқичларда қандай бўлмасин бирор диний тасаввур-  
лар, сифиниш-топинишлар бўлмаган. Инсоният тараққиётининг минг-  
ларча йилларини босиб ўтгандан кейингина унинг онги билан тे-  
варак-атрофидаги олам ўртасида диний хәбллар пардаси пайдо  
бўлган. Д. инсонинг кўрсона ва уни эзувчи табий ва социал  
кучлар олдида ожизлиги натижасида юзага келган. Д. нинг ўз гно-  
сеологик ва социал илдизлари бор. Д. нинг гносеологик илдиз-  
лари шундан иборатки, инсон фантазияси воқеликдан ажralиб  
қолиши, реал муносабатларни билиш процессида уларни бузуқ  
ҳолда тасаввур қилиш мумкин. Д. нинг социал илдизлари — ижти-  
моний ҳәётининг объектив шарт-шароитлари бўлиб, бу шарт-шароит  
воқеликни хаёлий суратда бузуб идрок қилишга олиб келади. Ибти-  
доий жамиятда Д. нинг социал илдизлари иқтисодий тараққиёт-  
нинг гоятда паст даражаси билан боғли бўлган, бунинг натижаси-  
да инсон теварак-атрофидаги даҳшатли табиат кучларига ўзини  
доимо қарам деб ҳис қилган. Синфий антагонистик жамиятда Д.  
нинг социал илдизлари янада оғирроқ, зулм билан — стихияли  
ижтимоий кучлар зулми билан боғлиқдир. Мехнаткашлар оммаси-  
нинг социал жиҳатдан эзилишили, бирдан бирорларининг хонавай-  
рон бўлиб, бошқаларнинг бойиб қолиши гўё кишилар устидан ҳукм-  
ронлик қилювчи гайри табий кучларни турдиради ва кучайтиради.  
Социалистик тузум Д. нинг социал илдизларига болта уради.  
Социализм шароитида диний эътиқодларнинг сақланиб қолишига  
бир қанча сабаблар бор: ижтимоий онг ривожининг ижтимоий бор-  
лиқдан орқада қолиши, Д. нинг ўзгарувчи воқеликка мослашиб  
олиши, мавжуд камчилик ва қийинчиликлардан (аҳолининг баъзи  
табақаларинин кам саводлиги, бир қисм кишиларнинг ижтимоий-  
ишлаб чиқариш фаслиятидан ажralиб қолганлиги, жамиятнинг  
табиат стихияли кучларига қарамлигининг сақланиб қолаётганлиги  
ва ҳ. к.) диний идеологиянинг фойдаланиши, актив диний пропага-  
нанда юргизаётган буржуя оламининг таъсири, дин пешволарининг  
фаолияти ва ана шундай сабаблардир. Коммунистик жамиятда,  
ҳамма кишиларга уларнинг табиатга муносабатлари ҳам, ўзаро мун-  
осабатлари ҳам равшан бўлиб қолгач, «ҳозирга қадар ҳам динда  
аке этиб келган энг сўнгги бегона куч йўқ бўлгач» (Энгельс)  
ижтимоий онгнинг диний формаси ҳам йўқ бўлади.

**ДИСКУРСИВ** (лат. *discursus* — муҳокама) — муҳокамадан ибо-  
рат билинш процесси бўлиб, бунда тафаккур бир тушинчадан иккни-

чисига қараб ҳаракат қилади, бир ҳукмни иккинчиси билан бирлаштиради ва хулоса чиқаради. Мас., ҳар қандай тушунча дискурсивдир, чунки у аллақаочон маълум бўлган турли белгиларни боғлаш воситаси билан тузилади. Дискурсив равшанлик, аслда, мантиқий равшанлик демакдир, яъни мантиқий хулосалар тузганда тушунчаларнинг бояланишида юз берадиган қатъий изчилилк демакдир. Философия тарихида одатда, Д. ни билиш билан интуитивликни (бевоситаликни) фарқ қилиб қарайдилар. Мас., Кантнинг фикрича, инсон икки хилда билади: интуитив равишда, ёки бевосита, муроқаба ёрдамида билади ва бевосита, тушунчалар ёрдамида билади. Биринчи ҳолда яққоллик зарур бўлса, иккинчи ҳолда фақат тушунчаларни тўғри татбиқ этиш зарур бўлади. Д. билиш кишиларнинг кундалик ҳаётida катта роль йўнайди, лекин унинг илм-фандада аҳамияти айниқса зўрдир. Тушунчаларнинг қатъий изчилилги, уларнинг тўғри татбиқ этилиши — ҳар қандай илмий тадқиқотда муваффақиятга эришишнинг муҳим шартидир.

**ДОГМАТИЗМ** (грек. *dōgma* — фикр, ақида, қарор) — ўрин ва вақтнинг конкрет шароитларини назар-эътиборга олмай, у ёки бошқа проблемаларга ҳамиша бир назар билан қараш, дормалар (ақидалар) билан иш тутиш. Ҳаётдан ажралган абстракт фикрлар дормалар деб аталади ва бу фикрлар раддибадалсиз қабул қилиниб, уларга зид келувчи фикрларни қоралаш ва тўғридан-тўғри рад этиш учун етарли асос деб ҳисобланади. Д. нинг ҳаракетлари хусусияти — авторитетларга кўр-кўронга ишонишдан, эскирган (баъзан эса ёнг аввал бошда катто бўлган) ёки исбот қилинмаган фикрларни ҳимоя қилишдан иборат. Д. ҳар қандай дин учун ҳаракетларидир. Философияда Д. нодиалектик (метафизик) тафаккурнинг ифодаси сифатида майдонга чиқади. Д. илмий фикрининг ривожига тўсқинлик қиласи, олимнинг ақлини ва қўлларини боғлаб, унинг ижодини бўғиб қўяди. Масалага дорматик қараш кундалик ҳаётда ҳам, сиёсатда ҳам учраб туради, бундай чоқда конкрет вазифаларни сира узгармайдиган, ҳамиша бир зайлда турадиган рецептларга қараб ҳал қилишга уринадилар. Бундай ҳолларда Д. ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий зарар келтиради. Марксизм-ленинизм ҳамиша Д. ни ҳақиқий илмий, революцион назариянинг руҳи билан сифишириб бўлмайди, деб ҳисоблаб, унга қарши принципial кураш олиб борди. Революцион ишчилар ҳаракати ичиде Д. — марксизм-ленинизмнинг моҳиятидан воз кечиб, унинг ҳарфига ёпишиб олиш демакдир. Д. гарчи сиртдан ўнг ревизионизмга қарама-қарши бўлиб кўринса-да, унга ҳамиша қўл келмоқда. Дорматиклар марксизм-ленинизмни янги тарихий вазиятга татбиқан ижодий ривожланишини уddyдлай олмайдилар (ёки истамайдилар). Улар марксча-лениничча таълимотни практикан, табииёт илми ва ижтимоий фанларнинг ривожидан ажратиб қўядилар. Сиёсатда бу сектантликка, авантюристик ҳаракат-

ларга олиб боради. Шу сабабли Д. га қарши кураш — ижодий философия, фан учун ва реалистик сиёсат учун, яъни ҳаётдан ажралмайдиган, балки унда пайдо бўладиган лингвистларининг ҳаммасин ҳисобга оладиган сиёсат учун курашдир.

**ДУАЛИЗМ** (лат. *dualis* — иккιёклама) — фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра моддий ва психик, жисмоний ва руҳий ҳолатлар бир-бирига боғли бўлмаган ва бир-бирини тақозо қўлмайдиган иккни ибтидони ташкил этади. Д. монизмга қарама-қаршидир. Маълум маънода Д. қадим замонда ва ўрта асрларда мавжуд эди (мас., ўрта асрчиллик этикаси иккни ибтидоннинг яхшилик билан ёмонликнинг курашига асосланарди, унда яхшиликнинг манбан худо ҳисобланаб, ёмонлик эса шайтондан келиб чиқарди). «Д.» терминини биринчи бўлиб Х. Вольф жорий этди. У моддий ва руҳий субстанцияларнинг мавжудлигини эътироф қўлган кишиларни дуалислар деб ҳисобларди. Философия тарихида Д. нинг энг йирик вакилларидан бири Декарт эди. Декарт оламининг асосида иккни субстанция: руҳий (фпкрловчи) ва жисмоний (кўламли) субстанциялар ётади, деб ҳисобларди. Бу тамомила турли хилдаги иккни ибтидо (руҳ ва жисм) инсонда ифодаланган. Кант ҳам дуалист ҳисобланарди. Унинг назарича, идеал нарса билан (инсон онги билан) бир қаторда ҳодисаларнинг объектив асоси бўлган «нарса ўзида» ҳам мавжудdir, лекин Кант «нарса ўзида»ни билib бўлмайди, деб ҳисобларди. Марксизм-ленинизм Д. ни қатъяни рад этади ва психик ҳолатининг келиб чиқиши ва ҳаракат қилишини моддий асосга боғлиқ деб ҳисоблайди.

**ДУНЕҚАРАШ** (мировоззренение) — дунёга (яъни табнатга, жамиятга ва тафаккурга) қарашларнинг яхлит системаси бўлиб, бу қарашлар инсоннинг фаолиятига муҳим таъсир кўрсатади. Д. таркиб топадиган илмий, фалсафий, социал-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва диний қарашлар ва идеаллар индивидуумда амалий ҳаётда, унинг инсоният ортигирган тажрибани ўзлаштириши орқали шаклланади. Д. ҳамма кишида бўлади, фақат бирорларда стихияни равишда (кундалик пшда юз берадиган Д.) таркиб топади, бошقا бирорлар уни ўзларида онгли равишда ривожлантириб, конкрет фанларни ва философияни ўрганиш йўли билан жамият ҳаётини ва ўз ҳаётларини, ўзларининг дунёга бўлган муносабатларини англаб олишга иштиладилар. Д. нинг ҳарактери пироверд ҳисобда ижтимоий тараққиёт даражаси билан, фан, маорифнинг ҳолати билан белгиланади. Мас., антик ёки феодализм давридаги кишининг Д. и капиталистик жамият аъзосининг, айнича социалистик жамият аъзосининг Д. идан тубдан фарқ қиласди. Лекин айни бир жамиятда яшовчи кишиларнинг Д. и ҳам жуда турличадир. Аммо бу тафовутни, баъзи философлар (мас., pragmatist Жемс) қўлганиларидек, уларнинг темпераментлари ўхшаш эмаслиги билан изоҳ-

лаш ярамайды. Масаланинг моҳияти бошқа томонда. Социалистик жамиятгача бўлган жамият сиёсий ва иқтисодий манфаатлари қарама-қарши синфлардан иборат бўлади, шу сабабли мазкур синфлар вакилларининг социал тараққиётга, ҳаётнинг маъносига. Билишининг моҳиятига ва шу кабиларга қарашлари ҳам қарамаг-карши бўлади. Синфи манфаатлариниг тафовути ҳар қандай Д. нинг асосини ташкил этувчи философияда энг умумлашган формада намоён бўлади. Одатда, ҳалокагга маҳкум этилган консерватив синфининг идеологлари (ва умуман вакиллари) идеализм нуқтаи назарини, демак, идеалистик Д. ни ҳимоя қиласидилар. Агарда бу синфининг қўлида ҳокимият бўлса, у ўз Д. ини жамиятда ҳукмрон қилишга уриниб, уни турли йўллар билан меҳнаткашларга тиқиширади (ва тиқиширтмоқда ҳам). Шу мақсад учун диндан айниқса кечг фойдаланилмоқда. Шу сабабли фанга душман бўлган идеалистик Д. кўпинча диний формага киради ва ҳатто мистицизмга айланади (*Мистика*). Илгор синфлар одатда материализмга ва унга асосланган материалистик Д. га амал қиласидилар. Материалистик Д. конкрет фанлар билан иттифоқ бўлиб ривожланмоқда. У, Энгельс сўзлари билан айтгаида, «табиат қандай бўлса, худди шундай ҳолида, ҳеч қандай қўшимчасиз тушунишни» билдиради. Шуни айтиб ўтмоқ керакки, философиянз ҳеч қандай айrim фан ҳам, фанларнинг ҳаммаси бир бўлиб ҳам (*позитивизм* вакилларининг фикрига хилофон) илмий Д. ни ташкил этолмайди. Узларининг илмий соҳалари доирасида материалист бўлган табиатшунослар кўпинча бу доирадан ташқарида идеалист бўлиш у ёқда турсин, «ҳатто тақводор, комил ишончли христианлар ҳам» (Энгельс) бўлиб қиласидилар. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, конкрет фанлардан ҳеч бири оламнинг моддийлиги ҳақидаги, борлиқ билан тафаккурининг бир-бирига муносабати ҳақидаги, объектларнинг ривожланиши ҳақидаги ва шу каби умумий масалаларни тадқиқ қиласмайди. Шунинг учун ҳам Ленин таъкидлаб айтган эдикӣ, «салмоқли фалсафий асослаш бўлмаса, ҳеч қандай табиий фанлар, ҳеч қандай материализм буржуа идеяларини ҳужумига ва буржуа дунёқарашининг қайта тикланишига қарши курашга бардош беролмайди». Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини коммунистик Д. — марксизм-ленинизм ифодалайди. Унинг фалсафий асоси — диалектик ва тарихий материализмдир. Пролетариат, меҳнаткашлар оммаси турмуш шароитларини яхшилашдан, ижтимоий тараққиёт қонунларига мувофиқ воқеаликни ўзгартишдан манфаатдор бўлганликлари сабабли маркесча-ленинча Д. чуқур илмий ва революцион дунёқарашдир. Шу сабабли у пессимизм ва ҳаётни ўзгартиш мумкинлигига ишонмаслик касалига мубтало бўлган буржуа Д. ининг ҳеч бир тури билан келишолмайди.

ди. Бутун дунёда марксизм-ленинизм тарафдорларининг сони тез ўсмоқда. Социализм мамлакатларида эса коммунистик Д. ҳукмрон бўлиб қолди. Коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири — коммунистик Д. ни ҳар бир совет кишисининг онгига сийгдиришдан иборат. Бу вазифани ҳал қилиш — фақат марксистик фаннинг асосий ғояларини тушуниш билангира чекланмайди. Билим ўз ҳолича ҳали Д. эмасдир. Билимлар ишонч-эътиқодга айланиб, ҳатти-ҳаракатда, амалий фаолиятда мужассамлангандағына ажамият касб этади. Шу сабабли инсоннинг илмий Д. и шаклланиши учун ҳал қилувчи шарт — унинг жамият ҳаётида, янги, коммунистик муносабатларни вужудга келтирисхда инсоний маданиятнинг барча бойликларини яратишда актив иштирок этишидан иборат.



**ЖАМИЯТНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ** (материально-техническая база общества) — бирон-бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг ишлаб чиқариш-технологик негизи. Уни муйаян ишлаб чиқариш воситалари (биринчи галда меҳнат қуроллари), инсон билан техникани бирлаштириш технологик усулни (*Ишлаб чиқарши усули*), меҳнатни ташкил қилиш даражаси характерлаб беради. Киншилар ўртасида муйаян ишлаб чиқариш муносабатлари қарор тоши, бирор тарздаги ижтимоний тузум барпо бўлиши учун тегишли моддий-техника базаси бўлиши зарур. Мас., капиталистик муносабатлар фақат йирик машинали ишлаб чиқариш пайдо булиб, унда кишини капиталга бўйсундириш принципи ишчини машинага бўйсундиришга мувофиқ келган, ишчини машинанинг қўшимтаснга айлантирган чоқдагина ҳукмон муносабатлар бўлиб қолди. Гарчи капитализм социалистик жамият учун моддий зарур шароит яратиб берса-да, бироқ «Ҳар кимдан қобилиятига қараб, ҳар кимга меҳнатига қараб» принципи амалга оширилмаги учун социализм моддий-техника базасини яратиш зарур. Бунинг маъноси — хўжаликнинг барча тармоқларини қайтадан ташкил этишга курбн етадиган йирик машинали индустряни ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни тенг-текисроқ тарзда жойлаштириш, айрим раёнларнинг капитализмдан мерос бўлиб қолган қолоқлигини тутатиш демакдир. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоний мулклиги асосида хўжаликни планиравища ривожлантириш, ишсизликни тутатиш имконияти туғилади, меҳнатга илгари мисли кўрилмаган янги рағбатлантириш вужудга келтирилади. Социализмнинг моддий-техника базаси астасекин ривожланиб коммунизм моддий-техника базасига айланади. Бу базани вужудга келтириш учун: мамлакатни батамом электрлаштириш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва борган сари тўлароқ автоматлаштириш, халқ ҳўжалингига химияни кенг қўлланиш, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан ҳар томонлама ва оқиёна фойдаланиш, фан билан ишлаб чиқариши узвий равишда бирлаштириш ҳамда илмий-техника тарақ-қиётигининг юксак суръатларини таъминлаш, меҳнаткашларнинг юксак маданий-техника даражасига эришиш зарур. Натижада моддий ва маънавий ноз-неъматларнинг мўл-кўллигига эришиш учун,

коммунистик ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши учун, инсонни ҳар томонлама ривожлантириши учун асос вужудга келади.

**ЖАҲОН СОЦИАЛИЗМ СИСТЕМАСИ** (мировая система социализма) — социализм ва коммунизм йўлидан бораётган озод, тенг ҳуқуқли халқларнинг ҳамдўстлиги. Ж. с. с. Европа, Осиё ва кейинроқ Америкадаги бир қанча мамлакатларда социалистик революцияларнинг ғалаба қилиши натижасида ташкил топди. Социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги ижтимоий тараққиётининг объектив қонунлари тақозоси натижасидир, у шу мамлакатларнинг ички эҳтиёжларидан ҳам, халқаро шароитлардан ҳам келиб чиқади. Социализм мамлакатлари ягона бир системани ташкил этишларининг сабаби шуки, бу давлатларда ҳокимият ишчилар синфи бошлигидаги халқ қўлидадир, унда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги ҳукм суради, меҳнаткашларни эксплуатация қилиш тутагилган, социалистик идеология — марксизм-ленинизм ғалаба қилган. Мазкур мамлакатларнинг ҳаммаси бу ғалабаларни империализмнинг тажовузларидан ҳимоя қилишдан мафтаатдорлар, уларнинг умумий мақсади — коммунистик жамият қуришdir. Социалистик мамлакатларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий бирлиги улар ўртасида ўз характеристики жиҳатидан тамомила янги бўлган ва социалистик интернационализм принциплари негизида қурилаётган муносабатлар ўрнатиш учун объектив асос яратп бермоқда. Бу принциплар — мамлакатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигидан, уларнинг суворенитетини ҳурмат қилишдан, ҳамма соҳаларда. сиёсат соҳасида (давлатлар, партиялар ўртасидаги муносабатларда дўстлик ва ишонч, империализмга нисбатан тутилган умумий йўл). экономика соҳасида (халқ хўжалиги планларини координатлаштириш, ишлаб чиқариши, савдони ихтиослаштириш ва кооперативлаштириш, кредитлар бериш, ўзаро техника ёрдами кўрсатиш ва ҳ. к.), маънавий ҳаёт соҳасида (миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, янги кишини тарбиялашда ҳамкорлик қилиш) мустаҳкам ҳамкорлик қилиш ва ўзаро қардошларча ёрдам кўрсатишдан иборат. Социалистик мамлакатларнинг бирлиги иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан мазкур мамлакатлар ўртасидаги тафовутлардан, социал муносабатларнинг етуклик даражасидан ва ҳ. к. келиб чиқадиган зиддиятлар ўз-ӯзидан йўқ бўлади, деган маънони билдирамайди. Мамлакатлар ўртасида янги типдаги муносабатлар *ревизионизм, миллатчиликнинг ҳар хил кўринишларига қарши курашида қарор топмоқда*. Социалистик мамлакатлар жипслигининг мустаҳкамлиги мазкур мамлакатларнинг фақат ўзларининг тараққиёти учунгинағо якта аҳамият касб этиб қолмайди. Бу мустаҳкамлик капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфининг кураши учун, ўз миллий озодлиги учун курашаётган ва ўз мустаҳкамлигини мустаҳкамлаётган мамлакатларнинг муваффақият қозонишлари учун энг қуай вазият туғдиromoқда.

# 3

**ЗАМОН ВА МАҚОН** — қ. *Макон ва залон.*

**ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ** (необходимость и случайность) — фалсафий категориялар бўлиб, бу категориялар предмет ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқаларининг турли типларини акс эттиради. Зарурият — бу ҳодисанинг, предметнинг туб хусусиятларидан келиб чиқадиган ички, муҳим алоқадир. Бу — муайян шарт-шароит мавжуд бўлганда албатта юз бериши лозим бўлган нарсадир. Тасодиф эса айни ҳодисага нисбатан ташкиҳи характерга эгадир. У мазкур ҳодисанинг моҳиятни билан боғли бўлмаган қўшимча факторлар тақозоси билан юзага келади. Бу — муайян шароитда рўй берниши ҳам, рўй бермаслиги ҳам мумкин бўлган, бу тарзда ҳам, ёки бошқача тарзда ҳам юз берга оладиган нарсадир. Агар оламда ёлиз тасодиф мавжуд бўлганда эди, у вақтда олам аралаш-қуралаш, тартибсиз характерга эга бўлиб, бунинг натижасида воқеаларнинг боришини олдиндан кўриш мумкин бўлмас эди. Аксинча, агарда барча предмет ва ҳодисалар фақат зарурият тарзида ривожланганда эди, у вақтда тараққиёт илгаритдан белгилаб қўйилган мистик характерга эга бўлар ва кишинлар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдалана олмас эдилар (*Фатализм*). Ҳар бир предмет, ҳар бир ҳодиса фақат муҳим, зарурий сабаблар таъсири остида эмас, балки тасодифий, иномуҳим сабаблар таъсири остида ҳам шаклланничи мумкин. Шу сабабли З. ва т. бир-бираисиз яшай олмайди, улар бўлинмас диалектик бирлиқдан иборат. Айни бир ҳодиса бир жиҳатдан тасодифий бўлиб чиқса, бошқа жиҳатдан зарурий бўлиб чиқади. Урмонда дараҳтларни синдирган бўрон — уларнинг нобуд бўлишининг тасодифий сабабидир, лекин бу бўрон муайян об-ҳазо шароитининг зарурий натижасидир. Зарурият «соф ҳолда» мавжуд бўлмайди, у ҳамиша тасодиф орқали юз беради. Ўз навбатида тасодиф ҳам заруриятнинг юз бериш формаси ва қўшимчаси сифатида майдонга чиқади; тасодиф ҳодисага муайян ўзинга хис хусусият, тақрорланмайдиган белгилар бағишлайди. Муайян турга мансуб бўлган ҳайвонларнинг умумий (тур) белгилари бўлиб, бу белгилар узоқ тарихий тараққиёт процессида пайдо бўлган ва наслдан наслга ўтиб борадиган белгилардир. Лекин бу зарурий белгилар ҳамиша индивидуал формада мавжуд бўлади, чунки ҳайвонлар ту-

сига, шаклларига, катта-кичикликларига ва ҳ. к. қараб бир-биридан фарқ қиласи. Айни тур учун бу хилдаги тасодифий белгилардан баъзилари мустаҳкамланиб қолади, наслдан наслга ўтиб боради, зарур белгилардан бошқа вазиятда мақсадга мувоғиқ бўлиб чиқмаганлари эса гойиб бўлади, улар сўнг фақат рудимент, яъни тасодифий белги шаклида кейинги авлодларда пайдо бўлади. Шу тариқа тасодиф заруриятга айланади ва, аксинча, зарурият тасодифга ўтади. Ҳозирги замон фани З. ва т. нинг ўзаро чуқур алоқадорлигини тасдиқловчи тобора янгидан-янги фактларни очиб бермоқда. Мас, физика ҳатти-ҳаракати тасодифий характерга эга бўлган объектларни (элементар зарраларни, атомларни, суюқлик ёки газ ҳолидаги молекулаларни) ўрганади. Бу объектларнинг ҳар бир муайян моментдаги ҳолатини эҳтимолликнинг фақат бир қадарли хиссаси билангина белгилаш мумкин. Бироқ айни вақтда бунда соф тасодиф йўқдир. Мас, суюқлик солинган идишдаги молекулаларнинг тартибсиз ҳаракатида зарурият, қонуният юз беради. Бу заруриятта айрим молекулалар эмас, балки уларнинг жами бўйсунади ва демак, уларнинг бутун мажмуи ўзини қатъий муайян тарзда тутади. З. ва т. диалектикасвни тушуниш қишиларнинг билниш ва амалий фаолияти учун жуда муҳимдир. Фаннинг вазифаси — зарурий, қонуниятли алоқаларни очиб беришдир. Тасодиф заруриятнинг юз бериш формасидан иборат бўлганлиги сабабли билиш зарурни тасодифдан, муҳимни номуҳимдан ажратиш йўлидан боромоги лозим. Бу эса бирон-бир табиий ёки социал процесснинг бундан кейинги боришини олдиндан кўришга ва уни жамият манфаатлари учун керакли томонга йўналтиришга имкон беради.

**ЗИДДИЯТ** (противоречие) — предмет ёки процесс тенденцияларининг, томонларининг ички нисбети бўлиб, бу томонлар бир-бирига ўтиб туради ва айни вақтда бир-бирини инкор этади. З. қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши сифатида юз беради. Нарсалар ички жиҳатдан зиддиятли эмасдир, деб ҳисболовчи метафизикадан фарқли ӯлароқ, диалектика зиддиятилик нарсалар моҳиятининг ажралмас хоссасидир, деб ҳисболовайди. «Асл маънода диалекттика — предметларнинг ўз моҳиятидаги зиддиятни ўрганишдан иборат» (Ленин). З. умумий характерга эгадир. Ички жиҳатдан зиддиятли бўлмаган битта ҳам предмет йўқдир. Бунинг сабаби шуки, оламдаги ҳамма нарсалар доимо ўзгариб туради, ривожланади, уларда янги томонлар, моментлар юз беради, шуннинг учун ҳам улар яхлитлигича қолган ҳолда ўзининг ички зиддиятили омонларига, тенденцияларига эга бўлади. З. нинг ўзи ҳам куреклик формаларидан тортиб то энг кескинлашув формаларигача ивожланади. Томонларнинг тафовути, қутбланиши, тўқнашви, антагонизми — З. нинг юз бериш босқичлари ана шулардир. З. қарама-қарши томонларнинг (қарама-қаршиликларнинг) бевосита

Бирлигидан уларнинг курашига ва сўнгра ўзиғиниң ҳал қилинишига ўтади. З. нинг ривожланиши, унинг авж олиши ва ҳал этилиши шу билан бирга ҳодисанинг ўзининг ривожланишидан турли босқичлардан ҳам иборатдир. Зиддиятларнинг ҳал этилиши — нарсанчиг янги, ҳали ҳозирча пинҳон зиддиятлар билан янги сифатга ўтиши демакдир. Шундай қилиб, З. «диалектиканинг магзидир», чунки у ҳарқандай ҳаракат *ва тараққиётнинг* манбай бўлиб майдонга чиқади. З. нинг жуда хилма-хил формалари мавжуддир: муҳим ва номуҳим формалар, ички ва ташқи формалар (предметнинг ривожланишига турлича таъсир қилувчи формалар), антагонистик ва по-антагонистик (томонларнинг турлича ўзаро муносабати билан характерланувчи) формалар ва ҳ. к. Зиддиятлар билишга ҳам хосдир. Билиш тараққиётининг бутун тарихи — зиддиятларнинг (*антиномиялар, парадоксларнига*) пайдо бўлниши ва ҳал этилишидан иборатдир, бу турли ба қарама-карши идеяларнинг, қоидаларнинг доимий курашидир. Нарсани унинг бугун зидма-зидлиги билан қўйта ҳосил қилиш фикрнинг абстрактликдан конкретликка томон зиддиятли ҳаракати йўлида содир бўлади (*Абстрактлик ва конкретлик*).



**ИБТИДОИЙ ҖАМОА ТУЗУМИ** (первобытнообщинный строй) — инсоният тарихида биринчи босқич, биринчи *ижтимоий-иқтисодий формация*. Унинг характерлari хусусияти шу эдик, унда ишлабчиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси паст эди, ишлабчиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатлар заиф ривожланган эди. Ишлабчиқариш қуроллари ибтидойиҳ характерда эди, шунинг учун кишилар якка-якка ҳолда табиат кучларни билан курашолмас эдилар. Ана шундан колектив мөхнат ҳамда ер ва ишлабчиқариш воситаларининг җамоаларнинг колектив мулкниги заруратни келиб чиқди. Кишилар ўртасида асосан табии мөхнат тақсимоти — жинс ва ёшга қараб мөхнат қилиш — мавжуд эди. Ибтидойи қишиларнинг мөхнати кам унумли бўлганлигидан улар ўзларининг очликдан ўлмасликлари учун зарур нарсадан ортиқча маҳсулот яратолмас эдилар. Синфлар ва эксплуатация йўқ эди ва, демак, давлат, ҳуқуқ ҳам йўқ эди. Ижтимоий муносабатлар ахлоқ нормалари билан таркиб топадиган одатлар орқали тартибга солинарди. Қишиларнинг бирлашувида уруғдошлик алоқалари ҳал қиливчи роль ўйнарди. Ишлабчиқариш ривожлана борган сари аста-секин ургунинг бузилиш тенденцияси пайдо бўлди. Мөхнат қуролларининг такомиллашуви ижтимоий мөхнат тақсимотига олиб келди: чорвачилик деҳқончиликдан ажралди, сўнгра эса ҳуњармандлик қишлоқ ҳўжалигидан ажралиб чиқди. Бу ҳол айрибошлашини вужудга келтириди, айрим-айрим оплалар доирасида қишиларнинг якка-якка мөхнат қилишига имконият туғдирди, бу эса аста-секин ишлабчиқариш воситаларининг хусусий мулк бўлиншага олиб келди. Ҙамият камбағаллар ва бойларга бўлинди, эксплуатация пайдо бўлди, И. ж. т. ўрнига у ёки бошқа ҳантагонистик формация келди. Бу формациянинг характери турли мамлакатлардаги конкрет-тарихий шаронтига бояли бўлди.

**ИДЕАЛ** (грек. idea — тарз, образ, тушунча) — бирон-бир парсада намуна, камолот, айрим қишининг, группанинг, синфининг иштилиши ва ҳатти-ҳаракатини белгилайдиган олий мақсад. Бу мукаммал ижтимоий тузум ҳақидаги (ижтимоий-сиёсий И.), шахснинг мукаммал ахлоқий сифатлари ва қишилар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги (ахлоқий, этик И.), уйғун равнишда ривожланган гўлар

зал инсон ҳақидаги (эстетик И.) тасаввур бўлиши мумкин. Узининг бутун тарихи давомидаги философия систематик — умумлашган тағза-да турлича идеалларни ифодалаб келди. Чунончи, антик философия этик ва эстетик И. завқ-шавқига тўлган эди, ўрта асрларда диний формада майдонга чиқсан ахлоқий И. асосий нарса бўлиб қолади. Ўйғониш даври асосан эстетик И. га эътибор беради. Марксизм И. ни воқеаликнинг инъикоси деб қарайди: ёки воқеаликнинг куртак ҳолида мавжуд бўлиб, ҳали очилмаган моментларининг ёки кела-жакда юз бериши лозим бўлган нарсанинг, яъни ижтимоий тараққиёт тенденциясининг инъикоси деб қарайди. И. воқеалик билан қандай муносабатдош бўлишига, унинг тараққиёт тенденцияларини қанчалик тўла ва тўғри акс эттиришинга қараб, амалга ошмайдиган, соҳта ёхуд реал, амалга ошадиган бўлиши мумкин. И. нинг социал функцияси шундан иборати, у одамларни жамиятни ва ўз-ўзлорини ўзгартишга илҳомлантиради, шу билан бирга И. социал нар-маларда мужассамланиш, одамлар ўртасидаги муносабатларни тартиби солиб турадиган бўлади. Ўз вақтида прогрессив буржуазия томонидан илгари сурилган озодлик, тенглик, биродарлик идеалла-ри эскирган феодал тартиботларга қарши курашда катта роль ўй-наган эди. Марксизм пролетариат манфаатларини ифодалаб, ком-мунизмнинг чинакам инсонпарварлик И. ини баён қилиб бермоқда. Жамиятни қайта қуриш ҳақида *утопик социализм* илгари сурган И. дан фарқли ўлароқ, бу И. мавжуд воқеалик доирасидан четта олиб чиқилган ва у билан мувофиқлашуви лозим бўлган орзу обра-зи эмас, балки воқеаликнинг ўзи, унинг ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан олиб қараглан воқеаликнинг ўзидир. Марксизм И. ни — воқеаликнинг ўзига хос қонуниятлари тақозоси билан муқар-рар суратда ўрнатиладиган жамиятнинг образи, деб билади. Ком-мунизм кейн меҳнаткашлар оммасига чинакам озодлик келтиради, уларнинг энг муҳим манфаатларига жавоб беради, шунинг учун ҳам улар коммунизмни амалга ошириш учун курашга отланмоқ-далар. Олга қараб ҳаракат қилиб борган сари коммунистик И. тобора кўпроқ конкретлашмоқда, тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда, унга эришиш йўллари ва воситалари такомиллашмоқда.

**ИДЕАЛИЗАЦИЯ** — илмий тадқиқот усули бўлиб, бу усул маҳ-сус абстракт идеаллаштирилган объектлар тузишда ифодаланади. Бу объектлар «соф шакл»да тадқиқ қилинадиган ҳодисанинг му-ҳим моментларини гавдалантирадиган фикрий конструкциялардан иборатdir. Жуда хилма-хил фанлар идеаллаштирилган объектларни жорий қилиб, ўрганидилар. Мас., математика «нуқта», «квад-рат», «айланач» тушунчаларидан фойдаланади, физика «идеал газ», «сицилмас суюқлик», «абсолют эластик жисм» тушунчаларидан фой-даланади ва ҳ. к. Воқеаликда мавжуд бўлмаган бундай объектларни уларнинг реал намуналари асосида яратиш мураккаб ақлий про-

цессдир. Бу процесс абстракциялаштириш билан, яъни реал предметларнинг у ёки бошқа хусусиятларни, реал предметлар мавжуд бўлган шароитни мавҳумлаштириш (*Абстракция*) билан маҳказабоғлиқдир. Идеаллаштирилган объекти энг чегара ҳолга (реал эмас, балки математик тарзда йўл қўйиш мумкин бўлган ҳолга) ўтиш йўли билан ҳосил қилиш мумкин. Мас., биз жисмнинг ҳаракати чоғида ишқаланишни аста-секин камайтира бориб, бу ишқаланиш нулга тенг бўлганда қандай ҳолат юз беришини фикран тасаввур қила оламиз. Идеаллаштирилган объект, «инерциал ҳаргат» ана шу тариқа пайдо бўлади. И. илмий усул бўлиб, бу усул мураккаб проблемани соддалаштиришга, муҳимни номуҳимдан ажратишига, қонуниятларни бўлакларга ажратишига, аниқ ҳисоблаб чиқишига имкон беради. И. нақтида назария идеаллаштирилган объекти тасвирлаб чиқиши муносабати билан уни реал фактларга татбиқ этишининг чегаралари ҳақидаги масала кўндаланг бўлиб туради. **Баъзан** назарий тасвирлаш реал предметнинг тарз-тароватига тўла мос бўлиб тушади, лекин кўпинча назарияни татбиқ этиши чегараларни кўрсатишига, унга турли тажрибавий тузатишлар (коэффициентлар ва ш. к. шаклида) киритишига тўгри келади. И. объектларнинг қонуниятларини тадқиқ қилиш воситасигина бўлиб қолмай, шу билан бирга у ёки бошқа илмий қоидаларни назарияларни синаб кўриш воситаси ҳамдир. Идеаллаштирилган объектларнинг анализи асосида ҳосил қилинган хуносаларни кузатиш, эксперимент маълумотлари билан тақдослаб кўрпш назарий билимни такомиллаштиришга кўмаклашади.

**ИДЕАЛИЗМ** (грек. *idea* — тарз, образ, тушунча) — материализмга қарама-қарши фалсафий оқим бўлиб, бу оқим руҳни, онгни бирдамчи деб билади ва материяни, табиатни қандайдир иккичи, ҳосила нарса деб қарайди. Оламни бундай нотўғри, бузуқ шаклда тасаввур этишининг ўзига ҳос гносеологик (назарий-билиш) ва синфий (социал) илдизларни бор. И. нинг гносеологик илдизлари — билишининг айрим моментларини абсолютлаштиришдан, бўрттиришдан иборат. Бундай бўрттириш имконияти билишининг мураккаблигидан, зиддиятидан келиб чиқади. Инсон нарсаларнинг ичига чукур кириб бориш учун абстракциялар, тушунчалар яратади ва шулар ёрдамида предметларнинг хусусиятлари умучий тарзда, предметларнинг ўзларидан ажralган ҳолда фикр қилинади. Шу сабабли бу умумий тушунчаларни қандайдир абсолюттарздаги мустақил бир нарсага айлантириб, уларни табиат ҳодисаларининг асоси қилиб қўйиш қийин эмасдир. И. нинг иккичи гносеологик илдизи шундан иборатки, у объектив оламининг предметларч ва ҳодисалари онга субъектив, идеал формада акс этишини солта равиша нотўғри изоҳлайди. Мазкур предмет ва ҳодисалар инсон миясида акс этиши билан унинг ички дунёсининг бир

қисми бўлиб қолади. И. билдишимиизнинг субъективлик моментини бўрттириб кўрсатиши ва бу билим воқеёнкнинг ишыкоси эканлигини эътиборсиз қолдириши билан ташки олами инсоннинг ишни дунёси билан, моддий предметлар ва ҳодисаларни эса унинг сезгилари, кечинмалари билан айнан бирдай қилиб қўяди. И. нинг социал илдизлари — маънавий (ақлий) меҳнатни моддий (жисмоний) меҳнатдан (*Ақлий ва жисмоний меҳнат*) ажратишдан, жамиятнинг синфиий табакаланишидан иборат. Ақлий меҳнат ҳукмрон синфларнинг имтиёзига айланди, шу муносабаг билан унинг жамиятда ҳал қўлувчи роли ҳақидаги тасаввур пайдо бўлади. Тарих давомида И. нинг синфиий асослари ўзгариб борди, у энг хилма-хил сенсий программаларнинг таянчи бўлиб келди, лекин, одагда, И.— мавжуд ижтимоий муносабатларни сақлаб қолишига интиладиган ва шу сабабни оламииниг тўғри манзарасини ҳосил қилишга қизиқмайдиган консерватив синфларнинг дунёкарашидир. И. руҳий ибтидони қандай тушунишинга қараб, иккни асосий формага — субъектив ва обьектив идеализмга бўлинади. *Объектив* И. бутун мавжудотнинг асосини инсондан ажратилиб, мустақил моҳиятига айлантирилган тафаккурда деб билади. Антик философияда обьектив И. системасини Платон ишлаб чиқкан. Платон, биз кўриб турган ниҳояли нарсаларнинг ҳаммаси абадий, ўзгармас олам идеяларидан туғилди, деб ҳисобларди. Урта аср философиясида томизм, реализм ва б. обьектив-идеалистик системалар ҳукмронлик қиласиди. Объектив И. немис классик философиясида, Шеллинг ва хусусан Гегель системасида ўз тараққиётининг чўққисига етди. Шеллинг ва айниқса Гегель борлиқ билан тафаккурнинг абсолют бирдайлигини эълон қиласиди. 20-асрда обьектив И. йўли янги гегелчилликда ва неотомизмда (*Томизм ва неотомизм*) давом эттирилди. Объектив И. илмий ҳақиқатларнинг умумий ҳамиятилигини, мадданий қимматдорларнинг (бойликларнинг) индивидул тажрибадан мустақиллигини бўрттириб кўрсатади ва шу билан этик, эстетик ва билиш қимматдорларнинг кишиларнинг реал ҳаётидан ажратиб қўяди. *Субъектив* И. жамиятдан ажралган айрим кишининг сезувчи, лис қўлувчи онгини асос солувчи бош сабаб қилиб олади. Субъектив И. буржуа философиясида ўзининг энг равнақига эриши. Унинг асосчиси 18-асрда яшаган инглиз философи Беркли эди. Беркли, нарсалар фақат идрок қилиниши туфайлигина мавжуддир, деган қоидидан илгари сурган эди. Немис классик философиясида Кант ва Фихте субъектив И. позициясида турарди. Тўғри, Кантда материалистик моменлар ҳам бор эди («нарса ўзида»). Аммо Фихте обьектив олами (Мен-масни) онгда (Мен) қоришишиб юборган эди. Ҳозирги замон буржуа философиясида субъектив И.— ҳукмрон оқимдир. Бу оқим *прагматизм*, *неопозитивизм*, *экзистенциализм*да ва ҳ. к. ифодаланган. Агар субъектив И. принципларини изчилилек

билан амалга ошириладиган бўлса, у вақтда фақат ташкى оламнинг мавжудлигини эмас, балки бошқа оламларнинг мавжудлигини ҳам инкор этишга, яъни *солипсизмага* келиш мумкин. Шу сабабли субъектив И. эклектицидир, у ё объектив И. (Беркли, Фихте) ёки материализм (Кант ва б.) элементлари билан қўшилиб кетади. Философлар ўзларининг олам картинасини яратганларида қандай методдан фойдаланишларига қараб метафизик ва диалектик И. га бўлинади. Метафизик И. ўрта асрларда ҳукмронлик қўлган эди ва ҳозирги вақтда буржуазия философиясида ҳам устун мавқега эга бўлиб, махизм, неотомизм, прагматизм системаларида энг яққоз ифодаланмоқда. Диалектик И. Кант, Фихте, Шеллинг системаларинда ифодаланган. Диалектика сохта идеалистик асос имкон берган даражада чуқурроқ тарзда Гегелда ишлаб чиқилган. Билиш процессида қандай моментлар абсолютлаштирилишига қараб, эмпирик-сенсуалистик, рационалистик ва иррационалистик И. ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Эмпирик-сенсуалистик И. (Беркли, Max ва б.) асосий ролни билишининг ҳиссий элементларига, эмпирик билишга берса, рационалистик И. (Декарт, Кант, Гегель ва б.) билишининг мантиқий элементларига, тафаккурга беради. И. нинг ҳозирги замон формаларига (Хайдеггер, Ясперс ва б.) асосан *иррационализм* хосдир. Бу формалар инсон ақдлининг чексиз имкониятларини инкор этади ва унга интуицияни қарама-қарши қилиб қўяди. Улар бинринчи ўринга инсон билишининг айрим моментларини (сезги, идрокни) эмас, балки инсон билишининг, инсон руҳий ҳаётининг чуқур қатламларини, яъни эмоциялар, кечинмалар (қўркув, ташвиш ва ҳ. к.) ни қўядилар. И. нинг характерли хусусияти унинг дин билан боғли бўлиши ва материализмга қарши курашидир.

## **ИДЕАЛИЗМНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ВА СИНФИЙ ИЛДИЗЛАРИ — к. Идеализм.**

**ИДЕОЛОГИЯ** (грек. *idea* — тарз, образ, тушунча ва *logos* — таълимот) — ижтимоий қарашлар ва идеялар системаси. Унга сиёсий қарашлар, ҳуқуқий онг, ахлоқ, философия, дин киради. Ижтимоий онгнинг бир қисми бўлган И. жамият мoddий ҳаётни шаролитларидан вужудга келади, иқтисодий тузумнинг хусусиятларини акс эттиради. Синфларга бўлинган жамиятда И. муқаррар равишда синфиий характерга эга бўлади. Жамиятда ҳоким синф И. си ҳукмрон бўлиб, бу синф ўз мафкурасини бошқа синфларга ўтказиш учун ҳамма воситалардан фойдаланади. Шу билан бирга эксплуататор синфлар эски, умри тугаган тартибларни сақлаб қолишдан манфаатдор бўлганлари сабабли, И. ёрдами билан мазкур тартибларни абадийлаштиришга, уларнинг мустаҳкамлигини исботлашга уримоқдалар. Шу сабабли бундай И. тарихнинг объектив боришига мувофиқ келмайди. Чинакам илмий И. ишчилар синфининг манфаатларини ва объектив аҳволини акс эттирувчи марксизм-гененизм-

дир. Ишчилар синфи эса ўз диктатурасини абадий сақлаб қолиц-дан манфаатдор бўлмай, балки синфсиз жамият қуриш учун кураш олиб боради, бу ҳол ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига мувофиқ келади. Социализм барқарор бўлиб, синфлар ва уларнинг зидмайдан манфаатлари тутатилгандан кейин марксизм-ленинизм бутун халқ И. си бўлиб қолади. Гарчи И. нинг ривожланиши пировард қатижада иқтисодий шароитлар билан белгилансада, унда нисбий мустақиллик хусусияти бор. И. ижтимоий борлиқнинг тараққиёт даражасидан орқада қолиши ёки ўтиб кетиши мумкин, уининг ворислик хусусияти бор, яъни янги идеялар, қарашлар тақир ерда пайдо бўлмайди, улар ўтмиш идеяларига (илғор ёки реакцион идеяларга) таянидилар. И. жамиятнинг иқтисодий ҳаётини пассив акс эттиримайди, у мазкур иқтисодий ҳаётни синфлар, социал группалар, партияларнинг, давлатнинг ҳаракатлари орқали актив таъсир қиласди. И. уларга ўз мавзуени мустаҳкамлашга ёки, акснча, ўзгартишга ёрдам бераб, шу билан ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қиласди ёки уни тезлаштиради. И. нисбий мустақилликка эга бўлишига кўра, ўзининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бошқа ижтимоий ҳодисалар билан, ўзаро таъсирининг ўзига хос қонунлари билан характерланади.

**ИДЕЯ** (грек. *idea* — тарз, образ, тушунча) — ташқи оламни билишнинг олий формаси бўлиб, бу форма фақат обьектни акс эттирибгина қолмайди, балки уни ўзгартишга ҳам қаратилган бўлади. И. тафаккурнинг тушунча, *наазария* ва ш. к. формаларидан ача шу билан фарқ қиласди, чунки бу формаларда обьект акс эттирилган бўлса-да, лекин унинг ҳақидаги билимни амалий равишда рўёбга чиқариш усуллари ҳали ифодаланмаган бўлади. И. да эса обьектни тўла, ҳартомонлама билишга эришилади ва шу билан бирга инсон унга ўзининг мақсадини, обьектни ўзгартиш режасини дохил қиласди. И. ни марксча-ленинча тушуниш, бир томондан, идеяларни обьектдан ва субъектдан (инсондан) ажратиб, уларни мустақил, бир-бирига боғли бўлмаган моҳиятларга айлантириб қўядиган обьективт *идеализмга* қарши, иккинчи томондан, идеяларни воқееликнинг ўлиқ, пассив копиялари, деб қарорчи метафизик материализмга қарши қаратилган. И.—муваффақиятли амалий фаолиятнинг негизидир. Инсон ўзи учун зарур предметни аввал И. да яратиб, сўнгра эса унга мувофиқ равишда, мазкур предметни воқееликда яратади. И. бирламчидир, предметни белгилаб берувчидир, деган хаёл ана шундан келиб чиқади. Ҳақиқатда эса, янги предмет И. дан эмас, балки бошқа моддий обьектлардан яратилади. И. практикада бир хил предметлардан бошқа хил предметларга ўтиб, бўлгуси нарсаларнинг фикрий формаларини, уларнинг ўзига хос андазаларини ярагишада ёрдам беради. И. нинг амалий аҳамияти унинг обьектив мазмуни билан ва субъектив интилишлар бини-

лан белгиланади. Объектни чуқур акс эттирадиган, илғор ижтимоий күчларнинг интилишларини ифодалайдиган идеялар оммани эгаллаб олиб, воқеликни ўзгартишда актив кучга айланади. Воқеликни бузиб кўрсатадиган идеяларни эса ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи реакцион кучлар ўзларига қурол қилиб оладилар. Фанда И. ҳодисаларни изоҳлашга, тўпланган фактларни анализ қилишга ёрдамлашади, билишни янги натижаларга қараб ҳаракат эттириш методи бўлиб хизмат қиласди. Баъзан «И.» терминидан умуман фикр тушунилади. Лекин бу терминни, айниқса илмий адабиётда, бу хилда кенг ишлатиш мақсадга мувофиқ эмасдир. Чунки бундай кенг ишлатиш И. нинг тафаккурнинг алоҳида формаси сифатида ўзига хос хусусиятини ҳаспўшлаб қўяди.

**ИДЕЯВИЙЛИК** (идеальное) — объектив оламнинг субъектив образи бўлиб, бу образ инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятида юз беради ва бу фаолият моментларидан бири ҳисобланади. И. — предмет оламнинг ижтимоий-камол топган инсоннинг амалий ва билиш формаларидағи инъикосидир. К. Маркс сўзлари билан айтганда, «идеявийлик инсон миясига кўчиб, унда бошқа шаклга кирган моддийлардан бошқа нарса эмасдир». Равшанки, И. нинг юзага келиш, мавжуд бўлиши шарти инсон олий нерва системасининг фаолиятидан, миянинг ишлаб туришидан иборатдир. Бироқ фақат миянинг ишлари билангира И. ни изоҳлаб бўлмайди. Инсоннинг предмет фаолияти мақсадни илгари суришдан, яъни: предметнинг фикрий образидан бошланади. Бу мақсад фаолиятнинг ўзида рўёбга чиқиб, меҳнат натижасида, маҳсулдида гавдаланади. И. кудди инсоннинг мақсадидир, нарсанинг ўзидан ташқарида нарсанинг формаси, тузилишининг қайта досил этилишидир. Инсон фаолиятининг моменти бўлган И. нарсанинг борлигини унинг образи орқали ҳамда инсоннинг эҳтиёжлари, иштиёқлари ва мақсадлари орқали характерлаб беради. Бунда нарсанинг ўзи — меҳнат объекти — тарзин инсон фаолиятида қарор топаётган, рўёбга чиқаётган тарзда намоён бўлади. И. фаолият қобилияти сифатида, реал меҳнат маҳсулотининг фикрий образи сифатида бир онда ўтиб кетадиган нарсадир; у шу ондаёқ предметлашади, яъни моддий предмет ёки ҳаракат формасига, символ, тил белгиси ва ҳ. к. формасига киради. Шундай қилиб, И. ўз тараққиётida қуйидаги босқичларни босиб ўтади: 1) И. нинг пайдо бўлиши, бунда меҳнат процессига тортилган нарсанинг формаси инсоннинг мақсадларida, айни нарсанинг субъектив, фикрий образида ифодаланади; 2) реал предметнинг бу идеал формасининг моддийлашуви, яъни унинг предмет-хиссий фаолиятда ҳамда турли символик системаларда — тилда, санъатда ва ш. к. да гавдаланишуви; И. меҳнат натижаларида ҳозир бўлмасдан, балки фақатгина инсон фаолиятида ҳозир бўлади, чунки инсон предметнинг моддий образини яратади ва шу ондаёқ уни турли хилдаги символларда, предметнинг табдилида, ўзгаришида ва ҳ. к.

моддийлаштиради. Фаолият маҳсулотда сўниб, меҳнат натижасида мужассамлангач, И. нинг ўзи ҳам сўнади. Уни тирилтиримоқ, қайта бунёд этмоқ учун инсон ўз фаолиятининг маҳсулини ўзлаштиримоғи, у И. моддийлашган символларни аниқлаб олмоғи лозим. У сўз формаси замридан мазкур сўз билдирадиган мазмунни кўриши, символининг маъносини очиб олиши лозим. Шу билан маданиятнинг муайян ютуқларини ўзида тўплайдиган ва ҳозироқ олдинги фаолиятнинг натижаси бўлган предмет яна қайтадан меҳнат процессига тортилади. Философия тарихида И. проблемаси турлича изоҳланиб келичди. И. нинг барча концепциялари орасидан монистик (*Монизм*) ва дуалистик (*Дуализм*) концепцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу концепцияларнинг аввалгиларига *идеализм* ҳам, *материализм* ҳам киради. *Объектив идеализм* И. ни бутун предмет оламини яратадиган мустақил вужуд деб, бутун мавжудотнинг бош асоси деб билади. *Субъектив идеализм* И. ни айрим кишининг кечинмалари дунёси билан эйнан бирдай қилиб қўяди. Метафизик материализм И. ни бир моддий жисмнинг — предметнинг — иккичи моддий жисмдаги — инсондаги инъикоси деб тушунишга уринган эди. Лекин у И. нинг фаол, актив характерини тадқиқ қиломаган эди. Бунинг сабаби аввало шу эдикни, метафизик материализм инсонни ижтимоий вужуд деб эмас, балки табиий вужуд деб қаради. Шу сабабдан И. инсоннинг объектив оламини ва ўз-ўзини актив ўзгартириш маҳсули ва формаси деб эмас, балки пассив мушоҳада деб изоҳланарди (*Мушоҳадачилик*). Дуализм (Декарт ва б.) бирбирига туашмайдиган ва мустақил суратда яшайдиган иккى ибтидони — моддий ибтидони ва идеевий ибтидони — эътироф этишига асосланарди.

**ИДРОК** (восприятие) — воқеаликдаги предметлар ва ҳодисаларнинг конкрет-ҳиссий яққол образи бўлиб, бу образ уларнинг сезги органларига бевосита таъсири чоғида пайдо бўлади. Предметларнинг айрим хоссалари ва белгиларини акс эттирувчи сезигидан фарқли ўлароқ, И. воқеаликдаги предметлар ва ҳодисаларнинг яхлит образидан иборатидики, бу образ турли сезигиларнинг ажратилиши ва бирлаштирилиши асосида ҳосил қилинади. Мас, биз олдимиизда турган столни идрок қилас эканмиз, предметнинг айрим парчачарпа доғларини, муайян формасини ва шаклини эмас, балки ўзининг ҳамма ташқи белгилари билан гавдаланиб турган столни кўрамиз. И. яхлит образ сифатида шу туфайли пайдо бўладики, И. да акс этувчи объективнинг ўзи турли томонлар, белгиларнинг бирлигиндан ташкил топади. И. га константлик (доминийлик) каби хусусият ҳам хосдир. У ёки бошқа предметларни биз турли шаронитларда идрок қилишимиз мумкин, уларнинг мавзеи ўзгариб туриши мумкин, шунга қарамай, биз предметларнинг формасини, катта-кичинликгини ва бошқа хоссаларини нисбатан доминий, ўзгармас деб идрок

этамиз. Шу туфайли ҳар бир предмет идрокда үзича айнан (бошқа бирон янги тарзда эмас, балки ұша ҳолиңа) памоён бұлади. Инсоннинг бутун ҳиссияті сингари, уннинг идроки ҳам узоқ давом этган тарихий тараққиет маңсулидір. И. ижтимоий практика жараёнида шаклланды ва ривожланды. И. доим бирон даражада англантан бўлади, инсон тушунчалари ва тасаввурларининг муайян системасига ҳамиша дохил бўлади. Бирон предметнинг идрокда акс этиши кўп жihatдан айни предметнинг практикада қандай аҳамиятга эга бўлишига боғлиқ. Предметнинг биз учун энг аҳамиятли бўлган хоссалари ва белгилари яққол ва равshan идрок этилади, бошқалари эса, аксинча, хидаланиб қолади. Биз билмларимизнинг мазмуни ва чуқурлигига қараб теварак-атрофимиздаги оламни үзгача идрок этамиз. Инсоннинг идрок қилинувчи нарсага муносабаги, уннинг интилишлари, истаклари, ҳиссияті, эҳтиёжлари ва манфаатлари И. га таъсир кўрсатади. И. теварак-атрофидаги оламни билиш процессида катта роль ўйнайди. И. ҳиссий инъикоснинг бошқа формалари билан (сезги, тасаввур билан) бир қаторда онгимизнинг қандайдир ҳиссий тўқимасини ташкил этади. Үнинг туфайли инсон теварак-атрофидаги оламни бутун гўззалиги ва ранг-баранглиги билан акс эттиради. Ҳамиша англашилган ҳолатда бўлган И. ўз навбатида абстракт-мантиқий тафаккур учун, тушунчаларининг шаклланиши учун ҳиссий таянч бўлиб ҳизмат қиласди.

**ИЕРОГЛИФЛАР** (символлар) **НАЗАРИЯСИ** (иероглифов символов теория) — сезигиларни ташқи олам предметларининг шарғли белгилари (иероглифлари, символлари) деб қаровчи идеалистик нуқтат назар. 19-асрнинг ўрталарига келганда физиология экспериментал ревишида аниқлаб бердикни, турли қўзғовчилар бир сезги аъзосида бир хилдаги сезигиларни қўзғашлари ба, аксинча, айни бир қўзғовчининг турли сезги аъзоларига таъсирп натижасида турли сезигиларнинг юзага келиши мумкин. **Мас.**, ёруғликни сезишни кўзда фақат ёруғликнинг ўзи пайдо қилмайди, балки шу билан бирга уни механик таъсир қам пайдо қиласди (зарбдан «қўзлардан учқунлар сачрайди»); худди ана шу механик таъсир қулоқни шағильтатади, бошини гувуллатади. **Баъзи олимлар** (**мас.**, **Мюллер** ва **Гельмгольц**) шунга асосланыб, сезигиларнинг предметлар билан ўхашлиги йўқ, чунки уларни предметлар эмас, балки сезги аъзосининг ўзида жойлашган ва уннинг структурасига боғли бўлган «ўзиға хос энергия» белгилайди, деб хулоса чиқаргандар. Гельмгольц уларни ташқи олам предметларини акс эттирмайдиган, балки уларни фақат белгилар билан билдирадиган символлар, деб атаган эди. Шу билан сезигиларнинг объектив мазмуни инкор этилган, сезигилар билан ташқи олам предметлари ўртасида ўтиб бўлмас жар қазилган эди. Сезгининг предмет билан ҳар қандай ўхашлигини инкор этиш И. н. нинг агностицизмидан далолат беради. Диалектик

материализм сезгиларнинг образли табнатини эътироф этади. Физиология аниқлаган фактлар уни рад этмайди, балки, аксинача, тасдиқлайди, чунки узоқ эволюцион тараққиёт жараёнида сезги аъзолари муайян турдаги қўзғовчиларни тўлароқ акс эттиришга мослашиб қолганлар, бошқаларидан эса ўз структурасига мувофиқ таъсириланиб турадилар. И. и. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпирокритицизм» номли қитобида танқид қилди. Бу танқид сезгиларнинг мазмунини белгилар билан бирдай қилиб қўйишга қараш қаратилган эди, аммо бу танқид билишда, хусусан ҳозирги замон фанининг символлашуви кучайиб бораётган бир шаронтида, белгиларнинг ролини инкор этишини асло билдирамайди.

**ИЗОҲ** (объяснение) — оддий тушунишда муайян назарияни, ҳодисани ва ш. к. бирор киши учун тушунарли қилиш мақсадида қўлланиладиган усуллар мажмуми, бошқача қилиб айтганда, изоҳлаш — «номаълумни маълум қилиш» демакдир. Ылмий тадқиқотда И. — у ёки бошқа ҳодисаларнинг асосида ётган қонуннятларни очиб беришdir. Мас., камалакни изоҳлаш — унинг эффектларини ҳавода саҷраган сув томчиларида қўёш нурларининг ёруғлик синдириш қонунларига нисбат бериш демакдир. Ылмий И. муайян туркумдаги ҳодисалар назариясини тузишдан иборат бўлиб, шу назария ёрдами билан озгина, принципиал қоидалардан И. га тегишли ҳодисаларнинг хоссалари назарий равишда хулоса қилиб чиқарилади. Чунончи, квант механиканинг яратилиши туфайли моддаларнинг физик ва химик хоссаларига оид кўп миқдордаги тажриба фактларини изоҳлаб беришга, атомларнинг ва атом ядроларининг тузилиши ва реакциясига чуқурроқ киришга муваффақ бўлинди. И. тасвир билан маҳкам боғлиқ бўлиб, одатда унга таяниб иш кўради. Баъзан уларнинг чегарасини белгилаш жуда қийин. Мас., у ёки бошқа ҳодисаларнинг мұхим алоқаларини назариялар ёрдами билан тасвирлаш, шу билан бирга мазкур ҳодисаларнинг И. и ҳам бўлади.

**ИЖТИМОИЙ БОРЛИҚ ВА ИЖТИМОИЙ ОНГ** (общественное бытие и общественное сознание) — жамият ҳаётининг ўзаро алоқадор бўлган икки томони. Ижтимоий борлиқ — кишиларнинг иқтиносидий, моддий ҳаёти — моддий неъматлар ишлабчиқаришдан ва бу ишлабчиқариш процессида кишиларни ўзаро боғлайдиган муносабатларидан (*ишлабчиқариш муносабатлари*) иборат. Ижтимоий онг деганда жамиятнинг маънавий, идеологик ҳаёти: кишиларнинг қарашлари ва тасаввурлари, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа назариялар (*Ижтимоий оғз формалари*) тушунилади. И. б. билан и. о. нинг ўзаро муносабати масаласи — ижтимоий ҳаётда бирламчи, бош ва бу ҳаётнинг ривожланишини белгилаб берадиган нарса нишаю, ҳосила, қарам нарса нима, деган масаладир. Марксдан олдин ўтган мутафаккирларнинг ҳаммалари, жамият тараққиётини, кишилар фаолиятининг бошқа ҳамма соҳаларини худди маънавий

ҳаёт белгилайди, деб қаардилар. Фақат марксизм ижтимоий борлиқда социал ҳаётнинг негизини кўриб, кишиларнинг идеялари, қарашлари, тасаввурларининг характери пировард ҳисобда моддий неъматлар ишлабчиқариш даражасига боғлиқдир ва уни кишиларнинг ижтимоий ишлабчиқариш системасида тутган мавқеи белгилайди, деб исбот қилиди. Шу билан бирга марксизм И. б. билан и. о. ўртасидаги муносабатлар мураккаб ва зиддиятли эканлигини ҳам кўрсатди. Ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга фақат ибтидоий жамиятдагина бевосита таъсир кўрсатади, синфлар, давлат пайдо бўлгандан кейин эса И. б. билан и. о. ўртасидаги алоқа давлат ва партияларнинг фаолияти орқали, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаб системаси орқали амалга оширилади. Ижтимоий борлиқ қа умумий боғлиқ бўлиш доирасида ижтимоий онгнинг турли формалари маълум даражада нисбий мустақилликка эга бўлади. Муайян босқичларда ижтимоий онг жамият моддий ҳаётининг ривожидан орқада қолиши у ёқда турсин, ҳатто ундан ўтиб кетиши ҳам мумкин, бу ҳол, мас., илмий олдин кўришда ўз ифодасини топмоқда. Чунончи, Ленин капитализм ҳалокати бошланishiдан олдиниқ пролетариат диктатурасининг хилма-хил формалари вужудга келнишини кўрган эди. Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги унинг ривожланишидаги ворисликда кўринади. Ижтимоий онгнинг ривожланишига фақат ижтимоий борлиқнинг ўзгариши эмас (бу асосий нарса), балки ўтмишдаги маънавий ҳаётини эришган ютуқлари ҳам таъсир кўрсатади. Шу тариқа турли авлодларнинг қарашлари, тасаввурлари, назариялари ўртасида ворислик алоқаси пайдо бўлади. Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги унинг активлиги билан боғлиқдир. Гарчи ижтимоий онг тарихнинг боришини белгиламаса-да, у ижтимоий борлиқни пассив суратда акс эттирмайди, балки унга актив суратда таъсир кўрсатади. Кишиларнинг групаплари, синфлар ўз фаолиятида амал қиласидиган идеялар, назариялар моддий кучга айланади: бу идеялар, агар прогрессив идеялар бўлса, жамият тараққиётини тезлаштиради ёки, агар реакцион социал табакаларнинг манфаатларини ифодалайдиган бўлса, унга тўсқинлик қиласиди. Хусусий мулк тутгилгандан кейин ижтимоий сингнинг роли айниқса кучаяди, чунки бу вақтда жамият тараққиётини қонунларидан уларнинг ўз манфаатлари йўлида фойдаланиладиган бўлади.

**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФОРМАЦИЯ** (общественно-экономическая формация) — тарихий материализмнинг асосий тушунчаларидан бири бўлниб, бу тушунча жамиятнинг прогрессив тараққиётининг муайян босқичини характерлайди. И. и. ф. тушунчаси тарихни ўрганиш калитини беради, тарихий процесснинг қонунияти характерини тушунишга, бир тарихий даврни иккинчисидан фарқ қилишга имкон беради. Унинг ёрдами билан турли мамлакатларда мавжуд бўлган тартибларни умумлаштириш, бирон-бир мамлакат

жамият тараққиётининг қайси босқичида турғанлигини аниқлаш мүмкін. Инсоният жамиятн тарихида турли ижтимоий-иқтисодий формациялар бир-бирининг ўрнини эгаллайды, улар жумласига: ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик тузуми, феодализм, капитализм, коммунизм киради. Ҳар бир формация муайян ишлабчиқарыш усули асосида пайдо бўлади. Уни инсоннинг табиат устидан хукмронлигчнинг тегиши даражаси, айни формацияга хос ишлабчиқарыш муносабатларининг типини белгиловчи ишлабчиқарувчи қуҷарларнинг тараққиёт даражаси характерлаиди. Маркс ёзғанидек, «қўл тегирмони сизга сюзерең бошлиқ жамиятни берса, буг тегирмони сизга саноат капиталисти бошлиқ жамиятни беради». Ишлабчиқариш муносабатлари барча бошқа ижтимоий муносабатларнинг, шунингдек айни формациянинг ўзига хос идеялари, муассасаларининг шаклланиши учун асос бўлиб ғизмат қиласди. И. и. ф., агар гап синфларга бўлинган жамият устида борса, муайян синфий структура билан, синфий курашининг хусусиятлари билан ҳам характерланади. Ҳар бир формацияга кишиларнинг тарихий умумийлигининг — уруф, қабила, элат, миллат — ўз формалари ҳам хосдир. Мас., уруғлар ва қабилалар ибтидоий тузум учун характерли бўлса, миллат капитализм учун характерлидир. Ҳар бир формациянинг ўз оила формалари бўлиб, бу оила бирон-бир ишлабчиқариш усули асосида таркиб топади. Шундай қилиб, И. и. ф. — яхлит бир социал иқтисодидир. Унинг ўзининг туғилиши, яашаш ва тараққий қилиши қонунлари бордир. Қонунлар умумий (ҳамма формацияларга хос) ва ўзига хос (айрим равишда ҳар бир формацияга тегиши) қонунлар бўлиши мумкин. Худди ана шу қонунлар бир формациядан иккичи, прогрессивро формацияга ўтишин белгилайди. Жамият яхлит ҳолида ўз тараққиётининг табиий фазаларидан — ижтимоий-иқтисодий формациялардан сакраб ўтолмайди. Лекин айрим мамлакатлар ва халқларни олганда гап бошқача, улар ҳамма босқичларни босиб ўтишлари шарт эмас (мас., АҚШда феодализм, МХРда капитализм бўлган эмас). Ҳар бир И. и. ф. тараққиётнинг тугалланган давраси бўлиб, ундан кейин бошқа давра (бошқа формация) бошланади, бу давра олдин ўтган даврадаги барча прогрессив элементларни мерос қилиб олади. Жамиятнинг бир бутун прогрессив тараққиёти ана шу тариқа амалга ошади. Формацияларнинг алмашинуви революциялар воситаси билан юзага келади (*Социал революция*). И. и. ф. ҳақидаги таълимот жамият ҳақидаги буржуа назарияларига қақшатгич зарба беради, чунки бу назариялар ижтимоий тараққиётдаги тақрорланиши, қонуниятни, муайян босқичлар борлигини ё никор қиласидилар (*янги қантчиллик* — Риккерт, Виндельбанд) ёки, жамиятнинг тараққиёт босқичларига бўлинишида ишлабчиқариш процессида одамлар ўртасида вужудга келадиган моддий муносабатлари — ишлабчиқаричи муносабатлари ҳеч

қандай роль ўйнамайды, деб ҳисоблайдилар. (Мас., Америка социологи ва экономисти Ростоунинг «иқтиносидий ўсиш босқичлари» назарияси ана шундай).

**ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР** (общественные отношения) — кишиларниң фаолияти жараёнида улар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар. Инсон ижтимоний вужуд сифатида фақат мудайян И. м. системасида ривожланади, унинг можиятини унинг ўзи ҳомили ва иштирокчиси бўлган И. м. ишаг мажмуй белглайди. И. м. кишиларни ва улар фаолиятининг турли кўринишларини яхлит социал оғризимга боғлади, кишиларни турли социал умумиятларга (синфларга, златларга, миллатларга) бирлаштиради, ўзининг ўзаро алоқадорлигида тараққиётнинг мудайян босқичида жамиятии — ижтимоий-иқтиносидий формацияни ташкил этади. Бу муносабатлар кишиларниң иродаси ва оғигига боғли бўлмаган ҳолда шаклланадиган мoddий муносабатларга ва мудайян идеялар асосида таркиб топадиган идеологик (маънавий) муносабатларга бўлинади. Моддий И. м. га ишлабчиқариш (иқтиносидий) муносабатлар киради ва бу муносабатлариниң характерини ишлабчиқарувчи кучларниң ривожланиши белгилайди. Моддий ишлабчиқариш муносабатлари бирламидир. Кишиларниң идеялари, қарашлари, нитилишлари пировард ҳисобда уларнинг ана шу муносабатларда тутган мавқенга боғлиқдир. Бинобария, моддий муносабатлар кишиларниң маънавий фаолияти билан боғли бўлган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва шу каби муносабатларни ўз ичига оладиган идеологик муносабатлариниң характерини белгилайди. Жамиятнинг социал структурасини ташкил этувчи И. м. ни фақат моддий ва фақат идеологик муносабатларга тақаш мумкин эмас. Уларда мазкур муносабатларнинг ҳар иккаласи маҳкам чирмасиб кетади. Уларнинг характерини ҳам моддий ишлабчиқариш муносабатлари белгилайди. Тарихий материализм Моддий муносабатларниң жамиятда мудайян роль ўйнашини кашф этиб, ижтимоий тараққиётнинг бутун социал структурасини, бутун процессини илмий анализ қилиш имкониятини түғдирди.

**ИЖТИМОИЙ ОНГ ФОРМАЛАРИ** (формы общественного сознания) — объектив оламининг (табиат ва ижтимоий борлиқнинг) кишилар оғигдаги инъексионинг турли формалари. И. о. ф. сиёсий идеологияни, ҳуқуқий оңгни (ҳуқуқни), ахлоқ, дин, фан, санъат, философияни ўз ичига олади. Бу формалардан ҳар бири воқеликнинг мудайян томонини акс эттиради. Чунончи, сиёсий идеологияда синфлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар, ахлоқ-да кишиларниң бир-бирларига муносабатлари, инсоннинг коллективига муносабатлари акс этади ва ҳ. к. Бундан ташқари, улардан ҳар бирининг ўзига хос формалари ёки акс этиш усуслари бор. Санъат теварак-атрофдаги воқеликни бадиий образларда, фан ту-

шунчалар ва қонунларда акс эттиради ва ҳ. к. И. о. ф. ижтимоий борлиқдан — жамияттинг моддий ҳәётидан түгилади. Мас., фан моддий ишлабчиқаришнинг амалий эҳтиёжларидан пайдо бўлади: денгизда ва қуруқликда тўғри йўл топиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш учун, ер участкаларини ўлчаш, иншоотлар қуриш учун астрономия, геометрия, механикага оид маълумотлар зарур эди. Сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар фақат сининфлар ҳамда ҳукмрон сининфларнинг имтиёзларини ҳимоя қилувчи давлат пайдо бўлгандан кейиннинг юзага келади. Айрим И. о. ф. турли вақтда пайдо бўлнибугина қолмасдан, шу билан бирга жамияттинг моддий ҳәётини билан турли даражада боғлиқ ҳамдир. Сиёсий идеология ижтимоий борлиқ билан жуда маҳкам ва бевосита боғлиқдир. Бошқа И. о. ф. (ахлоқ, санъат, дин, философия) ижтимоий ҳәётининг иқтиносидай асосларни билан бевосита эмас. Балки сиёсий идеялар орқали, давлатнинг, партияларнинг ла шу кабиларнинг фаoliyati орқали ботлиқдир. И. о. ф. ижтимоий борлиқнинг акс эттирибигина қолмасдан, балки унини ривожига актив таъсир ҳам кўрсатади (*Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг*). Бу ҳолни унтиш, маънавий ҳәётининг ҳамма томонларини иқтиносидан муносабатлардан механик равишда келтириб чиқарниш марксизмни сийқалаштиришга, вульгарлаштиришга олиб боради.

**ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМА НАЗАРИЯСИ** (общественного до- говора теория) — идеалистик таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра давлатнинг ва ҳуқуқнинг келиб чиқшишга кишилар ўртасида тузилган шартнома сабаб бўлган эмиш. Бу назариянинг куртакларини қадимиги грек философларидан Демокрит ва Эпикурдаёқ қуриш мумкин. Бу назария Гоббс (17-аср) ва Руссо (18-аср) асарларида тўлароқ ривожлантирилди. Гоббснинг таҳминича, жамият ва давлатдан олдин шундай тартибсизлик ва бошибдоқлик ҳуқум сурганки, «ҳамма ҳаммага қарши уруш» ҳолатида бўлган, у вақтда одамлар фақат ҳузвор-ҳаловатларни ва ўзларини сақлаб қолишини кўзлаб ҳаракат қилганлар. Одамлар аста-секки бундай тартибнинг ҳалокатли эканлигини англаб, ўзларининг мутлақ эркинликларидан давлат фойдасига воз кечадилар, давлат улар устидан чексиз ҳокимиятга эга бўлади, уларнинг хавфсизлигини ва мол-мулкини қўриқлайди. Руссонинг таълимотига кўра, давлат-ҳуқуқ тартибиотидан олдин одамларнинг роҳат-фароатда яшаган тамомила тенглил даврни, тарихнинг «олтин даври» бўлади, хусусий мулк, тенгсизлик пайдо бўлиб, одамлар ўртасида давлат тўғрисида битим тузишландан кейин бу давр тамом бўлади. И. ш. н. дан Руссо, агар ҳуқидорлар ва қонун чиқарувчилар ўз қарорларини ҳалқнинг фикри билан мувофиқлаштирамасалар, у вақтда ҳалқнинг шартномани бекор қилишга ҳаққи бор, деган революционон ҳулосаларни чиқарган. Гассенди, Слиноза, Локк, Радишчев, Жефферсон ва б. ҳам И. ш. н.

муҳлислари эдилар. Бу назариянинг маҳдудлиги шундаки, у давлатнинг ва ҳуқуқнинг келиб чиқишини бевосита кишиларниң истаклари ва иннатларига боғлаб изоҳлашга уринади ва одамлар ўртасидаги моддий муносабатларни назарга олмайди. И. ш. и. ҳимоячиларининг кўпчилини хусусий мулкнинг табиийлиги ва абадийлигини қаттиқ турниб ўқдирадилар.

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ** (научно-техническая революция) — ҳозирги замон ишлабчиқарувчи кучлар тараққиётидан сифат сакрашидан иборат бўлиб, бу сакраш фаннинг ишлабчиқаришнинг етакчи кучига айланәтганлиги билан, техник система-ларга автоматик бошқаришнинг жорий этилаётганлиги билан ва ишлабчиқариш технология методларининг ўзгариб бораётганлиги билан характерланади. И.-т. р. нинг бош йўналишларини асосий табиий фанларниң (физика, химия, биологиянинг) ишлабчиқариш билан пайвандлашиб кетниши белгилайди. Шу туфайли сўнгги вақтгача моддий ишлабчиқаришда устунлик мавқеини эгаллаб келган механик ишлаш методлари (кесиш, аралаш, чархлаш, фрезеровка қилиш ва ҳ. к.) самаралари ороқ жисмоний ва химиявий методлар томонидан, келажакда эса биологик методлар томонидан ҳам сурнб чиқарилади. Ҳозирги замон И.-т. р. нинг асосий йўналиши автоматлаштиришдан иборат бўлиб, бунда ҳом материални ишлаш учун зарур бўлган ҳаракатларнинг ҳаммасини машиналар системаси бажаради, унда одам иштирок этмайди ва у «фақат ишчининг контролъ қилиб туришига муҳтож бўлади» (Маркс). Автоматлаштириш одамини оғир жисмоний меҳнатдан созд қиласди. Жисмоний меҳнат контроль билан, бошқариши билан, фан югукларини ишлабчиқаришда татбиқ қилиши билан боғли бўлган фаолиятга ўрин бўшатиб беради. Ҳозирги вақтда И.-т. р. таъсири остида ишлабчиқарувчи кучларда юз бераётган туб ўзгаришларниң мақсади — бутун жамият минқёсида тамомила автоматаштирилган ишлабчиқаришин вужудга келтиришдан иборат. Қишлоқ ҳўжалинги, қурниш, манний хизмат йирик индустря нулига ўтмоқда. И.-т. р. нинг социал оқибатлари социализм ва капитализм шаронтида турлиниадир. Социалистик мамлакатларда у моддий неъматларниң мўл-кўллигига эришиш учун, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқ қилиш учун асос яратиб бермоқда. У иш вақтини қисқартишга, меҳнатни енгиллаштиришга кўмаклашиб, шахснинг чексиз матънавий камолотга эришиши учун имкон тутдиримоқда. Капитал мамлакатларида автоматлаштириш таъсири остида социал структурада, ҳўжалик тармоқларининг нисбатида ўзаришлар юз бермоқда. Бирор ҳ. И.-т. р. билан боғли бўлган процесслар бунда зиддиятили, кўпинча расво характерга эга бўлоқда. Бу процесслар меҳнаткашларниң манбаатларига путур етказиб оммавий ишсизликка, кўп ишнинг

чилаарнинг ўз малакасини йўқотишинг сабаб бўлмоқда. Фақат күсуси мулкчиллик бўғовларидан озод бўлган жамиятдагина И.-т. р. нинг барча тенденцияларини тўла ривожлантириш, унинг меваларидан меҳнаткашлар манфаати йўлида фойдаланиш мумкин.

**ИЛМИЙ КОММУНИЗМ** (научный коммунизм) — коммунистик ҳаракатнинг назарий ифодаси, инсоният жамиятининг коммунизм сарни ҳаракат қилишининг қонуниятлари ҳақидаги фан. И. к. пролетариат озодлигининг шартлари ҳақидаги таълимот сифатида, келажакдаги синфсиз жамият, уни қуриш йўллари ва методлари ҳақидаги таълимот сифатида пайдо бўлди. У **марксизм-ленинизмнинг таркибий қисми** бўлиб, унинг бошқа таркибий қисмлари бўлмиш философия (дизлектик ва тарихий материализм) ва сиёсий иқтисод хуносаларига таяниб иш кўради ҳамда уларни давом эттирувчи ва конкретлаштирувчи бўлиб майдонга чиқади. Шу билан бирга И. к. бошқа ижтимоий фанларнинг маълумотлари асосида курилади. У мазкур фанларга таяниб, меҳнаткашларнинг революцион курашининг, коммунистик қурилишнинг тажрибаларини умумлаштиради. Лекин унинг бош вазифаси — ана шу тажрибалар асосида коммунистик ҳаракатнинг ривожланиши истиқболларини ўрганишдан иборат. Агар тарихий фанлар бирон-бир ижтимоий ҳодисанини ўтмиши ҳақида билим берса, И. к. ҳозирга ва келажакка қаратилган фандир, унинг вазифаси — жамият тараққиётининг илмий равишда асосланган прогнозини беришдан, унинг ривожланиши тенденцияларини аниқлашдан ва шу асосда революцион ҳаракатга, янги жамият қуришга ишчилар синфи партияси томонидан энг мақсадга мувоффик раҳбарлик қилиш методларини равшан қилиб қўрсатишдан иборат. И. к. жаҳон революцион ҳаракати тарихини ўрганимайди, балки шу тарихни ҳисобга олган ҳолда унинг бугунги кунини, умуман ва ҳар бир айrim мамлакатда унинг тараққиёт истиқболларини ўрганади. Ҳозирги вақтда коммунистик ҳаракат турли мамлакатларда ўз мақсадига эришиш йўлнинг турли босқичларида бўлганлиги сабабли И. к. да уч асосий бўлимни ажратиш мумкин: 1) капитализмдан социализмга ўтиш қонуниятлари ҳақидаги, капитал мамлакатларидаги меҳнаткашларнинг ҳокимияти қўлга олиш йўллари ва методлари ҳақидаги таълимот; 2) коммунизмнинг биринчи фазаси — социализмнинг қарор топниш ва ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги таълимот; 3) коммунистик қурилиш қонуниятлари ҳақидаги таълимот. Табиийки, бизнинг мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш проблемалари биринчи даражали аҳамият касб этилоқда. Коммунистик ҳаракат шунчаки оддий сиёсий оқим эмас. Бу ҳаракат ўзининг негизи сифатида жамиятнинг илмий-техника ва иқтисодий тараққиётини ўз ичига олади. Янги жамият қуриш процессига раҳбарлик қилишининг тўғрироқ, самаралироқ методларини ишлаб чиқиш имкониятига эга

бұлиш учун биринчи навбатда жамият тараққиеті иқтисоддің қону-  
ниятларини биліш зарур. Бироқ сиёсий иқтисоддан фарқлы үла-  
роқ, И. к. учун шу нараса характерлық, у ижтимоий ҳодисаларни  
ұрганишга комплекс тарзда ёндошади. Үнніг вазифасы — иқтисодий  
процессларни ва қонуниятларни үз-үзлигічә әмас, балки уларнинг  
бошқа социал қонуниятлар билан үзаро таъсиріда олғы ұрганиш-  
дан иборат. Чуончи, И. к. коммунистик қурилиш қонуниятларини  
очиб берарканды, тадқиқтап марказига шашар билан қишлоқ үртаси-  
дагы, ақлий мәхнат билан жисмөндей мәхнат үртасидагы чегараларни  
битириш, бу мәхнаттің характеристикаларынан мазмунини үзгартып, жамия-  
тизмінің социал структурасын үзгартып, коммунизм қурувчысі-  
нинг қобилиятларини үстириш, бұш вакттың жамият бойынша мөттеги  
са айлантириш ва шу кабін социал-иқтисодий процессларни құяды.  
Мас., жамияттің мәхнаттің үннумдорлығын ошириш проблемасы  
ишлиаб чиқарып резервларни қидирип топиш нұктай назардан  
сиёсий иқтисодни қызықтира, аммо И. к. үнніг вазифасы — бошқа  
социал резервларни ҳам очиб берішдән: жүмладан, гоявий-тарбия-  
вий иш, маориғ системасы, кадрлар тайёрлаш даражасы, уларны  
тұғри ташқыл этиш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва ҳ. к.  
мәхнаттің үннумдорлығын оширишга қандай таъсир ұтқазышын күр-  
сатып берішдән иборат. Мәхнат агар моддий неъматлар қыйматы-  
нинг мезонін деб қараладиган бўлса, сиёсий иқтисод категориясы ҳи-  
собланады, агарда мәхнат кенгроқ социал-иқтисодий нұктай  
назардан, яғни коммунистик қурилиш процессыда турли сабаблар-  
нинг бутун бир комплекси таъсирі остида үннің характеристикаларын  
назардан қараладиган бўлса, И. к. категориясы ҳи-  
собланады. Шу билан бирга И. к. үнніг вазифасы — мәхнаттің ком-  
мунистик характеристикаларын шаклланыши процессын оғылға равиша  
бошқарышга имкон яратадиган амалий тавсиялар берішдир. И. к.  
қандай социал-иқтисодий процессларни ұрганмасын, у мазкур про-  
цессларни фақат бир нұктай назардан, яғни янги жамият қуришга  
рахбарлық қилишининг самаралироқ методларын ишлиаб чиқып нұк-  
тай назардан қарайды. Ана шу нұктай назардан И. к. жамиятті  
бошқарыш ҳақидағы фандир. Ана шуларнинг ҳаммаси И. к. үнніг  
ижтимоий практика билан, коммунизм учун курашаётган омманиң  
харакаты билан маққам алоқада бўлишини шарт қилиб құяды. Бош-  
қа ҳар қандай ижтимоий фандан фарқлы үлароқ, И. к. үнніг вази-  
фасы — дүнени үзгартышидан, социалистик ва коммунистик қурилиш  
практикасига бевосита таъсир күрсатышдан иборат. Коммунистик  
харакат, капиталистик жамияттің қайта қуириб коммунистик жа-  
миятта айлантириш кескін идеологик кураш билан бирга бормоқ-  
да. Капиталистик мамлакатларда антикоммунизм тобора кеңг әйил-  
моқда. Ҳар хил буржуа антикоммунистик назарияларни, шуннандеқ  
хозируги замон реформизми, үнг ва «сұл» ревизионизми илгари су-

раётган идеяларни далил-исботлар билан танқид қилиш ва фош этиш — И. к. нинг энг муҳим вазифаларидан бириндири.

**ИМКОНИЯТ ВА ВОҚЕЛИК** (возможность и действительность) — материалистик диалектика категориялари бўлиб, улар ҳар қандай предмет, ҳодисанинг ривожидаги иккита зарур, объектив мавжуд бўлган босқичларни ифодалайди. Имконият — бу ҳозирги пайтда ҳали мавжуд бўлмаса-да, лекин айни предметнинг, ҳодисанинг қонунлари таъсири тақозоси билан пайдо бўла ва ривожлана оладиган, яъни воқеликка айланадиган ҳолатдир. Воқелик — бу алла-қачон пайдо бўлиб, яшаётган нарсадир, бу объектив равишда мавжуд бўлган оламдир. И. билан в. ўртасида қонуний алоқадорлик бор. Ҳар қандай муайян ҳодисанинг ривожланиши жараёнида факат унда имконият тарзида мавжуд бўлган нарсагина воқеликка айланиси мумкин. Шунга биноан, тараққиёт — имкониятларнинг туғилиши ва уларнинг воқеликка айланшининг чексиз процессидан иборат. Воқеликнинг ўзи эса — қандайдир ўзгариб, ривожланиб турадиган нарсадир. Ҳар бир предметда, ҳодисада кўпдан-кўп имкониятлар бўлади-ю, лекин конкрет процессда улардан фақат биттагинас рўёбга чиқади. Имкониятларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг воқеликка айланиси қандайдир ғайри табиий кучнинг (худонинг) таъсири натижаси эмасдир, балки улар объектга ичдан хос бўлган тараққий қилишга қобиллик тақозоси билан юзага келади. Имкониятлар предметнинг мавжудлиги ва ривожланиши конкрет шароитлари билан қай тарзда боғлиқ бўлишларига қараб формал, абстракт ва реал имкониятларга бўлнадилар. Формал имконият деб шундай имкониятга айтиладики, у предметнинг мавжудлиги объектив шароитига нисбатсиз ҳолда олиб ҳаралади ва у фақат биргина талабин қондиради, у мантиқий жиҳатдан эндиляти эмасдир, яъни уни фикр қилиш мумкин. Бироқ, имкониятнинг воқеликка айланиси учун мантиқий эндилятизм шароит зарур-у, лекин етарли эмасдир. Формал имконият объектив қонуларга зид келиши мумкин ва бундай ҳолда ҳам у имкониятсизликка тенгдир (мас., Ойининг Ерга тушиши, абадийдвигатель яратни, капитализмни такомиллаштириш йўли билан абадий сақлаб қолниш ана шундай имкониятлар). Формал имкониятдан фарқиён ўлароқ, абстракт имконият объектив қонуларга мувофиқдир, лекин муайян конкрет вазиятда унинг азмалга ошиши учун ҳали барча зарур шарт-шароит йўқдир. Абстракт ва реал имконият ўртасидаги чегара — ўзгариб туради. Зарур ва етарли шарт-шароит мавжуд бўлганда абстракт имконият реал имкониятга айланиси мумкин. Мас., илгарилари инсоннинг қуёш системасининг бошқа планеталарига парвоз қилиши абстракт имконият эти. Космосни ўзлаштиришда ҳозирги вактда эришилган ютуқлар натижасида эса бундай имконият реал бўлиб қолди. Имкониятни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шарт-

шаронтларнинг бутун комплекси амалга оширилганда реал имконият воқеликка айланади. Имкониятнинг ривожланганилик дарајаси — унинг воқеликка яқинлиги кўрсатгичи — «эҳтимоллик» тушишчиси билан ифодаланади. «Максимум эҳтимоллик» имкониятнинг воқеликка сифат жиҳатдан айланиш нуқтасини билдиради. Табнатда бу айланыш фақат объектив шароитга боғлиқ бўлган стихияни процесс тарзида содир бўлади; жамиятда имкониятларнинг рўёбга чиқиши фақат объектив шароитларга боғлиқ бўлмасдан, балки субъектив факторларга, яъни тарихни яратувчи кишилар, синфлар, партияларнинг амални фаолиятига ҳам боғлиқдир. Мас., зарур объектив шароитларга (революцион вазиятнинг етилганлигин) субъектив факторининг таъсири, яъни меҳнаткашлар оммасининг онглилиги, ўюшқоқлиги, уларнинг фидокорона курашга тайёрлиги келиб қўшилса, социалистик революция имкониятдан воқеликка айланади.

**ИММАНЕНТ** (лат. *immanens* — бирон нарса ичидаги жо бўлиш) — муайян предметга, ҳодисага ёки процессга ичдан хос бўлган нарса. Мас., объектив қонуилар ва қонуниятлар имманентдирлар, яъни ташқи оламга, материяга ичдан, узвий равишда хосдирлар. Идеалистик философиянинг кўп намояндадари ташқи оламини онгта (илюхий идеяга ёки индивиднинг онгига) тааллуқли имманент олам деб зълон қиласдилар.

**ИМПЕРИАЛИЗМ** (лат. *impereium* — ҳокимиёт) — капитализм тараққиётининг сўнгги босқичи. И. ни монополистик капитализм деб атайдилар, чунки унинг энг характерли хусусияти — монополияларнинг (йирик капиталистик бирлашмаларнинг) ҳукмронлигидан иборат. И. шаронтида бир ҳовучина монополиялар энг муҳим товарларни ишлаб чиқариш ва сотишн ўз қўлларига тўплаб оладилар, бу эса уларга ўз шартларини зўрлаб қабул қиласдириш, меҳнаткашларни эксплуатация қилинши кучайтириш, майдагархоналарни хонавайрои қилиш, деҳқонлардан маҳсулотларни арzon баҳода сотиб олиб, саноат маҳсулотларини баланд баҳода согишиб имкониятини беради ва ҳ. к. Монополиялар меҳнат унумдорлигини анча ошириш, илмий-техника ютуқларидан кенг миқёсда фойдаланиш, ишлабчиқарниши автоматлаштириш ва шу асосда монополияравишида юқори тарбия олиш имкониятига эгадирлар. И. шаронтида ишлабчиқариш умумлаштиришнинг жуда юқори даражасига етади. Бироқ маҳсулотларни хусусий капиталистик ўзлаштириш формаси эскича қолади ва у ишлабчиқарувчи кучлар тараққиётни йўлнда тўсиқ бўла бошлайди. Шу сабабдан И. шаронтида капитализмнинг барча эпдиятлари ва аввало меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддият нийҳоят даражада кескинлашиди. И.— чириб бораётган, паразитлаштаётган, ўлиб бораётган капитализмдир. Монополиялар ҳукмронлиги шунга олиб келадики, жамият барча аҳолини.

айниңца илмий-техника революция шароитида иш билан таъминлашынан қодир бўлмай қолади. Халқларни миллий эндиж кучаяди, капиталистик дунёдаги юксак тараққий қилган давлатлар билан бошиқа кўпчилик мамлакатлар ўргасидаги жарлик кенгаяди. И. нинг ўзига хос хусусияти милитаризмдан изборат бўлиб, милитаризм шаронтида ҳарбий эҳтиёжларга бўлган чиқимлар меҳнаткашлар устига оғир юқ бўлиб тушади, империалистик давлатларнинг тажовузкорлигини кучайтиради. И. нинг моҳиятидан келиб чиқадиган империалистик урушлар ишлабчиқарувчи кучларни вайрои қиласди. И. нинг ижтимоий тараққиётининг янада ўсишига тўсқинлик қилувчи тузум сифатидаги, социал ва миллий нотенглик тузуми сифатидаги белгилари капитализмнинг умумий кризисида энг яққол намоён бўлмаскада. Бу умумий кризис капиталистик жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олди. Умумий кризис даврида, социализм кучларининг ўсиши, тараққий қилган капиталистик мамлакатларда пролетариат синфиий курашининг авж олиши, миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланиши ва мустамлакачилик системасининг ҳалокати натижасида И. нинг позициялари бўшашиб. Монополиялар ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун давлатдан фойдаланмоқда. Энг йирик монополиялар буржува давлат аппарати билан бирлашиб, бу аппарати ўзларига бўйсундириб олмоқдалар. Давлат-монополистик капитализм, яъни И. нинг ҳозирги замон формаси пайдо бўлмоқда. Уннинг ҳарактерли хусусияти шуки, давлат экономикага тобора кўпроқ аралашмоқда. Давлат ғоят кўп капитални ўз қўлига тўплаб олмоқда, кўп миқдордаги корхоналар ва ҳатто саноатининг айрим тармоқлари уннинг мулки бўлиб қолмоқда. Давлат экономикаси программалаштириш (иқтисодий ўсиш программаларини тузиш)га, экономикини тартибига солишнинг турли усусларига ёпишиб, хўжалик тараққиётининг суръатларини тезлатишига, ишлаб чиқарнишининг самарадорлигини кўтаришига, кризис ҳодисаларини юмшатишига уринмоқда; меҳнаткашларга турли йўллар билан ён беруб, синфиий ларзаларни бартараф қилишига чолишмоқда. Давлат-монополистик капитализм ишлаб чиқарувчи кучларининг ижтимоий ҳарактерини, ана шу «социализмни энг тўла моддий тайёрлашни» (Ленин) кучайтироқда. Бироқ давлат мулки ҳам, давлат йўли билан программалаштириш ҳам пировард натижада фақат йирик монопол бирлашмаларга мадад бўлиб хизмат қилмоқда. Модомник ишлабчиқарнишининг негизи бўлган капиталистик мулк бартараф қилинмас экан, демак, давлат-монополистик капитализм меҳнат билан капитал ўргасидаги зиддиятларни орадан кўтаришига, ишлабчиқариш тараққиётининг циклли (даврий) ҳарактерини тугатишига, илмий-техника революция очиб берадиган имкониятлардан бутун жамият мањфаатлари йўлида фойдаланишига ожиздир. У миллатининг аксар кўпчилиги билан молия олигархияси

ұртасидаги антагонизмни чүкүрлаштырмоқда. Бу зиддиятларни ҳај  
әтишга ожиз бұлған И. юқоририк, социалистик ижтимоий тузумга  
үрін бұшатыб бермөғи лозим.

**ИНДИВИДУАЛИЗМ** (лат. *individuum* — бүлинмас, шахс) —  
идеология, ахлоқ принципи бұлғып, бу принцип айрым шахснинг, инди-  
видуумнинг колективдан, жамиятдан устунлігінің эътироф етады,  
шахснинг манбаатлари ва эхтиёжларини жамият манбаатлари ва  
эхтиёжларига қарама-қарши қылғы құяды. И. синфиј жамиятта пай-  
до бұлғади. И. капитализм шароитта қатық рақобат, кишини киши  
эксплуатация қилиши натижасы сифаттада, ҳамма нараса товарга ай-  
ланған, ҳамма нараса сотиб олнадиган ва сотиладиган бир шароитта,  
ұз інфодасини айниқса яқыл топади. Хусусий мулкчилик муносабат-  
лары одалар орасындағанымык ва душманлық түглиради. Инсон фа-  
қат үзіннинг хусусий, үтә даражада шахснің әғеністик манбаатларини  
құзлаб иш күрадиган бўлади. Буржуа философияси ва этикаси  
(айниқса империализм даврида) буржуача И. принциптери турли йўл-  
лар билан тарғиб қиласы да асослашға уринади. Улар, инсоннинг  
әғеністик (худбинник) табиати абадулабад үзгармай қолади, деб дарь-  
во қиласылар. Бироқ И. индивидундеги ижтимоий ҳаётдан муста-  
қилигини билдирилмайди. У фақат шундай бир фактни инфодай-  
дикі, капитализм шароитта жамият, ижтимоий муносабатлар  
индивидуга душманлық құзы билан қарайди, шахснинг энг яхши  
хислатлары ва қобилятларига зид келади. Буржуа муносабатларин-  
нинг негизи — хусусий мулкчилик — тутатилиши билан И. нинг  
илдизларига ҳам птур етади. Инсон уннинг ғоҳат-фарогати бутуны  
жамияттандырып, үзи меҳнат қылаётган колективтің муваффакият-  
лары билан чамбарчас боғлиқ эканлыгини тушуна бошлайди.  
Кишилар ұртасидаги муносабатларда И. үрнини колективизм эгал-  
лайды. Лекин бундан, барча кишилар бир текисде баравар қили-  
нади, индивидуаллық камситилади, деган маъно чиқмайды. Аксин-  
ча, умуман инсон коллектив ва жамият манбаатлари йўлида  
хизмет қылғандагина үзиннинг индивидуал қобилятларнің тұла-түкис  
намоён қилиши, шахс сифаттада үзинни күрсатиши мүмкін. Шу са-  
бабы бизнинг шароиттамызда И. нинг ҳар қандай күріннеші фақат  
жамиятта эмас, балки уннинг үзінга ҳам зәнен етказади.

**ИНДУКЦИЯ** (лат. *inductio*—жузъийликдан умумийликка).—муҳо-  
кама қилиш (*холоса чиқарыш*) нинг асосий усуулларидан ға тадқиқот  
методларидан бири. Индуктив холоса чиқарыш — билімнинг жузъий  
муҳокамалардан умумий қоидаларға қараб ҳаракат қилишидір.  
Тұлық ва нотұлық И. мавжуд бўлиб, тұлық И. да бир туркумдагы  
предметлар ҳақында умуман шу туркумдагы предметларнинг ҳамма-  
сина қараб чиқыса асосида холоса ҳосил қылнади, нотұлық И. нинг  
турлича турлары бўлиб, бууда предметлар туркуми ҳақида фақат  
ағашни туркумдаги баъзи предметларни қараб чиқынша асосланиб

хulosса чиқарилади (бундай ҳолда уларнинг мұхим белгилари, алоқалари ва ш. к. анализ қилинади). Тұлғы И. илмий практикада жуда тор доирада құлланилади, нотулық И. ғоятда кенг құлланилади-ю, лекин у ишончлы хulosса чиқарып бермайды. Ф. Бэкон, Милья ва б. сабабли боғланишларнинг индуктив тадқиқтлари назариясими тузгандар. Ҳозирги замон *формал логикасіда* (унинг «индуктив логика» деб аталувчи маңсұс бўлимида) кузатишдан олинган маълумотлар ёрдамида умумий қоидаларни текширишнинг мантиқий критериялари тадқиқ этилади; бундай ҳолда фақат жузъийликдан умумийликка қараб чиқарыладиган хulosаларгина эмас, балки ҳамма мантиқий муносабатлар, яъни назарий билимнинг чинлигининг муайян әхтимоллигини аниқлаб олишга асос бўладиган ҳамма мантиқий муносабатлар қараб чиқилади. Ҳозирги замон индуктив логикасининг энг мұхим тушунчаси — тасдиқланиш даражасидан иборат, яъни айни эмпирик билимлар (кузатиш натижалари ва ҳ. к.) шароитида бирон-бир гипотезанинг әхтимоллигидан иборат. Ҳозирги замон индуктив логикаси әхтимоллик назарияси билан жуда маҳқам боғлиқдир. И. ишончлы хulosса бўлган *дедукция*га қарама-қарши бўлишига қарамай, у билан чамбарчас боғлиқдир. «Индукция» билан дедукция худди синтез ва анализ каби ўзаро жуда зарур тарзда боғлиқдир. Улардан бирини иккинчиси ҳисобидан биртомонлама кўкларга кўтариб мақташ ўрнига ҳар қайсими ўз ўрнида тадбиқ этишга ҳаракат қылмоқ керак, бунга эса уларнинг бир-бiri билан боғлиқларини, уларнинг ўзаро бир-бiriни тўлдириб туришини назардан қочирмаган тақдирдағина эришиш мумкин» (Энгельс).

**ИНКОРНИ ИНКОР** (отрицание отрицания) — *диалектиканиң* асосий қонунларидан бири. Философияда биринчи бўлиб унинг тавсифини Гегель кенг баён қилди. Бироқ бу қонунни Гегель фақат тафаккурнинг (билимнинг) ривожига татбиқ қилди ва уни абсолютлаштириб, ўзининг бутун системасини тузиш усулига айлантириди, объектив тараққиёт процессини унга сунъий равища бўйсундирди. Диалектик материализм инкор тушунчасини табиат, жамият ва инсон тафаккурининг тараққиётiga нисбат беради. Инкор дегандага бир ҳодисанинг иккинчи ҳодисага айланishi тушунилади. Диалектик инкор ҳодисанинг шундай ўзгаришидан иборатки, гарчи бу ўзгариш уни ҳодиса сифатида тугатсада, айни вақтда янаги тараққиёт учун майдон очиб беради. Бу «пуч» инкор эмас, оддий йўқ қилиш эмас, балки тараққиёт, алоқадорлик моменти сифатидаги, босиб ўтилган босқичларнинг ижобий мазмунини сақлаб қолиши сифатидаги инкордир. Инкор тараққиётини унинг турли босқичлари ўртасидаги алоқадорлик сифатида характерлайди, табиат ва жамият, инсонияттнинг моддий ва маънавий маданияти тарихидаги ворисликни очиб беради. Диалектик инкорни инкор этилади-

ған ҳодисага нисбатан ташқи күчлар вужудга келтирған процесс деб тушуниш ярамайды. Ү ҳодисанинг ички қонуниятларидан вужудга келадики, бу ҳодиса мазмуннанда унинг үз инкори бўлади. Тараққиёт жараёнида ҳар қандай ҳодисанинг ҳар бир босқичи ўтган босқичнинг инкор бўлган ҳолда ўзи ҳам кейинги босқич томонидан инкор этилади. Шундай қилиб, қўшолоқ инкор — И. и. пайдо бўлади. Тараққиёт ҳодисаларнинг ички зиддиятлиги тақозоси билан (қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши билан) юзага келиши сабабли, инкор мазкур ҳодисаларнинг үз қарама-қаршилигига айланиши сифатида майдониа келади. Ҳодисанинг үз қарама-қаршилигига икки бор ўтишидан иборат бўлган И. и. алоҳида хусусиятга эгадир: мас., агар +1 икки бор инкор қилинса (+1 ни —1 га икки карта кўпайтирилс), натижада яна +1 ҳосил бўлади. Умуман, қўшолоқ инкор — тасдиқ тенгдир. Объектларнинг реал тараққиётида ҳам И. и. нағижасида яна ўшандай «тасдиқ» ҳосил қилинади, яъни бамисоли яна ўша бош нуқтага қайтилганда бўлади. Янги босқичда бошланиш ҳолатининг баъзи томонларин ва моментлари тақрорланади. И. и. қонунининг бу томони Энгельснинг машхур миссолларида очиб берилади: дон ўсиб чиққандан кейин донлик ҳолатини ўқотади, инкор этилади; унинг ўрнини эгаллаган ўсимлик ҳам пишганидан кейин инкор этилиб, яна донга ҳаёт багишлияди, лекин бу дон кўп жиҳатдан аввалигি донга ўхшаб кўринисада, ҳар ҳолда бошқача дон бўлади: жамият тарихи ижтимоий мулк шароитида бошланиб, сўнгра, хусусий мулк пайдо бўлгандан кейин, инкор этилади, бу кейингиси социалистик революцияж жараёнида яна инкор этилади — биз яна тараққиётнинг бошланиш нуқтасига эга бўламиз, аммо тубдан ўзгарган шаклдаги бошланиш нуқтасига эга бўламиз. Тараққиёт, деб ёзган эди Энгельс, шундай юз берадики, «тарихда қисман, тафаккурда тамомила» «орттирилган тажриба асосида яна дастлабки бошланиш нуқтага эришилади, аммо энди юқорироқ босқичда эришилади». Мавжуд қоидаларни инкор этиш ва уларни янги қоидалар билан алмаштиришга боғли бўлган илмий назария тараққиёти фақат жамиятнинг назарий ва амалий ютуқлари асосида юзага келиши мумкин ва у ҳамиша рад этиладиган билимнинг бутун ижобий мазмунини сақлаб қолишини, бу мазмунни бирон-бир формада янги назария таркибиға киритишини тақозо этади. Чунончи, жисмларнинг ёруғлик тезлигига яқин тезлик билан ҳаракат қилиши қонунларини очиб берган Эйнштейннинг нисбият назарияси класик механикани инкор этади ва шу билан бирга уни энг сўнгги ҳол сифатида ўз таркибиға киритиб олади (нисбият назарияси тенгламаларидан, муайян қоидаларга асосланиб, класик механика тенгламаларини ҳосил қилиш мумкин). Қўшалоқ инкорга келганда фанда тараққиёт кўпинча шундай тарзда содир бўладики, қарама-қарши қоидалар охир оқибатда

синтезлашади. Мас., ёруғлниккінг табиатини тасаввур қилиш шундай бұлған эди: ёруғлниккінг корпускуляр назарияси (бу назарияга күра, ёруғлник зарралар оқимидан ибора) тұлқын назарияси билан алмаштирилған эди, ниҳоят сұнгра улар микрозарраларнинг корпускуляр-тұлқын табиати назариясига құшилиб кетди. Тадқық қилинүвчи обьектларнинг ички зиддиятлігі фанда шундай тарзда қайта қосыл қилинады, аввал бошда бир томон, сұнгра иккінчі томон назарда тутилади ва фақат бишлишнинг етарлық юқори даражасидагина қарама-қарши томонларнинг диалектік бирлигіни тушунишга әрішилдади. Бундай тушунишга бориши йўли эса худди И. и. формасига киради.

**ИНСОН** (человек) — одам, киши — «...Инсоннинг мөдліяті айрым индивидуга хос абстракт әмасдир. Үз воқеlegida бу мөдліяттін ижтимоий муносабатларнинг мажмундир» (Маркс). Буннинг маъноси аввало шуки, И. фақат табиинің вужуд, биологик индивидуумгина әмасдир. Маълумкі, үзининг көлиб чиқиши, үз организмыннің физиологик хусусиятлари, биологик қонуниятлари билgi И. табиат билан боғлиқ бўлиб, унинг олий маҳсулидир. Аммо үз-үзлигича табиат И. га ҳамиша инсонга хос деб әътироф қилиниб келингган хусусиятлардан биттасини ҳам бермайди. И. туғилган замон оигга, нутқа, инсоний эмоцияларга эга бўлиш у ёқда турсин, ҳатто тикка оёқ босиб юришини ҳам билмайди, ваҳоланки бу биологик зарурый шартларнинг ҳаммасинин у ота-онасидан мерос қилиб олган бўлади. Ёш болаларни ҳайвонлар орасида «тарбиялаш» бобидаги маълум воқеалаq И. жамиятдан ташқарыда камол тополмаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Соф табиинің мұхитда узоқ вақт бұлған бола шу қадар үзгариб кетады, у ҳатто жамиятга қайтиб келгандан кейин ҳам зўр машаққат билан И. га айланади. Ҳайвонлар оламидан И. меҳнат түфайли ажralиб чиқсан. Худди меҳнат процессыда, ташқи оламни үзгартыриш учун қуроллар ясаш ва улардан фойдаланған жараённанда И. үзининг инсоний қобилянятларини ва хусусиятларини камолга етказди ва ривожлантириди, үзининг алоҳида социал дунёсими яратдики, бу дунёда фақат угина яшаши мумкин. Бу дунё, яъни ижтимоий муносабатлар мәжмуми — И. га нисбатан қандайdir ташки нарса бўлмай, балки унинг «мөдліятини» ташкил этади, яъни И. ни ижтимоий вужудга айлантиради, унинг фаолиятининг ҳамма хусусиятларини, дунёқарашини, ифрокини ва ҳ. к. шакллантиради ва белгилайди. Ҳатто инсон организмыннинг соф физиологик функцияларини ҳам жамият үзгартыради, улар инсониятнинг мөддий ва маънавий мәданият таъсирини кечираадилар. «...Инсон қўзи дағал, гайри инсоний кўзга қараганда бошқача кўради ва завқ олади, инсон қулоғи дағал, ривожланмаган қулоққа қараганда бошқача бўлади ва ҳ. к.» (Маркс). Шу сабабли ҳар бир айрым И. дунёга келиши билан инсоний мәданиятга актив қўшилашга, И. бўлиб

етишиш учун ҳаётин фаолиятнинг инсоний усулини ўзлаштириб олишга мажбурдир. Чунончи, ёш бола том маънода юришни, ўтиришни, жилмайишни, нарсаларни инсонларча фаҳмлашни, сўзлашини, фикр қилишини ўрганиши лозим. Бунда гап шунчаки таълим устида эмас, балки ижтимоий муносабатлар ва фаолият формалари системасига фаол қўшилиш, уларни кишиларнинг юриш-туриншида ва ўзаро алоқасида қайта такорорлаш устида боради. *Мехнат таҳсилоти* ҳукм сурадиган антагонистик жамият шаронтида И. нинг камол топиш процесси албатта бир томонлама бўлади: И. фаолиятнинг қандайдир биргина турини ўзлештириб олади ва шунга мувофиқ ўз қобилиятларининг фақат чекланган қисмини ривожлантиради. Коммунизм ғалаба қозонгандан кейингина И. ўз қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш, инсслик шахснинг ҳамма бойликларини ўзида гавдалантириш имкониятига эга бўлади. Бунинг маъноси эса — И. ҳамиша бир зайлда турадиган, ўзгармайдиган вужуд эмас, балки унинг хусусиятларни тўғридан-тўғри ишлабчиқариш фаолиятини характеристири ва шу фаолият жараённда шаклланадиган ижтимоий муносабатлар белгилайди, демакдир.

### **ИНТЕЛЛЕКТ — қ. Тафаккур, Фаросат ва Ақл.**

**ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ** (лат. *intelligens* — ақлий, тушунувчи, зиёли) — ақлий меҳнат билан шугулланишини ўзига касб қилиб олган кишилардан иборат ижтимоий қатлам. И. нинг пайдо бўлишига меҳнат таҳсилоти ва хусусан ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши зарурий шарт бўлди. Қулдорлик ва феодал жамиятда ақлий меҳнат бутунлай эксплуататорларнинг монополияси бўлганилиги сабабли, И. унда ҳали хукмрон синфлар составидан ажраблий чиқмаган эди. Капитализмнинг тараққий қилиши мупосабати билан И. турли синфлардан чиқкан кишилар билан тўлиб турадиган алоҳида ижтимоий қатламга айланади. Чунки капитализм буржуазиянинг ишлабчиқариш ва бошқа социал эҳтиёжларига хизмат қилишга лаёкатли бўлган ақлий меҳнат ходимларига талабнинг анча ўсишига сабаб бўлди. И. синф эмасдир, чунки у ижтимоий ишлабчиқариш системасидан мустақил мавқеини ишгол этмайди (*Синфлар ва синфий кураши*). Монополистик капитализмдан илгарига даврда И. бошқа меҳнаткаш синфларга ва аҳоли қатламларига нисбетан имтиёзли мавқега эга эди. Ҳаёт тарзи, меҳнат характеристири И. да буржуа дунёқарашининг шаклланишига кўмаклашди. Унинг айрим вакилларигина буржуа идеологиясининг маҳдуллгини енгиб, ишчилар синфининг боявий позицияларига ўтдилар. Империализм даврида И. нинг умумий сочи, айниқса ишлабчиқариш соҳасида ва бошқариш ишида, кескин суратда ўсади. Ақлий меҳнатни талаб қилиувчи касблар тобора оммавийлашиб боради. Бу касблар фақат буржуа вакиллари ҳисобидан эмас, балки ўрта

табақаларнинг ва қисман меҳнаткашларнинг вакиллари ҳисобидан ҳам тўлиб туради. И. нинг тобора кўпчилик қисми ёлланиб ишлашга ўтади. И. нинг монополистик капиталга қарамлиги кучаяди ва бу қарамлик унинг ижодий кучларини қисиб, бўғиб қўяди. Ўзларининг жамиятдаги объектив мавқенга кўра, шунингдек ўзларининг турмуш шароитига кўра, оддий интеллелгентлар ишчилардан кам фарқ қиласидилар. И. вакиллари ўзларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун тобора кўпроқ ишчилар билан бирликда ҳаракат қилиб чиқмоқдалар. Коммунистик партиялар тўғри сиёсат юргизганларида. И. нинг кенг доиралари пролетариатнинг монополияларга қарши курашида унинг табиий итифоқчиси бўлиб қолмоқдалар. Революциядан кейин социалистик ўзгартишларни муваффақият билан амалга оширишнинг энг муҳим шарти — эски И. ни ишчилар синфи томонига оғдириб олишдан ва меҳнаткашлар орасидан янги И. етиширишдан иборат. Коммунизм қурилиши даврида жамият тараққиётида И. нинг роли ошиб боради, чунки меҳнаткашлар фаолиятининг тарихий миқёслари кенгаяди, партия ва давлатнинг ишлабчиқарувчи кучларни ривожлантириш вазифалари ва маданий-тарбиячилик ишлари мураккаблашади, чунки илм-фаник ривожлантириш, унинг ютуқларидан ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фойдаланиш энг муҳим зарурият бўлиб колади. И. нинг сон жиҳатдан ўсиши ана шунга мувофиқ равишда юз беради. Социализм даврида И. нинг ижтимоий манфаатлари, дунёқараси ишчилар билан дехонларнинг манфаатлари ва дунёқарасидан фарқ қиласиди. И. бизнинг жамиятимизда ҳам қатлам бўлиб қолиша давом этмоқда, бунинг сабаби шуки, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат характеристидаги тафовут ҳали сақланиб келмоқда. Меҳнатнинг ҳар қандай турода ижодчилик асосининг ривожланиши, меҳнаткашлар илмий-техника даражасининг юксалиши, эски меҳнат тақсимоти оқибатларининг бартараф этилиши натижасида И. алоҳида социал қатлам бўлмай қолади.

**ИНТЕЛЛИГИБЕЛ** (лат. *intelligibilis* — фаросат билан, ақл билан пайқаладиган) — сизги аъзолари ёрдамида идрок қилишни билдирувчи «сенсибел»дан фарқли ўларо, фақат ақл, тафаккур билан пайқаладиган нарса. И. тушунчаси идеалистик философиянинг баъзи системаларида гайри табиий, гайри ҳиссий предметларни, моҳиятларни билдиради. Мас., Платон назарича, бу — идеялар оламидир, идеявий воқеликдир, моддий, ҳиссий олам эса ана шу идеявий воқеликнинг инъикосидир, Кант назарича, бу — ҳар қандай тажриба доирасидан ташқарида бўлган мутлақ ақл предметлари сифатидаги «насралар ўзида»дир («Нарса ўзида»).

**ИНТЕНЦИЯ** (лат. *intentio* — инилиши) — онгнинг предметга йўналтирилганлигини, унинг мазмундорлигини, предметлилигини характерловчи тушунча. Онгнинг бу хусусияти инсоннинг амалий

фаолиятида юзага келади. Инсоннинг предметларга амалий, моддий таъсир кўрсатиши процессида унинг онги обьектга муайян тарэда йўналтирилган ҳолда шаклланади ва обьект ҳам ўз навбатида субъект билан муносабатдош бўлиб чиқади. (*Субъект ва объект*). Онгнинг интенциаллиги, жумладан, шунда кўринадики, биз миямиизда пайдо бўлган идеявий образларни ташқарига нисбат берамиз, уларни қандайдир гашқи нарса деб, биздан ташқарига бўлган нарсаларнинг инъикоси деб қараймиз. Идеалистик философияда И. қандайдир түгма (объектив манбани бўлмаган). онгга иммачент (иддан хос) хусусият сифатида, онгнинг предметни фикрда фараз қилиш, кайд қилиш қобилияти сифагиде юзага келади. Чунончи, немис философи Гуссерли таълимотида (*Феноменология*) онгчинг «предметлилги» харakterланади-ю, аммо онги йўналтирилган, қаратилган предмет («интенционал обьект») реалим ёки уйдирмами экаилиги масаласи назардан соқит қилинади. Натижада онг ташқи обьектларни акс эттирувчи сифатида эмас, балки ўз предмет оламини яратувчи, ўз мазмунини белгиловчи алоҳида кобилият эгаси сифатида намоён бўлади.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ** — пролетар, социалистик интернационализм — (лат. *inter* — аро ва *natio* — ҳалқ — ҳалқаро) — ишчилар синфи, марксча-ленинча партиялар идеологияси ва сиёсатининг энг муҳим принципи. И. ишчилар синфининг, унинг коммунистик авангардининг, барча меҳнаткашларининг бирдамлигида, улар ҳаракатларининг бирлигига ва баҳамжиҳатлигига, уларнинг бир-бирларига ёрдам беришида, бир-бириниң қўллаб-қувватлашида ва бир-бира га халоскор бўлишида ифодаланади. И. ни синфи курашнинг объектив шароитлари вужудга келтиради, бундай вақтда муайян миллат ишчилар синfigа фақат «ўз» буржуазиясига қарши эмас, балки бошқа мамлакатлар буржуазиясига ҳам қарши курашга тўғри келади, чунки «капитал — ҳалқаро кучдир» (Ленин). И.— меҳнаткашларни кўнгилли ҳамкорлиги демакдир. И. уларнинг айrim миллий отрядларининг сувернитетини, тенг ҳуқуқлилигини, ўз ишларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини истисно қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, у меҳнаткашларнинг миллий ва интернационал вазифаларининг узыйи бирлигини назарда тутади ва у *ватанпарварлик* билан чамбарчас боғлиқдир. Пролетар И. принципларини биринчи бўлиб Маркс вг Энгельс «Коммунистик партия манифестида ифодалаб берган эдилар. Бу принциплар ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, шу билан бирга янги мазмун билан бойиди ва фақат капитализмни ағдариш учун курашётган ишчилар синфи-гагина тааллуқли бўлмай қолди. И. чиги энг муҳим принципларидан бири — социалистик мамлакатларининг бирлигини, жипслигини мустаҳкамлашдан, бу мамлакатлар ҳалқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришдан иборат бўлиб қолди. Жаҳон

коммунистик ҳаракат бирлігінни күчайтириш, қозирғи замонда империализмға қарши чиқаётган барча илгор күчларнинг халқаро бирдамлігінни мустақамлаш учун бу күчларннң бўлиб ташлашга уринишларнинг ҳаммасига қарши, реакцион буржуа миллиатчилининг идеологияси ва сиёсатига қарши кураш мұхым аҳамиятта әгадир. «Буржуа миллиатчилиги ва пролетар интернационализми — бир-бираға муросасыз душман бўлган икки шиордан иборат бўлиб, бу икки шиор бутун капиталистик дунёнинг икки буюк сиғифи лагернга мувофиқ келади ва миллий масалада икки сиёсатни (ҳатто-ки: икки дунёқарашни) ифодалайди» (Ленин). Совет халқи тузган янги тиңдаги кўп миллиатли давлат бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини мустақамламоқда, мустақиллик, демократия ва социализм учун кураш олиб бораётган халқларга бегараз ёрдам бермоқда ва шу билан И. Гояларниң амалга ошироюнда. Мехнаткашлар, онгни И. руҳида ўстириш — коммунистик тарбиянинг мұхым вазифасидир.

**ИНТУИТИВИЗМ** — буржуа идеалистик философиясининг бир оқими бўлиб, бу оқим тарафдорлари тафаккур (ақл) эмас, балки интуиция (бевосита муроқаба ёки, интуитивистлар таъбирича, «пайї-қалаётган майл», «субъект билан обьект ўтасидаги гносеологик координация») инсонга нарасаларнинг чин табиатини пайқаб олиш имкониятини беради. И. нинг хусусияти унинг билишда интуициянинг аҳамиятини эътироф этишида эмас (Декарт, Спиноза, Локк ва бошқа мутафаккирлар ҳам унга мұхим роль берадилар), балки унинг интуицияни интеллектга, ақлга қарама-қарши қўйиб, унга иррационалистик изоҳ бериндиладир (*Иррационализм*). И. нинг асосий вакиллари — Бергсон, Гуссерль, Лосскийдир. Интеллектни танқид қилиш, ироданинг, гайри ихтиёрийликнинг бирлашчиллик аҳамиятини таъқидлаб курсатиш интуитивистларда оламнинг обьективлигини, моддийлигини инкор этиши билан боғлиқдир. Уларнинг фикрича, моддий обьектлар — борлиқнинг энг оддий, ибтидоний формаларидир: Бергсон назаридан ҳам, Лосский назаридан ҳам материя ўз-ўзлигича қотиб қолган, ҳаракатсиз, ўлиқ нарсадир. Бергсон фикрича, ёқеликкінинг мөхиятини номоддий узуунлик, ўтувчанлик, «ички ҳаётнинг узлуксиз оқими» ташкил этади; Лосский назариче, олам ҳам қандайдир «жонлиқ» нарсадан — руҳий «субстанциал фаолиятлар» мажмудидан иборат. Уларнинг нуқтаи назаридан қараганда; интеллект доимо ўзгариб турувчи воқеликни пайқаб, тушуниб ололмайди, чунки у қотиб қолган моддий обьектлар билан иш кўради. Фақат интуиция («ҳаётий ижтҳод») воқелик билан «қўшилиб кетиши»га ва уни шунданай ўзлаштириб олишга имкон берадики, шундан кейин мушоҳадани мушоҳада қилинувичи нарсадан ажратиш қийин бўлиб қолади (кўриб турибмизки, интуитивистлар билишда субъект билан обьектнинг ўзаро муносабати

проблемасини тугатадылар). Бергсоннинг узунлиги ёки Лоссекниң нинг «субстанционал фаолиятлари» қанчалик мистик ва инсонга кам тушунарлы бўлса, мазкур объектларни пайқаб оладиган интуиция ҳам шунчалик мистик ва туманидир. У қандайдир мубҳам кучга, илоҳий илҳомга ва шу кабиларга яқинdir. Интуитивистларнинг билишининг формалари ҳақидаги ва материянинг хаёлйи қотиб қолганлиги ҳақидаги таълимотлари фанга тамомила зиддир. И. нинг белгилари кўпгина буржуа фалсафий назарияларга, айниқса экзистенциализмга ва танҳидий реализмга хосдир. И. шунини дек эстетикада ҳам ўз ифодасини топди (мас., Кроche санъатни гайри интеллектуал «лирик» интуициянинг кўриниши деб қарайди) ва этикада ҳам ўз ифодасини топди (неореалистлардан Мур, Брод ва бошқаларнинг фикрича, ахлоқий тушунчалар фақат интуитив тарзда пайқаб олинид).

**ИНТУИЦИЯ** (лат. *intuitio* — мушоҳада, кўриш, муроқаба) — бу ҳам ўша маънодаги термин бўлиб, бевосита мушоҳада этишини, объектни амалий ва руҳий ўзлаштириш жараёнида олинган билимни, яъқол тасаввурни билдиради. Тури фалсафий таълимотларда инсоннинг объектни бевосита ва яхлит била олиш қобилияти бир хилда тушунцимайди. Мас., баъзи эстетиклар ва идеалист философлар И. ни интеллектуал қарама-қарши бир нарса деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, интеллект нарсаларнинг моҳиятини пайқаб олишга қодир эмас эмиш. Бундай ҳолда И. қандайдир назаркарда бир нарсадан, диний эътиқодга яқин «олий кароматдан ёки предметларнинг табиатини онгсиз равишда, истинкти йўли билан пайқаб олишдан иборат бўлади. И. ни шу йусинда олиб қаросчи кўп мутафаккирлар алоҳида мистик реалликнинг (мас., худонинг) мавжудлигини эътироф қиласидар. Уларнинг даъвосича, бу мистик реалликни гўё фақат мазкур И. ёрдами билан билиш мумкин эмиш. Ҳозирги замон буржуа философиясида интуитивизм ўз назарияларини И. ни иррационалистик изоҳлаш асосида курмоқда. Баъзи философлар (Локк, Декарт, Спиноза, Лейбниц ва б.) И. га бошқача баҳо берадилар. Гарчи улар И. ни *дискурсив* тафаккурдан (яъни бир тушунчани иккинчи тушунчадан хулоса қилиб чиқаришга асослаиган воситали билимдан) Фарқ қилиб қарамалар-да, лекин уларни, интуитивистлар қилганидек, бир-бирига қарама-қарши қилиб қўймайдилар. Рационалистлар назарича (Декарт каби), предметни сезги аъзолари воситаси билан мушоҳада этиш (буни баъзан ҳиссий И. деб атайдилар) бизга на ишончли, на умумий билим беролмайди. Бундай билимга фаросат ва интеллектуал И. ёрдамида эришилади. Интеллектуал И. деганда Декарт билишнинг олий формасини тушунади, бунда ақлга бевосита, муҳокаманинг, исботнинг ёрдамисиз бирон-бир қонданинг, идеянинг чинлиги равшан бўлиб қолади (мас., агар икки миқдор учинчисига тенг бўлса, у

вақтда улар ўзаро ҳам тенг бўлади). Бироқ Декарт түгма характерга эга бўлган идеяларни (*Түгма идеялар*) интуитив — чин идеялар деб ҳисоблаган. Сенсуалист Локк ҳам И. нинг интеллектуал характерини эътироф этгиз (унинг назарича, И.— идеяларнинг ўзаро мувофиқ келиши ёки келмаслигини ақлнинг бевосита билинб олишидан иборат) ва, бу хилдаги идеялар тажрибадан олиниади, деган. Лекин Декарт ҳам, Локк ҳам интуитив (бевосита) билин билан тушунчавий (бевосита) билимининг алоқаси масаласини чуқур тарзда қўймайдилар. Марксистик философиянинг эътироф қилишича, илмий билиш биргина мантиқий, тушунчавий тафаккурдан иборат бўлиб қолмайди, фанда ҳиссий ва интеллектуал И. (идрок, ижодий хаёл, синтез қилиш қобилияти, баҳо бериш ва ш. к.) катта роль ўйнайди. Билишининг ҳар иккала тури ўзаро маҳкам алоқадордир. Гегелнинг идеалистик диалектикаси ҳам бу алоқадорликни эътироф этарди-ю, лекин унинг манбанини онгнинг ўз табиатида деб биларди. Гегелнинг идеалистик диалектикасидан фарқли ўлароқ, материалистик диалектика бу алоқадорликни инсониятнинг моддий-амалий, предметли фаолнятини анализ қилиш асосида хулоса қилиб чиқаради ва тадқиқ қиласди. Бирон-бир қонда қандай йўл билан ҳосил қилинган бўлмасин, унинг ишонарлар эканлиги амалий текшириш билан исбот қилинади. Мас., математиканинг баъзи аксиомаларининг чинлигини интуитив равишда билиб олишининг сабаби уларнинг түгма характерга эга бўлганинги эмасдир, балки улар практикада миллиард марта текширилиб, инсон учун «мустаҳкам одат» ҳукмига кириб қолганлигидир.

**ИНФОРМАЦИЯ** (лат. *informatio* — хабардор қилиш) — айнан маъноси: маълумотлар, билимлар демакдир. И. кибернетиканинг марказий тушунчасидан иборат бўлиб, у фақат одамларнинг ўзаро алоқа қилиши жараёнида берадиган маълумотларинингина эмас, балки аввало объектив оламнинг асосий хусусиятларидан бирини, гъени унда мавжуд бўлган ва информацион процесслар деб атала-диган алоҳида хилдаги процесслар билан боғи бўлган хусусиятни билдиради. Информацион процесслар, мас., одамларнинг бир-бiri билан алоқасидан, автоматик регуляциянинг бирон-бир системасининг ишидан, тирик организмнинг ящашнинг ўзгариб турувчи шароитларига мослашувидан, она-ота белгиларининг ирсият ўйли билан болаларга берилишидан, инсон миясиннинг оламин билишидан иборатдир. Дафъатан қараганда жуда хилма-хил бўлиб кўринган процесслар ичидан умумий нарсани топиб, ажратиб олишга «И» тушунчаси ёрдами билан муваффақ бўлинди. Мана шу бобатда «И.» тушунчаси «энергия» тушунчаси билан ўхшашдир, чунки «энергия» тушунчаси илгари турли хилда бўлиб кўринган кўп процессларга бир қадар умумий нуқтаи назардан кўз ташлашга имкон берди. «И.» тушунчасида бир қанча аспектларни, жиҳатларни ажра-

тиб күрсатиш мүмкін. Аввало ички ёхуд структур «И.» ҳақида сұз-ламоқ керакки, бунда «И» деганда обьектнинг (системанинг) уюш-қоқлик даражасини түшүнмоқ лозим бўлади. И. миқдори тескари белги билан олинган бирон-бир обьектнинг энтропияси билан математик жиҳатдан айнан бирдайдир. Энтропия системанинг хаослық, тартибиға солинмаганлик мөъёрини характерлайди. Бинобарин, информация системанинг манфий энтропияси (ёки негэнтропияси) тарзида тасаввур қилиниши мүмкін. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай системада унга жо қилиш керак бўлган миқдорда И. мавжуддир ва бунинг натижасида системанинг дастлабки бир қадар тартибсиз ҳолатидан муайян даражада уюшган ҳолатга ўтиши мүмкіндир. Мас, инсон организмида жо бўлган структур И. (ёки бошқача қилиб айтганда, айрим молекулалардан шундай организмни тузиш учун зарур бўлган И.  $3 \cdot 10^{26}$  бит тартибдаги ғоят катта миқдорга тенгдир (бит — И. нинг иккى қатла бирлигидир). Бирон-бир обьектнинг ички мазмунидан иборат бўлган структур И. дан иккى обьектнинг (процесснинг) бир-бирига муносабати билан бояли бўлган нисбий (ёки ташки) И. ни фарқ қильмоқ керак. Бу — иккичи процесста мавжуд бўлган бир процесс ҳақидаги И. дир. Бу И. процесслар ўртасида изоморф мувофиқлик мавжуд бўлган чоқда (бошқача қилиб айтганда, бир процесс гўё иккінчисининг инъикоси бўлишига кўра) юзага келади. Нисбий И. потенциал ва актуал тарзда бўлади. Потенциал И. билан, биз анорганик табиатда иш кўрамиз, Бунда бир обьект учун унда бошқа обьект таъсири билан юз берган ўзгаришлар муҳимдир, аммо лекин бу ўзгаришларнинг бошқа обьект ҳақида келтирган И. си унинг учун муҳим эмасдир (И. бунда сигнал маънога эга эмасдир). Бошқача қилиб айтганда, иккى процесс, обьект, система ўртасида бунда мувофиқлик бордир, лекин бу мувофиқлик уларнинг яшашининг (хатти-ҳаракатининг) фактори эмасдир. И. сигнал маъно касб этган, системанинг яшashi учун фактор бўлган ва И. ни қайта ишилаш процесслари — информацион процесслар юзага келган чоқда актуал бўлиб қолади. Бу ҳол ҳаёт пайдо бўлиши билан юз беради. И. назарияси бугунчалик ўз тараққиётининг бошлангич босқичида турди. У аввало И. нинг миқдор томонларини ажратиб кўрсатмоқда ва лекин одатда И. нинг қиммати ва маъноси деб аталувчи нарсани етарли даражада тўла ҳисобга олиш имкониятига ҳозирча эга эмасдир. Лекин ҳозир ҳам И. назарияси ғоят катта фалсафий аҳамиятга эгадир. Бу назария билишни информацион процессларнинг турларидан бири деб түшунган ҳолда онгнинг идеявийлиги проблемаси, материяниянг умумий хоссаси сифатида инъикос проблемаси, юксак даражада ташкил топган материяниянг функцияси сифатидаги тафакур проблемаси ва шу каби муҳим фалсафий проблемаларни ҳал этиш учун янги йўлтарни очиб бермоқда.

**ИНЪИКОС** (отражение) — материялнинг умумий хоссаси бўлиб, бу хосса маддий жисмларининг ички ўзгаришлар орқали улар билан ўзаро таъсир қиласидан жисмларининг хусусиятларини бошқа формада қайтадан ҳосил қила олишида ифодаланади. Ўзаро таъсир қилувчи объектларининг мураккаблик ва уюшқоқлик даражасига қараб, И. турлича кўринишда юз беради. И. нинг элементар турларини тирикмас табиатда кўриш мумкин. Бунда И. бир предметнинг иккинчи предметга таъсирдан қолган из шаклида намоён бўлади. Мас, тош ерда чукур из қолдиради, космик зарралар Вильсон камерасида из қолдиради. Тирик организмларда И. нинг сифат жиҳатдан янги формаси — қўзғалиш юз беради. Бу черв системаси бўлмаган организмларга онддир. Қўзғалиш туфайли энг оддий организмлар маддалар алмашинувига бевосита таъсир кўрсатадиган ташки мухит ўзгарнишларига жавобан муайян ҳаракатларни бажаради. Чунончи, ўсимишклар ўз баргларини ёруғлик маибаларига қаратада ўтиради, амёба ёғондакам обексларини ё кўйиб юборади ёки тигиб олади. И. хоссасининг ривожланишида ундан кесининг босқич юқорироқ даражада ташкил топган ҳайвонларнинг пайдо бўлиши билан боғли бўлиб, бу ҳайвонлар зарур тирикчилик шаронтиларини қидириб, маконда актив равишда жой алмаштирадилар ва озуқани қўлга киритганда мураккаб ҳаракатлар қиласидар. Улар фақат маддалар алмашинуви учун бевосита аҳамияти бўлган предметларнинг физик-химик хоссаларига реакция қилиб қолмасдан, балки шу билан бирга форма, ранг, ҳид каби биологик «бетараф» хоссаларни масофадан турив идрск этишлари ҳам лозим. Бу хоссалар озуқа ёки хавф сигналлари бўлиб хизмат қиласиди. Юқори даражада ташкил топган ҳайвонларда сезигирлик ривожланиб бориши билан психика каби форма пайдо бўлади. Бу форма предметларнинг ва уларнинг айрим хоссаларининг образларига эга бўлиш қобилиятидаги юз беради. Бироқ ҳайвонлар психикасида конкрет-хиссий формада кўпинча уларнинг биологик эҳтиёжларини бевосита ёки бавосита қондириш билан боғли бўлган предметлар ва предметларнинг хоссалари акс этади. Чунончи, ит товушни эшигади, бирор предметни кўради, агар улар оғриқ ёки озуқа фактори билан боғли бўлса, у вақтда ит учун аҳамият касб этади. Юксак даражада нерв системали ҳайвонлар психикаси инсон онгининг пайдо бўлишига биологик зарурий шарт бўлди. Лекин онгининг шаклланишида ҳал қилувчи фактор меҳнатдир. Меҳнат туфайли инсон предметларни фақат уларнинг ўз биологик эҳтиёжларига муносабати борлиги жиҳатдангина идрок қилиш имкониятига эга бўлиб қолмайди, балки предметларнинг ўзлари ўртасидаги алоқаларни, чукур, муҳим алоқаларни топиб олади, чуники ҳатто энг сiddий қуролни ясаш учун ҳам предметни ўзгартиш керак бўлади, ёзғартирганда у предметга бошқа предмет орқали унинг ички си-

фатларигз мувофиқ равишида таъсир кўрсатишга тўғри келади. Мөхнат фаолияти процессида тил пайдо бўлди, тил билан биргаликда эса абстракт *тафаккур*, яъни предметларнинг ўзларига тегмасдан улар ҳақидаги тушунчалар билан иш кўриш қобилияти ҳам юзага келди. Бунда эса эндиликда инъикоснинг актив характери намоён бўлади: инсон олами шунчаки аке эттириб қолмайди, балки шу билан бирга маълум даражада уни яратади, иккинчи, идеяний олами, маънавий маданиятини вужудга келтиради. Инсон тафаккурнинг активлиги ўз олдига *мақсад* қўйишида, илмий олдиндан кўришида, яъни «ўзиг бетувчи» инъикосда намоён бўлади. Идеяний образлар ва тушунчалар олами инсонга моддий дунёнинг ўзини актив ўзгартириш учун хизмат қиласди. Шундай қилиб, инсон онги — И. инг олий ва энг мураккаб формасидир. Унинг хусусиятларини мэрксизм *билиш назариясининг асосини*, магзини ташкил этувчи инъикос назарияси ўрганади.

### **ИНЪИКОС НАЗАРИЯСИ — қ. Инъикос, Билиш назарияси.**

**ИРОДА** (золя) — психика, онг ҳодисаси бўллиб, бироц-бир мақсадни амалга ошириш учун, мақсадга эришиш йўлидаги ташқи ёки ички (қўрқоқлик, юраксизлик, журъатсанзлик, шубҳа) тўсикларни бартараф қилиш учун субъектив шароит тариқасида майдонга келади. Шундай қилиб, инсоиди И. онгли фаолиятда юз беради. Идеалистик философия И. ни, инсонга азалдан кос бўлган, маданият даражасига ҳам, тарбияга ҳам, инсонни қуршаб турган социал муқит хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлмаган қандайдир туғма нарса, деб қарайди. Баъзи идеалистлар И. ни фақатгина инсон маданийнинг белгиловчи фактор деб эмас, балки бутун дунёни шакллантирувчи фактор ҳам деб ҳисоблайдилар (Шопенгаузер). И. ни билиб бўлмаслик ҳақидаги, унинг ақлдан ташқари, иррационал характери ҳақидаги даъво (Фрейд ва унинг мухлислари) бу жиҳатдан характерлайдир. Ана шу асосда И. инг «автономлигига» ҳақидаги, мутлақ мустақиллиги ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлади ва бу тасаввурлар буржуга жамиятининг кўпгинча реакцион социал назарияларига хос бўлган *волюнтаризмга* олиб келади. Илмий материалистик философия нуқтai назаридан И. инсоннинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади. У инсоннинг ташқи дунё предметларини ҳам, ўзининг шахсий (субъектив) имкониятларини ҳам билишига асосланади (*Ирода эркиклиги*). И. у ёки бу ҳаракатларни бажариш учун қилинадиган азмкорликдир, аммо лекин ҳаракатларнинг ўзи эмасдир. У инсон онгли фаолиятнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ бўлган ва уларни ўзига таянч қилиб оладиган психик сифатдан иборат. И. инсоннинг — унинг индивидуал сифатлари, маданийти, интеллектуал қобилиятлари ва шу кабилалари билан бирга яхлит ҳолда ривожланиши процессида шаклланади. Шахс сифатида инсоннинг иродада сифатларини очиб беричш

ижтиомий тараққиёт учун катта аҳамиятга эгадир. Бу сифатларни бўғиб қўйиш кишиларнинг хатти-ҳаракатига, демак, моддий ва маънавий ишлаб чиқарнишининг ривожига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Бунда инсон И. сининг бир мақсадга қаратилган бўлиши жуда муҳимdir. Яратувчилик фаолияти жамиятнинг моддий ва маънавий ноз-неъматларини яратиш инсоннинг ихтиёрий ва кўнгилли иши бўлиб қолиши учун унинг шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, унда илмий дунёкараши, юксак маънавий сифатларни шакллантириш згрур (*Коммунистик тарбия*).

**ИРОДА ЭРКИНЛИГИ** (свобода воли) — қарорлар қабул қилиш ва ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилиш қобилияти; бу қобилият реал олам қонуниятларини билиш жараёнida, бу қонуниятларни згаллаб олиш процессида шаклланади. Субъективизм ва *волюнтаризм* тарафдорлари (*Шоленгаузер, Ницше, экзистенциалистлар* ва б.) абсолют И. э. идеясини қаттиқ турib ҳимоя қиласидар. Уларда иродада қарорларининг, иродада эркинлигининг биринчи манбаи сифатида ироданинг ўзи майдонга чиқади, ённи улар эркинликни субстанция сифатида, борлиққа ва мавжудотга нисбатан қандайдир бирламчи нарса деб қабул қиласидар. Бу хилдаги концепциялар одатда ўзбошимчаликни назарий жиҳатдан оқладиди, иккинчи томондан, бу концепциялар инсоннинг ким бўлганлиги учун, унинг хатти-ҳаракатлари учун, юз берган ҳамма ҳодисалар учун жавобгарликни фақат унинг устига юклайди, қарорлар қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган социал ва бошқа шаронтлар эътиборсиз қолдирилади. Шундай қарама-қарши қарашлар ҳам борки, улар инсондаги И. э. ни инкор қиласидар. Шуниси ҳам борки, кўп диний таълимотлар (*кальвинизм* ва б.) И. э. ни фақат худога нисбат берадилар. Механистик детерминизм вакилларининг (*Гоббс, Гольбах ва б.*) назарича эса, индивиднинг иродаси бир қимматли бўлиб, воқеаларнинг сабабли занжиридаги ҳалқа сифатида бутунлай ташқи факторларга борлиқдир. Бу хилдаги қараш жуда яхши деганда инсонни «руҳий автомат»га айлантиради, бу ҳол эса бориб-бориб фатализмга, шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни инкор этишига олиб боради. Маркесча-ленинча философия И. э. проблемасини диалектик-материалистик детерминизм нуқтаи назаридан қараб ҳал қиласиди. Иродавий қарорларнинг ва инсоний хатти-ҳаракатларнинг сабабга боғлиқлиги «инсоннинг ақлини ҳам, виждонини ҳам, унинг ҳаракатларига берилгай баҳоларни ҳам заррача йўқ қилмайди» (*Ленин*). Сабабки, инсон фақат шароит ва тарихининг маҳсулугина бўлмай, балки уларни яратувчи ҳамдир. Яратувчилик процессида инсон олдида объектив олам қонуниятларини турилича акс эттирувчи жуда хилма-хил имкониятлар, йўллар, мақсадлар очилади. Имкониятлардан қайси бирини танлаб

билиш күпинча инсоннинг ўзига боғлиқ. Буни унинг иродаси ҳал қиласиди, аммо, идеалистлар ўйлаганидек, «соф ирода» эмас, балки шахснинг бутун структураси билан, унинг ақли, ҳис-түйгулари ва тажрибаси билан, мазкур структурадаги энг муҳим нарса бўлмиш дунёкараси қимматдорлари билан боғли бўлган ирода ҳал қиласиди. Гуманистик идеаллар учун, дунёни революцион йўл билан ўз-артиш учун курашин танлаб олувчи кишининг иродаси энг оқилона ва эркин иродадир, чунки бундай ирода тарихий тараққиёт заруритига мос бўлиб тушади. Салбий эркниллик деб аталувчи эркинликни танлаб олувчи, яъни дунёвий нарсаларнинг ҳаммасини тарк этувчи (мас., диний пархезкорлик йўлни тутувчи), ҳақиқатда эса ўзини ёлғизлиқка, социал ўлнимга маҳкум этувчи кишининг иродади.

**ИРРАЦИОНАЛИЗМ** (лат. Irrationalis — файри ақлий) — фалсафий таълимот бўлиб, унинг вакиллари тафаккурининг билиш имкониятлари чеклангандир, деб даъво қиласидилар ва олий хилдаги билиш — интуициядан, ботин кўз билан равшан кўришдан, ҳиссиятдан, инстинктдан иборат деб биладилар. Иррационалистлар, инсон ҳеч бир ҳолда ақл ёрдами билан борлиқнинг энг теран сирларидан воқиф бўйлмайди, деб ҳисоблайдилар. Улар воқеликни қонуниятдан маҳрум бўлган, тасодиғга, кўр-кўруна иродага бўйсунадиган нарса деб қарайдилар. И. мантиқий жиҳатдан изчил системалар формасида жуда камдан-кам олға суриласди. Одатда у тарқоқ, узук-юлуқ идеялар шаклида, афоризмларда ифодаланган кайфиятлар тарзида ёйилмоқда. Бу кайфиятлар, одатда, бурилш даврларида пайдо бўлади. Чунончи, 19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида, капитализмининг барча зиддиятлари ниҳоятда кескинлашган ва у империализмга айланаштган даврда И. яққол кўзга ташланади; бу даврда буржуазиянинг либерал-реформистик идеаллари, эркин рақобат қозуниятларини билиш ва фойдаланиш, табиий-илмий библийларни ёниш, техника ихтироларини жорий қилиш йўли билан жамиятни яхшилаш, такомиллаштириш, «ақлга мувофиқ қилиш» мумкин, деган умидлари чиппакка чиқди. Интикт туйгунинг, иродаини ва интуициянинг интеллектдан устунлигини асосдаб берувчи таълимотлар майдоnga келади. Улар орасида ҳаёт философияси деб аталувчи оқим (Ницше, Бергсон, Шленгер) биринчи ўринни нигол қиласди; бу философия материализм ва диалектикага қарши, жамиятни социалистик асосда қайта кўриш идеясига қарши қаратилган бўлиб, бир қанча ҳолларда империалистик йиртқичликни сурбетларча ҳимоя қилиб ҳам келгандир. 20-асрнинг 30-йилларида ҳаёт философияси ўрнини И. нинг иккичи варианти — экзистенциализм эгаллайди. Уннинг вакиллари кўр-кўруна эътиқодини, умидсизликдан туғиладиган завқ-шавқни очиқдан-очик кўкларга кўтариб мақтайдилар, чексиз шодлик ва жўш-хуруш ҳолатида

инсонга биринчи марта ҳақиқат очиқ намоён бүлди, деб билади-лар. И. фашизм философияси учун озиқлантирувчи замин бүлди; бу философия маддохлари назарий фикрни лаънатладилар, инсон йўлбошчигинг кароматларига амал қилишини, «қон ва прў» товушига қулоқ солишни талаб қилдилар. И. у ёки бу формада ҳозирги земон буржуя философиясининг деярли барча оқимлари учун характерлидир.

**ИСБОТ** (доказательство) — бирон-бир мантиқий ҳукмнинг (фикрнинг) чинлигини (ёки нотўғрилигини) асослаб бериш. Кенг маънода И. — деганда ҳукмнинг чинлигини аниқлаш тушунилади ва бу аниқлаш фақат мантиқий муҳокамага таянмасдан, балки шу билан бирга сезги органларининг далилларига, тажрибага ва шу кабиларга ҳам таянади, тор маънода И. деганда бирон-бир ҳукмнинг чинлигини асослаб беришга олиб келадиган мантиқий муҳокама тушунилади. Бирон-бир ҳукмнинг нотўғрилигини исбот-лаш раддия деб аталади. И. тарқибиға: исбот қилинувчи фикр (тезис) ва тезис келиб чиқадиган асослар (далиллар) киради. И. нинг асослари чин бўлмоғи керак, агарда исбот қилинувчи фикр мантиқ қондаларига амал қилиниб мазкур асослардан хулоса чиқиб чиқарилса, у вақтда бу фикр чин деб қабул қилинади (мас., «Баъзин металлар сувга чўкмайди» деган ҳукмнинг чинлиги «Калий — металлдир» ва демак: «Калий сувга чўкмайди» — деган чин асослар ёрдами билан исботланади. И. да эҳтимол бўлган хатолар тезисни сохталаштириш билан, сохта далилларни қабул қилиш билан, далилларининг чинлигини исботланадиган тезис асосида И. қилиш билан, И. нинг нотўғри усули билан боғлиқдир. **Формал логикада** И. ва раддиянинг ҳар хил турлари назарияси ишлаб чиқилган (мас., бевосит, фаразларга асосланган, эмпирик, назарий И. ва ҳоказо). 20-асрда математика асосларини тадқиқ этишининг ривожланиши таъсири остида математик И. нинг маҳсус назарияси тўзишлики, бу назария **математик логика** аппарати базасида қурилади.

**ИСЛОМ** (араб. мўминлик, итоаткорлик) — жаҳон динларида вири бўлиб, асосан Яқин ва Ўрта Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё, Шимолий Африка мамлакатларида тарқалган. Мусулмонларининг гиёвотига кўра, И. нинг асосчиси — Маккада иотиқомат қиласа ва «скудонинг элчиси» бўлган, 7-асрнинг бошларинда янги динни тартиб қилиб чиқсан Мұхаммаддир. Аммо лекин ярим афсонавий пайғамбарга ва унинг шогирдларига нисбати бўлган ҳеч қандай ҳақиқий ҳужжат аслда йўқдир. И. аҳкомлари (диний таълимотлари)нинг асослари мусулмонларининг «муқаддас» китоби Қуръонда баён қилинган (қуръон сўзининг айна маъноси — қироат қилиш, йўқриш демакдир). Фанининг аниқлаб берисича, Қуръонда унча-мунча ишончли тарихий маълумотлар билан бир қаторда инсон ва

тәбнәт ҳақида жуда күп диний миғлар ва афсоналар ҳам боркын, буларнинг күпчилиги яхудийлик ва христианликдан олингандир. И. нинг эсси асосий ақидаси — «еру осмонни» яратган, ҳар бир кишининг тақдирини олдиндан белгилаб қўйган худо — оллоҳ ҳақидаги таълимотидир. Ҳамманинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилганлиги ҳақидаги, қудратли худо олдида инсоннинг ожизлиги ҳақидаги фаталистик таълимот И. да фоят катта роль ўйнайди. Қуръон синфий зулмни, социал тенгиззликни, хусусий мулкчилик муносабатларини оллоҳнинг иродаси билан барқарор қилинган, деб табаррук қилиб қўяди, эксплуататорларнинг бойлигига қандай тарзда бўлмасин тажовуз қилинши тақиқлайди. И. нинг характерида хусусияти шукин, у Қуръонга асосланниб, «коғирлар»га қарши «муқаддас» уруш («ғазавот») таълимотини илгари суради ва ҳалқлар ораснга низо солади. Қуръоннинг, аёлларнинг зоти паст, деган қондадарн мусулмон қонунчилигига (шарнатага) асос қилиб олинди ва бу қонунчилик аёлларнинг қамалиб ўтиришини, ёпиниб юришини, кўп хонни олишни ва ҳ. к. табаррук қилиб қўйди. 19-асрнинг охирилари 20-асрнинг бошларида И. тарқалган мамлакатларда капитализмнинг ривожланиши муносабати билан мусулмон реформаторлар И. ни янги шаронтларга мослаштириш бошладилар. Мустамлакачилардан ўзини сиёсий ва иқтисодий озод қилиш учун курашаётган бир қанча мамлакатларда антиимпериалистик широрлар Суржуа миллатчилиги билан боғлиқ ҳолда И. диний пардаснга бурканиб майдонга чиқмоқда. СССРда мусулмэн динининг саркитлари Урта Осиё ва Қозогистонда, Башқирдистон, Татаристон АССРда, Озарбайжон ССРда, Шимолий Қавказда учраб туради. Мусулмон руҳонийлари диний бидъатларни сақлаб қолишга, совет кишиларининг бир қисмини онгинни хирадлаштиришга ҳаракат қилиб, И. ни социалистик воқеликка ҳар қандай йўллар билан мослаштиришга уринмоқдалар, диний маросимиларни миллий традициялар деб кўрсатмоқдалар ва ҳ. к.

**ИСТОРИЗМ** (тарихийлик) — воқеликни тадқиқ қилишга ва изоҳлашга ёндошиш принципи бўлиб, бу принцип предмет ва ҳодисаларни уларнинг қарор топлиши ва ривожланишининг конкреттарихий шаронида ўрганишини талаб этади. Бу талаб шунга асосланадики, объектив оламдаги ҳамма предмет ва ҳодисалар ўзаро алоқадор бўлиб, доимо ўзгариб туради. Чунончи, капитализм тарихан ундан олдин ўтган оддий товар ишлаб чиқаришдан ўсиб чиқади. Шу сабабли товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш қонунларини дастлаб ўрганмасдан туриб, капиталистик ишлаб чиқаришнинг моҳиятини очиб берип бўлмайди. Аммо умумий равишдаги капитализм йўқдир. Капиталистик тараққиётнинг реал процессиин унижай айрим мамлакатлarda пайдо бўлишининг конкрет-тарихий хусусиятларини ўргангандагина тушуниб олиш мумкин. И.

принципи фақат ўтмиш ва ҳозирни тұғри изоҳлаб бериш имконияттың яратыб қолмасдан, балки шу билан бирга предмет ва ҳоди-сатып имконияттнің ҳам беради. Унинг асосида капитализмнинг тарихан ўткинчы характеристикасының ажратыб күр-тараптарынан тараққиеттің тенденциясын ажратып көрді. Фақат ўрганилаётгандан предметларни, ҳодисаларни эмас, балки билинч натижаларини ҳам конкрет-тарихий тарзда қаралған болып көрек. Абстракт ҳақиқаттың, ҳақиқат ҳамиша конкреттеді (Хақиқаттың конкреттілігі). И. принципи шуны билдирады. Фаининг табиаты екі жамняды қақидағы ҳәр бир қоидасини абстракт тарзда олмасдан, балки бошқа қоидалар Си.зиң алсақадор ҳолда, иңсон практикасининг ривожлачылыш тәражасы билан бөглиқ ҳолда олмоқ керак «Марксизмнің бутун рухи, унинг бутун системасы шуны талаб қылады, ҳәр бир қоиданы фәқаттың (а) тарихан; (б) фәқаттына бошқа қоидалар билан алсақадор ҳолда; (γ) фәқаттына тарихнинг конкреттесе тақирибасы билан бөглиқ ҳолда олиб қарамоқ керак» (Ленин). И. принципи обьектларни тәдқиқ этиш, үларнинг структураларини, ҳаракат ва ривожланиш усуулларини анализ қылыш учун әңг хилма-хил илмий методлардың құлланышын тақозо қылады.

**ИШЛАБЧИҚАРИШ** (производство) — мөддий неъматлар яратыш процесси бўлиб, уларни кишиларнинг яшаши мумкин эмас-дир. И. процессида яратиладиган мөддий неъматлар — нарсалар, предметлардан иборат бўлиб, улар ё инсон томонидан бевосита истеъмол қилинади екі И. ни янада ривожлантириш учун хизмат қылади. Мөддий И. қуидаги оддий моментларни ўз ичига олади: 1) мақсадга мувофиқ фаолиятни, яъни меҳнатни; 2) меҳнат предметларини: турли хилдаги табиий материјалларни ҳам, ишланған материалларни ҳам; 3) меҳнат предметларига таъсир күрсатиш учун хизмат қыладиган меҳнат воситаларини; уларнинг әңг асосий таркибий қисми — ишлаб чиқариш қуролларидир (ассоблар, машиналар, автоматлардир). Меҳнат предметлари билан меҳнат воситалари мажмүи И. воситаларини вужудга келтиради ва бу воситетлар жамият бойлигининг асосий қисмими ташкил этади. И. воситалари инсон фаолияти билан құшилғандагина ишлаши мумкин. И. воситалари билан уларни ҳаракатта келтирүвчи кишиларнинг бирга құшилиши — бу И. чинг бир томонидир. Яъни инсоннинг таснит устидан ҳұмронлық даражасини характерловчи шшлабчиқарыштың күчлардир. Аммо инсон табиатта якка-якка ҳолда таъсир күрсатмайды. И. ҳамиша кишиларнинг биргалашиб күрсатадиган фаолиятидир, шу сабабынан албатта бошқа томонни, яъни ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам ўз ичига олади. И. жамияттнің бутун тараққиетті давомида мавжуд бўлади, аммо у бир хилда қолмайды, балки доимо ўзгариб тұрады ва тарихий процессининг ҳар

бид босқичида ўз хусусиятларига эга бўлиб, муайян ишлабчиқарши усули сифатида юзага чиқади «И.» термини фақат моддий неъматлар ишлабчиқарни билдириб қолмайди. И. деганда кенгроқ маънода кишиларнинг бутун ижтимоий фаолияти, шу жумладан уларнинг фан, санъат, сиёсат соҳасидаги фаолияти ҳам, шуниндек «синсочиниң ӯзининг» И. соҳаси (*оила*, инсонга тарбия ва таълим беришнинг бутун системаси, медицина ба манишй хизмаг ва ҳ. к.) ҳам киради.

**ИШЛАБЧИҚАРУВЧИ ҚУЧЛАР** (производительные силы) — ижтимоий ишлабчиқарши ривожлантиришда иштирок этувчи кучлар, яъни ишлабчиқарши воситалари ҳамда уларни ҳаракатга келтирувчи ва уларни (ишлабчиқариш, инженерлик ва илмий фаолият ўйли билан) такомиллаштирувчи кишилар. Улар инсоннинг табиатга муносабатини, унинг табиат устидан ҳокимлигини ҳарактерлайди. Энг асосий ишлабчиқарувчи куч — ишлабчиқариш тажрибасига, малакага, билимларга, маданий ва техника савиисига эга бўлган кишилардир. И. к. нинг энг ҳаракатчан қисми — ишлабчиқариш қуролларидир (машиналар, ускуналар, асбоблар ва ҳ. к.). Инсон ишлабчиқариш қуролларини такомиллаштира бориб, ўз ишлабчиқариш малакаларини ҳам ӯзгариради. Ишлабчиқариш тараққиётининг (уни автоматлаштиришнинг) ҳозирги замон техника даражасида техникада ҳам, одамларда ҳам мужассамлашашётган илмий билимларни татбиқ этмасдан туриб, ишлабчиқариш қуролларини, ишлабчиқариш методларини ҳеч қандай такомиллаштириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда фан тобора кўпроқ бевосита ишлабчиқарувчи кучга айланмоқда. И. к. нинг ривожланиши бутун жамияти тараққиётининг негизидир. Ишлабчиқариш, у ёки бошқа ижтимоий ишлабчиқариш юзага чиқадиган муносабатларнинг (ишлабчиқарииш муносабатларининг) характеристери ҳам И. к. даражасига боғлиқдир. Одамлар ўртасида янги ишлабчиқариш муносабатлари ва, демак, янги ижтимоий тузум уларнинг мавжуд бўлиши учун моддий шарт-шароит, яъни муайян И. к. етилгандан кейингина қарор топади. (*Ишлабчиқарииш муносабатларининг ишлабчиқарувчи кучлар характеристига мувофиқ келиши қонуни*). Модемики ижтимоий ишлабчиқариш моддий неъматлар ишлабчиқаридан иборат эмас экан, демак, жамиятнинг И. к. и ҳам фақат моддий ишлабчиқариш И. к. и биланина чекланиб қолмайди. Кенгроқ маънода улар жамиятнинг маънавий имкониятларини (фан, билимни), индивидларнинг бирон-бир ташкилотидан (кооперациясидан) келиб чиқадиган кучларни ва ш. к. ўз ичига олади.

**ИШЛАБЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ** (производственные отношения) — моддий неъматлар ишлабчиқариш процессида кишилар ӯзаро ўрнатадиган муносабатлар, ишлабчиқаришнинг ижтимоий формаси.

Кишиларнинг ишлабчиқарниш фаолияти ҳамиша биргалашшиб ишлаш характерига эга бўлади. Жамият тараққиётининг биринчи босқичида, инсон жуда ноумкаммал меҳнат қуролларига эга бўлган чоқда, у бошқа кишиларнинг бевосита мададисиз табиат билан кураша олмас эди. Ишлабчиқариш тобора ривожланниб, тобора кўпроқ бўлакларга бўлинган сари кишиларнинг бир-бирига қарамлиги камаймади, балки, аксинча, уларнинг алоқалари чуқурлашди, кенгайди, ўзаро фаолият алмашинуви ўеди. И. м.— одамлар ўртасидаги жуда хилма-хил алоқаларнинг мураккаб системасидир. Бу система кишиларнинг ишлабчиқариш воситаларига муносабатларини (*мулк формасини*), ишлабчиқариш системасида турли социал группаларниң, синфларнинг тутган мавқенини ўз ичига олади. И. м. шунингдек ишлабчиқарилган моддий неъматларни айирбошлаш ва тақсимлаш процессида кишилар ўртасидаги алоқаларни, ишлабчиқарувчиларнинг ишлабчиқариш фаолиятининг ихтинослашуви, меҳнат тақсимоти ва ш. к. тақозоси билан вужудга келган бир-бирларига муносабатларини ҳам ўз ичига олади. И. м. нинг энг муҳим томонини, уларнинг асосини мулк формаси ташкил этади. Худди ана шу форма И. м. нинг туб моҳиятини ифодалайди, уларнинг характеристики белгилайди. Ишлабчиқариш воситаларининг хусусий мулклиги асосида кишилар ўртасида антагонистик И. м., ҳукмронлик ва итоаткорлик муносабатлари қарор топади (қулдорлик, феодал, капиталистик жамиятларидаги И. м. ана шундай муносабатлардир). Агарда мулк ижтимоий бўлса, у вақтда кишилар ўртасидаги И. м. ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари бўлади (бундай муносабатлар ибтидои жамиятда бошланғич, соддагина формада мавжуд бўлиб, социализм шароитида улар ривож топиб кетади). И. м. моддий, объектив муносабатлардир. Улар айрим шахсларнинг иродаси, хоҳиши билан, уларнинг кўнглига келган тарзда ўрнатилмайди. И. м. нинг бирон-бир тарихан конкрет формаси *ишлабчиқарувчи кучлар* тараққиётининг даражаси билан, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги даражаси билан белгиланади. Уз навбатида И. м. ҳам ишлабчиқарувчи кучлар ривожига актив таъсир кўрсатади (унинг ривожини ё тезлаштиради ёки секинлаштиради). Ишлабчиқаришнинг икки томони ўртасидаги бу дигалектик ўзаро алоқадорликни *ишлабчиқариш муносабатларининг ишлабчиқарувчи кучлари характеристига мувофиқ келиши қонуни* ифодалайди. И. м. дастлабки муносабатлардир, чунки улар кишилар ҳаётининг ҳал қўлиувчи соҳасида — моддий ишлабчиқариви соҳасида вужудга келади. Улар асосида пировард ҳисобда бошқа ҳамма ижтимоий муносабатлар (сийасат, идеология ва д. к.) пайдо бўлади. Шундай қилиб, И. м. бутун ижтимоий биноннинг асосида туради, улар ўнинг базисини ташкил этади (*Базис ва устқурма*).

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИШЛАБЧИ-КУРУВЧИ КУЧЛАР ХАРАКТЕРИГА МУВОФИҚЛИГИ ҚОНУНИ**  
 (закон соответствия производственных отношений характеру производительных сил) — ижтимоий ишлаб чиқарыш тараққиётининг объектив қонуни бўлиб, бу қонун барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда амал қиласди ва ишлабчиқаришнинг икки томони — ишлабчиқарувчи кучлар билан ишлабчиқарииш муносабатларининг ўзаро муносабатини белгилайди. Ишлабчиқариш процесси, инсоннинг меҳнат воситалари ёрдамида табиат билан ўзаро таъсири, хамиша муайян ижтимоий формада содир бўлиб, кишилар ўртасида муайян муносабатлар бўлишини назарда тутади. Шунинг учун ишлабчиқарувчи кучлар билан ишлабчиқариш муносабатлари ҳамиша бирликда майдонга чиқади. Бу бирликниң ҳал этувчи, энг ҳаракатчан томони — ишлабчиқарувчи кучлардир. Ҳамма замонларда одамлар ўз меҳнатларини енгиллаштиришга, унинг унумдорлигини оширишга ҳаракат қилганлар. Улар меҳнат қуролларини доимо такомиллаштириб борадилар. Бироқ тараққиётнинг муайян босқичида ишлабчиқаришнинг барқарорроқ томони бўлган ишлабчиқариш муносабатлари ишлабчиқарувчи кучларни бўғиб, тўсқинлик қила бошлияди. Антагонистик жамиятда эски ишлабчиқариш муносабатларини ҳимоя қилувчи синфлар, кишилар группалари бўлади, чунки эски ишлабчиқариш муносабатлари уларнинг бошқа синфлар устидан ҳукмронлигини таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси ишлабчиқарувчи кучлар билан ишлабчиқариш муносабатлари ўртасида конфликт туғдидиради. Бу конфликтни ҳал қилиш воситаси — революциядир (*Социал революция*), бу революция давомида илфор синфлар реакцион кучлар ҳокимиятини ағдариб ташлайди, эскирган ишлабчиқариш муносабатлари ўринида шундай ишлабчиқариш муносабатлари ўринатади, улар умри тугаган жамият бағрида ўсиб этишган ишлабчиқарувчи кучларнинг характеристига мувофиқ келади ва бу кучларнинг янада ривожланишига кўмаклашади. Мас., капиталистик жамиядага ишлабчиқаришнинг ҳар иккала томони ўртасида конфликт пайдо бўлади, чунки ўз характеристери жиҳатдан ижтимоий бўлан ва улардан бутун жамият манфаатлари йўлида планли равишда фойдаланишини талаб этадиган ишлабчиқариш воситалари унда хусусий мулкдир. Бу конфликтни *социалистик революция* ҳал қиласди, чунки у ишлабчиқариш воситаларини ижтимоий мулк қилиб қўяди. Социализм шароитида эскилини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган синфлар бўлмайди. Шу сабабли ижтимоий ишлабчиқаришнинг икки томони ўртасидаги зиддиятлар бунда конфликт дараражасига бориб етмайди. Бу зиддиятлар ишлабчиқариш муносабатларини, уларнинг айрим томонларини такомиллаштириши йўли билан бартарәф қилинади (корхоналар ўртасидаги

ишлабчиқариш алоқалари, тақсимот ва айирбошлаш ва ҳ. к. муносабатлари такомиллаштирилади).

**ИШЛАБЧИҚАРИШ УСУЛИ** (способ производства) — 1) меҳнат процессида ишлабчиқарувчи күчлар элементларини бирлаштириши ва фойдаланиш усули, аввало техникани инсон билан бирлаштириши усули (технологик И. у.); 2) кишиларга зарур моддий неъматларни топиш усули бўлиб, кишиларга ўргасидаги тарихан муйайн муносабатлар (ижтимоий И. у.) унинг характерли хусусиятидир. Тарих учта ҳар хил технологик И. у. ни билади. Энг оддий қуролларни ишлатиш билан боғли бўлган қўйл меҳнатида энергия манбаи, ҳаракатлантирувчи ва йўналтирувчи куч ролини инсоннинг ўзи (унинг мушаклари, мияси, танасининг энергияси) бажаради. Машиналар пайдо бўлиши билан ишчи техника системасининг фақатгина бир элементи, «қисмий машинанинг бир қисми» (Маркс) бўлиб қолади. Ниҳоят, автоматлаштирища инсон ишлабчиқаришнинг бевосита процессидан чиқарилади ва инсон организмининг чекланган имкониятлари техниканинг тараққийсига ҳалақит бермайди, техника узулуксиз равища, керакли суръатда, керакли температура режими билан ва ҳ. к. ишлай бериши мумкин. Ижтимоий И. у. — технологик И. у. га қараганда хийла кенгрок тушинчадир. У фақат ишлабчиқарувчи күчларни эмас, балки кишиларнинг ишлабчиқарыш муносабатларини ҳам — ишлабчиқаришнинг ривожланишининг муйайн босқичида унинг бутунисини қамраб олади. Унинг асосида ишлабчиқарыш воситаларига бўлган муносабат ҳам ётади, аммо бу муносабатнинг характеристири бошқача, яъни мулк муносабатидир. Ишлабчиқарувчи күчлар тараққиётининг даражасига боғли бўлган мулк формаси ўзига мувофиқ келадиган И. у. ни ҳам белгилайди. Ҳар бир янги И. у. бутун жамияти тараққиётида сифат жиҳатдан янги босқични, янги поронани ҳам билдиради. И. у. ўзгариши билан кишилар ҳаётининг бутун уклади ўзгаради: янги муассасалар (*социал институтлар*) пайдо бўлади; кишиларнинг қарашлари, психологияси ўзгаради, бинобарин, одамнинг ўзи ҳам бошқача бўлиб қолади. Шундай қилиб, И. у. — шунчаки кишилар ўзларига тирикчилик воситалари топиш учун қўлланадиган усул эмасdir. Бу «кишилар ҳаётини фаолиятининг муйайн туридир, уларнинг муйайн тирикчилик образидир. Индивидларнинг ҳаётий фаолияти қанақа бўлса, уларнинг ўзлари ҳам шунақа бўлади» (Маркс ва Энгельс).

**ИШЧИЛAR СИНФI** — қ. *Пролетариат*.



**КАПИТАЛИЗМ** — *феодализм* кетидан келувчи ижтимоий-иқтисади формация ва эксплуатацияга асосланган сүнгги ижтимоий тузум. Капитализм даврида жамият иккى асосий синфга — *бүржугазил ва пролетариатта бўлинади*. Ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш воситаси билан қўшимча қўймат олиш — К. нинг асосий иқтисодий қонунидир. Капиталистлар мумкин қадар кўпроқ фойда олишига интилиб, ишлабчиқаришни кенгайтирадилар, ишлабчиқаришга янги техникани, фан ютуқларини жорий қиласидилар ва шу билан меҳнат унумдорлигини оширадилар, мол сотиш бозорларини кенгайтирадилар, янги хом ашё манбаларини излаб топадилар ва ҳ. к. К. ўзининг яшаш даврида машина техникасига асосланган *ишлабчиқарувчи кучларни* вужудга келтиради ва бу кучлар инсониятнинг ундан олдинги бутун тарихи мобайнида вужудга келтирилган нарсалардан кўп марта ошиб кетади. К. даврида ишлабчиқарувчи кучлар янги сифат касб этади: улар ўз характеристига кўра ижтимоий бўлиб қолади. К. даврида товарлар-мингларча ишчилар ишлайдиган катта-катта корхоналарда ишлаб чиқарилади. Меҳнат тақсимоти ўсади, бу эса турли корхоналар ва хўжалик тармоқлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайишига олиб келади. Аммо ўз характеристига кўра ижтимоий бўлган ишлабчиқариш хусусий кишилар қўлида бўлади, ундан келадиган бутун фойда капитал эзларига тегади. Ишлабчиқаришнинг ижтимоий характеристери билан хусусий капиталистик ўзлаштириш формаси ўртасидаги бу зиддият — К. нинг асосий зиддиятидир. Бу зиддият биринчи галда айrim корхоналардаги уюшколик, хўжаликни план асосида юргизиш билан умуман ишлабчиқаришда бозор стихияси ҳукмронлиги ўртасидаги, ишлабчиқаришни чексиз (айниқса техника тараққиёти тезлашиб кетган шароитда) кенгайтириш тенденцияси билан кенг халқ оммасининг эҳтиёжларини қондириш даражаси ўртасидаги зиддиятда ўз ифодасини топади. Бу зиддиятларнинг натижаси — иқтисодий кризислардан (ишлабчиқариш кризислари, Пул-молия кризисларидан), ишсизликдан иборагдир. К. нинг асосий зиддияти пролетариатнинг буржуазияга қарши синфи курашида ифодаланади ва кураш пираворд ҳисобда социалистик революция ғалабасига олиб келади. Буржуазия капиталистик тузумни мустаҳкамлаш учун

устқурманинг бутун системасидан: давлатдан, сиёсатдан, ҳуқуқдан ва ҳ. к. фойдаланади. К. ўз тараққиётида икки босқични: монополиядан олдинги К. босқичини ва империализм босқичини босиб ўтади. Биринчи босқич эркин конкуренция билан характерланса, иккиси босқич монополиялар ҳукмроилиги билан характерланади. Буржуа идеологлари, ҳозирги замон К. и ўз табиатини ўзгартирди, у «планли», «халқ» К. ига айланди, дейдилар. Бу даъволарига далил қилиб улар давлатнинг кризисларни бартараф қилиш мақсадида экономикага аралашувининг кучайини, жамият социал структурасининг ўзгариши (мас., хизматчилар сонининг ўсиши), ривож топган капиталистик мамлакатларда меҳнаткашлар турмуш даражасининг бир қадар ўсиши ба ш. к. фактларни кўрсатадилар. Ҳозирги замон К. ининг бу хилдаги хусусиятларга эга бўлганлигининг сабаби унинг янги шароитлар: а мослашувга мажбур бўлишидир (илмий-техника революциясининг авж олиши, икки ижтимоий системанинг кураши). Бироқ, ҳар қандай ўзгаришларга қарамай, К. нинг табиати ўша ҳолича қолади, яъни унинг кишини киши томонидан эксплуатация қилиш, социал антагонизмларни туғдириш табиати ўзгаришидни. Капиталнинг ҳукмронлик қилиш соҳасини қисқартишига асос соглан Улуғ Октябрь социалистик революцияси давридан бошлаб К. умумий кризисга кирди ва бу кризис унинг экономикаси, сиёсати ва идеологиясини қамраб олди. К. нинг умумий кризиси шундан далолат берадики, у жаҳон миқёсидаги ишларни монопол тарзда ҳад қилишдан маҳрум бўлиб қолди, у энди тарих ғидирағини орқага суршига ожиздир ва умуман капиталистик система социалистик революция учун, социализмга ўтиш учун етилиб қоиди.

**КАТЕГОРИЯЛАР** (грек. katēgoria — таъриф бериш, фикр айтиш) — объектив реалликдаги ҳодисаларнинг асосий хусусиятларни ва қонуниятларини акс эттирадиган ва даврнинг илмий-лазарий тафаккурининг характеристерини белгилаб берадиган умумий тушунчалар. *Материя, ҳаракат, онг, сифат, миқдор, сабаб, натижা* ва ҳ. к. — ана шуларнинг ҳаммаси К. нинг мисоллари. К. ни анализ қилиши — философиянинг энг муҳим вазифаларидан бирпидир. Марксдан илгариги философия тарихида Аристотель, Кант, Гегель, К. нинг унча-мунча мукаммалроқ системаларини ишлаб чиққан эдилар. Аристотель биринчи бўлиб, К. ни, объектив суратда мавжуд бўлган предметлар ва ҳодисалар умумий хусусиятларининг инъекси, деб қарашга уринган эди, лекин бу материалистик нуқтаи назарга у ҳамма вақт ҳам амал қилмаган эди ва бундан ташқари у К. нинг ички диалектик ўзаро алоқадорлигини очиб беришга мувваффақ бўлолмаган эди. Кантнинг хизмати шундан иборатки, у К. нинг мантиқий функцияларини, уларнинг тафаккурдаги, ҳиссисёт маълумотларини ишлаб чиқишидаги ролини тадқиқ қилди. Лекин Кант К. ни объектив оламдан бутунлай ажратиб ташлаган эди:

унинг нуқтаси назарича, К. тажрибага боғли бўлмаган ақлиниг маҳсулидир. Гегель Кантга иисбатан анча илгарилаб кетган эди, чунки у К. ни статик тарзда, азалдан мавжуд бўлган нарсалар, деб қарамасдан, балки ҳаракат процессидаги, ўзаро ичдан боғли бўлган нарсалар, деб қаради. Гегель назарича, бутун философия — К. нинг ҳаракатчан диалектик системасидир. Шу билан бирга аслда идеалист бўлган Гегель К. ни бир-бирини туғдирадиган ва теварак-атрофимиздаги оламнинг ҳамма хусусиятларини белгилаб берадиган мустақил моҳиятлар деб кўрсатарди. Гегелдан кейин, аслини олганда буржуа философияси К. табиатини тушунишга ҳеч қандай янгилик киритган эмас. Буниси у ёқда турсин, идеалистик философиянинг ҳозирги замондаги баъзи оқимлари (мас., *неопозитивизм*). аслда, К. нинг аҳамиятини, уларнинг билишдаги ролини инкор қиласди. К. ларга материалистик *диалектика* томонидан илмий анализ берилди. Бу диалектика К. нинг объектив мазмунини ташки дунёнинг инъикоси, деб таъкидлайди. «..Тафаккур категориялари инсоннинг ёрдамчи қуроли эмас, балки табиатнинг ҳам, инсоннинг ҳам қонуниятларининг ифодасидир..» (Ленин). Шу билан бирга К. эпчил, ҳаракатчан нарсалар деб қарадали, чунки объектив предметлар, ҳодисаларнинг хусусиятларининг ўзлари ҳам ҳаракатчан ва ўзгарувчандир. К. тайёр ҳолда бирданига пайдо бўлмайди. Улар билиш тараққиётининг узоқ тарихий процесси жараёнда шаклланади. Шу билан бирга, К. да ундан олдинги тажриба мусгаҳкам-ланганилиги сабабли, улар инсон билишининг ҳақиқат сари янада қиласдиган ҳаракати учун зарурдир. «Инсон олдида табиат ҳодисаларининг *тўри* турибди ...Категориялар — оламини айришишинг, яъни билишинг поғоначаларидан, тўрда марказий мавқеда туриб, уни билиб ва эгаллаб олишга ёрдам берадиган нуқталардан иборат» (Ленич). Материалистик диалектика илмий билиш методи бўлмоғи. инсон фикрини янги натижаларни қидиришга йўналтиромоги учун унинг К. и ҳамиша ҳозирги замон фани, унинг якунлари ва эҳтиёжлари даражасида турмоги лозим. Диалектика К. и (сифат ва микдор, сабаб ва чатнижа, илмокият ва вөкелик, эркинлик ва зарурият ва б.) қонунлар билан чамбарчас боялиқдир. К. моддий олам ҳодисаларининг яхлитлигини ва бирлигини, уларнинг қандайдир жадвалини тузиб бериш керак, деган маънони билдирамайди. К. нинг алоқаси қандайлигини марксча-ленинча философия фани очиб беради, шу сабабли бир категориядан иккичи категорияга ўтиш асосланган бўлмоғи лозим. Шу хилдаги системани тузишида қўйнагилар бош принциплар бўлиб хизмат қиласди; 1) *диалектика, логика ва билиш назариясининг бирлиги*, чунки диалектика К. ининг ҳаммаси объектив мазмунинг эга бўлиб, билиш процессида муайян функцияни бажаради;

2) тафаккурнинг абстрактликдан конкретликка қараб юқорилаб бориши (*Абстрактлик ва конкретлик*), чунки К. биринчисидан иккичисига қараб қиласидаги ҳаракатида таърифлар билан бойийди, тобора кўпроқ маамуни бўлиб қолади; 3) *тарихийлик билан мантиқийликнинг бир-бирига тўғри келиши*: К. шундай бир изчилликда жойлашади, бу изчиллик қисқартирилган ҳолда уларнинг шаклланиш ва тараққий қилиш тарихини (хиссий мушоҳада қилиш мумкин бўлган оддий хусусиятларни қайд этувчи К. дан тобора чукурроқ қонуниятларни акс эттирувчи тушунчаларга қараб ривожланишини) акс эттиради. К. системаси такомиллашиб ва бойиб бормоги лозим, токи у ҳозирги замон илмий-назарий билишининг моҳијитини тўлароқ акс эттира олсин.

**КАТОЛИЦИЗМ** (грек. *katholikos* — умумий, бутун дунё черковларнга оид) — *христианликнинг асосий йўналишларидан бирни бўлиб, бу йўналиш ўзининг мухлислари сони жиҳатидан анча каттадир*. К. га қўйидаги ақидалар ва диний хусусиятлар хосдир. Аъроф бор ва маҳшар куни үлганларнинг жони жаннатга кириш учун шу аърофда тозаланади; муқаддас руҳ фақат ота-худодан эмас, балки ўғил-худоден ҳам чиқши тўғрисидаги ақида; худонинг онаси биби Марямга сифинишнинг жуда авж олганлиги ва ҳ. к. Католик черковининг хусусияти қатъий марказлаштиришдан иборат. Кетолик черкови тепасида Рим папаси туради. Рим папаси айни вақтда миттигина черков давлатининг, яъни К. маркази Ватиканинг ҳукмдори ҳамдир. Ватикан билан католик черкови жаҳон сиёсатида катта роль ўйнайди, улар ўзларининг диний-сиёсий таъсирларини оммага руҳонийлар, монахларнинг уюшмалари, клерикал партиялар, касаба союзлар, студентлар, аёллар ташкилотлари, хайр-худоди жамиятлари ва бошқа ташкилотлар орқали ўтказдилар. Ҳозирги замон К. нинг характерли хусусияти шундан иборатки, у социал демография билан шуғулланиб, ўзинин барча камбағаллар ва мазлумларнинг ҳимоячиси қилиб, капитализм ва коммунизмдан устун турувчи қандайдир «ғайри сиёсий» учинчи куч қилиб кўрсатади. Амалда эса К. нинг социал программаси буржуа жамиятининг асосларини ҳимоя қилмоқда. К. нинг идеологлари буржува жамиятида «сининфларнинг уйғунлигиги», «пролетариатнинг пролетарликдан чиқиши» ва шу каби ашаддий апологетики ғояларни илгари сурмоқдалар. Катта социал ўзгаришлар, илм-фанинг тезлик билан тараққий қилаётганлиги, омманинг активигиг ўсаётганлиги, диннинг обруси тушаётганлиги шароитида К. турли йўллар билан ҳозирги замон шароитига мослашувга, диний эътиқодни ва динга сифииши замонлаштиришга, меҳнаткашларга ғоявий таъсир кўрсатиш воситаларини яигилашга уринмоқда. СССРда К. кўпинча Латвия, Литва, Фарбий Украина ва Фарбий Белоруссияда тарқалган.

**КИБЕРНЕТИКА** (грек. kybernetike — бошқариш санъати) — мураккаб динамик системаларда бошқариш ҳақидаги фан. Винернинг «Кибернетика ёки ҳайвон ва машинада бошқариш ва алоқа» деган китоби (1948) чиққандан кейин К. мустақил фан сифатида шаклланди. Мазкур асарнинг номидаёт К. нинг қўйидаги хусусияти яққол намоён бўлади. У бешшарилувчи системаларнинг конкрет анализини назардан соқит қилиб, уларни фавқулодда умумий шуккетни назардан олиб қарайди. Машина, тирик организм, тирик организмлар бирлашмаси ўртасидаги тафовутлар К. ни қизиқтиримайди. К. уларнинг ҳаммасига хос бўлган бир томонни — бошқариш функцияларини амлана оширишни ажратиб олиб ўрганади (бу бобда К. мас, геометрияга ўхшашиб, чунки геометрия ҳам реал жисмларнинг конкрет табиатни назардан соқит қилиб қарайди). Бошқариш процесси, унинг К. томонидан қандай ўрганилиши, аввало *информациянинг* ҳаракати билан боғлиқдир. Бошқарадиган қурилмадан бошқариладиган объектга бирор тарзда командалар, буйруқлар, сигналлар (яъни бошқарувчи информация) тушади. Бошқарилувчи объектдан бошқарувчи қурилмага бошқариладиган объектнинг аҳволи ҳақида, бошқарувчи командаларнинг бажарилиши қандай бораётганилиги ҳақида билдиришлар, маълумотлар (яъни бир қадар хабардор қиливчи ёки қайтарма информация) тушиши лозим. Қайтарма информацияни бошқарувчи қурилма (унда программалар тарзида мавжуд бўлган информациядан фойдаланган ҳолда) қайтадан ишлаб чиқиб (ўзгартириб), янги, команда берувчи (бошқарувчи) информацияга айлантиради. Шундай қилиб, бошқариш процессларининг магзини информацияни узатиш ва ўзгартиб бошқа шаклга солиш процесслари ташкил этади. Шу сабабли К. ни информацияни узатиш ва ўзгартиш процесслари ҳақидаги фан деб ҳам таърифлаш мумкин. Информация ҳаракатида марказий ўринини уни ўзгартиш процесслари ғаллайди ва бу ўзгартиш баъзи программаларга (*алгоритмларга*) мувофиқ юз беради. Шу сабабдан К. ни информацияни ўзгартиш умумий алгоритмларни ўрганувчи фан деб ҳам талқин қилиш керак бўлади. К. фоят катта амалий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга (уки автоматлаштиришнинг назарий асоси деб аташ мумкин) энг муҳим фалсафий аҳамиятга ҳам эгадир. К. объектив оламнинг мавжуд информацион процесслар билан боғлиқ бўлган янги томонини очиб берди. Модданинг ва энергиянинг ўзгариш процессларини ўрганишга қўшимча ўлароқ, К. юзага келиши билан информацияни ўзгартиш процессларини ўрганиш илмий билишининг муҳим базифаси бўлиб қолмоқда. Шу туфайли К. оламнинг моддий бирлигини асослашга янги муҳим ҳисса қўшиб, тирик ва тирикмас табиат ўртасидаги янги алоқаларни аниқламоқда, идеалистик философия мақсад, ақл, онг тушунчаларини анъянавий суратда қуршаб олган сир-асрор шуҳрана

тига барҳам бермоқда. К. базасида амалга оширилаётган тафаккур функцияларини моделлаштириш ғоят катта фалсафий аҳамиятга эгадир. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча тафаккур функцияларини қўйта ҳосил қиласётган кибернетик қурилмаларнинг яратилиши материализмининг асосий қоидаларидан бирини, яъни алоҳида равишда ташкил топган материалянинг функциялари бўлмиши тафаккур ҳақидаги қоидани исботлаб бермоқда. Илмий методологиянинг бир қанча энг муҳим масалаларини қўйиш ва ҳал этишда К. нинг рөли зўр: моделлаштиришнинг роли ва ўрни, мураккаб системаларни ўрганиш методлари, структур ға функционал ёндошишларнинг нисбати, эҳтимоллик методларининг роли ва ўрни ва ҳ. к.—ана шундай энг муҳим масалалардир.

**КОЛЛЕКТИВИЗМ** (лат. *collectivus* — жамлама) — кишилар ўртасидаги муносабатлар бўлиб, бу муносабатлар уларнинг туб манфаатлари бирлигига асосланади ва кишиларнинг умумий ишга садоқатида, колектив олдидағи юксак масъулиятини ҳис қилишида, бирдамлигида, бошқалэрга бегараз ёрдам беришга ҳар доим тайёр туришида ва ҳ. к. ифодаланадиган ижтимоий онг ана шу бирликка мувофиқ келади. К. ахлоқий муносабатлар ва ахлоқий онг соҳасида энг яққол намоён бўлади, шунинг учун уни ҳаммадан кўпроқ *ахлоқ* (пролетар, коммунистик ахлоқ) принципи деб қарайдилар. Умумий манфаат, коллектив ёки умуман жамият мулки бўлган ишлабчиқариш воситаларига ягона муносабат К. нинг асосини ташкил этади. К. учун муайян жамиятнинг (коллектив, синф, халқнинг) барча аъзоларининг худди асосий, туб манфаатларининг бирлиги характерлидир. Агар вақтинча, юзаки манфаат кишиларни бирлаштирадиган бўлса, у вақтда К. тўғрисида чинакамига сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Хусусий мулк кишиларнинг туб манфаатини турлича ва ҳатто қарама-қарши қилиб қўядиган жамиядага ҳақиқий коллективицлик эмас, балки «сохта коллективлик» мавжуд бўлиб, унинг замирида кишилар ўртасидаги муносабатларда ётсираш, рақобатчилик, адоват пинҳон бўлиб ётади. Унда индивидуализм ҳукм суради. К. шунчаки оддийгина умумий манфаатдан юзага келмайди, балки шундай умумий манфаатдан юзага келадики, бу умумий манфаат коллектив фаолият жараёнда амалга ошади. Бутун ижтимоий ҳаётнинг асосини меҳнат, ишлабчиқариш ташкил этганини сабабли, К. фақат меҳнат воситаларидан коллектив бўлиб фойдаланиш мумкин бўлган чоқдагина, яъни меҳнат ижтимоий характерга эга бўлган вақтдагина пайдо бўлади. Умумлаштирилган меҳнат йирик саноат ишлабчиқаришини вужудга келтирадига капитализм бағридаёқ ривожлана бошлайди. Шунинг учун даставвал К. саноат пролетариатида пайдо бўлади. Бутун жамият доирасида эса К. фақат социализм шароитида қарор топади, чунки социализмда меҳнаткашларни эксплуатация қилиш бўл-

майди ва кишиларнинг ҳамкорлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари барқарор бўлади. К. шахснинг ривожланишинг энд келмайди, уни бўғиб қўймайди, кишилар ўртасидаги индивидуал тафовутларни йўқ қўлмайди; аксинча, умумий манфаатни қондириш учун бирга бирга шартни биргалишиб кўрсатилган фаолият айни колективнинг ҳар бир аъзоси индивидуал манфаатларини қондириш учун зарурӣ шарт бўлиб хизмат қиласди. Бу фаолият жараёнда кишиларнинг активлиги ривожланади, уларнинг ҳамма қобилияти ва истеъоддодлари кенг авж олади. «Фақат колективида индивид ўзидағи истеъоддодларни ҳар томонлама ривожлантиришга имкон берадиган воситаларга эга бўлади ва, демак, фақат колективда шахсий эркинлик бўлиши мумкин» (Маркс ва Энгельс).

**КОМИКЛИК** (грек. *κομικός* — кулгили) — ўз моҳияти жиҳатдан ҳаётнинг ривожланиш логикасига энд келадиган ҳодисаларнинг эстетик аҳамиятини акс эттирувчи тушунча. Кишилар, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, одатлари, ахлоқ-одоблари ва К. хусусиятига эга бўлган бошқа ҳодисалар шу билан характерланади, уларнинг ҳаётдаги реал маъқеби улар эгалламоқчи бўлган ўринга мувофиқ келмайди. Комик ҳодисалар «хароба ҳолда кеккайиб, тоза ҳаётнинг ўсишига ҳалақит беради ва занифларни чўчитлади» (Герцен). Эстетик идеал билан формаси ўртасидаги эндиҳият кулгини қистайди ва бу кулги уларнинг буткул ожизлигини очиб ташлайди ва шу билан гўзаллик идеалини барқарор қиласди. Шундай қилиб, К. кулгилидир; лекин у К. даражасига кўтарилиган вақтдагина кулгили бўлади; чунки бундай вақтда у ташки характерга эга бўлган формал бемаъниллуклар (мас., одамнинг тасодифан сувга тишиб кетиши ва ш. к.) билан белгиланмайди, балки пиктимоний мазмунни ифодалайди. Комик-хунуклар санъатда сатирик образларда заҳарханда билан маҳв этилади (Лукиан, Рабле, Свифт, Мольер, Гоголь, Шедрин, Ильф ва Петров асарлари). Комик хислатлар умуман ижобий ҳодисага ҳам хос бўлиши мумкин. Бундай вақтда у санъатда юмор билан кўрсатилади (мас., Шолоховнинг «Очилик кўриқ» асаридаги Чишкан бобо образи, каррикатуристларнинг ўртоқчилик ҳазиллари). Санъат К. ни акс эттириши ва унга санъаткорнинг муносабатини ифодалаши билан кишиларга ҳозирги кунимиздан ўтмишнинг илдизини сугуриб ташлашга ва у билан хушчақча суратда ҳайрлашишга ёрдам беради.

**КОММУНИЗМ** — қ. Социализм ва коммунизм.

**КОММУНИСТИК ИЖТИМОИЙ УЗ-ЎЗИННИ БОШҚАРИШ**

(коммунистическое общественное самоуправление) — келажакдаги коммунистик жамиятнинг давлат ўринини эгаллайдиган бошқарыш системаси. Бу — ташкилотлар ва муассасаларнинг носиёсий системаи бўлиб, бу системанинг характерлии хусусияти шуки, унда

давлат раҳбарлигининг ихтисослаштирилган ва ҳақ тұланадиган аппарати ҳамда давлат йўли билан мажбур қилиш бўлмайди. Раҳбарлик ишига барча меҳнаткашлар жалб этилади. Йқтисодий, социал процессларни бошқариш вазифалари ташаббускор жамоат ташкилотларига топширилади ва бу ташкилотлар ишончга, жамоатчилик фикрининг күнчига ва жамият азольарининг юксак онглилигига таяниб иш кўрадилар. Коммунистик жамиятда кишиларнинг муносабатлари ўз характеристига кўра бир-бирига уйғунлашган бўлади, яъни умуман бутун жамият манфаатларини кўзлаб ва хусусан ҳар бир шахснинг манфаатларини кўзлаб тузишган бўлади. Албатта, ижтимоий тартибни ахён-ахёнда бузиш каби айрим ҳодисалар юз бериши мумкин, лекин уларни бартараф қилиш учун маҳсус мажбур қилиш аппарати керак бўлмайди; Ленин кўрсатганидек, бу ишни ҳалқнинг ўзи бамисоли ҳозирги замон жамиятида бир группа маданий кишилар муштлашашётганларни ажратиб қўйгани ёки аёл кишига зўравонлик қилишга йўл қўймаганлиги сингари, жўнгина ва осонлик билан бажара беради. К. и. ў. б. нинг асоси — экономикани ва социал муносабатларни коммунистик асосда ўзгартишдан, янги кишини камолга етказишдан иборат. У социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтириш натижасида амалга оширилади: меҳнаткашлар давлатни бошқаришда тобора кўпроқ қатнашадиган бўлади, жамоат ташкилотлари давлатга раҳбарлик қилиш ишига тобора кўпроқ жалб этилади.

**КОММУНИСТИК МЕҲНАТ** (коммунистический труд) — «қўнгилли меҳнат, нормадан ташқари меҳнат, ҳақ олишини мўлжалламасдан, ҳақ олиш тўғрисида шарт қўймасдан қилинадиган меҳнат, одатга кўра умум фойдасини кўзлаб қилинадиган меҳнат ва умум фойдасини кўзлаб меҳнат қилиш зарурлигига онгли. (одатга айланган онгли) муносабат билан қилинадиган меҳнат, соглом организмнинг эҳтиёжи сифатида қилинадиган меҳнатидир» (Ленин). Социализм шароитида меҳнат умуман жамият учун ҳам, айрим киши учун ҳам аввало тирикчилик воситаси бўлиб қола беради. Шунинг учун меҳнат ҳақ олишини (моддий ва маънавий рағбатлантиришни) мўлжаллаб қилинади. Тўғри, бундай шароитда ҳам меҳнат фаолияти жараённада инсоннинг ижодий кучлари шаклланади ва юзага чиқиб намоён бўлади, лекин бу нарса ҳали ишлаб чиқаришининг асосий мақсади бўлган эмас. К. м.— бу шундай бир фаолиятки, бу фаолият инсоннинг ижодчиллик қобилиятларини юзага чиқаришга бевосита қаратилгандир; барча инсоний кучлар, имкониятларнинг ривожланиши К. м. нинг айни мақсади сифатида майдонга чиқади, моддий ва маънавий неъматларни яратиш эса ана шу асосий мақсаддининг фақат воситаси бўлиб қолади. Меҳнат эндиликада қаҳри қаттиқ заруратнинг, ташки мақсадга мувофиқликнинг бўйруги

билин қилинадиган иш эмас; меҳнат өнди инсон ҳәётининг мазмуни бўлиб қолмоқда; ўз характерига кўра яхлит бўлиб қолгац, инсон фаолияти унинг бўлинниб, майдаланиб кетишига, бир ёқлама ривожланишига сабаб бўлмайди; бу фаолият унинг маънавий ва жисмоний қобилиятларининг эркинлик билан авж олишини такозо қиласди. К. м. инсоннинг юксак социал масъулиятини, ўз-ўзини интизомга солишини, яъни кишининг манфаатларидан, эҳтиёжларидан, майлларидан узвий равишда келиб чиқадиган уюшқоқликни назарда тутади. Маркс онгли фаолият деб атаган бундай меҳнат коммунистик жамият аъзосининг энг биринчи эҳтиёжи, энг олий қувонч ва лаззат манбаи бўлиб қиласди. Меҳнатнинг тирикчилик воситасидан биринчи эҳтиёжга айланишининг объектив зарур шарти шундан иборатки, меҳнатнинг моддий-техника ва социал шароитлари ўзгарди, бунинг натижасида меҳнатнинг унумдорлиги гигант суратда ўсиб бормоқда ва ишлабчиқариши системасида инсоннинг мавзеи ўзгармоқда. Бу шароитлар жумласига: ҳозирги замон техникаси эришган юксак даражадаги ютуқларни ишлабчиқаришнинг ҳамма тармоқларига ҳар томонлама жорий қилиш, барча ишлабчиқариш процессларини илмий асосда ташкил этиш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўргасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўргасидаги туб тафовутларни бартараф қилиш, куннинг ишчи ўз илмий-техника ва маданий билим доирасини кенгайтириш учун фойдаланадиган қисмини кўплайтириш, ҳар бир гражданнинг юксак ижтимоий ва сиёсий активлигига эришиш киради. Шу билан бирга юқорида санаб кўрсатилган объектив шароитлар К. м. элементлари, белгилари таркиб тогиб, ривожланадиган меҳнат натижасидагина вужудга келтирилши мумкин. Ленин даъват этиб, меҳнаткашлар фаолиятидаги К. м. ниҳоларини синчиклаб ўрганиш ва парвариш қилиб ўтириш керак, деган эди. Коммунистик шанбаликлар, зарбдорлик, стахановчилик ҳаракати, ишлабчиқариш новаторлари ҳаракати, К. м. учун бошланган ҳаракат — социализм ва коммунизм қурилиши жараёнида омманинг социал мусобақаси ва меҳнат ташаббускорлиги ривожланишидаги асосий босқичлар ана шулардан иборат. Бу бочқичлар К. м. нинг ижтимоий бойлик ҳақида, меҳнат унумдорлигини ошириш ва хўжаликни оқилона юргизиш ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўроқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, юксак интизом ва уюшқоқлик, меҳнатга биринчи ижтимоий бурч деб, энг юксак гражданлик шон-шараф иши деб қараш ва шу каби белгиларини ўз ичига олади ва уларни изчилиллик билан ривожлантиради. Социализм ва коммунистик қурилиш шароитида К. м. элементларини шакллантиришининг муҳим воситаси — меҳнатнинг ва унинг натижаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш системасидан иборатдир (*Меҳнатга моддий ва маънавий рағбатлантиришлар*).

**КОММУНИСТИК ТАРБИЯ** (коммунистическое воспитание) — коммунистик жамиятнинг ҳар томонлами ва уйғун равишида ривожланган кишиларини маълум мақсадга қарата камол топтириш. Моддий-техника базасини ва коммунистик ижтимоий муносабатларни вужудга келтириш билан бир қаторда К. т. — коммунизм қурилишининг энг муҳим вазифаларидан бириди, чунки коммунистик формациянинг капиталистик формациядан тубдан фарқ қурилишининг сабаби, фақат иқтиносидай ҳаётининг ва ижтимоий муносабатларнинг юксакроқ даражада ташкил этилишида әмас, балки шу билан бирга жамият аъзоларининг онглилигига ва мъянавий бойлигига ҳамдир. Янги шахснин тарбиялашнинг объектив асоси ва мутлақ шарти — ижтимоий ҳаёт шароитларининг ўзгариши ва дунёни революцион тарзда ўзgartишида кишиларнинг актив иштирок этишидир. Кишиларнинг янги онги, уларнинг қарашлари, фикрлар тарзи ва хатти-ҳаракати теварак-атрофдаги муҳит таъсирида ўз-ўзидан шаклламишидан кўра кўпроқ уларнинг воқеиликка актив суратда амалий таъсир кўрсатиши процессидан шаклланиб боради. Шунга мувофиқ Ленин, меҳнаткашларга таълим ва тарбия беришнинг ҳар бир қадамини уларнинг амалда социализм ва коммунизм қурилишида иштироки билан боғлаб олиб бормоқ керак деб таълим берарди. Меҳнат инсонни вужудга келтирган, бинобарни, меҳнат кишиларнинг қебилиятларини, талантларини тарбиялаб ўстириш, камол топтиришининг доимий асоси бўлиб қолади. Меҳнатда ижтимоий фаолиятни уюштириш формалари ҳам ишланаб яққоллашади, инсоннинг коллективга, жамиятга муносабати юзага келади, шахс сифатида ўзини, ҳаётда ўз ўрнини англаш содир бўлади. Шу сабабли социализм шароитида меҳнат К. т. нинг асосидир. Бироқ К. т. фақат объектив шароитлар ва меҳнаткашларнинг амалий фаолияти натижасидангина иборат әмасдир. Бундан ташқари, системали идеологик иш ҳам олиб бориш зарурки, бу ишда кишилар онгига таъсир қилишининг ҳамма воситаларидан (таълим ва маориф системаси, адабиёт, санъат, матбуот, радио, телевидение ва ҳ. к.) фойдаланилади. Бу иш социалистик жамиятда Коммунистик партия раҳбарлиги остида олиб борилмоқда. К. т. нинг ғояний асоси марксизм-ленинизм идеологиясидир. К. т. нинг конкрет йўналишларни социалистик ва коммунистик қурилишининг ҳар бир муайян босқичидаги тарихий шароитлар белгилайди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, яъни меҳнатга энг биринчи ижтимоий бурч деб қараш, меҳнатда онгли интизом ва уюшқоёнлик кўрсатиш К. т. вазифалари орасида ҳамиша асосий вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. К. т. нинг муҳим томони — кишилар онгидаги ўтмиш сарқицларини бартараф қилишдан ва буржуя идеологиясининг таъсирига қарши курашдан иборат. Коммунизм қурилиши даврида мъянавий бойлиники, аллоқий покликни ва

жисмоний мукаммалликни үзинде мослаштириб мужассамлаштирган кишини ҳар томонлама ва үйғун равишида ривожлантиришдан иборат тарбиялаш вазифаси бутун күләми билан күндаланг бўлиб турмоқда. Шу муносабат билан тарбиявий ишнинг қўйидаги конкрет йўналишлари белгилаб берилмоқда: 1) фан, техника, маданият соҳасида инсоннинг эришган барча ютуқларни ўзлаштириб олиш асосида илмий маркса-ленинча дунёқарашни шакллантириш, 2) жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан коммунистик ахлоқ принципларини ўзлаштириб олиш ва бу принципларни хатти-ҳараратининг одат ҳукмидаги нормаларига айлантириш, 3) бадиич дидани ўстириш, 4) жисмоний жиҳатдан ривожлантириш.

**КОНВЕНЦИОНАЛИЗМ** (лат. *conventio* — келишув, битим) — субъектив-идеалистик фалсафий концепция бўлиб, бу концепция илмий тушунчалар ва назарияларнинг мазмунини объектив олам хоссатарининг инъикоси деб эмас, балки ақлнинг ўзбошимча фаолиятининг (олимлар ўртасида тузилган битимнинг) маҳсули деб қарайди. К. неопозитивизмда, pragmatizmда худди ана шундай формада юз беради. Унинг бош манбай француз математиги А. Пуанкаре қарашларига бориб тақалади. Фалсафий концепция сифатида К. илмий тадқиқотда кўлланиладиган методологик принципи, яъни воқеиликнинг назарий жиҳатдан акс эттириш воситаларини танлашнинг нисбий эркинлигида ифодаланадиган, назарияларнинг бослангич қоидаларига, уларнинг асосли тушунчаларига турлида таъриф бериш мумкинлигига, назарий системаларни предметли материал асосида турлича изоҳлаш мумкинлигига йўл қўядиган методологик принципни абсолютлаштириб қўяди. Дарҳақиқат, табиий фанлардаги ҳодисаларнинг айни бир хилдаги группаларини тасвиirlab кўрсатиш учун турлича ва лекин математик жиҳатдан эквивалент бўлган назариялардан фойдаланиш мумкин (мас., назарий физикада матрицали ва тўлқинли механика); бу назариялар турли принциплар асосида ва турли тушунчалардан тузилиши мумкин. Математик тушунчаларнинг айни бир назариясини, системасини шарҳлаганда (яъни уларни предметли, эмпирик материалга татбиқ этганда) турли моделлардан фойдаланилади (мас., Евклид планиметрияси ниҳоясиз яссиликда ва доирада шарҳланади). Шу муносабат билан конкрет объектларни назарий жиҳатдан тасвиirlашнинг бирон-бир усулини танлаш — кўп ҳолларда олимлар ўртасидаги келишувнинг натижасидан иборат бўлади. Бироқ бу ҳол оламнинг назарий манзарасини тузганда мутлақ равишида ўзбошимчалик билан иш кўриш маъносини билдиримайди ва илмий назарияларни ѡч қандай объектив мазмуни бўлмаган ўзбошимча мантиқий қурилмаларга айлантирмайди.

**КОНКРЕТ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР** (конкретные социологические исследования) — турли ижтимоий ҳодисаларни ўр-

ганиш, социологиянинг ажралмас қисми. Бу — конкрет социал тадқиқотларнинг, яъни экономика, ҳуқуқшунослик, этнография, педагогика ва шу каби турли социал фанлар ўтказадиган конкрет социал тадқиқотларнинг формаларидан бириндири. К. с. т. нинг хусусияти шундан иборатки, улар ижтимоий ҳаётнинг қандайдир бирон соҳаси билан чекланиб қолмасдан, балки социал фактларни умуман социал системада уларнинг тутган ўринлари нуқтаи назаридан олиб қарайди. К. с. т. — теварак-атрофдаги воқеликни, унинг ривожланиш тенденцияларини билиш воситасидир, янги информация манбаидир, ижтимоий фаннинг ҳаёт билан боғланиш формасидир. Ўларнинг мақсади — социал ҳаётнинг жуда хилма-хил соҳаларида: ишлаб чиқаришда, турмушда, кишиларнинг онгида юз берадиган процессларни илмий анализ қилишдан, уларни самаралироқ тарзда бошқариши ўйларини қидириб топишдан иборат. Бу тадқиқотлар социал планлаштириши ва прогнозлаштиришини яхшилаш учун зарурдир. Бизнинг жамиятимизда К. с. т. нинг энг асосий йўналиши — коммунистик жамият қурилиши билан боғлиқ бўлган процессларни ўрганишдан иборат. К. с. т. мустаҳкам методологик асосга муҳтоҷдор, бинобарин, умум социологик назария ва ўрта даражадаги хусусийроқ назариялар сифатида тарихий материализм худди шундай асос бўлиб майдонда чиқади. Сабабки, фактик материал топиш процессини унинг дастлабки анализи ва синтезидан ажратиб бўлмайди, чунки социал факт якка тарзда мавжуд бўлмасдан, балки бирор системага кирган бўлади ва фақат ана шу системада уни илмий равишда аниқлаш ва баҳолаш мумкин. К. с. т. даги биринчи босқич — тадқиқот программасини ишлаб чиқишидан, асосий тушунчаларни аниқлаб олишдан, гипотезаларни илгари суришдан, шунингдек тадқиқот объектини белгилашдан, методлар ва процедураларни таилишдан иборат. К. с. т. да дастлабки информация тўплашнинг асосий методлари қўйидагилардан иборат: кузатиш (тўғридан-тўғри кузатиш, назорат қилинувчи ва назорат қилинмовчи кузатиш, дохил этилган кузатиш ва ҳ. к.); хужжатларни (расмий, шахсий ва ш. к. ҳужжатларни) ўрганиши; сўраб билиш (офзаки, ёзма, интервью). Информация олиш методи сифатида социал экспериментдан ҳам фойдаланилади. Информация тўплаш системаси юзасидан олиб бориладиган тадқиқот ёппасига (бунда объектигининг таилиланган мажмунининг ҳамма бирликлари қамраб өлинади), сайланма, репрезентат тарзда (бунда сайлаб олиш қоидаларига риоя қилинади), монографик тарзда (бунда бир обьект (коллектив) турли нуқтаи назардан тадқиқ қилинади) бўлиши мумкин. Информация тўплангандан кейин уни дастлабки ва сўнгра тўлиқ ишлаш бошланади. Ҳозирги замон социологиясида математик ва статистик методлар кенг қўлланилмоқда. Айрим социал ҳодисаларни, ижтимоий ҳаётнинг айрим томонларини социологик

тадқиқ қилиш капиталистик мамлакатларда ҳам ўтказилади. Буржуа әмпирік социологияси бундай тадқиқотларнинг методларини ва техникасини ишилаб чыққан, Бироқ тор амалиётчилік, чуқур социал-назарий методологик асоснинг йүқлиги бу хилдаги тадқиқотларнинг принципиал чекланғанлыгини күрсатади.



**ЛОГИКА** — мантиқ (грек. *lógos* — сүз, тушунча, муҳокама) — тафаккур қонуналари ва формаларини, билимни ривожлантириш ва илмий билиш системаларини тузиш усуулларини тадқиқ қилювчи фан. Фан сифатида Л. нинг асосий проблемалари биринчи марта антик философияда (хусусан Демокрит, Платон, Аристотель, стоиклар томонидан) ифодалаб берилган. Ўшандан бери унинг тараққиётидаги асосий йўналишлар ҳам аниқланди: бир томондан, Л. билим олиш йўллари ҳақидаги, тафаккур формалари билан ана шу формаларда акс этадиган объектив мазмуннинг алоқаси қонуналири ҳақидаги мазмунли таълимотдир; иккинчи томондан, Л. фақат билиш формаларини тадқиқ қилишидир. Биринчи йўналиш *диалектик логикани яратишда ўзининг кенг ифодасини топди*. Иккинчи йўналиш *формал логикани*, шу жумладан унинг тараққиётida ҳозирги замон босқичи бўлган *математик логикани* тузишга олиб келди. Ҳозирги вақтда мантиқий назарияларнинг асосий мавзуи — илмий билиш процессининг мантиқий қонуянятларидан иборат; тадқиқотнинг ана шу жиҳатдан ривожланиб бориши *фан логикасининг ва фан методологиясининг шаклланишига* олиб келди.

**ЛОГИК СЕМАНТИКА** (мантиқий семантика) — металогиканинг бир бўлими бўлиб, бу бўлим формал мантиқий системаларнинг мазмунини очиб бериш, уларни шарҳлаш усуулларини ўрганади. Агар логик синтаксис мантиқий системаларнинг формал томонини (*уларни тузиш, ўзгартиш қоидаларини*), улар ифодалайдиган мазмунни ҳисобга олмасдан тадқиқ этса, бас, мантиқий системалар элементларининг маъноларини аниқлаш Л. с. нинг диққат марказида туради. Лингвистик семантиканада фарқли ўлароқ, Л. с. табиий тиллар билан эмас, балки сунъий тил системалари билан (математик, логик ва бошқа формаллаштирилган тиллар билан) иш кўради. Л. с. нинг вазифаси — мантиқий системаларнинг мазмунли шарҳларини аниқлаш ва анализ қилиш учун зарур бўлган тушунчаларнинг бутун мажмунни (чинлик, маъно, мазмун, ном ва ш. к.) қараб чиқишдан иборат (бу иш абстракт символларни мазмунли билим тилида шарҳлаш, улар белгилаб берадиган объектларни қидириб топиш ва қ. к. учун керак). Л. с. ни ишлаб чиқиш асри-

мизнинг 30-йилларидан бошланди, чунки бу вақтда соф синтаксис йўл билан қараб чиқиш ёрдамида формал системаларнинг кўпгина муҳим хоссаларини аниқлаб бўлмаслиги исбот қилинган эди. Чувончи, айрим формаллаштирилган тил учун шу тил доирасида ҳақиқат тушунчасини ифодалаб бериш мумкин эмас. Бу ишни фақат босқа бойроқ тилда қилиш мумкин. Л. с. нинг асосий бўлимлари — маъно назарияси ва мазмун назариясидан иборат (*Маъно ва мазмун*). Л. с. муҳим амалий аҳамиятга эгадир (у лингвистикада, информацияни анализ қилишда қўлланилади ва ҳ. к.).

**ЛОГИК СИНТАКСИС** (мантиқий синтаксис) — металогиканинг бир бўлими бўлиб, бу бўлим формал мантиқий системаларнинг формал хусусиятлари ва структураларини улар ифодалаши мумкин бўлган мазмугна нисбатсиз равища ўрганади. Торроқ маънода Л. с. деганда формаллаштирилган мантиқий тилларнинг ифодаларини тузиш ва ўзгартиш қоидаларининг мажмуи назарда тутилади. Бунда формаллаштирилган мантиқий тиллар тилнинг бошлангич белгилари алифбесини, формуласалар тузиш қоидаларини (тўғри тузиликлан ифодаларини), хулоса чиқариш қоидаларини ва ҳ. к. ўз ичига олади. Л. с. нинг ўзига хос проблемалари мана буларадан иборат: мантиқий системаларнинг зидма-зид эмаслигини, яъни мазкур системалар доирасида айни бир вақтда бирон гапни (фикрни) айтиш ва уни инкор қилиш мумкин эмаслигини исботлаш, мантиқий системаларнинг тўлиқлигини исботлаш ва ҳ. к. Мантиқий формаллаштирилган тилларнинг синтаксис анализи 19-асрда ёқ ўтказилган эди (Фреге), аммо фақат 20-асрнинг 20—30-йилларидагина Л. с. ни системали ишлаб чиқиши бошланди.

**ЛОГОС** (грек. *lògos* — сўз, тушунча, ақл, ақлий асос, қонун) — асосан антик ва ўрта аср философиясида ишлатилган тушунча бўлиб, бу тушунча борлиқнинг умумий қонунини, шунингдек фикр, ақл, ички ахлоқ-одоб, қарорни билдиради. Гераклит назарича, Л. умумий (оламий) қонуният, оламнинг «ақлий» негизидир. У «абадий космик қонун»дан иборат бўлиб, ҳар бир киши фикрда ва ҳаракатда ана шу қонунга итоат этмоғи лозим. Аристотель бу терминга бир мунча бошқачароқ маъно берган. Унинг фикрича, ички Л. (ҳали айтилмаган фикр) ва ташки Л. (айтилган фикр тарзидағи сўз) мавжуд. Стонклар ҳам ички Л. ни ташки Л. дан фарқ қилиб ҳәрардилар, аммо улар Л. га бир мунча бошқачароқ мазмун берардилар; уларнинг фикрича, Л. ҳамма буюмда ҳозир бўлиб, уларнинг ривожига кўмаклашувчи нарсадир. «Л.» тушунчаси *христианликда ҳам ишлатилади*. Чёрков пешволарининг таълимотига кўра, Л. ўғил-худо (Исо)дир, худо билан у яратган олам ўртасидаги воститацидир, «худонинг нидоси ва худонинг ҳикматидир». *Холастика* «Л.» тушунчасига ҳеч қандай янгилик киритмади, у черков пешво-

ларининг ёки Аристотелнинг бу ҳақдаги фикрларини бир мунча ўз-  
гартиб тақорорлаб юрди. Янги замон философиясида «Л.» терминини  
Гегель ишлатди. У Л. ни объектив тушунча билан бирдай қилиб  
кўрсатди ва уни «мавжудот ақли» ёки оламий ақл, деб ҳисоб-  
лади.



**МАДАНИЯТ** — культура (лат. *cultura* — экиб ўстириш, ишлов бериш) — инсон ва жамиятнинг ўзгартирувчилик фаолиятининг барча турлари ҳамда шу фаолият натижаларининг мажмуми. Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга ажратиб қарайдилар. Моддий маданиятга моддий неъматларнинг бутун ыажмуи, уларни ишлаб чиқариш воситалари киради. Маънавий маданият барча билимларнинг мажмумини, тафаккурнинг барча формалари ва дунёкарасиининг бутун соҳасини: *философия, фан, этика, ҳуқуқ* ва шу кабиларни, шунингдек фаолиятнинг эстетик (тасвирий) соҳасини (*мас., санъатни*) ўз ичига олади. Маданиятнинг бу элементлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг моддий ишлабчиқариш фаолияти унинг ҳаётнинг бошқа соҳаларида кўрсатадиган фаолиятининг асосидан келиб чиқади. Иккинчи томондан, унинг тафаккур фаолиятининг натижалари моддийлашади, нарсаларга, техника воситаларига, санъат асарларига айланади. *Мас.*, бизнинг электротехникадаги билимларимиз маънавий *M.* га тааллуқли бўлиб, шу билимлар асосида ясалган электродвигатель ёки электропоезд эса моддий *M.* га тааллуқлидир. *M.* нинг илдизлари тарихнинг энг теран жойларига бориб тақалади ва улар инсоннинг келиб чиқиши билан боғлиқдир. *M.* нинг ривожланиши инсоннинг табиат кучларини қанчалик эгаллаб олганлиги даражасини, инсоннинг ўзи қанчалик ўсганлиги дарежасини, унинг билимлари нечоғлик кенгайгандигини, қобилияти нақадар такомиллашганлигини кўрсатади ва *х. к.* Инсон табиий муҳитни ўзгартириб, уни ўз эҳтиёжлари ва талабларига мослаштириб, маданий муҳит вужудга келтиради ва бу муҳитга қўйидагилар киради: техника, турар жой, шаҳар ва қишлоқ, алоқа воситалари (йўллар, транспорт), муносабат воситалари (тил, ёзув, радио, телевидение) ва ш. к. Ҳозирги замонда кишилар, аслда, маданий муҳитда яшайдилар, уларнинг ўзлари яратган нарсалар уларни қуршаб туради. *M.* нинг ривожи замирида моддий *ишлабчиқаришнинг* ривожи асос бўлиб ётади Ишлабчиқариш усувларининг алмашинуви *M.* да ҳам сифат ўзгаришларини билдиради. Ҳар бир ижтимоий-иқтисадий формация ўз даражаси билан ҳамда моддий ва маънавий *M.* билан характерланади. Шу билан бирга *M.* тараққиётининг бир даражасидан иккинчи даражасига ўтиш ўтмишда эри-

шилган маданий ютуқларнинг барча қимматли томонларидан фойдаланишини ўз ичига оладики, бусиз жамиятнинг янада ривожланиши мумкин эмасдир. Синфий-антагонистик жамиятларда М. нинг ривожланиши зиддияти характерга эгадир. Пировард натижада маданий бойликларни яратишида ҳал қылувчи роль ўйнайдиган меҳнаткашлар оммаси ўзининг ўзгартирувчилик фаолиятининг меваляридан фойдалана олмайди. Ҳукмрон эксплуататор синфлар бойиш учун, оммага зўравонлик қилиш учун М. нинг ютуқларидан ўз эгистик манфаатлари йўлида фойдаланишга уринадилар. Маънавий М. ўз мазмунига кўра, ўзининг энг муҳим элементлари жиҳатидан синифий бўлиб қолади. Жамиятда ҳукмрон синфларнинг манфаатларини акс эттирадиган идеялар, қарашлар, ахлоқий қоидалар ва ш. к. ҳукм суради. Социализм даврида М. сифат жиҳатдан бошқача характерга эга бўлади. Социалистик жамият моддий ишлабчикиришни ташкил этиш формаларини тубдан ўзгартиради ва шу билан инсоннинг ўзгартирувчилик фаолияти учун, маданий тараққиёт учун (*Маданий революция*) янги асослар яратиб беради. Социалистик давлатнинг фаолияти барча меҳнаткашларнинг моддий фаронлигини кўтариш учун асос бўлиб хизмат қиласидиган ижтимоий ишлабчикиришни ривожлантиришга қаратилган; бу давлат бутун халқнинг маънавий даражасини ўстириш ҳақида, унга тарбия ва таълим бериш ҳақида доим ғамхўрлик қўлмоқда. Социалистик жамиятда маданий бойликлар кенг халқ оммасининг мулки бўлиб қўлмоқда. Бу бойликлар оммадан «бегоналашиб» қолмаётир. Маданий тараққиёт меваляридан юқори табақадаги «мумтоз кишилар» эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари баҳраманд бўлмоқда. Социализм шароитида миллатлар сақланиб қолиши сабабли, бунда маънавий М., худди илгаригидек, миллий формада ривожланмоқда (тил, миллий традициялар, одатлар ва х. к.). Шу билан бирга социализм миллий маданиятларнинг бир-бирларини бойитиши, бир-бирларига ўтиб туриши учун, миллатлар ўртасида маънавий бойликларни ўзаро алмаштириб туриш учун асос яратиб бермоқда. Келажакдаги коммунистик жамиятда М. мазмун жиҳатдан ҳам, форма жиҳатдан ҳам ягона умумисон характеристига эга бўлади.

**МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯ** (культурная революция) — социалистик революциядан кейин халқнинг маданий тараққиётида туб ўзариш, жамиятни социалистик ва коммунистик асосда қайта қуришнинг энг муҳим таркиби қисми. Капитализм даврида билим олиш, маданият эришган ютуқларга эга бўлиш асосан ҳукмрон синф вакилларининг имтиёзи бўлиб қолади, шу тифайли улар сиёсат билан, бошқарувчилик фаолияти билан, фан ва санъат билан шугулланиш имкониятига эга бўладилар. Социалистик революция бу имтиёзларни йўқ қиласиди. М. р. барча гражданларнинг давлатни, хўжаликни бошқаришда, янги маданият барпо этишда иштирок қи-

лишлари учун зарур шарт-шароит яратыб беради. Бу революция давомида тобора кенгроқ мөхнаткашлар оммаси билүү олишга муяссар бўладилар, ўтмишдаги маданият эришган энг яхши ютуқлардан баҳраманд бўладилар. Социалистик жамият қуриш учун жўжаллик, фан, маданиятнинг энг хилма-хил тармоқларида мутахассислар керак бўлади; шунинг учун ишчи ва дәҳқонлар орасидан янги интелигенция яратиш ва эски интелигенцияни қайта тарбиялаш М. р. нинг энг муҳим вазифасидир. М. р. эски идеология таъсирини бартараф этишини ва социалистик идеологияни барқарор қилишни, янги социалистик маданият, янги турмуш қуришни ҳам ўз ичига олади. М. р. ни авж олдириш учун фақат кадрлар эмас, балки бинринчи галда моддий асос, экономика тараққиётининг муайян дарражаси бўлиши зарур. Ўз навбатида маориф ва маданият соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳам экономикани ривожлантиришига, мөхнаткашларнинг ижтимоий активлигини оширишга кўмаклашади. М. р. натижасида Совет Иттилоғи жаҳон фани ва техникасининг олдинги мэрраларига чиқиб олди. Ҳозир бизнинг мамлакатимиз М. р. нинг тугалловчи босқичига кирди. Бу босқичининг мақсади — коммунизмнинг ғалабаси учун барча зарур маънавий шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат (мөхнаткашларга коммунистик тарбия бериш, кишилар онгидаги ва феъл-атворидаги эскплий сарқитларини батамом йўқ қилиш, ҳар бир кишининг қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш).

**МАШИЙ ТУРМУШ** (быт) — ишлаб чиқаришдан ташқаридағи ҳаёт соҳаси бўлиб, моддий шароитлар, одамларнинг муносабатлари ва уларнинг ҳаёттй фаолияти формалари билан характерланади. Жамиятни яхлит ҳолида ўрганганда М. т. соҳаси мөхнат соҳасига нисбатан, ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқариш соҳасига нисбатан иккиласи соҳа бўлиб майдонга чиқади. Моддий ишлаб чиқариш бўлмаганида турар жой, истеъмол буюллари, қулайликлар ва шу кабиллар ҳам бўлмас эди. М. т. даги ижтимоий муносабатлар ишлаб чиқариши процессыдаги муносабатларга (синфий жамиятда — синфлар ўртасидаги муносабатларга) боғлиқ ҳолда вужудга келади; М. т. да кишиларнинг ҳаёттй фаолият формалари ҳам кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш шароитлари билан белгиланади (мас., дэм олиш ва кўнгил очишнинг оммавий формалари, турмуш шароитларининг, дам олишнинг ва ўзини маданий жиҳатдан камол топтиришининг маълум даражада «стандартлашуви» йирик машина индустриси мавжуд бўлган тақдирдагина мумкин бўлади). Шу билан бирга М. т. соҳаси ҳатто бир бутун жамият доирасида ҳам нисбатан мустақилликса эга бўлади. М. т. шахснинг камол топишида муҳим роль ўйнайди. Чунончи, ижтимоий мөхнатга қадам қўйганга қадар одам тўла ва бутунлай М. т. соҳасида (асосан онлада) ривож топади. М. т. да у айни давр учун характерли бўлган,

айни социал табақа кишиларига мұяссар бұладиган маданий бой-ликларнинг асosий қисмими ўзлаштириб олади. М. т. нинг ривожланиши мөддий ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражаси билан ҳам, ижтимои муносабатларнинг мавжуд системаси билан ҳам белгиландади. Агар капиталистик жамиятда М. т. соҳаси меңнат соҳасига қарши бұлыб, индивид учун маскан бұлып хизмат этса, социализм даврида меңнат билан М. т. нинг қарама-қаршилығи аста-секин барҳам топиб боради, бу эса **коллективизмнің** ривожланишига, индивидуалистик психология ва ахлоқнинг бартараф этилишига күмаклашади. Шу билан бирга М. т. соҳасида **индивидуализмнің** бартараф этилиши асло шахснинг қандайдыр күздан гойиб бұлыб кетишини, унинг колективтеги сингиб кетишини билдиirmайды, аксина, у индивидуал қобиляттар ва майлларнинг тұлароқ очилиши билан, колективист, ташаббускор, яратувчи бұлган ҳар бир кишининг әркин ривожланиши билан боғлиқдир.

**МАЗМУН ВА ФОРМА** (содержание и форма) — предметнинг диалекттик тарзда ўзаро бир-бири билан боғланған тавсифлари. Мазмун — бу нарсанынг ўзғаришини тақозо қылувчи мөддий негиздир, бу — предметнинг турлы томонлари ва хоссаларнинг ўзаро таъсирининг, шу предмет бажарадиган функцияларнинг мажмуддан иборат. Бироқ предметлар ва ҳодисалар уларн ташкил этувчи элементларнинг тартибсиз равишда устма-уст қаланиб ётишидан, уларда юз берувчи процессларнинг аралаш-қураш бұлып тұпладың ётишидан иборат әмасдир. Ҳар қандай предметнинг, ҳодисанынг мазмунни мұайян тарзда үшшандыр, бошқача қылиб айттанды, ҳар қандай предмет ҳамиша нисбатан барқарордыр, мұайян структуралық әгадир. Предметнинг ана шу нисбатан барқарорлығын, унинг ташкил тарзда ҳам күрінадиган ички тузилишини (структурасны) худди форма характеристикалайди. Чунончи, ҳайвон шунчаки мөддий жисм әмас, балки нисбатан барқарор морфологик тузилишга, органдар структурасында ега бұлган жисмдир. М. билан ф. бир-бираисиз яшай олмайды, «Яланғоч», бирор тарзда шаклланмаган мазмун ҳам, «соғ», мазмунсиз форма ҳам бұлмайды. Бироқ күп философлар М. билан ф. воқеиликдаги ҳодисаларнинг турлы томонларини тавсифлашига, уларнинг ривожида түрлича роль үйнешларига асосланиб, мазмунни формадан ажратыб, уларни бир-бирига қарама-қарши қылиб құяр әдилар. Чунончи, қадимғы грек мутафаккири Аристотель, форма деганда актив бош ибтидони тушунарди ва форма материядан олдин, «соғ» шаклда мавжуд бўлишга қобиладир, деб ҳисобларди; унинг назарича, форма материя билан қўшилғач, уни үюштиради, пассив «материалдан шаклланған нарса-га айлантиради. Немис философи идеалист Кантнинг фикрича, инсоннинг билувилик фаолиятининг формалари «соғ» формалардир, улар энг аввал бошдан бошлаб, билиш процесси ҳали содир

бўлмасдан олдин, онгга хосдир. Ҳозирги замон буржуа философияси нинг: *прагматизм*, неотомизм (*Томизм ва неотомизм*) ва бошқаларнинг кўп вакиллари учун ҳам М. билан ф. ни метафизикларча қарама-қарши қўйиш характеридир. Ҳақиқатда эса М. билан ф. узвий равишда ўзаро боғлиқ бўлиб, чамбарчас бирликни ташкил этади. М. билан ф. нинг бу ўзаро муносабатида мазмун етакчи роль ўйнайди. Ҳар қандай предметнинг ривожи мазмундан бошланади. Мазмун форманинг ўзгарышларини, бу ўзгарышларнинг суръатларини, йўналишини ва қ. к. шарт-шароитини белгилайди. Аммо форма мазмунга пассив равишда эргашмайди, у нисбатан мустақилликка эга бўлиб, мазмунга таъсир кўрсатиб туради. Форма предметнинг ривожланишига кўмаклашуви ёки, аксинча, тўсқинлик қилиши мумкин. М. билан ф. нинг ўзаро таъсири бир қанча босқичлардан ўтади. Предмет ривожлана бошлаганида улар бир-бирига мувофиқ келади, чунки мазмун жуда ҳаракатчанлиги, ўзгарувчанлиги билан ажратиб туради, форма эса, аксинча, барқарорлик хусусиятига эгадир, бинобарин, муайян босқичда форма мазмунни бўғиб қўя ва унинг ривожланишига халақит бера бошлайди. Форма билан мазмуннинг бу номувофиқлиги тобора кескинлашиб кетади ва бориб-бориб эски формани ташлаб уни янги форма билан алмаштиришга олиб келади. М. ва ф. нинг бу диалектикаси ҳақида Ленин бундай деб ёзган эди: «мазмуннинг форма билан кураши ва аксинча. Форманинг ташланиши, мазмуннинг ўзгаририлиши». М. билан ф. нинг зиддияти, диалектик ўзаро муносабати — предмет ва ҳодисалар ривожининг, уларнинг бошқа предмет ва ҳодисаларга айлананишинг ички маъбаларидан биридир. Чунонки, ишлабчиқарувчи кучлар (мазмун) билан ишлабчиқарши муносабатлари (форма) ишлабчиқаришини ривожлантиришнинг, ишлаб чиқаришининг бир усулидан иккичи усулига ўтишининг шарт-шароитини белгилайди ва пировард ҳисобда бутун иктиомий тараққиёт асосини ташкил этади.

**МАКОН ВА ЗАМОН** (пространство и время) — материя мавжудлигининг асосий формалари, унинг ажралмас хоссалари. Маконий муносабатлар, бир томондан, айни бир вақтда мавжуд воқеаларнинг тартибини ва, иккинчи томондан, моддий объексларнинг кўламини ифодайдир. Замоний муносабатлар бир-бирини алмаштирувчи воқеаларнинг тартибидан ҳамда уларнинг узунилигидан иборатdir. Материалистик философия М. ва з. нинг объектив, умумий ва универсал характеристини ҳамиша эътироф қилиб келди. Бунинг маъноси — улар онгдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, улар воқееликдаги ҳамма предметлар ва ҳодисаларга хосдир, демакдир, бошқача қилиб айтганда, оламда қандай процесс содир бўлмасин, улар ҳамиша М. ва з. да юз беради, демакдир. *Материализм*дан фарқли ўлароқ, *идеализм* маконий-замоний муносабатларни ё индивидуал онгга (Беркли, Max), ё абсолют идеяга,

оламдан устун турувчи онгга (Гегель, Бергсон) боғли килиб қўяди, ёки уларни ҳиссий мушоҳаданинг априор (тажрибада бурунги) формалари деб эълон қиласди (Қант). Диалектик материализм М. ва з. нинг объектив характерини эътироф килибгина қолмасдан, балки, ўзидан олдин ўтган материалистик философиядан фарқи ўлароқ, М. билан з. нинг, материя билан ҳаракатнинг чамбарчас боғли эканлигини таъкидлаб кўрсатади. «Оlamда ҳаракат қилувчи материядан бошқа ҳеч нима йўқ, бинобарин, ҳаракат қилувчи материя макон ва замонда ҳаракат қилишдан бошқача ҳаракат қилолмайди» (Ленин). Шу билан бирга диалектик материализм М. ва з. дақидаги ҳозирги замон фани ривожлантирган тасаввурларга таянади. 20-асрнинг бошларига қадар фанда М. ва з. га шундай бир нуқтаи назардан қараш етаки мавқени эгаллаб келган эдики, бу нуқтаи назарни изчилроқ тарзда Ньютон ифодалаб берган эди. Бу нуқтак назарга кўра, М. ва з. ҳеч нимага боғли бўлмаган қандайдир можиятлардан иборат бўлиб, шу можиятларда материя жойлашади ва ҳаракат қиласди. Бу — предметларнинг ва ҳодисаларнинг ҳажмларини, уларнинг узуунлигини ва ўзаро ҳаракат қилиш имкониятини юзага келтирадиган «масканлардир». Шу билан бирга М. ва з. абсолют деб, яъни бутун коинот учун ягона ва универсал үлчовлар деб қараларди. Бундан эса, улар ҳамма жойда айни бир хилдаги хусусиятларга эгадир, предметлар ёки воқеалар ўртасида бирон-бир муайян санаш системасида аниқланган маконий-замоний муносабатлар ҳамма жойда ва ҳамиша айнан бир хилдир, деган маънно келиб чиқарди. М. ва з. ни бундай талқин қилиш уларнинг бир-биридан ҳам, ҳаракат қилувчи материядан ҳам тамоман мустақилларни эълон қиласди. Бунинг устига устак, бундай талқин материяни М. ва з. га нисбатан тобе авҳолга солиб қўярди. Чунончи, бу концепцияга кўра, ҳеч бир моддий объект М. ва з. дан ташқарида мавжуд бўлолмайди, ваҳоланки М. ва з. бирон-бир моддий системаларсиз тўла равишда мавжуд бўла олади ва ҳатто уларнинг хоссалари бу системаларнинг борлигига ёки йўқлигига боғли ҳам эмасдир. М. ва з. ҳақида ҳозирги замон илмий тасаввурлари Эйнштейннинг нисбият назариясида ифодаланган. Бу назарияга асос бўлган М. ва з. концепцияси Лейбниц ва Гюйгенсдан бошланиб келади. Ноэвклид геометрияларини яратган олимлар (Лобачевский, Риман) бу назарияни ишлаб такомиллаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Бу тасаввурларга кўра, М. ва з. қандайдир мустақил можиятлар эмасдир, балки материянинг умумий ва ажралмас хоссаларидан иборатдир. Маконий ва замоний муносабатлар физик ҳодисалар, воқеалар ўртасида моддий ўзаро таъсилярдан юзага келган ҳосиладар деб қаралади. Шу билан бирга М. ва з. бир макон-замоннинг томонлари бўлган ҳолда ўзаро чамбарчас боғлиқдирлар. М. билан з. нинг ўз-

аро алоқадорлигини, уларнинг материяга ва ҳаракатга боғлиқ эканлигини экспериментал маълумотлар тасдиқламоқда, бу маълумотлар замоннинг оқиши ва жисмларнинг кўламлиги улар ҳаракатининг тезлигига ва моддалар массасининг түпланишидан вужудга келувчи тортилиш майдонларининг интенсивигига боғлиқ эканлигидан далилат беради. Шундай қилиб, абсолют, яъни ҳамиша бир хилда турдиган, бутун коинот учун ягона ва универсал бўлган маконий-замоний муносабатлар йўқдир, улар моддий системаларнинг ўзаро жойлашувига ва ҳаракатига боғлиқдир. Ҳозирги замон тасаввурларига кўра, макон уч ўлчовли бўлиб, замон эса фақат бир ўлчовга эгадир. Улар биргаликда ягона тўрт ўлчовли континуумни ташкил этадилар. Замоннинг оқишини орқага қайтариб бўлмайди. Бунинг маъноси — ҳар қандай моддий процесс фақат бир томонга қараб — ўтмишдан келажакка қараб ривожланади, демакдир.

**МАНФААТЛАР** — интересы — (лат. *interest* — аҳамиятли, муҳим) — ҳам айрим шахслар, ҳам турли социал умумий бирлашмаларнинг (синфлар, миллатлар, ҳалқлар, оиласий-маиший колективларнинг) ва уюшмаларнинг (сиёсий партиялар, касаба союзлар, маданий ташкилотлар, корхона ва муассасаларнинг колективлари ва ш. к.) аъзолари бўлган кишиларнинг эҳтиёжлари ҳамда умуман мазкур социал бирлашмалар ва уюшмаларнинг эҳтиёжлари. М.—ни умум жамият М.—ига, синфий, миллий, партиявий, давлат М.—ига, корхоналар М.—ига, шахсий М.—га ва ш. к. ажратиб қарайдилар. М. нинг мазмунини пировард натижада кишилар ҳаётининг моддий шаронитлари, уларнинг тарихан муайян ишлабчиқариш муносабатларида туттган ўрни ва роли белгилайди. Шу сабабли М. ўз характеристери жиҳатидан объектив бўлиб, уларнинг мазмуни кишиларнинг иродасига ва онгига боғлиқ эмасдир. М. англазилиб борган сарни, улар идеал қўзғатувчи кучлар, кишилар фаолиятининг мотивлари аҳамиятига эга бўладилар ва бу фаолиятга бир мақсадни кўзлаб йўналтиш характерини берадилар. Бунда М. уларни илгари сурувчи кишиларнинг миясидаги инъикосининг тўғрилиги нуқтаи назаридан реал М.—га ва ҳаёллий М.—га ажратилид. Кишилар фаолиятининг асосий мазмуни ҳам худди турли социал бирлашмаларнинг, ташкилотларнинг, шахсларнинг муайян М.—ни рўёбга чиқариш учун курашидан иборатдир. М. ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасига йўналтирилганлигига қараб, иқтисодий (моддий), сиёсий, маънавий М. деб бир-биридан фарқ қилинади. Хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар кишиларни бўлиб юборади, уларнинг М.—ини қарама-қарши қилиб қўяди, қарама-қарши синфлар (мас., пролетариат ва буржуазия) М.—и ўртасида антагонизм туғдиради. Бунда жамиятнинг янада ривожланишидан, унинг юқориyoқ даражага ўтишидан мафаатдор бўлган синфларнинг М.—и прогрессиз характерга эга бўлиб, жамиятнинг илгарилаb ҳаракат қилишига тўс-

қынлик қилювчи синфлар М. и эса реакцион характерга эгадир. Социализм ғалаба қилиб, ишлабчиқарыш воситаларининг умумий мулклиги барқарор бўлгач, бутун жамиятнинг туб иқтисодий ва шу асосда сиёсий ва маънавий М.—и ҳам вужудга келади. Социалистик жамиятдаги синфлар ва социал группалар М.—и ўртасидаги тафовутлар, умумий, группавий ва шахсий М. ўртасидаги зиддиятлар жузъий, ноантағонистик характерга эгадир. Социализм даврида ижтиёмий ҳаётнинг барча соҳаларида умумхалқ, коллектив ва шахсий М.—нинг уйғунлашиб қўшилиб кетиши учун асос вужудга келади.

**МАРКСИЗМ-ЛЕННИЗИЗМ** — фалсафий, иқтисодий, социал сиёсий қаравашларнинг ривожланаётгай илмий системаси бўлиб, бу қаравашлар ишчилар синфининг дунёқарашини ташкил этади. Марксизм-Маркс билан Энгельс асос солдилар; унинг ривожига Ленин катта ҳисса қўшди. Марксизм 19-асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Бу вақтда Европанинг илгор мамлакатларида капиталистик жамиятга хос зиддиятлар кескин суратда юз бера бошлаган эди. Шу вақтдаёқ капитализмнинг тарихий чегаралари кўзга ташланиб, унинг келгусидаги гўркови ва яиги, коммунистик жамиятни барпо этувчи пролетариат майдонга чиқсан эди. Назарий жиҳатдан марксизм немис классик философиясининг, инглиз сиёсий иқтисодининг ва француз социализмининг (буларни Ленин марксизмнинг манбаълари деб атаган эди) эришган ютуқларини танқидий равишда қайта ишлаб чиқиши асосида пайдо бўлди. М.-л. нинг ичдан бир-бирига боғли бўлган таркибий қисмларни философия — *диалектик ва тарихий материализм*, сиёсий иқтисод ва *илемий коммунизм*дир. М.-л. нинг вужудга келиши кишиларни фикри тарихида чипакам революция бўлди. М.-л. жамият тараққиётни ўргага ташлаган саволларга жавоб берди. Унинг илгари ўтган ижтиёмий назарияларидан фарқи шундан иборатки, у дунёни илмий равишда изоҳлабгина қолмай, шу билан бирга уни ўзгартиш шартлари, йўллари, воситаларини ҳам белгилаб берди. Бу марксистик философия, материалистик диалектика принципларини жамиятни анализ қилишга татбиқ этиш натижаси эди, бу эса жамият тараққиётининг қонунларини очиб беришга олиб келди. Маркс материалистик диалектикани тавсифлаб ёғган эдинки, бу диалектика революцион-танақидий характерга эгадир, воқе-лиқка маддоҳлик қилиш унга ётдир, у жамиятнинг ҳар бир босқичини ривожланиб борувлечи, ўткинчи босқич деб қарайди. М.-л. жамият ҳаракатини кишилардан юқорида турувчи илоҳий кучлар йўллаб турмаслигини исбот этди. Кишилар ўз тарихини ўзи яратади, аммо ижтиёмий тараққиётнинг боришини кишиларнинг эркин иро-даси ва истаклари эмас, балки улар ҳаётининг моддий шароитлари белгилайди. Биринчи марта ўлароқ жамият яхлит бир организм сифатида тушунилдики, унинг структурасида *ишлабчиқарувчи кучларни, ишлабчиқарыш муносабатларини* ва улар белгилаб беради-

ган ижтимоий ҳаёт соҳаларини: давлат, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ, философия, фан, санъат, динни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлди. Маркс ва Энгельс тарихни материалистик тушуниш принципларини капиталистик жамиятни анализ қилишга татбиқ этиб, илмий сиёсий иқтисадни яратдилар ва бу фан капиталистик эксплуатациянинг табиатини очиб ташлади, капитализмнинг тарихан ўткинчи ҳарактерини исбот қилид, социализмга ўтиш зарурлигини асослаб берди. Янги жамиятни қуриш принциплари ва программаси М.-л. га унинг энг муҳим таркибий қисми — илмий коммунизм бўлиб кирди. Марксизм кўрсатдикни, капитализмдан социализмга ўтиш стихияли равишда ва автоматик тарзда эмас, балки ишчилар синфининг кураши иатижасида амалга ошади; ишчилар синфининг тарихий вазифаси — революцион йўл билан сиёсий ўқомиятни қўлга олишдан, пролетариат диктатурасини ўрнатишдан иборат, бу диктатуранинг мақсади эса кишини киши томонидан ҳар қандай эксплуатация қилишга барҳам беришдир. Пролетариат синфий курашининг стратегия ва тактикаси ва унинг формалари жуда хилма-хил бўлиб, уларни конкрет-тарихий ички ва халқаро шарт-шароитлар, ишчилар синфи ва унинг иттифоқчиларининг етуклиги белгилайди. Ишчилар ҳаракати социалистик назария, марксизм билан қўшилган тақдирдагина ғалаба қиласди. Бу қўшилишни ишчилар синфининг авангарди, унинг ташкилотчиси ва раҳбари партия амалга оширади. Революцион назариянинг революцион ҳаракат билан чамбарчас боғлиқлик принципи М.-л. нинг энг муҳим принципидир. М.-л. ишчилар синфининг маънавий қуороли бўлиб вужудга келади. Унинг синфий манфаатлари жамият тараққиётининг тарихий тенденцияларига мувофиқ келади, шунинг учун ҳам у воқеиликни объектив билишдан манфаатдордир. М.-л. жамият ва табиатни ўзгартиш учун қўлланмайдир. Бу дормалар ва тайёр рецептлар йигиндиси эмас, балки доимо ривожланиб борувчи таълимотдир. Марксизм ҳақиқатлигининг олий критерияси — бу, Ленин сўзлари билан айтганда, унинг ижтимоий тараққиётнинг ҳақиқий процесси билан мувофиқлигидир. Ленин таъкидлаб айтган эдикни, социалистлар марксизмни қандайдир тамомига етган ва даҳлиз нарса деб қарасмасликлари керак ва турмушдан орқада қолмаслик учун улар марксизмни ҳамма томондан ривожлантиришлари лозим. Марксизм тараққиётидаги янги энг муҳим босқич Ленин номи билан боғлиқдир; Ленин пролетар революцияси бевосита амалий иш масаласи бўлиб қолган даврда марксизмнинг ҳамма таркибий қисмларини ижодий равишида бойитди. У илмий фикрнинг янги-янги ютуқларини умумлаштириб, марксистик философияни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, материалистик диалектикани ижтимоий ҳаётнинг янги шароитларига татбиқ қилиб, уни ҳар томонлама ривожлантириди. Ленин капитализмнинг юқори ва сўнгги босқичи бўлган

империализм ҳақидаги таълимотни яратди, социалистик революция назариясини ривожлантириди. Бу назариянинг энг муҳим таркибий қисми бир мамлакатда социализмнинг ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақидаги холосадан иборат бўлиб қолди. Ленин жаҳонда биринчи социалистик революцияга раҳбарлик қиларкан, янги жамият қуришнинг — ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини социалистик асосда қайта қуришнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Ҳозирги тарихий даврда М.-л. КПСС, бошқа коммунистик ва ишчи партияларнинг колектив куч-файрати билан ижодий ривожлантирилмоқда. Шахсга сигинишини ҳамда волюнтаризм ва субъективизмни танқид қилиш борасида КПСС XX съездидага (1956) бошланган, КПСС ва бошқа коммунистик партиялар томонидан изчиллик билан давом этирилаётган иш муҳим аҳамиятга эга бўлди. КПСС Программаси (1961), партия XXIII съездидага (1966) ва XXIV съездидага (1971) қарорлари марксча-ленинча назарияга катта ҳисса қўшди. Коммунистик партиялар М.-л. нинг ижодий характерини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ҳолда буржуа идеологиясига қарши ҳамда М.-л. ни догматикларча ва ревизионистларча бузишларга қарши кураш олни бормоқдалар. Ҳозирги даврда марксча-ленинча назария асосин эътиборни социалистик ва коммунистик қурилиш, капиталистик мамлакатлардаги ищчилар синфиининг кураши, миллий озодлик ҳаракати проблемаларига қаратмоқда. Ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг бутун бориши М.-л. нинг кучи ва ҳётилигини исбот қилмоқда. **Жаҳон социализм системаси** унинг моддий тимсолидир. М.-л. илгор инсоният ўй-фикрининг ҳукмдори бўлиб қолди, у яхши ҳаёт учун курашаётган, социализм ва коммунизм қураётган миллион-миллион кишиларнинг ишлари гавдаланмоқда. Социалистик мамлакатларда М.-л. жамият тараққиётига раҳбарлик қилиш илмий принципларини, ташқи сиёсат принципларини ишлаб чиқиш асоси, барча меҳнаткашларга **коммунистик тарбия** бериш асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

**МАТЕМАТИК ЛОГИКА** — формал логиканинг ривожланишидаги ҳозирги замон босқичи (баъзан уни **символик логика** деб ҳам атайдилар). Мазмунли тафakkur M. л. доирасида маҳсус усулада тузилган мантиқий системаларда (ҳисобларда, формаллаштирилган тилларда) акс этирилади. М. л. нинг дастлабки кенг системаларини яратганлар (Буль, Жевонс, Порецкий, Фреге ва б.) уларни тузиш усуllibарни сифатида математика методларидан фойдаланган эдилар, лекин 20-асрда аста-секин мантиқий системаларнинг ўзиға хос воситалари ишлаб чиқилди (*Металогика, Формалаштириши*). Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қарагандо М. л. сунъий формалаштирилган тиллар мажмундан иборат бўлиб, уларга нисбатан исбот қилишлик, хулоса чиқаришлик, эргашишлик ва ш. к. мантиқий хисусиятлар белгиланган. Шу билан бирга мавжуд мантиқий сис-

төмаларнинг кўп қисмини қамраб оладиган дедуктив логикада (*Дедукция*) шундай тилларнинг элементлари ўртасидаги ишончли, ҳамиша чин муносабатлар тадқиқ қилинади, ваҳоланки индуктив (эҳтимолий) логикада (*Индукция*) эҳтимолий мантиқий муносабатларнинг мажмун анализ қилинади. Классик М. л. икки маъноли принципга асосланади: ҳар қайдай ҳукм (айтилган фикр) ё чин, ёки ёлғондир. Ҳозирги вақтда М. л. га классик системадан ташқари, кўпдан-кўп ноклассик мантиқий системалар ҳам киради: кўп маъноли логика, ундаги тегишли мантиқий тилларнинг элементлари чинликнинг уч ва ундан кўпроқ маъноларига эгадир; модал логика; бу логика зарурият, имконият, тасодиф ва ш. к. ўртасидаги муносабатларни қараб чиқади. М. л. ҳозирги замон математикаси билан (кўплик назарияси, абстракт алгебра, эҳтимоллик назарияси билан) чамбарчас боғлиқдир. Бу нарса бир қанча илмий фанларни, мас., алгоритмлар (*Алгоритм*) назариясини яратишга олиб келди. Математикани асослаш вазифалари конструктив логикани тузиш заруриятини түғдирди. 20-асрнинг 50—60-йилларида традицион фалсафий проблемалар билан боғли бўлган мантиқий системаларни ишлаб чиқиши катта эътибор берилади (замон логикаси, ҳаракат, саволлар, мавжудлик ва ҳ. к. логикаси). Илмий силишнинг у ёки бошқа бўлимларини (мас., Эвклид геометрияси) формалаштирганда ва аксиомалаштирганда (*Аксиоматик метод*) мазкур тузишда холоса, таъриф ва шу кабиларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган қоидалари сифатида фойдаланиладиган мантиқий системаларни дастлаб аниқ қайд этиш керак бўлади. Одатда ана шундай системалар сифатида классик М. л. нинг муайян бўлимларидан фойдаланилди, бироқ сўнгги вақтда кўпинча ноклассик логикадан фойдаланиладиган бўлди (мас., квант механикасида кўп маъноли логика). М. л. нинг кўп бўлимлари релей-контакт ва электрон схемаларини тадқиқ этишда, кибернетикада, системотехникада, нейрофизиологияда, лингвистикада ва ҳ. к. қўлланилмоқда. М. л. фан логикаси ва фан методологияси проблемаларини ишлаб чиқиши фазқулодда кенг миқёсда қўлланилиб, бу фанларга анализ аппаратини бермоқда. М. л. нин манбаларни стоикларнинг (эрэмиздан бурунги 4-асрда Грециядаго пайдо бўлган философия мактаби) асарларидан бошланади, бироқ у Лейбниц ва айниқса Буль тадқиқ қилиб чиққандан кейингина эътироф этилиб, кенг ишлаб чиқиладиган бўлди. М. л. га Виггенштейн, Рассел, Гильберт, Гёдель, Черч, Новиков, Колмогоров, Маркс, Мальцев, Тарсский, Карнап, Айдукеевич, Куайн, Кемени ва б. катта ҳисса қўшдилар.

**МАТЕРИАЛИЗМ** (лат. *materialis* — моддий) — идеализма қараша-қарши фалсафий йўналиш бўлиб, бу йўналиш материянинг, табиатнинг, объектив реалликнинг бирламчилигини эътироф этади ва онгни материянинг хоссаси деб қарайди. «... Материалистик дунё-

қарап табиатни, у қандай бўлса худди шу ҳолида, четдан ҳеч қандай қўшимчасиз тушунишни билдиради, холос» (Энгельс). Дунёга бундай қарап инсон практикасини умумлаштиришдан, фан ва маданиятнинг ривожидан келиб чиқади. Табииёт илми эришган ютуқларни умумлаштирувчи, *динга ва мистикага* қарши курашувчи таълимот бўлган М., одатда, ижтимоий ва илмий тараққиётдан манфаатдор бўлган илфор, революцион синфларнинг дунёқараси эди. М. тараққиёти тарихида икки босқични — марксизмгача бўлган М. ни ва марксистик М.-ни (олий формадаги М.-ни) ажратиб кўрсатиш мумкин. М.-нинг тарихан биринчи тури қадимги мутафаккирларният содда (стихияли) М.-и бўлиб, у содда *диалектика* билан қўшилиб кетган эди. Бунда М. моддий ибтидолар ҳақидаги, дунёнинг дастлабки элементлари ҳақидаги натурфилософик таълимот сифатида майдонга келади. Бу элементларни Фалес сув деб, Анақсимандр номуайян чексиз материя — айперон деб, Анақсимен ҳаво деб, Гераклит олов деб, Демокрит ҳолати, тартиби ва формаси билан бир-биридан фарқ қиласидиган атомлар деб тушунардилар ва ҳ. к. Оламни улар доим ҳаракат қилиб, ўзгариб турадиган бир бутун нарса деб қарадилар. М. билан идеализм ўртасидаги кураш бунда икки қарама-қарши фалсафий йўлнинг — «Демокрит йўли» билан «Платон йўли»нинг кураши сифатида энг яққол формада намоён бўлди. Ўрта аср философиясида М.-нинг ноизчил формаси номинализм бўлиб, у, фақат конкрет нарсалар мавжуддир, умумий тушунчалар эса уларнинг номларидир, холос, деб ҳисобларди. Номинализм характеристидаги тури материалистик тенденциялар шарқ мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино, айниқса Беруний асарларида кўп учрайди. (*Номинализм ва реализм*). М.-нинг ундан кейинги ривожланиши ишлабчиқаришининг ва фанниги ривожланишига турткни берган капиталистик ижтимойи муносабатларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Материалистлар (Ф. Бэкон, Галилей ва б.) ривожланаётган буржуазиянинг манфаатларини ифодалаб, ўрта аср *схоластикасига* қарши курашадилар, ўша даврнинг фани учун характеристи бўлган табиатни тажрибавий билиш методларини (кузатиши, эксперимент, индукция ва ҳ. к.) умумлаштирадилар. Аввал бошда М. ҳали содда диалектика билан бирлашган эди (мас., Леонардо да Винчи, Бруно ва б. натурфилософияси). Бироқ, табииёт илми айrim тармоқларга бўлина борган сари ва механика ҳамма фанлардан кўра кўпроқ ривож топганлиги сабабли, диалектика ўрнини *метафизика* эгаллайди. М учун характеристи хислат шуки, у табиатни механика қонунларига бўйсунадиган бир бутун нарса деб тушунади; у табиатдаги сифат тафовутларини инкор этади ва уларни миқдор тафовутларидан иборат қилиб қўяди, ҳаракатни фақат камайиш ёки кўпайиш деб, манбай ташқарида бўлган механик ўрин алмаштириш деб қарайди, макон ва замонни материядан ажралған

унинг яшаш формалари деб тушунади. Ҳар қандай М. сингари, у ҳам оламни билиш мумкинлигини эътироф этади, билишда табиатнинг инъикосини кўради, аммо билишини актив фаолият деб эмас, балки ўлик нарса, ойнадаги акс каби нарса, предметнинг сезги аъзоларига таъсири натижаси деб қарайди. Метафизик М. 18-асрдаги француз материализмидаги ўзининг энг юксак равнациини топди (Ламетри, Дидро, Гольбах, Гельвеций). Марксизмгача бўлган М. тараққиётида ундан кейинги босқич — Фейербахнинг ва рус революцион демократларининг фалсафий системаларидан иборат (*Рус материалистик философияси*). Фейербах идеализм ва динни танқид қилиб, кўп жиҳатдан 18-асрдаги француз материализми камчиликларини тақоррлайдиган антропологик М.-ни ривожлантиради. У инсонни табиатнинг бир қисми деб, ўзгармас биологик вужуд деб қарайди (*Антропологиям*). Бундай нуқтаи назар инсон билишининг диалектика зиддиятли характеристини ойдинлаштиришга, ижтимоий ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларини илмий, материалистик изоҳлашга, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини очишига имкон бермас эди. Марксгача бўлган бутун М.-га хос бу камчиликларни рус революцион демократлар ҳам бартараф қиломаган эдилар. Тўғри, улар М.-ни диалектик метод билан бирлаштиришга, дәхқонларнинг эскирган ижтимоий тартибларга қарши революцион кураши зарурлигини фалсафий нуқтаи назардан асослаб беришга уриниб кўрган эдилар. М.-нинг чинакам илмий формаси марксистик М. бўлиб, у тарихда энг революцион синф бўлган пролетариатнинг, кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ифодалайди (*Диалектик материализм, Тарихий материализм*). Марксистик М. тараққиётида иккни босқични ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчи босқич Маркс ва Энгельс фаолияти билан боғли бўлиб, иккинчи босқич Ленин, унинг сафдошлари ва давомчилари фаолияти билан боғлиқдир. Марксизмда М. билишининг бирдан-бир илмий методи диалектика билан узвий раввища қўшилгандир. Бу нарса оламни унинг ҳамма хилма-хил томонлари билан, материянинг бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишлари билан тушунишга, ҳаракат ва тараққиёт манбанинни қандайдир ташки кучларда деб эмас, балки нарсаларнинг ўзида деб билишга имкон берди. Марксистик М., бошқа ҳамма хилдаги М.-дан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳаётни материалистик тушунишни ҳам ўз ичига олади. Шу туфайли инсоннинг билиш фаолияти билан амалий фаолиятининг алоқасини аниқлашга, билишини предметнинг ичига ниҳоясиз чукурлашиб бориши процесси деб, билмасликдан тобора тўлароқ, аниқроқ билишга томон ҳаракат қилиши деб тасаввур этишига муваффақ бўлинди. Марксистик М. пайдо бўлгандан кейин буржуа философияси ичida М.-нинг бузилиш даври бошланади. Онгни материя билан бирдай қилиб кўрсатувчи вулыгар М. (Бюхнер, Фогт, Молешотт), социал ҳаётнинг барча

ҳодисаларини иқтисодий процесслардан иборат қылиб қўювчи иқтисодий М. (Шулятиков ва б.), географик муҳитнинг ҳал қилувчи ролини эътироф этувчи географик М. (Л. Мечников, Реклю) пайдо бўлади. Ҳозирги замон буржуа философиясида идеализм ҳукм суради. Шу билан бирга диалектик-материалистик философия капиталистик мамлакатлардаги илғор олимлар томонидан тобора кўпроқ қўллаб-куvvatланмоқда; улардан баъзилари (Ланжевен, Жолио-Кюри, Бернал ва б.) унинг ишончли тарафдорлари бўлиб қолдилар.

**МАТЕРИЯ** (лат. *materia* — модда)—«объектив реалликни билдирувчи фалсафий категория бўлиб, бу объектив реаллик инсоннинг сезгиларида акс этган бўлади, у бизнинг сезгиларимизга боғли бўлмаган ҳолда мавжудdir, сезгиларимиз унинг копиясини, суратини тушириб олади, уни ўзида акс эттиради» (Ленин). Марксгача бўлган философияяда М. деганда бирор тарздаги моддий ибтидлони тушунганлар ва бу ибтидо барча предметлар ва процесслар учун бир тарзда, бир хилда, ягонадир ва у модданинг бирон-бир маълум конкрет турига нисбат берилмайди. Шу билан бирга М. фақат моддий субстрат, барча моддий жисмларнинг негизи деб эмас, балки уларнинг баъзи асосли хоссаларини: қўламлигигини, инертигини, сингдирмаслигини ва ҳ. к. ташувчи ҳам деб қаралади. М. ни абадий, ўзгармас, сингдирмас, бўлинмас ва шаклшамойили йўқ «бирликлар»дан — атомлардан иборат қылиб қўйган эдиларки, натижада воқеликдаги барча предметлар ва ҳодисаларнинг бутун чексиз хилма-хиллиги ана шуларнинг бирга қўшилишига боғлиқ эди. М. ни ана шундай тушуниш қадимги замон философиясида пайдо бўлиб, сунгра янги замон философияси ва табииёт илмida янада ривожлантирилган эди. Шу билан бирга материалистлар ва объектив идеалистлар М. предметлар ва ҳодисаларнинг моддий субстратидир, деган фикрга қўшилишган ҳолда «M» тушунчасига турлича мазмун берар, унинг руҳ билан нисбатини, олам структурасида тутган ўрни ва ролини, М. билан ҳаракатнинг злоқасини турлича тасаввур қиласидилар. Материалистлар назарича, М. ҳаракат билан боғли бўлиб, ички активлик хусусиятига эгадир. У оламнинг бирдан-бир бош негизи бўлиб юзага келади, уни ҳеч ким ва ҳеч нима яратган эмас, у абадий ва йўқ бўлмасдир, у конкрет нарсалар ва ҳодисаларнинг бутун хилма-хиллигини вужудга келтиради. М. онгга нисбатан бирламидир, онг бир томондан. моддий оламни акс эттиради, иккинчи томондан эса, унинг ўзи алоҳида тарзда ташкил топган М. нинг фаолияти натижасидир. Идеалистлар М. ни унга қарама-қарши бўлган руҳий субстанциянинг (худонинг, абсолют идеянинг, оламий ақлнинг) яратишидан ҳосил бўлган натижа деб қарадилар. Руҳий субстанция бу қотиб қолган, ҳаракатсиз М. га ҳаракат ато қиласиди ва ундан конкрет

нарсалар яратарди. Уларнинг нуқтai назарича, худди ана шу руҳий субстанция инсон ақлини түгдирган эди. Демак, шундай қилиб, инсон ақли ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан ҳам, функция жиҳатидан ҳам моддий олам билан боғлиқ эмасdir. Марксизм пайдо бўлиши билан «М.» категорияси принципиал равишда янгила таъриф ва талқин касб этди. Маркс ва Энгельс М. ни барча нарсаларнинг қандайдир сўнгги, бир хилдаги ва ягона моддий субстрати деб тушунишнинг католигини кўрсатган эдилар. Ҳеч қандай «бош материя», конкрет предметларнинг бутун хилма-хиллигидан фарқли бўлган «ўз ҳолица материя» йўқдир. «Табииёт умуман бир хилдаги материяни топиши ва сифат фарқларини айнан бир хилдаги энг майда зарраларнинг қўшилишидан вужугда келадиган соғ миқдор фарқларидан иборат қилиб қўйишни ўз олдин мақсад қилиб қўяр экан, бу иши билан гўё табииёт олча, исқ, олма ўрнига умуман мевани кўришни истайди» (Энгельс). Диалектик материализм М. деганда инсон онгидан ташқарида ва унга боғли бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган оламнинг бутун хилма-хиллигини, предметлар ва ҳодисаларнинг, уларнинг хоссалари ва муносабатларнинг бутун мажмумни тушунади. Шу сабабли М. ни унинг бирон-бир конкрет турлари билан (мас., модда билан, дала билан) ёки бирон-бир конкрет хоссалари билан (мас., инертилик, масса, энергия ва ҳ. к. билан) бирдай қилиб кўрсатишга йўл қўйиб бўлмайди. М. ни шундай тушуниш тўғрилигини фанинг тараққиёти тасдиқламоқда. 19—20-асрларнинг чегараларида табииёт илмида революция юз бериб, атомларнинг бўлинчили мумкилигини исбот этилгач, мoddанинг энг асосли зарралари кашф қилингач, массанинг тезликка боғли эканлиги ва ҳ. к. топилгач, М. нинг тузилиши ва унинг хоссалар ҳақидаги (мас., атомларнинг сингдирмаслиги ва бўлинмаслиги ҳақидаги, жисмлар массасининг доимийлиги ва ҳ. к. ҳақидаги) илгариги тасаввурларнинг барбод бўлганлигини баъзи олимлар ва идеалист философлар, бу ҳол М. нинг йўқлигини, М. «йўқ бўлганлигини» исботлайди, деб қарадилар. Ленин бу нуқтai назарни танқид қилиб кўрсатдик, М. нинг тузилиши ҳақидаги, унинг хоссалари ва қонуниятлари ҳақидаги илмий тасаввурлар нечеслиқ ўзгармасин, бу ҳол материалистик философиянинг инсон онгидан ташқарида ва унга боғли бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив реаллик сифатидаги М. тўғрисида айтган асосий қондасини заррача бўшаштира олмайди. «Материя йўқ бўлаётir» деган гапнинг маъноси — материянинг биз ҳозирга қадар билган чегараси йўқ бўлаётir ва бизнинг билимимиз чуқурлашиб бораётir демакдир; материянинг илгари мутлақ ўзгармас, азалий бўлиб кўринган хоссалари (сингдирмаслик, инерция, масса ва ш. к.) йўқ бўлмоқда ва эндиликда бу хоссаларнинг материянинг фақат айrim ҳолларигагина хос бўлган нисбий хоссалар эканлиги маълум бўл-

моқда. Чунки материянинг фалсафий материализм эътироф этадиган ва у билан чамбарчас боғли бўлган *бирдан-бир «хоссаси»* унинг *объектива реаллик бўлиши*, онгимиздан ташқаридан мавжуд бўлиш *хоссасидир*» (Ленин). Диалектик материализм М. ни онг билан таққослаш орқали унга таъриф бериш (М. онга боғли бўлмаган нарсадир) билан бирга таъкидлаб кўрсатадики, М. ни онга қарама-қарши қўйиш фақат *философиянинг асосий масаласи* доирасидагина абсолют характерга эгадир. Унинг доирасидан ташқаридан бундай қарама-қарши қўйиш абсолют характерини йўқотмоқда, чунки материянинг маҳсулни бўлган инсон онгининг ўзи унга актив таъсир кўрсатади, амалий фаолият орқали объектив реалликни ўзgartирди. Диалектик материализм фанларнинг маълумотларига таяниб, материя билан ҳаракатнинг чамбарчас боғли эканлиги ҳақидаги материалистик тезисни асослаб берди. Шу билан бирга диалектик материализм ҳаракат деганда ҳаракатнинг бирон турини эмас, балки энг хилма-хил формаларда юз берадиган ва ички манбаларга, импульсларга эга бўлган умуман ўзгариши тушунади.

**МАТЕРИЯНИНГ ҲАРАКАТ ФОРМАЛАРИ** (формы движения материи)— моддий объектларнинг сифат жиҳатдан муйян груп-паларига хос ўзгаришларнинг типлари. М. ҳ. ф. нинг илмий тас-нифотини биринчи бўлиб Ф. Энгельс ишлаб чиқкан. У 19-асрда фан эришган ютуқларга асосланиб, ҳаракатнинг беш асосий формасини илгари сурди: механик формаси (жисмларнинг маконда ўрин алмашуви); физик формаси (молекулалар ҳаракати); химик формаси (атомлар ҳаракати); биологик формаси (органик ҳаёт); социал форма (инсоният жамияти тарихи). Материя, унинг турлари битмас-туганмас бўлгани сингари, ҳаракат, унинг формалари ҳам битмас-туганмасдир. Инсон оламни билиш жараёнида материя ҳаракатининг янгидан-янги турларини очиб боради ва улар ҳақидаги билимларни аниқлаб олади. Чунончи, сўнгги ўн йилликлар мобайнида физика ички атом, ички ядро формалари, элементар зарраларнинг ҳаракати ва бир-бирига айланishi ва шу каби М. ҳ. ф. ни очиб берди. М. ҳ. ф. ўртасида узвий ўзаро алоқадорлик мавжуддир. Ҳаракатнинг юқори формалари (ўз тузилишига кўра мураккаброқ моддий объектларнинг ҳаракат формалари) қўйи формаларини ўз ичига олади ва улар асосида юзага чиқади. Mac., тирик организмларнинг мавжудлиги, ўзгариши ва ривожланиши турли хилдаги химик, физик ва механик процесслар асосидагина содир бўлиши мумкин. Шу сабабли объектлар ҳаракатининг мураккаброқ формаларини ўрганувчи фанлар ҳаракатнинг соддороқ формаларини ўрганувчи фанларнинг маълумотлари ва методларидан фойдаланади. Чунончи, биология ирсият механизмини очганда физик-химик методлардан фойдаланади, химия химик боғ-

ланишнинг табиатини изоҳлаганда квант механикага таянади ва ҳ. к. Тегишли шарт-шароит мавжуд бўлганда ҳаракатнинг бир формаси иккинчисига айланishi мумкин (мас., механик форма иссиқлиқ формасига). М. ҳ. ф. ўртасида фақат бирлик эмас, балки сифат жиҳатдан тафовут ҳам бордир. Ҳаракатнинг юқори формалари қуий формаларни ўз ичига олиши билан қуий формалардан иборат бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки улар фақат ўзларига хос специфик хоссаларга, қонуниятларга эга бўлиб, материянинг ривожланишида сифат жиҳатдан ўзгача босқичларни характерлайдилар. Чунончи, ҳаракатнинг ижтиёмоний формасининг хусусиятлари моддий ишлабчиқаришининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ишлабчиқаришининг ўзгариши пировард ҳисобда бутун жамият тараққиети процессини белгилайди. Ҳаракатнинг биологик формасининг ўзига хос белгилари — моддалар алмашинуви қўпайиш, ирсият ва шу кабилардир. Диалектик материализм М. ҳ. ф. нинг сифат жиҳатдан ўзига хос хусусиятини очиб берди ва шу билан ҳаракатнинг юқори формаларини қуий формаларидан иборат қилиб қўючи механицизмни бартараф қилди. Диалектик материализм ҳаракатнинг конкрет формаларини ўрганувчи бошқа фанларнинг эришган ютуқларига таяниб, ҳаракатнинг мазкур формалари ривожининг умумий қонунларини очиб бермоқда, улар ўртасидаги алоқаларни аниқламоқда. Бу ҳол муҳим методологик аҳамиятга эга бўлиб, жумладан, бир хил фанларнинг методларини иккинчи хил фанларга тўғри татбиқ қилишга, турли фанларнинг ўзаро муносабатини аниқлаб олишга имкон беради ва ҳ. к.

### **МАХИЗМ — қ. Эмпироокритицизм.**

**МАЪНО ВА МАЗМУН** (значение и смысл) — кеңг миқёсда нарсалар, ҳодисалар, воқеаларнинг ва ҳ. к. функциялари бўлиб, улар инсон фаолиятида бажарилади. Инсоннинг ишлабчиқариш ва билиш фаолияти учун турли тил ифодаларининг (ҳам табиий, ҳам сунъий тилларга кирадиган ифодаларнинг) маъноси (мазмуни) ҳақидаги масала ғоят муҳимдир. Философия, логика ва тилшуносликда ифодаларнинг маъноси (мазмуни) деганда, жумладан, белгиланган предмет, предмет ҳақидаги фикр, муайян бир предмет устида бажариладиган ишларнинг мажмуйи ва ҳ. к. тушунилади. Диалектик материализм тил ифодаларининг маъносини (мазмунини) объектив реалликнинг кишилар онгидаги инъикоси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Бир қанча илмий фанларда (мас., мантиқий семантикада, структур лингвистикада ва ҳ. к.). М. ва м. тушунчалари аниқ чегаралаб қўйилади. Маъно деганда муайян бир тил ифодаси билан белгиланадиган предмет (ёки предметлар туркуми) тушунилади, мазмун (мазмуний маъно) деганда муайян белги ёки ифода акс этирадиган фикрий мазмун тушунилади. Мас, «СССР пойтахти» ва «СССРдаги энг катта ша-

ҳар» ифодалари айни бир предметни, яъни бир маънони билдиради, бироқ уларнинг фикрий мазмуни бошқа-бошқадир. Мантиқий семантикада турли тил ифодаларидағи М. ва м. нинг ўзаро муно-сабатлари тадқиқ қилинади, жумладан мазмунларнинг тенглиги критерияси аниқланади ва ҳ. к. М. ва м. нинг мантиқий проблематикаси Милль, Фреге, Пирс, Рассел, Карнап ва б. асарларида тадқиқ қилинган эди. 20-асрда электрон-хисоблаш машиналари учун программалар тузилиши, интеллектуал фаолиятининг *моделлаштирилиши* ва ҳ. к. М. ва м. назариясини ишлаб чиқишини рагбатлантироқда.

**МАЪРИФАТ ФИЛОСОФИЯСИ** (просвещения философия) — ижтимоий-сийесий ва фалсафиий оқим бўлиб, бу оқим Европада 17—18-асрларда буржуа революцияларини тайёрлаш ва амалга ошириш даврида буржуазия ва майдада буржуазия идеологиясини ифодалаган эди. Вольтер, Руссо, Лессинг, Шиллер, Гёте ва б. М. ф. нинг энг атоқли вакиллари эдилар. Бу мутафаккирлардан баъзилари мўтадилроқ қаравшларга амал қиласар, бошқалари эса радикалроқ қаравшларни илгари сурардилар, аммо феодал тартибларга қарши, феодализм идеологиясига қарши курашда улар бирлашиб майдонга қиқадилар. Феодаллар ва монархларнинг ўзбошимчалиги, сословия имтиёзлари, диний бидъатлар — ана шуларнинг ҳаммаси аёвсиз танқид остига олинарди, улар инсон табиатига, инсоннинг мулкка бўлган табиият ҳуқуқига, виждан эркинлигига, қонуни олдидаги ҳамманинг тенглигига энд деб қарабарди. Жамиятга назарий қаравшларда идеалистлар бўлган маърифатчилар мавжуд тузумнинг камчиликларини бартараф этишининг энг асосий қуороли — илмий билимларни, яхшилик, адолат ғояларини тарқатишдан иборат, деб ҳисоблардилар. Уларнинг фикрича, ақлининг жаҳолат ва хурофтога қарши кураши жамият тараққиётини олгари сурувчи куч эди. Маърифатчиларнинг кўпчилиги гарчи омманинг революцион ҳаракатига гарафдор бўлмасалар-да, улар кагта прогрессив роль ўйнадилар: улар «яқинлашиб келаётган революция учун одамларнинг мияларини маърифатли қилдилар» (Энгельс). Россияяда М. ф. 18-асрнинг 2-ярмидаги дехқонларнинг ҷицишлари (Пугачев раҳбарлигига дехқонлар уруши) таъсири остида ва ғарбий маърифат ғоялари таъсири остида вужудга келди. Десницкий Козельский, Новиков ва б. унинг вакиллари эдилар. Улар феодал-крепостник воқеликни қаттиқ танқид қилдилар, помешчикларнинг шафқатсизлигига қарши чиқдилар, руҳонийларни танқид қилдилар. Россияяда М. ф. крепостной тузумнинг кризисидан далолат берарди. Маърифатчиларнинг ғоялари социалист-утопистларга ва рус народпикларига маълум даражада таъсир кўрсатди.

**МАҚСАД** (цель) — фаолият натижасини идеявий, фикрий тарзда олдиндан билиш. Инсон амалий ишга киришишдан олдин ўз

олдига маълум бир мақсадни қўяди. Инсон фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги ҳайвонларнинг ҳаётини фаолиятидан уни тубдан фарқ қилдиради. Маълумки, баъзи ҳайвонлар инсон фаолиятига жуда ўхшаб кетадиган ишларни қиласидар, мас., боблар плотиналар қурадилар, асаларилар гўзалликда кишини ҳайратда қолдинадиган мум уячалар ясайдилар. Инсон фаолиятининг ҳайвонлар инстинктини хатти-ҳаракатидан принципиал фарқи шундаки, инсон бирон предметни реал суратда ясашдап олдин уни фикран ўз миясида ясади. «Меҳнат процесси охирида натижага ҳосил қилинади, бу натижага мазкур процесссининг бошланишида инсон тасавурида эди, яъни идеяда мавжуд эди. Инсон табиат берган нарсаннинг фақат формасини ўзгартириб қолмайди; табиат берган нарсада у шу билан бирга ўзининг онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу онгли мақсад қонун сифатида унинг ҳаракатларининг усулини ва ҳарактерини белгилайди, инсон ўз иродасини ўз онгли мақсадига бўйсундириши лозим бўлади» (Маркс). М. бирон предметга бўлган эҳтиёжининг инсон онгидаги инъикосидир, предметнинг ўзича фикрӣ моделилашвирид. Идеалистлар М. инсоннинг идеяйлийк формасида тасаввур қилишган эҳтиёжидан ибораг эканлигини абсолютлаштириб, умуман мақсадлар объектив оламга борғлиқ эмасдир, предметлар мақсадлардан келиб чиққан нарсалардир, деб даъво қиласидар. «Амалда мақсадлар объектив оламдан вужудга келган бўлиб, улар шуни тақозо қилиб туради...» (Ленин). Инсон М. ни руёбга чиқариш учун М. нинг ўзи билан маҳкам боғли бўлган муйайн поситалардан фойдаланади. Инсон предметлардан восита сифатида фойдаланганда бошқа предметларга таъсир кўрсатади ва воситалар билан бирликда бўлган ўз М. ини амалга оширади. М. нинг мазмунин кўп жиҳатдан татбиқ этилубчи воситаларнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди, М. ни амалга ошириш формаси воситаларнинг ҳарактерига боянишдир.

**МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИК** (целесообразность) — предметнинг бирон-бир мақсадни амалга ошириш учун восита бўлиб хизмат қилиш қобилияти. М. м. ҳақида бундай тасаввур инсон фаолиятини кузатишдан келиб чиқади. Инсон ўз фаолиятининг натижаларини фикран олдиндан чамалайди, яъни ўз олдига маълум мақсадни қўяди ва нарсаларга улар бу мақсадни амалга ошириш учун қаида даража восита бўлиб хизмат қила олиши, бу мақсадга қанчалик мувофиқлиги нуқтани назаридан баҳо беради. Муваффақиятга эришмоқ учун инсон ўз ихтиёрида бўлган воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланмони лозим. Табиатда ўсимликлар ва ҳайвонлар ўзларининг яшаш шароитларига ажойиб равшша мослашганликларини, уларнинг қисмлари батартиблигини, ички бирлигини, яхлитлигини кўриш қийин эмас. Тирик организмларнинг тузилиши ва ҳаётини фаолиятинига бу ҳамма хусусиятлари улар-

шинг биологик эҳтиёжларини қондпришга хизмат қилади ва ана шу маънода улар мақсадга мувофиқдир. Телеология органик М. м. ни шу тариқа изоҳлайдики, гўё у онгли мақсаддан келиб чиқар эмиш, бу онгли мақсадни эса илоҳий ақл илгаритдан аниқлаб қўяр эмиш ва у пировард натижада оламда юз берадиган ҳамма нарсаларни белгилаб, йўлга солиб турармиш. Бироқ М. м. ни бундай «изоҳлаш» фанга зиндидир. Табиатда қандайдир онгли мақсадлар борлиги ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Тирик организмларнинг нисбий М. м. и (уларнинг ҳаёт шароитларига мослашганлиги) — бу, Дарвин исбот қилиб берганидек, моддий сабабларнинг ҳаракати натижасидир. У табиий сараланиш таъсири остида пайдо бўлди, бу сараланиш жараённида организмлар учун фойдали белгилар йифиди ва мустаҳкамланиб қолди. Кибернетика М. м. проблемасини ҳал қилишга муҳим ҳисса қўшди. У мураккаб (кўп элементлардан таркиб топган) динамик системаларнинг хатти-ҳаракатининг сабабини изоҳлаб берди. Агар бундай система муайян ҳолатдан чиқарилса, у бу ҳолатни қайта тиклашга интилади, яъни ўзини объектив равишда маълум мақсадга қаратилган ҳолда тулади. Бироқ система ўз барқарорлигини бирон мақсадга онгли равишда интилиш туфайли эмас, балки қайтарма алоқанинг мавжудлиги туфайли, яъни система ижрочи органларининг ҳақиқий ҳолати, уларнинг теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсири ҳақида информация олиниши туфайли сақлаб қолади. Қайтарма алоқа механизми ёрдами билан тирик организмлар ички муҳитининг доимийлиги, ўзгариб турувчи яшаш шароитида уларнинг сақланниш колини сабаблари очиб берилди.

**МЕН (Я)** — фалсафий тушунча бўлиб туриб қилинадиган ҳаракатлар субъектини билдиради, яъни бу шундай ҳаракатлардирки, унда шахс нима қилаётганини ўзи билади ва қилган иши учун жавобгар бўлади. «Мен фикр қиласман» ва «Ми-ямга шу фикр келдиган деган икки иборани тақкослаб кўрайлик. Ҳар иккala ҳолда сўз қандайдир субъектив нарса устида, ташки дунёда эмас, балки менинг миямда нимадир содир бўлаётганилиги устида боради. Аммо биринчи иборада шахснинг ўзи ташаббускор бўлган ҳаракат кўзда тутилади, иккинчи иборада эса шахс кўпроқ бошдан кечираётган ҳолат назарда тутилади. Онгнинг активлиги проблемасини қараб чиқадиган фалсафий системаларда Мен категорияси катта эътибор берилади. Мен категориясини биринчи бўлиб Декарт белгилаб берган эди, у билувчи тафаккурнинг актильигида шахснинг, унинг эркин иродасининг олий даражадаги ва тўла-тўқис зуҳуротини кўрган эди. Кейинчалик бу категория немис идеалистик философиясида ривожлантирилди. Кантнинг фикрича, Мен — шундай хатти-ҳаракатлардан иборатки, бу хатти-ҳаракатларни шахсга нисбат бериш мумкин. Кант, виждонига хи-

лоф иш тутмасдан, беихтиёр ёки билмасдан туриб бирон ҳаракат қылган кишини ахлоқ суди билан суд қилиш мүмкін эмас, деб ўйларди. Гегель Мен проблемасини қараб чиққаныда биринчи марта тарихий заминда туришга уриниб күрди, вахоланки, унинг нұқтаи назарича, тарих — абсолют идеяның ривожланиш процессидан иборат еди. Гегеллининг фикрича, Менни абстракт тарзда белгилаб бўлмайди, у ахлоқий ўз-ўзини англаш даражасига, бирон-бир тарихий даврда руҳи алоқаларнинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Тарих жараёнда инсон масъулиятининг соҳаси, бизнинг Мен назоратида англаб қилинган ҳаракатлар доираси кенгаяди. Биз Гомер даврида яшаган грекни християнни ёки хукукий муносабатлар тараққий қылган жамиятда яшовчи кишини қоралагандек қоралай олмаймиз. Ҳозирги замон буржуа философиясида Мен категориясининг талқин этилиши, аслини суриштирганда, гегельча талқинга инсабатан бир қадам орқага қайтишдир. Шу билан бирга Мен инсон актлининг активлиги билан, ташаббускорлик билан, тадқиқотчилик қидириши ва ҳ. к. билан боғланмайди. Баъзи буржуа мутафаккирлари (мас., Фрейд) Мен-ни спонтан равишида пайдо бўладиган ҳайвоиний интилишларнинг «цензори» деб, инсонда жо бўлган, унинг ҳар қандай кечинмасига «раво» ва «раво» эмас, деган штампларни босиб турадиган бюрократ деб биладилар. Бошқа буржуа философларининг (мас., баъзи экзистенциалистларнинг) нұқтан назарича, инсоний Мен — шахснинг онгсиз дастурининг ўзидир. Марксизм, инсон шахснин пиорвард ҳисобда ўз тараққиётининг бирон-бир босқичида барча ижтимоий муносабатларнинг мажмую белгилайди, деб ҳисоблади. Инсоннинг фақат ижодий активлиги эмас, балки унинг ўз-ўзини англашининг ривожланиш даражаси, унинг била туриб қиласидаган ҳаракатлари доираси, Мен-ни бойлиги ҳам ижтимоий алоқаларнинг, аввало ишлаб-чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Мен тушунчаси онг тушунчасининг синоними сифатида ҳам ишлатилади.

**МЕТАЛОГИКА** (грек. *metá* — кейин, кетидан) — ҳозирги замон формал логикасининг (математик логиканинг) бўлими. *Фан логикасида ва фан методологиясида* баъзи назарияни ва айни назария ҳақидағи назарияни (ёки шунга ўхшаш назариялар туркуми ҳақидағи назарияни) фарқ қилиб қарайдилар; сўнгги назария метаназария номи билан юритилади. Шунга мувофиқ ҳозирги вақтда математика, металогика, метаэтика ва ҳ. к. соҳасида тадқиқот олиб борилмоқда. М. нинг мавзуи — ҳозирги замон формал логикасининг мантиқий системаларидан иборат. Унинг асосий вазифаларига шундай системаларни тузиш принципларини аниқлаш, исботлаш, хулоса чиқариш назариясини ишлаб чиқиш, мазкур системалар учун «мазмун», «маъно», «ҳақиқат» тушунчаларини таъ-

рифлаб бериш ва ҳ. к. киради. М. нинг иккى асосий бўлими — логик синтаксис ва логик семантикадир.

**МЕТАФИЗИКА** (грек. *metá tά phýsika* — сўзидан — физика кемидан келадиган нарса) — 1) философиянинг бир қисми ёки соҳаси бўлиб, у боюни ва билишининг энг мавҳум, ақл етадиган проблемалари билан шуғулланади. Тарихан «М.» термини бир тўпламнинг номига бориб тақалади. Бу тўпламда Аристотелнинг ўз фалсафий асарлари («физика» ёки табиат ҳақидаги фандан кўра бошқача мавзуга эга бўлган асарлари) бирлаштирилган эди ва бу асарларини Аристотель «биринчи философия» деб атаган эди. Шу муносабат билан М. деганда асл маънодаги философияни, яъни табиатни эмас, ниҳояни нарсалар оламини эмас, балки шу олам негизида ётган нарсаларни ўрганувчи философияни тушуна бошлидилар. Ўрта асрларда М. (умуман философия ҳам) оламнинг гайри ҳиссий (илоҳий) моҳияти ҳақидаги схоластик «фан»га айлантирилади. Бироқ табииёт илми ривожланиб борган сари, философия тобора кўпроқ реал предметларга мурожаат қиладиган бўлади, тажрибий, табиий-илмий билишга таяниб иш кўра бошлиди. Борлиқнинг нариги дунёга хос «биринчи ибтидолари» ҳақидаги илм-фандан ажралган ақл сотувчилик муҳокамаларининг ҳаммаси метафизик муҳокамалар деб эълон қилинишининг сабаби ана шудир. Табиатшунослар М. дан очиқдан-очиқ ўзларини четга оладилар. Бу ҳол Ньютоннинг: «Физика, метафизикадан эҳтиёт бўл!» деган ҳикматида ўз ифодасини топган. Шундан кейин ҳам М. деганда тажрибадан ташқарида бўлган, кўзга кўрипувчи оламнинг нариги томонида ётган гайри ҳиссий ибтидолар ҳақидаги таълимотни тушунадилар. Бу термин ҳозирги замон буржуя философиясида ҳам шу маънода ишлатилади. Шу билан бирга баъзи философлар, мас., неотомистлар (*Томизм ва неотомизм*), аслда, эски схоластик М. ни қайта бунёд қилишга уриниб, уни философиянинг асоси деб эълон қилмоқдалар. Баъзи философлар (*позитивизм, pragmatizm, экзистенциализм ва ҳ. к. тарафдорлари*) эса М. га қарши чиқмоқдалар. Бироқ нарсаларниң моҳиятини билишга, уларнинг қонунларини аниқлашга ҳар қандай уринишларни улар метафизик уринишлар деб эълон қиласдилар. Шу сабабли уларнинг М. ни тақиид қилиши, аслда, илмий, материалистик философияга қарши қаратилган; 2) *диалектикага* қарама-қарши тафаккур методи. Марксистик философия «М.» терминини худди ана шу маънода ишлатади «М.» терминига бу маънони биринчи марта Гегель бсрсан эди. Гегель бир томонлама, қотиб қолган тушунчалар, таърифлар билан иш кўрувчи тафаккурни метафизик тафаккур деб ҳисобларди. М. дунёга сийقا, чекланган назар билан қарашдир. У ўзгаришни, тараққиётни ё никор этади, ёки уни оддий миқдорий камайиш (купайиш)дан иборат қилиб қўяди ва шу билан нарса: ар-

нинг сифат жиҳатдан ўзгаришини эътиборсиз қолдиради. М. ҳодисалар тараққиётининг ички манбанини (уларнинг зиддиятли эканлигини) кўрмайди. Бир вақтлар (17—18-асрларда), фан эндигина фактлар тўплаб, табиатни ўзаро боғли бўлмаган айrim қисмларга бўлаётган чоқда, метафизик методининг қўлланилиши тарихан тўғри эди. Бирор фан нарсаларнинг ичига, уларда содир бўлаётган процесслар ичига чуқурроқ кириб, «табиатда ҳамма нарса пировард ҳисобда метафизик тарзда эмас, балки диалектик тарзда юз беради» (Энгельс) деб исбот қиласган чоқда М. метод сифатида илмий фикрнинг ривожланишига тўсқинлик қила бошлади. Ҳозирги замон буржуза философиясининг таъсирлари метафизик методдан бирор йўсина фойдаланмоқдалар.

**МЕТОД** (грек. *methodos* — билиш, тадқиқот йўли, усули) — иинсоннинг объектни эгаллашга қаратилган амалий ва назарий ҳаракат усули. Ишлабчиқаришда бу — нарсалар ясаш, фойдали ўсимликларни, ҳайвонларни ва ш. к. парвариш қилиш йўлидир, фанда бу — тафаккурда янги натижаларга эришиш усулидир. М. қандайдир ўзбошимча, субъектив нарса эмасдир. Фақат объект ҳақидаги, унинг қонунлари ҳақидаги билимга асосланадиган М. назарияда ва практикада самарали натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун хам М. нинг бош асоси — илмий назариядир. Философия узоқ ривожланиш жараёнида билишнинг ва воқеликни ўзgartиришнинг умумий М. ини — материалистик *диалектикани ишлаб чиқди*. «...Худди диалектика — ҳозирги замон табииёт илми учун тафаккурнинг энг муҳим формасидир, чунки фақат диалектика табиатда юз берадётган тараққиёт процессларини изоҳлаш учун, табиатнинг умумий алоқадорлиги учун, тадқиқотнинг бир соҳасидан иккинчи соҳасига ўтишлар учун аналог ва шу билан метод ҳамдир» (Энгельс). Бу фикр фақат табииёт илми учун эмас, балки умуман фан учун ҳам тўғридир. Фалсафий методдан ташқари, фаннинг тури соҳаларида кўп миқдорда маҳсус методлар қўлланилади. Улардан баъзилари билишнинг деярли ҳамма соҳалари учун яроқли бўлиб, умумий илмий методлар бўлиб қолади (*Формаллаштириш*, *Моделлаштириш* М. и, статистик методлар ва ш. к.), баъзилари эса торроқ соҳада қўлланилиб, қатъий суратда муайян бўлган предметни ўрганишга мўлжалланган бўлади (структурлингвистика, белгиланган атомлар ва ш. к.). Бироқ маҳсус метод нечоғлиқ кенг қўлланилмасин, уни фалсафий методга айлантириб бўлмайди. Акс ҳолда бу метафизикага олиб келади. Тарихан М. сифатида метафизика *материя ҳаракатининг* айrim *формалари* (мас., механик) қонуниятларини абсолютлаштириш, уларни ҳаракатнини бошқа ҳамма формаларига жорий қилиш натижасида пайдо бўлди. Материалистик диалектика маҳсус методларнинг аҳамият

тини инкор қылмаган ҳолда уларни абсолютлаштирауди, балки улардан ҳар биринин үз соҳасида қонуний эканлигини эътироф қиласи.

**МЕХАНИЦИЗМ** — бу шундай принципки, унга кўра ҳаракатнинг ҳар қандай мураккаб, сифат жиҳатдан ўзига хос формасини тамомила оддириқ формадан иборат қилиб қўйиш мумкин ва лозим (мас., жамият тараққиёти қонуларини биологик қонулардан, биологик процессларни химиявий, электромагнит процесслардан иборат қилиб қўйиш мумкин ва ҳ. к.). Тарихан М. нинг пайдо бўлиши механиканинг гуркираб ривожланиб кетиши ва метафизик методнинг (*Метафизика*) кенг гарқалиши билан боғлиқдир. 17—18-асрлардаги табииёт илмида бутун ҳаракатни маконда жисмларнинг жой алмаштиришдан, механик ҳаракатдан иборат қилиб қўйиш расм бўлган эди, механика қонулари табиатнинг ягона қонулари ҳисобланарди. Мас., француз олимни Лаплас массаларни, тезликларни, вақтнинг бирон-бир моментида барча жисмларнинг коинотда ўзаро жойлашувини тўла-тўқис равишда батамом билиш оламда ўтмишда бўлган ва келажакда бўладиган барча воқеаларни мутлақ равишда аниқ ҳисоблашга имкон берган бўларди, деб ўлади. Фанинг тобора мураккаброқ процесслар ичига кириб бориши билан фақат механика принципларига асосланган ҳолда турли ҳодисаларниң сифат жиҳатдан ўзига хослигини тушуниб бўлмас эди. Ана шунинг натижасида М. га ўзича бир хил «қўшимча бўлиб» турли идеалистик назариялар юзага келди ва бу назариялар мазкур ўзига хосликни ғайри моддий кучларнинг мавжудлиги деб ўлон қилди (*Витализм*). Энгельс ўз замонасининг табииёт илми эришган ютуқларни умумлаштириб, М. ни илмий анализ қилди ва унинг ожизлигини очиб ташлади. У материя ҳаракатининг ўзаро маҳкам боғли бўлган ва лекин бир-биридан иборат қилиб бўлмайдиган сифат жиҳатдан ўзига хос формалари ҳақидаги таълимотни ривожлантириди. 19-асрнинг охирлари 20-асрнинг бошларида қилинган илмий кашфиётлар кўп сонли механизтик назарияларга қаттиқ зарба берди. Классик М. руҳида оламнинг манзарасини тузиш мумкин эмаслиги ҳатто диалектика билан таниш бўлмаган кишиларга ҳам аёп бўлиб қолди. Бироқ ҳаракатнинг бир формасини иккинчи, оддириқ формасидан иборат қилиб қўйишга асоссиз равишда уринишлар ҳозирги кунга қадар ҳам йўқолган эмас (мас., биологик объектлар билан мураккаб кибернетик тузилмаларнинг тамомила бирдайлиги ҳақидаги даъво кенг ёйилди). Диалектик материализм М. ни илмий билишни издан чиқарадиган соxта методология деб рад этади.

**МЕЪЁР** (мера) — предметнинг сифат ва миқдор томонларининг бирлиги (*Сифат ва миқдор*). М. аввало бошқа предметлар билан муносабатлар системасидан ажратиб олинган айрим предметнинг

Характеристикаси сифатида майдонга чиқади. Предметнинг унинг бошқа предметлардан тафовутидаги хоссаларини характерлайдиган ҳар қандай сифати баъзи миқдорий қимматларга эга бўлади. Бу қимматлар турлича бўлиши мумкин, лекин шу билан бирга улар муайян доирадан, чегарадан чикмасликлари керак. Йўқса, преъмет ўз ҳолатида бўлмайди, унинг сифати ўзгариши сифатнинг ўзгаришига олиб бормаслигини худди М. аниқлаб беради. Мае., 0° дан 100°C гача температурада сув ўз сифатини сақлайди. Бу темпера-тура чегарасидан чиқкандан кейин у ё музга ёки бугга айланади. М. тушунчалиси фақат айрим предметнинг сифат ва миқдор хоссаларининг муайян бирлигинигина характерлаб қолмайди. Агар пред-метни ўлчаш, унга баъзо бериш керак бўлса, М. ни ишлатадилар. Бундай ҳолда айни бир предметни миқёс, мезон сифатида, ташки М. сифатида майдонга чиқадиган бошқа предмет билан таққослаб, нисбатдош қилиб қарайдилар. Агар айрим предмет предметларнинг мураккаб системасидаги элементлардан бири бўлса, у вақтда унинг М. и эндилика система М. и билан белгиланади. Мае., бо-зорга чиқарилган товарнинг қиймати товар эгасининг уни ишлаб чиқаришига кетган индивидуал сарфлари билан эмас, балки айни турдаги товарлар асосий кўпчилигига нисбат бериладиган ижти-моий зарур меҳнат сарфлари билан белгиланади. Бу типдаги М. система М. и бўлиб, у система қонунларини очиб бериш билан боғ-лиқдир.

**МЕҲНАТ** (труд) — бу шундай «процессдирки, унда инсон ўз фаолияти воситаси ила ўзи билан табиат ўртасидаги моддалар ал-машинувини тартибга солади ва назорат қилиади» (Маркс), маълум мақсадни кўзлаб табиат предметларига таъсир ўтказади ва уларни ўзгартиради. Меҳнатнинг энг содда моментлари қўйидагилардир: мақсадга мувофиқ фаолият, ёки М. ининг ўзи, М. ининг предмети, ёки инсон фаолияти қаратилган объектлар ва М. воситалири, яъни аввало М. ни амалга оширишга ёрдам қиласидиган қуроллар. М. процес-сида инсон ўзининг жисмоний ва маънавий кучларини (жис-моний ва иродавий куч-ғайратини, меҳнат малакаларини ва маҳоратларини, қобилиятлари ва билимларини) бамисоли пред-метга «жойлаштиради», улар предметлашиди, яъни пред-метга ўтади, предметнинг М. вужудга келтирган алоҳида хос-саларига айланади. Шу туфайли инсон предметни ўзгартиради, уни ўз эҳтиёжлари ва талабларига мослаштиради. Шу билан бирга М. га қарама-қарши процесс, яъни предметликдан чиқиш ҳолати ҳам хосдир: бу вақтгача предметга тегишли бўлиб келган нарсани инсон энди ўз қобилиятига ва маҳоратига айлантиради, уни ўз фао-лиятининг таркибига қўшиб олади. Бунинг маъноси шуки, инсон му-ваффақият қозониш учун предметга таъсир кўрсатганида унинг ўз

қонунлағыга мувофиқлашушы, ўз фаолиятида уларга таяниши лозим. Шу билан бирга авлодлар гажрибасини ҳисобга олмасдан туриб ҳеч қандай меҳнат қилиш мүмкін эмас, бунинг сабаби лоақал шуки, инсон ҳамиша ишлаб чиқаришининг йўлга кўйилган системаси, меҳнат фаолиятининг зарур қоида ва усуллари, М. қуроллари, воситаларининг муайян мажмую устидан чиқади. Ўз бу системага қўшилмасдан, муайян усулларни эгалламасдан туриб, ҳеч қандай меҳнат ҳаракатларини бажаролмайди, чунки унга яп-яланг ерда иш бошлашга тўғри келади. Шу сабабли кишилар энг аввалдан бошлаб бошқа кишилар билан ижтимоий муносабатлар, ўзаро муайян таъсир кўрсатишлар системасига қўшиладилар. Агар бунинг устига тагин якка-ёлгиз кишининг табиат билан курашда ожизлиги ҳам қўшиб қўйилса, унда жамиятда ва жамият яратган воситалар ёрдами билан амалга ошадиган процесс сифатидаги М. нинг ҳаракеттери равшан бўлади колади. М. инсон ҳаётининг биринчи ва зарурий шартиди, инсон фаолиятининг фундаментал ва асосий формасидир. Инсон ишлаб чиқармасдан туриб, озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жойга ва шу кабиларга бўлган зарур эҳтиёжларини қондиромайди. Инсоният тарихининг тонгидаёқ бизнинг бобокалонимиз энг қаҳри қаттиқ табий шароитларда фақат бу шароитларни актив ўзгаририш туфайлигина ўз жонини сақлаб қолган. Ҳайвоидан фарқли ӯлароқ, инсон табиатга мослашмайди, балки уни ўзинга бўйсундиради, унинг процесслари жараёнинг актив аралашади ва ана шу маънода табиатни «одамлашгиради». Меҳнатга қобилиятли бўлиши — инсоннинг ҳайвондан фарқ қиласидиган энг муҳим хусусиятидир. Инсон ҳаётида М. нинг роли фақат инсон унинг ёрдами билан ўз маддий эҳтиёжларини қондирисидан иборат эмасидир. М. процессида пировард ҳисобда ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмун, масалан, мулк ва тақсимот формалари, ижтимоий ташкилотлар ва тарбиботлар, М. ижтимоми ва шу каби муносабатларнинг мажмун шаклланади. М. инсоннинг маънавий маданиятининг асосини ҳам ташкил этади, чунки фақат М. да инсон ўз М. қаратилган табий обьектларнинг қонуниятларини очиб олади, ўз ижтимоий муносабатларнинг яратувчиси бўлиб майдонга чиқади ва шу билан фан ҳамда санъатга асос солади. Ниҳоят, М. да инсон шахс сифатида камол топади, ўз қобилиятларини ривожлантириб, уларни меҳнат фаолиятида кўрсата боради. М. да инсоннинг камол тоғиб бориши унинг организмининг ўзгаришини билдирамайди, балки табиат предметларига таъсир кўрсатиш усуллари ва формаларининг такомиллашиб боришини билдиради. Шундай қилиб, фақат М. да инсон фаолият субъекти бўлиб қолади ва ўзини шу фаолият қаратилган обьектга қарама-қарши қилиб қўяди (*Субъект ва объект*). Демак, М. ижтимоий ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади, унинг ҳамма томонларини ва инсоннинг ўзини камолига етказади. Бироқ тарих-

да шундай ҳоллар ҳам бўлганки, инсон ҳаётий фаолиятининг асосий мазмунин ташкил этувчи М. кўпинча инсонга ташқаридан мажбурун юкланган фаолият сифатида юзага келган. М. уни ҳолдан тойдирган, унга завқ бериш у ёқда турсин, ҳатто кўп ҳолларда зарур мөддий неъматларни ҳам унга бермаган, М. да киши бойимаган, балки камбагаллашган, камол тоимаган, балки завол топган. Бу ҳол антагонистик жамиятда ҳукм сурувчи мәхнат тақсимотидан (*Бегоналаштириши*), эксплуатация муносабатларидан келиб чиқсан. Фақат коммунизмнинг ғалабаси шудайдай зарур шароитлар яратиб берадики, бу шароитларда М. инсоннинг барча қобилиятиларни ва имкониятилари эркин суратда кенг ривожланишига, энг биринchi ҳаётий эҳтиёжга ва завқ-шавққа айланади (*Коммунистик мөхнат*).

**МЕХНАТГА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШЛАР** (материальные и моральные стимулы к труду) — инсон мәхнат фаолиятининг сабаб-боисларини шакллантирадиган объектив омиллар бўлиб, бу омиллар уни ҳам мәхнат процессидан, ҳам мәхнат натижаларидан манфаатдорлигини, унинг мәхнатга муносабатини белгилайди. Мөддий рағбатлантиришлар мәхнатнинг миқдори, сифати билан мөддий ва маданий эҳтиёжларни қондириш даражаси ўртасидаги алоқани акс этиради. Маънавий рағбатлантиришлар — мәхнатдан ва унга берилган ижтимоий баҳодан олинадиган завқдан, мәхнатга турли ғоявий, сиёсий, ахлоқий боис-сабаблар тақозоси натижасида, ижтимоий бурчни тушуниш натижасида юзага келадиган муносабатдан ва шу кабилардан иборат. Мәхнатга рағбатлантиришларнинг характерини *ишлабчиқарши муносабатлари*, ишлабчиқариш воситаларининг ва инсоннинг ўзининг ривожланиши даражаси белгилайди. Хусусий мулкчиликка асосланган капиталистик жамият фаолият кўрсатишга мөддий рағбатлантиришларни бир ёқлама ривожлантириб, уларни хусусий корхона эгаси бўлишга, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бойнишга итилишга айлантиради. Гарчи техника тараққиетининг юксак даражаси юмушсидан объектив равишда муайян маънавий сифатларни (мас., ишга ижодий қарашни) талаб қиласа-да, бироқ капитализм шароитида маънавий рағбатлантиришлар ривож топмайди. Унда мәхнат кўпинча соф ташкил заруритга, фақатгина тирикчилик воситасига, оғир юкка айланади. Социалистик мулк ишлаб чиқариш воситаларига ҳамманинг муносабатини бир хил қилиб қўяди. Ижтимоий бойликни қўпайтирувчи мәхнат шахсий ҳузур-ҳаловат манбаи бўлиб қолади. Мәхнат инсон қобилияtlарини ривожлантириш, унинг маданий даражасини ўстириш воситаси бўлиб ҳам майдонга чиқади. Ана шу асосда мәхнатга, мәхнат фаолиятига сифат жиҳатидан янгича муносабат пайдо бўлади. Мәхнатга колектив олдидаги бурчни ҳис қилиш, ўз иши учун, колективни учун жавобгарлик, умуминг бахт-саодати учун ғамхўрлик қилиши учун

лиш, бутун жамият учун ишлаш зарурлигини, мұхымлигини аңглаш каби юқсак маңнавий истаклар ривежланмоқда. Бу истаклар омманың ижодий ташаббускорлығининг, активликгининг авж олишига құмаклашмоқда, бу эса, мас., социалистик мусобақада намоән бўлмоқда. Бироқ юқсак маңнавий рағбатлантиришлар моддий рағбатлантириш билан бирга қўшиб олиб борилган тақдирдагина, улар самарали бўлиб қолади. Социализм шароитида мәхнат ҳали биринчи ҳәётий эҳтиёж бўлган эмас, мәхнат интизомига риоя қилиш ҳали ҳар бир кишининг одатига айланган эмас. Ана шуларнинг ҳаммаси мәхнатдан моддий манфаатдорликни ривожлантириши янада кўпроқ зарур қилиб қўяди, модомики ҳәётий ноз-неъматларнинг социалистик жамият аъзоси оладиган улуши аввало у бажарган ишнинг миқдори ва сифати билан белгиланар экан, демак, мәхнатга рағбатлантиришининг энг асосий воситаси унга тўланадиган ҳақдан (ишли ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва колхозчиларнинг даромадларидан) иборат бўлиб қолади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун рағбатлантиришларни вужудга келтиришда корхоналарнинг фойдалари ҳисобидан тузиладиган турли хилдаги рағбатлантириш фондлари, бу фонdlарнинг мәхнаткашларни фақат ўз мәхнати натижаларига эмас, балки корхонанинг бутун колективи мувваффақиятни ишлашига қизиқтиришдан иборат бўлган вазифаси мұхим роль йўнайди. Мәхнатга ҳақ тўлаш формаларининг такомиллаштирилиши мәхнатга бўлган маңнавий муносабатга ҳам таъсирини кўрсатмоқда: маңнавий қониқиши ҳиссиси, янада вижданан, кўпроқ масъулият билан ишлаш истагини туғдирмоқда. Ҳам моддий, ҳам маңнавий рағбатлантириш замирида айрим юмушчиларнинг, коллективнинг ва умуман жамиятнинг манфаатларини боғлаб олиб бориш принципи асос бўлиб ётади. Агарда кишининг мәхнатини рағбатлантириш қандайdir иккинчи даражали ишлабчиқариш кўрсаткичларни бажаришга бояли қилиб қўйилса, у вақтда бу нарса жамиятга зарар келтириши мумкин; иккинчи томондан, мәхнат натижаларини тўла ҳисобга олмаслик юмушчиларнинг мәхнатга қизиқишининг пасайишига олиб қолади. Моддий ва маңнавий рағбатлантиришларни тўғри боғлаб олиб боришга ўз-ўзидан автоматик равиша эришилмайди, унга мәхнатни илмий асосда ташкил этиш йўли билан эришилади, мәхнатни бундай ташкил этиш миллион-миллион юмушчилар оммасини «бевосита ғайрат-ташаббусда эмас, балки ғайрат-ташаббус ёрдамида... шахсий қизиқишда, шахсий манфаатдорликда руҳлантириб» (Ленин) коммунизмга олиб боришга имкон беради.

**МЕХНАТ ТАҚСИМОТИ** (разделение труда) — мәхнат фаолиятининг турли хилдаги ва шу билан бирга ўзаро боғлиқ турлари ва формаларининг ҳар бир тарихий давр учун ўзига хос системаси. Асл маңнодаги М. т. (ёки социал М. т.) билан ихтисослаштириши бир-биридан фарқ қилиб қарамоқ керак бўлади. Ихтисослаштириш

меҳнат фаолиятининг зарурый моментидир. Унинг юзага келишига сибаб шуки, инсон меҳнат процессида турли предметлар бўдан иш кўради, турли меҳнат қуролларидан ва усулларидан фойдаланади, шунга мувофиқ моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғида унинг фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ихтинослаштириш ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши формаси сифатида юз беради (ишлаб чиқариш қуролларининг, меҳнат малякаларининг такомиллашуви ва ҳ. к.) ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига кўмаклашади. Жамият тараққиётининг муайян босқичида (*ибтидоий жамоа тузумининг бузилиши даврида*) чорвачилик деҳ-қончиликдан ажралди, сўнгра ҳунармандчилек, савдо-сотиқ ажралиб чиқади, ундан кейин ишлаб чиқаришнинг кўпдам-кўп тармоқлари пайдо бўлади, ихтинослашиб айрим корхоналарга киради ва ҳ. к. Синфий-антагонистик жамиятда бу процесс зиддияти характерга эга бўлиб, асл маънодаги М. т. формасида юзага келади ва у инсоннинг ҳаётини фаолиятининг ўзини бўлакларга бўлиб ташлайди ва унинг айрим чекланган томонларини инсонга умрбод биркитиб қўйилган функцияларга айлантиради. «Меҳнатининг тақсимланиши билан бирга одамнинг ўзи ҳам тақсимиланади. Якка-ю ягона фаолиятнинг ривожланиши учун бошқа ҳамма жисмоний ва маънавий қобилияtlар курбон қилинади. Инсонни бундай майиб қилиш меҳнат тақсимоти ўсиб борган сари ўсиб бора беради...» (Энгельс). Жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги шунга олиб келадики, кишиларнинг асосий оммаси «ризқи рўзини» топиши билан шуғулланишга мажбур бўлади ва ҳақиқатда жамият ҳаётининг қолган ҳамма соҳаларидан чиқариб ташланади. Шу тариқа, қулдорлик тузумининг тонгидаёқ ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралди ва натижада айрим кишилар назарий ва бошқариш фаолиятини, санъат билан шуғулланишни ва ҳ. к. ўз қўлига тўплаб олди, бошқаларнинг қисматига эса ҳолдан тоидидраган ва ҳар қандай ижодий мазмундан маҳрум қилинган жисмоний меҳнат тушди. Хусусий мулкнинг, синфий антагонизмларнинг, сиёсий устқурманинг, бегоналаштиришинг пайдо бўлиши М. т. билан боғлиқдир. М. т. капиталистик жамиятда ўзининг олий ифодасини топади. Унда фаолиятнинг ҳар бир соҳаси кишиларнинг мазмус групласига тегишли бўлиб қолади. Кинши том маъноси билан «қисмиy» (Маркс) бўлиб қолади, яъни у ўз фаолиятининг мазмунини ташкил этиши лозим бўлган функциялардан фақат бир қисминигина бажарадиган бўлади. Бундай шароитда ихтинослаштириш «қасб-хунар тентаклигининг» (Маркс) расвою радди формасида намоён бўлади. Бирон-бир ижтимоий функцияни эса инсон мажбурият ёки муҳтоjлик таъсири остида бажаради; бу ишнинг маъно ва аҳамияти унга равшан бўлмайди, шунинг учун уларга инсон бефарқ қарайди; фаолиятнинг йўллари,

усуллари вэ тартиби унга ташқаридан мажбуран юкланди, шунинг учун инсон уларга бегона кучларга, яъни манбай ва келиб чиқиши унга тушунарли бўлмаган (*Бегоналаштириш*) кучларга итоат қилгандек итоат қиласди. Шу билан бирга саноатнинг ривожланиши М. т. билан тобора кўпроқ зидлашиб боради. Ҳозирги замон йирик саноати «ҳаёт-мамот масаласи каби ...қисмий ишлини... ҳар томонлама ривож топган индивидуум билан алмаштириш вазифасини қўймоқдаки, бу индивидуум назаридаги турли ижтимоий функциялар ҳаётий фаолиятнинг бир-бирини алмаштирувчи усулларидан иборатдир» (Маркс). Бироқ ишлабчиқариш тараққётининг бу обьектини эҳтиёжларини фақат жамиятни коммунистик асосда қайта қуриш йўлларида гина рўёбга чиқариш мумкин. Социализм қуриш, антагонистик синфларни, шаҳар билан қишилоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликни тутатиш ҳозироқ социал М. т. ни тутатиш сарп қўйилган дастлабки қадамларни билдириб турибди. Коммунизм тантана қилгач, бу хил тақсимот барҳам топади, чунки коммунизм кишиларнинг тўла социал тенглигини, шахснинг ҳар томонлама ривожланнишини ва ҳар бир кишининг ижтимоний ҳаётининг ҳамма томонларида иштирок этишини таъминлайди.

**МИКРОСОЦИОЛОГИЯ** (грек. *mikros* — кичик) — ҳозирги замон буржуа социологияси йўналишларидан бири. Морено (АҚШ), Гурвич (Франция) унинг асосий вакилларидирлар. М. асосий эътиборни инсоният жамиятининг микроструктурасини, яъни кишиларнинг шахсларро психологик муносабатларини, кичик группалар деб аталарадиган ва аъзоларининг бевосита ҳамжиҳатлиги билан характеристерланадиган группаларга асос қилиб олинган симпатия-антиспатия муносабатларини ўрганишга қаратади. Ана шу билан микроструктура макроструктурадан — кишиларни бир мунча формаллаштирилган ташкилот қоидаларига эга бўлган ишлаб чиқариш, касаба, сиёсий ва бошқа группалар типидаги катта коллективларга бирлаштирувчи муносабатлардан фарқ қиласди. Микроструктурага тавсиф-тътириф бериш учун физикадан олинган тушунчалар жорий қилинади: социал электрон (ҳиссият бирлиги), социал атом (Моренода бу — инсон ва унинг теварагидаги яқин кишилар, Гурвичда бу — социал группа), социал молекула (ўзаро туйнудар билан боғли бўлган кишиларнинг группаси). Микроструктурага ҳал этувчи аҳамият берилади. М. нинг даъвосига кўра, микро ва макроструктуралар ўртасидаги номувофиқлик социал кескинлик ва конфликтларни туддиради. Уларни бартараф қилиш учун жамиятнинг микроструктурасини (социаметрик методлар — тестлар, социограммалар ва ҳ. к. ёрдами билан) ўрганиш ва сўнгра унга мувофиқ равшада жамиятнинг макроструктурасини қайтадан тузиш таклиф этилади. М. нинг нуқтai назарича, жамиятни қасалликлардан да-

волаш йўли — социал революциялар эмас, балки кишиларнинг психологияк ўзаро муносабатларини тартибга солувчи социометрик революциялардир. Демак, М. кишиларнинг муносабатларидағи психологияк факторнинг ролини жуда ҳам ошириб юборади, уларнинг ҳаракатларини бошқарадиган чуқуроқ сабабларни эътиборсиз қолдиради. Марксизм жамият структурасини кишиларнинг моддий манбаатлари ва муносабатларидан келтириб чиқаради, аммо шу билан бирга у кишиларнинг ҳавоий ҳавасларини, айниқса кичик ва ноформал группаларнинг пайдо бўлишидаги интилишларини ишкор этмайди, чунки бундай группаларнинг роли турмушда, цехда, мактабда хийла катта бўлиши мумкин. Бу группалар устида конкрет социологик тадқиқотлар ўтказгандা, башарти уларга тўғри изоҳ берилса, М. (социометрия) томонидан ишлаб чиқилган конкрет техник усуслардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**МИЛЛАТЧИЛИК** (национализм) — эксплуататор синфлар идеологияси ва сиёсатининг принципи бўлиб, бу принцип миллий муттозлик, баъзи халқларнинг бошқа халқлардан устунлиги, миллий айирмачилик, адоват ва душманлик идеяларида ифодаланади. Буржуа миллатчилиги капиталистик жамиятнинг маҳсулни бўлиб, у муқаррар суратда миллатлараро антагонизмларни, ирқий камсишишни, миллий ва мустамлака зулмини вужудга келтиради. М. ҳукмрон буржуазиянинг мұхим идеологик ва сиёсий қороли ролини ўйнайди, унинг ёрдами билан буржуазия миллат ичидаги синфи тутувлик имкониятини вужудга келтиришга, турли миллат меҳнаткашларини бир-бираiga қарама-қарши қилиб қўйишга, уларнинг синфи онгини қоронгулаштиришга, ўзининг тор синфи манбаатларини умум миллий манбаатлар қилиб кўрсатишга, халқаро ишчилар ҳаракатини бўлиб ташлашга, мустамлакачиликни оқлаб кўрсатишга уринмоқда. М. кўпинча «сўл» ва ўнг оппортунизм, ревизионизм билан боғлангандир. «Оппортунизм билан социал-национализмнинг гоявий-сиёсий ҳамжинслигига, алоқаси ва ҳатто айнаи бирдайлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ» (Ленин). М. нинг мазмуни, характеристики социал-иқтисодий ва сиёсий шароитларга, уни тарқатувчи синфларнинг тутган мавқеи ва ролига боғлиқдир. Эзувчи миллатларнинг М. и олий давлат шовинизми формасида майдонга чиқади, бу шовинизм бошқа халқларнинг асоратга солинишини оқлаб кўрсатади, уларнинг «паст кишилар» эквалигини «асослаб беради». Эзилган миллатларнинг М. и реакцион хусусиятлари билан бир қаторда умум демократик мазмунга ҳам эга бўлади, бу мазмун империалистик зулмга қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун, миллат сифатида қайтадан бунёдга келиш учун курашни акс эттиради. Буржуа М. и барча мамлакат меҳнаткашларининг ҳамкорлиги ва қардошлиги идеологиясига — пролетар, социалистик интернационализмга тубдай қарама-қаршилар. Социа-

лизм миллій айрмачилыкни тугатиб, барча миллат ва халқларнинг ҳақиқий тенглигини амалга ошириб, улар ўтрасида қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини ўрнатиб, М. нинг социал илдизларини йўқ қўлмоқда. Аммо М. нинг сарқитлари ўз-ўзидан йўқолмайди, айрим кишиларнинг онгида ва хулқ-авторида сақланиши қолади, хусусий мулкчилик, диний сарқитлар билан ва капитализмнинг бошқа сарқитлари билан чирмасиб кетади. Социализм шароитида М. миллый эгоизм (худбинлик)да, интернационал манфаатлар заарига иш кўриб, ўзига хос миллый манфаатларни биринчи ўринга қўйишда, тарихий воқеаларга ва миллий маданият меросига синфий нуқтаи назардан баҳо бермасликда, қолоқ миллый традицияларни сақлаб қолишга уринишда намоён бўлмоқда ва ҳ. к. Коммунистик ва ишчи партиялар М. нинг барча формадаги кўринишларига қарши муросаси兹 курашиб, пролетар интернационализми принциплари асосида жаҳон революцион ҳаракатининг бирлингини мустаҳкамламоқдалар.

**МИЛЛАТ** (лат. *natio* — қабила, халқ) — кишиларнинг тарихан таркиб топган умумийлиги. Кишилар умумийлигининг уруғ, қабила, элат каби формалари М. дан олдин ўтган бўлади, аммо М. уларнинг бевосита ва муқаррар давоми эмасdir. Ленин сўзлари билан айтганда, миллый алоқаларнинг вужудга келишидан бошқа нарса эмас эди. М. нинг бош белгилари — иқтисодий алоқаларнинг, территория ва тиљнинг умумийлигидир. Ана шу асосда маънавий ҳаётнинг умумийлиги, миллий характер хислатлари, маданият, онг, традицияларинги алоҳида хусусиятлари пайдо бўлади. Бироқ М. нинг маъпавий ҳаётни хусусиятларига капитализм шароитида кишиларнинг синфий мавқеи катта таъсир кўрсатади. Ҳукмон эксплуататор синфларнинг идеологлари психик тузилиш ва маданиятнинг умумийлигини М. нинг бош ва ҳатто бирдан-бир белгиси деб ҳисоблаган бир вақтда, Ленин муайян миллатни ташкил этувчи синфлар ўтасидаги зиддиятлардан кўз юмиш ярамаслигини кўрсатади. Ленин М. нииг иккни ёклама хусусиятини (ҳар бир миллатда иккни миллат борлигини ба ҳар бир миллий маданиятда иккни миллый маданият борлигини) доим таъқидлаб кўрсатади. Сиёсатда М. ичida айни М. га мансуб синфиининг миллый хусусиятлари қайдаражада табақаланаётганигини билиш ва назарда тутиш муҳимдир. Ҳозирги давр учун миллатларнинг уларнинг шаклланиш йўлларининг хилма-хиллиги характерлайдир. Ҳозирги вақтда мана бундай миллатлар бор: 1) социал жиҳатдан якжинс бўлмаган, иқтисодий манфаатлари, идеологияси, ахлоқ-одоби қарама-қарши синфлардан ташкил топган миллатлар; 2) социал-якжинс социалистик миллатлар ва 3) ўткинчи типдаги миллатлар; бу типдаги миллатларнинг қиёфаси уларнинг тараққиётнинг капиталистик ёки нокадиталистик йўлидан бориши-

бормасликларнга қараб шаккланади. Ҳозир, капитализм шаронтидаәк, миллатлар билан экономиканың маданиятни интернационаллаштириш ўтасида ўзаро алоқадорликнинг кенгайиш тенденцияси пайдо бўлмоқда. Бироқ империалистларнинг заиф ривожланган мамлакатлардаги ҳалқларни асоратга солиш учун юргизаётган сиёсати миллий айрмачилик тенденциясини кучайтироқда. Миллий озодлик ва мустақилликни қўлга киритишида миллий-озодлик ҳаракатлари фоят катта роль ўйнамоқда. Худди ана шу миллий-озодлик ҳаракатларида ҳалқларнинг миллат сифатида ўзини англашни ривожланиб, мустаҳкамланмоқда, шу ҳаракатлар орқали миллий мустақиллик қўлга киритилмоқда, давлатчилик барпо этилмоқда, миллий суверенитет таъминланмоқда, бу эса М. нинг сийссий, иқтисодий ва маданий ривожланишининг ҳал қилувчи шартнадир. Социализм шароитида миллатлар социалистик миллатларга айланадилар, улар ўз тараққиётлари учун кенг майдонга эга бўладилар. Социалистик миллатларга манфаатларнинг, миллат сифатида ўзини англашнинг, маданиятнинг синфий икки ёқламалик хусусияти ётдир. Улар меҳнаткашлар — ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг миллатлари бўлганишларидан хаёлий миллий бирлишка эмас, балки ҳақиқий бирлишка эгадирлар. Социалистик М. кишиларнинг социализм галабаси натижасида ташкил топган умумийлиги бўлиб, улар бир тилга, территорияга, ягона иқтисодий манфаатларга, давлатчиликка, маданиятга, интернационалистик дунё-караси билан қўшилган умумий маънавий қиёфа хислатларига эгадирлар. Иқтисодий, маданий ва социал-сёсий ҳаётнинг интернационал бирлиги социалистик миллатлар учун характеридир. Киншиларнинг янги интернационал умумийлиги сифатида совет ҳалқларнинг ташкил топиши миллатчиларнинг миллий тафовутларнинг ябадийлиги ва муқаррар суратда ўсиб бориши ҳақидаги «пайғамбарлигиги»ни рад этмоқда ба марксизм-ленинизмнинг миллатларнинг яқинлашуви тўғрисидаги, етук коммунистик жамиятда уларнинг тула қўшилиб кетишлари ҳақидаги башоратини тасдиқламоқда.

**МИСТИКА** (грек. *mystikos* — сирли) — файри табиий кучларга (худога ва умуман руҳ-арвоҳларга) ваҳйийлик, ўзига хос руҳий тажриба ўтказиши ва ш. к. орқали улардан воқиф бўлиш ва улар билан алоқа боғлаш мумкинлигига ишониш. М. ни шунингдек диний-фалсафий назария деб ҳам атайдилар, бу назариянинг асосий элементи — моддий борлиқ қонунларнинг ҳукми доирасидан ташкирида бўлган нариги, сирли дунёни (мўъжиза соҳасини) эътироф қилишдан иборат. М. инсон табиат стихияси олдида ожиз бўлган энг қадим замонларда юзага келган. Уруғдошлик оиласи бузила бошлаган даврдаәк (мас., Шимолий Америкадаги ҳинду қабилаларида) ҳимоячи шахсий руҳларга сигиниши пайдо бўлади, кишилар гўё улар билан сўзлашиб, ёрдам сўрайдишлар. Қейинроқ

(Қадимги Шарқда ва Фарбда) диний жамиятлар пайдо бўлиб, уларнинг тартибга солинган маросимлар (мистериялар) системаси жорий қилинади. Маросимларнинг асосий мақсади — кишиларнинг худолар билан маҳкамроқ мунсабатларини йўлга қўйишдан иборат бўлади. Турли социал табақалар пайдо бўлгандан кейин жамиятнинг бир қисми (кохинлар, насл-насабли аристократлар) М. дан жамиятнинг иккинчи қисми (мехнаткашлар оммаси) устидан ҳукмронлик қилиш учун фойдалана бошлайди. М. нинг шундай функцияси қуллик, феодализм ва капитализм даврларида ҳам сақланиб қолади. Тўғри, расмий идеология фавқулодда диний характерга эга бўлган ўрга асрларда оппозицион қараашлар баъзан М. формасида ҳам ифодаланарди. Феодализмга қарши плебейчиллик оппозицияси Эккартнинг мистик қараашларида ўз ифодасини топган эди (Эккарт инсоннинг, унинг ақл-заковатининг ва ҳ. к. қадр-қимматини эътироф қиласди); айни шу вақтда мистиклардан Сузо ва Таулер мавжуд тартибларни оқлаб чиқардилар. Баъзи философлар (мас., Бёме) нарсаларнинг диалектик табиати ҳақидаги фаразларини мистик формада баён қиласдилар. Янги замонда, илм-фан тараққиети юксак дараражага эришгач, М., одатда, ҳалок бўлаётган синфларнинг ҳис-туйгуларини ифодалайди. М. идеализмнинг деярли ҳамма формаларига хосдир. Фалсафий проблемаларни ҳал этганда М. асос қилиб олинадиган бўлса, у вақтда диний мистик философия ёки фалсафий мистицизм вужудга келади (Киркегор, Вл. Соловьев ва б. таълимоти ана шундай). Бу оқимнинг вакиллари назарича, билишининг олий формаси—ваҳийликдан, интициядан, яъни муроқаба, зикр-само, нури жамолдан иборат бўлиб, инсон гўё шулар орқали мистик, «ғайри табиии» реаллукни, яъни «худонинг жамолини» кўрар эмиш. Ҳозирги замон философиясида мистицизм неотомизмда (*Томизм ва неотомизм*), персонализмда ва диний экзистенциализмда (Ясперс, Марсель) яққол ифодаланган. М. билан фан бирга сиғишимади. Илмий материалистик философиянинг тасдиқлашича, оламда ҳеч қандай ғайри табиий кучлар йўқ, шунинг учун инсонни олдида пайдо бўлувчи барча проблемаларни М. га мурожаат қиласдан ақл-идрок ва амалий фаолият ёрдами билан ҳал қилиш мумкин.

**МИФОЛОГИЯ** (грек. *mythos* — нақл, ривоят, *logos* — таълимот) — ҳалқлар тараққиётининг энг қадимги босқичида бўлган дуниёкарашининг асосий формаси. Воқеликни билишининг, дунёга қарашнинг ўзига хос усули бўлган мифнинг характерли хусусияти шуки, ҳамма нарсалар ва ҳодисалар унда бир-бирига иштироқчи сифатида идрок этилади. Бунинг натижасида бир хил буюмларнинг сифатини иккинчи хил буюмларга бемалол кўчириш мумкин бўлади. М. табиат кучларини жонлантириб кўрсатишга, уларни ҳиссий образлар, алоҳида вужудлар (одамлар, ҳайвонлар) шаклида тас-

вирлаб кўрсатишга асосланган. Ўша замондаги кишининг назарида мифик вужуднинг ҳаракатлари табиий ҳаракатлар эмас, балки ҳеч қандай шубҳа түғдирмайдиган одатдаги, тамомила реал ҳаракатлар бўлиб кўринади. Зевс ҳақиқатан ҳам момоқалдироқ ва яшини яратади, «түғдиради». Атлант ҳақиқатан ҳам осмон гумбазини елкасида кўтариб туради. Мифик қаҳрамонларнинг ақлга симрайдиган жасоратлари ҳақиқатан ҳам бажарилган ишлар деб хаёл қилинади. М. да бир хил нарсаларнинг хоссаларини иккичи хил нарсаларга осонлик билан кўчирилганлиги сабабли, у хаёлга кенг маъдан очиб беради ва бу майдонда мифологик тарзда фикр қилувчи киши ҳар қандай үзгаришлар қилиши ва жасоратлар кўрсатими мумкин бўлади. «Ҳар қандай мифология табият кучларини хаёlda ва хаёл ёрдамида снгади, бўйсундириди ва шакллантириди» (Маркс). Инсон ўз фаолият соҳасини кенгайтириб ва онгинг мифдан фарқ қиласиган бошқа формаларни ривожлантириб, табият кучлари устидан ҳукмронлик қилишнинг реал воситаларини яратгандан, ишлабчиқаришни ривожлантиргандан ва меҳнат қуролларини такомиллаштиргандан кейин, табиий-тарихий суратда ҳукмронлик қилувчи фикр ва хатти-ҳаракат тарзи йўқолади. Бироқ М. бутун жамият учун дунёқараш бўлмай қолгандан кейин ўз аҳамиятини сақлаб қолди ва бадиий ижода, санъатда илҳом манбаи бўлиб қолди. Агар классик М. инсон оиги ривожланишининг муқаррар тарихий погонаси бўлган бўлса, аммо ҳозирги замондаги «миф яратувчилик» буткул бошқа социал ва идеологик асосда пайдо бўлди, уни инсонга душман бўлган социал воқелик, охирги умренини кечираётган социал кучларнинг реакцияни дунёқараши түғдирмоқда. У ҳозирги ҳаёт ҳодисаларини фантастик, хаёллий тасвирилашда (Кафка), ёки жиноий мақсадларга эришиш учун воеклики оигли равища бузиб кўрсатишда (мас., нацистларнинг назариётчиси Розенбергнинг «ХХ аср мифи») нағоён бўлмоқда. Шу тариқа сунъий равища яратилган «М.» классик М. нинг баъзи хусусиятларини (хаёллий образлар ва ҳолатларни) фақат сиртдангина тақорорлаиди, аммо ҳақиқатда у билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

**МИҚДОР ВА СИФАТ — қ. Сифат ва миқдор.**

**МИҚДОР ҮЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ҮЗГАРИШЛАРИГА ҮТИШИ ВА АКСИНЧА** (переход количественных изменений в качественные и обратно) — материалистик диалектикачинг энг муҳим қонунларидан бири. Бу қонун предметлар ва ҳодисалардаги үзгаришларнинг характерини ва алоқасини очиб беради, тараққиёт қай тариқа содир бўлишини, қай тариқа бир предмет ва ҳодисалар ўрнига иккичи предмет ва ҳодисалар келишини кўрсатади. Теварак-атрофимиздаги воқеликнинг ҳаммаси доим үзгариб туради.

Предмет ва ҳодисаларнинг миқдор характеристикалари ўзгаради, уларнинг сони, җажми, бошқа хусусиятлари, мас., тезлиги, оғирлиги ва ҳ. к. кўпаяди ёки камаяди. Предметлар ва ҳодисаларда сифат ўзгаришлари содир бўлади, бунинг натижасида улар ўз сифатлари жиҳатидан тамоман янги предмет ва ҳодисаларга айланадилар. Дафъатан қараганда бир хил ўзгаришлар — миқдор ўзгаришлари — бошқа хил ўзгаришлар билан — сифат ўзгаришлари билан боғлиқ эмасдек кўринади. Мас., биз доимо шундай ҳолни кўриб турамизки, теварак-атрофимиздаги предметлар ўз кўлами, җажми, тезлиги жиҳатдан катталашиб ёки кичиклашиб туради-ю, лекин шу билан бирга ўзларининг сифат муайянлигини сақлаб қолади, яъни ўз структураси, функциялари, энг муҳим хоссалари ҳарактери жиҳатидан асли ҳолича қолади. Бироқ миқдор ўзгаришлари фақат маълум моментгача, чегарагача сифат ўзгаришига олиб келмайди, бу момент ва чегара турли предметлар, ҳодисалар учун турлича бўлади ва улар диалектикада *меъёр* чегаралари деб аталади. Шундай момент бошлангач, миқдорнинг андак ўзгариши ҳозироқ сифат ўзгаришига, сакраша олиб келади (ёки, таъбирга кўрэ, миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келади). Сувининг температураси  $0^{\circ}$  га етган ҳамон, салтни оингач, севуклик уни музлатади, яъни сув музга айланаб, ўз сифатини ўзгартирали. Атом ядросига лоақал бир ядро зарраси (протон ёки пейтрон) қўшилиши билан унинг хоссалари сифат жиҳатдан бошқа бўлиб қолади. «...Табиатда сифат ўзгаришлари — ҳар бир айрим ҳол учун аниқ муайян қилинган усул билан — материя ёки ҳаракатнинг ё миқдорий қўшилиши ёки миқдорий камайиши йўли билангина содир бўлади» (Энгельс). Бу қонунга фақат табиат ҳодисалари эмас, балки ижтимоий ҳодисалар ҳам бўйсунади. Чунончи, капиталистик жамиятдан социалистик жамиятга сифат жиҳатдан ўтишидан олдин тадрижий миқдор ўзгаришлари даври бўлган эди ва бу миқдор ўзгаришлари капитализм бағрида содир бўлиб келган эди (ишлабчиқарувчи кучларининг ўсиши, пролетариат, унинг оғлининг, уюшқоқлигининг ўсиши, омманинг революцион тажрибасининг астасекин ортиб бориши ва ҳ. к.). Диалектиканинг бу қонуни сифат ўзгаришларининг фақат миқдор ўзгаришларига боғлиқ эканлигини очиб бермайди. У су боғлиқликнинг аксини ҳам белгилаб беради: сифат ўзгаришлари ўз навбатида миқдор ўзгаришларига олиб келади. Анорганик табиатда юз берадиган сифат ўзгаришлари натижасида сифат жиҳатдан структураси турлича тузилмалар (атом, ядролари, атомлар, молекулалар, макроскопик жисмлар ва ҳ. к.) пайдо бўлади, демак, мазкур сифат ўзгаришлари бу обьектларнинг миқдорий характеристикаларининг ўзгаришига ҳам олиб келади. Уларнинг җажми, уларнинг таркиби ҳам элементлари ўртаси-

даги алоқанинг энергия катталиги ўзгаради. Янги сифат тараққиёт-нинг суръатлари тезлигининг ўзгаришига ҳам таъсир қилади. Чунончи, тирик табиат (ўсимлик ва ҳайвонлар олами) ноорганик материяга қараганда хийла тез ривожланади. Жамиятда ҳэр бир янги ижтимоий-иқтисодий формация ўзидан олдин ўтган формацияга нисбатан тараққиётнинг анча тезлаштирилган суръатларига эга бўлади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлариниң алоқадорлигини, уларнинг бир-бирига ўтишини Гегель очиб берган эди. Лекин Гегелда бу алоқадорлик абстракт тафаккуришиг, оламий руҳнинг тараққиёт қонуни сифатида юз беради. Гегелининг идеалистик системасида бу қонуннинг туманли ва абстракт тарзда баён этилганлигининг сабаби ҳам шудир. Материалистик диалектикада бу объектив олам тараққиётнинг умумий қонунидир. Шу билан бирга бу қонун инсоннинг мазкур оламни билишида ва уни ўзгаришида фоят катта роль ўйнайди. Бу қонун воқелик ҳодисаларига бир ёқлама қарашдан эҳтиёт қилади, бу қонун мазкур ҳодисаларда юз берадиган миқдор ўзгаришларини ҳам, сифат ўзгаришларини ҳам ҳисобга олишин талаб этади. Халқ оммасининг революцион кураши зарурлигини фалсафий жиҳатдан асослаб бериш учун бу қонуннинг аҳамияти айниқса каттадир. *Реформизм* ва ўнг *революционизм*, жамият ҳеч қандай туб, сифат ўзгаришлари, ҳеч қандай революцион тұнтарышлар қылмасдан тараққий қила бериши лозим, деб ҳисблайди. Бунга қарама-қарши ўлароқ, марксизм-ленинизм революцион сакрашларни жамият ҳаётида энг муҳим момент деб, унинг бир босқычдан иккинчи босқычга ўтиши учун ҳал қилювчи шарт деб қарайді. Кишиларнинг амалий фАО-лияты мұваффақиятли бўлиши учун жамиятдаги сифат ўзгаришларининг хилма-хил формалари турли шарт-шароитларга боғлиқ эканлигини ҳам назарда тутмоқ муҳимдир. Бир-бирига душман, антагонистик синкларга бўлинган, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш сиёсий революция формасида юз берадиган, яъни давлат ҳокимиятни зўрлик билан ағдариши характерига эга бўлган жамиятдаги сифат ўзгаришлари бир масала бўлса, эксплуататор синклар йўқ бўлган социалистик жамиятдаги сифат ўзгаришлари иккинчи бир масала. Бу ўзгаришлар бунда мавжуд сиёсий ҳокимиятни йўқ қилиш билан боғлиқ бўлмасдан, балки шу ҳокимият раҳбарлиги остида, эски сифат элементларининг аста-секин ўлиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин ўсиб бориши йўли билан амалга ошириладиган ўзгаришлардир. Бизнинг мамлакатимизда социализмдан коммунизмга ўтиш худди ана шу йўсинда амалга ошмоқда.

**МОДЕЛЛАШТИРИШ** (моделирование) (фрanc. *modèle* — намуна, тимсол) — тадқиқ қилинаётган объективнинг моделини тузиш. Модель — элементлар системаси бўлиб, бу система тадқиқ эти-

лувчи предметнинг (асли нусханинг) муайян томонларини, алоқаларини, функцияларини қайтадан яратади. Моддий ва белги (*Белги*) моделлари тафовут фарқ қилинади. Гипсдан, картондан, пластмасадан ва бошқа материаллардан ясаладиган, биз музейларда, ўкув юртларида ва ҳ. к. учратадиган макетлар моддий моделларнинг энг оддий намуналари бўлиши мумкин. Бу хил моделлар турили физик процессларни ўрганиш учун кенг фойдаланилади (мас., уларнинг ёрдами билан гидравликада суюқликнинг, аэродинамикада газнинг ҳаракати тадқиқ этилди ва ҳ. к.). Ҳозирги замон фани объектларнинг хоссаларини қайтадан яратиш учун тобора кўпроқ белги моделларига, яъни математик ёки логик белгиларнинг (символларнинг) маҳсус системаларига мурожаат қиласди. Мас., агар бирон-бир иқтисодий система — корхона, саноат тармоғи учун характерли бўлган зложалар, процессларни ифодалайдиган тенгламалар системаси тузилса, худди ана шу нарса айни системанинг белги (математик) модели бўлади. Баъзан белги моделлари кенгроқ ҳам тушунилиб, уларга фақат тенгламаларнинг системалари нисбат берилмасдан, балки шу билан бирга график схемалар ёки обьектнинг муайян тарзда сўз билан тузилган тасвири ҳам нисбат берилади. М. га муайян аналогия, тадқиқ қилинуви обьект билан унинг модели ўртасидаги мувофиқлик асос қилиб олинади. Бу нарса моделдан обьектнинг ўзига ўтишга, унда модель ёрдами билан олинган натижалардан фойдаланишга имкон беради. Лекин моделнинг асли нусхага (оригиналга) бу мувофиқлиги мутлақ эмасdir. Улар орасида муҳим тафовутлар ҳам бор. Ийқса М. нинг ўзида, моделдан ўрганиладиган предмет ёки ҳодисанинг «ўринбосари» сифатида фойдаланишда маъно бўлмаган бўлардиди. Модель муайян тадқиқотда асли нусханинг фақат батзи, муҳим томонларинигина қайтадан ҳосил қилиб, унинг бошқа томонларини назардан соқит қиласди. М. методидан ҳозирги эзмон фацида кенг фойдаланилмоқда, бу метод илмий тадқиқот процессини жиддий равишда енгиллаштирумоқда, бир қанча ҳолларда эса ҳатто мураккаб обьектларни билишинг бирдан-бир воситаси бўлиб чиқмоқда. Фанда шундай ҳодисалар кўп учрайдикси, обьект ниҳоятда катта ёки ниҳоятда кичик бўлганлиги, анча узоқда турганлиги сабабли унга бевосита ёндошиб бўлмайди. Худди ана шунда моделлар тадқиқотчига ёрдамга келади. Улар обьект ҳақида ҳиссий якъол тасаввур ҳосил қилишга имкон берадилар. Бу нарса абстракт обьектларни тадқиқ қилишда айниқса муҳимдир. Моделлар фанда обьектнинг бирон-бир хоссаларини, уларда юз берадётган процессларни изоҳлаш учун кенг қўлланилади. Чунончи, Борнинг атом модели атомнинг кўпгина хоссаларини, мас., унинг барқарорлигини изоҳлашга имкон берди. Энг хилма-хил фанларда (физика, астрономия, биология, экономикада) М. методидан объ-

ектининг фақат аллақаочон маълум бўлган хоссалари, алоқаларини изоҳлаш учун эмас, балки обьектни бевосита ўрганганда билиш имкони бўлмаган янги хоссаларини, алоқаларини аниқлаш учун ҳам фойдаланилади. Ҳозирги замон фанида математик М. элек-трон-ҳисоблаш машиналари ёрдами билан амалга оширилмоқда.

**МОНАДА** (грек. *τόπας* — единица) — бир қанча фалсафий таълимотларда борлиқнинг бундан бўён бўлинмайдиган структурали единицасини билдирувчи термин. Чунончи, Ж. Брунода бу — қара-рама-қаршиликлар бирлигини, шу жумладан моддийлик ва идеявийлик хоссаларини ўз ичига олувчи ибтиодир. Лейбниц ўзининг «Монадология»сида (1714) М. ни воқееликнинг фаол интилиш ва онг ато қилинган соҳирий элементи сифатида тасаввур қилади. Унинг қаршича, монадалар тараққиётнинг турли босқичларида турадилар, улар автоном, биқиқдиirlар («деразалари йўқ»), шундай бўлишига қарамай, улар худо воситаси билан ўзаро таъсир килиб турадилар ва улардан ҳар бири оламни акс эттиради, «бу-тун қенинотни тасаввур қилдиради». В. И. Ленин Лейбницнинг бу фикрига (қисм билан бутуннинг, айримлик билан умумийликнинг алоқасини пайқаган фикрига) эътибор бериди: «Бунда идеализм ва динчиллик бўлишига қарамай, ўзича бир хил диалектика ва жуда чукур диалектика бор» деб ёзган эди. Ҳозирги замон буржува фило-софиясида М. термини деярли учрамайди, аммо мазмун жиҳатдан унга яқин бўлган тушунчалар («жонли» борлиқни ташкил этадиган динамик руҳий «моҳиятлар»ни билдирувчи «субстанциал фаол», «шахс» персонализм ва интуитивизм таълимотларида бордир.

**МОНИЗМ** (грек. *τόπος* — бир, ягона) — фалсафий принцип бўлиб, бу принципга кўра бутун мавжудот ўз негизи билан ягонадир, бир манбага эадир. М. дуализмга ва плюрализмга қарама-қаршидир. Философиянинг асосий масаласи қандай ҳал қилинишига мувофиқ, идеалистик М. билан материалистик М. ни фарқ қилиб қарайдилар. Идеалистик М. руҳий ибтидони бутун борлиқнинг асоси деб билади. Материалистик М. оламнинг бирлигини унинг моддийлигига деб билади. Диалектик материализм илмий ва изчил материалистик М. намунасини ўзида гавдалантиради. У, объектив оламнинг ҳамма ҳодисалари ҳаракат қилувчи материиянинг турли хилларидан иборатdir, деб тасдиқлайди. Бу фикр марксистик философияда фақат табиат соҳасигагина жорий қилинмасдан (ески материализмда шундай қилинади), балки ижтимоий ҳаётга ҳам жорий қилинади.

**МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА** (сущность и явление) — предметнинг диалектик тарзда ўзаро алоқадор тасвифлари. Моҳият айни предмет-метга хос қонунларнинг яхлатлигини, предметнинг турли томонларини бир бутун қилиб бирлаштирадиган бирон-бир предмет ёки процессга сингиб кетган ичкӣ алоқани ифодалайди. Шундай қилиб, у

предмег хоссаларининг жуда хилма-хиллигидаги бирликни очиб беради. Ҳодиса — предметнинг ташки хоссалари ва белгилари бўлиб, улар ҳиссий билишда — сезигда, идрокда ва тасаввурда аниқланади. Ҳодисада предметнинг моҳиятини ташкил этувчи қонунлар очилади. Философия тарихида М. ва ҳ. инг табиатнга энг хилма-хил нуқтаи назардан қарашлар мавжуд эди. Мас, Кант моҳиятни билдиб бўлмайдиган «нарса ўзида» деб, ҳодисани эса инсон онгига ҳос субъектив нарса деб қаради. Шу билан у бирини иккинчисидан ажратиб қўярди. Объектив идеалистлар (Платон, Гегель ва б.) гарчи моҳиятни билиш мумкинлигини эътироф қиласалар-да, лекин уни идеяга боғлар эдилар. Уларнинг фикрича, конкрет предметлар идеязий моҳиятнинг фақат заифгина, чекланган мужассамотидир, холос. Беркли, Мах каби субъектив идеалистлар умуман моҳиятнинг мавжудлигини инкор этадилар, чунки уларнинг назарича, ҳодиса сезиглар мажмуидан иборат бўлиб, индивидуумга улардан бошшака ҳеч нима берилган эмасди. Диалектик материализм моҳиятнинг ҳам, ҳодисанинг ҳам объектив мавжудлигини эътироф этади, уларни бир-бiri билан маҳкам алоқеда олиб қарайди. Моҳият ҳодисада очилади, ҳодиса эса моҳиятини очиб, уши акс эттиради. «...Моҳият юз берувчи ҳодисадир. Ҳодиса моҳиятлайдир» (Ленин). М. билан ҳ. диалектик зиддиятни ташкил этади. Ҳодиса моҳиятта сира тўғри келмайди, у ички моҳиятни алоқаларни бузуқ шаклда ифодалashi мумкин. «...Агарда нарсаларнинг юз берини формаси билан моҳияти бир-бирига бевосита тўғри бўлиб тушганда эди, у вақтда ҳар қандай фан ортиқча бўлиб қолган бўларди» (Маркс). Фаннинг вазифаси ҳам худди шундан иборатки, у ташки юз берини замирида моҳиятни кўриши, предметнинг ташки томонлари замиридаги қонунларнинг яхлитлигини очиб берниши лозим. Ҳодиса моҳиятдан мазмунлироқдир, чунки у муҳим алоқадорликларни очиб беришнингина эмас, балки ҳар хил тасодифий муносабатларни, индивидуал белгиларни ва шу кабиларни ҳам ўз ичига олади. Моҳиятга ишсбатан ҳодиса ҳаракатчарироқдир, ўзгарувчарироқдир. Моҳият ишсбатан барқарорроқдир. Лекин бу фактдан, моҳият умуман ўзгармайди, деб хулоса чиқариш ярамайди. Шубҳасизки, моҳиятининг ривожланиш суръатлари ҳодисаларнинг ўзгариш суръатларидан фарқ қиласди, аммо моҳият ривожланади. Моҳиятнинг ривожланиши — мураккаб, зиддиятли процес-дир. Бу процессионга тасаввур қилиш моҳиятини очиб берадиган ҳодисаларни тасвирлашдан кўра анча қийиндир. М. билан ҳ. ни тадқиқ қилиш билиш процессининг турли босқичларидан иборатdir. Нарсаларнинг моҳиятини ҳиссий идрок билан эмас, балки назарий тафаккур билан пайкаш мумкин. Назарий билим предметни унинг конкретлигига, зарур алоқалар, қонунларнинг мураккаб диалектик системаси сифа-

тида очиб бераді ва шу билан предметтінг мөдніятини тасаввур қылдирағи.

**МУЛК** (собственность) — кишиларнинг ноз-неъматларни (ишлаб-чиқариш воситалари ва натижаларини) ўзиники қилиб олиши. Гарчи М. ишлабчиқарышнинг ижтимоий элементтери билан чамбар-час боғынқ бўлса-да, одамлар ўртасидаги муайян муносабатлардан (*ишлабчиқариш муносабатларидан*) иборат, бу муносабатлар уларнинг нарсаларга қандай қарашини ифодалайди. М. ишлабчиқариш воситалари кимнинг қўлида эканлигини кўрсатади, кишиларнинг ижтимоий ишлабчиқариш системасидаги аҳволи (мас., уларнинг синифларга бўлинганилиги), уларнинг бир-бирига муносабати ҳам аниа шунга босғлиқдир. М. муносабатлари моддий неъматлар ишлабчиқарышнинг хусусиятларини белгилабинга қолмайди. Улар пиравард ҳисобда бутун ижтимоий тузумнинг асосини ташкил этади. М. нинг характеристи үзгармасдан қолмайди. Тарихий тараққиёт жа-раёнида М. нинг бир формаси иккичи формаси билан алмашинади. Бу нарса кишиларнинг субъектлари истаклари билан юз бермайди, балки *ишлабчиқариш муносабатларининг ишлабчиқарувчи кучлар характеристига мувофиқлиги* обьектига қопушнинг амали натижасида юзага келади. Жамият тарихи М. нинг икки асосий типини—ижтимоий ва хусусий М.ни билади. Хусусий М. шароитига ишлабчиқариш воситалари жамиятнинг фақат бир қисми қўлида бўлади. Шу сабабли бу М. ишлабчиқариш воситаларидан мэҳрум қилинган меҳнат-кашларни муқаррар равишда иқтисодий асоратга солади. Кўп асрлар давомида жамиятда хусусий М. нинг бир-бирининг ўрнини эгаллаган турли формалари (қулдорлик, феодал, ~~капиталистик~~ мулк формалари) ҳукмронлик қиласди. Ижтимоий ~~М.~~ кишиларнинг ишлабчиқариш воситаларига умумлашиб, колектив ~~та~~ бўлиб, эгалник қилишидир, бунда жамиятнинг колективтинг барча аъзолари ўз ишлабчиқариш фаoliyatiнинг моддий ~~шароитларига~~ тенг муносабатда бўладилар. Ўз характеристи жиҳатидан ибтидоий жамоа, социалистик ва коммунистик М. ижтимоий мулкдир. М. нинг бу формалари сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласди. Ибтидоий жамоа М. и группа характеристида бўлиб, у жуда қолоқ меҳнат қуролларигагина эга бўлган айрим кишининг заифлигидан келиб чиқсан эди. Социалистик мулк ҳозирги замондаги юксак тараққий этган ишлабчиқариш воситаларига эгалник қилишдан иборат, бу воситалар ижтимоий характеристерга молик бўлганлиги сабабли биргалашиб, колектив бўлиб фойдаланишга муҳтождир. Бизнинг мамлакатимизда М. нинг икки формаси: экономикада етакчи роль ўйнайдиган давлат (умумхалқ) формаси ва кооператив-колхоз формаси бор. Бу ҳол йирик капиталистик хўжаликни ва майда товар хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш йўлларидаги тафовут натижасида юзага колгандир. Давлат ва колхоз-кооператив М. ишлабчиқариш

восигаларининг умумлаштирилиши даражасига қарао бир-биридан фарқ қиласди. Биринчи ҳолда ишлабчиқариш восигалари бутун халқ қўлида бўлиб, иккичи ҳолда улар меҳнаткашларнинг айрим колективларига (колхозлар, кооперативларга) қарашли бўлади. Шу билан бирга М. формалари ўз табиатига кўра бир хилда, бир типдадир. М. инг униси ҳам, буниси ҳам бирорнинг меҳнатини ҳақ тўлгасдан ўзиники қилиб олиш имкониятини истисно қиласди, хўжаликни барча меҳнаткашларнинг эҳтиёjlарини тобора тўлароқ қондириш манфаатларини кўзлаб планли равишда ривожлантириши таъминлайди. Коммунистик қурилыш жараёнда бу формалар аста-секин яқинлапиб боради, колхоз-кооператив эгалигида бўлган ишлабчиқариш воситаларини умумлаштириш даражаси ошиб боради. Бу процесс натижасида ягона умумхалқ коммунистик М. ташкил топади. Социализм шаронтида ижтимоий М. билан бир қаторда меҳнаткашларнинг шахсий М. и ҳам мавжуддир. Бу М. меҳнат даромадлари ва жамгармалардан, ёрдамчи уй-рўзгор хўжалигидан, шахсий истеъмол буюмлари, кулайликлар ва ҳоказотардан иборат. Социализм шаронтида меҳнаткашларнинг шахсий фаровонлиги ижтимоий бойинкниг кўпайишига асосдир, шахсий М. меҳнат натижаларидан, меҳнат унумдорлигини оширишдан моддий манфаатдорлик вужудга келтиради. Шу билан бирга шахсий М. дан нотўғи фойдаланиши уни асл муддаога айлантириб қўяди, хусусий мулкчилик сарқитларини жонлантириши (эгоизм, ижтимоий манфаатларни менсимаслик ва ҳ. к.) манбай бўлиб хизмат қиласди. Коммунистик жамиятда кишиларнинг эҳтиёjlарни уларнинг индивидуал талабларига, дидларига мувофиқ ижтимоий фондлар ҳисобидан қондирилади.

**МУНОСАБАТ** (отношение)— предметлар, ҳодисалар, уларнинг хоссалари бирлигининг формаларидан бири. Бу форма асосида иккичи ўндан ошиқ предметларнинг, яъни ораларнда М. ўрнатиладиган предметларнинг музайян реал ёки фикрий умумийлиги бор. Иккичи ёки бир неча предмет ўз тилига кўра гурлича муносабатлар билан боғланishi мумкин. Мас., *сабаб ва натижа* муносабатлари, генетик (келиб чиқниш) муносабатлар, функционал қарамлик (даллил билан функция ўртасидаги) муносабатлар ва х. к. ана шундай муносабатлардир. Билиш предметлар, уларнинг хоссалари ўртасида муносабатлар ўрнатгауда мазкур предметларнинг моддий бирлигига таянади. Жуда кўп ҳолларда М. реал суратда бир-биридан бутунлай ажралган ҳолда мавжуд бўлган предметларни фикран таққослаб кўриш натижасидан ҳам иборат бўлади (мас., «А В дан каттароқ», «Боку Москванинг жаңуброғида», «Владимир Андрейдан катта» ва ҳ. к.). Бундан, албатта, М. субъективдир, уни билиш ўз хоҳишича туза беради, деган маъно келиб чиқмайди. Билиш иккичи ўндан ошиқ предметларнинг М. ини алиқлагандан предмет-

ларнинг үзининг объектив ҳоссасыга ва предметлардан ҳар биридағы бу хоссаниң объектив үлчовига таянади. Мұносабаттар ҳақида айтилған фикрларни, шундай фикрларни түркүмлашни тадқиқ қилиш билан ҳозирги замон формал логикасінің бўлимларидан бири — мұносабатлар логикаси шуғулланади.

**МУСТАҲҚАМЛИК** (надежность) — ҳозирги замон фанни ва техникасида моддий системаларнинг мустаҳқамлигини, сақланишлигини тавсифлаш учун ишлатиладиган тушунча. М. проблемаси фавқулодда мураккаб техник комплексларнинг яратилиши мұносабати билан айниқса кескин суратда кўндаланг бўлиб қолди: мас., ҳозирги космик ракеталар 2 миллионга яқин деталларни ўз ичига олади ва шунга қарамасдан улар мутлақо бенуқсон ишлашлари керак. Мана шундан, математика, статистика, логика воситаларидан фойдаланиб, шундай системаниң мұайян эксплуатация шароитида талаб қилинган вақт давомида тузук ҳолда ишлаши эҳтимоллигини аниқлаш зарурати пайдо бўлди, чунки бундай аниқлаш бузилиш ҳолларининг олдини олиш ва бартараф қилиш учун ўз вақтида амалий чоралар кўриш имкониятини беради. М. тушунчаси фанда (айниқса биология ва психологияда) тобора кенг жорий бўлиб бориши билан ҳозирги вақтда фақат техника тушунчаси бўлишга хос алоҳида хусусиятларини йўқотмоқда ва умумий илмий аҳамият касб этмоқда. Турли ички ва ташқи изтироблантирувчи таъсирлар чогида үзининг сифат мұайянлигини сақлаб қола оладиган системаларнинг мустаҳқамлиги маълум бўлди. Мураккаб системаларда компонентларнинг ишлаб туриши сисегеманиң яхлит ҳолидаги барқарорлигининг сақлапиш вазифасыга бўйсундирилган бўлади. Шу сабабли ўз-ўзинни тартибиға солиши, хатти-ҳаракатиниг мақсадга мувофиқлиги М. ининг мұхим шарти бўлиб майдонга чиқади. Демак, М. тушунчаси мураккаб, маълум мақсадни кўзлаб ишлайдиган системаларнинг сақланишларининг (олий даражада тузук ишлашининг) алоҳида типини очиб берадики, бу системалар сирасыга мураккаб техник қурилмалар ҳамда барча формаларда ва даражаларда ташкил топган тирик түзилмалар киради.

**МУШОҲАДАЧИЛИК** (созерцательность) — муроқабачилик — билишнинг, назарий фаолиятнинг табиат ва жамиятни амалий үзгартирышдан узиб қўйилиши. М. марксистик материализмдан бурунгы материализмнинг билиши назарияси (гносеология) соҳасидаги тубкамчилигини ташкил этарди. Материалистлар билишини предметларнинг инсон сезги органларига ва миисига таъсирининг фақат пассив натижаси деб қарадилар: сезги органлари бу таъсирларни идроҳ этади, мия шундай йўл билан пайдо бўлувчи образларни сақлаб, анализ қиласи, бир-бири билан таққослаб кўради, улардаги умумийликни топади ва нарсаларнинг моҳиятини пайқайди. Объектив олам инсонга мутлақо қарама-қарши қилиб қўйилади, чунки у

субъектив тарзда, субъектнинг, яъни ижтимоий инсоннинг амалий фаолияти билан ўзгартирувчи объект деб эмас, балки фақат объект деб қаралади, холос. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, чунки практиканинг назарияни ривожлантиришга ҳеч қандай алоқаси йўқ, у фақат индивиднинг ўта фойдали бўлишини кўзлайдиган эҳтиёжларни қондириншга хизмат қиласди, деб ҳисобланарди. Буларнинг ҳаммаси тарихни идеалистик тушиниш билан боғлиқдир. Шундай қилиб, билиш жамиятнинг ҳаётий фаолиятидан, тарихдан ажратилиб, яккаланган индивиднинг ишига айлантириб қўйилган эдики, билувчилик қобилиятини бу индивидга гўё табиат ато қилиб қўйган эмиш. М. метафизиклик (*Метафизика*) билан чамбарчас боғли бўлиб, билишни изоҳлаганда кўп зиддиятларни туғдиради, субъектнинг активлигини абсолютлаштириради. Марксизм, билиш билан амалий ўзгартириш— бир бутун инсон фаолиятининг икки томонидан иборат, деб аниқлаб берди ва шу билан М. ни бартараф қилиди. Шу сабабли табиатнинг ҳар бир предметини унинг фақат амалий фаолият томонидан қайси даражада қамраб олиннишига қараб билиш мумкин бўлади. Билишнинг ўзи эса ташки оламнинг шунчаки пассив инъикоси эмас, балки инсоннинг актив фаслияти процес-сидир.



**НАЗАРИЯ** (грек. *theoría* — күзатиш, қараб чиқиш, тадқиқот) — воқеликнинг тафаккурда умумлашган инъикоси формаси. «Н.» термини фалсафий адабиётда икки ассоий маънода ишлатилади. Кең маънода бу, кишиларнинг амалий фаолиятидан фарқлы ўлароқ, умуман фан, билим демакдир. Н. практика асосида пайдо бўлади, лекин у амалий тажрибани шунчаки умумлаштириб қолмайди, балки анча нари кетиб, предметнинг янги томонларини, алоқаларини очиб боради ва шу билан практикага уларни кўпроқ муваффақият билан эгаллашга ёрдам беради. Торроқ маънода Н. қатъий муайян формага эга бўлган билим демакдир. Инсон бирон-бир объективни билганида унинг ташки томонини тасвирилашдан иш бошлайди, унинг айрим хоссалариши, томонларини қанд қилади. Сўнгра инсон объект ичига чуқурроқ кириб, у бўйсунадиган қопумларин очиб олгач, унинг хоссаларини изоҳлашга, предметнинг айрим томонлари ҳақидаги билимларини бир бутун, яхлит система қилип боғлашга ўтиши мумкин бўлади. Бунда предмет ҳақида ҳисил қилинадиган ҳар томонлама чуқур билим — худди муайлии ички мантиқий структурага эга бўлган назариянинг ўзгинасидир. Ҳар қандай фан назариялардан иборат (мас., ҳозирги замон физикаси — квант Н.си, нисбият Н.си, элементар зарралар Н.си ва шу каби назариялардан иборат). Н.нинг объектси фақат воқеликнинг предметлари ва ҳодисалари эмас, балки Н.нинг ўзи ҳам бўлиши мумкини. Бундай ҳолда Н. ҳақидаги Н. метаназария деб аталади. Тузилиш усулига қараб дедуктив ва индуктив назариялар бир-биридан фарқ қилинади (*Дедукция, Индукция*). Дедуктив назариялар айни назарияда исботлаб бўлмайдиган аксномаларнинг баъзи сочларига асосланаб тузилади. индуктив назариялар эса шундай фактлар мажмуига асосланаб тузилади, бу фактлар уларни бир қадар изоҳлайдиган. сдатда, фарғаз характеристига эга бўлган қоидага олиб бориб тақалади. Ҳеч бир Н. у қанчалик жiddий ва объектив бўлмасин, предмет ҳақида узил-кесил, мутлақ тугалланган билим беролмайди. Ривожланиб бораётган билиш янги фактларни, қоидаларни очиб бераверади. Бу факт ва қоидалардан кўпі эски Н.га сифмайди ва уни ўзгартишини ёки Н. яратишни талаб этади. Бир Н.нинг иккинчи-сига ўтиши — билниш тараққиётидаги қонуниятли ҳодисадир, шу билга

бирга эски Н. ўз аҳамиятини сақлаб қолади-ю, лекин тор доирада сақлаб қолади. Мас., Ньютон механикаси ҳозирги замондаги умумийрөк физика назариясининг жузъий бир ҳодисаси сифатидә майдонга чиқмоқда. Н. Фаннинг ўзагидир; унинг ривожи ва исботи илмий тадқиқотнинг асосий мақсадидир.

**НАРОДНИКЛИК** (народничество) — Россияда майда буржуа деҳқон демократиясининг қараашлари системаси. Идеология сифатидә Н. нинг ўзига хос хусусияти шуки, унда аграр демократия (аграр муносабатларни тубдан ўзгартиш, уларни крепостниклик бўғовларидан озод қилиш талаби) деҳқон утолик социализми билан, капитализм йўлини четлаб ўтиш умиди билан чирмашиб кетган эди. Н. нинг бош асосчилари Герцен ва Чернишевский эди, улар биринчи бўлиб Россиянинг нокапиталистик тараққиёт йўли идеясини илгари сурган эдилар. 19-асрнинг 70-йилларида Н. рус демократик ҳаракатида устун оқим бўлиб қолади. Народникларнинг кўпчилиги, капитализм Россияда ҳозирча мустаҳкамланиб олмаган экан, демак, актив аралашиш йўли билан ижтимоий тараққиёт йўналишини тубдан ўзгартиш, капиталистик йўлни четлаб ўтиши имконияти бор, деб ўйладилар. «Ҳаракатчан» Н. пайдо бўлиб, унинг учун деҳқонлар социалистик революцияси масаласи беъсита амалий или масаласи бўлиб қолади. Бакунин, Лавров, Ткачев бу Н. нинг энг кўзга кўринган идеологлари эдилар. 70-йиллардаги Н. ўзининг ижтимоий-сиёсий йўналишига кўра революцион демократик характерга эга эди. Лекин назарий жиҳатдан у Чернишевскйига ишбатан бир қадам орқага кетган эди. 70-йиллардаги Н. учун характерли нарса шуки, у революцион интеллигенциянинг ҳалқа ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкинлигига ишонарди ву шу муносабат билан ижтимоий масалаларни идеалистларча, волюнтаристларча талқин қиласарди. Народник турли синфларнинг, шу жумладан буржуазиянинг тараққиётидаги объектив тенденцияларга эътиборсизлик билан қаарава, интеллигемия мамлакат учун қандай йўл таиламоги лозим, деб муҳокама юргизарди. Чернишевскйининг социологик концепциясининг марказий нуқтаси бўлган тарихий қонуният идеясини народниклар, революционерлар учун номақбул буржуа тараққиёт йўли, деб рад қилган эдилар. Бу тезисни асослаш учун тарихий процес-снинг алоҳида хусусияти, инсоннинг субъектив фаoliyatiиниң тарихда ҳал қилувчи аҳамияти, шунингдек барча ижтимоий ҳодисаларга абстракт «ахлоқий идеал» (социологияда «субъектив метод» деб аталувчи нарса) нуқтаи назаридан берилган баҳо далил қилиб қўрсатилиларди. 70-йиллардаги Н. назариётчилари философияда материализмдан позитивизмга қараб бир қадам орқага кетган эдилар. Улар ўзларини табииёт илми тарафдорлари деб ёълон этган ва материализмни фан доирасидан четга чиқувчи философия деб рад қилган эдилар. 19-асрнинг 80-йиллари ўрталарида бошлиб Н. чуқур кри-

зисни бошдан кечиради. Бу кризиснинг сабаби, бир томондан, қишилоқда народниклик социалистик пропагандасининг мұваффақиятсызликка учраганлиги ва «Народная воля» нинг тор-мор көлтирилганилиги бўлса, иккичи томондан, мамлакатда синфий силжишларнинг рўй бериши: дәҳқонларнинг табақаланиши, пролетариатнинг ўсиши ва унинг курашининг ривожланиши эди. Революционерларнинг бир қисми (Плеханов ва б.). Н. билан алоқани узид, марксизм позициясига ўтди. Н. да либерал оқим устун эди (Юзов, Михайловский, Воронцов, Кривенко, Южаков ва б.), бу оқимнинг характерли хусусияти мавжуд тузумни революцион йўл билан ағдариб ташлашдан воз кечиш эди. 80—90-йиллардаги народниклар асосий эътиборни ўз назариясининг иқтисодий томонига қаратарди. Уларнинг асосий тезиси — майда дәҳқон хўжалигини капитализмга қарама-қарши қилиб қўйиш эди. Фактларнинг тазиёки остида народникларнинг бир қисми мамлакатнинг капиталистик йўл билан тараққий қилаётганини ва дәҳқонларнинг табақаланаётганини эътироф этишга мажбур бўлган эди. Бироқ бу эътироф капитализмга қарши, «халқ ишлаб чиқариши» га ёрдам бериш хусусида ҳар хил буржуача утопик хаёлий лойиҳалар билан боғланган эди. Либерал Н. вакиллари марксизмга қарши актив кураш олиб бордилар ва уларнинг бу кураши гоявий тор-мор бўлиши билан тамомланди. Ленин ва Плеханов Н. ни чукур танқид қилиб чиқдилар.

**«НАРСА ЎЗИДА»** («вещь в себе») — философик термин бўлиб, билинишидан қатъи назар, ўз-ўзлигича мавжуд бўлган нарсалар, обьектлар шу термин билан белгиланади. Кант таълимотида бу термин гарчи биздан ташқарида мавжуд бўлиб, бизнинг сезги органларимизга таъсир қилиб турса-да, лекин ўз моҳияти жиҳатидан принципиал равишда билиб бўлмайдиган нарсаларни характерлайди; бу таълимотга кўра, инсон уларни фақат бизга, бизнинг онгимизга кўринган жиҳатлардангина тушинишга ва изоҳлашга қодирdir, аммо у мазкур нарсаларнинг ўз-ўзлигича қандай эканлигини билолмайди. Кант назарича, «Н. ў.» принцип жиҳатдан ҳиссий тажриба эришолмайдиган ва унга обьект бўлиб хизмат қилолмайдиган гайри табиий предметларни (худо, иродиа эркинлиги, ўлмасликни) ҳам билдиради. Диалектик материализм оламни принцип жиҳатдан билиш мумкинligини қаттиқ туриб ёқлади ва шу билан билиб бўлмайдиган моҳиятлар маъносида қандайдир «нарсалар ўзида» нинг мавжудлигини инкор этади. Шу билан бирга у билиш обьекти сифатидаги «Н. ў.» нинг мавжудлигини эътироф қиласди, чунки бундай обьектнинг хусусиятлари илм-фанинг ривожи жараёнida аста-секин очила боради ва шу билан у «биз учун нарса» га айланади.

**НАТУРФИЛОСОФИЯ** (лат. *natura* — табиат) — табиат философияси; табиат ҳодисаларини мавҳум фалсафий принципларга

асосланувчи ақл югуртириш йұли билан шарқлаш; табиатнинг умумий манзарасини беришга уриниш. Н. қадим замочдаёт, ҳали табиий фанлар бүлмаган ва табиат ҳодисалари ҳақидаги ҳамма билімлар философия доирасыда ривожланған өңдә, пайдо бўлди. Қадимги грек Н. сининг хусусияти шу эдик, у табиатта алоқали, доним ўзгариб турувчи яхлит нарса деб, ҳеч қандай илмий тадқиқот билан тасдиқланмаган содафаҳм назар билан қаарди. У бир қанча самарали идеяларни, мас., материянинг атом түзилиши (*Атомистика*) ҳақидаги фаразни илгари сурди. Н. *Үйғониш* даврида кенг тарқалди, чунки у вактда капиталистик ишлабчиқарыш усули пайдо бўяши муносабати билан табиатни үрганишга қизиқиш куячган эди. Ж. Брунсү Николай Кузанский ва б. табиат билан инсоннинг бирлигини аиглашга уринидилар, табиатнинг ниҳоясилиги, ундаги ҳаракатнинг универсаллiği, қарама-қарши ибтидоларнинг бирлиги идеяларини илгари сурдилар. Уша замондаги табиёт илми табиатнинг кўп алоқалари ва қонуниятларни очиб берманлиги сабабли, натурфилософлар кўп ҳолларда ўзларига маълум бўлмаган реал алоқалар ўрнига ўйлаб чиқарилган, хаёлий алоқаларни қўйдилар, етишмаган фактлар ўрнини уйдирмалар билан тўлдирдилар, турли хил бидъат-хурофтларга, сеҳргарликларга, алхимиага ва ш. к. мурожаат қилдилар. 17—18-асрлар даврида, ҳаракатнинг механик формаси ҳаммадан яхшироқ үрганилган өңдә, табиат механика қонунларига бўйсунган қандайдир бир система деб қаралади. Н. 18—19-асрлардаги немис идеалистик философиясида кўзга кўринарли ўринни эгаллади (Шеллинг, Гегель). Бунда у табиатдаги бутун мавжудотнинг руҳий ибтидодан туғилганилиги ҳақидаги бош идеалистик қондани асосаслаб бериш учун хизмат қилиди. Ана шу Н. доирасыда табиат ҳодисаларидағи диалекттик ўтишлар ҳақида, уларнинг ўзига хос қонуниятлари ҳақида, уларда қарама-қарши ибтидолар (қутблар) борлиги ҳақида бир қанча чуқур фаразлар қилинган эди. Лекин умуман олганда табиатни натурфилософия асосида тушуниш ўзбошимча сунъий конструкциялар доирасыда қола берган эди. Н. табиёт илмини ўзига тобе қилиб, уни табиат ҳодисаларици билишининг қўйи, номукамал босқичи деб қаарди. 19-асрда табиий фанларнинг ривожланиши, айниқса уч буюк кашфиёт (хужайра назарияси, Дарвиннинг эволюция назарияси, энергиянинг сақланиши ва бир ҳолатдан иккичи ҳолатга ўтиши қонунининг очишлиши) шунга олиб келдичи, Н. ҳар қандай маъносини йўқотиб қўйди. Фаннинг ўзи ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро ўтишларини билишга мусасар бўлди, бу эса табиатнинг яхлит илмий назариясими ҳосил қилиш имкониятини бермоқда. Табиатни диалектик-материялнистик тушунишнинг Н. билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу табиат ҳодисаларини уларнинг ўз алоқадорликлари нуқтai назаридан тушу-

Нинг (мас., Гегелинг ўз философиясини ва прусс монархиясини тараққиёт тожи деб ҳисоблаши), философияни фанлар фанига айлантиришга уринишнинг, мистиканинг анчагина улуши аралашиб кетганлигининг ва ҳ. к. боиси ҳам ана шудир. Нажот йўли материалистик позицияларга ўтишдан иборат эди. Бу ўтиш Н. к. ф. тарихида Фейербах номи билан борлиқдир. Фейербах Гегелининг муҳлиси сифатида иш бошлаб, сўнгра бу мутафаккирнинг идеализмини танқид қилди ва унинг системаси худди *диннинг* рационал таянчи эканлигини кўрсатди. Фейербах субъектни руҳ деб эмас, балки реал инсон деб тушунишни ривожлантиришга уриниб, инсонни фақат табиат маҳсулни деб қаради, унинг моҳиятини бислогик, физиологик тавсифлардан иборат қилиб қўйди (*Антрапологиязм*). У материализми иккимош ҳодисалар соҳасида жэрий қила олмади, тарихни, демак, инсон фаолиятини ҳам тушунишда идеалистик позицияларда қола берди. Бундан ташқари, у идеалистик диалектикага қарши чиқаркаи, шу билан бу диалектикани улоқтириб ташлади ва умуман ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг эришган ютуқларини ҳисобга ола билмади. Н. к. ф. идеяларининг бутун бойлигидан фойдаланиш вазифаси Маркс билан Энгельс зими масига тушди ва Н. к. ф. марксизм философиясининг назарий маи-Баларидан бирни бўлди.

**НЕОПЛАТОНИЗМ** — 3—6-асрларда Рим империясида, қулдорлик жамияти қулаётган даврда мавжуд бўлган диний-мистик фалсафий оқим. Плотини, Порфирий ва Прокл Н. нинг энг кўзга кўринган вакиллари эдилар. Кадимги грек философи Платоннинг икки олам (идеяларнинг абадий ва ўзгармас чин олами ва унинг инъиғоси бўлмиш ҳиссий нарсалар олами) ҳақидаги таълимоти Н. учун асосий нуқта бўлди. Бу таълимот неоплатончиларда очикдан-очиқ мистик характер касб этди. Улар «ягона», ёки «эзгулик» деб аталувчи қандайдир илоҳий моҳиятни ҳамма нарсанинг манбаи, бош сабаби деб биладилар. Бу моҳиятни ақл билан билиб бўлмайди, унинг ҳақида, у борлиқдан ташқарида туради, дейишдан бошқа бирон тайинли гап айтиб бўлмайди. Яккаю-ягона эманация (нур чиқариш) йўли билан оламий ақлни (идеялар оламини), сўнгра айрим руҳларга (фаришталарга, кишиларга) бўлинниб кетадиган оламий руҳни, ниҳоят, эманациянинг қўйи босқичини — ҳиссий моддий оламни, қандайдир хаёлий, «гуноҳга ботган» дунёни ўзидан ажратиб чиқарди. Неоплатончиларнинг фикрича, инсоннинг бирдан-бир мақсади — ўзини ҳар қандай жисмоний, «гуноҳкор» нарсалардан холи қилиб, илоҳий моҳиятга яқинлашиш, экстаз (зикр-само), руҳни мисстик кўз орқали равшан кўриш ёрдами билан «эзгулик»ка эришишдир. Н. идеялари христиан теологиясига, Уйгониши даври философиясига катта таъсир кўрсатди.

**НЕОПОЗИТИВИЗМ** — ҳозиргидан замон позитивизму, капиталис-

тик мамлакатларда жуда кенг тарқалған фалсафий оқым. Н. нинң (унинг «мантиқий поэзитивизм», «мантиқий эмпиризм» ва шу каби бошқа номлари ҳам бор) мұхлислари орасыда күргина олимларни, турли хилдаги фанларнинг (логика, лингвистика, математика, физика ва б.) вакилларини күриш мүмкін. 20—30- йилларда мавжуд бўлган Вена тўгарагининг қатнашчилари Шлик, Нейрат, Карнап ва бошқалар Н. нинг асосчилари эдилар. Бу кишиларга австрийлик философ Витгенштейннинг идеялари катта таъсир кўрсатган эди. Рассел, Айер, Айдукеевич ва б. ҳам Н. нинг таниқли вакилларидилар. Н. бир қанча тус-турларга эга бўлса ҳамки, унинг ҳамма турларига хос бўлган умумий белгилар ҳам бордир. Уларнинг ҳаммаси учун шу нарса характерлики, улар философиянинг асосий масаласини субъектив-идеалистик тарзда ҳал қиласидилар; тўғри, неопозитивистлар, биз материализм билан идеализмнинг ҳаддан ошиб кетган томонларини бартараф қиласиди, деган гапларни ҳам айтадилар. Объектив суратда мавжуд бўлган нарсаларнинг муносабатлари ва алоқаларини ўрганишга, ташки оламининг тараққиёт қонунларини аниқлашга ҳар қандай уринишларни Н. гайри илмий уринишлар, «метафизика» деб эълон қиласиди. Неопозитивистларнинг фикрича, философия илмий билишнинг ўзини тадқиқ этиш билан шугулланмоги лозим. Унинг вазифаси — илмий назарияларнинг мантиқий структурасини ўрганишдан, фанник қоидалари қандай тузилишини, улар ўртасидаги мантиқий боғланиш қандай лигини ойдинлаштириб беришдан, фан тилини — унда ишлатила-диган сўзларни, символларни, белгиларни анализ қилишдан иборат. Бу проблемаларнинг ҳаммаси илмий билишнинг ризоҷланиши учун ҳақиқатан ҳам муҳимдир. Ҳозирги замон фани — доимо ривожланиб бораётган билимларнинг мураккаб системасидир. Илмий бинища символларнинг, белгиларнинг, математик тадқиқот методларининг роли ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда методология, фан логикинин масалаларига қизиқиши мисли кўрилмаган даражада кучайди. Лекин «фан философияси» ролини ўйнашни даъво қилиб чиқаётган Н. ҳақиқатда бу масалаларнинг ҳаммасини гайри илмий, идеалистик нұктан назардан ҳал этмоқда. Неопозитивистлар фаннинг тушунчалари, қоидалари, алоқалари замидида илмий назарияларда акс эттириладиган ва реал суратда мавжуд бўлган нарсаларнинг алоқалари ва мунисабатлари борлигинни кўрмайдилар. Н. тарафдорларининг фикрича, у ёки бошқа қоидаларнинг чинлигини ёки ёлғонлигини тажриба фактлари билан сошлишириб кўргандан кейин аниқлаш (ёки уларнинг таъбирича, мазкур қоидаларнинг мазмунини ойдинлаштириш) мүмкін. Уларнинг «факт» тушунчасига қандай маънно беришлари Витгенштейннинг, олам нарсалар мажмуудан эмас, балки фактлар мажмуудан иборатдир, деган даъвосидан кўриниб турибди (ҳозирги замонда-

ги күп позитивистлар ҳам унинг бу фикрига амал қилмоқдалар) Фактлар деганда инсон онгининг муайян ҳолатлари (сезиглари, тасаввурлари, кечинмалари) тушунилади, фактлар — айтилган фикрларда муайян тарзда қайд қилиш, тил ёрдами билан расмийлаштириш мумкин бўлган нарсалардир. Шундай қилиб, фалсафий проблемалар, аслини олганда, тил проблемасидан (инсон кундалик ҳаётда фойдаланадиган оддий тил ва фан тили проблемасидан) иборат қилиб қўйилади. Н. вакилларининг фикрича, материалистлар билан идеалистлар ўртасидаги тортишув сўзларни шотўри ишлатишдан келиб чиқсан эмиш. Баъзи неопозитивистлар эса (Чейз ва б.) ҳатто турли социал конфликтларнинг, синфий курашнинг сабабини ҳам тиљнинг номукаммаллигидан кўрадилар. Ижтимоий ҳодисаларни тушунишда неопозитивистлар буржуа эмпирик социология позициясида турадилар. Улар ижтимоий тараққётнинг умумий объектив қонунларини инкор қиладилар, жамият ҳақидаги фаний айрим воқеаларни тасвиirlаб кўрсатишдан иборат қилиб қўядилар, капитализм шароитидаги реал зиддиятлар ва социал антагонизмларнинг сабабларини тадқиқ қилишдан бош тортадилар.

**НЕОРЕАЛИЗМ** — 20-асриниң дастлабки ўн йилларидаги инглиз-америка буржуа фикридаги оқим. Н.—Расселда тарқалган субъектив-идеалистик эмпиризмнинг турли кўринишларидан бири бўлиб, бу кўриниш традицион идеалистик тасаввурларни бартараф этишини, фаннинг янги маълумотлари ва методларига мувофиқ философияни қайтадан тузиши даъво қилиб чиқмоқда. Инглиз-америка философиясида Н. ни бошлаб берувчи Ж. Мур ҳисоблашади, Англияда Н. ни Рассел, Уайтхед, Александер, АҚШда эса Перри, Монтеѓю, Сполдинг ва бошқалар ривожлантиридилар. Н. даги асосий масала — объективлик билан субъективликнинг, ҳақиқатда мавжуд нарса билан фикрдаги хаёлий нарсанинг билишда бирдайлиги ҳақидаги тезисdir. Неореалистлар У. Жемснинг «коннотнинг бетараф моддаси» ҳақидаги идеясини янада ривожлантириб ва Рассел билан Уайтхеднинг мантиқий-математик асарларига таяниб, бутун мавжудотнинг замнирида моддий ҳам эмас, идеявий ҳам эмас, балки учиччи бир нарса — тажриба асос бўлиб ётади, дейдилар ва тажрибани ҳам улар «бетараф элементлар»га ёки «моҳиятлар»га, яъни ҳеч қандай муносабат орқали бир-бири билан боғланмаган атомар, абсолют «элементлар»га бўладилар. Сўнгра бу «элементлар»дан бутун конкрет борлиқ келтириб чиқариларди. Н. доирасида «бетараф элементлар»га турлича шарҳ-талқин берилган эди: бирёвлар уларни вулгар-материалистик тарзда тушунар, бошқалар уларни сезиглар билан бирдай деб қаардилар, лекин бу «элементлар»ни инсон онгига боғли бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган «универсалиялар», мантиқий абстракциялар деб қаровчи нуқтаи назар энг характерли эди. Неореалистлар субъектнинг билимга

эришиш йўлидаги актив фаолиятини эътиборга олмаганиликлари ва чин билим билан ёлғсан билим ўртасидаги фарқни ва ҳ. к. ишонарли қилиб асослаб беролмаганиликлари сабабли, уларнинг тутган маъқен идеалистик философиянинг бошқа оқимлари (*Танқидий реализм*) томонидан танқид қилинди. Шунинг учун 20-йилларда Н. ўз фаолиятини тўхтатади; прагматизм сингари, у ҳам АҚШда неопозитивизмнинг кенг тарқалиши учун замин тайёрлаб берди.

**НЕОТОМИЗМ** — қ. *Гомизм*.

**НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ** — қ. *Абсолют ва нисбий ҳақиқат*.

**НИХОЯЛИ ВА НИХОЯСИЗЛИК** (конечное и бесконечное) — воқеликнинг бир-бирига зид томонларини акс эттирувчи тушунчалар. Нихояли — конкрет предметлар ва ҳодисалардан иборат бўлиб, бы предмет ва ҳодисалар чекланган ва ўткинчидир, уларнинг замон ва маконда бошланиши ва тугалланиши бор, улар қандайдир бошқа предмет ва ҳодисаларга боғлиқдир. Нихояли тушунчаси объектларнинг ҳамиша муайян чегараларда мавжуд бўлган барча конкрет, хусусий хоссаларини характерлаб кўрсатади. Бу хоссаларнинг миқдор жиҳатдан камайиши ёки кўпайиши муайян босқичда объектлар эндилкда мазкур хоссаларга эга бўлмасликлари мумкин. Мас, макроскопик (оддий кўз билан кўриб бўладиган) жисмларнинг кўп хоссалари микрозарраларда учрамайди ва аксинча. Табиатдаги ҳамма таъсиrlар ва сигналларнинг тарқалиш тезлиги, барча сифат ҳолатларнинг ўзгариш тезлиги нихоялидир. Амалий тажрибада кишилар материянинг фақат нихояли миқдорлари ва хоссалари билан иш кўрадилар, чунки фақат шу миқдорга хоссаларни ўлчаш ва уларга экспериментал таъсиr кўрсатиш мумкин. Нихоясизлик материяга ва айни даражада материянинг барча хилма-хил хусусиятларига хосdir. У материянинг замонда ўзгариши ва ривожланишида, унинг маконда мавжудлик характеристига, материянинг структураси ва хоссаларида юз беради. Материяни яратиб ҳам, йўқ қилиб ҳам бўлмайди. У абадий яшайди. Шу билан бирга материянинг абадийлиги фақатгина унинг замонда чексиз узунлигидан иборат бўлиб қолмайди. Материянинг замонда нихоясизлиги бир хилдаги объектларнинг бошқа хилдаги объектлар билан нихоясиз алмашиниб туришини, материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга доимо ўтиб туришини ўз ичига олади. Олам ҳамиша биз ҳозирги вақтда кўриб турганимиздек бўлмаган ва келажакда ҳам у доимо ўзгариб бора беради. Материя маконда ҳам нихоясизdir. Бирон-бир космик системанинг ҳажми нақадар катта бўлмасин, у таркибий элемент сифатида бошқа, каттароқ системаға киради. Энг сезигир радиотелескоплар ҳозирги вақтда 10 миллиард ёруғлиқ йил масофасидан ошиқ узоқликда бўлган галактикаларнинг чиқарган нурларини тутиб олмоқда. Лекин Ерга

бекиёс узоқроқ оламлардан чиққан курлар ҳам келиб турадики, уларни ҳозирча ўлчов асбоблари қайд қилмайди. Маконнинг ниҳоясилиги шундан иборатки, оламда сон-саноқсиз кўп объектлар, системалар мавжуд бўлиб, улар сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласди, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонунлари бор. Бино-барин, материянинг ниҳоясилиги унинг монотонлигидан, тузилиши жиҳатдан бир хилликдан иборат эмасдир. Метафизиклар материяни худди шундай тушуниб, «ярамас» ниҳоясилик назариясини илгари сурған эдилар. Материя фақат энига (маконда) ниҳоясиз эмасдир. У теранликда ҳам битмас-туганмасдир. Оламда мутлақ оддий, бўлинмас ва структурасиз тузилмалар йўқ. Материянинг ҳар қандай зарраси беҳисоб кўп хоссаларга, ташқи ва ички алоқаларга, доимо ўзгариб турнига қобилиятiga эгадир. Шу сабабли ҳар бир объект Н. ва и. нинг бирлигидан иборатдир. Макон ва замонда ниҳояли бўлган бу объект бошқа объектлар билан сон-саноқсиз алоқалар орқали боғланган бўлиб, у материянинг битмас-туганмас кўпдан-кўп элементларини ўз ичига олади, у беҳисоб хилма-хил хоссаларга эгадир. Ҳар қандай ниҳояли нарса — ниҳоясиликтининг юз бериш формасидир. Илм-файни ниҳояли ҳодисаларини билиш орқали оламдаги ниҳоясиликин ва абсолютликни очиб беришга доимо яқинлашиб туради.

**НОЗ-НЕЎМАТ** (благо) — инсон учун ижобий аҳамиятга, қимматга (*Қимматдорлар*) эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси. Энг турли хилдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг, шу жумладан ижтимоий муносабатлар, одамларнинг хатти-ҳаракатлари ва шу кабиларнинг инсон эҳтиёжларини қондира олиши, фойда келтира олишидир ва баҳт-саодат уларни одамлар кўзи олдидা ноз-неўматга айлантириб қўйиншидир. Ҳаёт ва маданият қимматдорлари (бойликлари), моддий ва маънавий ноз-неўматлар ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлганингидан, жуда хилма-хилдир (мас., ишлаб чиқариш қуроллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, саломатлик, адолат, озодлик, тинчлик, ҳақиқат, гўзаллик). Н. ни марксистик тушуниш диний-идеалистик тушунишга қарама-қаршидир. Дин Н. нинг манбанини худода деб билади, худо инсонга баҳт-саодат ва роҳат-форагатни фақат у дунёда беради, ердаги ҳаётда эса уни ўз-ўзини чеклашга, итоатгўй, сабр-қаноатли бўлишга маҳкум этади, деб даъво қиласди. Н. ни идеалистик тушуниш уни воқеликдан ажратиб қўяди, уни абстракт, гайри тарихий белгилар билан буркайди. Н. ниҳоятда мавҳум тарэда тасвирлаб кўрсатилади: у барча тарихий даврлар учун, ижтимоий мавқеи, манбаатларидан қатъи назар барча кишилар учун ўзгармай қолиши лозим. Ҳақиқатда эса, Н. га баҳо бериш учун хизмат қиласдиган «абадий» критериялар йўқдир. Одамларнинг манбаатлари тўқнаш келадиган жамиятда баъзи бирорлар учун Н. кўпинча бошқалар учун бало бўлиб қолади.

Кўнгина буржуа мутафаккирларининг Н. га айрим шахсларнинг эгоистик интилишларига асосланиб баҳо беришга уринишлари ҳам асосизидир. Марксизм шахсий баҳт-саодатни, Н. ни ижтимоий нарсадан ажратмайди. У меҳнаткашларнинг манфаатларига жавоб берадиган нарсаларни Н. деб ҳисоблайди; ҳалқ қўлидаги ижтимоий бойлик — шахсий роҳат-фарғатнинг негизидир. Коммунизм ҳар бир кишига ақлга мувофиқ эҳтиёжларини қондиришга ва ўз қобилятини ҳар томонлама ривожлантиришга имкон берадиган моддий ва мъзнавий ноз-неъматларни мўл-кўл қилиб яратишини назарда тулади.

**НОМІНАЛИЗМ ВА РЕАЛИЗМ** (лат. *номіна* — ном, *realis* — моддий) — ўрта асрларда Гарбий Европа фалсафий фикрнинг асосий оқимлари. Н. билан рўтасида кўп асрлардан бери давом қилиб келган мунозарарининг мавзуи умумий тушунчаларнинг (универсалияларнинг) табиати ҳақидаги масала ёки умумий хоссаларнинг (денишмандлик, ранг ва ҳ. к.), умумий обьектларнинг («умумай инсон», яхшилик, ёмонлик ва ш. к.) ҳиссий идрок этиладиган индивидуал предметларга муносабати ҳақидаги масала эди. Бошқача қилиб айтганда, номиналистлар билан реалистлар философиянинг туб масалаларини: нима пимадан олдин бор бўлган — обьектив рашидда мавжуд бўлниб, ҳис билан идрок этиладиган нарсалар умумий идеялардан олдин бор бўлгацми ёки, аксинча, идеялар нарсалардан олдин бор бўлганми, инсон билиши нарсаларни бевосита акс эттирувчи сеэгилардан тушунчаларга қараби ёки тушунчалардан нарсаларга қараби ҳаракат қиласди, деган масалаларни ҳал қилишда бошқа-бошқа фикрда эдилар. Универсалиялар ҳақидаги мунозаралар католик динининг догматлари (ақидалари)ни муҳокама қилиш билан чатишиб кетган эди. Реалистлар, умумий обьектлар, тушунчалар ё алоҳида оламда: ақлдан ташқарида ва индивидуал предметлардан ташқарида, бу предметларга қадар (ўта реализм: Эриугена), ёки индивидуал предметларнинг ўзларida, уларнинг руҳий асосини ташкил этган ҳолда (мўътадил реализм: Ансельм Кентерберийский, Фома Аквинский) мавжуддир, деб ўйлайдилар. Реализм нуқтаи назаридан черков турли дормаларни, мас. Одам отонинг гуноҳкор бўлганилиги ҳақида мифни фалсафий асослаш учун фойдаланди: черков биринчи инсон Одамнинг (умумий обьект) гуноҳи бутун одамзодга, айрим равишда ҳар бир кишига тааллуқлидир, деб ҳисоблайди. Номинализм умумий тушунчаларнинг табиатига қарама-қарши нуқтаи назардан қарарди. Узининг ўта формасида у ҳар қандай умумий обьектларнинг (ақлда ва ақлдан ташқарида) мавжудлигини рад этар ва фақат индивидуал предметларнинг мавжудлигини тан оларди (Росцелин). Номиналистлар, умумий тушунчалар — фақат нарсаларнинг номларидан, «төвушнинг елишлари»дан иборат бўлиб, уларга реал суворади.

ратда ҳеч нима мувофиқ келмайди, деб даъво қилардилар. Мұтадил номинализм (бу кейинроқ концептуализм деб аталған) нүктай назаридан универсалиялар нарсалардан кейин, яғни ипсон ақлида мавжуддир (Абеляр). Номинализм 14-асрда Оккам таълимотида тугал шакл олди. Номинализм үша замон учун прогрессив оқым бўлиб, материалистик тенденцияни ўз ичига оларди (моддий нарсаларнинг мавжудлигини эътироф этарди, уларни билишда сезгиларнинг ролини таъкидлаб кўрсатарди). Пировард хисобда у теологик догмаларни, мас., уч авлиё ҳақидағи догмати танқид этиш қуроли бўлиб хизмат қилди, чунки у учлик аъзолариши бирлаштирувчи умумий тушунчани инкор этарди. Номинализм схоластиканинг инқиrozига қўмаклашди, ундан кейинги даврда табиёт илмининг ривожланишига туртки берди ва янги замоннинг материалистик таълимотлари учун замин тайёрлади.

**НОРМА** (лат. *погта* — қоида, *ұлчов*) — кенг маъпода қоида бўлиб, унга муайян процесс ёки унинг натижаси бўйсунади. Фанда норма деганда одатда социал нормани, яъни умуман жамиятнинг, унинг институтларининг (*социал институтлар*), социал группаларининг (*социал группа*) ёки айрим шахсларнинг фаолиятиниң тарбибга солиш воситасини назарда тутадилар. Ана шу маъпода норма қоида бўлиб, кишиларнинг фаолияти, хатти-ҳаракати шу қоидага мувофиқ тузилади; бошқача қилиб айтганда, норма — фаолиятни ташкил этиш воситаси, усулидир. Мас., профессионал ишлаб чиқариш фаолияти нормалари (слесарь, врач, педагог ва ҳ. к. фаолиятнинг қурилишига ұлчов бўладиган қоидалар) ҳақида, бирон-бир конкрет фанда илмий тадқиқотни ташкил этиш бўйсундирадиган нормалар (физика, физиология, психология ва ҳ. к. фанларда эксперимент тузиш қоидалари, экономика, биология ва ш. к. фанларда математик воситалардан фойдаланиш қоидалари) ҳақида сўзлаш мумкин. Торроқ маънода Н. деганда шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилайдиган ҳамда қонунларда ва бошқа юридик ҳужжатларда, одатларда, ижтимоий талабларда ва ҳ. к. қайд этиладиган принциплар ва қоидаларни тушунадилар. Бу сиёсий, ҳукуқий, ахлоқий ва ш. к. нормалардир (*Ахлоқ, Сиёсат, Ҳукуқ*). Уларни жамият барқарор қиласи ва ўзгартиб туради. Жамият ишонтиришга ҳам, мажбур қилишга ҳам асосланган бу нормаларга риоя қилиш устидан социал контроль ўрнатишнинг турли воситаларини ҳам яратади. Бу воситалар жумласига мажбур қиласиган давлат муассасалари ҳамда жамоат ташкилоглари, колектив фикри ва ш. к. киради.



**ОБЪЕКТИВ (АБСОЛЮТ) ИДЕАЛИЗМ** — идеализмнинг асосий формаларидан бири. О. и. шуктани назарича, оламнинг бош асосий (*субстанцияси*) — объектив суратда мавжуд бўлган шахесиз онг (абсолют идея, оламий ақд, оламий ирода ва ш. к.)дан иборат. Объектив идеалистлар инсон онгига нисбий мустақиллик хос эканлиги, унинг предметларининг моддий-хиссий хусусиятларини назардан соқит қилиш, уларни умумлашган ҳолда фикрлаш қобилиятига эга эканлиги фактига асосланниб, онгин ишондан ва табиатдан ажратаб, уни абсолютга айлантирадилар, илоҳийлаштирадилар. Моддий оламии объектив идеалистлар «руҳнинг ўзга шакли» каби ғайри инсоний онг фаолиятининг маҳсули деб қарайдилар. Бу фикрининг оламини худо яратган, деган диний идея билан яқинлиги яққол кўриниб турибди. Философия тарихида Платон, Шеллинг, Гегель О. и. нинг энг йирик вакиллари эдилар. Ҳозирги замон буржуа философиясининг тури мактабларида, оқимларида (неотомизм, *персонализм* ва б.) О. и. идеялари *субъектив идеализм* элементлари билан эклектик равишда қўшилиб кетмоқда.

**ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ** (объективная истина) — мазмунни «субъектга боғли бўлмаган, инсонга ҳам, инсониятга ҳам бефли бўлмаган» (Ленин) билим. Билимларимизнинг чинлиги масаласи — билиши назариясининг энг муҳим масалаларидан бироридир. Инсон оламини, нарсаларининг хоссаларини билиб бориб, уларнинг мөҳиятини пайқаб олади. Бунинг маъноси — инсон онгида нарсалар ва уларнинг хоссалари воқеликда улар қандай бўлса, худди шу ҳолича, улар инсонга боғли бўлмаган объектив мавжудлигича қайтадан хосил қилинади. Улардаги ана шу объектив мазмун туфайли бизнинг олам ҳақидаги билимларимиз айни ҳақиқатдир. Мазмун жиҳатдан объектив Оўлган ҳар қандай ҳақиқат шу билан бирга форма жиҳатдан субъективдир, чунки у ташки оламга тааллуқли бўлмасдан, инсоннинг миёсида пайдо бўлади, билишининг субъекти сифатида унинг фаолиятининг натижасидир. Агар тасавурлар, тушунчалар, идеялар ва ш. к. мазмун жиҳатдан ҳам субъектив бўлса, бошқача қилиб айтганда, воқелик улarda бузилган шаклда кўринса, у вақтда улар хотүғри (янглиш) ҳисобланади. Билимларимизнинг чинлиги ҳақида ги масалани материализм ва идеализм турлича ҳал қиласиди. Объек-

тив ҳақиқатни бирон-бир даражада никор этиш идеалистик философиянчыг бутунисига хосдир. Ҳақиқаттн тушунишда идеалист философлар ўртасыда қандай тафовутлар бўлмасин, бир масалада уларнинг фикри бирдир: ҳақиқатни онгнинг (инсоний ёки илохий онгнинг) хусусиятлари белгилайди, у онгнинг ички хоссаси сифатнада юз беради деб даъво қиласидар улар. Марксистик философия, ҳар қандай материализм сингари, ҳақиқаттнинг объективлигини эътироф этади ва лекин, метафизик материалистлар қилганлари сингари, уни билимларимизнинг ҳаракатсизлиги, ўзгармаслиги билан бирдай қилиб қўймайди. О. ҳ. доимо ривожланиб боради. Инсон объект ичига тобора чўкурроқ кириб бормоқда, унинг олам ҳақидаги билимлари тобора аниқроқ, объективроқ бўлмоқда (*Абсолют ва нисбий ҳақиқат*). Диалектик материализм О. ҳ. ни ўрин ва замоннинг муайян шароитларига боғли бўлган конкрет ҳақиқат деб қарайди (*Ҳақиқаттнинг конкретлиги*). Марксистик философия практиканы билиш назарияси а киритиб, билимларимизнинг объектив ҳақиқатлигини текшириш усувлари ҳақидаги, ҳақиқат критериаси ҳақидаги масалани ҳам тўғри ҳал эта билди.

### ОДОБ — қ. Ахлоқ.

**ОИЛА** (семья) — қариндошлик алоқалари (никоҳ, қондошлик ва ш. к.) билан боғланган кишилар группаси. Лекин О., буржуа социологлари даъво қилганларидек, биологик категория эмас, балки социал категориядир. У жамият ячейкасидир. Унинг энг муҳим социал вазифалари — инсон зотини тақрор ҳосил қилишдан, давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, О. аъзоларининг турмуш миашатини, бўш вақтнин ўюштиришдан иборат. О. кишилар орасидаги энг турли хил муносабатларнинг табиий-биологик муносабатлар (жинсий муносабатлар, бола тувиш), иқтисодий муносабатлар (мулкий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), ҳуқуқий муносабатлар (мас., никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий муносабатлар (эру хотин, ота-она билан болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси ва ш.к.) нинг узвий бирлигидан иборатdir. Никоҳ-оила муносабатларининг характеристики пировард ҳисобда, ишлабчиқариш усули билан ҳамда жамиятда хукмрон кишилар ўртасида бўлган месддий ишлабчиқариш муносабатлари билан белгиланади. Шу сабабли О. формалари жамият тараққиёти жараённада ўзгариб туради. О. нинг уруғдошлик, ибтидоий тузум учун характерли бўлган биринчи тарихий формаси группавий О. бўлиб, унда бир ургунинг ҳамма эркаклари иккинчи ургунинг барча хотинларига потенциал эр бўлиб қоларди. Группавий никоҳдан аста-секин аввал ота-она билан болалар, сўнгра ака-ука ва опа-сингиллар ажратиб чиқарилади. Группавий О. доирасида жуфт О. пайдо бўлди, лекин у ҳали заиф ва беқарор эди. Хусусий мулк барқарор бўлиши муносабати билан моногам О.—якка никоҳлик пайдо бўлади. Син-

фий жамиятда якка никоҳликнинг мақсади шуки, унда эр оиласда ҳукмрон бўлади ва эрининг бойлигини мерос қилиб оладиган бўлаларнинг туғилиши шарт бўлади. Хусусий мулкилик муносабатлари буржуа О. сига айниңса чуқур из қодиради. Бу муносабатлар О. аъзоларининг бир-бирини севиши, бир-бирига меҳр-муҳаббат боғлаши табий туйгуси билан тубдан зид бўлиб тушади. «Буржуазия оила муносабатларидан уларнинг таъсирили-хиссий шардаларни олиб ташлади ва бу муносабатларни нуқул пул муносабатларидан иборат қилиб қўйди» (Маркс ва Энгельс). Фақат хусусий мулк билан боғли бўлмаган пролетариат орасидагина янги, чинакам инсоний оиласвий муносабатларнинг куртаклари пайдо бўлади. О. нинг чуқур ички антагонизмлардан холи бўлган янги формаси социалистик революция ғалаба қозонгандан кейин қарор топади, бу вақтда ишлабчиқариш воситалари социалистик мулк бўлиб қолади ва бойлик ортиришига интилиш кишилар ўртасидаги муносабатларда асосий принциплардан бири бўлмай қолади. Жинслар ўртасида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенглик ўрнатилиши (аёлларга меҳнат қилиш ва меҳнатга баравар ҳақ олиш, давлат ҳокимиятининг ҳамма органларига сайлаш ва сайланиш, билим олиш, социал таъминот ва дам олиш соҳаларида эрзаклар билан баббаравар ҳуқуқ берилishi) янги оиласнинг шаклланишида катта роль ўйнайди. Бундай шароитда О. аъзолари ўртасидаги муносабатда манфаатларнинг умумийлиги, ўзаро ёрдам, бир-бирини севиш ва ҳурмат қилиш туйгуси энг асосий омил бўлиб қолади. Бироқ социализм шароитида оила муносабатлари моддий қийинчиликлар, майший бузилиш, эгоизм ва шу кабилар билан боғли бўлган уриш-жанжаллардан холи эмасдир. Фақат коммунистик тақсимот принципига ўтгандагина бундай уриш-жанжаллар моддий ҳисоблардан буткул йўқолади. Оиласда аёлларнинг ҳуқуқда тент бўлмаслик ахволининг қолдиқлари барҳам топади. Коммунистик жамиятнинг энг юксак унумдорлиги жамиятнинг ҳар бир аъзосининг «дам олиши учун, ўз-ўзини камолотга етказиши учун, инсон сифатида, оиласи киши сифатида, граждан сифатида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши учун» (Ленин) бўш вақт диссасини кўпайтиради.

**ОЛАМНИНГ МОДДИЙ БИРЛИГИ** (материальное единство мира) — материалистик философиянинг асосий қоидаларидан бири. Энг умумий тарзда бу қоида оламдаги барча хилма-хил нарсалар ва ҳодисалар асосида бир бутун, умумий моддий (яъни қандай бўлмасин бирор руҳга ва онгга боғлиқ бўлмаган) ибтидо мавжудлигини эътироф этишдан иборат. Қадимги грек философлари бу умумий ибтидони муайян модда билан: сув билан (Фалес), олов билан (Гераклит) ва ш.к. бирлай қилиб кўрсатардилар. Фан ва философиянинг ундан кейинги тараққиётида бутун мавжудотнинг бу асосини белгилаш учун алоҳида тушунча—материя тушунчаси тар-

киб топди. Оламнинг бирлиги шундан иборатки, унда материянинг ва унинг хоссаларининг мавжудлигидан бошқа ҳеч нима йўқдир. Бунинг маъноси шуки: 1) оламдаги барча предметлар ва ҳодисалар ўзаро алоқадор бўлиб, материянинг ниҳоясиз ўз ҳаракати ва ўз тараққиётидан иборатdir; 2) ҳамма нарса ягона умумий табиий қонунларга бўйсунгандир, ҳеч қандай гайри табиий куч йўқдир. Энгельс таъкидлаб айтганидек, оламнинг бирлиги унинг моддийлигидадир, буни фан ва философиянинг бутун тараққиёти ҳамда бутун ижтимоий практика исбот қилмоқда. О. м. б. ҳақидаги қоидани асослаб бериш онгни, тафаккурни, руҳий ҳодисаларни изоҳлаш қиинчлиги билан тўқиаш келиб қолди. Диалектик-материалистик философия онг материянинг тарихий тараққиёти маҳсулни, юксак даражада ташкил топган моддий орган—мияннинг функцияси эканлигини тушунтириб бу қиинчликини бартараф қилди. Бирок моддий органининг хоссаси, функцияси бўлган онгнинг ўзи қандайдир моддий нарса бўлиб қолмайди. Онгнинг фаолияти идеал характерга эгадир; бу фаолият реал предметларни яратадиган ва ўзgartиралигидан моддий фаолиятдан тубдан фарқ қиласи. Шундай қилиб, О. м. б. ҳақидаги қоида материя билан онгнинг объектив тафовутини эътироф этишни ўз ичига олади. Диалектик материализм материя билан онгнинг бирдайлигини эмас, балки уларнинг ҳақиқий муносабатини: материянинг бирламчи, онгнинг иккиламчи эканлинин очиб бериш йўли билан материя билан онгнинг бирлигини асослаб беради.

**ОЛАМНИНГ ФИЗИК МАНЗАРАСИ** (физическая картина мира) — олам ҳақида, унинг тузилиши ҳақида ҳозирги замон физикаси эришган ютуқларга асосланган тасаввурлар системаси. Ҳозирги замон О. ф. м.—конкрет физика назарияларининг (механика, термодинамика, оптика, электр назарияси, квант механика, нисбият назарияси, космология ва бошқа назарияларнинг) энг муҳим натижаларини *диалектик материализм* нуқтаи назаридан умумлаштиришдан иборат. У микрозарраларнинг, макроскопик (оддий кўз билан кўриб бўладиган) жисмларнинг, космик жисмларнинг физик хусусиятларини ва ҳаракат қонунларини акс эттиради. Бу хусусиятлар ва қонунлар сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласи ва айни вақтда улар ўзаро маҳкам бοғлиқдир. Чунончи, микрозарралар ҳаракатининг квант назарияси акс эттирадиган қонунлари асосида макроскопик жисмларнинг электр, магнит, механик ва бошқа хоссаларининг моҳиятини, юлдузлардаги термоядро реакцияларни, тирик организмлардаги кўп процессларни очишига муваффақ бўлинди. Уз наставатида астрономиянинг космосдаги моддаларининг алоҳидага ҳолатлари ҳақидаги маълумотлари атомларда юз берадиган процессларни тадқиқ қилишга ёрдамлашмоқда. Лекин оламнинг бирлигини унинг тузилишининг бир хиллигидан иборат қилиб қў-

йиш мумкин эмас. Шунинг учун баъзи обьектларга хос хусусиятлар ва қонунларни табиатдаи барча ҳодисаларга татбиқ қилиш хотуғри бўлган булур эди. 17—19-асрларда, физикада оламнинг механик манзараси ҳукм сурган вақтларда, Ньютон механикасининг қонунлари микроламдаги ва космосдаги барча ҳодисаларга, бутун коинотга татбиқ этиларди. Лекин кейинчалик оламнинг бирлигини бундай тушуниш жуда ҳам сийқа тушуниш эканлиги маълум бўлди. Электромагнит, гравитацион ва ички ядро ўзаро таъсир қилишларининг сифат жиҳатдан янги қонунлари, нисбият назарияси қонунлари топилди ва бу қонунларни классик механика принципларидан иборат қилиб қўйиш мумкин эмаслиги аниқланди. Ҳозирги вақтда материянинг структурасига ва космосга янада чуқурроқ кириб борилётганлиги натижасида тобора янги хоссалар ва қонунлар кашф этилмоқдаки, булар илгари маълум бўлган хоссалар ва қонунларга ўхшамайди. Бу хоссалар ва қонунларга асосланиб бутун олами изоҳлашга уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Шу сабабли ҳозирги замондаги барча физика назариялари фақат бевосита кузатишилар мусассар бўладиган оламнигина акс эттиради. Ниҳоясиз бутун оламга О. ф. м. нинг фақат шундай қондаларини татбиқ қилиш мумкинки, бу қондалар диалектик материализмнинг умумий принципларига мувофиқ келадиган бўлсан. Булар — материяни яратиш ва йўқ қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги, оламнинг моддий бирлнги ҳақидаги, материя ҳаракатининг ва ўзаро таъсирининг умумийлиги, барча обьектларда муйян структура мавжудлиги ҳақидаги, барча ҳодисаларнинг сабабият қонунига, қарара-қарашликлар кураши ва бирлиги қонунига бўйсуниши ҳақидаги қондалардир ва х. к.

**ОЛДИНДАН ҚЎРИШ** (предвидение) — башорат — у ёки бошқа воқеаларнини бошланишини олдиндан айтиш, мавжуд бўлган ва лекин ҳали тажрибада қайд этилмаган воқеалар ёки ҳодисалар ҳақидаги билим. Марксистик философия сирли «каромат» натижаси деб талқин этиладиган мистик ёки диний пайгамбарликни рад этган ҳолда, илмий О. к. нинг, илмий прогнозлашнинг обьектив шаронтиларни ва билувчилик механизмларини тадқиқ этади. Ҳодисаларнинг обьектив ўзаро алоқадорлиги, уларнинг бир-бирини тақозо қилиши, у ёки бошқа обьект замоний ҳолатларининг қонуниятли алмашинуви ва ш. к. мавжудлигига кўра, илмий О. к. мумкин бўлади. Лекин илмий О. к. ни амалга ошириш учун ёлғиз обьектив зарурий шартлар кифоя қilmайди. Обьектив прогресснинг ривожини олдиндан айтмоқ учун олим уннинг муҳим алоқалари ва қонуниятларини акс эттирувчи назарияга таяниб иш кўрмоги лозим. Назария нақадар чин бўлса, у нақадар обьект ичига чуқурроқ кирса, О. к. шу қадар тўғрироқ бўлади. Марксистик назария асосида қилинган социал олдиндан қўришларнинг муваффақияти шу-

нинг натижасида вужудга келган эдикى, бу назария ижтимоий тараққиёттинг ҳал қылувчи факторини, яъни моддий неъматлар ишлабчиқариш усулининг ўзгаришини ажратиб кўрсатиб, социал процессларни бошқарувчи муҳим қонунйятлар ҳакида билди берган эди. Табиатшунос олим, агар в аниқ дастлабки битимга етапли даражада амал қиласа ва экспериментни тадқик этилуви процессга нисбатан тасодифий факторларни истисно киладиган таразда қўйса, қузатиш ёки эксперимент натижаларини комил ишонч билан олдиндан кўришга қодирдир. Илмий назария обьектнинг ҳамма алокаларини ҳисобга олиш билангина чекланади, бинобарин, мазкур назария асосидә қилинган башоратлар ҳам обьектнинг келгусидаги ҳотатларининг ҳамма тағсилотларига даҳлдор бўлолмайди ва эҳтимолликнинг бирон-бир улуши срқали обьектнинг ҳаракатидаги асосий йўналишни белгилаб беради. Мураккаб обьект хатти-ҳаракатини О. к. одатда бир неча назариядан фойдаланишни талаб этади, бу назариялар процесснинг айрим томонларини, факторларини ҳам, уларнинг ўзаро таъсирини ҳам ҳисобга олади. Гарчи умуман фан (умуман инсоннинг билувчилик фаолияти сингари) ўзининг пайдо бўлишидан бошлабоқ обьектив процессларнинг боришини ёки амалий фаолият натижасини олдиндан кўришни мақсад қилиб қўйсада, бизнинг замонимизда ишлабчиқараш билан табиатнинг ўзаро таъсири, илмий тадқиқотларнинг ва маориф тараққиётининг асосий йўналишлари, фақат ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашинуви жиҳатидангина эмас, балки айрим социал структура, социал яхлитлик ичидаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам социал муносабатлар эволюцияси каби мураккаб процессларни прогнозлаштириш айниқса зарур бўлиб қолмоқда. Мураккаб процессларни прогнозлаштиришга айрим фаилар мутахассисларининг кучи етмаслиги сабабли, комплекс футурологик (лат. futurum — келажак демакдир) тадқиқотлар вазифаси майдонга келмоқда. Тараққиёт планли характерга эга бўлган социалистик жамият учун бундай тадқиқотлар амалий зарурат бўлиб қолмоқда. «..Маданият,— агар у онгли равишида йўлланмасдан, стихияни суратда ривожланадиган бўлса... ўзидан кейин чўлу биёбон қолдиради...» (Маркс). Онгли равишида йўлланётган коммунистик жамият қурилиши тараққиётнинг обьектив ижтимоий қонунларини фан воситалари орқали билишни ва кишилар амалий фаолиятининг ана шу қонунлар асосида очиладиган турли имкониятларини тадқиқ этишини назарда тутади:

**ОНГ** (сознание)— воқеаликни идеявий (идеявийлик) акс этириш ва руҳий ўзлаштиришнинг ўзига хос инсоний формаси. Идеалистик философия О. ни обьектив оламга боғли бўлмаган ва уни яратадиган нарса деб талқин қиласади. *Объектив идеализм* (Платон, Гегель ва б.) О. ни инсондан ҳам, табнагдан ҳам ажралган илоҳий, сирти

моҳиятга айлантиради, унп бутун мавжудотнинг бош асоси деб билади. *Субъектив идеализм* (Беркли, Мах ва б.) барча ижтимоий алоқалардан узиб ташланган индивид О. ини бирдан-бир реалик деб, ҳамма предметларни эса айрим киши тасаввурларининг мажмуми деб қарайди. Идеализмга қарама-қарши ўлароқ, *материализм* О. ни воқеликнинг инъикоси деб тушунади ва уни олий нерв фаолияти механизmlари билан боғлайди. Бироқ Марксдан илгари ўтган материалистларнинг қарапшлар чекланган эди: улар инсонни табиий, биологик вужуд деб талқин қиласардилар, унинг ижтимоий табиатини, амалий фаолиятини эътиборсиз қолдирар эдилар. О. ни дунёнинг пассив мушоҳадасига (*Мушоҳадачилик*) айлантирадилар. Марксистик философия бу масалага принципиал равишда бошқача қаради. О. ни марксистик тушунишпинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат: 1) О. ўз табиатига кўра ижтимоийдир. У ижтимоий инсон оламий фаолиятининг компоненти сифатида пайдо бўлади, хизмат қиласи, ривожланади. У мазкур фаолията қўшилган бўлиб, предмет билан инсон ўртасидаги ўзаро таъсирнинг, яъни амалий, моддий фаолиятда мавжуд бўлган ўзаро таъсирнинг моментидан иборатдир. О. «энг аввалдан бошлаб ижтимоий маҳсулдир ва умуман *одамлар* яшар экан, шундай бўлиб қола беради» (Маркс ва Энгельс). 2) Инсон мия ёрдами билан фикр қиласди. Миянинг юксак даражада ташкил топган нерв системасининг фаолияти инсон О. ининг пайдо бўлиш ва ривожланиши шартидир. Шунинг учун О. материя тараққиётининг маҳсулни сифатида, юксак даражада ташкил топган материянинг функцияси ва олий нерв фолиятининг натижаси сифатида юзага келади. 3) О. борлиқ-қа йўналтирилгандир. О. нинг маъноси — предметни билиш, ўзлаштириш, унинг моҳиятини очиб беришдан иборат. «Онг англаб олинган борлиқдан бўлақ ҳеч қаҷон бошка бирор нима бўлиши мумкин эмас...» (Маркс ва Энгельс). 4) О. фақат объектив олам инъикосини эмас, балки инсоннинг ўз психик физиологияни англашини (*ўз-ўзини англаш*) ҳам ўз ичига олади. Инсон О. нинг ўзини англаш предмети қилиб, унинг формаларини, ишларини ва О. нинг ҳомилии сифатида ўз-ўзини тушниб олади. 5) Шу билан бирга О. ни тафаккурдан ҳам, ўз-ўзини англаш ишларидан ҳам иборат қилиб бўлмайди, у воқеликнинг ҳам рационал, ҳам ҳиссий инъикосини қамраб олади. Бундан ташкири, О. инсон эмоциялари, иродаси, виж-дони ва ҳ. к. соҳасини ҳам ўз ичига олади. Демак, О. инсон психик функцияларининг мажмуми, жамланишидир. 6) О. тил билан маҳкам боғлиқдир. Тилда у ўзининг моддий ифодасини топади. Тилда моддийлашгач, О. фаолиятининг маҳсуллари ундан кейинги гвлодларга берилиши мумкин. Тил — О. нинг моддийлашиш формаларидан биридир, холос, О. аввало маданият предметларида, яъни меҳнат маҳсулларида, санъат асарларида ва бошқаларда му-

жассамлашади. 7) О. ни фақат воқеликпінг назарий инициосидан иборат қилиб бұлмайды, у шахснинг қимматдор дастурларини, унинг социал ұналишларини ва бошқа томонларини ҳам үз ичига олади. 8) Қундалик О. (унга кишилар үзларининг қундалик ишларida амал қыладилар) билән илмий О. (илмий тәдқиқот, назарий билимнинг түрли системаларини яратыш) үртасида, индивидуал О. (айрим кишиларнинг маңынави дүнесі) билән ижтимоий О. (синфлар, группаларнинг, умум жамияттнинг манфаатларини ифодаловчи О.) үртасида фарқ бор. Гарчи ижтимоий О. нинг фақат инсон фаолиятида мавжуд бўлиши мумкин бўлса-да, лекин у нисбий мустақилликка эгадир. Ижтимоий онг формаларини — фан, санъат, ахлоқ ва ҳ. к. ни индивидуал О. дан иборат қилиб бўлмайды. 9) О. нинг функциялари фақат кишини теварак-атрофдаги воқеликда тўғри ийл тутдиришдан иборатгина бўлмай, балки шу билан бирга шу воқеликни билиш орқали реал дунёни ўзgartиришга, уни қайтадан қуришга кўмаклашыдан ҳам иборатдир.

**ОНГСИЗЛИК** (бессознательное) — инсон үзи англамасдан, беихтиёр қыладиган ҳаракат, иш. Бадан ҳаракатлари ҳам, хотира-нинг, хаёлнинг иши ҳам О. бўлиши мумкин. Одам үз ўй-хаёлларига чўмган ҳолда уйига қайтади ва ҳар ҳолда йўлдан адашмасдан келади. Агар у бирор хавфни сезиб қолса, бу хавфнинг сабаби ва қандайлигини ҳали англамасдан туриб ҳам, ҳимоя ҳаракатини қиласи. Кўпинча хаттинг чиройти бўлишига ва грамматика қоидаларига эътибор бермай, фақат фикрнинг мазмунини ўйлаб ёзадилар, кейин қаралса ёзилган нарса ҳар ҳолда равшан ва тўғри бўлиб чиқибди. Буларнинг ҳаммаси О. нинг юз беришидир. Ухлаш, гипноз вақтида, лунатизм ва шу кабилар чоғида юз берадиган психик фаолият онгсизлик характеристига эгадир. Ҳозирги замон идеалистик философияси ва психологиясида О. проблемасига катта эътибор берилмоқда. Бу аввало Фрейд ва унинг давомчилари таълимотига (*Фрейдизм*) оиддир. Фрейд онг билан О. үртасида антагонизм, муросасиз қарама-қаршилик бор деб қаттиқ туриб олади. Унинг фикрича, бу қарама-қаршилик душманлик характеристига эга бўлиб, инсоннинг бутун хатти-ҳаракатини белгилайди. Унинг назарича, О. шунчаки англанмаган ёки пайқалмаган нарса эмасдир, балки әлам қўрқадиган, уяладиган, англашга ва пайқашга журъят этолмайдиган қандайдир нарсадир. Бу нарса инсондаги азалий майил-парнинг, ҳайвоний ҳавасларнинг маскани эмиш. Жамиятда бу эгостилик, жамиятга ҳилоф майилләр бартараф қилинмас. балки «онгнинг чукӯр жойига» жо қилинар эмиш. «тақиқланган нарсалар» сифатида яшаб тура берармиш. О. нинг бу иррационалистик концепцияси куртакларини 19-асрдаги идеалистик философлардан Шопенгауэр, Э. Гартман, Ницше асарлариданоқ топиш мумкин (*Иrrационализм*).

**ОНТОЛОГИЯ** (грек. οπ (ontos) — борлық, лόγος — таълимот) — умуман борлық ҳақидаги, ўз ҳолица борлық ҳақидаги фалсафий таълимот. О. идеяси борлықнинг хусусий фанлар мазмунин билан ҳар қандай алоқадан маҳрум бўлган маҳсус назарияси («биринчи философияси») сифатида X. Вольф философиясида (17-асрнинг охири — 18-асрнинг боши) ўзининг тугал ифодасини топди. Вольф, умуман борлық ҳақидаги, оламнинг моҳияти ҳақидаги фалсафий таълимотни соғ ақл юритиш йўли билан, тажрибага мурожаат қиласдан, табиий фанларга таянмасдан туриб, тушунчаларни фақатгина мантиқий анализ қилиш ёрдамида тузиш мумкин, деб ҳисобларди. Шундай йўл билан тузилган О., Вольфнинг фикрича, ҳар қандай хусусий фанинг негизини ташкил этади. О. нинг асосида, умумийлик (ўз ҳолица борлық) айримликтан ажralган ҳолда яшайди ва унинг моҳиятини, сабабини ташкил этади, деган сохта тасаввур ётарди. Табииёт илми ривожланиб бориши билан О. нинг абстракт, докматик ҳарактери тобора равшанлашиб қола берди. Ўз замонаси нинг табиий фанлари эришган ютуқларга таянган 18-аср француз материалистлари О. ни танқид қилдилар. Немис классик идеализми О.га қаттиқ зарба берди. Унинг вакиллари О.ни мазмунсиз ва архаик деб эълон қилдилар. Улардан энг ўириги бўлмиш Гегель О. диалектикасида логика ва билиш назариясининг бирлиги идеясини идеалистик формада илгари сурди. Шу билан маҳсус фанлардан ажralган ҳолда фалсафа сотишдан иборат ақл юритиш доирасидан чиқиш аломати кўринли. Ҳозирги замон буржуа философиясида субъектив идеализм, агностицизмнинг кенг ёйилаётгандигига қарши реакция шаклида О. ни борлық ҳақидаги таълимот сифатида қайтадан тирилтиришга уринилмоқда. «Янги» О. деб аталувчи оқим вакиллари бўлмиш немис философлари Н. Гартман, Г. Якоби, Вольфдан фарқли ұлароқ, борлық ҳақидаги таълимотни эмпирик, тажриба асосида қуришга уриндилар, лекин ўз моҳияти жиҳатидан бу О. ҳам объектив-идеалистик, ўта даражада ақл сотиш ҳарактерига эгадир. Ҳозирги замон схоластикаси ҳам О. дан фойдаланмоқда. Ўрта аср схолости Фома Аквинский идеяларига (*Томизм ва неогтомизм*) таянувчи философлар схоластикা ёрдами билан католик динини асослашга уринмоқдалар. Марксистик философия нуқтаи назарича, билиш тараққиётининг ҳозирги даврида онтологик проблемалар (мас., материянинг мавжудлик формалари, ниҳояли ва ниҳоясизлик ва б.) философиянинг танҳо объекти бўлишдан чиқиб, тобора кўпроқ маҳсус фанлар тадқиқоти соҳасига ўтмоқда.



**ПАНТЕИЗМ** (грек. *рап — ҳамма, theos — худо*) — фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимот худо билан табиат айнаи бирдайдир, бир-бирлга тамоман мослашиб тушади, чамбарчас бир бутунини ташкил этади, деб даъво қилади. Турли замонларда ва турли фалсафий системаларда П материалистик қаравшларни ҳам, идеалистик қаравшларни ҳам ифода этарди. Идеалистик П. (Иоанн Скот Эриугена, Мальбрэнш ва б.) худони бутун мавжудотни, бутун олами ўзига сифидириб олувчи файри табиий ибтиди (илоҳий руҳ ёки ироди) деб қаради. У *мистика* билан маъқам чатишиб кетган эди. Материалист-пантенестлар (Бруно, Спиноза ва б.) худо табиатдан устун турмайди, у одамдан илгари мавжуд бўлган қандайдир ҳамма нарсага қудрати етадиган, файри табиий күч эмасдир, худо — абадий яшайдиган, ҳеч ким яратмаган, ўз табиий қонунларига биноан ривожланадиган табиатнинг бошқа номидир, деб таълим берардилар. Уларнинг қаравшлари атеистик характерга эга эди, «хушумомала атеизм» эди. Ибодатхоналарни, номозниёзларни, тоат-ибодатларни ва диннинг бошқа аҳкомларини ортиқча қилиб қўйган бу хилдаги П. га черков ва черков пешволари қаттиқ қарши чиққан эдилар. Ҳозирги замонда П. нинг материалистик тенденцияси бир қанча буржуза табиатшунос олимларнинг қаравшларига хос бўлиб, улар дунёқарашининг асосини ноизчил ва бир ёқлама табиий-илемий материализм ташкил этади. Идеалистик П. учун характерли бўлган идеялардан ҳозирги вақтда, мас., фалсафий *персонализм* фойдаланмоқда.

**ПАРАДОКСЛАР** (грек. *paradoxos — кутилмаган*) — муҳокамадаги зиддиятлар бўлиб, бу зиддиятлар муҳокаманинг мантиқий тўғрилигига риоя қилинганда пайдо бўлади. П. тушунчаси *апория* ва *антиномия* тушунчаларига яқинdir. П. одатда антиномияларнинг тури деб қаралади. Антик философияда ифодаланган «Ёлғончи» антиномияси бунга мисол бўла олади: «Бир критлик айтибдики: «Ҳамма критликлар ёлғончидир». «Унинг айтгани чинми ёки ёлғонми?» Агар унинг айтгани чин бўлса, у вақтда у ёлғон бўлиши керак, агар у ёлғон бўлса, демак, критлик чин гапни айтган. Антиномиялар иккни турга: семантик антиномияларга («Ёлғончи» қабилидаги антиномияларга) ва П. га бўлинади. П. га 19-

асернинг оҳирларида кўпчлик назариясида ва математик логикада очилган формал-логик зиддиятларни нисбат берадилар. П. бирбирини истисно қиливчи икки гапнинг (айтилган фикрнинг) баббаравар исбот қилиш мумкинлигини билдиради. Чунончи, Рассел кашф этгая ҳамма нормал кўплекларнинг кўплиги ҳақида одатдаги, табиий тилда ифодалантган парадоксни қўйидагича тасвирлаш мумкин: «Полк сартароши ўз полкининг фақат соқолини ўзи қирмайдиган солдат ва офицерларининг соқолини қиради. У ўз соқолини ўзи қириши керакми?» Бу саволга берилган ижёбий жавобни ҳам, салбий жавобни ҳам баббаравар исбот қилиш мумкин экан. Муҳокамада (назарияда) формал-логик зиддиятларнинг (П.) мавжудлиги бу муҳокаманинг илмий жиҳатдан ярамаслигини кўрсатади. Ана шундан П. нинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш усусларини топиш проблемалари келиб чиқади. Илмий муҳокамада П. нинг пайдо бўлишининг бош сабаби — инсон билишининг мураккаб диалектика характеристида, унинг форма ва мазмунининг ўзаро зиддиятли муносабатидадир. Чунончи, билишнинг ҳар бир босқичида қўлланиладиган абстракциялар, формаллаштиришнинг бирон-бир даражаси өа ҳ. к. чекланган бўлиб, улар ўзлари ифодалайдиган мазмунга фақат муайян даражадагина мувофиқ келадилар. П. ни бартараф қилишининг универсал йўли йўқ. Логикада ва математикада П. ни бартараф қилиш усусларининг муайян турлари (типлар назарияси, абстракция принципларини чеклаш ва ҳ. к.) ишлаб чиқилган.

**ПАРТИЯ** (лат. pars (partis) — қисм, группа) — сиёсий ташкилот; бу ташкилот бирон-бир синфнинг энг актив қисмини бирлаштиради, унинг манфаатларини, мақсад-матлабини ифодалайди ва бу мақсадга эришиш, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашга раҳбарлик қиласди. «Синфлар сиёсий курашининг энг яхлит, тўлиқ ва шаклланган ифодаси — партиялар курашидир» (Ленин). Буржуа идеололглари партиялар билан синфлар ўргасидаги алоқани инкор этишга уринадилар, улар П. ни синфиий мавқе-ларидан қатъи назар, у ёки бошқа масалаларга қарашлари бир хил бўлган кишиларнинг бирлашмаси, деб кўрсатадилар. Бунга улар буржуа кўп партияли системасини далил қилиб келтирадилар. Дарҳақиқат, кўп капиталистик мамлакатларда бир неча буржуа партияси бор. Бунинг сабаби шуки, капиталистлар синфи ичидаги турли группалар бўлиб, баъзи соҳаларда уларнинг манфаатлари тўқнаш келиб туради. Шундай бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммалари меҳнаткашларга ва уларнинг ташкилотларига қарши чиқиб, ишлабчиқариш воситаларининг хусусий мулклигини мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Буржуазия кўп партияли система-дан меҳнаткашларни алдаш, капиталистик жамиятнинг демократлиги ҳақидаги ҳом хаёлларни туғдириш йўли билан уларни син-

фий курашдан чалгитиши учун фойдаланмоқда. Ишчилар синфи ўзишининг туб манфаатларини амалга ошириш, капиталистик эксплуатацияга барҳам бериш ва социализм қуриш учун ўз сиёсий П. сини тузмоги лозим. Бу партияниң мақсади — синфлар курашини ишчилар синфи ҳокимиятни қўлга олганга қадар, *пролетариат диктатураси ўрнатилганга қадар давом эттиришдан иборат*. Ишчилар синфи суъ мақсадга фақат қасаба союзлар, гурли оқартув ташкилётларни орқали зоришилмайди, чунки бу ташкилотлар айни тузум доирасида ишчиларнинг аҳволини яхшилаш учун кураш мақсадида тузишган. Гарчи капиталистик мамлакатларда ўзларини ишчилар партияси деб атайдиган социал-демократик партиялар мавжуд бўлса-да, аммо улар, аслда, капиталистик тартиблар доирасида реформалар қилишга иштиладилар, холос. Фақат марксизм-ленинизм позицияларида турувчи партиялар, янги тиқдаги партияларгина ишчилар синфининг, қасби, миллати ва бошқа белгиларидан қагъи назар, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини чинакам ифодаловчидир. Марксча-ленинча партиялар томонидан раҳбарлик қилиниши — социалистик революциянинг энг муҳим қонуниятларидан биридир. Ишчилар синфи П. си давлатни бошқарувчи бўлиб қолгандан кейин унинг бутун жамият кучларига йўл қўрсатувчилик ва ташкилотчилик роли ошиб боради. У олга қараб ҳаракат қилишнинг илмий равишда асосланган йўлини очиб беради, янги жамият қуришнинг улкан вазифаларини ҳал қилишга оммани уюштиради.

**ПАТРИОТИЗМ** (грек. *pátris* — ватан, ватанпарварлик) — ахлоқий принцип бўлиб, унинг маъноси — ватанга муҳаббат, ўз ватани манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриш демакдир. «Патриотизм — алоҳида тарздаги ватанлар ҳақидаги, асрлар ва минглаб йиллар давомида мустаҳкамланиб келган энг чуқур ҳистийғулардан биридир» (Ленин). Кишининг ўз туғилган жойларига, она тилига, милялий традицияларига меҳр-муҳаббат қўйиши табиийдир. Бутун ҳаёти боғлиқ бўлган мамлакат тақдирига унинг қизиқиб қарави табиийдир. Лекин ватанпарварлик тўйғусини, буржуа идеологлари даъво қилганларидек, қандайдир сирли сабаблар, «қон садоси», «ирқ нидоси» туғдирмайди. Бу туғу кишилар ҳаётининг социал-иқтисодий шароитлари таъсири остида тарихан пайдо бўлади, бу шароитлар ўзгариши муносабати билан П. ҳам ўз мазмунини ўзгартиради. Эксплуататорлик жамиятида П. турли синфларга мансуб кишиларда турлича намоён бўлади. Ҳукмрон синф бўлган буржуазиянинг П. и чекланган характерга эгадир, чунки «капитал барча мамлакатлардаги капиталистларнинг меҳнаткашларга қарши ўз иттифоқини ватан, ҳалқ ва истаган нарса манфаатларидан юқори қўядга» (Ленин). Буржуазия ўз имтиёзларини,

Ўз ҳукмронлигини сақтаб қолиш учун ўз мамлакатининг ўз халқининг манфаатларини қурбон қилиши мумкин. У меҳнаткашлар оммаси орасида бошқа мамлакатларниң халқларига нисбатан душманлик муносабатини ёйицга, уларниң ватанпарварлик түйгусини миллиатчилик йўлига солиб юборишга интилади. Капиталистик жамиятда П. идеяларини энг изчил ёқувчи ишчилар синфицир. Барча меҳнаткашлар сингари, ишчилар синфи ҳам ўзи яшайдиган ва кураш олиб борадиган социал, сиёсий ва маданий шароитларга бепарво қаролмайди. Шунинг учун ҳам ёт юртли босқинчиларга зарба бериш лозим бўлганда халқ оммаси ҳамиша ахиллик билан ўз мамлакати ҳимоясига отланади. Лекин тенгсизлик ва зулм шароитида халқ ўз мамлакатининг хўжайини эмасдир. Меҳнаткашларнинг ўз ватанидаги капитал ҳокимиятига қарши, ўз социал озодлиги учун олиб борган курашида уларниң ватанпарварлиги энг тўлиқ намоён бўлганлигининг сабаби ҳам шудир. Социалистик революция натижасида меҳнаткашлар ўзининг чинакам ватанига эга бўлади ва бу ватандаги барча моддий ва маънавий бойликлар уларниң ўзларига тегишилди. Шу асосда янги, слий типдаги П. пайдо бўлади. Унда социалистик Ватанга салоқат янги ижтимсий тузумни сақлаш ва мустаҳкамлашга жонкуярлик қилиш билан узвий ранатда ҳам намоён бўлади. Социалистик П. интернационализмдан эгадир. У фақат Ватан ҳимоячиларининг қаҳрамонона жасоратларида эмас, балки Ватан бойликларини кўпайтирувчи кундалик меҳнатда ҳам намоён бўлади. Социалистик П. интернационализмдан ажралмасдир. Унинг характеристи хусусияти — бошқа мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг революцион кураши билан бирдамликдан, социализм мамлакатлари ҳамдўстлигига содиқ бўлишдан иборат.

**ПЕРСОНАЛИЗМ** (лат. *persona* — шахс) — ҳозирги замон буржуза философиясининг бир оқими бўлиб, у диний-идеалистик характеристерга эгадир. П. 19-асринг охири — 20-асринг бошларида АҚШ да (Боун, Флюеллинг, Хокинг, Брайтмен) ва 20-асринг 30-йилларида Францияда (Мунье, Недонсель ва б.) ташкил топди. Персонализм философиясининг марказида шахс тушунчаси туради. Аммо, бу реал инсоний шахс эмас, балки активлик ато қилинган, иродага, онга эга бўлган қандайдир руҳий моҳиятдир. Персоналистларнинг фикрича, бутун (ҳам табиий, ҳам социал) воқелик замирда шахсларнинг мажмуйи асос бўлиб ётар эмиш. Бу мажмуликни «олий шахс» — худо (ёки «олий борлиқ») тамматига етказэр эмиш. Персоналистлар инсоннинг социал фаол моҳиятини, инсоннинг билиши тарихан ишлаб чиқилган ва тилда, логикада, турли баҳоларда ва шу кабиларда мустаҳкамланган формаларда амалга оширилишини рўйач қилиб кўрсатадилар. Улар ҳақиқий муносабатни тескарига буриб, бутун моддий («шахксиз борлиқ»)ни шахснинг ижодий фаолиятининг натижаси деб ёки фақат шахснинг тажрибасига ки-

житилгандан кейин маъно-мазмунга эга бўладиган, ўз шарҳини топадиган нарса деб қарайдилар. П. ўз асоси эътибори билан объектив идеализмнинг бир туридир, лекин унда субъектив-идеалистик элементлар ҳам бордир. Бу ҳол билиш процессларини талқин қилинша айниқса яққол кўринади, чунки бунда эйрим шахс қобилиятига баҳо берувчи индивидуал онг фаолиятига биринчи дарражали аҳамият берилади. П. аслда ҳаёт философияси турларидан бири бўлиб, кейинги ўн йиллар давомида кўп жиҳатдан экзистенциализм билан чатишиб кетмоқда. Унда шахс билан жамиятнинг, маънавий ва моддий маданиятнинг ва ҳ. к. ўзаро муносабати проблемалари катта ўрин тутади ва бу проблемалар либерал христианлик нуқтаи назаридан ҳал қилинади. Персоналистлар шахс фаолиятининг зарур шарти сифатида эркинлик ҳақида кўп гапирадилар, улардан бъзвизлари эса (Мунъе) ҳатто капиталистик ижтимоий муносабатларни ўзгартиш масаласини ҳам ўртага қўймоқдалар. Бироқ бу масала пировард ҳисобда шахснинг ахлоқий камолотига, маънавий янгиланишига, унинг идеалларга — манбани «олий шахс» бўлган абсолют (трансцендент) қимматдорларга бориб тақалади, Персоналистлар худонинг тажрибасига, «абадий» христианлик принципларига тобора кўпроқ кишиларни бевосита жалб этиш учун эътиқодни, интуицияни илгари сурмоқдалар. Шу тариқа П. диний философия фалсафий проблемаларни ҳам, социал-ахлоқий проблемаларни ҳам ҳал қилишнинг фақат хаёлий формаларини тақдим эта олишини яққол кўрсатмоқда.

**ПЕРЦЕПЦИЯ** (лат. *percipere* — идрок этмсқ) — ташқи предметларни ҳиссий идрок этиши. «П.» термини Лейбниц философиясида апперцепциядан фарқли ўлароқ, ташқи олам ҳақидаги оддий, бевосита тасаввурларни билдириш учун ишлатиларди; апперцепцияни Лейбниц билиш фаолиятининг энг юксак формаси деб қарап ва уни ўз-ўзини англаши билан боғлиқ қилиб кўрсатарди.

**ПЛЮРАЛИЗМ** (лат. *pluralis* — кўплик) — идеалистик философия тушучаси бўлиб, бу тушунча, воқеиликнинг асосини кўпдан-кўп автоном, фаол руҳий субстанциялар ташкил этади, деган маънени билдиради. Олам — ўз ичига биқинган руҳий бирликлар — монадалар мажмуудан иборат деб ҳисоблаган Лейбницнинг монадологияси, шунингдек *прагматизм*, *персонализм* ва буржуа философиясининг бъязи бошқа оқимлари плюралистик концепцияга мисоллар бўлиши мумкин. П. тарафдорлари мустақил руҳий моҳиятларнинг ўзаро алоқадорлигини асослаш учун худонинг иродасига мурожаат қилишга мажбурулар, чунки гўё худо уларнинг бир-бирiga итоат қилишини белгилаб берар эмиш. Бъязан «П.» терминини кенгроқ маънода ишлатадилар ва бундай пайтда гносеологик П. ҳақида (ҳар бир индивиднинг ёки сециал қатламнинг гўё ўз ҳақиқати бор эмиш), ахлоқий П. ҳақида (яхшилик билан ёмонлиқнинг

тұла «төңг ҳуқуқлиги»нн эътироф этиш), социал П. ҳақыда (бунда барча социал факторлар жамият әдебиетінде бир хил ажамиятта әгадир деб ҳисобладылар) сүзлайдилар. П. ни одатда монизмеги қарама-қарши қилип құядылар.

**ПОЗИТИВИЗМ** (лат. positivus — ижобий) — буржуза философиясинин кең тармоқ ейған оқими. Ленин П. «Философиада манфур ұрталиқ партиясы» деб атаган әли, чүнки уннің барна түрі ва қыллары материализм ва идеализмдан «устун» түршішін дәлдө қылыштың қылышы да. Философия іздеуделар давомида шугулланиб келгап барча әнг муҳым проблемаларни (тафаккурнинг борлық мүносабаты ва бошиңа масалаларни) позитивистлар, үйдірма, бемаъни масалалар, деб әзілон қылладылар. Уларнинг фикрича, философия «позитив», ижобий билим, яъни фаннинг тажрибавий маълумотлари доирасидан четга чиқмаслыги керак. Фан, инсон тажрибаси әса, уларнинг нүктәи назарича, нарсаларнинг мөһияттінни билишта мұяссар бўлолмайди. Фан ҳодисаларнинг ўзгаришини, ривожланишини бошқарувчи қонунларни эмас, бақыт үлар үртасидаги ташқи алоқаларни тасвирлай, уларнинг сиркәт үхашағынини, изчиллігінини аниқлай олади, холос. Шундай қылыш, П. нинг характеристикаларында ғана анықтасып көрді. У олимлик дәльвосини қылыш, илмий билиш чегараларини аниқлашга уринади. П. материализмнин ҳам, идеализмнин ҳам бир ёқламалықларини бартараф қылыш ниқоби остида ҳақыкатда яшириқча субъектив идеализмни тарғиб этмоқда, фан итюқларини идеализм рұхиди изохламоқда. Позитивистлар қарашларнинг идеалистик характеристикаларини уларнинг тажриба тушунчасини — позитивистик философиянинг асосий тушунчаларидан бирини талқын әтишида намоён бўлмоқда. Тажрибада, деб дәлъво қилишади позитивистлар, инсон предметларнинг, ҳодисаларнинг обьектив характеристикини аниқлай олмайди, уларнинг мөһиятига кира олмайди, чунки инсон фақат ўз ички дүненеси билан иш күради, ўз идроклари, кечинмалари доирасидан четга чиқмайди. П. бутун илмий билимни инсоннинг субъектив тажрибаси доирасига жо қилишга уринади. П. 19-асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Уннинг асосчиси Конт эди (Франция). Бу даврда позитивистик қарашларни ишлаб чиқышда Миль, Спенсер ҳам (Англия) катта роль үйнадылар. Конт позитивистик нүктәи назарнинг «адолатлилігіні» исбот қилишга уриниб, шундай бир идеалистик схемани илгари сурдикси, бу схемага кўра билиш ўз тарихий тараққиетіда уч босқични босиб ўтади. Биринчи (теологик) босқичда инсон кузатилувчи ҳодисаларнинг сабабини ғайри табиий күчларнинг ҳаракатида кўради; иккинчи (метафизик) босқичда у бу ҳодисалар асосига қандайдир абстракт мөһиятларни (мас, табиатни) қўяди ва фақат учинчи (позитив) босқичда у тажрибавий, амалий жиҳатдан фойдалы билимни эъти-

роф эгади. Бу схемани Конт бутун тарихий процесс асосиға құяды. Үнинг фикрича, жамият тараққиеті — инсоният руҳий қобиляцияларининг оддий ривожидир. П. нинг бошқа бакилларининг қараашлардан иборат зәрді. Mac., Спенсер жамияттің органик назариясы деб аталувчи назарияны илгари сурған зәрді. Жамияттың биологиялық организмындағы үшшатыб, социал қаёт күчларнинг мұбозанатига, синфиң манбааттарнинг үйғуналашувига интилади, деган гапларни айттан зәрді. Шу асосда улар социал революцияларни «зараарлы» деб зълон қылған зәрдилар. П. нинг ундағы кейишигі ривожланишин әмпирокритицизмінде («иккінчи» П. нинг) асосчилари Max ва Авенариус (19-аср) номи билан бөглиқдір. Ағар П. нинг асосчилари, материя реал суратда мәвжуды, деган масалады ощиқ қолдирған бұлсалар, әмпирокритиклар (махистлар) назарича, материя сезгилар алоқасидан иборатдир, холос. П. тарихида учинчи босқынчны 20-асрнинг 20—30-йилларыда пайдо бўлган неопозитивизм ташкил этади. Уни мантикий (лингвистик) П. ҳам деб атайдилар, чунки у ваннинг мантикий структурасини, үнинг тилини философия объекті деб зълон қиласы. Бу — ҳозирги замон буржуза философиясининг энг күп тарқалган йұналишларидан биридир.

**ПРАВОСЛАВИЕ — католицизм ва протестантизм** билан бир қатарда учта асосий христиан диний эътиқодларидан бири бўлиб, у асосан Шарқий Европа, Яқын Шарқ ва Болқон ярим ороли мамлакатларда тарқалган. П. ақидаларининг хусусияти шундан иборатки, у муқаддас руҳнинг фақат ота-худодан чиқиб келишини, католицизмдаги сингари черков бошлиқтарининг эмас, балки умуман черковнинг гуноҳдан поклігини, ақидаларнинг ўзгармаслигиги ни эътироф этади, аърофни (чистилищени) инкор қиласы да ва ҳ. к. П. нинг диний маросимлари ва аҳкомлари — бутга сажда қилишдан, оқ руҳонийлар учун никохнинг мажбурийлігидан, махсус (византийча) системадаги құшиқ-қироатдан иборат. Христианлик нинг католицизм ва П. га бўлинниб кетгандык Рим империясининг Фарбий ва Шарқий империяга бўлинниб кетгандык билан ва сониқ Рим империясининг бу қисмларда феодализм тараққиеттінинг турлича йўллари билан бөглиқдир. Фарбий христианлик узоқ вақт давомида феодал тарқоқлик шароитида ривожланиб, анчагина сиёсий эркинликдан фойдаланиб келди. Бу шароитда фарбий христианник (католицизм) ягона, марказлаштирилган халқаро черков ташкилоти тузишга мұваффақ бўлди. Шарқда христианликнинг тарқалиши мустақил (автокефал) православ черковларининг пайдо бўлиши формасида борди. Ҳозирги вақтда 14 мустақил православ черкови ишлаб турибди. Диний таълимот ва маросимлар жиҳатидан улар бир-биридан фарқ қымайди, тоат-ибодат миллий тилларда аддо этилади. Русга христианлик П. формасида 10-асрда кириб

келди. Христиан чёркови аввал киязъ ҳокимиётининг, сўнгра пол-шо ҳокимиятининг содиқ хизматкори эди. Совет ҳокимиёти барпо этилишини православ руҳонийларининг анча қисми душманларча қарши олди; кейинчалик диндорларнинг тазийки остида руҳонийлар Совет ҳокимиётига нисбатан холисона муносабат позициясига ўтди. Ҳозирги вақтда христиан руҳонийлари ўзларининг анъанавий муҳофазакорлигига қарамай, эксплуататорлик жамиятидаги тарқиб топган диний ақидаларни социалистик воқеелик шароитлари билан бирга сифиширишга, фан билан динни яраширишга уринмоқдалар. Православ руҳонийларининг бундай фаолияти диний сарқитларнинг сақланиб қолишига маълум даражада кўмаклашмоқда. Шундай бўлса-да, бу хилдаги замонавийлаштириш тенденсияларига қарамай, СССРда П. йил сайин ўз муҳлисларидан ажralиб бормоқда, шу билан бирга фақат оддий диндорлар эмас, балки православ руҳонийларининг вакиллари ҳам диндан юз ўғирмоқда.

**ПРАГМАТИЗМ** (грек. *pragmata* — амалиёт, фаолият, иш) — буржуа философиясида субъектив-идеалистик оқим бўлиб, бу оқим билимининг амалий фойдалилигини ҳақиқат манбани деб ҳисоблайди. П. нинг асосий принципларини биринчи бўлиб 19-асрнинг 70-йилларида Пирс ифодалаб, «Мавжуд бўлмоқ — фойдала бўлмоқ демакдир» деган қоидани иллари сурган эди. Прагматик философия Жемснинг асрлари туфайли 20-асрнинг бошларидан эътиборан АҚШ ва Англия буржуа зиёлилари орасида кең тарқалди. Дъюининг экспериментализми ёки инструментализми, Брижменнинг операционализми, Шиллернинг «гуманизми» ҳам П. нинг турли кўринишларидир. П., философияни ҳаёт билан болжамоқ, философияни инсоний проблемаларни ҳал қилиш усули деб, инсонни эса ўз мақсадларига, истакларига, эҳтиёжларига мувофиқ актив суратда камол топаётган реаллик деб тушумоқ керак, деган шиорни кўтариб чиққан эди. Дъюининг фикрича, философия фақат фактларни илмий тадқиқ қилишдан иборат эмасдир, у маънавий бойликлар (идеаллар, ахлоқий нормалар ва ш. к.) яратишга ҳам қаратилгандир. П. нинг философиясининг гуманистик ўйналиши ҳақидаги ва практиканинг ҳақиқат критериеси эканлиги ҳақидаги қоидалари материалистик философиянинг қоидаларига расман ўхшаб кўринади. Бироқ бу сиртқи (сўздаги) ўхшашлик замирада тубдан турлича бўлган фалсафиј позицияларнинг мутлақо бирга сигишимаслиги пинҳон бўлиб ётади. Прагматик философиянинг бош принципи — объектив реалликни инкор этишдир. П. нинг даъвосига кўра, биздан ташқариди ҳеч қандай объект йўқ, биз томондан бирор тарзда тузиљган бир қадар бетайин материал бор, холос. Мас., Дъюи, воқеелик ўз-ўзлигигча қанақа нарса, деган масалани қўйиш ҳам мумкин эмас: воқеелик — бирон-бир муайян структурадан ва ўзининг объектив қонуқиятларидан маҳрум бўлган қандайдир қайиш-

қоқ ва бетутуруқ нарсадир, деб ўйларди. Унинг фикрича, инсон таргисиз тажриба маълумотларини тартибга солади, оламга туғалик ва муайянлик баҳш этади. Шу билан бирга у фақат ўз фойдасини, ўз манфаатини кўзлаб, ўзининг субъектив интилишларини кўзлаб ҳаракат қиласди. Бунинг маъноси шуки, П. практикани ниҳоятда субъективларча тушунади, яъни нарсаларни уларнинг ўз қонунлари ва хоссалари асосида маълум мақсаддага қаратади ўзгартишдан иборат деб эмас, балки воқеликнинг ва ҳақиқатнинг ўзини ўзбошимчалик билан қайд қилишдан иборат деб тушунади. П. нинг характерли хусусиятлари билишин талқин этишда айниқса яққол намоён бўлади. П. объектив — чин билиш мумкинлигини инкор қиласди ва ҳар қандай назарияни, ҳар қандай дунёқараш системасини субъектив конструкция, фақат бирор кишига фойдали бўлган тақдирдагина ҳақиқат деб ҳисоблаш мумкин бўлган конструкция деб ёзлон қиласди. П. нинг алоҳида хусусияти шуки, у ҳақиқий нарсани амалий-фойдали нарса билан бирдай қилиб кўрсатади. Шу билан П. кўпдан-кўп ҳақиқатлар бор, деб фараз қиласди, чексиз ўзбошимчаликка назарий асос бўлиб хизмат қиласди. П. нуқтаи назаридан қарагаңда дин ҳам ҳақиқат бўлиши мумкин, чунки у бошга кулфат тушган вақтларда инсонга «тасалли» беради. П. нинг принципларига асосланиб, агар «муваффақият» келтиридиган бўлса, ҳар қандай реакцион сиёсатни ҳам ҳақ қилиб кўрсатиш мумкин. Ана шуларнинг ҳаммаси П. философиясининг гайри илмий характерини, ўтакетган индивидуализмни кўрсатади.

**ПРАКТИКА** (грек. praktikos — фоал) предметли фаолиятнинг томони бўлиб, бу томон табиат ва жамиятнинг ўзгариши ва ўзгартиб бошқа шаклга солиниши билан характерланади; моддий ишлабчиқариш, синфлар ва партиялар кураши, давлат сиёсати, яъни обьектларни реал (моддий) суратда ўзгартирувчи инсон фаолиятнинг барча турлари ва формалари. Билиш, тафаккур, олами аинглашҳам фаолиятнинг зарур томонидир, лекин у ўз-ўзлигича обьектни ўзгартирмайди. Табиат ва жамиятнинг амалий ўзгартирниш процесси ўз қонуиларига, жараёнинга ва натижаларига кўра обьективидир. Кишиларниг ҳар бир янги автоди ўзбошимчалик билан ҳаракат қилолмайди, чунки у ҳамина кишилар ўзлаштирадиган тайёр фаолият формалари ва усуллари устидан чиқиб, уларни ўз мулки қилиб олади. Бундай ворислик жамиятнинг асосини ташкил этади. Ижтимоий бойликни ўзлаштириш учун инсон ижтимоий ташкилотлар ҳётита қўшилмоғи, бошқа кишилар билан муайян муносабатларга киришмоғи лозим. Шунинг учун ҳам амалий фаолият фақат жамиятда, жамият яратган воситалар ёрдамида мумкин бўладиган процесс тарзида амала ошади. Ташкил ҳолатларни амалий ўзгартишипроцессида инсоннинг ривожи, унинг «ўз-ўзини ўзгартиши» (Маркс) ҳам юз беради.

«Ижтимоий ҳаёт аслда амалий ҳаёттір» (Маркс) деган галнинг маъноси ҳам ана шудир. Агар амалий фаолият жамиятнинг борлиқ усулини ташкил этса, назарий фаолият ижтимоий онгнинг ишлаши усулидир. Марксистик философиядан илгари философия учун, синфиж жамиятда *ақлий меҳнат* билан *хисмоий меҳнат* ўртасида қарама-қаршилик ҳукм сурғанилиги сабабли, жамият тараққиётіда амалий фаолият ролини тушунмаслик харakterли эди. П. Фақат «паст» әхтиёжларни қондиришга қаратылган соғ манфаатпарастлик фаолияти деб қараларди, инсон ҳаётининг ҳақиқий моҳияти эса назарий фаолиятдан иборат деб ҳисобланарди. Шу билан бирга П. нинг үзгартырувчылық, ижодкорлык, революцион роли өзтибосиз қолдиди. Марксизм П. ни жамият ҳаётини белгиловчи, унинг мазмунини ташкил етүвчи нарса деб қараб, ижтимоий тараққиётиниг реал сабабларини, унинг ҳаракатланырувчи күчларини ва қонуниятларини очио берди. Ана шу асосда кишиларнинг амалий ва назарий фаолиятининг бирлигини тушуниш, ижтимоий ҳаётта назариянинг ҳақиқий ролини күриш мумкин бўлади. Назарий фаолият, воқеиликни билиш процесси П. билан чамбарчас боғлиқдир, чунки худди олами амалий үзгартыш орқали инсоният олдида унинг қонунлари очилади, инсон билимларининг чинлиги текширил кўрилади (*Ҳақиқат критерияси*). Бинобарин, инсон оладиган билимларнинг ҳажми, харakterи ижтимоий практиканинг ривожи даражаси билан, яъни инсоннинг ташки олам устидан ҳукмронлик қилиши даражаси билан белгиланади. Айни вақтда амалий фаолиятнинг ўзи ҳам ҳамиша муайян билимларга, назарий қоидаларга асослаи ди, чунки кишилар воқеелик ҳақида ўзларидаги мавжуд бўлган тасаввурларга амал қилиб ва ўз олдиларига мальум мақсадларни қўйиб, онгли суратда ҳаракат қиласидилар. Бинобарин, назария П.-га қарам бўлган ҳолда амалий фаолиятга актив таъсир кўрсатади ва амалий фаолият ҳам муваффақиятли бўлиш учун ҳақиқий назарияга таянмоги лозим. П. билан назария бирлигига яхлпт предметли фаолият — инсоннинг оламини амалий-назарий үзлаштириш процесси амалга ошиди.

### ПРОГНОЗЛАШТИРИШ — қ. *Оидиндан кўриш*.

**ПРОЛЕТАРИАТ** (лат. *proletarius* — пўксли) — буржуа жамиятининг асосий синфларидан бири бўлиб, бу синф ишлабчиқариш воситаларидан маҳрум этилган бўлади ва тирикчилик воситаларини ўз иш кучини сотиш орқали топади. П. феодал жамиятнинг бузилиши ва капитализмнинг вужудга келиши даврида шаҳар плебейларидан ва камбағал деҳқонлардан пайдо бўлди. Буржуа жамиятидаги асосий моддий бойникларни яратувчи П. эксплуатация қилинувчи синфдир. Унинг меҳнатининг маҳсулни бўлманиш қўшимча қийматни буржуазия ҳақ тўламасдан ўзиники қилиб олади. Монополистик капитализмдан бурунги капитализм даврида П.-ни эксплуатация қилишининг энг муҳим методи ҳаддан ташқарни узоқ давом этувчи иш куни билан

бир қаторда жуда паст иш ҳақи тұлашдан иборат эди. Империализм даврида эксплуатацияннң асосий формасы сифатида мәжнатни интенсификациялаشتариш тобора күпроқ юз беради. Капитализмнің риволюши билан бирга П.нинг яшашиннң таъминламас-лиги үсіб боради, П.нинг әхтиёжларини қондиришннг моддий-тех-ника имкониятлари билан бу әхтиёжларни ҳақиқатан қондирилиш даражасы үртасидаги узилиш күпайып боради, іқтисодий, социал ва сиёсий зулм кучаяди. Буржуа жамиятидаги шароитларннг үзи П. ни капиталистик эксплуатацияга қарши курашга мажбур этади. Бу кураш капитализмн ағдариша ва социалистик жамиятни вұжудға келтириш олиб боради. Ижтимои ишлабчиқарыш системасыда П. нинг обьектив ахволи шундайки, у «айпи вактда бутун жамиятни ҳар қандай эксплуатациядан, зулмдан, синфий бұлиннишдан ва синфи курашдан абадулабад озод құлмасдан туриб... үзини эксплуатация құлувчи ва ҳукмронлик құлувчи синф зулмидан озод этолмайды» (Энгельс). Капитализм П.-ни йирик корхоналарда бирлаштириб, уни интизомга ва уошқоқликка үргатиб, шу билан уни жипсласшишга, онғли суратда ҳаракат қилишга қобил құлиб құяди. П. синфи курашыннң тарихан биринші формасы иқтисодий кураш эди. Үнинг мақсады — П. нинг яшаш шароитини ҳимоя қилишдан, иш ҳақыны оширишдан, иш күнини қыскартыришдан, мәжнат шароитини яхшилашдан ва х. к. иборат. Иқтисодий кураш жараённда П. бутун ишчилар синфиннг буржуа синфиға қарши биргалашиб ҳаракат қилиши зарурлығига ишонч ҳосил қиласади. П.нинг сиёсий кураши пайдо бўлади ва бу курашга революцион пролетар партияси бош бўлади. Бу курашннг мақсади — П. диктатурасини қўлга киритиш ва социализмга үтишдир. Синфи сиёсий кураш пролетарларни чиниқтиради ва тарбиялайди, уларни буржуа идеологиясын таъсиридан қутқазади. П.нинг синфи мақсадларннг амалга оширилиши, үнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши кўп жиҳатдан үннинг шаҳар ва қишлоқ майда буржуа оммасини үз томонига торта олишига, кенг антиимпериалистик ҳаракатннг гегемони бўла олишига боғлиқдир. Ҳозирги замонда П. нинг бошқа социал табақалар—деконлар, зиёлилар, ўрта буржуазия билан иттифоқ бўлиши учун қулай шароит туғилди. П. нинг империализмга қарши курашида мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқларннг озодлик ҳаракати үннинг муҳим иттифоқчыси бўлиб қолди. Социалистик революция ғалаба қозониши билан П. капитализм шароитидаги әзилган эксплуатация қилинувчи синф ҳолатидан чиқиб, ҳукмрон синфа айланади. Ишлабчиқарыш воситаларннг ижтимои мулкликтерини киши томонидан ҳар қандай эксплуатация қилишни истисно этади. Социализм шароитида энди П. деб бўлмайди: у энди ишчилар синфи, коммунистик қурилишннг ташкилотчи ва йўл кўрсатувчи кучи бўлиб қолади.

**ПРОЛЕТАРИАТ ДИКТАТУРАСИ** (диктатура пролетариата) — ишчилар синфининг социализм қуриш учун фойдаланадиган ҳокимияти. П. д. социалистик революция натижасида ўрнатилади ва ҳокимиятдан четлатилган эксплуататорларга қарши қонуний қаттиқ синфий курашнинг давомидир. П. д. нинг муҳим белгиси эксплуататор синфларнинг социализм қуришга қаратилган ҳамма ҳаракатларга қаршилик кўрсатишга уринишларини зўрлик билан бостиришлан иборат. Бироқ зўрлик П. д. нинг мазмунини тўлиқ ифодаламайди, ундаги асосиё нарса ҳам эмасдир. Модомики социалистик ижтимоий муносабатлар капиталистик жамиятда пайдо бўлолмас экан, демак, П.д. нинг энг асосий вазифаси яратувчиликдир, бу вазифа — социализм қуришдан, жамиятнинг золим ва мазлум синфларга бўлинини йўқ қилишдан, кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши имкониятига барҳам берувчи шарт-шароитни яратишдан иборат. Бу вазифани пролетариат иттифоқчиларсиз ёлғиз ўзи ҳал қилолмайди. Бу вазифа «аҳоли кўпчилигининг, аввало меҳнаткашлар кўпчилигининг мустақил тарихий яратувчилик шароитдагина мубаффақият билан амалга оширилиши мумкин» (Ленин). Шу сабабли ишчилар синфи ўз ҳокимиятдан меҳнаткашлар оммаси билан иттифоқни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун фойдаланади. Бу иттифоқ П. д.-нинг олий принципини ташкил этади. Антагонистик формацияларда давлат ҳокимияти — эксплуататор озчиликнинг эксплуатация қилинувчи аҳолининг ғоят катта кўпчилиги устидан бўлган диктатурасидир. П. д. принципиал равища ўзга характерга эгадир, бу диктатура фақат бир ҳовуч эксплуататорларга қарши қаратилган, холос. Меҳнаткашлар оммасига у эксплуататорлар жамиятида мисли кўрилмаган кенг демократик ҳуқуқлар беради. Меҳнаткашларга, яъни аҳолининг кўпчилигига нисбатан П. д. ишчилар синфи томонидан раҳбарлик қилишни билдиради. Пролетариатнинг раҳбарлик роли меҳнаткашларга зўрлаб юклатилмайди, бунга уларнинг туб манфаатларини тўғри ифодаловчи сиёсат орқали эришилади. Ишчилар синфи ҳокимияти давлат аппарати ва жамоат ташкилотлари системаси (меҳнаткашларнинг сиёсий партиялари, касаба союзлари, кооперативлар, ёшлиар ташкилотлари ва бошқалар) орқали амалга оширилади. П. д. системасида раҳбарлик роли ишчилар синфининг марксча-ленинча партияси қўлидадир, бу партия жамиятнинг бутун фаолиятини уюштиради ва уни ягона бир мақсадга: социализм қуришга қаратади. П. д. системасида энг муҳим ўринни давлат ишғол қиласди. Бу давлатни ишчилар синфи эксплуататорларнинг манфаатларига хизмат қилиб келган ва вайрон қилиб ташланган эски давлат машинаси ўрнида барпо этади. Давлат мамлакатнинг ҳамма ҳўжалик, социал-маданий хаётига раҳбарликни

амалга оширади, социализм ғалабаларини контролреволюцияннинг ва жаҳон империализмининг тажовузларидан ҳимоя қилишни ўюштиради. Жамоат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, давлат зарур бўлган тақдирда зўрлик ҳам ишлатади. Конкрет-тариҳий шароитларга қараб П. д. нинг турли давлат формалари пайдо бўлади. Чунончи, Россия меҳнаткашлар оммасининг революцион кураши жараёнида П. д. нинг Советлар каби формаси ташкил топди. Иккичи жаҳон урушидан кейин социализм йўлига кирган бир қанча мамлакатларда П. д. халқ демократияси формасида амалга оширилмоқда. Унинг Совет ҳокимиятидан муҳим фарқларидан бири шуки, халқ демократиясида марксча-ленинча партия раҳбарлик қилган ҳолда кўп партияли система сақлаб қолинган. Келажакда янги тарихий шартшароит ишчилар синфи ҳокимиятини амалга оширишиниг янги формаларини вужудга келтиради. П. д. ишчилар синфи ҳокимиятини қўлга олиши натижасида пайдо бўлади. Эксплуататор синфларнинг тутагтилганлиги, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қозонгаклиги, халқнинг социал-сийёсий ва ғоявий бирлигига эришилганлиги П. д. нинг ўсиб аста-секин умумхалқ давлатига ўтиши учун шартшароит тугдиради. Бу давлат П. д. нинг ишини давом эттиради. У бутун халқнинг манфаатлари ва иредасини ифодалайди ҳамда коммунизм қуришининг куроли бўлиб хизмат қилади. Коммунизм қураётган жамиятда ишчилар синфи раҳбар куч бўлиб қолади. Бироқ, эксплуататор синфларнинг қолдиқлари батамом йўқотилганлиги сабабли, мамлакат ичиди синфи зўрлик ишлатишга ўрин қолмайди. Барча меҳнаткашларпинг мададига таяниб иш кўрувчи умумхалқ давлати айни вақтда қонунларни, социалистик турмуш нормаларини бузувчиларга нисбатан мажбур қилиш чораларидан ҳам қайтмайди.

**ПРОТЕСТАНТИЗМ** (лат. protestans — протест, норозилик билдирувчи, ўз фикрини халойиққа очиқ айтuvчи) — христианликнинг православие ва католицизм билан бир қаторда асосий йўналишларидан бири. П. битта диний оқимдан иборат бўлмай, балки айrim мустақиз черковларнинг мажмуудан иборатдир, бу черковларнинг тафовутлари билан бир қаторда бир қанча туб умумий белгилари ҳам бордир. Православиега ва католицизмга қарама-қарши ўлароқ, П. инсоннинг черков ёрдамисиз бевосита худо билан алоқа қилиши ҳақидаги, диндор фақат ўзининг якка эътиқоди билан «қутулиш»га мусассар бўлиши ҳақидаги таълимотга таянади. П. бутларга, авлиёларнинг майитларига чўқинишини, худонинг онаси Марямга сифинишини, дунёвий ҳокимият устидан руҳоний ҳокимиятнинг устун туриши ҳақидаги католик таълимотни, руҳонийларни дунёвий кишиларга (қавмларга) мутлақ қарама-қарши килиб қўйишини рад этади. ва ҳ. к. Ҳозирги вақтда П. асосан АҚШда, Буюк Британияда, Скандинавия мамлакатларида, Германияда тарқалган; лютеранлик, кальвинизм, баптизм, англиканчиллик, методизм ва байззи бошқа

оқимлар энг йирик протестантлик оқимларидир. П. идеологлари ўз позицияларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, ҳозирги вақтда турли протестантлик черковлари ва секталарини бирлаширишга уринмоқдалар. Шу мақсад билан 1948 йилда черковларнинг жаҳон кенгаши тузишган эди ва унга протестантлик ташкилотларидан кўп вакиллар киритилган эди. Католицизм сингари, П. ҳам ўзининг ижтимоий программаларида хусусий мулкчилик тузумини табаррук қилиб қўймоқда, меҳнаткашларга гоявий таъсир кўрсатиш учун буржуазия қўлида муҳим восита бўлиб хизмат этмоқда.

**ПСИХИКА** (грек. *psyche* — руҳ) — инсоннинг ички руҳий дунёсини тавсифловчи тушунча. П. шинг қонуниятларини маҳсус фан — *психология* ўрганидади. «П.» тушунчаси қадимдан бери материалистик ва идеалистик назарий қарапашлар курашининг майдони бўлиб келди. Идеалистик нуқтаи назар вакиллари ўртасида ҳар хил тафовутлар бўлишига қарамай, П. ни таърифлашда уларнинг ҳаммасининг фикри бир жойдан чиқади: уларнинг фикрича, П.— бу «соғ онгдир», материядаги фарқ қиласидиган ва унга қарама-қарши қўйилган алоҳида руҳий субстанция (ибтидо)дир; уларнинг даъвосига кўра, П. ни объектив билиш мумкин эмас. Идеалистлар ўз-ӯзини кузатиши, яъни ўз кечинмаларини кузатишни, ўз-ӯзини мушоҳада этишини П. ши ўрганишнинг асосий методи деб эълон қиласидар. Вульгар материалистлар (механицистлар) тўғридан-тўғри қарама-қарши нуқтаи назарни тутадилар. Улар П. ни ё инсон миёсида содир бўлувчи физиологик процесслардан, олий нерв фаолиятининг қонуниятларидан (рефлексология, реактология) иборат қилиб, ёки хатти-ҳаракат қўринишларининг оддий йигинидисидан (*бихевиоризм*) иборат қилиб қўядилар. Диалектик материализм бу нуқтаи назарларини иккаласини ҳам рад этади. У П. — инсоният жамиятининг тарихий тараққиётини маҳсул деб қарайди. П. кишиларнинг меҳнат, ишлабиқариш — амалий ва билиш фаолияти процессида шаклланади. Инсон тарбия ва таълим натижасида шахсга айланади. Тарбия ва таълим процессида инсон қобилиятларининг муайян группалари шаклланиб, худди ана шу қобилиятлар унинг П. сини ташкил этади. Қобилиятларнинг мазмуни, уларнинг структурасини уларнинг камол топишига асос бўлган фаол усуллари белгилайди. П. — инсоннинг ташкил оламини билishi, акс эттириши учун энг муҳим қуролдир, у инсонга, ташкил отамига таъсир кўрсатиб, уни ўзгартишига ёрдам беради. Мия, унинг физиологик-морфологик структураси, олий нерв фаолиятининг қонуниятлари П. шинг табиии негизи фундаментидир. Ижтимоий вужуд сифатидаги инсоннинг хоссаси бўлган П. олий нерв фаолияти қонуниятлари билан мураккаб муносабатларга киришади. Бир томондан, у бир қанчада физиологик процессларни қайтадан тузиб, уларни ўзига бўйсундиргандай бўлади. Бу ҳол гипноз, таъсир кўрсатиб ишонтириш, ўз-ӯзини ишонтириш ва ш. к. ҳодисаларда айниқса яққол кўриш.

шади. Иккинчи томондан, олий нерв фаолияттарыннан қонуниятлари П. нинг ишлаш чегараларини белгилаб қўяди, ақлий ва жисмоний иш ҳажмини ҳаёт учун хавфсиз норма доирасида, айни бир турдаги фаолият билан шуғулланиш давоматини белгилайди, меҳнат турларининг галма-гал келиши шартларини аниқлайди.

**ПСИХОЛОГИЯ** (грек. *psυchē* — рұх, *lόgos* — тушунча, таълим-мот) — психикани ўрганувчи фан. Психологияни биринчи бўлиб Аристотель системали равишда баён қилган («Рұх ҳақида» трактат). «П.» номи 16-асрнинг охирларида пайдо бўлиб, 18-асрнинг ўрталаридан кенг ишлатила бошланди. Аввал бошда П. философиянинг бир қисми бўлиб, унинг алоҳида бўлимини ташкил этарди ва инсон онгининг келиб чиқишини ва функциясини ўрганарди. 18-асрда П. нинг алоҳида фан бўлиб ажralиб чиқиши процесси бошланди. Бу процесс 19-асрнинг 2-ярмида тугалланди, бу чоқда П. га эксперимент жорий қилинди ва психология тадқиқотларинг мустақил предмети шакллана бошлади. Бу босқич учун психикага ва психик ҳодисаларга «атомар» қараш характерли эди. Психика ҳақиқатда шундай таркибий бирималарга (единицаларга) бўлинган бўлиб қўлдики, улар бирни-бира билан соғ механик тарзда бирлаштирилди. Бу қараш реация сифатида гештальтпсихология шактланади ва у психик процессларнинг яхлитлигини таъкидлаб кўрсатди, бутунни қисмлардан изборат қилиб бўлмаслиги принципини ифодалаб берди. Шу билан бирга гештальтпсихологлар психиканинг яхлитлигини идеалистларча, кишиларниң предметли, амалий фаолияти билан бўғланмаган ҳолда тушунардилар. Психологиянинг бошқа мактаблари (*бихевиоризм*, Вюрцбург мактаби, *персонализм*, *фрейдизм* ва ҳ. к.) ҳам психик процессларга тўғри илмий қараш йўлини тополмадилар, бунинг сабаби эса инсон психикасининг ҳақиқий табиатини тушунмаслиkdir. Идеалистлар психикани, инсонга жоқилинган, унинг амалий фаолиятига боғли бўлмаган алоҳида руҳий ибтидо, деб қарайдилар П. да механизм уни физиологияда қоришишириб юборишга, психик процессларни физиологик процесслардан изборат қилиб қўйишга уринишдан изборат. П. да туб ўзараш марксизм билан бўғлиқдир. Марксизм инсоннинг моҳиятини ижтимоий муносабатлар мажмудидан изборат деб таърифлади, инсон онгининг, психикасининг социал табиатини очиб берди, психика ижтимоий тараққиёт маҳсулни эканлигини кўрсатди. Ҳозирги замонда П. жамият аъзоси сифатидаги, шахс сифатидаги индивидуумнинг камолотга етиши ҳақидаги фанга тобора кўпроқ айланиб бормоқдаки, бу шахс ўзидан олдин ўтган авлодларнинг тажрибасини билиб олиши ва ижтимоий муносабатлар системасига қўшилиб, бу муносабатларга актив таъсир кўрсатishi лозим. Бундан фаннинг ёндош соҳаларида — логикада, педагогикада, социологияда ва ҳ. к. олинган маълумотларни П. томонидан ҳисобга олиш зарурати келиб чиқади.

озирги вақтда П. нинг болалар ва педагогика П. си каби оҳаси тобора катта аҳамият қасб этмоқда. Бу соҳа тарбия ва таъим масалалари билан маҳсус равишда шуғулланади ва бу иш проҷессида шахснинг фикрлаш қобилияtlари ва ахлоқий сифатлари шаклланади. Муайян қасблар томонидан инсон психикасига қўйиладиган ўзига хос талабларни ўрганиш зарурлиги муносабати билан Ў. нинг меҳнат П. си, инженерлик П. си ва шу каби янги тармоқлари гаркиб топмоқда. Нормал психик фаолиятдан оғиши масалаларини билан патологик П. шуғулланади.



**РАЦИОНАЛИЗМ** (лат. *ratio* — ақл, фаросат) — айнаң (*uprat*) цидиң изилдә қарама-қарши ғлароқ): ақлга, фаросатта асосланған фикрлаш, фалсафий мұхқама қилип усули. Одатда Р.— «ақлнинг зияреклигі», «фаросатлылік» ва ҳ. к. мағыносидә келади, яъни нисоң нинең үзининг кундалық ҳәеттіда ва билиц ғаолиятида мүмкін қадар ҳис-түйғулар ҳұмкідан чиққан ҳолда зияреклик билән мұхқама қилиш, ҳамма «тараффор» ва «қарши» томонларни өзмеләб күріп фикр іргизиш, үз фикрларын жатғы-харакатларини асослашып, интилиш қобиляти демекadir. Философияда Р. дегана да билиц наазарелесіда (гносеологияда) эмпиризмса қарама-қарши бүлгән алоқида ғұналиш ҳам тушунилади. Рационалисттар ақлиннан билицдагы ролини қаддан ташқары оширип юборадылар, уни ҳиссий тажрибадан ажратып қўядылар. Шу билан бирга ҳиссий (эмпир) биліш (сезги, идрок, тасаввур) ё инкор қилинади, ёки номукаммал, ҳақиқиит биліштің бермайдыган билиц, деб қаралади. Уларнинг фикрича, фақат ақл, интеллект ишончли билим берішга қодирдир ва бу билим әхтимолий (тасодифий) характеристерге эмас, балки умумий, зарурый характеристерге эгадидir. Рационалистлар үз шуктаи наазарларини асослаша учун түгма идеялар деб аталувчи идеялар түғрисидаги, яъни энг аввалдан ақлға хос бүлган тушунчалар түғрисидаги таълимотни (Декарт, Лейбніц), ёки инсон миясида ҳар қандай тажрибадан буруп мавжуд бүлган ва уларсиз ҳеч қандай билиц мүмкін бүлмаган априор (*Anosteriore va a priori*) билиц формалари ҳақиқадаги таълимотни (Кант) илгары сурдилар. Диалектика материализм Р. нинең бирёзламалыгини рад этади. Билиц — рационал (ақлий) ва ҳиссий моментларнинг ажралмас бирлигидан иборат. Инсоннинг ақли билицдә актив роль үйнайды, у ҳиссий тажрибада бевосита ҳосил қылғанған нарса доирасидан чиқа олади (рационалистлар бу моментни түғри таъкидлаб құрсатадылар). Бироқ тафаккурнинг нарсаларнинг ичкарисига, уларнинг умумий ва зарурый алоқадорлигига чүкүр киришининг сабаби унга қандайдай түгма идеяларнинг хос бүлгәүлиги эмасдир, бунинг сабаби шуки, тафаккур кишиларнинг амалий ғаолияти билиц чамбарчас бөглиқ бўлиб, сезги органларни ёрдами билан олинған маълумотлардан фойдаланади. Рационалистлар орасида материалистлар

ҳам бор эди (Спиноза), аммо Р. кўп ҳолларда философиянинг асосий масаласини идеалистларча ҳал қилиш билан боғли эди, бундай вақтда объективни билиш асосинигина эмас, балки унинг мавжудлигининг ўзининг шароитини ҳам ақлда деб билардилар. Чунончи, Гегель философиясида табиат, объектив реаллик фақат ақлнинг, абсолют идеяning «ўзгача кўриниши» сифатида (юз бериш формаси сифатида) мавжудdir. Р. *психология ва этика* каби фанларда ҳам юз беради: психологияда ақл психика билан бирдай қилиб ва ҳис-туйгулардан, иродадан ва ҳ. к. устун қилиб қўйиласди; этикада ахлоқ-одоб принциплари ва нормаларининг кишиларнинг амалий ўзаро муносабатларидан, тажрибаларидан келиб чиқиши инкор этилади; бу мас., Кантнинг этикаси учун характерлидир — яъни қатъий императив.

**РЕВИЗИОНИЗМ** (лат. *revisio* — қайтадан қараб чиқиш, тафтиш қилиш) — ишчилар ҳаракатидаги оппортунистик оқим бўлиб, бу оқим сўзда марксизмни эътироф этса-да, лекин амалда уни ревизия (тафтиш) қиласди. Ревизионистлар «танқид эркинлигига» талабини рӯқач қилиб, марксизм-ленинизмнинг туб принципларидан воз кечмоқдалар ва улар ўрнига буржуа-реформистик қараашларни қўймоқдалар. Р. ишчилар синфига буржуа таъсирининг ишъикосидир, майдада буржуадан, буржуа зиёлилари орасидан чиқсан кишилар ҳамда империалистик қўшимча фонда ҳисобига бокиладиган ишчи аристократияси ва бюрократияси ревизионистик қараашларни кўтариб чиқмоқдалар. Р. 19-асрнинг охиirlарида пайдо бўлади; бу даврда капитализм нисбатан «тинч» ривожланиб, ўзининг сўнгги босқичига — империализм босқичига эндиғина ўта бошлаган эди; бу даврда марксизм ишчилар ҳаракати ичидаги ғалаба қозонаётган эди ва марксизмга очиқдан-очиқ душман бўлган социалистик назариялар тарих саҳнасидан чиқиб кетаётган эди. Р. нинг асосчиларидан бири Бернштейн бўлиб, у социал-демократияни социал реформалар партиясига айлантиришин ва пролетар революциясидан воз кечинни талаб қилиб чиқсан эди. У буржуа жамияти ичидаги зиддиятларнинг кескинлашувини тан олмас ва шу асосда ишчилар ҳаракатининг туб мақсади тушунчасини ожиз деб эълон қилган эди. Бернштейн ва унинг муҳлислари марксизм философиясини «янгилашга», уни янги кантчиликдан, эмпироокритицизмдан ва буржуа философиясининг бошқа турларидан олинган қоидалар билан тўлдиришга уриндилар. Ленин марксизмни янги тарихий давр шароитларига татбиқан ижодий ривожлентириб, халқаро Р. нинг назарий ожизлигини, унинг реакцион социал-сиёсий ролини кўрсатиб берди. Р. нинг Ленин томонидан қилинган анализи ҳозирги давр учун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Ҳозирги кунда Р. социалистик революциянинг ва ишчилар синфи диктатурасининг тарихий зарурлигига қарши чиқмоқда, капитализмдан социализмга ўтишнинг

ұмумий қонуниятларни инкор құлмоқда, Марксча-ленинчя партия-нинг раҳбарлық ролини эътироф этишдан ва партия қурилишининг асосий ленинча принципларидан воз кечмоқда. Ревизионистлар марксизмнинг «плюралистиклигі» ҳақидаги қоидан илгари сурмоқдалар, уларниң фикрича, марксизм түрли оқымларга, мактабларға бўлинib кетиши, турли «миллий вариантлар»ни ўз ичита олдиши лозим эмиш. Философия соҳасида улар диалектик материализмни экзистенциализм, неопозитивизм билан ва ҳозирги замон буржуда философиясининг бошқа системалари билан алмаштиришига уринмоқдалар, материя тушунчасини, материалистик диалектиканинг энг ыұхим қоидаларини эскирга, ҳозирги замон фанни даражасига мувофиқ келмайдиган тушунча ва қоидалар деб әтлон құлмоқдалар (ёки материалистик диалектикани сакрашлар, зиддиятлар ва ш. к. ҳақидаги қолоқ, гайри илмий тасаввур даражасига тушириб қўймоқдалар), марксистик философиянинг ривожланишида ленинча босқич мавжудларини инкор этмоқдалар. Марксизмнинг тарихий тараққиётидаги турли босқичларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, мас., Маркс қарашларини Энгельс қарашларига, Маркс билан Энгельс қарашларнинг Ленин қарашларига, ёш Маркс қарашларини етук Маркс қарашларига ва ҳ. к қарама-қарши қилиб қўйишга уринишлар ҳам ҳозирги замон фалсафий Р. га мисолдир. Ҳам ўнг кўринишлар, ҳам «сўл» кўринишларига Р. га қарши кураш — ҳозирги вақтда коммунистик ва ишчи партиялари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

**РЕЛЯТИВИЗМ** (лат. *relativus* — иисбий) — билиш назариясида бир йұналиш бўлиб, бу йұналиш объектив оламни билиш мүмкінligини инкор этади. Р. шундай бир факта асосланадики, инсон ўз тараққиётининг бирон-бир босқичида умуман бутун воқеали тұғрысида ҳам, тадқиқотнинг конкрет предмети тұғрысида ҳам тұла-тұқис ва мутлақо тұғри билим оллмайди, ҳар бир муайян паллада биз нинг билимларимиз тугал бўлмайди, улар ишлабчиқариш, фан тараққиёти даражаси билан, кишиларнинг билувчилик имкониятлари билан чекланган бўлади. Р. билимларимизнинг ана шу иисбий характеристини, уларда мавжуд бўлган янглиш моментларини бўртириб кўрсатади ва уларниң ўзбошимчалиги, шартлилiği, субъективилеги ҳақида хulosса чиқаради. Р. билишнинг объективилегини, унда воқеиликнинг реал хоссаларини ва қонуниятларини акс эттируви қоидалар борлигини буткул инкор этади. «... Релятивизмни билиш назариясиға асос қилиб қўйиш — муқаррар суратда ўзингни ё абсолют скептицизм, агностицизм ва софистикага, ёки субъективизмга маҳкум қилиш демакдир» (Ленин).

**РЕФЛЕКСИЯ** (лат. *reflectere* — орқага бурмоқ, акс эттироқ, фикр юргизмоқ) — айнан; муҳокама юритиш, ўз-ўзини кузатиш. «Р.» термини марксистик философиядан олдинги философияда көнт тат-

бік этілган. Чунончы, Локк Р. ни билиш манбаларидан бирига айлантириб, уни «ички идрок», «ички тажриба» деб, ички билуучилик процессларини билиш воситаси деб, яғни *ўз-ўзини аңглашы* яқын тушунча деб қараган. Гольбах Р. ни «фикрни ўз-ўзинг устида ийғиши» деб ҳисоблаган. Гегелнинг назарича, Р.—амалий ишдан иборат бўлиб, бунда «Мен» обьектга нисбатан ўз субъективилгини англайди ва ўз-ўзини бу обьектдан четлаштириш устида фикр юритади. Р. деганда Гегель тушунчаларинг алоҳида нисбатини ҳам тушунадики, бунда тушунчалардан бири иккинчисида акс ётади, юз беради (мас., моҳият билан ҳодиса ўртасидаги нисбат) «Р.» термини ўз фикрларинг устида, ғази психик кечинмаларинг устида фикр юритишни, кечиргандаринг тасвирлаш ёки англашни ҳам билдиради ва ҳ. к.

**РЕФОРМИЗМ** (лат. *reformatio* — туатматоқ, ислоҳ қилмоқ) — ишчилар ҳаракатида сиёсий оқим бўлиб, бу оқим социалистик революцияга ва пролетариат диктатурасига қарши чиқади, ишчилар синфининг курашининг асосий мақсадини реформаларда деб билади ва реформалар буржуа тузумини «яхшилаш»га олиб келиши лозим, деб ҳисоблади. «Умуман реформизм шундан иборатки, кишилар эски, ҳукмрон синфининг асосий тиргакларини бартараф этишини талаб қилмайдиган ўзгаришларни — бу тиргакларни *сақлаб қолиш билан сифдириши мумкин бўлган ўзгаришларни ёқлаб агитация юргиздилар*» (Ленин). Узининг ғоявий-сиёсий мазмунига кўра Р. ўнг *ревизионизмга* тўғри келади, лекин ундан фарқли ўлароқ, Р. албатта марксизм байроғи остида майдонга чиқмайди. Ҳозирги вақтда Р. нинг асосий вакили ўнг социал-демократиядир, у капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракати ичига буржуазиянинг энг муҳим ғоявий ва сиёсий таянибидир. Унг социалист назариётчиларинг кўпли антагонистик синфлар ва синфий кураш мавжудлигини инкор, этмоқда, «социал ўртоқчилик»ни тарғиб қилмоқда, капитализмни гўё социализмнинг кўп элементларини ўз ичига олган «индустриал» жамият деб атамоқда. Уларнинг фикрича, социализм — абстракт ахлоқий принциплардан: адолат, одампарварлик, тенглик ва шу кабилардан иборат. Унг социалист-идеологлар дунёқарааш соҳасидаг ўзларининг «бетарафлиги»ни айти турли, марксча-ленининг философияга қарши кураш олиб бормоқдалар. Сўнгги йилларда диний идеология социал-реформистларга кучли таъсир кўрсатмоқда. Социал-демократик ҳаракат бир хилда эмасдир. Ҳар бир партия ичига, гарчи ҳамма вақт ҳам кўзга ташлана бермаса-да, буржуалашаётган ўнг социалист юқори қатлам билан оддий социалистлар ўртасида чуқур зиддият мавжуд. Сўл социалист группалар ва синфий пролетар позицияларида турувчи бутун-бутун партиялар бор. Коммунистлар ишчилар синфининг ораси бузилиб кетишини бартараф қилиш мақсадида тинчлик ва демократия учун курашда ҳам, жамиятни

социалистик асосда қайта қуриш вазифаларини бажаришда ҳам социал-демократия билан бирлікта ҳаракат қилишни ёқладаб чиқмоқдалар.

**РУС МАТЕРИАЛИСТИК ФИЛОСОФИЯСИ** — 19-аср ұрталари — (русская материалистическая философия середины 19 в.) — крепостной ҳуқукнинг емирилиши даврида деңгөнлар демократиясининг фалсафий дүнәқараши. Унинг вакиллари — революцион демократардан Белинский, Герцен, Огарев, Чернишевский, Добролюбов, Антонович, Писарев ва б.— мутафаккирлар сифатида камол топган даврда Гарбда буржуазиянинг революционлиги аллақачон үлиб, тарих саҳнасига янги синф — пролетариат чиққан эди. Уларнинг дүнәқараши революцион демократия позицияларидан турив буржуза философиясини бартараф қилишга уринишдан иборат. Улар Фейербах кетидан бориб, ҳатто құп ҳолларда унинг таъсири остида материалистик назарият қараб әволюция қылған ҳолда, Гегель философиясининг гояйның бойлығини сақлаб қолышга интилардилар ва унинг диалектикасини «революция алгебраси» деб қарадилар. Гегеллининг, олам етук тугалланған нарсалардан әмас, балки процесслар мажмудан иборатидир, деган марказий идеяси уларнинг қарашларига асос бўлди. Табиатта табиқ этилган тараққиёт принципи уларга 17—18-асрлардаги механистик философияяни ишсабатч олға кетиб, диалектик материализм йўлидан бориши имкониятини берди. Механицизм теология ва идеализм билан батамом ораин узишга ожиз дунёқарашибир, деган тушунча рус революцион демократларнинг бутун философиясига бошдан-оёқ сингган эди. «Ўз сифатларидан маҳрум бўлган» материяда, деб ёзган эди Герцен, «ички куч йўқдир». «Агар сиз табиатни қандайдир ўлик нарса сифатида бир лаҳза тўхтатсангиз, сиз тафаккур имкониятигача бориши тугул, ҳатто сўлқилдоқ жоноворлар имкониятигача, дарахтларда ўсадиган бўқоқлар ва йўсунлар имкониятигача ҳам етиб боролмайсиз». Рус материалистлари табиатни «мустақил яратувчи куч, битмас-туганмас ва камаймас субстанция» (Белинский) деб эътироф қилиб, табииёт фанлари маълумотлари асосида оламнинг яхлит боғлиқ ҳолдаги умумий манзарасини яратишга интилдилар. Улар ҳужайранинг, энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонунининг кашш әтилишидан, Дарвин назариясидан ва табииёт илмининг бошқа ютуқларидан табиат ҳодисалари ўртасидаги генетик алоқадорликнинг исботи сифатида фойдаландилар. Рус материалистлари табиатни тадқиқ қилишнинг ўша замон фани ишлаб чиққан принципларини инсоннинг үрганишга ҳам табиқ этилдилар. Чернишевскийнинг антропологизми нұқтадан назаридан инсоннинг табиат оламига мансублиги унинг моҳиятими, «инсоний истакларнинг амалиётта доир соҳасини» етарли даражада шафқатсизлик билан белгилаб бермоқда. Билиш назариясида демократ мутафаккирлар оламни

бизниш мұмкінлігінде асослаған иш күрділар ва агностицизм билан субъективизмни рад қылдылар. Бирок үларпінг гносеологик назариясининг даражаси бир хил әмас әди. Чунончы, Герцен «Табиатни үрганиш ҳақидаги мактублар» номли асарида воқееликни тушунчаларда пайқашнинг ўзига хос хүсусиятини ва диалектикасини тасвирлабына қолмасдан, шу билан бирга тафаккурнің мантиқий формаларинің объективтес асоси ҳақидаги масаланы әдем үргатға қўйди. Тўғри, проблемани ҳал қилиш сифатида у тафаккур билан борлиқнинг бирлиги тўғрисидаги натуралистик назарияни илгари сурдик, бу назария логиканың формалари ва қонунларини бевосита табиатдан келтириб чиқаради ва тафаккурнің ижтимоий характеристикини эътиборсиз қолдирарди. 60-йиллардаги рус материалистлары билин процесси диалектикасін тушунишда кўп жиҳатдан Герцендан орқада әдилар. Баъзан улар бу диалектикани умуман тушуниш әдилар. Чунончы, Добролюбов назарича, Гегель диалектикасининг «ўз-ўзлигича» ҳеч бир ибратли жойи йўқ. У фақат қуруқ муҳокамабозликтан, ҳаётни мантиқий формуласалар остига зўрлаб тиқишириш воситасидан иборат. Россияда 19-асрнинг 40—60-йилларидаги рус материалистик философиясы кантчиликка қарши, позитивизм философиясига қарши кураш традициясі билан бөглиқдир. Ленин Чернишевский материализмінинг тарихан шаронгта бөглиқ бўлган камчиликларни қайд қиласаркан, шунга қарамаён, унинг кантчиликни тақиқ қилишда Ф. Энгельс даражасида турганини таъкидлаб, шундай деган әди: «...Чернишевский Кантта реализм учун әмас, балки агностицизм ва субъективизм учун, «нарса ўзида»ни эътироф қилгани учун әмас, балки билимимизни ана шу объективтес манбанинг натижаси деб холоса чиқаролмаган учун таъна қилиш жиҳатдан Энгельс билан тамомила бир даражада туради». Европада 1848—49-йиллардаги революция рус демократлари учун, айниқса Чернишевский учун жамият ҳақидаги идеалистик қарашни енгизиша асосий аҳамиятга эга бўлди. Энг янги тарихни үрганиш уларга жамият бир-бирига душман «сословиялар»га бўлингандигини ва бу «сословиялар» ўртасидаги кураш аввало моддий манфаатлар устида олиб борилаётганинг кўрсатди. Улар эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчиларнинг, «текинхўрлар» билан «қора халқ» нинг тўқишувида социал тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини кўрдилар. Уларда антропологик принцип масалаларни «энг камбағал ва кўп сонли синф» нуқтаи назаридан қараш принципи бўлиб қолди. «Айрим киши ҳаётига ва умуман жамият ҳаётига эскича қараш, яъни «мавхум ахлоққа ва бирёклама психологияга» ҳаддан ташқари аҳамият бериб қараш эндиликда рус материалистларини қониқтиримай қўйди. Чернишевский фикрича, инсоннинг ҳаётida «моддий турмуш» фавқулодда муҳим роль ўйнайди. «Моддий турмуш шароитлариниң» ҳаётнинг бошқа олий соҳаларидаги деярли

Барча қодисаларыннан ҳам түб сабаби» деб эътироф этиш тарихий материализм томон құйилған жиіддің қадам бўлди. Бироқ Чернишевский ҳам, бошқа рус демократ мутафаккирлари ҳам жамиятни материалистик тушуниш даражасига күтарилишга муссар бўлолмадилар. Улард тарихий фактларни шарҳлашда материалистик тахминлар ижтимоий тараққиётда ақлий фаолиятнинг ҳал қилувчи роли ҳақидаги идеалистик тасаввурлар билан бирга қўшилиб кетган эди. Буржуа маърифатчиларидан фарқли ӯлароқ, рус революцион демократлари, социал тараққиёт омманинг ҳаракати, синфлар кураши орқали амалга ошади, деб тушунардилар, аммо бу курашнинг тарихан конкрет формасини аниқлаб, белгилаб беришга, уни муайян ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келтириб чиқаришга улар қодир эмас эдилар.

**Рұғ** (дух) — философияда одатда «идея», «онг», «тафаккур», «ақл» тушунчалари билан айни бир маънода ишлатиладиган тушунча. *Философиянинг асосий масаласи* нұқтаи назаридан Р. (рухият) материяга (моддийликка) қарама-қарши қилиб қўйилади. Қадимги Гречия мутафаккирлари Р. деганларида аввало «нус» (ақл) ва «логос» терминларини ишлатардилар. Анақсагор фикрича, «пус» (актив ибтидо) айни бир вақтда ҳам руҳий, ҳам моддий күчдир. Платон ва Аристотель эса «нус»ни хаотик (тартибсиз) материяни шакллантирувчи (аммо яратувчи эмас) соф идеяйи куч деб фикр қиласидилар. Аристотель фикрича, Р. нинг олий формаси ўз-ўзича фикрлайдиган ақлдир, яъни ўз-ўзини англайдиган тафаккурдир. Ўрта аср теологлари (Ансельм, Фома Аквинский ва бошқалар) Р. ни худо билан айнан бирдей қилиб кўрсатадилар («Худо руҳдир») ва худони моддий оламин яратувчи вужуд, шахс деб биладилар. Янги замонда *субъектив идеализм* ни қаттиқ туриб ҳимоя қилган философлар индивид онгининг бирор элементини Р. нинг моҳияти деб ҳисобладилар. Чунончи, Юмнинг фикрига кўра, «руҳ фақат бир-бири кетидан келувчи идроклардан иборат». *Объектив идеализм* нұқтаи назарida турган кишилар ҳам Р. нинг асосини тафаккурда, инсондан ва инсониятдан ажralган, мустақил яшааш қобилияти берилган идеяда деб билардилар. Гегель фикрича, Р — абсолют идеянын учинчи ва сұнгги (логика ва табиатдан кейин) босқичидир; Р. аввал субъектив Р. сифатида (мас., психология ўргападиган индивидуал онг), сұнгра объектив Р. сифатида (жамият ва ижтимоий онг — ахлоқ, ҳуқуқ ва шу кабилар), ниҳоят унисининг ҳам, бунисининг ҳам бирлиги, яъни санъат, дин ва философия формасига кирадиган абсолют Р. сифатида юз бериб, тараққиётнинг уч босқичини босиб ўтади. Материализм Р. ни ҳамиша материяниянг хоссаси сифатида тушенишга интилиб келді. Ҳали антик замондаги атомист Демокрит ҳам руҳий ҳолатни думалоқ оловли атомларнинг бирга қўшилишидир, деб изоҳлаган эди. Янги замон материалист-

лари (Спиноза, Гоббс, Гельвеций, Фейербах ва бошқалар) «Р.», «онг», «ақл» терминларидан айни бир маънода фойдаланадилар. Тұғри, уларнинг ҳарқайсиси тафаккур ёки билимнинг ҳиссий формалари таъкидлаб күрсатилишига қараб онгни үзича тушунади. Диалектик-материалистик философия, эски материализмга үшшаб, Р. ни (индивидуал ва ижтимоий онгни) моддий факторларнинг ҳосиласы деб қарайди. Бирок ҳосилага у табиатдан бошқа яна моддий ижтимоий муносабатларни ҳам киритади. «Р.» термины марксистик философияда мустақил равишда камдан-кам ишлатилади. Одатда у бошқа тушунчалар билан құшып олниади. Мас., маънавий маданият дегендарыда бірөн мұайян тарихий даврнинг маънавий бойликларининг ғаламын түшүнәдилар.



**САБАБ ВА НАТИЖА** (причина и следствие) — фалсафий категориялар бўлиб, улар предметлар билан ҳодисалар ўртасидаги умумий зарурӣ алоқани акс эттиради. Бу алоқа шундан иборатки, ҳар қандай предмет, ҳар қандай ҳодиса бошқа предметлар ва ҳодисалардан пайдо бўлади, ўшалардан бунёдга келади ва гойиб бўлиб, ўз навбатида бошқа предметлар ва ҳодисаларга айланади. Бунда сабаб деб шундай ҳодисага айтиладики, бу ҳодиса бошқа ҳодисани, айни нисбатда натижа сифатида майдонга келадиган ҳодисани туғдиради. Сабабий муносабатларнинг характеристи ҳақидаги масала ҳамиша материализм билан идеализм ўртасидаги кескин курашнинг мавзуи бўлиб келди. *Субъектив идеализм* сабабиятнинг объектив характеристикини инкор этади, ё уни сезгиларнинг одатдаги изчиллигига олиб бориб тақайид (ЮМ), ёки сабабият фақат иносоннинг оғигда априор (тажрибадаи бурунги) категория сифатида мавжуддир, билувчи субъект шу категория ёрдами билан ҳодисаларнинг тартибсиз оламига тартиб киритади, деб даъво қиласди (Кант). *Объектив идеализм* сабабий муносабатларнинг иносонга боғли бўлмаган характеристикини эътироф қиласди-ю, бирок уларни руҳ, идея, тушунчанинг кўринишидан иборат қилиб қўяди, бу руҳ, идея, тушунча, унинг фикрича, моддий оламнинг асоси эмиш. *Диалектик материализм* Марксдан илгариги материализм йўлини давом эттирган ҳолда, сабабият объектив, моддий характеристига эгадир, яъни у воқееликдаги предметлар ва ҳодисаларнинг ўзига хосдир, деган фикрга асосланади. Шу билан бирга ҳозирги замон фани мальумотларига таянган ҳолда у сабабий боғланишиларнинг жуда хилма-хиллигини, С. билан и. ўртасида мураккаб диалектик ўзаро таъсирир борлигини таъкидлаб кўрсатади. Ҳозирги замон фани нуқтаи назарича, предметлар билан ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишининг моддий мазмуни шировард ҳисобда баъзи предметлар ва ҳодисаларнинг бошқа предмет ва ҳодисаларга таъсиридан, улар ўртасидаги ўзаро таъсиридан иборатдир, бу ўзаро таъсири эса моддани, энергияни, информационни бир предметдан иккинчисига, бир системадан иккинчисига топшириш процессидан иборат. Ўзаро таъсирининг мураккаб процессида, предметлар ўртасида мавжуд алоқаларнинг бениҳоя занжирида бирон-бир ҳодисанинг конкрет сабабларини аниқлаш кўпича анча қўлини

дир. Мас., водород атоми фотонни (ёруглик заррасини) ютади ва изтиробли ҳолатга ўтади. Ҳуш, бу ўтишга нима сабаб бўлди? Шубҳасизки, атомнинг фотонни ютиши сабаб бўлди, лекин, иккинчи томондан, агарда бу фотонни бошқа бирор атом нурлантирганидан, эди, бу ҳодиса юз бермаган бўларди. Демак, шуни ҳам айтиш мумкинки, айни атомнинг изтиробли ҳолатга ўтишига сабаб — фотоннинг бошқа атом томонидан нурлантирилишидир. Лекин бунда, сабабий боғланишнинг энг оддий мисолида ҳозироқ баъзи қийинчилкларга дуч келинар экан, демак, мураккаброқ ҳодисаларга нисбатан конкрет сабабларни аниқлаш янада мушкулроқдир. Бу қийинчилек яна шу билан ҳам чуқурлашадики, мураккаб ҳодисалар кўп сабабларга, бунинг устига тағин турли даражадаги сабабларга боғлиқдир. Шунинг учун тўлиқ сабаблар билан ўзига хос сабабларни бир-биридан фарқ қилишга тўғри келади. Тўлиқ сабаб деганда муайян натижага зарурган юз берадиган барча ҳолатларнинг мажмую кўзда тутилади. Ўзига хос сабаб деб шундай сабабга айтиладики, унинг юз бериши муайян натижага олиб келади, аммо бу натижанинг амалга ошиши учун бошқа шароитларнинг мавжуд бўлиши шарт. Бу шароитлар натижанинг юз бериши учун зарурдир, бу шароитлар бўлмаса, натижага пайдо бўлмайди, лекин агар ўзига хос сабаб бўлмаса, бу шароитлар ўз-ўзлигича натижани юзага келтиромайди. Сабаб ҳамиша натижадан олдин келади. Икки ҳодиса ўртасидаги муайян муносабат донрасида улардан бирни фақат сабаб, иккинчиси фақат натижага бўлади. Шу билан бирга натижага сабабга қайтадан таъсир кўрсатиши мумкин, яъни натижага ўз навбатида энди илгари унинг ўзига сабаб бўлган ҳодисага таъсир кўрсатувчи сабаб бўлиб чиқади. Бу таъсир қайтарма алоқали системалар деб аталувчи системаларда айниқса яққол намоён бўладидики, бу системалар тирик табиятда ва техникада кенг тарқалгандир. Мас., ҳолодильник ичидағи температура ошиши билан совуклиқ берадиган қурилмани ишга соладиган терморегулятор ишлаб кетади ва мақкур қурилма янгидан температурани керакли миқдорга олиб келади.

**САҚРАШ** (скакоч) — бир сифатнинг иккинчи сифатга диалектик ўтиш процесси. Мавжуд сифат доирасида юз берадиган миқдор ўзгаришларидан фарқли ўлароқ, С. тараққиётда туб бурилишини билдиради; у олдинги сифатдан фарқ қиласидиган янги сифат вужудга келганини англатади. Шу тариқа С. тараққиётни узлукли қиласади. С. сифат ўзгаришлари юз берадиган ҳамма жойда содир бўлади. Бир хил элементар зарраларнинг иккинчи үйларига айлананиши (айтайлик, электрон билан позитроннинг ўзаро таъсирни ҷоғида фотонларнинг ҳосил бўлиши), диффуз материядан юлдузлар ва планеталарнинг пайдо бўлиши, гумбакниг капалакка айланishi,

бош ҳалқасы ҳайвон, охирги ҳалқаси инсон бўлган антропогенез процесси, капитализмдан социализмга ўтиш — ана шуларнинг ҳаммаси сакрашларнинг мисоллариdir. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ривожланишида С. бу ҳодисаларга ичдан хос эндижиятларнинг ҳал қилиниш процесси сифатида, эскиликнинг диалектик инкор этилиши ва янтиликтининг барқарор бўлиши сифатида юз беради. Метафизиклар сакрашларни ё инкор этиб, тараққиётни фақат миқдор ўзгаришларидан (мае., ўсиш ва кўпайишдан изборат қилиб қўядилар, ёки, аксинча, тараққиёт процессини сакрашлар билан бирдай қилиб кўрсатиб, узоқ давом этишдан маҳрум бўлган, тўсатдан юз берадиган бир каррали воқеалар деб қарайдилар. Ҳақиқатда эса сакрашлар тўсатдан юз бермайди: уларни, одатда, кўзга кўринмас миқдор ўзгаришлари тайёрлаб ва етилтириб боради. Бу ўзгаришларга қарагандо С. нисбатан тез жараён қиласи, лекин шу билан бирга унинг ўзи озми-кўми муйайн давомати бўлган процессdir. Бир хил сакрашлар эски сифатни бирданига, бутунлай ўзгартиради, иккинчи хиллари аста-секин, қадамба-қадам ўзгартириб боради. Бу ҳол сифат ўзгаришлари юз берадиган конкрет шарт-шароитга, энг муҳими — ривожланаётган ҳодисанинг ўзининг хусусиятларига боғлиқdir. Чунончи, табиий шаронтда уранинг парчаланиши ва бопиқа элементларга (қўргонши ва гелийга) айланниш процесси милионларча йилни шигол этади, уранинг сунъий равишда парчалаш эса нортлатни йўли билан секундинг саноқли ҳиссаларини эгаллаиди, холос. Антагонистик эндижиятлар кемираётган, бир-бирига душман синflар очиқдан-очиқ тўқишаётган жамиятга бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш социал ларза (революция) формасига киради, кескин кураш билан ўтадиган алғов-далғовли С. шаклида юз беради. Социалистик жамиятда тараққиёт бутунлай бошқача тарзда боради, чунки бундаги эндижиятлар ноантағонистик характердаги эндижиятларидir, бу жамиятда ижтимоий тараққиётни тұхтатишга уринадиган синflар йўқdir. Коммунизмга ўтиш — бу жамият ҳаётida ғоят картади С. дир, аммо бу С. тўсатдан, бирданига юз бермайди, балки аста-секин, ижтимоий ҳаётининг барча томонларининг изчил сифат ўзгариши йўли билан, зарур моддий ва маънавий шарт-шароит нечоғли яратилаётганлигига қараб юз бера боради. С. қанчалик узоққа чўзилмасин, у ҳамиша сифат ўзгаришини, миқдор ўзгаришларни тадрижийлигининг узилишини билдиради.

**САНЪАТ** (искусство) — ижодий фаолият бўлиб, бу фаолият процессида бадиий образлар — воқеликни акс эттирадиган ва инсоннинг унга эстетик муносабатини гавдалантирадиган конкрет-ҳиссий образлар яратилади. С.нинг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар бадиий образнинг алоҳида структураси билан бир-биридаи фарқ қиласиди. Улардан баъзилари ҳаст ҳодисаларини бевосита

тасвирилаб кўрсатади (рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, графика, бадий адабиёт, театр, кино санъати). Баъзилари эса санъаткорнинг мазкур ҳодисалардан туғиладиган ғоявий-ҳиссий ҳолатини ифодалайди (музика, хореография, декоратив-амалий ва саноат санъати, архитектура). *Ижтимоий онг формаларидан* бири бўлган С. ўз хусусиятларига эгадир. Фан сингари, у ҳам воқеликни акс эттира олади. Л. Толстойнинг ижоди, Ленин сўзлари билан айтганда, «рус революциясининг ойнаси» эди. Шу билан бирга Толстой асарлари «бутун инсониятнинг бадий тараққиётида олга ташланган қадам» ҳам эди, чунки унинг асарларида, С. нинг бошқа асарларида бўлгани сингари, бирон-бир ижтимоий ҳодисалар шунчаки акс эттирилиб қолмасдан, балки уларнинг эстетик аҳамияти, инсон ҳаётида уларнинг роли очиб берилади, санъаткорнинг уларга муносабатини ифодалайди, эстетик идеал қарор топади. Илмий тадқиқот жараёнда олим турли ҳисларни, туйғуларни кечиради, лекин бу ҳис, туйғулар унинг тадқиқотлари натижаларига киритилмайди. Бадий асар эса инсоннинг фақат фикрларини эмас, балки дунёни сезишини ҳам ўз ичига олади. С. нинг мазмуни ғоявий ҳисдир, фикрлар ҳис этилган бўлиб, ҳислар фикр қилинган бўлади. Шунинг учун ҳам у кишиларга зўр таъсир кўрсатиш кучига эга бўлади. Ҳаётнинг у ёки бошқа ҳодисаларига (одамларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг муносабатларига) С. асарларида эстетик нуқтаи пазардан баҳо берилади. Улар фақат яхши ёки ёмоп, адолатли ёки адолатсиз, реакциони ёки прогресшив ҳодисалар тарзида эмас, балки шу билан бирга гўзал ёки хуцук, юксак ёки паst, трагик ёки комик ҳодисалар тарзида ҳам намоён бўлади. Шу сабабли С. инсоннинг мазкур ҳодисаларга муносабатини шакллантиради, уни у ёки бопиқа идеаллар руҳида тарбиялади. Бадий асарда акс эттирилувчи одамлар ва воқеаларга эстетик нуқтаи назардан баҳо бериси ва санъаткор гавдалантириб кўрсатадиган эстетик идеал унинг синфиий мавқеига боғлиқ. Демак, синфиий жамиятда С. партиявий бўлмасдан қололмайди, яъни у воқеликка бўлган ўз эстетик муносабатида у ёки бошқа ижтимоий кучларнинг, синфларнинг муҳим манфаатларини ифодаламасдан қололмайди, шуниси ҳам борки, бу ҳолни санъаткор ўзи батъсан англайди, батъсан эса англамай қолади. С. тарихининг кўрсатишича, турли синфларнинг бадий ижодга таъсiri бир хилда тенг қимматли ва самарали бўлмаган. Инсониятнинг прогресшив тараққиётидан манфаатдор бўлган социал қатламларнинг, синфларнинг идеалларини гавдалантириб кўрсатувчи С. энг ҳаққоний, инсонпарвар ва халқчилдир. Чинакам халқчил С. «кенг меҳнаткашлар оммаси орасида чуқур илдиз» ёйган, уларни қўзгатадиган ва «мазкур омманинг ҳис, фикр ва иродасини» (Ленин) бирлаштирадиган С. дир. С. нинг халқчиллиги унинг реализми билан боғлиқдир. С. нинг коммунистик партиявийлиги айни

вақтда унинг олий даражада халқчиллиги ҳамдир, чунки эксплуатация ва тенгсизлик тузумини ағдариш учун, коммунизм қуриш учун кураш мөхнаткашларнинг кўнгилларидағи орзу-армонларига жавоб беради. С.-да социалистик реализм — воқеликни коммунистик идеал нуқтаи назаридан бадий суратда ҳаққоний акс эттириши дир. Баъзан, фан ва техниканинг ривожланиши инсон ва жамият ҳётида С. ролининг анча камайишига ва умуман бадий ижоднинг тутатилишига олиб келмайдими? — деб савол берадилар. Аммо, бир томондан, С. ва, иккинчи томондан, илмий-техника тараққиети ўртасидаги антагонизм фақат капиталистик жамият шароитида юз беради, чунки унда кишини асоратга соловчи мөхнат тақсимоти натижасида инсоннинг шахси ўзининг бутулил фазилатини йўқотади, маънавий жиҳатдан қашшоқлашади. С. уни бўғиб қўядиган буржуа муносабатларига қарши бирон даражада исён кўтаргал тақдирдагина муваффақият билан ривожлана оладики, бунда фаннинг ҳам, техниканинг ҳам ўз ҳолича ҳеч қандай айби йўқдир. Аксинча, фаннинг ривожланиши С. нинг ривожланишини тақозо қиласди, чунки С. илмий ва техника ижодиётининг ўзи учун зарур бўлган хаёл, эмоционал сезгилик, социал жавобгарлик каби инсоний лаёқат ва сифатларни ўтиради. С. нинг коммунистик жамиятда равнақ топиши шунчаки эзгу ният бўлмасдан, балки коммунизмнинг ўз моҳияти билан боғлиқ бўлган зарурнятдир. Негаки, коммунизмнинг мақсади — шахсни ҳар томонлама ва уйғун равишда ривожлантиришдир, бундай шахсни ривожлантириш эса С. сиз мумкин эмасдир.

**СЕЗГИ** (ощущение) — элементар ҳиссий образ, объектив олам предметлари ва ҳодисаларининг айrim хоссаларининг инъикоси. С. қобилияти материянинг узоқ ривожланиши процессида унинг ташқи таъсиirlарни акс эттириш хусусиятидан пайдо бўлган. Инсондаги сезигиларнинг асоси — унинг мөхнат фаолияти, ташқи олам предметлари билан бевосита ўзаро таъсир кўрсатиши натижасидир. Предметлар ва уларнинг хоссалари сезги органларининг (анализаторларнинг) сиртқи идрок этувчи аппаратига таъсир ўтказадилар, ташқи изтиробланиш энергияси ўтказувчи нерв йўйлари орқали бош мияга берилади, ҳудди ана шу бош мияда психик процесс пайдо бўладики, унинг энг оддий формаси С. дир. Тащқи таъсиirlарининг ҳарактерига қараб, С. нинг айrim турларини фарқ қилиб кўрсатадилар. Бадан сезигилари предметларнинг механик, температура хоссаларини акс эттиради, эшитиш сезигилари товуш тўлқинларини ва вибрацияларни, маза ва ҳид сезигилари нарсаларнинг химиявий хусусиятларини акс эттиради. Организмнинг ичидаги содир бўладиган процессларни акс эттирувчи сезигилар алоҳида турдан иборат. Бу сезигилар тўқималар ва органлар ичидаги анализаторларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Сезги органлари каналлардан иборат бўлиб, шу канал-

лар орқали онг ташқи олам билан боғланади, сеэгилар эса олам ҳақидаги ҳамма билимларнинг манбайи бўлиб хизмат қиласи. «Сеэгиларсиз модданинг ҳеч қандай формалари ҳақида ҳам, ҳаракатнинг ҳеч қандай формалари ҳақида ҳам биз ҳеч нима билолмаймиз» (Ленин). Сеэгилар асосида ҳиссий билишнинг бошқа формалари (идроқ ва тасаввур) пайдо бўлади ва тафаккур ана шу формаларга таянади. Сеэги органлари муайян диапазондаги таъсиirlарни қабул қиласи (мас., кўриш, эшитишнинг чегараси бор), бироқ бу ҳол, барча билимларимизнинг манбайи сеэгилардир, деган қоидани рад қиласи. Ийсон ҳиссий билишнинг чегараларини принцип жиҳатдан чексиз равишда кенгайтира оладиган техника воситаларини яратмоқда. С. — объектив оламнинг субъектив образидир. Мавжудлик формасига кўра у субъективдир, миянни алоҳида қўзғалсан ҳолатидир, ўз мазмунига кўра у объективдир, чунки у биздан ташқарида ва бизнинг оғимизга боғли бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган нарсаларнинг хоссаларини копиялаштиради, фотографиялаштиради. Агарда С. ҳеч қандай объектив мазмунни ўз ичига олмаганида эди, ийсон яшай ва ҳаракат қила олмас эди.

**СЕМИОТИКА** (грек. *семеіօթօս* — белгиланган) — билимнинг бир соҳаси бўлиб, бу соҳа белгиларнинг ва белгилар системасининг (*Белги*) умумий проблемаларини ўрганади. С. мустақил фан соҳаси бўлиб фақат 19-асрнинг охиirlаридан бошлаб, турли хилдаги белги системаларини характерловчи умумий хусусиятлар очилиши муносабати билан ажralиб чиқди ва 20-асрнинг 2-ярмидан бошлаб жадал ривожланиб кетди. С. белгиларнинг инсон фаолиятида, кишиларнинг ўзаро алоқасида ўйнайдиган роли нуқтаи назаридан уларнинг турли хилларини: объектларнинг ўрнини босуви белгиларни (сўзларни, илмий тушунчаларни), модель белгиларни (турли хилдаги схемалар, графикларни), символ белгиларни (ҳайвонлар подаларининг хатти-ҳаракатини тартибга солишга ишлатиладиган сигналлардан тортиб то кўча ҳаракати белгиларигача, радиостанцияларнинг сигналларигача бўлган турли сигналларни ва ҳ. к.) тадқиқ қиласи. У белгиларнинг тузилишини, уларнинг турли белги системаларига уюшувини (С.-нинг бу қисми синтаксис деб аталади) ўрганади, зотан уни ҳар қандай белги системалари тузулишининг умумий принципларигина эмас, балки конкрет белги системаларининг хусусиятлари ҳам — табиий ва қўпдан-кўп сунъий тилларнинг системалари, товуш, график сигналларнинг ва шу кабиларнинг хилма-хил системалари ҳам қизиқтиради. С. да шунингдек белгиларни ишлатиш қоидалари ҳам анализ қилилади, белгилар билан улардан фойдаланувчи ийсон ўртасидаги муносабатлар (прагматика) очиб берилади. С.-нинг муҳим бўлими — белги билан унинг маъноси ўртасидаги, белги билан у маъносини билдирадиган, у кўрсатиб берадиган предмет ўртасидаги алоқани тадқиқ қилишдири

(бу бўлим семантика деб аталади). Белгиларни жуда хилма-хил фанлар: тилшунослик, *психология, логика* ва ҳ. к. фанлар ўрганиди. С. ана шу фанлар олган натижаларга таянади. Шу билан бирга унинг характерли хусусияти шуки, у белгининг барча муҳим томонлари тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун белгиларнинг ва белгилар системаларининг турли методларини ва усулларини бирлаштиришга уринади.

**СЕНСУАЛИЗМ** (лат. *sensus* — сезги, ҳис) — билиш назариясида бир йўналиш бўлиб, у сезгиларни билимларимизнинг бирдан-бир манбай деб қарайди. 17-асрда ўтган инглиз философи Локк С.-ни ривожлантириш ва асослашда катта роль ййнади. Билиш назариясидаги йўналишлардан бўлган С. воқеликни материалистик тушуниш нуқтаи назари доирасида ҳам бўлади (бунда сезгилар моддий предметларнинг сезги органларимизга қиласиган таъсири натижаси деб ва шу предметларнинг инъикоси деб қарадади), шунингдек у оламга субъектив идеалистик қарап доирасида ҳам бўла олади (бунда сезгилар ўз ҳолича олинниб, уларнинг объектив манбай ҳақидаги фикр четга улоқтирилади). С. да материалистик йўл вакиллари Дидро, Гольбах, Гельвеций, Фейербах бўлиб, субъектив-идеалистик йўл вакиллари Беркли, Юм, Махдир. Инсоннинг билувчилик фаолияти сезгилардан ташқари, билимнинг ҳисси формаларидан ташқари юзага чиқолмайди. Марксистик философиянинг нуқтаи незари ҳам шундай. Бироқ эмпиризм позицияларида турган ўтмишдаги материалист-сенсуалистлардан фарқли ўлароқ, марксистлар билишда сезгиларнинг ролини ошириб юбормайдилар, тафаккурнинг сифат спецификасини инкор қилмайдилар, чунки нарсаларнинг ички табиати, уларнинг муҳим хоссалари ва қонуниятлари тафаккур ёрдами билан билинади. Марксистик философия инсоннинг билувчилик фаолиятини ижтимоий практика билан қўшга, сезгилар, ҳиссий идроклар билиш процессида қандай ўрин тутишини аниқлай билади.

**СИЁСАТ** (грек. *politike* — давлатни бошқариш санъати) — синфлар ўртасидаги муносабатлар соҳаси бўлиб, бу муносабатлар давлат ёқимиётиниң қўлга олишга ёки уни сақлаб қолишга қаралтилган бўлади. Бинобарин, С. синфлар бор жойда мавжуд бўлиб, у давлат ва ҳуқуқ билан маҳкам боғлиқдир. Тор маънода С. деганда давлатнинг (ёки сиёсий партияларнинг) ижтимоий ҳаётининг бирон соҳасида олиб борадиган фаолияти тушунилади. Иқтисодий, тенхика, ички, ташқи С. ва ҳ. к. иборалари ана шу маънода айтилади. С. да синфининг туб иқтисодий манфаатлари тўлароқ ва чуқурроқ акс эттирилади. Шу сабабли С. экономиканинг марказлаштирилган ифодасидан, унинг умумлашмаси ва тугалланишидан иборат. С. экономиками акс этираракан, шу билан бирга унга ва жамият ҳаётининг бошқа ҳамма соҳаларига энг кучли қайтарма таъсир

күрсатади. Бу ҳол шунда ифодаланадики, синф фақат С. орқали фақат давлат ҳокимиятини қўлга олиш орқали ўзининг асосий маңбаатларини қондиради, жамиятнинг ҳукмрон синфи бўлиб қолади. Сиёсий кураш — пролетариат синфи курашининг асосий формасидир. Фақат ана шу кураш жараёнида ишчилар синфи сиёсий ҳукмронликни қўлга олади, пролетариат диктатурасини ўрнатади ва жамиятни иқтисадий жиҳатдан қайта тузади — ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий капиталистик мулкликини ва кишини киши экспортуация қилишини тутгатади. С. нинг мазмуни, мақсади ва йўналиши уни амалга оширувчи синфнинг, ижтимоий кучларнинг характеристига боғлиқ. Умри тутгаган, тарих саҳнасидан чиқиб кетаётган синфнинг С. и реакцион сиёсатдир. Унинг мақсади жамиятнинг олга қараб тараққи қилишини тұхтатиши. Ҳозирги замон империалистик буржуазиянинг С. и ана шундан иборат бўлиб, бу С. жаҳон социализм системасига, миллий-озодлик революцияларига ва ишчилар ҳаракатига қарши қаратилгандир. Аксинча, ўз истиқболига эга бўлган кучларнинг С. и прогрессивдир. Чунончи, социалистик мамлакатлар меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, демократияни изчил кенгайтириш С. ини, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик С. ни юргизмоқдалар.

**СИМВОЛ** (грек. symbolon — шартли белги) — инсон маданиятни вужудга келтириш процессида, объектив оламни билишда ва ҳ.к. татбиқ этадиган белги воситаларидан бири (*Белги*). С. нинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат: С. предметнинг ҳиссий образидир; у предметнинг вакили (намояндаси)дир; у қандайдир муайян маънони ифодалайди; унинг формасининг белгиланувчи предмет билан бевосита алоқаси йўқдир. Чунончи, социализмнинг бадий С. и (эмблемаси) ўроқ ва болғадир. У янги жамиятнинг идеалларини, муайян сиёсий маънони, яъни социалистик жамият меҳнаткашлар жамияти эканлигини, унинг асоси ишчилар синфи билан дәхқонларнинг бирлигидан иборат эканлигини ифодалайди. Бу умумлаштирилган мазмун С. да ҳиссий-яқъол формада ифодаланади. Албатта, С. нинг формаси белгиланувчи мазмунг бевосита тўғри келмайди, аммо С.-нинг формаси билан мазмунг ўртасидаги алоқа бунда ўзбошимчалик характеристига эга эмасдир. Дарҳақиқат, ишчилар синфи билан дәхқонларнинг бирлигини С. да бошқача бирон тарэда, мас, авторучка билан гул тасвирида ифодалаб бўлмайди. Билиш процессида инсон С.-нинг турли типларини татбиқ этади. С. нинг белги воситаларининг бошқа турларидан фарқи шундаки, С. — ҳиссий-яқъол формага эгадир ва бу форма билан у ифодалайдиган мазмун ўртасидаги алоқа ўзбошимча алоқа эмасдир. Тараққиётнинг юқориyoқ босқичларida С. ҳиссий-яқъол формадан холи бўлади ва шартли (конвенционал) характерга эга бўлиб, асл ҳолатдаги белгига айланади. Мас., алгебрада биз бирон объектни қандай

тарзда (а, в ҳарфлари биланми ёки бошиқа тарздами) белгилашими兹нинг фарқи йўқ, бунда фақат белгиларни ишлатиш қоидаларига риоя қилинса бўлди. С. тушунчаси символик тилнинг тузилишини, белгиларни ишлатиш қоидаларини ўрганувчи математикада, *математик логикада ва семиотикада* кенг қўлланилмоқда. С. тушунчаси буржуа философиясида идеалистларча талқин қилинди (*Янги канцчилик ва неопозитивизм*), унда С. асосан объектив, моддий предметлар билан алоқадор бўлмаган ҳолда онгда бунёдга келади, деб қаралади.

**СИНФЛАР ВА СИНФИЙ КУРАШ** (классы и классовая борьба). «Синфлар деб кишиларнинг катта-катта группаларига айтиладики, бу группалар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихан муайян системасида тутган ўринларига, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларига (кўпинча қонунларда мустаҳкамланган ва расмийлаштирилган муносабатларига), меҳнатни ижтимоий ташкил этишдаги ролларига, бинобарин, ижтимоий бойликтан ўзларига тегишли ҳиссани олиш усуслари ва миқдорларига қараб бир-бираидан фарқ қиласди. Синфлар кишиларнинг шундай группалари дидирки, ижтимоий хўжаликнинг муайян укладида уларнинг тутган ўринлари бошқа-бошқа бўлиши сабабли, бир группа иккинчи группанинг меҳнатини ўзиники қилиб олиши мумкин (Ленин). Жамиятнинг синфларга бўлиниши ишлабчиқариш воситаларига хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида юзага келди. Шу сабабли ишлабчиқариш воситаларига муносабат синфнинг ҳал қилувчи белгиси бўлиб, бу белги қолган белгиларнинг ҳаммасини (синфнинг меҳнатни ижтимоий ташкил этишдаги ролини, унинг ижтимоий бойликтан ўзига тегишли ҳиссани олиш усуслари ва миқдорини) белгилаб беради. Антагонистик жамиятларда ишлабчиқариш воситаларига эгалик қилувчи кишилар эксплуататор синфини ташкил этадилар (қулдорлар, помешчиклар, капиталистлар); ишлабчиқариш воситаларидан маҳрум қилинган кишилар эксплуатация қилинувчилар синфини ташкил этадилар (қуллар, деҳқонлар, пролетарлар). Муайян жамиятнинг ишлабчиқариш муносабатларининг моҳиятини ифодаловчи синфлар асосий синфлар деб аталади (мас., қулдорлар тузумида қулдорлар ва қуллар, феодализм даврида помешчиклар ва деҳқонлар, капитализм даврида капиталистлар ва пролетарлар). Илгариги ишлабчиқариш усусларининг қолдиқлари билан боғли бўлган (капитализм даврида деҳқонлар) ёки эндигина вужудга келаётган ишлабчиқариш муносабатларининг ҳомили бўлган (феодал жамиятда буржуазия) синфлар асосий синфлар эмасdir. Ижтимоий ишлабчиқариш системасида синфларнинг турли мавқеда бўлиши муқаррар равишда уларнинг моддий манфаатларининг бирга сифиши маслигини ва зидма-зидлигини вужудга келтиради. Мазлумлар билан эолимлар, эксплуатация қилинувчилар билан экс-

плюатагорлар ўртасидаги зиддиятлар фақат синфиий курашда ҳал этилади. Бинобарин, барча антагонистик жамиятлар тарихи — синфлар ўртасидаги кураш тарихидан иборат. Жамият тараққиётининг ана шу босқичида синфиий кураш тарихий процесссининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ишлабчиқариш усулларининг алмашинуви революциялар натижасида юзага келади, чунки бу вақтда синфиий кураш аниқса кескинлашади (*Социалистическая революция*). Ижтимоий ҳаётда синфиий курашнинг аҳамияти капитализм шароитида ниҳоят даражада ошади. Бунда пролетариат билан буржуя ўртасидаги кураш жамият ҳаётининг ҳамма томонларини белгилайди. Пролетариат синфиий курашининг асосий формалари — иқтисодий, сиёсий ва мағкуравий формалардир. Тарихан биринчи форма иқтисодий курашдир, яъни пролетариат ўзининг бевосита мoddий манфаатларини қаттиқ турб ҳимоя қилишидир. Пролетариатни эксплуататорлар зулмидан озод қилишининг энг биринчи шарти сиёсий ҳокимиётни кўлга олиш бўлганлиги сабабли, пролетариат синфиий курашнинг олий формаси сиёсий кураш бўлиб қолади. Синфиий курашининг мағкуравий формаси ғоят катта аҳамиятга эгадир, бу кураш давомида пролетариат синфиий сифатида ўзини англаб олади, ўз курашининг мақсадлари ва ўз озодлигининг йўллари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қиласди. Тарихий тажриба, синфиий курашининг ривожланиши зарурان пролетариат диктатурасига олиб борадики, бу диктатуранинг мақсади — хусусий мулкни ва кишини киши томонидан эксплуатация қилишини йўқ этишдан иборат. Пролетариат диктатураси барпо қилиниши билан синфиий кураш тўхтамайди. «Пролетариат диктатураси пролетариат синфиий курашининг янги формаларда давом этишидир» (Ленин). Капитализмдан социализмга ўтиш даврида ўз сиёсий ҳокимиётидан фойдаланиб иш кўрувчи пролетариатнинг синфиий кураши эксплуататор синфларни тугатишга, ҳалқаро империализм кучларига зарба беришга қаратиландир. Бу синфиий кураш турли формаларга кириши, ҳаттоқи контрреволюцион исенларни бостириш, гражданлар уруши, чет эл интервенциясига қарши кураш каби жуда кескин формаларга ҳам кириши мумкин. Социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси социалистик жамиятдаги синфлар табиатини тубдан ўзгартиради. Капитализм даврида ишлабчиқариш воситаларидан маҳрум бўлган ва эксплуатацияга дучор этилган синфлар бўлмиш ишчи ва деҳқонлар социалистик жамиятда эксплуатациядан озод бўлган, ижтимоий мулк бўлиб қолган ишлабчиқариш воситаларига эгалик қилувчи синфларга айланадилар. Ижтимоий мулк асосида социалистик жамиятдаги барча синфлар ва табақаларнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги ривожланиб бормоқда. Синфиий кураш ижтимоий тараққиёт қонуни бўлмай қолади, чунки меҳнаткаш синфларнинг туб манфатлари бир-бирига мос бўлиб тушади, юз берувчи зиддиятлар эса

антагонистик зиддиятлар бўлмайди. Социализм шароитида гарчи ишчилар синфи, деҳқонлар ва интеллекция ўртасида тафовутлар ҳали сақланиб қолса-да, коммунизмга ўтиш даврида улар ўртасидаги чегаралар аста-секин йўқола боради. Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутлар бартараф қилинни борган сари, социал бир хиллик ўсиб боради. Жамиятнинг синкларга ва социал табакаларга бўлиниши коммунизм даврида батамом йўқолади.

**СИСТЕМА** (грек. *systema*—қисмлардан таркиб тонгани қўшилма)—ўзаро муайян тарзда боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этадиган элементларнинг жами. Умуман алтганда, воқслидаги ҳар қандай обьектни С. деб қараш мумкин, фақат у элементларнинг нисбатан яхлит кўплигидан иборат бўлмоғи керак, мас., бир қутича ранги қаламлар ёки кухняга керакли идиш-тобоқлар йиғиндиси. Лекин бундай татбиқотда С. тушунчаси сийқалшиб, ҳеч бир жiddий роль ўйнамайди. Ҳозирги замон фанида системалар дейилганда одатда муайян хилдаги мураккаб обьектларни тушунадиларки, бу обьектлар уларни ташкил этувчи элементлар ва алоқаларнинг фақат кўплиги билан эмас, балки турли типдаги билан, турли сифатдаги билан ҳам характеристланади. Турли даражадаги биологик системалар (мас., организм, тур), *психология, социология, семиотика, иқтисодий* фан обьектлари ҳамда ҳозирги замон техник системалар (мас., транспорт ва алоқани бошқариш системалари, космик учишларни таъминлаш системалари ва ш. к.) ана шундай системалардир. Уларнинг алсҳида характеристини таъкидлаб кўрсатмоқ учун бу хилдаги обьектларни кўпинча катта ёки мураккаб системалар деб атайдилар. Ҳозирги замон фанида системаларга нисбат бериладиган обьектларнинг кўпі аллақачонлардан бери билиш предметлари бўлиб келмоқда. 20-аср фани уларнинг системалии характеристини таъкидлар экан, бунда у аввало мазкур обьектларнинг шундай томонлари ва сифатларини ўрганишини назарда тутадики, шулар туфайли у обьектлар тартибга солинган, уюштирилган бўлади. Бошқача қилиб ўйтганда, системалилик ҳамиша уюшқоқликининг муайян формаси билан боғлангандир. Бу уюшқоқлик эса бир бутун обьектнинг хоссаси бўлиб, обьектнинг айрим элементларига хос эмасдир (мас., ҳаёт — биологик организмнинг яхлит ҳолда ишлаб туришининг маҳсулидир, нормал шароитда бу ҳаёт организмнинг якка-якка органларига хос эмасдир). Яхлит обьектнинг уюшқоқлиги, жумладан, унинг тузилишининг иерархиялигигида, яъни изчил равишда бўйсуниш муносабатида бўлган бир неча даражалардаги уюшманинг мавжудлигига ифодаланади (мас., С. сифатида жамият шахс, кичик социал группа, синф, миллат ва ҳ. к. даражаларини ўз ичига олади). С. нинг яхлитлик ифодасининг яна шундай муҳим томони борки, унда алоҳида хилдаги ички ва ташқи алоқалар мавжуд бўлиб, ана шу

алоқалар туфайли С. ўз мұхитидан чегараланади ва бир бутун нараса сифатида унга қарама-қарши бўлиб туради. Бундай алоқалар одатла система ясовчи алоқалар деб аталади. Бу алоқаларнинг аниқлаб олиниши С. сифатида объекти тадқиқ қилишнинг зарур шарти бўлиб хизмат қиласди. Чунончи, нейрофизиологияда айrim нерв ҳужайралари ва тугуларининг ишлашини тасвирилашдан кўра кўпроқ ҳар бир конкрет нерв процессида нейронлар ўртасида пайдо бўладиган ўзига хос алоқаларни анализ қилиш вазифаси қўйилади. Ҳозирги замон фанида системалар сифатида объекtlарни тадқиқ қилишнинг маҳсус йўллари ва воситаларини излаш *системали ёндошишининг шаклланишига олиб келди.*

**СИСТЕМАЛИ ЁНДОШИШ** (системный подход) — фанда бир йўналиш бўлиб, у мураккаб тарэда уюшган объекtlарни — системаларин (*Система*) тадқиқ қилиш воситаларини, методларини ишлаб чиқиши ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Мураккаб объекtlарни тадқиқ қилишнинг энг муҳим методологик принципларини марксизм-ленинизм асосчилари ишлаб чиққан ва амалга оширган эдилар. Чунончи, К. Маркснинг «Капитал»и ҳозирга қадар шундай методологияни тузиш ва татбиқ этишнинг наумунаси бўлиб қолмоқда. 20-асрда системалар тадқиқоти бир қанча фанларнинг — биология, психология, тилшунослик ва б. фанларнинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Система идеялари билимнинг кибернетика ва семиотика каби янги тармоқларининг асоси бўлди. 20- асрнинг 2-ярмидан бошлиб мураккаб системалар тузиш техникада етакчи ўринни ишғол қилиб қолмоқда. Бу соҳаларнинг ҳаммасида аниқланган умумий методологик проблемаларни англаб олиш натижасида С. ё. шаклланди. С. ё. замирида аввало системали объекtnинг яхлитлигини, уюшқоқлигини ва тадқиқотнинг шундан келиб чиқадиган антимеханистик (*Механицизм*) йўналишини илмий воситалар билан қайд этишга интилиш асос бўлиб ётади. С. ё. нинг фалсафий проблематикаси системали тадқиқотларда татбиқ этиладиган гносеологик воситаларни анализ қилиши, бу тадқиқотларнинг ўзига хос категориявий (*Категориялар*) аппаратини ўз ичига олади. Бундай проблематикани ишлаб чиқиш С. ё. нинг ҳам, диалектик материализм билиш назариясининг ҳам бир-бирини бойитишига ёрдам қиласди. Системали тадқиқотларда уларнинг мантиқий-методологик томони: объекtlарнинг системали хоссаларини, тадқиқотнинг мантиқий (шу жумладан формаллаштирилган — *формаллаштириш*) аппаратини, системали назарияларнинг хусусиятларини аниқлашни ўрганиш учун маҳсус методлар тузиш муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай системали объект одатда бир фан томонидан эмас, балки бир неча фан томонидан ўрганилиши сабабли, тадқиқотга ёндошишининг шундай бир методи алоҳида аҳамият касб этади, бу метод объект ҳақида турли фанлардан олинган тасаввурларни синтез-

лаштиришга имкон берадиган бўлиши керак С. ё.-нинг кенгайтирилган методологиясини ишлаб чиқишига уриниш кўпинча система-лар умумий назариясининг турли вариантиларини — системаларнинг ҳамма типларини ёки ҳеч бўлмаганда сони кўпроқ типларини ўрганиш принципларини ифодалаб беришга интигувчи умум илмий концепцияни яратишига олиб келади. Бироқ, бундай концепциялар уларнинг гносеологик аппарати, анализнинг ўзига хос формал-математик воситаларининг етарили даражада ишлаб чиқилмаганлиги орқасида ҳали ҳозирча чекланган аҳамиятга эга бўлиб турибди. С. ё. ҳозир асосан унинг иловаларини кенгайтириш, яъни фан ва техниканинг турли соҳаларидағи конкрет назарий ва амалий проблемаларни ҳал этишига уни татбиқ қилиш йўли билан ривожлантирилмоқда. Бу иловаларнинг методологик анализи умуман С. ё. нинг ривожланишига ва аниқланишига кўмаклашмоқда.

**СИҒАТ ВА МИҚДОР** (качество и количество) — предметнинг диалектика тарзда ўзаро алоқадор бўлган характеристикалари. Сиғат — предметнинг белгилари, хоссаларининг ҳали структура жиҳатдан бўлакларга бўлинмаган мажмуидан иборат. У нарсанинг бутун ҳиссий-конкрет ўзига хослигидаги муайянлигини ифодалайди. Сиғат предметнинг ўзининг реал мавжудлигидан ажралмасдир. Предмет йўқ бўлса, у билан бирга унинг сиғати ҳам йўқ бўлади. Сиғат бир предметнинг бошқа предметлар билан муносабатлари системасидагина юз беради. Инсон ташки оламнинг ҳар хил предметлари билан дуч келганда, ўз олдига: бу нима? — деган саволни қўяди. У бу саволга жавоб беришга уриниб, предметнинг хоссаларини тадқиқ қиласди, уларни бошқа предметларнинг белгилари билан таққослаб кўради ва предметнинг сиғатини тасвирилаб беради. Сиғат — предметнинг ҳиссий тажрибада, жонли мушоҳадаги қайд этилган аввал бошдаги характеристикасидир. «Энг биринчиси ва энг аввалгиси сеэгидир, унда эса муқаррар суратда сиғат ҳам бўлади...» (Ленин). Диалектика сиғатни бир қадар норма ёки намуна деб ҳам қарайди ва шулар билан инсоннинг фаолияти тенглаштириб кўрилади, деб ҳисоблайди (мас., ишлаб чиқариш фаолиятида стандартнинг роли ана шуидай). Инсоннинг билиши предметнинг сиғат муайянлиги билан тўхтаб қолмайди. У предметнинг миқдор характеристикаларини ўрганишига ўтади, миқдор билан сиғатнинг ўзаро алоқадорлигини очиб беради, сўнгра эса моҳиятни анализ қилишига ўтади (*Моҳият ва ҳодиса*). Миқдор — бу кўпинча предметнинг маконий-замоний хоссаларидан иборат бўлиб, бу хоссалар ҳам фақат унинг бошқа предметлар билан ўзаро муносабатида очилади. Ҳар бир предметни иккичи предметдан унинг макондаги катталиги, мавжудлигининг қанчага чўзиши, тараққиёт суръатлари ва ҳ. к. фарқ қилдиради. Предметнинг миқдор характеристикаси ўлчов процессида юз беради, бу вақтда бир предмет ўзининг миқдор муайян-

лигидә этапон сифатида намоён бўлади. Аввал бошда миқдор предметга хос бўлган ва унинг сифатига бефарқ қарайдиган қандайдир катталиқ сифатида юзага келади. Лекин миқдор характеристикаларининг муайян чегараларгача ўзгариб бориши нарсанинг сифатларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бунда миқдор энди предметнинг сифат муайянлигини характерлайди. У ана шу предметга заруран хос бўлган, уни шундай ҳолга келтирадиган хоссаларни ифодалайди. Чунончи, темир 55, 85 атом оғирлиги бўлган элементдир. Бу атом оғирлик эса бошқа элементга хос эмасdir. Миқдор муайян мутаносибликларда юз беради, бу мутаносибликлар эса предметларни солиштириб кўрганда аниқланади. Бундай солиштириб кўрганда предметларнинг бирон-бир белгисига (ҳажмига, оғирлигига ва ҳ. к.) қараб объектив фарқини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда миқдор катталикларнинг муносабатлари сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга у миқдор — турли катталикларда мажуд бўлган, мутаносибликларнинг ниҳоясиз қаторида сақланадиган объектив — умумийдир. Миқдор билан сифат предметнинг муайян меъёри ичидаги диалектик бирликни ташкил этиб, доим бир-бирига ўтиб туради. Предметнинг миқдор ва сифат муайянликларининг бу диалектик ўзаро муносабатини *миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва аксинча, сифат ўзгаришларининг миқдор ўзгаришларига ўтиши қонуни очиб беради.*

**СКЕПТИЦИЗМ** (грек. skeptikos — разм солиб қаровчи, танқид қилувчи) — фалсафий маънода *объектив ҳақиқатга* эришиш мумкинлигига шубҳа билдирувчи назария. С. антик философиядәёқ пайдо бўлган эди, қадимги грек мутафаккирларидан Пиррон, Тимон, Энисидем ва б. унинг вакиллари эдилар; Секст Эмпирик уни системалаштирган эди. Ўрта аср Шарқида идеализм вакиллари С. мутакаллимлар ва Фазолий таълимотларига хосдир. 16—18-асрлардаги француз философлари Монтењ, Шарон, Бейл айтган С. идеялари янги замонда ўрта аср *схоластикасига* қарши курашда катта роль ўйнади. Иккинчи томондан, Юм, Кант философиясида С. шундай формага кирадики, унинг охир-оқибати *агностицизмiga* бориб тақалади. С. турли назарий асосларга таянади. Бундай назарий асослар ё ҳиссий билимнинг мустаҳкамлигига шубҳа билан қарашдан иборат бўлиши мумкин (антик С. бошлича шунга асосланарди, бу эса Энесидемнинг 10 троп деб аталувчи истиорасида, яъни сезги органларининг кўрсатишларининг ҳақиқатлигига қарши ишонарли билим бермайди деган тезиснда ҳам буни кўриш мумкин), ёки умуман инсон билимларининг нисбийлиги (номукаммаллиги, ўзгарувчалиги фактини ошириб юборишдан иборат бўлиши мумкин. Бу кейинги ҳолда С. ақл сотишдан иборат фалсафий назарияларнинг догматизмига реакция сифатида майдонга чиқади, бу нарса, мас., Юм, Кант, позиттивистлар (Конт, Спенсер) философиясида кўринди, аммо улар ҳақи-

қатға эришишнинг чин йўлларини кўрсатиб беролмадилар. С. тадқиқотнинг бир қадар бошланиш моменти сифатида ҳақ бўлиб, оламга, ўрганилаётган ҳодисага беғарал қарашга, эскирган фикрларни ва ақидаларни ташлашга ёрдам бермоқда. Лекин билиш назарияси асосида ётган умум методологик принцип сифатида С. номақбулдир, чунки у объектив ҳақиқатни, яъни нарсаларни бизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган ҳолида билишни инкор этишга олиб боради. Оддий маънода С. ишонмаслик кайфиятини, руҳий ҳолатини, бирон нарсага шубҳаланиб, қатъий фикрлар айгишдан сақланишини билдиради.

**СОЛИПСИЗМ** (лат. *solus* — ягона, *ipse* — мен, ўзим) — ўтакетган субъектив идеалистик назария бўлиб, бу назарияга кўра воқе-лиқда фақат муайян субъект, Мен, мавжуддир, оламнинг қолган ҳаммаси фақат менинг индивидуал онгим фаолиятининг маҳсулидир, холос. Бундай нуқтаи назарининг бемаънилиги равшан кўрининг турибди, чунки бутун оламни ўз кечинмаларининг натижаси деб хаёл қилиш мумкин, албатта, аммо бошқа бирон кишини, мен сени идрок қилганим учунгина сен яшаб турибсан, деган гапга қандай қилиб ишонтириш мумкин? С. га мойиллик субъектив идеализм философияси (Беркли, Фихте, Мах ва б.) учун характеридир, тўғри, унинг тарафдорлари изчил равиша солипсистик хуносалар чиқаришдан ўзларини олиб қочишига уринмоқдалар. Ленин субъектив идеализмни назарда тутиб ёзган эдики: «Бу философиянинг бемаънилиги шундаки, у солипсизмга, ёлғиз фалсафа сотувчи индивид мавжуддир, деб эътироф қилишга олиб келади». Шундай қилиб, С. да, худди фокусдагидек, идеалистик философиянинг фанга хилоф характеристи намоён бўлмоқда.

**СОСЛОВИЕЛАР** (сословия) — тоифалар, табақалар — иқтисодий ва ҳуқукий мавқенга кўра бир-бираидан фарқ қилувчи кишиларнинг группалари. С. қулдорлик ва феодал жамият учун типик ҳол эди. Бу жамиятлarda синфий айрималар давлат ҳокимиятия ёрдами билан аҳолининг сословиеларга бўлинишида мустаҳкамлаб қўйилган эди. Ҳар бир сословиега қонун давлатда алоҳида ўрин белгилаб қўярди, бирор хилдаги ҳуқуқлар берар ва бирор хилдаги мажбуриятларни юкларди. Юқори сословиега (феодализм даврида руҳонийларга ва дворянларга) мансуб кишилар туғилгандан бошлаб ҳар хил имтиёзлар олардилар: солиқларни тўлашдан қисман ёки бутунлай озод қилинадилар, ерга эгалик қилишга имтиёзли ҳуқуқлар олган эдилар, алоҳида суд томонидан суд қилинадилар, тан жазосига тортилмас эдилар ва ҳ. к. Қўйи сословие (савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлар ҳамда феодализм бағрида туғила бошлиган пролетариат ва саноат буржуазияси) имтиёзи йўқ сословие деб ҳисобланади, унга солиқларни тўлаш мажбурияти юкланади, баъзи мамлакатларда унинг аъзолари тан жазосига тортилади,

унга «олижаноб» деб аталган фаолиятга йўл қўйилмас эди, у сиёсий ҳаётга қатнашишга йўлатилмас эди. Жамиятнинг сословиеларга бўлинниши капиталистик ишлабчиқариш усулининг ривожланишига тўсиқ эди, шунинг учун ҳам буржуазия, қонуп олдида барча тенг, деган шиор остида унга қарши кураш олиб борди. Бироқ ҳозирги замон империалистик буржуазиясининг идеологлари иерархик социал структура, жамиятнинг С. га бўлинниши (элита назарияси, фашизм идеологияси) идеяларини янги формада амалда қайтадан бунёдга келтиришга уринмоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда сословие айирмачиликларини социалистик революция супуриб ташлади.

**СОФИСТИКА** (грек. *sophistēs* — доинишманд, уста) — расман тўғри, лекин мазмунан нотўғри далиллар, асосларни мунозарада, исботда онгли равишда ишлатиш; манфаат ёки шуҳрат ортириш мақсадида қуруқ сафсата сотиш. Аслда бу термин «софист» сўзидан келиб чиқкан. Қадимги Грецияда эрамиздан бурунгі 5-асрдан бошлиб философия («ҳикмат») ва нотиқлик санъати муаллимлари шундай деб аталган. Аввалда улар маърифатчилик ролини бажариб, билим тарқатиш билан шуғулланганлар. Қадимги Греция тафаккури мунозарада, исботда баъзи мантиқий усувларни ишлаб чиқсан мазкур муалимларга қисман бўлса-да миннатдор бўлиши керак. Бироқ орадан кўп ўтмай, уларнинг фаолияти нуқул усти ялтироқ сухан-бозлик ва сафсатабозлик «санъатини ўргатишдан иборат бўлиб қолди. «С.» терминининг салбий мазмуни ҳам ана шундан келиб чиқди. С. да ҳар қандай сўз найранглари ва мантиқий хатолар: тушунчаларни соҳталаштириш, кўп маъноли сўзлардан фойдаланиш, формани деб мазмундан кечиш, одамни янгиштириш учун ҳар хил сўз найрангларини ишлатиш, қорани оқ, оқни қора қилиб кўрсатиш каби лўттибозликлар ишлатилиди. С. ҳамиша энг реакцион сиёсий кучларнинг куроли бўлиб келди.

**СОЦИАЛ ГРУППА** — кишиларнинг муайян бир фаолиятда умумлашиб иштирок этишларига, уларнинг мақсадлари, манфаатлари, машфулотлари ва шу кабиларининг умумийлигига асосланган бирлашуви. Марксистик социология шунга асосланадики, кишиларнинг жамиятдаги мавқенини белгиловчи асосий белги — уларнинг ишлабчиқариш воситаларига муносабатидир. Ана шу белгига қараб кишиларнинг синфлар каби социал группаларга бўлинниши пайдо бўлади ва бу синфлар жамият ҳаётида ғоят катта роль ўйнайди (*Синфлар ва синфий кураш*). Бироқ ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган синфий бўлинниш бирдан-бир омил эмасдир. Кишилар энг хилма-хил шароитларда яшаб, ҳаракат қиласидилар, улар ўртасида кўлдан-кўп ва хилма-хил муносабатлар ва алоқалар ҳосил бўлади. Бу алоқалар ҳам ишлабчиқариш соҳасида, ҳам ишлабчиқариш соҳасидан ташқарида кўпгина турли социал группаларнинг мавжудлигига ифодаланади. С. г. кишиларнинг катта-катта кўпчи-

ликларини (мас., синф, партия) бирлаштириши ёки нисбатан кичикроқ группадан (мас., корхона колективидан) иборат бўлиши мумкин; ҳозирги замон социологиясида ва социал психологиясида кичик группалар деб аталуши (ишлабчиқариш бригадаси, ўқиш группаси типидаги) группаларни ўрганиш методикаси алоҳида ишлаб чиқилгаи. Кишиларнинг доимий, барқарор бирлашмалари бор (оила, синф) ва узоқ вақт давом этмайдиган ёки тасодифий характеристега эга бўлган бирлашмалар ҳам бор (кенгаш, мажлис, театр томошабинлари ва шу кабилар). Баъзи группалар уларнинг ҳамма аъзоларининг бевосита, шахсий алоқалари асосида қурилган (мас., оила, ишлабчиқариш бригадаси), бошқа группаларда эса группа аъзолари ўртасида бундай алоқа йўқдир (сиёсий партия, касаба союз ва ҳоказо). Аъзолари ўртасидаги муносабтларни тегишли социал ташкилот структураси белгилаб берадиган группа формал группа деб аталади. Бунга қарама-қарши ўлароқ, ноформал группанинг структураси ташкилот структураси билан бевосита боғлиқ эмасdir; шу сабабли айни бир коллективда формал ва ноформал группанинг бир вақтда тўғри келмаслиги мумкин. Баъзан тадқиқот мақсадида реал суратда бир-бiri билан боғли бўлмаган кишиларни (маълумотига, даромад даражасига, ёшига ва бошқа белгиларига қараб) группаларга бирлаштиришга тўғри келади. Ҳозирги замон буржуза социологиясида социал группа тушунчасидан кўпинча жамиятнинг синфларга бўлинганлигини хаспўшлаш учун, синфларни одамларнинг турли хилдаги иккинчи даражали, номуҳим тўдларига қоришириб юбориш учун фойдаланадилар.

**СОЦИАЛ ДАРВИНИЗМ** — 19-асрнинг охиirlари — 20-асрнинг босларида буржуза социологиясида юз берган йўналиш бўлиб, унинг вакиллари биологик қонунларни, жумладан Дарвин кашф этган табиий сараланиш ва яшаш учун кураш қонунини маълум даражада жамиятга кўчирадилар. С. д. тарафдорлари (Чемберлен, Аммон, Ратченгофер ва б.) гарчи турли назарияларни илгари сурсалар-да, ижтимоий ҳодисаларни инсоннинг биологик табиатига асосланниб изоҳлашга интилиш уларни бирлаштиради. Одамлар ўзларининг ривожланишлари учун бир хилдаги зарур шарт-шароитда туғилмайдилар, дейишади социал-дарвенистлар. Улар шу факта асосланниб, яшаш учун кураш жараёнида кучлироқ, биологик жиҳатдан бардамроқ индивидуумлар енгигиб чиқади, деган хуросага келадилар. Уларнинг фикрича, жамиятда турлича мавқени эгалловчи социал группалар ва синфлар ана шу тариқа пайдо бўлар эмиш. Улар ўртасидаги чегаралар қатъий қилиб белгилаб қўйилган эмиш. Бу чегараларнинг, мас., юқори синф аъзоларининг қуий синф аъзолари билан никоҳ қилиниши натижасида бузилиши, С. д. тарафдорларининг баъзилари нуқтан назарича, биологик даражанинг пасайишига ва юқори синфларнинг айнишига олиб келар эмиш (С. д. нинг баъ-

зи тарафдорларининг фикрича эса, одамзоднинг «айниши» фан ва техника тараққиётининг натижаси эмиш, чунки у яшаш учун курашни сусайтирап эмиш). Улар турли синфлар ва группалар манфаатлари ўртасидаги конфликтни жамиятнинг табий ҳолати, деб ҳисоблайдилар, чунки бу манфаатлар пировард ҳисобда кишиларнинг биологик эҳтиёжлари шарт-шароитидан келиб чиқар эмиш. Бу хилдаги қарапшлар амалда капиталистик жамиятнинг синфий структурасини абадийлаштиришга, капиталистик конкуренцияни сақлаб қолишга интилиши билдиради.

**СОЦИАЛ ИНСТИТУТЛАР** (лат. *socialis* — ижтимоий ва *institutum* — уюшма, тартибот) — ижтимоий ҳаётни уюштириш ва тартибга солишининг тарихий формалари. С. и. ёрдами билан кишилар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг фаолияти ва жамиятдаги хатти-ҳаракати тартибга солинади. Ижтимоий муносабатларнинг қандай соҳалари пи тартибга солишларига қараб, С. и. иқтисодий, сиёсий, идеологик институтлар бўлади. Иқтисодий институтлар (тартиботлар) орасида *меҳнат тақсимоти, мулк*, иш ҳаки ва ҳ. к. етакчи ўринни эгаллайди. Энг муҳим сиёсий институтлар (тартиботлар) — давлат, армия, суд, партия ва шу кабилардир. Идеологик институтлар (тартиботлар) сираасига матбуот, телевидение ва шу кабилар киради. С. и. нинг характерини моддий ноз-неъматлар ишлабчиқариш усули, синфлар ўртасидаги муносабатлар белгилайди. Душман синфларга бўлинган жамиятда С. и. ҳукмрон синфининг манфаатларини, унинг иродасини ифодалайди. Бунда улар инсонни муайян фаолиятга мажбур этадиган, унга душман бўлган мустақил ташқи куч сифатида майдонга чиқади. Ҳозирги замон монополистик капитализм учун сиёсий институтларни (уюшмаларни) бироркратлаштириш, уларни иерархик принципида мувофиқ тузилган мураккаб, бесўнақай системаларга айлантириш характерлидир. Бунда халқ оммасини актив сиёсий фаолиятидан четлаштириш мақсад қилиб қўйилади. Империализм даврида С. и. нинг ривожланишидаги алоҳида хусусиятлардан бири — сиёсий ва иқтисодий институтларнинг (тартиботларнинг) бир-бiriга киришидан, давлатнинг иқтисодиётга аралашувишининг кучайишидан, шунингдек идеологик ва сиёсий институтларнинг (уюшмаларнинг) маҳкам алоқадорлигидан иборат. Социализм шароитида кишилар онгли фаолиятининг роли ошади, кенг халқ оммаси жамият ишларини бошқарнишга жалб этилади, инсон кичкина бир ёинта бўлишдан, шахксиз ироданинг итоатгўй ижрочиси бўлишдан холос бўлади.

**СОЦИАЛ МОБИЛЛИК** (лат. *mobilis* — ҳаракатчан, ўзгарувчан) — бир социал табақадаги (синф, группадаги) кишиларнинг босиқ табақага ўтиши ёки айни бир социал табақа доирасида машғулотларини алмаштириши (вертикаль ва горизонтал мобиллик деб атадиган мобиллик). С. м. бир авлод учун ҳам, иккى, уч авлод учун

ҳам (ота-оналар, болалар ва ҳ. к.) ўрганилади. С. м. бирон дара жада ҳар қандай жамиятга хосдир; бироқ унинг учун энг кўп имкониятларни социализм яратиб беради, чунки унда синфларнинг антагонистик қарама-қаршилиги, машгулотларнинг синфиий бўлининши ўйқ қилинган, унда ҳамма маориф-таълимдан баҳраманд қилинмоқда, унда инсоннинг жамиятдаги мавқеи бойлик ва насл-наасаб билан эмас, балки меҳнат билан белгиланади. Мамлакатни индустриялаштириш ва илмий-техника революцияси шароитида С. м. каттакон миқёсларни эгаллайди, чунки бундай шароитда деҳқонлар ишчиларга айланади, ишчилар касбларини ўзгартирадилар, деҳқонлар ва ишчилар хизматчи, зиёли табақаларига ўтадилар ва ҳ. к. Буржуа социологиясида С. м. тушунчasi социал стратификация ҳақидаги таълимот билан маҳкам боғлангандир (*Социал стратификация*). Буржуа социологияси, ҳозирги замон капитализми кишиларнинг қўйи табақалардан юқори табақаларга кўтариш учун тўсиқларни бартараф қиласди, деб исбот қилишга уринмоқда. Чуңсичи, гўё ишчилар, хизматчилар ва бошқарувчиларнинг юқори табақаларга бемалол ўтишлари ва ҳатто миллионерлар бўлиб қолишлари мумкин эмиш. Ривожланган капиталистик мамлакатлarda ҳақиқатан хизматчилар ва зиёлилар табақаси нисбатан ўсмоқда, айрим ишчилар эса капиталистлар синфига ўтишга мусассар бўлмоқдалар. Буржуа социологлари бу фактлардан фойдаланиб, уларни бўрттириб-кўпиртириб кўрсатмоқдалар. Бироқ улар шу нарсани эътиборга олмайдиларки, капиталистик жамиятда хизматчиларнинг ва зиёлиларнинг анчагина қисми турмуш даражаси ва меҳнат шароити жиҳатидан ишчиларга яқинлашиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳозирги замон капитализми учун тескари тенденция — турли синфлар ва группаларнинг мавқеини мустаҳкамлаб қўйиш характерлидир. Ишлабчикаришини механизациялаш ва автоматлаштиришнинг ўсаётганлиги маорифнинг аҳамиятини оширмоқда; бироқ капитализм шароитида (гарчи илмий-техника тараққиётининг талаблари муносабати билан, меҳнаткашларнинг кураши таъсири остида унда маорифни демократлаштириш учун оз-моз чоралар кўрилаётган бўлса-да) маориф кўп даражада ҳукмрон синфларнинг имтиёзи бўлиб қолмоқда.

**СОЦИАЛ ПРОГРЕСС** (лат. *progressus* — олға ҳаракат) жамиятнинг қўйи босқичлардан юқори босқичларга қараб ривожланиб бориши. Кўп буржуа философлари ва социологлари жамиятда прогресс (тараққиёт) бўлишини инкор этадилар. Улардан бир хиллари ижтимоий ўзгаришларнинг бирор томонга йўналишини инкор этадилар, иккинчи хиллари жамиятнинг айлана ҳаракати ҳақида гапирадилар, учинчи хиллари жамиятнинг орқага тисарилиб ҳаракат қилиши (ретресси) ҳақида сўзлайдилар. Албатта, инсониятнинг тараққиёт йўли жуда мураккаб, иланг-билангдир. Тарихий процесс-

ни ҳеч ким олдиндан белгилаб қўймаган. У кўпдан-кўп имконият ларни, әхтимолликларни ўз ичига олади, турли тенденцияларнинг қарама-қарши кураши билан характерланади. Жамият тараққиётида реакцион кучлар енгган ва эски тартибларга қайтиш юз берган чоқларда айланма ҳаракат ҳоллари ва регресс (кейинга тисарилиш) даврлари ҳам бўлган. Бироқ, агар тарихнинг айрим бўлакларини эмас, балки йирикроқ даврларни, каттароқ тарихий эпохаларни олиб ҳаракалдиган бўлса, унда тараққиёт умумий тенденциясини—прогресс йўлидан ҳаракат қилиб борилаётганлигини ажратиб қўрсатиш мумкин. Бу ҳол ижтимоий-иқтисодий формацияларпинг алмашинувида ифодаланади, бу алмашинув асосида ишлабчиқарувчи кучлар билан ишлабчиқариш муносабатларининг ўзаро таъсири, илтор ижтимоий кучларнинг умри туғаган ишлабчиқариш усуслини ҳимоя қилувчи синфларга қарши кураши ётади. Хўш, жамиятнинг илгарила бораётганлиги тўғрисида фикр юргизишга асос бўладиган белги, бошқача қилиб айтгаида, прогресс критерияси нимадан иборат? Барча даврларнинг мутафакирлари ана шу проблема устида муҳокама юргизиб келдилар. Бу хусусда жуда хилма-хил критериялар илгари сурилди ва сурилмоқда: ахлоқ-одобни яхшилаш, динни ривожлантириш, эркинликни англашнинг ўсиб бораётганлиги, социал организмнинг муракаблаштаётганлиги, техника тараққиёти ва ҳ.к. Бу критерияларнинг камчилиги шундаки, улар жамият ҳаётининг айрим томонларини, бунинг устига тағин кўпинча иккинчи даражали томонларини юлиб-юлқиб олади. Ваҳоланки, ижтимоий тараққиётни яхлит ҳолида олиб баҳолашга имкон берадиган критерия муҳимдир. *Инсоннинг* (халқ оммасининг) яшаши иқтисодий ва социал-сиёслӣ шароитларининг яхшиланиш даражасини шундай критерия деб ҳисоблаш мумкин. Кишилар ҳаётининг ҳал қилувчи соҳаси моддий ишлабчиқариш бўлганлигидан, бу критерия аввало ишлабчиқарувчи кучлар тараққиёти даражасини (инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги даражасини), кишиларни социал тенгсизликдан, эксплуатациядан озод қилиш даражасини ўз ичига олади. Бунда жамият омманинг маънавий тараққиётини қай даражада таъминлаётганлигини, яъни билимлар билан бойиттаётганлигини, кишиларнинг ижоди қобилиятларини ривожлантира ва татбиқ этаётганлигини ҳам назарда тутмоқ керак. Агар шу факторларнинг ҳаммаси ҳисобга олинса, у вақтда, ҳозирги даврда фақат социализм жамиятнинг ҳаромонлама ривожланиши учун шарт-шароит туғдиromoқда, деб хуроса чиқариш мумкин. Капитализм шароитида прогресс (тараққиёт) антагонистик, хотекис характерга эга бўлиб, социал ҳаётининг бир хил томонлари иккинчи хил томонлари ҳисобига ривожланади. Чунончи, унда ишлабчиқаришнинг, техниканинг, фаннинг ўсиши асосан кишиларнинг нисбатан озгина группалари манфаатлари йўлида амалга оширилмоқда, миллион-миллион кишилар эса азоб-уқубатга

дучор қилинмоқда. Социализмнинг мақсади — жамиятнинг барча группаларини, ҳамма аъзоларини, айрим равишда ҳар бир кишини баҳт-саодатга эринтириштирди.

**СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯ** (ижтимоий психология) — бир социал группага, жамоатга, колективга (миллатга, синфга, касбга, ва ш. к.) мансуб кишиларнинг психик хусусиятларини ўрганувчи фан. «С.п.» термини кишилар психикасининг муайян социал группа эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ана шу хусусиятларининг ўзини: социал ҳис-туйғуларини, қайфиятларини, урф-одатларини ва ҳ. к. хусусиятларини ҳам билдиради. Психик тузилишнинг умумийлиги кишиларда Уларнинг яшаш шароитлари таъсири остида вужудга келади. Чунончи, капиталистик жамиятда пролетариатнинг мазлумлик аҳволи унинг психик қиёфасига (хатти-ҳаракати, ҳис-туйғулари, дидлари, берадиган баҳолари ва шу кабилаларда) ҳам ўз таъсирини зди, унинг онгига колективизм, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳиссини жо қиласди. Социал ҳис-туйғуларга маънавий, ахлоқий ҳис-туйғулар ва кечинмалар, тегишли сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган миллий ва синфий ҳис-туйғулар киради ва ҳ. к. *Идеологиядан* фарқли ўлароқ, социал ҳис-туйғулар, урф-одатлар кўпинча стихияли равишида, онгиз равишида шаклланади. Тарихан С. п. тараққиётнинг идеологияга қараганда илгарироқ босқичларида пайдо бўлган. Энгельсининг ғўзлари билан айтганда, аввалги вақтларда эзилган омма умумий азоб-уқубатларни факат ҳис қилиш билан бир-бирига боғлиқ бўлган. Синфий кураш жараёнида идеологик моментларнинг роли ошиб боради. Синфининг интилишларини, манфаатларини, эҳтиёжларини системалаштирилган, назарий форма мада ифодаловчи идеология синфининг ижтимоий психологиясига таъсири кўрсатиб, уни ўзгаририади. Социализм шароитида кишиларнинг психик қиёфасига фақат улар ҳаётининг моддий шароитларигина эмас, балки марксизм-ленинизм идеологияси ҳам таъсири кўрсатади. Бу идеология эски жамиятдан мерос бўлиб қолган эски урф-одатлар, хулқ-одблар, феъл-авторлар, ҳис-туйғулар, билъат-хурофтларга қарши курашда муҳим фактордан иборатдир. Фаннинг бир тармоғи бўлган С. п. социалистик жамият кишиларига таъсири кўрсатиб, уларда янги ҳис-туйғулар, одатларни шакллантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишини одат қилдириш, кишиларнинг қобилиятини ривожлантириш, уларнинг ижодий ташаббускорлигини кучайтириш масалалари билан шуғулланади. С. п. нинг муҳим проблемаси — коллективда кишиларнинг ўзаро муносабатидир. Бунга психологик алоқа, тақлид, биргалашиб кечириладиган руҳий ҳолат, уқдириши ва ш. к. масалалар киради. Усиг бораётган авлодга тарбия ва таълим бериш процессларини тадқиқ қилишида С. п. нинг роли foят катта, чунки бу роль ўқувчиларнинг ҳар хил социал ҳолатдаги ва ёшдаги группаларининг психик хусу-

сиятларини ойдинлаштиришга имкон беради; шунингдек С. п. жиноятчиликнинг психологик сабабларини ўрганишда ҳамда кишиларни қайтадан тарбиялаш йўллари ва методларини ишлаб чиқиша катта роль ўйнайди.

**СОЦИАЛ РЕВОЛЮЦИЯ** (лат. *revolutio* — инқилоб) — бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг иккичи, юқориоқ формация билан алмашинви, эски, умри тугаган тузумни тубдан синдириб ташлаш ва янги, прогрессивроқ социал тартибларни ўрнатиш, жамиятнинг ўз тараққиётининг бир босқичидан иккинчи босқичига сакраб ўтиши• С. р. нинг зарур шарти ижтимоий муносабатлар кризисдан иборат бўлиб, бу кризиснинг асоси шундаки, бориб-бориб иқтисодий структурада кескин номувофиқлик юзага келади: *ишлабчиқариш муносабатлари ишлабчиқарувчи кучларнинг янада прогрессив ривожланиши ўйлида* гов бўлиб қолади. Бироқ бу шартшароит С. р. нинг амалга оширилиши учун кифоя қилмайди. Эҳтимолки, муайян тузум ўз умрини тамомлаган бўлиб, жамият доимий кризис ҳолатини кечираётгандир, янги тартибларни ўрнатадиган кучлар эса йўқ ёки улар ҳали заифдир. *Мас, қулдорлик тузумининг* бузилиши даврида шундай аҳвол юз берган эди. Қадимги Римда эскирган қулдорлик муносабатлари ўринда феодал муносабатлар бевосита антик дунё ҳалқ оммасининг қулдорлик давлатига қарши кўтарган қўзғолони натижасида ўрнатилмаган эди: қулларнинг қулдорлар билан кураши уларнинг умумий ҳалокатига олиб борган эди; феодал ишлабчиқариш усули Римни «варварлар» забт этиб, қулдорлик тузумини вайрон қилиб ташлаши билан ва бу тузум бағрида янги ижтимоий синфлар (ирик ер эгалари ва қарам деҳқонлар), эксплуатациянинг янги, «мукаммалроқ» тарихий формалари аста-секин пайдо бўлиши билан бошланди. Антифеодал (буржуза) ва антикапиталистик (пролетар социалистик) революцияларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу революциялар антагонистик синфларнинг тўғридан-тўғри, очиқдан-очиқ тўқнашуви формасида ўтади. Шу билан бирга *социалистик революция* меҳнаткашлар революцион курашининг энг ривож топган формасидир. Агар буржуза революциясида омма эски давлат биносини емирувчи тараан ролинигина бажариб, сўнгра зулмнинг янги исканжаларига тушиб қолса, социалистик революция шароитида омма янги ҳаёт формаларнинг онгли ижодкорлари бўлиб майдонга чиқади ва бу янги формалар унга ҳар қандай эксплуатациядан қутлиниши олиб келади. Буржуза ва пролетар революциясининг марказий масаласи давлат ҳокимияти тўғрисидаги, бу ҳокимиятнинг янги синф томонидан забт этилиши тўғрисидаги масаладаи иборатдир. Ҳокимиятни қўлга олган синф сўнгра ундан жамиятни қайта қуриш ва янада ривожлантириш учун фойдаланади. «Давлат ҳокимиятининг бир синф қўлидан иккинчи синф қўлига ўтиши ҳам жиддий-илмий, ҳам

амалий сиёсий матьнодаги революция тушунчасининг биринчи, бош, асосий белгисидир» (Ленин). Сиёсий ҳокимият учун курашда турли синфлар, социал группалар ва уларнинг манфаатларини ҳимся қилувчи сиёсий кучлар, партияларнинг бу тўқнашуви — тор, асл майдаги революция бўлиб, бу революция марксистик ижтимоий фанда сиёсий революция деб аталади. Сиёсий революция заказ билан қилинмайди, балки жамиятнинг қонуниятли тараққиёти натижаси бўлиб юзага чиқади. Умумий қоидага кўра, революцион вазият етилмаса, революциянинг бўлиши мумкин эмас; революцион вазият шу чоқда етиладики, «пастки» табақалар эскича яшашни истамай қолади, ҳукмрон синфлар, яъни «юқори» табақалар эскича идора қилолмайди, меҳнаткашлар оммасининг социал-сиёсий активлиги анча ошган бўлади. Революцион вазиятнинг етилиб революцияга ўтиши кўп жиҳатдан субъектив факторга bogлиқdir, яъни сиёсий партияларнинг (ёки партияянинг) ўз синфини актив, уюшқоқ, оммавий революцион ҳаракатларга лаёқатли қила олишига bogliқdir. Революция бошланиб кетгач, жамиятни қай даражада чукур қайта қуриш, янги ижтимоий тартиб формалари ва уни ўрнатиш муддати аввало жамиятнинг энг радикал, революцион қатламлари бу процессга қанчалик кучли из қолдиришига bogliқ. Революцияларнинг тарихий зарурлигининг сабаби фақат ҳукмрон синфи башқача йўл билан ағдариб социал-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий тузилмани башқача йўл билан ўзгартиб бўлмаслигига эмасдир, буининг сабаби яна шундаки, илгари эзилиб, бўғилиб келган синф фақат революция ўтидагина ўзини эски жамият ифлосларидан тозалай олади, ўз психологиясини ўзгартиб, янги ҳаёт формаларини яратишга лаёқатли бўла олади. Сиёсий революцияларнинг типлари гоятда хилма-хил бўлиб, улар кўп жиҳатдан ўз ҳаракатлантирувчи кучларнинг характерига, миллий шароитларга, халқаро вазиятга ва ш. к. bogliқdir. Социалистик революциялар — сиёсий революцияларнинг тарихан сўнгги типидир. «... Ҳақиқат ҳол шундай бир тарзда бўлиб, синфлар ва синфи антагонизм қолмагач, социал эволюциялар сиёсий революциялар бўлмай қолади» (Маркс).

**СОЦИАЛ ТЕНГЛИК** (равенство социальное) — кишиларнинг ишлабчиқариш қуроллари ва воситаларига бир хилдаги муносабати ва шу асосда жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий соҳаларида пайдо бўладиган тенг ҳуқуқлилик. Социал тенгисизлик муносабати меҳнат тақсимоти ҳамда жамиятнинг синфий табақаланиши билан бирга вужудга келади. Бироқ С. т. идеали социал муносабатларнинг ривожланиши билан бирга тубдан ўзгарди. Чунончи, қулдорлик жамиятида бу тушунча фақат озод кишиларга нисбатан (гарчанд тенгисизлик улар ўртасида ҳам пайдо

бұлған бұлса-да) татбиқ этиларди. Ҳатто қул билан озод кишининг тенглиги түғрисида масала қўйиш ҳам мумкин эмас эди, чунки қул фақат меҳнат қуроли ҳисобланарди. Қулдорлик тузуми ўринига келган фсадализм за унинг сословиеларга бўлинган тузуми (*сословия*) тенгсизликни яна кўпроқ кучайтирди. Барча кишиларнинг С. т. и ғояси буржуа революцияларига тайёрлик даврида турилди. Бу ғоя, Маркс таъбири билан айтганда, «халқ эътиқодидек мустаҳкамликка» эга бўлади, бу эса «товар формаси умумий меҳнат маҳсулоти формаси бўлган ва, демак, кишиларнинг товар эгалари сифатида бир-бираига муносабати ҳукмрон ижтимоий муносабат бўлган жамиятдагина мумкиндири». Товар хўжалигининг ривожланиши товар эгаларнинг тенглигини талаб қиласи, чунки шундай бўлмаса, нормал товар айришаш бузилади, бинобарин, товар хўжалигининг ривожланиши муносабати билан айрим сословиеларнинг афзаллигини ва имтиёзларини йўқ қилиш талаби майдонга келди. Буржуа революцияларининг ғалабаси натижасида гражданларнинг қонун олдида расмий тенглиги барқарор қилинади. Капитализм шароитида бундан ортиғига эришиб бўлмайди, чунки унда мулкий тенгсизлик ҳам, социал-сиёсий ҳуқуқда хотепглик ҳам, эксплуатация ҳам сақланиб қолади. Бунинг устинга тағин кўпича расман эълон қилинган эркинликларга тенг сайлов ҳуқуқи, миллӣ ва диний тенглик ва ҳ.к.) тегиши моддий шарт-шароитлар билан таъминланмаганлиги сабабли риоя қилинмайди, баъзан эса улар умуман тугатилади (мас., *фашизм* вақтида). Буржуа жамиятида синфларни йўқ қилиш талаби сифатида С. т. нинг пролетарча тушунчаси ривожланади. Социализмнинг гатабаси, антагонистик синфларнинг йўқ қилиниши, социалистик демократиянинг ривожланиши С. т. ка эришиш йўлида қўйилган улкан қадамдир. Лекин социализм даврида тенгсизлик ҳали сақланиб қолади, чунки у меҳнатнинг сони ва сифатига қараб ҳақ тўлаш билан, шаҳар билан қишилоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут билан боғлиқ бўлади. Фақат коммунизм давридагина, барча синфи ва социал тафовутлар тугатилган, моддий ва маънавий неъматлар эҳтиёжга қараб тақсимланадиган бўлгандагина, тўла С. т. ка эришиш мумкин. Бундан нарига ўтадиган тенглик түғрисидаги талаблар бемаъни ва хаёлӣ талаблардир. Коммунизм ҳеч бир ҳолда кишиларни қандайдир бир қолипда текис қилиб қўйишини (*казарма коммунизми*) билдирамайди. Аксинча, фақат коммунистик жамиятда ҳар бир киши ҳар томонлама ривожланиш учун кеңим имкониятга эга бўлади, бу эса инсоний индивидуалликларнинг, қобилиятларнинг, талантларнинг мисли курилмаган гуллаб-яшишига олиб келади.

**СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ** (лат. stratum — тушама, қатлам, facere — қилмоқ) социология тушунчаси бўлиб, бу тушунча умуман

жамиятнинг, алрим социал группаларнинг структурасини, уларнинг энг турли-туман белгиларига: даромади, малакаси, маълумоти ва ҳ. к. даражасига қараб одатда иерархия (искори ва қўйи) тарэда жойлашган социал қатламларга бўлиннишини характерлайди. Кишиларни турли стратификацияни белгиларга қараб бирлаштиришдан конкрет социологик тадқиқотларда кенг фойдаланилмоқда. Буржуа социологлари «С. с.» тушунчасини кишилар гуруқларининг ҳар қандай номухим критерииларини биринчи ўринга суриб, жамиятнинг синфларга бўлинниши кишиларнинг ишлабчиқариш воситаларига муносабатига боғлиқ ҳолда содир бўлишини хаспўшлаш учун тат-биқ қўлмоқдалар. Улар объектив синфий тафовутларни пардалаш учун социал мобиллик принципига ҳам ёпишмоқдалар; бу принципга кўра кишиларнинг бир социал тузумдан иккинчисига доимий кўчиб туриши юз беради. Уларниш фикрича, капиталистик жамиятнинг бойлиги ўсиб бориши билан аҳолининг аста-секин юкорироқ табақаларга, яъни даромади ва бошқа белгилари жиҳатидан буржуазияга яқинроқ табақаларга кўчиши воқе бўлади. Кишиларнинг социал зинапоядан юкорига қараб силжишга интилишини улар ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблайдилар ва уни капитализм зиддиятларини ҳал қилиш воситаси деб қарайдилар. Демак, С. с. нинг буржуа назарияси буржуа жамиятнинг синфий структурасини сохталаштиради, синфий курашнинг ва социал революциянинг зарурлигини инкор этади. Шунинг учун ҳам бу назарияни оппортунистлар ва реформистлар ўзларига қурол қилиб олганлар. Фақат марксистик социология буржуа жамиятнинг ҳақиқий структурасини ва унинг ривожланиш қонуниятларини очиб бермоқда.

**СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМ** (лат. *socialis* — ижтимоий, ўртоқлик, *соҳипніс* — умумий, муштарақ) — ягона коммунистик ижтимоий-иқтисодий формациянинг қўйи ва юкори фазалари. Бу формациянинг асоси — ишлабчиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигидир. Кишилар ўртасида ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари ўрнатилади. Эксплуатациядан озод меҳнат жамият учун, демак, ўзи учун ҳам қилинадиган меҳнатга айланади. Стихиали, нотекис тараққиёт ўрнини тартиба солиниб, йўллаб туриладиган тараққиёт эгаллайди. Кишилар объектив қонунларга таянган ҳолда бу қонунлардан жамият манфаатлари йўлида онгли равнишда фойдаланадилар. С. ва к. нинг умумий белгилари ана шулардан иборат. Шу билан бирга улар ўртасида тафовутлар ҳам бўлиб, бу тафовутлар коммунизм қурилиши процессида бартараф қилинади. Бу тафовутларнинг илдизи жамиятнинг иқтисодий етуклигига бўлиб, уларни пировард ҳисобда ишлабчиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси белгилайди. «...Социализм шундай жамиятки, у бевосита капитализмдан ўсиб чиқади, у янги жамиятнинг

биринчи күринишидир. Коммунизм эса жамиятнинг юқорироқ күриши бўлиб, у социализм батамом мустаҳкамлангандан кейингина ривожланиб кетиши мумкин» (Ленин) Социализм даврида экопомиканинг барча тармоқларида ишлабчиқариш воситаларининг умумхалқ мулклиги ҳали таркиб топмаган бўлади. Бунда ижтимоий мулий иккӣ формада давлат (умумхалқ) формасида ва колхоз-кооператив формасида мавжудdir. Ан ашу асосда иккӣ дўст синф — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги тафовутлар сақланиб қолмоқда. Модомики кишиларнинг жисмоний ва ақлий фаолиятининг узвий бирлигига эришилмаган экан, демак, ақлий меҳнат ходимлари қатлами — интеллигенция сақланиб қолади. Социализм шароитида ишлабчиқарувчи кучларнинг ривожланиш дараҷаси мўл-кўл моддий неъматлар яратиш учун ҳали кифоя қилмайди, меҳнат эса ҳали барча кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланган эмас, шунинг учун «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган тақсимот принципи амал қилмоқда. Бу ҳол меҳнат меъёри истеъмол меъёри устидан қаттиқ пазорат ўрнатишни зарур қилиб қўймоқда, бу ишни бажариш социалистик давлатнинг вазифаларидан биридир. Коммунистик партия бошчилигидаги давлат социалистик жамиятнинг бутун ҳўжалик ва маданий ҳаётига раҳбарлик қилмоқда. Социалистик жамиятда, коммунизмдан фарқли ўлароқ, маҳсулотлар товар сифатида ишлаб чиқарилади ва улар сотиш-сотиг олиш орқали айрбос қилинади. Шу сабабли ҳўжаликни ривожлантириш учун бунда баҳо, фойда, кредит каби воситалардан фойдаланилади. Социализм шароитида кишилар онгига социалистик идеология ҳукм суради, аммо кишиларнинг социализм табиатига ёт бўлган қарашларига, одатларига қарши, капитализмнинг турли сарқитларига қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳали сақланиб қолади. Коммунизм жамият тараққиётининг олий босқичи бўлиб, унда ишлабчиқарувчи кучлар мисли кўрилмаган даражада авж олади, кишиларнинг энг юксак турмуш даражасига эришилади, «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган принцип амалга ошади. Унда меҳнат мажбурият ҳолатидан чиқиб, барча жамият аъзоларининг ҳаётий эҳтиёжига, энг теран завқшавқи манбаига айланади. Коммунизмнинг муайян босқичида синфий тафовутлар йўқ бўлиши натижасида давлат, ҳукуқий муассасалар, сиёсий ва ҳукуқий идеология батамом барҳам ейди, коммунистик ижтимоий ўз-ғизини бошқарши қарор топади, бу бошқаришда жамиятнинг барча аъзолари иштирок этади, коммунистик ахлоқ нормалари барча кишиларнинг ички эҳтиёжига ва одатига айланади. Коммунизм даврида кишиларнинг қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун, улар маънавий гўзалликнинг ва жисмоний баркамолликнинг олий даражасига эришмоғи учун ҳамма шарт-шароит тугдирилади. Коммунистик жамият қурилиши — тад-

рижий қонуниятли процесс бўлиб, унинг давомида социализм принциплари смирилмайди, балки янада ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу процессда бир-бiri билан маҳкам боғлиқ уч вазифа: коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни барқарор қилиш, янги кишини камол топдириш вазифалари ҳал қилинади.

**СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ** — жамият тараққиётида сифат сакраши бўлиб бу сакрашнинг натижаси капитализмдан социализма ўтишдан иборат бўлади. С. р. қонуниятли ва тарихан муқаррардир. С. р. нинг объектив асоси шундан иборатки, капитализм шароитида ижтимоий характерга эга бўлиб, бутун жамиятнинг назоратига муҳтож бўладиган ишлабчиқарувчи кучлар билан хусусий мулкчиликка асосланган ишлабчиқариш муносабатлари ўртасидаги конфликт ривожланади. Бу конфликт капиталистик жамиятни кемирувчи социал зиндигиятларни туғдиради. Бу зиндигиятларни фақат революцион йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлади. С. р.— пролетариат ва унинг иттифоқчиларининг капиталистик ишлабчиқариш муносабатларининг ҳомили бўлмиш буржуазияга қарши олиб борган синфий курашининг зарурий натижасидир. Шуниси ҳам борки, одатда буржуза революцияси ҳокимиятни қўйла олиш билан тугалланади, чунки капиталистик ишлабчиқариш эски тузум бағрида таркиб топади; бу революциядин фарқли ўлароқ, С. р. пролетариатнинг меҳнаткашларининг бошқа қатламлари билан иттифоқ бўлиб ҳокимиятни қўйла олишидан бошланади. *Пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши* — социалистик ўзгартишларининг зарур шартидир. Янги жамиятнинг қурилиши озми-қўими узоқ вақт давомида содир бўлади, бу давр капитализмдан социализмга ўтиш даври ҳисобланади. Ўтиш даврида С. р. нинг капиталистик мулкии ва эксплуататор синифларни тугатиш, ишлабчиқариш воситаларини ижтимоий мулк қилиш, қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш, *майданик революция* қилиш, миллий зулмни тугатиш, хўжаликни меҳнаткашларининг фароновлигини ошириш манфаатларини кўзлаб планли равишда ривожлантириш ва мамлакатни агресив капиталистик давлатлар ҳужумидан ҳимоя қилиш каби энг муҳим вазифалари ҳал қилинади. С. р. ни муваффақиятли амалга ошириш шартлари қуйидагилардан иборат: ишчилар синфи ва унинг марксча-ленинча партиясининг раҳбарлиги, пролетариат диктатураси, пролетариатнинг асосий деҳқонлар оммаси ва меҳнаткашларининг бошқа қатламлари билан иттифоқи, айни бир мамлакат ишчилар синфининг бошқа мамлакатлардаги ишчилар синфи билан иттифоқи — пролетар *интернационализми*. С. р. нинг юқорида санаб ўтилган вазифалари ва уларни амалга ошириш шартлари — С. р. нинг ҳар бир мамлакатнинг бажариши шарт бўлган умумий қонуниятларидир. Бироқ бу қонуниятларнинг амал қилиш формалари турли мамлакатларда

турличадир. Бу тафовутларни иқтисодий тараққиёт даражаси, миллий хусусиятлар, синфий кучларнинг нисбати, мамлакат ичида ва ҳалқаро майдонда зиддиятларнинг кескинлиги белгилайди. Чунончи, демократии кўлга олиш усули (тинч ёки нотинч йўл билан) ҳамда пролетариат диктатураси формаси ишчилар синфи ва унинг итифоқчилари кучларига, реакционерларнинг қаршилик кўрсатиш даражасига боғлиқдир. Ҳозирги даврда умуман жаҳон капитализми системаси социализмга ўтиш учун етилиб қолди. Бироқ империализм палласида капитализмнинг ривожланиши ва унга хос зиддиятлар турли мамлакатларда, Ленин исбот қилганидек, ниҳоятда нотекис юз бермоқда. Шу сабабли С. р. турли мамлакатларда турли вақтда ва аввало империализм занжиридаги ҳалқа энг заиф бўлган, революцион вазият вужудга келган, социалистик инқилоб қилишга қодир бўлган синфий кучлар етилган жойда амалга ошади. Тараққий қилган капиталистик мамлакатлар жумласига кирмайдиган Россияда С. р. нинг даставвал ғалаба қозонгандигининг сабаби ҳам шудир. С. р. нинг Европада, Осиёда, Америкада (Куба) ундан кейинги ривожи ҳам шуни тасдиқламоқда. Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берди. Иккинчи жаҳон урушида кейин таркиб топган ва муваффақият билан ривожланаётган жаҳон социализм системаси ҳозирги замоннинг етакчи революцион кучи, бутун антиимпериалистик ҳаракатнинг таяницидир. Гарчи ҳар бир айrim мамлакатда социализм учун кураш ички социал шароитлар асосида ривожланиб борса-да, шунга қарамай, жаҳон майдонида социализмнинг эришашётган муваффақиятлари ҳар бир мамлакат ичидаги синфларнинг сиёсий позицияларига, С. р. нинг ривожланиш суръатлари ва формасига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу революция инсоният ҳаётида ўтмиш даврлардаги революциялар тарихида мисли кўрилмаган энг чуқур ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Бу революция тарихда биринчи марта кишини киши томонидан эксплуатация қилишни туғатмоқда ва барча меҳнаткашларнинг эркин ривожланиши учун кенг йўл очиб бермоқда. С. р. ни миллионларча омма инсониятнинг мутлақ кўпчиликнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошироқда.

**СОЦИОЛОГИЯ** (лат.) *societas* — жамият, грек. *logos* — тушунча, таълимот) — жамиятнинг яшashi ва ривожланиши қонунлари ҳақидаги, социал муносабатлар ҳақидаги фан. Жамият ҳаётининг айrim томонларини ўрганувчи бошқа ижтимоий фанлардан (сиёсий иқтисод, юридик фанлар, демография, этнография ва ш. к.) фарқли ўлароқ, С. жамиятни аввало яхлит, уюшган система сифатида тадқиқ қиласди. Лекин, бундан ташқари, С. ни яна турли кичик социал системалар, уларнинг бир-бирига ва бутунга муносабати, ижтимоий организмнинг ишлаб туришига таъсир кўрсатадиган айrim социал процесслар ва ҳодисалар ҳам қизиқтиради. С. жамиятнинг социал структу-

расини, яъни айрим индивидлар ўртасида, индивидлар билан группалар ўртасида, группалар билан социал институтлар, маданий нормалар, қимматдорлар системалари ўртасида мавжуд бўлган ўзаро таъсиirlарнинг, алоқа формаларининг турли типларини ўрганиди. У социал ҳодисаларни аввал уларнинг социал муносабатларнинг ривожига, инсоннинг хатти-харакатига ва онгига қандай таъсири қилиши нуқтаи назаридан тадқиқ қилади. С. нинг вазифаси—жамият ҳаётий фаолиятининг реал манзарасини, «кишиларнинг амалий фаолиятининг, амалий ривожланиш процессининг тасвирини» (Маркс ва Энгельс) кўрсатиб беришдан иборат. Бу қадар кенг доирадаги вазифаларни бажара билишнинг сабаби шуки, С. ёч бўлмагандан учта турлича даражани: умумий социологик назарияни, маҳсус социологик назарияларни (ўртача даража деб аталувчи назарияни), конкрет социологик тадқиқотларни ўз ичига олувчи мураккаб билим системасидан иборатдир. Умумий социологик назария — социологик билимнинг юқори тарзда умумлаштирувчи даражасидир. У идеологик ва методологик функцияларни бажаради. Марксистик социологияда бундай назария — тарихий материализмдир, яъни жамият тараққиётининг ва унинг томонлари ўзаро алоқадорлигининг энг умумий қонунлаши ҳақидаги фандир. Маҳсус социологик назариялар тарихий материализмга таяниб, умумий социал қонунларнинг жамият ҳаётининг айрим соҳаларида конкрет амал қилиш механизmlарини, юз берии формаларини, жамиятнинг социал структурасини, нисбатан мустақил социал процессларни ўрганиди (мас., шахс назарияси, социал структура назарияси ва ҳ. к. ана шундай маҳсус социологик назариялардир; С. нинг турли «тармоқлари»: меҳнат С. си, сиёsat, жамоатчилик фикри, оила ва ш. к. С. си ҳам шунга киради). Конкрет социологик тадқиқотлар ва уларни эмпирик умумлаштиришлар орқали (яъни социал фактларни ўрганиши ва уларни системалаштириш орқали) С. нинг билувчилик ва амалий вазифаларининг маҳкам алоқаси амалга оширилади, аммо тўғри назарий ва методологик асосга таянилмаса, бундай тадқиқотлар илмий қимматини йўқотиб, эмпиризмга олиб келиши мумкин. Социологик билимларнинг ҳамма даражалари узвий бирликдик иборатдир. Марксистик С. оламини билишга ва уни амалий равишда ўзгартишга, коммунистик жамият қуришга хизмат қилмоқда. Кишилар ижтимоий ҳаёт жараёнини англаб олишга, унинг сабаблари ва қонунларини тушунишга ўзининг бутун тарихи давомида уриниб келган. Турли социал назариялар қадим замондан бошлаб пайдо бўлганлар (*Философия тарихи*). С. нинг билимнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланиши ва философиядан ажralиб чиқиши 19-асрнинг ўрталарида содир бўлади. «С.» термини позитивизмнинг асосчиси О. Конта мансубдир. Конт буржуя С. сининг ривожланишига кўзга кўринарли таъсири кўрсатган эди. Бироқ фалсафий материализм ва материалистик диа-

лектика жамиятни ўрганишга татбиқ қилиниши туфайлигина С. чинакам фанга айланди. «... Фақат тарихни материалистик тушуниш биринчи марта илмий социологияга имконият яратыб берди... фақат ижтимойи муносабатларни ишлабчиқариш муносабатларидан ва бу сүнгги муносабатларни ишлабчиқарувчи күчлар юксаклигидан иборат қылыштың социологияның формацияларыннан ривожланишини табиий-тарихий формациялар деб тасаввур қилиш учун маңымам негиз яратыб бердил (Ленин). Марксизм ўтмишдаги ижтимои ҳәёт назарияларига хос принципиал камчыларларни бартараф қылдик, бу назариялар «фақат кишиларнинг тарихий фаолияти тоғайири мотивларинигина қараб чиқардилар» ва бу мотивлар нима билан белгиланышины очып бермас эдилар, күп ҳолларда эса «худди ахоли оммасининг ҳаракатларини қамрағ олмас эдилар» (Ленин). Ижтимои муносабатларнинг бутун мажмудан тарихий процесстининг асослари сифатида ишлабчиқариш муносабатларининг ва моддий неъматлар ишлабчиқариш усулининг ажратыб олиниши объектив қонунларни очиш ва жамият тараққиетининг асосий босқичларини — ижтимои-иқтисодий формацияларни аниқлаш имкониятими берди. Маркс, Энгельс, Ленин ижтимои ҳәётни бутун мураккаблиги билан тасаввур қилишга уриниб, алар давларни ва процессларни батаффисил анализ қылыштарды анықтауда, турлы ҳужжатларни, матбуотни ва шу кабиларни анализ қилишдан фойдаланиш йўли билан умумназарий принципларни ва конкрет социологик тадқиқотни татбиқ қилишнинг портоқ намуналарини кўрсатдилар. («Англияда ишчилар синфининг аҳволи», «Капитал», «Россияда капитализмнинг тараққиети» ва б.). Номарксистик С. нинг ривожланиши қуйидагича юз берди. 19-асрнинг сүнгги учинчи чорагида Спенсер, Гумплович, Тард, М. Ковалевский ва бошқалар Европада социологик фикрнинг вакиллари эдилар. 19-асрнинг охиirlари — 20-асрнинг бошларига С. нинг организтистик, географик, психологик, иқтисодий ва бошқа назариялари мавжуд эди Ҳозирги замон буржуза С. сининг ривожланишига Э. Дюркгейм ва М. Вебер катта таъсир курсетдил. 20-асрнинг 20—30-йилларига АҚШда бошланган тадқиқотлар тўлқини С. да эмперик тенденцияни тудиради ва бу тенденция ўн йиллар давомида ҳукмронлик қиласи; конкрет тадқиқот методикаси ва техникаси соҳасида кўп материал тўпланди, С. соҳаларнинг тармоқ ёйган шахобчалари пайдо бўлди. С. нинг бу босқичдаги фарқ белгилари қуйидагилардан иборат бўлди: ўтакетган эмпиризм, тасвиричилик; С. ни философияя қарама-қарши қўйиш (бу ҳол фалсафий оқим сифатида позитивизмнинг эмпиризмга методологик асос бўлиб хизмат қилишини истисно қилмади); С. социал психология билан туташинб, муайян социал «заказ»ни бажариб келди; бу «заказ» капитализмнинг гарчи иккинчи даражали бўлса-да, баъзи иллатларини «даволаш» усулларини ишлаб чиқишидан иборат эди. Эмпирик С. нинг са-

марасизлиги фактларни назарий жиҳатдан англаб олишга интилишни, умумий социологик назария (Т. Парсонс) ёки ўрта даражадаги назариялар (Р. Мертон) яратишга уринишларни вужудга келтирди. Бироқ бу изланишлар муваффақият қозонолмади ва эмпирик тенденция билан назарий тенденцияни бирлаштиришга олиб келмади. Америка С. сидаги назарий йўналиш ичидаги энг нуфузли мактаб — структур-функционал анализ мактабидир (бу мактаб социал ҳодисаларнинг умуман мувозанат ҳолатида турувчи деб қараладиган системага нисбатан функционал ролини ўрганади). Буржуа С. сининг капитализмни оқлаш, ҳимоя қилиш ва коммунизмга ҳужум қилишдан иборат синфий вазифаси «халқ капитализми», «инсонпарварлик экономикиси», «инсоний муносабатлар программаси» доктриналари ҳамда «иқтисодий ўсиш босқичлари» (Ростоу), «ягона индустриал жамияти» (Арон) назариялар каби бир қанча социал-сиёсий доктриналарда мужассамлашган. Ҳозирги замон буржуа социологиясини ва унинг методологик асосларини танқид қилиш — марксистик С. нинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

### **СОЦИОМЕТРИЯ** қ *Микросоциология*.

**СПЕКУЛЯЦИЯ** (лат. *speculari* — кузатмоқ, мушоҳада қилмоқ) — тушунчалар воситаси билан қилинадиган тафаккур (назарий тафаккур). Бу термин икки маънода ишлатилади: умуман тафаккур (мавҳум, концептуал тафаккур — лат. *conceptus* — тушунча демакдир; усули ва фалсафий мулоҳаза қилиш усули маъноларида ишлатилади). Тафаккур усули сифатида С. мантикий тафаккур шаклланишининг тугалланаётган босқичидаёт пайдо бўлади. Бироқ кейинчалик С. асосан философияда, фанда, хусусан математикада мустаҳкамланиб олади. С. рационалистик философияда (*Рационализм*) энг яққол ифодаланган. С. немис классик философиясида энг юксак ривожига етди. Кант С. ни тажрибада ўз предметига эга бўлмаган соф ақл соҳасида философлик қилишдан иборат деб ҳисобларди. Гегель спекулятив фалсафий мулаҳаза қилишини ўз философияси методи билан тенглаштирилар ва С. ни «воқеъликни (объектни) соф тушунчадан диалектик хулоса қилиб чиқаришдан иборат» деб ҳисоблар эди. Ҳозирги замон фалсафий тафаккурда С. бундай маънода камдан-кам ишлатилади ва одатда, анахронизм ҳисобланади.

**СПИРИТУАЛИЗМ** (лат. *spiritus* — руҳ) — кенг маънода бу ҳам идеализмнинг худди ўзиdir. «С.» терминини шундай ишлатиш тамомила қонунийдир, чунки ҳар қандай идеалистик философиянинг бош нуқтаси — оламнинг руҳий асосини эътироф этишдан иборатdir. Бироқ «С.» термини кўн ҳолларда торроқ маънода, идеализмнинг фақат баъзи бир таълимотларини ифодалаш учун ишлатилади. Бу хил таълимотларнинг вакиллари, қандайдир руҳий бирликлар (субстанциялар) борлиқининг моҳиятини ташкил этади, деган фараз-

га асосланадилар. С. дин билан маҳкам боғлиқдир. Мас., Лейбніц нинг монадалар ҳақидаги, яъни гүё бутун борлиқни ташкил этувчи ўзида биқиқ руҳий субстанциялар ҳақидаги таълимоти ва, руҳий иродавий моҳиятлар борлиқнинг асосини ташкил этади, деб ҳисобланган Вундт таълимоти спиритуалистик таълимотландир. 19-асрнинг охирилари ва 20-асрнинг бошларида рус философиясида спиритуалистик концепцияни А. Козлов ва Л. Лопатин ривожлантирга эди. Козлов бутун мавжудотни бениҳоя кўпдан-кўп идеявий субстанциялардан иборат «психик ва онг ҳолатлари» деб, моддий предметларни эса мазкур субстанцияларнинг фақат символлари, белгичалари деб ҳисобларди. Лопатин ҳам ўз философиясини «конкрет С.» деб атаб, нарсаларнинг барча хоссаларининг маинай «руҳий моҳиятлар»дан, қандайдир «борлиқ марказлари»дан иборат эканлиги ҳақида сўзларди. Н. Лосский ҳам С. дан қочиб кутиломади. Унинг назарича, воқеелик — идеявий, худо яратган «субстанциал фаоллар» маҳмудидан иборат. Ҳозирги замон буржуа философиясида *персонализм* тарафдорлари спиритуалистик қарашларга ғамал қиладилар ва улар реал олами руҳлар-шахслар иерархиясидан, худонинг шахси билан тамомига етадиган иерархидан иборат, деб ҳисоблайдилар. Фалсафий доктрина бўлган С. ни (гарчи улар ўртасида умумийлик бўлса-да) спиритизм билан чалкаштираслик керак, чунки спиритизм руҳларнинг охират замонда яашанини билдирадики, гүё инсон улар билан бевосита ўзи ёки алоҳида воситачилар, яъни медиумлар деб аталувчилар воситаси билан алоҳа қиласи.

**СПОНТАНЛИК** (лат. sponte — ўз истагича, ўз-ўзлигича) — ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш, ўз-ўзича ташаббус курсатиш, ўз-ўзини белгилаш. Кенг маъниода бу — ҳаракатларнинг шундай характеристиридан иборатки, бу ҳаракет ички ҳаракатлантирувчи кучларга боғлиқдир ва уларни ташқаридан аралашиб белгилаб бермайди. Идеалистик философияда С. фақат инсонга нисбат берилади ва унинг тафаккури билан боғлиқ қилиб қўйилади. Диалектик материализм инсоннинг амалий ва билувчилик фаолиятида, унга энг турили-туман вазиятлар муносабати билан ўзича бирор қарор қабул қилиши лозим бўлганда, С. нинг ролни инкор этмайди, аммо пировард ҳисобда инсоннинг фаолияти ташқи олам қонунларини билишга асосланади, деб ҳисоблайди. Шу сабабли абсолют С. (ҳаракатлардаги мутлақ ўзбошимчалик) ҳар қандай тирик вужудни ҳалокатга олиб келиши мумкин, билиш жараённида эса у инсоннинг билимларни эгаллаши йўлида тўсқин бўлиб қолиши мумкин. Материалистик философия ўз ички ҳаракатига эга бўлган, яъни ўзининг ҳаракат манбани ўзида жо қилган материянингина абсолют спонтан деб ҳисоблайди.

**СТРУКТУРА** (лат. structura — тузилиш) — система элементлари уюшувининг нисбатан барқарор усули. Агар система тушунчаси

бирон-бир мураккаб яхлит объектнинг энг турли томонларини: унинг тузилишини, составини, яшаш усулини, ривожланиш формасини ўз ичига олса, С. тушунчаси аввало мазкур объектнинг барқарорлиги, стабиллигига каби моментни ажратиб кўрсатадики, шу момент туфайли у, гашки ёки ички шароитлар ўзгарганда, ўз сифатини сақлаб қолади. С. сақланиб тураркан, умуман система ҳам сақланиб туради, С. нинг бузилиши ёки ўзгариши системанинг тубдан қайта қуришга ёки ҳалоатга олиб боради. Объектнинг структура тузилишининг асосий таркибий қисми унинг ички ва ташки алоқаларидир. «С.» тушунчаси системали ёндошиш, структурализм ва структур-функционал анализ доирасидаги катта билувилик вазифасини ўтайди.

**СТРУКТУРА ВА ФУНКЦИЯ** (лат. *structura*—тузилиш, *functio*—бажариш, амалга ошириш)— муносабатдош тушунчалар бўлиб, улар системанинг тузилиши билан унга хос хатти-ҳаракат (ишлаш) усули ўртасидаги алоқадорликни ифодалайди. Системаларнинг моддий субстратидан (негизидан) қатъий назар уларнинг баъзи бир туркуми учун ҳарактерли бўлган муносабатларнинг мажмуидан, система-нинг доимий (инвариант) томонидан иборат бўлган структура шу билан бирга функцияга нисбатан системага хос хатти-ҳаракат (инициація) усулида очиладиган ички негиз сифатида юз беради. Структур функцияларнинг мажмуига нисбатан барқарорроқдир. Функция ҳамиша ўз ҳомили бўлмиш муайян структурага тўғриланган бўлади (бу алоқадан кўз юмиш мумкин, аммо у мавжудлигича қола беради. Мас., биологик обьектлар функциясининг ўзгариши пировард ҳисобда уларнинг структурасининг ўзгаришига ҳам олиб келади. «С. ва ф.» тушунчалари билиш назаринида, фан методологиясида муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги замон илмий тадқиқотида обьектларни ўрганишнинг мана бундай методлари татбиқ этилмоқда: субстрат — структур метод (структурани очишдан хатти-ҳаракатни анализ қилишга қараб) ва функционал метод (хатти-ҳаракатни анализ қилишдан унда намоён бўлувчи ички структурани очишга қараб). Бу методлар ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Бироқ бошлангич метод функционал методдир, чунки бизнинг ихтиёримизда системага хос хатти-ҳаракат усулини ўрганишдан бошқа, системанинг структурасига дастлабки киришдан ўзгача йўл йўқдир. Ҳозирги замон фаннда (*кибернетикада*, физикада, биологияда ва бошқа фанларда) функционал методнинг роли ошиб бормоқда. Бу ҳол баъзан функционал методнинг аҳамиятини абсолютглаштиришга олиб келмоқдаки, баъзан «соф» хатти-ҳаракатни ўрганиш фаннинг бирдан-бир вазифаси деб эълон қилинмоқда ва ички негиз (структуря, моҳият) тушунчалари эскирган тушунчалар деб айтилмоқда. Бунга қарама-қарши нуқтан назар ҳам мавжуд бўлиб, бу нуқтай назар, обьектларнинг ички негизини уларнинг хатти-ҳаракатини ўрганишдан ташқари ҳам пайкаш мумкин, деб ҳисоблайди.

Диалектик материализм бу метафизик тенденцияларга структура (ҳомил) билан функция (хатти-харакат)нинг бирлиги ҳақидаги қоидани қарама-қараш қилиб қўяди: хатти-харакатни ўрганиш асосида билиб олинадиган структуралар бошқача структура йўқ, шунингдек асосида структура бўлмаган ва структура топилмайдиган «соғе» хатти-харакат ҳам йўқ.

**СТРУКТУР-ФУНЦИОНАЛ АНАЛИЗ** — муайян социал система доирасидаги социал ўзгаришларни ўзаро бөглиқ ҳолда тадқиқ қилиш мақсадида социологияда татбиқ этиладиган усул. С. ф. а. социал ҳаётдаги барча фактларнинг функционаллиги ҳақидаги қоидага, яъни ҳар бир ҳодиса бошқа ҳодисалар системасида ўзи зарурлан бажарадиган функция билан бөглиқ ҳолда тушунилиши ва тадқиқ этилиши лозим (*Структура ва функция*) деган қоидага таянади. У баъзи социал ҳодисаларни ва аввало турли кичик группалар (*Социал группа*) структурасини тадқиқ қилишининг конкрет методи ва техникасини (миқдорий анализ процедурасини ўз ичига олган техникасини) татбиқ этиш билан бөглиқдир. Буржуа социологиясида С. ф. а. ни татбиқ қилиш муқаррар суратда чекланган бўлади, ҳам идеологик, ҳам методологик тарздаги бир қанча қиёничиликларга дуч келади. Бунинг сабаби аввало шуки, унда жамиятнинг ҳал қилувчи социал-иқтисодий асоси камстилади, историзмга хилоф йўл тутилади, генетик ёндошишнинг аҳамияти инкор этилади. Буржуа жамиятида С. ф. а. дан кўп ҳолларда фандан йироқ мақсадлар учун, шу жумладан марксизмга қарши кураш учун ҳам фойдаланилади. Шунинг учун марксча-ленинча социологиянинг вазифаси — тарихий материализм позициясидан туриб, буржуа социологларининг С. ф. а. тўғрисида берган идеологик шарҳларини фош қилишдан иборат. Айни вақтда марксист социологлар С. ф. а. методларини татбиқ қилишининг реал шарт-шароитлари ва чегараларини тадқиқ қилмоқдалар, ижтимоий ҳаётнинг кўп томонларини (тараққиёт процессларини, озми-кўпми йирикроқ социал силжишларни, мас., бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишини) ўрганганд соф функционал усулнинг етари эмаслигини кўрсатмоқдалар.

**СТРУКТУРАЛИЗМ** — методологик йўналиш бўлиб, у бир қанча гуманитар фанларда (тилшунослик, адабиётшунослик, этнография, психология, тарих ва б. фанларда) ривожлантирилмоқда ва у тадқиқ қилиувчи обьект структурасини анализ қилишни биринчи ўринга сурмоқда. *Системали* ёндошиш сингари, С. ҳам 20-аср фани учун характерли бўлган мураккаб обьектларни ўрганиш воситаларини излашни ифодалайди. С. мураккаб обьетнинг ривожланиши ва ишлашини фарқ қилиш билан, шундай обьектнинг иерархик (погонали) тузилишини қаттиқ таъкидлаш билан ҳамда унинг ташқи ва ички алоқалари системасини аниқлаш билан бөглиқдир. Объектнинг ривожланишини ва ишлашини фарқ қилиш унинг ўзгариши-

Үзгәради, унда янги эқтиёжлар ва мақсадлар пайдо бўлади, у табиат предметлари билан ҳам, ўзи яратган нарсалар билан ҳам янги муносабатларга киришади.

**СУБЪЕКТИВ ИДЕАЛИЗМ** — философиядаги йўналиш бўлиб, у ташки оламни, айрим предметлар, ҳодисалар ва уларнинг хоссаларини инсоннинг билиш фаолиятига (унинг сезигларига, идрокларига, назарий тафаккурига, ҳиссий кечинмаларига, ўлчов операцияларига, илмий экспериментларига ва ҳ. к.) боғлиқ қилиб қўяди. С. и. инг классик формалари вакиллари (Беркли, Фихте, Мах ва б.) учун характерли нарса шуки, улар озми-кўпми ошкора суратда, инсоннинг теварак-атрофидаги оламнинг бутуниси унинг психик фаолиятидан, унинг сезигларидан туғилади, деб даъво қиласдилар. Агар бу нуқтани назар изчил суратда давом этдирилса, муқаррар суратда *солипсизмга* олиб боради. С. и. инг ҳозирги замон формалари (*прагматизм, неопозитивизм, экзистенциализм* ва б.) мазкур концепциянинг камроқ изчил, кўпроқ эклетик баёндан иборат. Улар ё субъект билан объектигин ажралмас бирлигини (бирдайлигини) эълон қиласдилар, ёки ташки олам табиати ҳақидаги масалани илмий аҳамиятга эга бўлмаган бемаъни масала, деб даъво қиласдилар. Бироқ билимларимизнинг объектив мазмунини инкор этишда уларнинг ҳаммасининг фикри бир жойдан чиқади. Улар нуқтан назарича, фаннинг тушунчалари ва қонунлари ё ўзбошимча битимларнинг натижасидир, ёки улар ўлчов операцияларидан туғилгандир, шунинг учун фан гўё фақат олами билувчи субъектнинг кечинмаларини, фикрий ва амалий ҳаракатларини акс эттирадир. Шундай қилиб, С. и. билиш процессида субъектив моментни бўрттириб кўрсатишга асосланади. Бироқ гарчи билиш субъектив формага эга бўлса-да, олами субъект, инсон билса-ла, инсон билимларининг мазмунни унга боғлиқ эмасдир, чунки бу мазмун онгдан ташқарида ва унга боғли бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган олами акс эттиради. Билиминг чинлиги, объективлиги *практика* билан исботланади. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» комли китобида С. и. ни жуда ажойиб танқид қилган.

**СХОЛАСТИКА** (лат. *scholasticus*—мактабга оид) — ўрта аср философияси бўлиб, у феодал жамият идеологиясида (Фарбий Европа мамлакатларида) ҳукмрон мавқени эгаллаган эди. Схоластлар ўз назарияларининг асосий мақсадини христиан динини ҳимоя қилишдан иборат деб ҳисоблардилар. Ўз foявий таркиби жиҳатидан С. турліча бўлса-да, лекин *идеализм* унда ҳукмронлик ролини ўйнарди. Схоластик таълимотлар антик мутафаккирларнинг (Платон ва айниқса Аристотелнинг) христианлик руҳида талқин қилинган идеяларига, араб тилидаги философиянинг энг кўзга кўринган вакиллари (Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд) foяларига, неоплатончи Псевдо-Дионисий Ареопагит асарларига таяниб иш кўрар эдилар

С. нинг шаклланишида Эриуген (9- аср), Росцеллип, Абеляр, Ансельм Кентерберийский (11—12- асрлар) муҳим роль ўйнадилар. С. идеялари Буюк Альберт, Фома Аквинский ва Дунс Скотт (13- аср) асарларида систематик тақмилига етди. Схоластларнинг дикъат марказида дин билан билимнинг, дин билан ақднинг ўзаро муносабати проблемаси турарди. Улар ўртасида, диний таълимот ақидалариға ақл етадими, диннинг қандай қоидаларини исбот қилиш мумкин эмас ва Ҳ. К. масалалар устида мунозаралар чиқиб турарди. С. ичидә иккى асосий оқим — *номинализм* ва *реализм* мавжуд эди. Дин билан маҳкам алоқада бўлиш схоластик таълимотларнинг ўта абстрактлигини, уларнинг реал ҳаётдан ажralганлигини, табиятни тажрибий ўрганишини менсимаслигини келтириб чиқарди. Куруқ, ўлик С. кейинчалик мавҳум, натижасиз ақл сотиши синоними бўлиб қолди. Бироқ айрим схоластик таълимотларда материалистик тенденция (мас., номинализм формасида) кўринарди. Дунс Скотт, Оккам, Луллий ва бошқа схоластларнинг мантиқий трактатлари анча қимматга эга эди, уларда *математик логиканинг баъзи* бир идеялари олдиндан айтилган эди.

**ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ** (природа и общество). Табиаттый йўл билан, яъни инсон фаолиятининг таъсиридан ташқари мавжуд бўлган процессларнинг (геологик, иқлимий, физик-химик, биологик ва ҳ. к. процессларнинг) мажмуй сифатида табиат инсон пайдо бўлишидан олдин анча узоқ вақтдан бери мавжуддир; у абадий ва ниҳоясизdir. Ана шу маънода табиат инсоният жамиятининг пайдо бўлиши ва яшашининг зарур шартидир. Инсоннинг ўзи табиатнинг маҳсули, унинг бир қисмидир. Бироқ инсон меҳнат туфайли табиатдан ажralиб чиқади ва бинобарин табиатга мослашмасдан, балки уни ўзгартириб, ўз мақсадларига бўйсундиради. Инсон табиатни ўзига қайдаража бўйсундирган бўлса, қайдаража уни ўз фаолияти доирасига жалб этган бўлса, табиат шу даражада унга қарам бўлиб қолади ва инсон фаолияти билан ўзгартирилган, «одамлашган» шаклда намоён бўлади. Шу билан бирга инсоннинг яшаш масканининг табиий муҳитигина ўзгариб қолмайди, бу муҳит инсон цивилизацияси «танаси»сининг бир қисмига (Маркс айтганидек «инсоннинг анорганик танаси»га) айланади, лекин шу билан том маънода «иккинчи» табиат — инсоний маданият дунёси ҳам вужудга келтирилади; яъни шундай предметлар ва процесслар вужудга келтириладики, уларнинг табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлиши у ёқда турсин, ҳатто улар табиатнинг ўз кучлари таъсири остида пайдо ҳам бўломайди. Бундан, албатта, табиат ўз мавжудлигининг объектив харakterини йўқотмоқда, деган маъно цикмайди. Унинг «бирламчилиги» жамиятдан тарихан олдин мавжуд бўлганлиги маъносида ҳам, инсоннинг табиатга, унинг қонунларига хилофан таъсир кўрсатиши мумкин эмаслиги маъносида ҳам сақланиб қолади. Бу ҳол табиий ресурсларнинг жамият ишлабчиқарувчи кучларига айланадиганлиги фактидан яқол кўринмоқда. Меҳнат процессида инсон «нарсаларнинг механик, физик, химик хоссаларидан уларни ўз мақсадига мувофиқ равишда бошқа нарсаларга таъсир кўрсатиш қуроли сифатида татбиқ этиш учун фойдаланади» (Маркс). Жамиятнинг табиатга тарихан таъсир кўрсатиши тобора ўсиб бормоқда. Бу процесс ишлабчиқариш тараққиёти билан, коинотнинг тобора кенгроқ соҳаларини кишиларнинг фаолият доирасига жалб этиш билан бевосита тўғри келмоқда. Бу процесс эса чексизdir. Инсон-

нинг табиатга таъсирини ҳозирнинг ўзидаёқ табиатнинг ўз кучлари билан тенглаштириш мумкин, техник системалар эса баъзи жиҳатлардан биосферанинг ўрнини боса олади. Шу билан бирга табиатни ижтимоий йўл билан ўзгартиш соғ техникавий вазифа бўлмай қолмоқда, у жуда кўп иқтисодий, социал, илмий проблемаларни вужудга келтирмоқда. Жамиятнинг табиатга муносабати ҳамиша ишлабчиқарувчи кучлар ва ишлабчиқарши муносабатларининг тараққиётни воситаси орқали бўлади. Инсоннинг табиатни бўйсундириш соҳасидаги муваффақиятлари тўғридан-тўғри фақат техника тараққиётига эмас, балки социал муносабатларининг характеристига ҳам боғлиқдир. Чунончи, табиатга кўрсатиладиган таъсиirlарни планлаштирмасдан туриб, инсоннинг ҳаладиган ҳаракатларининг унинг учун кўнгилсиз оқибатларини (ҳавонинг ва сувнинг ифлослаши, радиация даражасининг ошиши ва ҳ. к.) ҳисобга олиб бўлмайди. Бироқ социал антагонизмлар сақланиб турган чоқда жамият миқёсида, айниқса инсоният миқёсида планлаштириш мумкин эмас. Т. билан ж. нинг ўзаро таъсирини ҳозирги замон миқёсида инсоннинг билубчилик фаолияти фавқулодда аҳамият касб этмоқда. Бу фаолият, албатта, ижтимоий практиканинг ривожланиш даражасига боғлиқдир, чунки табиий обьектларни назарий жиҳатдан ўзлаштириш фақат уларни инсоннинг амалий фаолиятига торта бориш ўйли билангина мумкин бўлади. Бироқ фан ишлабчиқаришга тобора кўпроқ даражада сингиб, Т. билан ж. нинг ўзаро таъсириниг муҳим факторига айланмоқда.

**ТАБИАТ** (естествознание) —табиат ҳақидаги фанларнинг мажмуи. У табиатни элементар зарраларнинг ҳаракатидан тортиб то организмларнинг ҳаётий фаолиятига қадар унинг ҳамма жуда хилма-хил ҳодисалари ва процессларида олиб ўрганишдан мақсад — турли ҳодисаларнинг қонунларини билишдан иборат, бу эса инсонга табиатни бўйсундириш йўлини очиб беради. Т. нинг жамиятдаги ролини аввало унинг практика билан, кишиларнинг ишлабчиқариш фаолияти билан чамбарчас алоқадорлиги белгилайди. Т. ишлабчиқарувчи кучларнинг ривожига тобора кўпроқ таъсири кўрсатмоқда ва ҳозирги босқичда ўзи ҳам ўзига хос бир турдаги ишлабчиқарувчи кучга айланмоқда. Коммунизм моддий-техника базасининг муваффақият билан вужудга келтирилиши кўп жиҳатдан Т. нинг етакчи тармоқларининг ривожига ва бу тармоқларнинг эришган ютуқларини ишлабчиқаришга жорий этишга боғлиқ. Иккинчи томондан, Т. умуман олам ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланishiiga кўмаклашмоқда; философиянинг ривожланиши кўп даражада Т. нинг ҳолатига боғлиқ. Т. ишлабчиқаришнинг эҳтиёжлари таъсири остида пайдо бўлади ва ривожланади. Аввал бошда табиий-илмий тасаввурлар одам ҳақидаги ҳамма билимларни бўлинмаган ҳолда ўз ичига олган философия доирасида шаклланган эди. Аста-секин

айрим табиий фанлар (астрономия, механика ва у билан боғли бўялан математика) философиядан ажрала бошлади ва 15-асрда, капитализмнинг ривожланиши муносабати билан ишлабчиқариш миқёси жуда кенгайиб, бир қанча амалий проблемаларни илмий равишда ҳал қилиш зарурати туғилгач, Т. библийнинг мустақил тармори бўлиб таркиб топади. Тахминан 19-асрга қадар Т. да *метафизика ва меҳаницизмнинг* чуқур тамғаси бор эди. Бошқа фанлар орасида меҳаника кўпроқ ривож топди. Нарсаларда содир бўладиган процессларни тадқиқ қилишга киришишдан олдин шу нарсаларнинг ўзини ўрганиш керак эди, бунинг учун эса уларни қисмларга бўлиб ташлаш ва ҳар бир қисмни бошқалардан ажратилган ҳолда алоҳида қараб чиқишига тўғри келарди. Табиат предметлари ва ҳодисалари ўзгармайдиган ва фақат ташқи механик алоқалар билан бирлашган, деб ҳисоблашарди. Табиий фанларнинг янада ривожланиб бориши (тажриба материалининг тўплана бориши, тадқиқотнинг янги методлари татбиқ этилиши) билан табиатдаги ўзаро алоқадорликларни чуқурроқ очиб бериш, ҳодисаларнинг ўзариги туришини, уларнинг бир-бираига айланишини пайқаш мумкин бўлди. 19-асрда қилинган қуйидаги уч буюк қашфиёт бу жиҳатдан айниқса муҳим роль ўйнади: энергиянинг сақланиш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қонунининг қашф этилиши, организмларнинг ҳужайрали тузилиши назарияси ва Дарвиннинг эволюцион назарияси. 19—20. асрларнинг чегарасида Т. тараққиётида ҳозирги замон даври бошланди. Бу давр физикада революция билан очилиб, бу революция квант меҳаниканинг ва нисбийлик назариясининг вужудга келишига сабаб бўлди ва элементар зарраларнинг ягона назариясини ишлаб чиқиши куп тартибига кўйди. Ҳозирги замон Т. ида дифференциация процесси давом этиб, ўрганилаётган объекtlарнинг тобора янгидан-янги томонлари очилмоқда, илмий фанларнинг сони ошмоқда. Шу билан бир қаторда билим тармоқларининг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бираига ўтиши кучаймоқда, фанларнинг ёндошувида пайдо бўлаётган проблемалар тобора кўпроқ ўрганиш объекти бўлиб бормоқда. Чунончи, биофизика, геохимия ва бошқа фанлар материя ҳаракатининг турли *формаларининг* алоқасини ва бир-бираига ўтишини тадқиқ қилади, кибернетика материя ҳаракатининг қатор формаларига хос қонуниятларни ўрганади. Т. инг сўнгги ўн йилликлар мобайнида зришган ютуқлари илмий-техника революциясига олиб келди ва бу революция инсоннинг космосга кириш имкониятини очиб берди. Табиий фанларнинг ривожланиши истиқболлари янада улуғвордир: ўз бағрида битмас-туганмас энергия резервларини сақлаб ётган термоядро реакцияларини эгаллаш, ҳаётий фаолият процессларини тўғри йўлга солиш, касалниклар ва бемаҳал қариш устидан галаба қилиш ва шу кабилар мазкур фанлар олдида турган актуал вазифалардир. Табиий-илмий қашфиётлар, улар назарий жиҳатдан англа-

ниб ва оламнинг умумий картинаси билан боғланаётганлиги сабабли материалистик дунёқараш билан диний-идеалистик дунёқараш ўртасидаги курашнинг объектиdir. Идеалистик философия билан дин фанга салбий таъсир кўрсатмоқда, унинг ривожланишига тўс-қинилик қилмоқда. Улар табиатшуносларнинг ўз кашfiётларидан тўғри хулосалар чиқаришларига халақит бермоқдалар ва оламнинг билиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни уларнинг қулоғига қўймоқдалар. Т. да (аввало физикада) революциянинг давом этаётганлиги ва унинг материянинг тузилиши ҳақидаги, унинг мавжудлиги ва ҳаракат формалари ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштируви муносабати билан («Физик» идеализм) идеализмнинг табиий фанлардаги асосий материалистик тенденцияни бўғишга уриниши айниҳса кучайди. Ваҳоланистик, ҳозирги замон Т. илми эришган ҳамма ютуқлари табиатни диалектик-материалистик тушунишни тасдиқламоқда, материяни яратиш ҳам, йўқ қилиш ҳам мумкин эмаслигини, унинг формалари битмас-туганмас хилма-хил эканлигини, табиат ҳодисалари ўртасида мутлақ чегара йўқлигини исбот қилмоқда. Шу сабабдан табиий фанларнинг ривожланиши процессида пайдо бўлаётган фалсафий проблемаларни ҳал қилиш учун, тадқиқотнинг тўғри методларини танлаш учун фақат диалектик материализм мустаҳкам пойдевор яратиб бермоқда. Марксистик философия олимларга Т. нинг ҳозирги дунёдаги ролини англаб олишларига ва ўзларининг жамият олдидаги маъсулнитларини тўғри тушунишларига ёрдамлашмоқда, токи улар илм-фан соҳасида эришилаётган ютуқлар инсон баҳт-саодати учун фойдаланиш лозимлигини тушунсинлар.

**ТАБИИЙ-ИЛМИЙ МАТЕРИАЛИЗМ** — табиий-тарихий материализм—(естественнонаучный материализм — естественно-исторический материализм) — стихияли, фалсафий нуқтаи назардан англаб олинмаган материализм бўлиб, буржуа жамиятидаги табииётшуносларнинг аксарияти шу материализм позицияларида туради. Олимларнинг, ташқи олам объектив суратда, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, онг эса мазкур оламнинг тўғри инъикосидан иборатдир, деб ишонишлари Т. м. нинг моҳиятини ташикли этади. Олимлар табииётнинг тараққий қилиб бориши таъсири остида, илмий фаолиятнинг ўз тақозосига кўра шундай ишончга келмоқдалар. Табииётшунослар ўз тадқиқотларида объектив суратда мавжуд бўлган ҳодисалар билан иш кўриб турадилар. Бу ҳол уларни, капитализм оламида идеалистик дунёқараш ҳукм сурishiга қарамай, кўпинча ўзлари ҳам пайқамасдан, материалистик нуқтаи назарда туришга мажбур этмоқда. Бироқ, Т. м. ўзининг стихияли, фалсафий онгизилиги, шаклланмаганлиги характерига кўра, аслда, чала-ярим, саёз, «уютчан», охиригача ўйлаб етилмаган материализм» (Ленин) бўлиб қолмоқда. У фақат табиатни материалистик тушуниш билан чекланиб, олимни жамият ҳақидаги идеалистик тасаввурлар ҳукмий-

да қолдириб келмоқда. Лекин энг асосий гап шуки, Т. м. философиянинг асосий масаласини изчиллик билан илмий равища ҳал қилиб беролмайди, қарама-қарши философик лагерларни — материализм ва идеализмни аниқ чегаралаб беролмайди. У олимни иккиланишлардан, идеализмга ён беришлардан амин сақлайолмайди, хусусан йирик кашфиётлэр таъсири остида эски илмий тасаввурлар, назариялар чил-парчин бўлаётган ва табииётшунослар ўзларининг тор маҳсус тадқиқотлари доирасидан чиқиб янги назариялар яратишига мажбур бўлаётган бир даврда уларни бундай янгилашлардан амин сақлайолмайди. Демак, стихияни материализм олимларни фанга душман бўлганд идеалистик назарияларга қарши изчиллик билан кураш олиб бориш учун қуроллантирамайди. «Бу курашга бардош бериш ва уни тўла муваффақият билан охиригача олиб бориш учун табиатшунос замонавий материалист, Маркс илгари сурган материализмнинг онгли тарафдори бўлиши лозим, яъни диалектик материалист бўлиши лозим» (Ленин).

**ТАБИИЙ ҲУҚУҚ** (естественное право) — давлат ва ҳуқуқ ҳақида марксизмдан илгариги ва номарксистик таълимотларнинг кўпидаги ишлатиладиган тушунча. Бу тушунча гўё инсон табиатининг хусусиятлари тақозоси билан юзага келадиган «абадий», «ўзгармас» ҳуқуқни билдиради ва бунда инсон табнати, унинг қайси синфа мансублигидан қатъи назар, абстракт ҳолда тушунилади. Кўп ҳолларда табиий-ҳуқуқий тартиб ақл-заковатнинг, адолатнинг мужассам тимсоли сифатида айни давлатда амал қилиувчи ҳуқуқка қарама-қарши қўйиларди. Ҳақиқатда эса «бу адолат ҳамиша мавжуд иқтисадий муносабатларнинг идеологиялаштирилган, осмонга кўтариб мақталган ифодасидир, холос» (Энгельс). Бинобарин, турли фалсафий ва сиёсий таълимотларда Т. ҳ. нормаларига, философлар ва сиёсий арбоблар кимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишларига қараб, турлича изоҳ берилди. Т. ҳ. ҳақидаги таълимотлар ҳали қадим замондаёқ пайдо бўлган эди (софистлар, Платон, Аристотель, Цицерон ва бошқалар). Лехин қадимги замон мутафаккирларининг инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳақидаги тасаввурлари қулдорлик доирасидан чиқмаган эди. Т. ҳ. доктринасидан ўрта аср теологлари ҳам фойдаланган эдилар (Фома Аквинский). Унинг ёрдамида тоифавий тенгсизлик, феодал иерархия ва шу кабилар табаррук қилиниб, улар, худонинг йўл-йўриклигига («муқаддас китоб» ғояларига) зид келмайдиган «табиий» нарсалар деб эълон этилди. Ҳокимиятга қараб бораётган буржуазия Т. ҳ. назариясини ўзига курол қилиб олгандан кейин бу назария прогрессив характер касб этди. Буржуа идеологлари эркинлик ҳуқуқини, ҳамманинг қонун олдида тенглиги ҳуқуқини, муликчилик ва шу каби ҳуқуқларни инсоннинг ажралмас, табиий ҳуқуқлари деб эълон қилдилар. Феодал тартиблар (сословия имтиёзлари, подшоҳ, қаротнинг ўзбошимча ҳаракатлари ва шу

кабилар) инсон табиатига зид нарсалар, деб қарапади. Гуго Гроцкий, Спиноза, Гоббс, Монтецье, Гольбах, Руссо, Радишчев ва бошқалар Т. ҳ. назарияси тарафдорлари эдилар. Буржуазия ҳокимият тепасига чиқиб олгандан кейин энди табиий-хуқуқтаги таълимотга мухтож эмас эди, шу сабабли унинг бир қанча намояндлари бу таълимотни танқид қила бошладилар (И. Бентам, О. Конт ва бошқалар). Империализм даврида буржуазия инсоннинг «табиий хуқуқлари» ҳақидағи таълимотдан социализмга қарши кураш учун, бошқа давлаттарнинг ички ишларига аралашишни оқлаб күрсатиши учун фойдаланмоқда. Жамият тараққиеті процессыда халқнинг ролини инкор этиш, иқтисодий ва сиёсий тенгизликтегі ҳимоя қилиш ва шу кабилән хөзирги замон буржуача Т. ҳ. назарияларига хосдир.

**ТАЖРИБА** (опыт) — марксистик философиядан олдинги фило-софияда индивид ҳиссий идрок қиладиган нарсалар таъсирларининг ёки унинг ўз организми (рухи) ҳолатларининг мажмуси. Материалист философлар Т. манбани объектив, ташқи дүнёда деб билардилар. Моддий нарсалар сезги органларига таъсир күрсатидилар, инсон бы таъсирларни пассив идрок этади; уларнинг фикрича Т. ана шу тариқа пайдо бўлади. Философлар индивидуал ҳиссий Т. ни ҳаммадан кўпроқ билимнинг бирдан-бир манбай деб қарадилар ва, аслда, бизнинг бутун билишимизни Т. га олиб бориб тақардилар (Эмпиризм). Бироқ бундай нуқтаи назар кўплика ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятларга олиб келарди. Биринчидан, индивидуал Т. кўп ҳолларда кишига воқеликка тўғри келмайдиган билимларни берарди. Мас., индивидуал Т. га кўра, узоқ вақтгача, Қуёш Ер астрофида айланади, деб ҳисоблаб келинди. Иккинчидан, Т. инсон билимининг умумий ва зарурий характеристикин асослаб беролмас эди. Дарҳақиқат, ҳатто икки ҳодисанинг сабабли боғланишини индивидуал Т. да ҳер қанча тез-тез такрорлассанг ҳам исбот қилиб бўлмайди: ҳамнша мана ҳозир у бузилади, деб ўйлаш керак бўлади. Учинчидан, индивидуал Т. ни бирдан-бир билим манбай деб тасаввур қилиш шундай бир фактга зид келардиди, жуда кўп ҳолларда тажрибий билимдан олдин ўтган қоидаларни индивид ўз Т. сидан холоса қилиб чиқаролмас эди. Мас., математика аксиомалари ана шундай. Бу зиддиятларни бартараф қилишга уриниш, бир томондан, *рационализмни*, иккинчи томондан, Т. ни субъектив-идеалистик тарзда ёки агностик тарзда талқин қилишга уринишни юзага келтириди. Шу билан биргя Т. фақат инсоннинг ҳолати (унинг идроклари, тасаввурлари ва ҳ. к.) деб тушунилди, унинг манбай эса ё умуман инкор этилди (мавжуд бўлиш — идрок қилинни демакдир — *субъектив идеализмнинг* нуқтаи назари), ёки принципиал равишда билиб бўлмас деб эълон қилинди (*Агностицизм*). Ҳозирги замон буржуа философиясида Т. ни субъектив-идеалистик тарзда талқин этиш расм бўлиб қолган (*Неопозитивизм*). Марксизм нуқтаи назарича, инсон онгининг бўтун

Жазмунни ташқи олам таъсирларини пассив идрок қилиш натижасида эмас, балки уни амалий ўзгартиш жараённада пайдо бўлади. Демак, Т. ни инсоннинг оламга нисбатан ўз муносабатининг индивидуал кечинмаси билан бирдай қилиб қўйиш ярамайди. Т. инсоннинг объектив олам билан ўзаро таъсир қилиш процессидан ҳам, бу ўзаро таъсирнинг натижасидан ҳам иборатдир. Бундай ҳолда Т. ижтимоий практика билан бирдайдир ва у ишончли, ҳақиқатан умумий билимнинг чин манбаи бўлиб хизмат қиласди. Инсоннинг индивидуал Т. си эса ҳамиша ижтимоий практиканинг, олами амалий ва назарий ўзлаштиришнинг эришилган даражасига боғлиқдир.

Тор маънода Т. сўзи эксперимент билан бирдайдир.

**ТАНҚИДИЙ РЕАЛИЗМ** (критический реализм) — 20-асрнинг дастлабки ўн йилликларида америка буржуа философиясидаги йўналишлардан бири. Сантаяна, Пратт, Дрейк, Лавджой, Селларс ва б. унинг тарафдорларидир. Т. р. *неореализмга* реакция тариқасида ва айни вақтда билиши *назарияси* соҳасидаги унинг баъзи идеяларини янада ривожлантиришга уриниш тарзида пайдо бўлди. Агар неореалистлар моддий нарса билан идеал нарсани айнан бирдай деб бўлсалар, Т. р. нинг вакиллари онгнинг сифат жиҳатдан ўзига хос хусусиятини таъкидлаб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, билиш — мураккаб воситали процесидан иборат бўлиб, уч элементдан, яъни: субъект, объект ва моҳиятлардан ташкил топади. *Моҳиятлар* фақат объектларни ифодалайди, уларнинг ҳозирлигини кўрсатади, аммо лекин улар психик процесслар билан ҳам, объектларнинг ўзларин билан ҳам айнан бирдай эмасдир. Баъзи танқидий реалистлар моҳиятларни замон ва макондан ташқарида турувчи мантиқий абстракциялар (универсалиялар) деб эълон қилмоқдалар ва уларга қадимги грек идеалисти Платоннинг «моҳиятлар» борлиги сингари алоҳида «идеал борлиқ»ни нисбат бермоқдалар. Шу билан бирга, уларнинг нуқтаи назарича, фақат моҳиятлар (идеаллик) ишончлилик, конкретлик хусусиятига эга бўлиб, бевосита онг билан пайқаладилар, моддий нарса эса билиб бўлмайдиган «нарса ўзида»дан бошقا ҳеч нима эмасдир. Онг ташқи оламнинг ичига киромлайди, чунки у фақат идеал моҳиятлар билан иш кўради, моҳиятларнинг ўзи эса ташқи олам ҳодисаларининг инъикоси эмас, балки фақат символлари, белгиларидир, холос. Бу фикрларнинг ҳаммаси танқидий реалистларни *дуализмга ве агностицизмга* олиб келади. Т. р. бир хилдаги йўналишдан иборат эмас эди. Умуман субъектив-идеалистик оқим бўлган Т. р. да материалистик элементлар ҳам, объектив-идеалистик элементлар ҳам бор эди. 30-йилларда Т. р. оқим сифатида ўз умрини тамомлайди. Унинг тарафдоридан баъзилари (мас., Селларс) материализм томонига қараб йўл тутдилар, бошқалари эса ошкора идеализмга, *персонализмнинг* турли хилларига, панпсихизмга ва ҳатто теологияга оғиб кетдилар. Неореализм сингари, Т. р. ҳам кейинроқ АҚШда

билиш нázарияси (гносеология) соҳасида пайдо бўлган барча оқимларга таъсир кўрсатди.

**ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД** — критика и самокритика (грек. *kritike* мұхқомма юргизиш санъати) — социалистик жамиятда зиддиятларни очиб бериш ва ҳал қилиш, камчиликларни бартарап қилиш методи. Бу — социализм даврида жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. Бунда жамият тараққиётини тўхтатишдан манфаатдор бўлган, умри тугаган тартибларни ҳимоя қиласидан социал қатламлар ёки синфлар йўқдир. Ишчилар синфи, кооперативлашган деҳқонлар, зиёлилар, яъни барча социал синфлар ва қатламлар социализмнинг тез тараққий қилиши ва мустаҳкамланишидан, коммунизм қуришдан астойдил манфаатдордирлар. Социализм шароитида синфларнинг тўқнашуви бўлмайди. Бунда Т. ва ў. т. тараққиётни тезлаштирувчи ролини ўйнайди. Т. ва ў. т. ёрдами билан кишиларнинг турли манфатлари юзага келтирган, олга қараб ҳаракат қилишга халақит берадиган тусиқлар очиб ташланади ва бартараф қилинади ҳамда янги, прогрессив нарса қарор тспади. Т. ва ў. т. нинг ижодкорлик роли социалистик мусобакада, меҳнатга коммунистик муносабат учун бошланган ҳаракатда яққол намоён бўлмоқда. Т. ва ў. т. методи меҳнаткашлар ташаббусини қулоч ёйдиришга, уларни коммунизм қуришда актив иштирок эттиришга имкон беради. Т. ва ў. т. хўжаликни бошқаришнинг эскирган методларини ва формаларини ҳамда у ёки бошқа корхона ва муассасаларнинг ишларida ишудлик билан ёки бўйруқбоэзлик-бюрократлик методлари билан раҳбарлик натижасида юз берган ошкора камчиликларни очиб ташлашга имкон беради. Социалистик жамиятда амалий Т. ва ў. т. учун турли жамоат ташкилотларининг мажлислиридан, матбуот, радио ва телевидениедан кенг фойдаланилмоқда. Илм-фани тараққий қилдириш, социалистик жамиятнинг барча аъзоларини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун Т. ва ў. т. нинг аҳамияти foят каттадир.

**ТАРАҚҚИЁТ** (развитие) — ривожланиш, ривож, ривожлантириш — фалсафий тушунча бўлиб, бу тушунча оламда юз берадиган ўзғаришларнинг ҳарактерини очиб беради. Воқеликдаги предметлар ва ҳодисалар ўзгармайдиган, ҳамиша бир зайлда турадиган, ўз-ўзинга тенг бўлиб қоладиган ҳолатларда мавжуд бўлмасдан, балки ҳақиқий тарихни, пайдо бўлишдан то гойиб бўлишга қадар бир ҳанча ҳолатларни ўз бошидан кечиради. «Т.» тушунчasi барча бу ўзғаришларнинг қайтарилмас ҳарактерини ифодалайди. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир предмет, ҳодиса, система, умуман бутун олам сингари, шунчаки ўзғарибгина қолмайди, балки ҳамиша янги ҳолатларга ўтади, яъни илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, мавжуд ҳолатларни эса ҳеч қачон мутлақ аниқлик билан такрорламайдиган татларга ўтади. Сабабки ҳар бир предметнинг, системанинг ҳола-

тини фақат ички алоқалар эмас, балки ташқи алоқалар ҳам белгилайди. Бинобарин, предмет, система илгариги ҳолатига қайтиши ёки бу ҳолатини мутлақо аниқ тақрорлаши учун ўзаро таъсир қилиб келган моддий системаларнинг бутун ниҳоясиз сонининг илгариги ҳолатини қайтадан вужудга келтириш зарур бўлади, бу эса мумкин эмасдир. Таракқиётнинг икки хил тенденцияси бор. Бири — юқорилаб бориш, оддийликдан мураккабликка, қўйи ҳолатдан юқори ҳолатга ўтиш тенденцияси (прогрессив йўл) бўлиб, иккинчиси — пастлашиб бориш, мураккабликдан оддийликка, юқори ҳолатдан қўйи ҳолатга тушиш тенденцияси (ретрессив йўл) дир. Ҳар қандай индивидуал объект учун Т. нинг ҳар иккала ийлонинг (прогрессив йўл билан ретрессив йўлнинг) изчиллик билан қўшилиб бориши характерлидир. Мас., организмлар пайдо бўлади, ўсади, такомиллашади, лекин сўнгра муқаррар суратда қарибди ва ҳалок бўлади. Умуман тирик табиатда ва инсоният жамиятида Т. нинг прогрессив тенденциялари амал қиласди. Бутун коннотга нисбатан эса унинг макон ва замонда ниҳоясизлиги сабабли, Т. тенденцияларидан бирортасини ажратиб кўрсатиб бўлмайди.

**ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ** (воспитание и образование) — шахсни камол топтиришнинг асосий усуслари бўлиб, бу иш турли социал тадбирлар системаси орқали (аввало мактаб, маҳсус ўрта, олий ва профессионал-техника ўқув юртлари орқали) амалга оширилади. Т. ва т. нинг обьектии зарурияти инсоният жамияти табиатининг ўз негизидадир. Ҳайвонлар хатти-ҳаракатининг турли белгилари ва хусусиятлари соф биологик йўли билан, асосан ирсият аппарати орқали авлоддан авлодга берилади (ҳайвонларга «таълим бериш» деб аталган нарса асос эътибори билан мослашув характерига эга бўлиб, ўргатиладиган ҳайвоннинг асосий белгиларига эмас, балки ундаги хатти-ҳаракатнинг баъзи формалари ва усуllibrigagina тааллуқлидир). Инсондаги биологик белгилар ва хатти-ҳаракатнинг баъзи хусусиятлари ҳам ана шундай йўл билан берилади. Бироқ, маълум-ки, инсон шахсининг моҳиятини бу белги ва хусусиятлар ташкил этмайди. Бу мҳият инсоннинг ижтимоий фойдали фаoliyatiда иштирок этишга қанчалик қобилиятли эканлиги билан белгиланади, бундай қобилият эса фақат соф социал йўл билан, яъни аввало бунинг учун маҳсус равишда ташкил этиладиган ижтимоий муассасалар системаси орқали шакллантирилиши мумкин. Ижтимоий қобилиятларни шакллантириш процесси худди Т. ва т. нинг асосий мазмунини ташкил этади. Таълим процессида кишилар турли масалаларни, мас., математика, физика ва шу кабиларга доир масалаларни ечиш усуllibarini билдирадиган билимларни оладилар. Бу билимларни эгалламасдан туриб, амалий фаoliyatining жуда хилмз-хил турлари соҳасида мувафақиятга эришиш мумкин эмас. Билим кишининг онг доирасини кенгайтиради, теварак-атрофдаги воқеликни англашга,

ижтимоий ҳаётнинг сиёсат, санъат, маданият, спорт ва ш. к. соҳаларида иштирок этишга имкон беради. Жамиятда мавжуд бўлган меҳнат тақсимоти ва меҳнатнинг ихтиносослаштирилиши фақат умумий таълимнига эмас, балки маҳсус, профессионал-техника таълим мини ҳам зарур қилиб қўяди. Агар умумий таълим умумий қобилияларни шакллантириса ва ҳар қандай ишда зарур бўлган билимларни, малакаларни берса, маҳсус таълим фаолиятнинг бевосита муайян бир турига тайёрлади. Таълимдан фарқли ӯлароқ, тарбия инсонда маҳоратни, бирон ишни бажариш қобилиятни шакллантирмайди, балки шахснинг ахлоқий принциплари, қимматли томонлари, интилишлари, характер белгилари каби ички сифатларини тарбиялаб етиширади. Тарбия инсонда воқеиликка, бошка одамларга муайян муносабатни ўстирадики, бусиз инсоннинг жамиятда ҳаёт кечириши мумкин бўлмайди. Инсоннинг қандай камол топишини аввало ижтимоий тузум характеристери, шахснинг ривожланиши учун жамият яратиб берган имкониятлар белгилайди. Тарбияни қатъий суратда муайян қилиб қўйилган тартибот амалга оширмайди, у шахс иштирок этувчи ҳамма ижтимоий муассасаларда ва ҳаёт соҳаларида юз беради. Жамият ҳамма вақт ҳам назарда тута бермайдиган таъсирлар ҳам бунда хийлагина бордирки, булар инсонга унинг кундалик ҳаётининг (*оила, машшат*) ўтказадиган таъсирларидир. Баъзан бу факторлар шахсга ҳалокатли таъсир кўрсатади, бундай ҳолда эса тарбия процесси ўз моҳияти билан қайта тарбия сифатида юзага келади. Гарчи Т. билан т. иннинг мақсадлари ва формалари турлича бўлса-да, ҳаётда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, бинобарин, амалда ҳар қандай таълим тарбия беради, шунингдек ҳар қандай тарбия таълим беради. Коммунизм қураётган бизнинг жамиятимиз олдида ҳар томонлама, уйгун равишда ривожланган янги одамни тарбиялаб етишириш каби амалий вазифа тушибди. Бунинг учун эса Т. ва т. шахсни камолга етказишнинг ягона, яхлит процесси бўлиб майдонга чиқиши зарур (*Коммунистик тарбия*).

**ТАРИХ ФИЛОСОФИЯСИ** (философия истории) — фалсафий билимнинг бир соҳаси бўлиб, у тарихий процесснинг умумий қонунларини, тарихнинг йўналиши ва борнишини ёйдинлаштириб, уни билиш методларини очиб беради. Гарчи «Т. ф.» терминини Вольтер киритган бўлса ҳамки, лекин тарихни англаб сливашга ҳамда ундач ҳозир ва келажак учун сабоқлар чиқаришга антик замонлардаёқ уринганлар. Аммо асл маънодаги Т. ф. 17-асрнинг охирлари — 18-асрнинг бошларида яшаган итальян философи Викодан бошлиниади. Вико жамиятнинг доира бўйлаб даврий ривожланиши идеясини иллари сурган эди: ҳар бир ҳалқ, гарчи турли вақтда бўлса-да, болалик, ёшлик ва етуклик босқичларини босиб ўтади, сўнгра ҳаракат пастлашиб кетиш йўли билан боради ва янги доиравий

айланиш бошланади. Т. ф. нинг ундан кейинги ривожи Вольтер, Гердер, Монтескье, Руссо ва 18-асрда ўтган бошқа мутафаккирларнинг номлари билан боғлиқдир. Бу мутафаккирлар илоҳий кароматларнинг халқлар тақдирiga аралашви ҳақидаги диний қараашларни танқид қилиб чиқдилар, табиий факторларнинг (иқлимий ва бошқа табиий шароитларнинг) кишилар ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаб кўрсатдилар, жамиятнинг прогрессив, юқорилаб бориш йўли билан тараққий қилиши идеясини қаттиқ турib ҳимоя қилдилар. Марксга қўдадар Т. ф. нинг тожи Гегель системаси эди, Гегель тарих — тасодифий ҳолатлар занжиридан, кишилар ҳаракатларининг бир-бири билан боғланмаган пала-партиш чирмашувидан иборат эмас, балки тартиб ва қонуни салтанатидан иборатидан, бу салтанатда ҳозирги нарса зарурни ўтмиш нарасдан, келажак ҳозирдан ўсиб чиқади; тўғри, кишилар ҳаракатларининг натижалари одатда уларнинг ниятларига тўғри келмайди, деб ҳисобларди. Гегель тарихий воқеаларнинг ички боғланишини ойдинлаштириб беришга уринаркан, тарихда қандайдир илгаритдан белгилаб қўйилган планга кўра ҳаракат қўйтувчи оламий рӯҳ амал қилиб туради, деб ўйлади. Тарихни воқеликдан ажralган ҳолда абстракт тушунишни *тарихий материализм* бартараф қилди. Тарихий материализм кишилар фаолиятининг объектив қонунларини очиб бериб, жамият тараққиётининг чинакам илмий назарияси бўлиб қолди. Ҳозирги замон буржуа философиясида Т. ф. нинг турли концепциялари мавжуд. Уларнинг характерли хусусияти шуки, улар ўтмишдаги буржуа мутафаккирлари илгари сурған кўпгина ижобий идеялардан воз кечмоқдалар, жамиятнинг прогрессив тараққиётини, тарихий процессининг умумий қонунларини инкор қилмоқдалар, ниҳоят, улар тарихни билиш мумкинлигини инкор қилмоқдалар.

**ТАРИХДА ХАЛҚ ОММАСИНИНГ ВА ШАХСНИНГ РОЛИ** (роль народных масс и личности в истории) — тарихий процесс назарияси асосий масалаларидан бири бўлиб, бу масалани марксизм ва буржуа социологияси қарама-қарши позициялардан турив ҳал қиласидилар. Буржуа назариячилари тарихни ўз иродаси ва ҳоҳиши билан яратувчи «буюқ кишиларнинг» (подшоҳлар, лашкарбошилар, сиёсий арбобларнинг) онгли фаолиятига ё асосий роль берадилар ёки кишиларнинг фаолиятига умуман аҳамият бермасдан, жамият тараққиётни илоҳий тақдирга, азалдан тақдир белгилаб қўйган фатал заруратга боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Марксизм кишиларга ёт бўлган, уларга ҳеч қандай таъсир кўрсатиб бўлмайдиган кўр-кўронга кучларнинг тарихда амал қилишини инкор этади. Тарих — кишилар фаолиятининг маҳсулидир, лекин одамларга тарихни ўзбошимчалик билан эмас, балки уларнинг ҳоҳишига боғли бўлмаган муайян шарт-шароитларда яратадилар. Халқ ва биринчи галда меҳнаткашлар оммаси тарихни яратувчилар бўлиб майдонга чиқади. Улар

экономикада ҳал қилювчи роль ўйнайдилар, чунки улар моддий неъматларни вужудга келтирадилар, моддий неъматлар бўлмаса жамият яшай олмайди, албатта; социал революцияларнинг, сиёсий ва миллӣ ҳаракатларнинг тақдири уларга бўғлиқ. Ҳалқ оммаси жамиятнинг маънавий ҳаётидаго катта роль ўйнайди, буржуа социологлари эса бу маънавий ҳаётни мумтоз шахсларнинг, руҳ аристократларининг имтиёзи, деб ҳисоблайдилар. Ҳалқ оммасининг бу роли тилнинг, фольклорнинг, миллӣ маданият асосларининг яратилишида намоён бўлмоқда. Марксизм ҳалқ оммасининг тарихдаги етакчи ролини эътироф қиласр экан, айни вақтда атоқли кишиларнинг, тарихий шахсларнинг фаолияти ўзот катта аҳамиятга эга эканлигини инкор этмайди. Буюк кишилар, агар улар ҳалқ оммасининг ҳаракатига таяниб иш кўрсалар, агар улар жамият тараққиётти эҳтиёжларини ифодаласалар, воқеаларнинг ривожига прогрессив томонга қаратса таъсир кўрсатадилар. Ҳозирги замон жамиятида синflар ҳаракат қилиб, кураш олиб бормоқдалар, бу синflарга сиёсий партиялар бошчиллик қиладилар. Ана шундан муаяян синfl манфаатларини кузатувчи омма ва партияларнинг раҳбарларига эҳтиёж туғилади. Бу раҳбарлар ижтимоий тараққиёт-эҳтиёжларини бошқаларга қараганда равшанроқ англайдиган, уларни яққолроқ ифодалайдиган, ҳалқ оммасини маҳорат билан ўюштирадиган кишилардир. Иўлбошчиларнинг, омма раҳбарларининг ақл-идроқи, уларнинг шахсий сифатлари ҳалқ революцион курашининг муваффақият қозонишида муҳим роль ўйнайди. Тарих тажрибаси кўрсатадики, қўйи ижтимоий-иқтисодий формациялардан юқори ижтимоий-иқтисодий формацияларга ўта боргани сари, ҳалқ оммасининг роли жамият тараққиётти билан бирга қонуниятли равишда ўсиб боради. Ишлабчиқаришни ривожлантиришда ва ижтимоий ҳаётнинг тури томонларини ўзgartишида омманинг ижодий активлиги ўсиб боради. Социализм ва коммунизм даврида, социал тараққиёт кўпинча стихияни характерга эга бўлиш хусусиятини йўқотиб фақат кишиларнинг онгли куч-гайрати билан амалга оширилаётган чоқда, ҳалқ оммасининг роли айниқса катта аҳамият касб этади.

**ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ** (исторический материализм) — марксча-ленинча философиянинг таркибий қисми, жамият ҳақидаги фалсафий фан, умумий социологик назария. Кўп асрлар давомида инсон фикри жамият нима, у қандай қилиб пайдо бўлди, унинг тараққиётни нимадан иборат, деган масалаларни ечиш устида бош қотириб келди. Т. м. биринчи бўлиб бу саволларга илмий жавоб берди ва жамиятга, унинг тарихига бўлган қарашларда революцион ўзгариши ясаганигини билдирид. Бу ўзгаришининг моҳияти шундан иборат бўлдики, тарихий гайри илмий идеалистик тушуниш ўринини илмий

материалистик тушуныш эгаллади. Жамият ҳақидаги марксизмдан бурунги таълимотлар бевосита кузатилувчи фактга асосланиб, тарихни одамлар — онг ва иродаси бўлган вужудлар ясадилар, кишиларнинг ҳамма ишлари, хатти-ҳаракатлари уларнинг онги иштироқи билан содир бўлади, деган фикрни илгари сурадилар. Шу фикрдан, барча тарихий воқеаларнинг туб сабаби, ҳамма социал ўзгаришларнинг манбаи — кишиларнинг идеал истакларидан, уларнинг идеялари, назарияларидан иборатдир, хулласки, жамиятнинг негизи унинг руҳий ҳаётидир, деб хulosа чиқарилган. Лекин бу нуқтаи назар ҳақиқий муносабатларни оёгини осмондан қилиб қўяди. Кишилар идеялар, назариялар яратишларни олдин яшамоқлалири лозим. Яшамоқ учун эса улар ейишлари, ичишлари, кийиншлари, туар жойга, кийим-кечакка, ёқилтига ва ҳ. к. эга бўлишлари керак. Кишилар ўзларига зарур бўлган бу нарсаларни тайёр ҳолда табиатдан тополмаганликлари сабабли уларни ишлаб чиқариш билан шуғулланишга мажбурдирлар. Лекин тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқарар эканлар, шунинг ўзи билан улар муайян ҳолда турмуш кечирадилар, бир-бирлар билан муайян муносабатларга киришадилар. Моддий неъматлар ишлаб чиқарин процессида одамнинг ўзи ҳам онги, қарашлари, интилишлари билан бирга камол топади. Шундай қилиб, моддий ишлабчиқарши шундай бир асосдан иборатки, бу асос пировард ҳисобда кишиларнинг ҳаётий фаолият тарзини характерлаб беради, бутун ижтимоий ҳаётни белгилайди. Т. м. ишлабчиқаршишнинг ривожланишига асос бўлган қонунларни кашф этгач, жамиятнинг ўзининг тараққиёти хусусиятларини аниқлай ола билди. Т. м. буржуа мутафаккирлари ўз даъволарига асос қилиб олган умуман жамият, абстракт жамият йўқлигини исбот қилди. Ҳар бир тарихий даврда жамият у ёки бошқа тарздаги ижтимоий-иқтисодий формация — конкрет жамият сифатида майдонга чиқади, бу жамиятда ишлабчиқариш тараққиётининг муайян даражасига кишиларнинг шу жамият учун характерлери бўлган сиёсий, ахлоқий, оилавий, маший ва бошқа муносабатлари мувофиқ келади. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация алоҳида социал организм бўлиб, бу организм қонуниятли суратда пайдо бўлади, ривожланади ва бошқа, мураккаброқ организмга айланади. Шунга мувофиқ инсониятнинг бутун тарихи турли воқеаларнинг ижтимоий ҳодисаларнинг тартибсиз равишда устма-уст қалашуви тарзида эмас, балки муайян ишлабчиқариш усуллари асосида бир хилдаги ижтимоий-иқтисодий формациялар ўрнига иккичи хилдаги ижтимоий-иқтисодий формациялар изчил суратда келишининг қонуниятли, зарурий табиий-тарихий процесси тарзида намоён бўлди. Шунинг натижасида жамият тараққиётининг асосий тенденциясини аниқлашга, бу тараққиёт истиқболларини тушунишга, энг сўнгги эксплуататорлик жамияти капитализм ўрнига эксплу-

атация билан сиғпазмайдиган коммунизм жамияти келиши муқаррарлигини исботлашга муваффақ бўлинди. Т. м. ижтимоий тараққиёт қонунларини аниқлаб, улар кишилардан ташқари ҳаракат қиладиган қандайдир нариги дунёга хос кучлар эмаслигини кўрсатди. Лекин тарихда миллиард-миллиард кишилар ҳаракат қиласиди. Уларнинг ҳаракатлари тўқнашиб, терсласиб қолади. Т. м. кишиларнинг хилма-хил ҳаракатларининг ана шу мураккаб ҷалқаш-чулкашлигини аниқлаб олиб, уларни катта-катта ижтимоий группалар — синфлар, ҳалқ оммаларининг ҳаракатларидан иборат қилиб кўрсатиш имкониятини беради. Бу ҳаракатлар асосида кишиларнинг туб манфаатлари ётади ва бу манфаатлар улар ҳаётининг моддий шароитларидан, у ёки бошқа *ишлабчиқариш муносабатлари* системасида уларнинг тутган мавқеидан келиб чиқади. Ҳалқ оммаларининг худди ўзи чинакам тарихни яратувчилардир. Улар муайян идеяларга, интилишларга амал қилиб иш кўрадилар; идеологлар, нўйлошчилар, омманинг ташкилотчилари майдонга қелади. Шу сабабли Т. м. идеяларнинг ҳал қилувчилик ролини, шунингдек тарихда машҳур шахсларнинг ажрим қилувчилик ролини инкор қилиш билан бирга улар жамият тараққиётiga foят катта таъсир кўрсатишини таъқидлайди ва бундай таъсир кўрсатишини мумкин қиладиган шарт-шароитни очиб беради (*Тарихда ҳалқлар оммасининг ва шахснинг рои*). Т. м. конкрет тарихдан бевосита билим бермайди. У тарихни билишга дастур бўлиб хизмат қиласиди ва бу дастур ижтимоий ҳодисаларнинг мураккаб аралаш-қуралаш ҳолларини тўғри аниқлаб олишга, ҳалқ оммасининг тарихий курашида ўз ўринини белгилашда ва коммунистик қурилишда онгли суратда иштирок этишга имкоя беради.

**ТАРИХИЙЛИК ВА МАНТИҚИЙЛИК** (историческое и логическое) — фалсафиј категориялар бўлиб, шу категориялар ёрдамида тараққиётнинг реал процесси билан унинг тафаккурдаги ишъикоси ўртасидаги нисбат ифодаланади. Тарихийлик — бирон-бир предмет тараққиётининг объектив процессининг ўзидир, воқеликда рўй берган реал тарикдир. Mac., қўёш системасининг ривожланиши, Ернинг геологик тарихи, одамнинг келиб чиқиши, инсоннинг жамиятининг тарихи, техника, тил, тафаккур, фанларнинг ривожланиши — шулар ҳаммаси тарихийдир, яъни объектив, реал суратда юз берадиган ёки юз берган процесслардир. Мантиқийлик — тарихийликнинг назарий акс эттиришидир. Лекин бу акс эттириш процесснинг ҳамма тафсилотлари, ҳамма мухим ва номухим воқеалари билан бутун жараёнини кузатиб бориш ва ёзиб чиқиши йўли билан эмас, балки унинг натижасини анализ қилиш, тарих жараёни ривожланган предмет томонларининг қонуниятли нисбатида қай тариқа таъсир, из қолдирганлигини очиб бериш йўли билан амалга оширилади. Башқача қилиб айтганда, мантиқийлик — ривожланган ҳолатдаги

предмет томонларининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини анализ қилиш орқали тарихийликни фикран қайта ҳосил қилишидир. Т. ва м. нишг ўзаро алоқадорлигини бу хилда тушуниш бу проблемани Гегель томонидан кўрсатилган ҳал қилиш йўлига қарама-қаршидир. Гегелнинг фикрича, мантиқийлик тарихийликдан олдин мавжуд бўлган эмис. Ўз-ўзлигича ривожланувчи мантиқий идеяни Гегель, бирдан-бир ҳақиқий вожелик деб, бутун мавжудотнинг негизи ва «ҳаётбахш жони» деб, реал тарихни эса фақат ташки, чин бўлмаган кўриниш, мантиқийликнинг «ўзга шакли» деб қаради. Шу тариқа идеализм Т. ва м. нишг мантиқийлик тарихийликни акс эттиришидан иборат бўлган ҳақиқий нисбатини тескари қилиб, бузуб кўрсатади. Т. билан м. бирлиқда бўлади. Мантиқийлик тушунчалар-пинг ўзаро алоқадорлиги орқали, бир хил тушунчалардан иккинчи хил тушунчаларга изчили ўтиш йўли билан тараққиёт процессининг реал жараёнини унинг асосий, ўзак моментларида қайта ҳосил қиласди. «...Энг оддийликдан мураккабликка қараб юқорилаб борувчи абстракт тафаккур жараёни ҳақиқий тарихий процессга мувофиқ келади» (Маркс). Бироқ Т. билан м. нишг бирлиги тафовут ва зиддиятни ўз ичига олади. Мантиқийлик тарихийликка нисбатан бир қадар мустақилликка эгадир. Бу мустақиллик, биринчидан, шунда ифодаланадики, мантиқийлик ишни «охир»дан, натижадан бошлаб, ўтмиш тарихни унинг юқори босқичи нуқтаи назаридан тадқиқ қиласди. Маркс бу моментни ажратиб кўрсатиб, мантиқий қараб чиқиши, одатда, реал тарихий процессга терс йўл билан боради, чунки у ишни ривожлапган формадан бошлайди ва шу форма орқали унинг қарор топиш йўлини ҳам тушунмоқчи бўлади, деб таъкидлаган эди. Бу билан иккинчи момент ҳам боғли бўлиб, унда мантиқийликнинг нисбий мустақиллиги юз беради, яъни мантиқийлик тарихийликни акс эттиаркан, реал тарихнинг тасодифлари ва әгри-буғри йўлларини назардан соқит қиласди ва шу билан тарихийликнинг тўғриланган, тузатилган инъекосини кўрсатиб бергандай бўлади. Бунда қуйидаги ҳолли тушуниш мухимдир: мантиқийлик ишни натижадан бошлайди, деган гап, у тараққиётнишг реал жарёнидан чекинади ёки уни бузуб кўрсатади, деган маъниони билдирамайди; аксинча, предметнинг ривожланган ҳолатини анализ қилиш худди унинг ҳақиқий «бошланиши»ни, унинг тараққиётидаги ўзак нуқталарни, яъни унинг тарихий жиҳатдан қарор топишининг ҳақиқий изчилигини аниқлаш воситасидир. Маркс «Капитал»да капитализмнинг тарихини, яъни ривож топган капиталистик жамият қонунари асосида назарий жиҳатдан англаб олинган тарихини худди ана шу тариқа кўрсатиб берган. Т. билан м. нишг диалектика бирлиги ҳақида Энгельс очиқ-ойдин қилиб бундай деган: «Тарих нимадан бошланса, фикрларнинг бориши ҳам худди ўшандан бошланмоғи лозим, бу жараённинг ундан кейинги ҳаракати худди тарихий про-

цессснинг абстракт ва назарий жиҳатдан изчил формадаги инъико-сидан иборат бўлади; бу инъикос тузатилган ҳолда, яъни қонунларга мувофиқ тузатилган ҳолда бўлади; бу қонунларни эса ҳақиқий тарихий процессснинг ўзи беради, аммо бунда ҳар бир момент унинг шундай тараққиёт нуқтасида олиб қаралиши мумкинки, бу нуқтада процесс тўла етуклика, ўзининг классик формасига эришган бўлади. Фанда мантиқийлик билан бир қаторда тадқиқотнинг тарихий усули ҳам қўлланилади, бу тадқиқотнинг вазифасига тарихий процессни унинг бутун тўлиқлигича ва тақрорланмаслик ҳолатида, «танаси ва қони билан» тасвирлаб бериш киради. Тарихий усула нисбатан мантиқий усул шундай афзалликка эгадирки, у ривож топган предметнинг ўзига хос алоқаларини аниқлагандা, унинг ўзинча алоҳида хусусияти борлигини аникроқ белгилаш имкониятини беради ва шу билан унинг тарихини тушуниш учун ҳам йўл кўрсатади. Ана шу маънода мантиқийлик тарихийликни тушуниш калитидир. «Одам анатомияси — маймун анатомиясига калитидир» (Маркс). Бунинг маъноси — кўпроқ ривож топган организмни анализ қилиш, камроқ ривож топган организмлардаги тараққиёт «куртаклари»ни, «юқори ҳолатга қилинган ишоралар»ни кўришга ва шу билан ривож топмаган организмларни улар тараққиётининг объектив тенденциялари нуқтаи назаридан тушунишга имкон беради.

### **ТАРИХНИ МАТЕРИАЛИСТИК ТУШУНИШ қ. Тарихий материализм.**

**ТАСАВВУР** (представление) — илгари идрок этилган нарсанинг, ҳодисасиңг онгда конкрет, яхлит тарзда қайта ҳосил қилиниши. Предмет сезги органларига бевосита таъсир қилган чоқдагина пайдо бўладиган сезги ва идрокдан фарқли ўлароқ, Т. сезги органларининг жисмоний қўзғалишиз таркиб топади. Mac., биз қаттиқ қизитилган предметга текканимизда оғриқ сезамиз. Лекин биз оғриқнинг ўзини баданда сезмасдан, яъни қизитилган нарсага тегмасдан туриб ҳам куйиш оғригини тасаввур қилишимиз мумкин. Биз пейзажга қараб туриб уни идрок этамиз. Лекин кейин кўзимизни юмиб туриб пейзажни тасаввур қила оламиз. Т. хотира билан боғлиқ бўлиб, ассоциациялардан ҳосил бўлади. Шундай қилиб, Т. сезги ва идрокка қараганда предмет билан уччалик қаттиқ боғланмаган ҳолда бир қадар умумлашмани билдиради: предметнинг уччалик «пайкалмайдиган» ва хотирада қолмайдиган баъзи хоссалари унда четта сурнлари, бошқа, мұхимроқ хоссалари эса биринчи ўринга чиқади. Билиш процессида Т. нинг аҳаннити шу билан белгиланадики, у инсон онгига нарсалар ёки ҳодисалар билан бевосита алоқада бўлмасдан туриб, уларнинг яққол ҳиссий образларини гавдалантириш имкониятини беради. Инсон онгига пайдо бўладиган Т. англаб олиш характеристига эга бўлиб, у сўз билан ифодаланади, инсоннинг илгарк ортириған билими, унинг бутун амалий тажриба-

си Т. нинг мазмунига таъсир қилади. Аммо Т. тушунчага қараганда унча чуқур билим бермайди, тушунчада эса предметларнинг муҳим хоссалари номуҳим хоссалардан мавхум равиша акс эттирилади. Шундай бўлса-да, Т. билиш процессида тушунча билан, мантиқий абстракциялаш билан бир қаторда, оламнинг яққол, образли-қўри-нишли ийнекоси сифатида мустақил қимматга этадир. Т. онгга гўё мавжуд воқеилидан ажралиб, инсонда у ёки бу пайтда ҳис этиладиган нарса доирасидан чиқиш, ўтмишин хотирада тиклаш ва кела-жакни олдиндан пайқаш, идрокларни, фантастик образларни қайта ишлаш имкониятини беради, фантазиясиз, хаёлсиз эса ижодий фаолиятнинг бўлиши мумкин эмас.

**ТАСВИР** (описание) — объектнинг тавсифларини қайтадан ҳосил қилиш; бундан мақсад мазкур объективнинг манзарасини, обра-зини бошقا кишилар онгида қайтадан акс эттиришдир. Т. ни оддий тил воситалари билан ҳиссий, кўргазмали (расм) кўринишга яқинроқ даражада (адабий асарда портрет), объективнинг муҳим тавсифлари ва алоқаларини ифодалайдиган махсус тушунчалар ёрдами билан амалга ошириш мумкин. Фойдаланиладиган восита-ларга қараб, Т. нинг натижалари турлича амалий ва илмий қиммат-га, объектга мувоғиқ келишининг турли даражасига эга бўлиши мумкин. «Т.» термини билан одатда кузатиш ва эксперимент нати-жаларини (бирон-бир воситалар билан) қайд этишдан иборат илмий тадқиқотнинг махсус босқичини билдирадилар. Шу хилдаги Т. ёрдами билан эмпирик билим, яъни тажриба йўли билан ортти-рилган айrim фактлар ҳақида билим ҳосил қиладилар. Қонунларни, муҳим алоқаларни очиб берувчи изазария яратилганлиги туфай-ли бу фактлар ўз изоҳини топмоқда.

**ТАФАККУР** (мышление) — инсоннинг меҳнат фаолиги процес-сида шаклланган ва ривожланиб бораётган ижодий қобилияти, би-лишининг олий формаси. Т. нинг туб мазмуни — объектив оламда юз берадиган предмет ва процессларнинг моҳиятларини абстракция-лар ёрдами билан акс эттиришдан иборат. Т. инсон онгининг энг муҳим компонентларидан бири бўлиб, бу онг Т. билан бир қаторда лаёлни, турли хилдаги эмоцияни ва ш. к. ўз ичига олади. Т.—ин-соннинг абстракт-рационал, интеллектуал қобилитидир, бу қоби-лиятни айrim, яккаланган ҳолда эмас, балки фақат бошقا қобили-ятлар билан биргаликдагина тушуниш мумкин. Т. ни кўп фанлар: гносеология, психология, физиология, кибернетика ва ҳ. к. ўргана-ди. Гносеология Т. нинг борлиқ билан алоқасини, унинг формалари ва методларини қараб чиқади. Философия тарихида Т. билан борлиқнинг алоқаси, тафаккур фаолиятнинг манбай философия-ниг асосий масаласини материалистик ёки идеалистик ҳал этишга қараб турлича тушуниларди. Т. ни борлиқдан, материядан ажратиб қарашга интилиш идеалистларнинг доимий хусусияти эди, материал-

листлар эса Т. ни воқееликнинг акс этиш формаси деб қаардишар. Шу билан бирга метафизик метод уларнинг кўпига Т. ни пассив, ойнасимон акс эттириш деб эмас, балки процесс деб, инсон фаолиятининг муайян формаси леб тушунишга халақит берарди. Марксистик философиядан бурунги философияда мутафаккирларнинг кўпчилиги билиш назариясида ё эмпиризмга қараб, ёки рационализмга қараб оғар эдилар. Шу билан бирга эмпириклар ва рационалистлар билишда Т. нинг ролини турлича тушунардилар. Эмпириклар билишнинг бутунисини ҳиссий инъикоснинг турли формаларидан (идроклар, тасаввулар ва х. к.) иборат қилиб, Т. нинг функцияси ни эса фақат улар ўргасидаги алоқани аниқлашдан, уларни фарқ қилиш ва таққослади кўришдан иборат деб ҳисоблардилар. Рационалистлар эса, аксинча, Т. нинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатар, уни ҳиссий инъикосдан ажратиб, билишнинг манбаига ва ҳаракатлантирувчи кучига айлантирадилар. Т. нинг илмий тушунчаси марксистик генеалогияда таърифлаб берилган. Унинг моҳияти қўйидагилардан иборат. Т.—юксак даражада ташкил топган материя—мияннинг хосасидир. Фикрлаш фаолиятини тушуниш учун бош мияда содир бўладиган олий нерв фаолиятининг, процессларнинг хусусиятларини очиб бериш катта аҳамиятга эгалар. Бироқ ёлгиз физиология механизmlарга асосланиб Т. нинг моҳиятини изоҳлаб бериш мумкин эмас. Т.—предмет-ҳиссий, амалий фаолиятга боғли бўлган инсон фаолиятининг алоҳида маънавий формасидир. Инсоннинг ривожланишидаги дастлабки босқичларда унинг Т. и бевосита практикага чирмашиб кетган. Аста-секин маънавий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралди, натижада Т. мустақиллик касб этади. Шу билан бирга у жамиятнинг жами маддий фаолияти билан боғланган ҳолда қола беради; бу боғланиш фақат мураккаброқ характерга эга бўлади. Ташкии предмет-ҳиссий фаолият Т. да ички ишларга кўчирилади. Инсон илгари ташкии маддий предметлар билан қилган ишларни эндилика идеал терза бажаради. Улар фикрлаш ишларига айланади. Чунончи, инсон ўз меҳнат фаолиятида бажарадиган предметларни қисмларга ажратиш, уларни таркибий қисмларга бўлиш иши, инсон предметларнинг хоссаларини Т. да анализ қила бўшлагач, фикрлаш ишига айланади. Т. билан амалий фаолиятнинг ўзаро алоқадорлиги шунда ҳам кўринадики, практика—бизнинг тушунчаларимиз, назарияларимиз ва ҳ. к. чинлигининг критериясидир. Т. нинг чинлиги у фақат практикада, унинг эксперимент, инсоннинг тарихий фаолияти ва шу каби формаларида рўёбга чиққан тақдирдагина синовдан ўтган бўлади. Қундалик Т. билан илмий Т. ни фарқ қилиб қарайдилар. Агар қундалик Т. инсоннинг хатти-ҳаракати ишларига бевосита чирмашиб кетган бўлиб, унинг дунёда тўғри йўл топиб ҳаракат қилишга ёрдам берса, илмий Т. предметларнинг моҳиятини назарий жиҳатдан қайта ҳосил қилишни ўз олдига мақ-

сад қилиб қўяди. Уларнинг фарқи нисбийдир: илмий Т. практикада мужассамлашиб, кундалик онгни ўзига сингдириб олади ва инсон хатти-ҳаракатини тартибга солиш воситаси бўлиб қолади. Илмий Т. нинг роли айниқса бизнинг замонимизда ошиб бормоқда, ҳозирги вақтда у инсон ҳаётининг барча соҳаларини сингдириб олмоқда. Шунингдек муайян амалий-зарур мақсадларни (мас., техника-конструкторлик мақсадларини) амалга оширишга қаратилган техник Т. билан инсон борлигининг мазмуни ҳақида, жамият тараққиётиниг истиқболлари ҳақида, инсон ҳаётидаги маданият қимматдорларининг аҳамияти ҳақида ва ҳ. к. муҳокама қилишдан иборат Т. ўртасида ҳам фарқ бор. Т. — эмпирик кузатиш билан маҳкам боғлиқ бўлган рационал билишлар. Т. сезги аъзоларидан материал олиб, уларни қайта ишлайди. Шу сабабли у предмет билан, мас., сизги сингариг, бевосита эмас, балки моддий фаолият, ҳисстайгуларнинг маълумотлари, олдин ўтган ва маданият предметларida, тилда ва ҳ. к. мужассамлашгани маънавиӣ фаолият орқали боғлиқдир. Фикрлаш фаолияти тил формасида юз беради. Бу ҳол инсонга фақат ҳиссий мушоҳада доирасини кенгайтириш учун эмас, балки шу билан бирга ортирилган тажрибани нутқ алоқаси процессида бошқа кишиларга бериш учун ҳам имкон туғидиради. Предметнинг фақат ташқи томонини билишга имкон берадиган ҳиссий идрокдан фарқли ўлароқ, Т. предметниг ичига чуқур киради, унинг туб алоқаларини, тараққиёт қонуниятларини очиб беради. Т. да бизнинг билимимиз воқеликдан ажратилмайди, балки, аксинча, унга яқинлашади, уни «чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ» (Ленин) акс этиради. Т. туфайли инсон муайян мақсадларни шакллантиради ва бу мақсадлар фаолият маҳсулини идеал равишда олдиндан пайқайди ва инсон шу мақсадларга мувофиқ равишда дунёни ўзгариради. Т. тушунча, муҳокама, ҳулоса, гипотеза, назария ва ҳ. к. формаларида юзага чиқади. Предметларнинг моҳиятини қайта ҳосил қилиш учун у турли методлардан: абстракциялаш (*Абстракция*), индукция, дедукция, моделлаштириш, анализ, синтез ва ҳ. к. методлардан фойдаланади. Т. нинг бу форма ва методларининг ҳаммаси мураккаб бирлики ташкил этади.

**ТАФОВУТ** (различие) — фарқ, айрма — предметлар, ҳодисаларнинг тавсифи бўлиб, бу тавсиф уларнинг ўз-ўзларига ва бошқа предметлар, ҳодисаларга нисбатан муносабатларида кўринаади; зиддиятнинг ривожланишидаги бошлангич босқич. Ҳар бир предмет нисбатан барқарор, сифат жиҳатдан муайян бўлганин ҳолла ўз-ўзинга тенгdir, айни вақтда у ўз-ўзига тенг эмасdir, у ўз-ўзидан фарқ қилади, чунки тўхтовсиз ўзгариши туради. Т. тушунчаси худди ҳодисаларнинг доимий ўзгаришини, уларнинг бир бутунни қарамана-қарши тенденцияларга ажратиб икки ҳолатга солиб қўювчи «ички безовталигини» ифодалайди. Ички тафовутлардан ташқари, сиртқи

тафовутлар ҳам мавжуд бўлиб, бу тафовутлар предметларнинг бошқа предметларда бўлмаган хоссаларини тавсифлайди ва уларни қандайдир мустақил, барқарор ва бошқа предметларда қоришиб кетмайдиган хоссалар сифа ида ажратиб кўрсатади. Ички ва сирткни тафовутлар ўзаро алоқадор бўлиб, муайян шароитда бир-бирла-рига ўтишлари ҳам мумкин.

**ТАШҚИ ВА ИЧКИ** (внешнее и внутреннее) — предметлар ва ҳодисаларнинг тури томонлари, алоқалари. Ташқи ҳолат айни бир предметнинг бошқа предметлар билан алоқасини ифодалайди, теварак-атрофдаги муҳитни ва предметнинг бу муҳитдаги ўрнини характерлаб беради. Ички ҳолат — предметнинг ўзининг тузилишидир: яъни унинг структураси, ундаги элементларнинг характеристикалари ва улар ўртасидаги алоқалардан иборатdir. Ҳар бир предмет, ҳар бир ҳодиса ана шу нуқтаи назардан Т. ва и. ишнг бирлигидир. Диалектиканинг муайян категориялари предмет ва ҳодисаларни фақат уларпиг алоқадорлиги, түзилиши нуқтаи назаридангиша эмас, балки ишсон билишининг уларнииг ичига қаичалик чўқур кириб боришими ҳам характерлаб беради. Бунда ташқи ҳолат одатда предметнинг инсон сезги органлари қайд этадиган хоссаларини ва белгилари сифатида озми-кўлми дараҷада бевосита, дарҳол юзага чиқади. Ички ҳолат эса билиш предметнинг моҳиятини ташкил этади ва одатда бевосита кузатишдан пинҳон бўлади. Бу ҳолат фақат фикрий, назарий анализ асосидагина очиб берилиши мумкин. Бу анализ эса тури мантиқий воситалар ёрдамида сезги органларидан олинадиган информацийни қайтадан ишлаб беради. Модомики нарсаларнинг ташқи хоссаларида бирон тарзда уларнинг ички ҳусусиятлари юз берар экан, демак, билишда ички ҳолат ташқи ҳолат орқали очилади; иккинчи томондац, ташқи ҳолатнинг моҳиятини нировард натижада ички ҳолатни, яъни предметларнинг тузилиши ва ривожини белгилайдиган қонунларни билгандагина тушуниш мумкин. Инсон психикасининг мазмунига характеристика бергандা ҳам Т. ва и. категорияларига мурожаат қиласидилар. Ана шу маънода ташқи дунё ва ички дунё ҳақида гапирадилар. Ташқи дунё ҳақида сўзлаганда, психик фаолиятга қарама-қарши турган нарсани, бу фаолият нимага қаратилганигини (мас., фанинг ҳар қандай предмети) назарда тутадилар. Ички дунё ҳақида сўзлаганда эса, психика нимани ўзлаштириб олганлигини, унинг асл мазмунини ва структурасини ташкил этадиган нарса нималигиги (мас., одамнинг эмоционал кечинмаларини, унинг установкалари, мотивларини) назарда тутадилар. Ҳозирги замон психологияси, ташқи ва ички дунё ўртасида мутлақ чегара йўқ, деб ҳисоблади: ташқи ҳолат ички ҳолатга ва аксинча ички ҳолат ташқи ҳолатга ўтиши мумкин (мас., одамнинг ўёки бошқа ички кечинмаси фаолиятнинг тури формаларида ва унинг маҳсулларида ўз ифодасини топади).

**ТЕИЗМ** (грек. theos — худо) — гүё оламдан уступ турувчи ғайри табиий вужуд бўлмиш *худо* ҳақидаги диний таълимот. Т. нинг нуқтаси назарича, худо — ақлли ва иродали, қурдатли, ҳамма жойда ҳозирнозиз, ҳамма нарсадан хабардор алоҳида шахсdir; у оламини яратади ва уни идора қилади, ҳар қандай мўъжизалар ва илоҳий кароматлар ёрдами билан доимо воқсаларга, одамларнинг ҳаётига аралашиб туради. Т. фанга душмандир, чунки у оламининг ўзига хос қонунлари билан ривожланишини инкор этади. Т. кишиларнинг бутун ҳаётини ғайри табиий вужуднинг иродасига қарам қилиб қўйиб, уларни пассивликка, итоаткорликка маҳкум этади. Т. нинг икки хили бўлиб, бири — бир неча худо ҳақидаги таълимотдан иборат политеизм ва иккинчиси — ягона худо ҳақидаги таълимотдан иборат монотеизмдир. Политеизм *ибтидоий жамоа тузуми* бузилаётган даврда пайдо бўлади, у диннинг турли формаларидан, яъни табиатни жонлантириб кўрсатган, кўпдан-кўп тенг ҳуқуқли руҳлар ва фетишларга ишониши билдирган тотемизм, *фетишизм, анимизм*дан ўсиб чиқади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти, ҳусусий мулк, ҳукмронлик ва итоаткорлик муносабатлари пайдо бўлиши билан худоларнинг бутун бир иерархияси ҳақида тасаввур вужудга келади, бу худолар конкрет қиёфага киради, ўзининг помиҳ, сингиниши бўлади, уларнинг турлича таъсири ва аҳамияти ҳақида афсоналар тўқилади. Синфий жамиятнинг ундан кейинги ривожи, подшоҳ ва императорларнинг чексиз ҳокимияти билан монархик давлатларнинг тузилиши ягона қурдатли худога сингиниши жорий қилиш билан бирга бораади — монотеистик динлар пайдо бўлади. Бироқ монотеизм политизм таъсирининг кўзга кўринарли изларини сақлашни давом эттиради. Чунончи, *христианлик троицага, биби Марямга, кўпдан-кўп ҳар хил авлиё-анбийёларга сингиниши сақлаб қолди.*

**ТЕЛЕОЛОГИЯ** (грек. teleos — мақсадига эришган, logos — тушунча, таълимот) — табиатнинг умумий мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги идеалистик фалсафий таълимот. Т. нинг нуқтаси назарича, ҳар қандай ҳодисаининг, предметнинг ўз мақсади, ўзининг олдиндан белгилаб қўйилган оқилона вазифаси бор эмиш. Т. тарафдорлари жонзорларнинг нисбий мақсадга мувофиқлиги, яъни уларнинг ўз яшаш шароитларига мосташғанлиги фактига асосланиб, табиий мақсадга мувофиқликни алоҳида номоддий кучларнинг таъсири натижаси деб эълон қиласидилар ёки унинг сабабчиси худо деб биладилар. Телеологик қарашларни изчилроқ ва очиқроқ формада 17-асрнинг охири—18-асрнинг бошларидә яшагай немис философи Х. Вольф ифодалаган эди. Вольф, нарсаларни худо инсонга фойда келтириш учун яратган, деб ҳисобларди. Бу нуқтан изазардан қараганда, яшил раңг кўзга фойдали бўлгани учун дарахтлар яшил бўлиб ўсади, бурун кўзойнак тақиши учун, чўчқалар одамларнинг ейиши учун яратилган бўлиб чиқади ва ҳ. к. Табиатнинг «оқилона тузилганилиги»

ҳақидаги, оламнинг мақсадга мувофиқ тартиби ҳақидаги телеологик тасаввур, аслда, антропоморф тасаввурдир, яъни бу тасаввур инсон фаолиятининг хусусиятларини табиатга кўчириш натижасида пайдо бўлади, чунки ўз олдига онгли мақсад қўйиш ва ўз хатти-харакатида унга амал қилиши қобилияти фақат инсонга хосдир. Табиатга телеологик қарашнинг асоссизлиги фанинг тараққёти жаёнида очиб ташланмоқда. Чунончи, Т. нинг биология хукмронлигига Дарвиннинг эволюция назарияси қаттиқ зарба берди. Дарвин жонзотларнинг нисбатан мақсадга мувофиқлиги табиий сабабларнинг таъсиридан келиб чиқишини тушунтириб берди. Ҳозирги замонда органик мақсадга мувофиқлик тушунчасини *кабернетика* чуқурлаштириди. У бундай мақсадга мувофиқликни, организмга доимо ўзгариб турувчи мухитга мослашиш учун имкон берадиган моддий тескари алоқа деб қарайди.

**ТЕОДИЦИЯ** (грек. theos — худо, dike — ҳуқуқ, адолат) — дунёда ёмонликни право кўрган худони оқлаш ҳақидаги диний-фалсафий таълимот. «Т.» терминини «Теодиция» деб маҳсус трактат ёзган немис философи Лейбниц киритган. Т. қандай шаклда бўлмасин, ҳар қандай илоҳиёт системасининг мұхим қысмидир ва у энг асосий диний идеяни — худо идеясини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Илоҳиётчилар Т. ёрдами билан диннинг «шафқатли ва қурдатли» худосидан дунёдаги жабр-зуулм ва адолатсизликлар учун жавобгарликни соқит қилишга уринадилар. Улар ёмонликни шунчаки бир кўргулик, рўё деб қарайдилар ёки ёмонликни яхшилик қилиб кўрсатадилар, яъни ёмонликни одамларнинг гуноҳлари учун худо таоло юборган жазо деб даъво қиласидилар. Т. ўзининг объектив мазмунига кўра ҳамиша, эксплуататорлик жамиятда меҳнаткашларнинг тортаётган азоб-уқубатларини худо номидан оқлаш, насибасидан маҳрум қилинган мазлумларни ўз синфий душманлари билан ярашириш воситаси бўлиб майдонга чиқди. Кўпгина прогрессив мутафаккирлар Т. нинг реакцион социал ролини ва назарий асоссизлигини кўрсатиб бердилар. Улув юон философи Эпикур худони оқлашнинг асоссизлигини яққол очиб ташлаган эди: «Е худо ёмонликка тўсқинлик қилишини истайди-ю, лекин қўлидан келмайди, ә қўлидан келади-ю, лекин истамайди, ёки қўлидан келади ва истайди. Агар истаса-ю, имкони бўлмаса, у ожиздир. Агар қўлидан келса-ю, истамаса, у ёвуздир. Агар қўлидан келмаса ва истамаса, у ҳам ожиз, ҳам ёвуздир, демак, у худо эмасдир. Агар унинг қўлидан келса ва истаги бўлса, у вақтда ёмонлик қаердан пайдо бўлади ва нима учун худо унга тўсқинлик қилмайди?»

**ТЕОЛОГИЯ** (грек. theos — худо, logos — тушунча, таълимот) — илоҳиёт, худо ҳақида таълимот. Христианликда айниқса жуда ривож топди. Христианлик Т. си илоҳий каромат ҳақиқатларини, яъни Тавротнинг мазмунини «каломи худо» деб «илмий» баён қилиб беришини

даъво қиласи. Уни тарихий Т. га (черков, теология тарихи, «таврот-шунослик» ва б.), систематик Т. га (догматика, апологетика, ахлоқий Т.) ва амалий Т. га (гомилетика, литургика, катехетика) бўлиш мумкин. Христиан диний таълимотининг гўё худо томонидан эълон қилинган ақидалари ўзгартиб ва танқид қилиб бўлмайдиган ақидалар деб ҳисоланганилиги сабабли, Т. ўз вазифасини қандайдир янги ҳақиқатларни очишдан иборат деб эмас, балки мазкур ақидаларни фақат системалаштириш, асослаш ва шарҳлашдан иборат деб билади. Т. ўзининг илмийлик даъволарига хилофанд, оламни билишга илмий нұктай назардан қарашга ашаддий душмандир, у ақлга эмас, балки кўр-кўронга эътиқодга таянади, унинг муҳим белгиси — **догматизм**, унинг ҳал қилювчи далили — авторитетларни, «муқаддас» китобларни пеш қилишдир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки илм-фан воситалари билан ҳеч қандай диний таълимот тезисларини асослаб бўлмайди, бу тезислар ўз моҳияти билан илмга хилофдир, улар воқеликни тескари, хаёлий акс эттиради. Т. гарчи ўзининг «илоҳий ҳақиқатлари»ни ўзгарамас деб даъво қиласа-да, шу билан бирга у диннинг таъсирини сақлаб қолишга уриниб, мазкур «илоҳий ҳақиқатлар»нинг шарҳини ҳаёт талабига татбиқан бирор тарзда ўзгартиришга мажбур бўлмоқда. Илмий **атеизм** йўли билан Т. ни танқид қилганда, ана шу ҳолатни назарда тутмоқ керак. Илоҳиётчилар худонинг борлигини исбот қилиш учун, диний ақидаларнинг худо томонидан айтилганлиги ҳақидаги тезисни ҳимоя қилиш учун келтираётган далилларни чуқур, асосли равишда танқид қилиш — динга қарши курашнинг муҳим таркибий қисмидир.

**ТЕХНИКА** (грек. *techne* — маҳорат, санъат) — инсон яратадиган, унинг фаолиятини амала ошириш учун зарур бўлган предметлар (машиналар, асбоблар, транспорт воситалари, мосламалар ва ш. к.) системаси. Т. табиат кучларини ва қонуниятларини билиш ва улардан фойдаланиш асосида яратилади, унда инсоннинг меҳнат функциялари, малакалари, тажрибаси мужассамланади. Техник воситалар системасида моддий ишлабчиқариш Т. сининг асосини ташкил этувчи ишлабчиқарувчи куроллари муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, транспорт ва алоқа, фан ва таълим, ҳарбий, медицина Т. си, маданият, турмуш ва ш. к. Т. си ҳам мавжуд бўлиб, бу ишлабчиқарувчи кучларнинг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади, бу Т. фақат ишлабчиқарувчи кучларнинг бошқа бир қисми билан — инсон билан бирлашган ҳолда ҳаракат қиласи. Инсон фаолиятидан ташқарида Т. ўлиkdir. Т. нинг тарихи — бу унинг инсон билан ўзаро таъсир кўрсатиб ривожланиш тарихидан иборат, у инсоннинг меҳнат функцияларини аста-секин техника воситалари билан алмаштира бориши билан ҳарактерланади. Т. нинг тарихий тараққиёт процесси уч асосий босқични: қўл меҳнати қуролларини, машиналарни, автоматларни ўз ичига олади. Т. ишлабчиқарувчи куч-

лар тараққиёттіннің мезонидір, меңнат амалға ошириладынан ижтимоий муносабаттарнинг күрсатгичидір. Т. тараққиёттіннің бирон-бир даражасы билан харakterланувчи ишлабчиқаруучи күчлар тараққиёттіннің муайян даражасы кишилар ўртасыда муайян муносабаттар ўрнатыны талаб этады. Үз навбатыда бу муносабатлар техника тараққиёттің тескары тәъсир күрсатады, Т. дан фойдаланиш харakterини белгилайды. Чуночы, капитализм шаронитта ұзгаларнинг меҳнатини эксплуатация қылувчи кишилар құлида бұлган Т. күп ҳолларда меңнаткашларға душман күчгә айланады. Автоматлаштириш натижасыда ишсизлар соңын күпайб қетады. Социалистик жамиятда техника тараққиёті меңнаткашларнинг әнг зорур манбаатларында мувофиқ келады. Т. уларнинг меңнатини енгиллаштирады, үннінг ижодий харakterини оширады.

**ТЕХНОКРАТИЯ НАЗАРИЯСИ** (грек. *techne* — маҳорат, санъет, *kratos* — ҳокимият) — техника жиҳатдан тараққи қылған капиталистик мамлакатларда 20-асрнинг 20-йилларда пайдо бұлған социологик назария. Т. н. инг дағынса күра, техника ва унипланлар ривожлантириш ўз-ўзлигіча, ижтимоий тараққиёттіннің бошқа факторларидан қатын назар, барча социал проблемаларни ҳал қыла олар эмиш. Шұнға мувофиқ жамиятни бошқарышни техника ахли құлига, яғни саноат ишлабчиқарыши раҳбарлары құлига топшириш керак эмиш. Т. н. 30-йилларда АҚШда ва Германияда айниқса кенг тарқалды, у мамлакатларда ташкил этилған «технократлар жамиятлары» күп китоблар нашар этган эди, ўзининг вактли матбуотига ега эди ва ҳ. к. Т. н. идеяларни құвватлаган ва ривожлантириған Бёрнхем «менежерлар даври» (саноатдаги бошқарувчилар даври)ни тарғиб қылиб чиққан эди. Унинг фикрича, саноатдаги бошқарувчилар жамиятни ҳам идора қилишлари керак. Бу идеялар АҚШда қозирға қадар ҳам кенг тарқалмоқда. Технократик назариялар ижтимоий ҳаёттіннің ҳам, ишлабчиқарышнинг ҳам мұраккаб харakterини тушумнасилкка асосланғандыр, улар шуни тушунмайдылар, ижтимоий ҳаётта техниканың ривожланиши фақат биргина қалқаны ташкил этады ва ишлабчиқарышнинг табиати, Маркс ишоралы қылиб күрсатғанидек, асло уни техникавий ташкил этиши билангина тамом бўлмайды. Бошқа ижтимоий факторлар: сиёсат, жамияттіннің маданий ривожланиши, маънавий ҳаёттіннің кенг соҳаси, синфий, миллий ва интернационал манбаатлар бундағы катта роль ўйнамоқда ва бундан кейин ҳам ўйнайды. Бу факторларнинг ҳаммасы әнг түрлі харakterдаги вазифаларни юзага келтирдиди, уларнан ҳал қылишин техника тараққиётини ташкил этувчи тор доираларды мутахассисларнинг кичкина элитасыга (зұмрасыга) ишоңиб топшириб бўлмайды. Уларнинг билимлары ва қобиلىятлары ижтимоий ҳаёттіннің бошқа ҳамма соҳаларидаги вакилларнинг тажрибаси ва билими билан құшилғандагина фойдалы бўлиб чиқади.

Т.. н. капитализмнинг умумий кризиси даврида уни туб социал ўзгаришлар қиласдан «қутқарыш»нинг кўпдан-кўп хаёлий назариялардан бирни сифатида пайдо бўлди.

**ТИЛ** (язық) — белгилар системаси бўлиб, бу система билиш воситаси, маънавий маданият ва инсоният алоқаси маҳсулотларини сақлаш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Т. кишиларнинг ҳамжиyatlik билан ҳаракат қилишини талаб этган меҳнат фаолият процессида пайдо бўлди. Одамлар тил, бурро-бурро қилиб айтилган нутк ёрдами билан ўз тажрибаларини, малакаларини, фикрларини, кечинималарини ўртоқлашиб имкониятига эга бўлганлар ва, шундай қилиб, биргалашиб ишлашни йўлга қўйганлар. Т. аста-секин жамият аъзоларининг фақат меҳнат соҳасида эмас, балки ҳаётнинг бошқа ҳамма соҳаларида ҳам бир-бира билан алоқа boglari учун энг муҳим қуролга айланган. Т. бўлмаса, кишиларнинг билувчилик фаолияти ҳам бўлиши мумкин эмас. У тафаккур билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг фикрлари ҳамиша тил формасига бурканган бўлади, у ҳатто ўзи тўғрисида ўйлаганда ҳам шундай бўлади.Faқат T. дагина фикр реал мавжудликка эга бўлади. Фикрларнинг моддий, ҳис билан идрок этиладиган пародаси бўлмиш T. шу фикрлар акс этирадиган предметларни билдиради. Т. белгилари гўёки ҳақиқий предметларнинг ўрнини босиб туради, шу туфайли инсон ўзининг фикрлаш фаолиятида бевосита объектларнинг ўзи билан эмас, балки белгилар билан иш кўради. Mac., биз бирон-бир моддий жисемларнинг жамиини санаб чиққанимизда, мазкур жисемларнинг айни ўзи билан эмас (кўп ҳолларда бу ишнинг қийин бўлиши у ёқда турсин, ҳатто мумкин ҳам эмасди), балки белгилар билан, яъни мазкур жисемларнинг ўрнини босувчи ва сонларни ифодаловчи рақамлар билан иш кўрамиз. Бу ҳол ҳисоблашда санааб чиқиладиган предметларнинг тартибидан ёки миқдорий белгисидан ташқари, бошқа ҳамма хоссаларини назардан соқит қилишга имкон беради. Т. ёрдами билан тафаккурнинг умумлаштириш фаолияти, предметларнинг чуқур ички хоссаларини, уларнинг ривожланиши қонунларини аниқлаб олиш қобилияти рўёбга чиқади. «Ҳар қандай сўз (нутқ) шу ондаёқ умумлаштиради» (Ленин). Чунончи, «стол» сўзи шу хилдаги предметлардан ҳар қандайни, улар бир-биридан нечоғлиқ фарқ қилмасин, билдириши мумкин. Демак, бу сўз билан умуман столнинг фақат белгилари, яъни уни бошқа предметлардан фарқ қилдирадиган белгилари боғлиқдир. Т. туфайли кишиларнинг билувчилик фаолиятининг натижалари, илм-фан ютуқлари умум мулки бўлиб қолади, келгуси авлодлар учун сақланади. Бу эса билиш тараққиётининг узлуксиз тарихий процессини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, Т. (аввало ёзма T.) социал хотиранинг бош қуроли бўлиб юзага чиқади. Т. воситалари билан фақат илмий билишнинг натижалари эмас, балки бутун манъявий маданият маҳсулотларининг

асосий мажмун ҳам мужассамлашади. Т. бойлиги бадиий адабиёт-нинг ва саҳна санъатининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги замонда олиб борилган тадқиқотлар (хусусан қолоқ қабилалар ва эзлатларни ўрганиш) орқали Т. типи билан маданият типи ўртасида, жумладан Т. нинг тузилиши билан тегишли маданиятнинг ривожланиш қобилияти ўртасида тамомила муайян қарамалик борлиги аниқланди. Кишилар кундалик фаолиятларида фойдаланадиган оддий сўзлаш тили билан бир қаторда сунъий тиллар ҳам мавжуд бўлиб, бу тилларниң муайян белгилар мажмун (алифбоси), бу белгиларни қўшиш ва ишлатиш қоидалари (синтаксис) бордир. Мас., математикада, химияда фойдаланилладиган символларнинг, электрон-хисоблаш машиналари учун программалар тузишда қўлланилладиган кодлар системасининг тиллари ана шундай тиллардир ва ҳ. к. Сунъий тиллар ҳеч бир ҳолда табиий тил ўрнини босолмаса-да, лекин илмий билдишининг ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Улар мазмунининг баёнини жуда ихчам, қисқа қиласи ва шу билан фикрлаш ишини қисқартиради, уларнинг ёрдами билан билимнинг юқори даражадаги аниқлигига эришилади.

**ТОМИЗМ ВА НЕОТОМИЗМ** (лат. *Theomos* — Фома) — католицизмнинг фалсафий таълимотлари бўлиб, бу таълимотлар 13-асрда яшаган ўрта аср схолости, теологи Фома Аквинский қарашларига асосланган. Томизм Фома Аквинскийнинг ва унинг ўрта асрлардаги мухлисларининг фалсафий системаси бўлиб, унинг вазифаси христиан динининг дорматларини асослаб беришдан иборат эди. Томизмда марказий ўринин табиий, яъни инсоний ақл билан диний эътиқоднинг ўйгунаштириш идеяси ишғол қилган эди. Фома Аквинский, христиан диний таълимотида шундай қоидалар борки, уларни ақл ёрдами билан исбот қилиш мумкин, деб даъво қиласарди. Мас., худо—оламдаги ҳамма нарсаларнинг бош сабабчиси, ақлли, мукаммал вужуддир, деган қоидалар ана шундай. Ақл етмайдиган, фақаг эътиқод объекти бўла оладиган қоидаларга у худо оламни ҳеч нимадан яратганилиги идеясини, худонинг учовлонлиги ҳақидаги дорматни ва шу кабиларни киритарди. Томизм бутун оламни поғоналарга бўлинган иерархик (погонали) система деб қарайди. Унда энг қуи, энг номукаммал погонани материя, табиат ишғол қилиб, юқори поғонани эса гайри инсоний рух, бутун мавжудотни яратувчи абсолют онг ишғол қиласи. Феодализм ҳалокатга учраб, католик черковининг сиёсий ва идеологик қудратига путур етиши натижасида томизмнинг таъсири бўшашиб қолди. У неотомизм формасида қайтадан бунёдга келабошлайди (19-асрнинг ўрталарида), чунки бу вақтда пролетариатнинг кучайиб бораётган ҳаракатидан қўрқиб қолган буржуазия революцион идеяларга қарши кураш учун католик черкови идеологиясидан фойдалана бошлаган эди. 1879 йилда неотомизм католик черковининг расмий фалсафий доктринаси деб

эълон қилинди. Ҳозирги вақтда неотомизм идеалистик философия-нинг энг кўп тарқалган ва энг нуфузли йўналишларидан биридир. Маритен, Жильсон, де Фриз, Лотц, Бехенский ва бошқалар унинг кўзга кўринган вакиллари ҳисобланади. Неотомизм Фома Аквинский таълимстининг асосий қоидаларини кайтадан тикламоқда, уларни анча кейин пайдо бўлган ва ҳозирги вақтда майдонга чиққан идеалистик таълимотларнинг (Кант, Гегель, Бергсон, Гуссерль, Хайдеггер, Ясперс ва бошқалар таълимотларининг) элементлари билан қўшиб олиб бормоқда. Фома Аквинский жорий қилган ақл билан диннинг уйгунлашувини принципи неотомистларга турли илмий назарияларни (нисбият назарияси, одамнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот, эволюцион назария ва бошқа назарияларни) соҳгалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Неотомистлар фан ҳали ҳал этмаган проблемаларни дастак қилиб, диний догматларни фанинг ҳужумидан ҳимоя қилиншга уринмоқдалар. Неотомизмнинг социал доктринаси ўз моҳияти эътибори или реакцион утопик характерга эгадир. Католик социологлари буржуазия билан пролетариатнинг бирдамлигини асослашга уриниб, бу синфларнинг иттифоқи буржуа жамиятидан қандайдир учинчи жамиятга, гўё на капиталистик, на социалистик жамият бўладиган жамиятга ўтиш учун платформа бўлади, деб даъво қилмоқдалар.

**ТРАГИКЛИК** (грек. *tragikos* — трагик, фожиавий, ўз келиб чиқиши жиҳатидан ҳосилдорлик худоси Дионисга бағищланган маросимлар билан боғлиқдир) — зўр азоб-уқубат ёки ҳалокатнинг эстетик маъносини акс эттирувчи тушунча. Т. қаттиқ азоб-уқубат чекаётган ёки ҳалок бўлаётган кишилар, ҳаётни тарқ этаётган ҳодисалар ижтимоий жиҳатдан қимматни мазмунга эга бўлган чоқдагина юзага келади. Шу сабабли Т. ин кўрганимизда ёки тасаввур қилганимизда биз азоб-изтироб чекамиз, қайгурамиз. Тарихий тараққиёт процесси ғоятда мураккабдир. Янгиликнинг, прогрессив нарсанинг пировард ғалабасига кўшича кўп курашчиларниң ҳалокати эвазига эришилади. Революцион, озодлик ҳаракатлариниң вақтинча мағлубиятга учраши, гўзал келажакини тантанаси йўлида жон фидо қилиш ва азоб-уқубат чекиш — олни даражадаги фожионга ҳодисалардир. Бундай ҳодисалар санъатнинг кўп асарларида акс эттирилган (Вишневскийнинг «Оптимистик трагедия»си, Фадеевнинг «Тор-мор» асари, Қазакевичнинг «Юлдуз» романи ва х. к.). Ҳаёт шаронитлари бўғиб ташлаган ҳар бир кишидаги гўзал имкониятлар уни фожиавий шахсга айлантиради. Шекспирнинг маънавий зийрак, руҳан истеъоддли, зиндан-давлат мухитига тушшиб қолган ва адолат йўлида ҳалок бўлган Гамлети фожиавий шахсдир. Горькийнинг умренинг охирида «бегона қўчада», «бегона кишилар» билан яшаганиди тушунганди Егор Буличови ҳам фожиавий шахсдир. Фожизли вазиятда одамларнинг, ҳодисаларнинг гўзаллиги хотирада фавқулодда куч билан,

**ТРАНСЦЕНДЕНТАЛ ВА ТРАНСЦЕНДЕНТ** (лат. *transcendere* — четга чиқмоқ) — баъзи номарксистик фалсафий назарияларда қўлланиладиган тушунчалар. Урта аср схоластикасида трансценденталиялар деб аталган тушунчалар қараб чиқилади (бу терминнинг ўзи 16-асрда жорий қилинди). Бу трансценденталиялар борлиқнинг универсал хоссаларини акс эттирувчи ниҳоятда умумий тушунчаларни (ягона, ҳақиқат, саодат ва б.) англатади. Схоластларнинг фикрича, бу хоссалар гайри ҳиссий характеристега эга бўлиб, уларни тажриба йўли билан билиш мумкин эмас, улар инсонга фақат интуиция орқали мусассар бўлади. Кейинчалик янги замоннинг кўпгина философлари (Гоббс, Спиноза ва б.) трансценденталиялар ҳақидаги таълимотни танқид қилиб, уларнинг бемазмунлигини, тавтологиядан иборат эканлигини таъкидлаб кўрсатдилар. «Трансцендентал» термини Кант философиясида бошқача маъно касб этиди. Кантнинг фикрича, бу тушунчани борлиққа, ташки оламга татбиқ қилиб бўлмайди. Бу тушунча инсон онгнини, унинг билувчилик қобилияларини тавсифлаш учун хизмат қиласди. Трансцендентал онг — ҳамма кишиларда бир хил бўлган «соғ» онгдир. У қандайдир априор (тажрибадан бурунги) формаларга (мас. макон ва замон) эга бўлниб, бу формалар азалдан онгга хосдир ва фақат ана шу формалар туфайли ҳар қандай билишга, ҳар қандай тажрибага эрнисиши мумкин. «Трансцендент» термини Кантда ва шунингдек бошқа номарксистик фалсафий таълимотларда онг ва билиш доирасидан ташқарида (нариғи дунёда)ги нарсаларни билдиради. Кант фикрича, мас., «нарса ўзида» трансцендентдир: у инсоний тажриба доирасидан ташқарида туради, бинобарни, тажриба чегарасидан ташқари чиқишига, трансцендент нарсани (продакт эркинлигини, руҳнинг ўлмаслигини, худонинг абадийлигини) билишга ҳар қандай уринишда ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятга (антиномияга) тушиб қолади. Марксистик философияда «трансцендентал» ва «трансцендент» тушунчалари ишлатилмайди.

**ТРИАДА** (грек. *trias* — учловлон) — тараққиётнинг уч босқичлигиги; терминни асосан Гегель тараққиётни тавсифлаш учун ишлатган. Гегель фикрича, ҳар қандай тушунча тараққиёт қилиб уч босқични босиб ўтади: тезис (қоида), антитезис (қарши қоида) ва синтез (бирлашиш). Кейин келтиру ҳар бир босқич ўтган босқични

инкор этади, сүнгги боскыч (синтез) эса антитезиси инкоргина қилиб қолмайды, балки шу билан бирга тарақкыёттинг ўтмиш боскичларининг хусусиятларини ўзида бирлаштиради. Чунончи, «сифат» (тезис) түшүнчеси билан «миңдор» (антитезис) түшүнчеси «меңбер» (синтез) түшүнчесига бирлаштырилади. Т. Гегелда бутун фалсафа системасини тузиш усулы сифатидага юз беради, шунинг учун у күпинча сүйнүй схема бўлиб чиқади ва обьектив оламнинг ҳақиқиёт тарақкыёти шу схемага зўрлаб тиқилади. Лекин гегелча Т. да қимматли маэмум — тарақкыёттинг мураккаб, спиралсимон характеристи ҳақидаги идея ҳам бор эди. Бу идея марксистик философияда чинакам илмий, диалектик-материалистик тарзда асосслаб берилди (*Инкорин инкор*).

**ТУШҮНЧА** (понятие) — фикрий фаолияттинг асосий элементларидан бирى; мантикий форма бўлиб, бу форма ёрдами билан тафаккурниң бошқа формалари (*муҳокама, хулоса*) тузилади. Т. воқеликни *сезги, идрок, тасаввурга* қарраганда чуқурроқ билишга имкон беради. Агар сезги, идрок, тасаввур принцип жиҳатдан фақат инсонга эмас, балки ҳайвонларга ҳам мұясссар бўладиган бевосита ҳиссий-яққол тажрибани акс эттира, Т. — ҳиссий тажрибада бевосита ҳосил қилинган нарса доирасидан чиқишдан иборатdir. Т. фақат *абстракция* орқали таркиб топиши мумкин, чунки абстракция ёрдами билан ташқи ҳолатдан ички ҳолатга, ҳодисадан моҳиятга кириш амалга оширилади. Т. ни фақат инсон ҳосил қилиши ва ишлатиши мумкин, зеро фақат инсонгина абстракциялаш қобилиятiga өгадир. Т. нинг билувчилик қиммати шундан иборатки, унинг ёрдами билан индивидуал, хусусий нарса назардан соқит қилиниб, предметдаги мұхим, умумий нарса (хосса, белги, функция па х. к.) ажратиб олинади; шу туфайли Т. одатта бирон-бир айрим предметни эмас, балки бирор хилдаги белги билап бирлаштириладиган предметларниң бутун түркүмини характеристлайди. Т. нинг ички мураккаблигини ҳам ана шу нарса белгилайди. Идрок ёки тасаввурнинг воқелинда ҳамиша ўхшаши бўлади; бошқача қилиб айтганда, мұайян, конкрет предметларни кўрсатиш мумкинки, идрок ёки тасаввур уларнинг копияларидан, суратларидан иборатdir. Т. нинг эса одатда бундай конкрет ўхшаши йўқdir. Дарҳақиқат, инсонда тамомила мұайян, конкрет олманинг ҳиссий, яққол образи бўлиши мумкин, аммо бу меванинг бутун түркүмига нисбат бериладиган «олма». Т. си ҳиссий образдан анча нарироққа, чуқурроққа кетади, у олмаларни конкрет турдан, формасидан ва бошқа хусусий белгиларидан қатти назар, барча олмаларга хос умумийликни қайд қилиб кўрсатади. Илмий түшүнчалар масаласи янада мураккаброқдир, чунки илмий түшүнчалар назарий фаолият маҳсулидир ва улар учун ҳиссий ўхшашлик қилириб топиш жуда қийиндир. Мас., биологияда тур, сиёсий иқтисодда товар, физикада элементтар зарра ва х. к.

тушунчалар ёрдами билан турли предметлардаги умумийликни ажратиб олганда, бу предметларни фақат бир ном билан белгилаб қололмаймиз (негаки Т. ҳамиша сүз пардасига буркантан ҳолда, сүз формасида юзага чиқади), балки шу билан бирга предметларнинг муҳим хоссаларини қайд ҳам этамиз, фаолиятда улар билан иш кўриши имкониятини кенгайтирамиз ва чуқурлаштирамиз, бошқа кишилар билан алоқа қилишимиз учун асос яратамиз. Инсон фикри камроқ абстракт тушунчалардан тобора кўпроқ абстракт тушунчаларга (мас., «модда» Т. сидан «материя» Т. сига) қараб, яъни предметларнинг ва улар группаларининг тобора кўпроқ умумий ва чуқур томонларини ифодаловчи тушунчаларга қараб ҳаракат қиласди. Энг умумий, ўзак тушунчалар тафаккурда категориялар ролида чиқади. Билишнинг чуқурлашуви воқеаликдан тобора кўпроқ «парвоз қилиши» процессидан иборат эмасdir: биз предметларнинг, уларнинг алоқаларининг ичига нақадар чуқурроқ кирсак, бу процесда таркиб топувчи тушунчалар шу қадар бойроқ ва мазмунлироқ бўлади, воқеалик ҳақидаги билимларимиз шу қадар тўлароқ ва кенкетроқ бўлиб қолади. Илмий билишда Т. олдига алоҳида таълаблар қўядилар. Фанинг ҳар бир тармоғи учун ўзаро маҳкамалоқадар бўлган тушунчаларнинг ўзига хос системаси характерларидир. Шу сабабли ҳар бир янги Т. муайян тушунчаларнинг тегишли системасига албатта киритилмоғи лозим. Бу хилдаги Т. ни ҳосил қилиш ҳамиша — илмий тадқиқотнинг озми-кўпми дараҷадаги муҳим натижасидан, баъзан эса буюк кашфиёт натижасидан ҳам иборат.

**ТУГМА ИДЕЯЛАР** (врожденные идеи) — идеялар (тушунчалар, муҳокамалар) бўлиб, улар инсон тафаккурига азалдан берилган, улар тажрибадан олинган эмасdir ва тажрибадан ҳосил қилинган билим асосида уларни ўзгартиш ҳам мумкин эмасdir. Бу тушунча идеалистик философияда ишлатилади. Баъзи философларнинг фикрича, Т. и. тап-тапйёр идеялар ва тушунчалар бўлиб, улар билан инсон чин идеялар ва тушунчалар сифатида иш кўриши мумкин эмиш; бошқаларининг фикрича эса, булар тафаккурга фақат потенциал қобилият ёки зеҳн сифатида жойлаштирилган идеялардир. Идеалистик философия Т. и. ни ўз-ўзидан кўриниб турган, ишончли ва ўзгармас идеялар деб ҳисоблайди. Математика аксиомаларини, формал логиканинг баъзи бошланғич қоидаларини ва шу кабиларни Т. и. га нисбат берадилар. Декарт ва Лейбниц илгари сурган ва асослаб берган Т. и. концепцияси *сенсуализмга* қарши қаратилган эди. Сенсуализм таълимотига қўра, инсон онгти — «соф тахта» (*tabula rasa*) бўлиб, унда идеялар фақат сезилар асосида, яъни тажриба туфайли пайдо бўлади. Т. и. ҳақидаги тасаввур идеалистик философиянинг идеялар, тушунчалар қандай пайдо бўлишининг реал процессини кўрсатишга қодир эмаслигининг, бу процесда тажрибаний билимнинг ролини инкор этишининг табиии оқибатидир,



## УЗЛУКЛИ ВА УЗЛУКСИЗЛИК (прерывность и непрерывность)

—материянинг тузилиш ва унинг ривожланиш хусусиятларини акс эттирувчи тушунча. Узлукли — объектларнинг, уларнинг хоссалари нинг ўзгаришидаги сакрашсимон характеристерни билдиради, узлуксизлик эса уларнинг тадрижий ва изчил ўзгаришини билдиради. У. ва у. бирликда мавжуд бўлади. Ҳеч қандай конкрет ҳодиса ёки хосса чексиз ўзгариб боролмайди ва ўз ҳолича қололмайди. Муайян босқичда тадрижий узлуксиз ўзгаришлар ҳодисани янги сифатга, сакрашларга олиб боради, бу сакрашлар ҳам ўз навбатида ундан кейинги узлуксиз ўзгаришлар учун асос бўлади. Материянинг тузилишига татбиқ этилганда узлукли ҳолат шунда намоён бўладик, материя маконда кўпдан-кўп чеклашган объектлар ва системалар: элементар зарралар, атом ядролар, атомлар ва молекулалар, макроскопик жисмлар, планеталар, юлдузлар, галактикалар ва ҳ. к. шаклида мавжудdir. Барча зарралар ва жисмлар ўргасидаги фазо мутлақ бўшилдиан иборат бўлмасдан, балки турли майдонларни: ядро, электромагнит ва гравитацион майдонларни ўз ичига олади. Улар маконда узлуксиз равишда тақсиланган бўлиб, турли кучларни кечирадилар ва шу билан бирга ўзаро таъсиrlарда узлукли равишда, турли зарралар — мазкур майдонларнинг квантлари (фотонлар, гравитонлар ва ҳ. к.) шаклида намоён бўла оладилар. Демак, У. ва у. бирлиги материянинг тузилиши учун ҳам характеристидир. У. ва у. нинг диалектик бирлиги принципи юлдузлар ва бошқа космик объектларнинг ривожланиш қонуниятларини, биологик ривожланиш қонуниятларини тушуниш учун, жамиятда юз берадиган ўзгаришларни ўрганиш учун ҳам характеристидир.

**УЙГОНИШ** (возрождение) — Фарбий Европада (14—16-асрларда) пайдо бўлган социал ва ғоявий ҳаракат. Бу ҳаракат капиталистик муносабатлар эндигина туғила бошлаган даврда пайдо бўлган ва ўрта асрчиликнинг христиан-схоластик маданиятига қарши қаратилган эди. У. нинг философик ва гуманистик назариялари санъатда, дастлаб Италияда (Жотто, Боттичелли, Рафаэль, Микеланджело, Леонардо да Винчи ва бошқаларнинг асарларида), сўнгра эса бошқа мамлакатлардаги санъат асарларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Антик санъатнинг реалистлiği ва гўзаллигидан

иلىмланган У даври рассомлари ҳаёт тұла барқ уриб турған, аниқ күзатышларға асосланиб, инсоннинг улудукорлыгыни ва күч-құдратиди намоён қылған асарлар яратдилар. Бу даврда социал утопиялар пайдо бўлди (Мор ва Кампанелла). Бу утопик назарияларда кишиларнинг тенглиги, хусусий мұлкни тұгатиш, фан ва техниканы социал жиҳатдан фойдалы татбиқ этиш ғоялари тареби қилинди, инсон шахсининг эркинлигі ва фаолиги ҳақида янги ахлоқий тасаввурлар пайдо бўлди (бу тасаввурлар ўша вақтдаётқ Дантे ва Петрарки ижодида ўз аксини топған эди). Одамни «худога ўхшаш» деб христиан-теологик тушунишга қарама-қарши ўлароқ, илоҳий тақдиди азалларга эмас, балки ўз ақли-идроқи кучига, иродаси, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги ўз тасаввурларига таяниб, иш кўрувчи инсон активлигини эътироф этадиган қарашлар қарор топди. Птолемейнинг геоцентрик системасига асосланган ҳолда оламга ғайри илмий ўрта асрчилик назарлари билан қарашларнинг астасекин бартараф этилини алоҳида аҳамияттаға етга эди. Гелиоцентрик системаны илгари сурған ва асослаб берган Коперник таълимити бу жиҳатдан бурулиш нуқтаси бўлди. Ерни концепцияни худо томонидан яратилған ҳаракатсиз маркази, деб тасаввур қилиш рад этилди. Табииёт илмиининг ўз вақтида эришган ютуқлари таъсири остида У. даврининг илғор мутафаккирлари (Бруно, Телизис ва бошқалар) оламларнинг кўплиги ҳақидаги, табиатнинг ниҳоясизлиги ҳақидаги қоидаларни қаттиқ туриб ҳимоя қилидилар. Улар табиатнинг активлигини, ўз-ўзидан ҳаракат қилишга қодирлигини баён қилидилар. У даврнинг мутафаккирлари ўзларининг материалистик қарашларини пантеизм формасига буркар әдилар (табиатни худо билан бирдей қилиб кўрсатар, уни илоҳийлаштирад әдилар). Шундай бўлишига қарамай улар худони оламдан устун турувчи вужуд, деб қаровчи ўрта асрчилик тасаввурларига кучли зарба берадилар. Илм-фанининг яшаши ва ривожланиши шарти бўлган экспериментал, гажирабиий билишнинг құммати ҳақидаги идея — У даврининг философик ва илмий тафаккури эришган катта ютуқлардан биридир (Ф. Бэкон, Леонардо да Винчи, Галилей). Табиат ҳодисаларига схоластика берган телевологияк (*Телеология*) изоҳга қарама-қарши ўлароқ, уларни табиий сабабларга боғлаб изоҳлаш, сабаб-натижаларнинг алоқадорлыгыни очиш биринчи ўринга қўйилди. У даврининг асосий аҳамияти — табиат, жамият, инсон ҳақидаги эски, диний тасаввурларга зарба бериш, табииёт илми ютуқларнiga таянадиган материалистик дунёқараш асосларини ишлаб чиқишидан иборат.

**УМУМИЙ** — қ. Айримлик, умумийлик, хусусийлик.

**ҮРУШ** (война) — давлатлар, миллатлар ёки синфлар ўртасидаги қуролли кураш ҳолати. У. — синфларнинг сиёсатини зўрлик восита-лари билан давом эттиришdir. Шу сабабли У. нинг мазмунини,

унинг характери ва мақсадларини билмоқ учун айни У да қандай синфий манфаатлар акс этирилганини, унда иштирок этувчи синflар қандай сиёсат юргизаётганлигини аниқлаш зарур. Сиёсат — экономиканинг марказлаштирилган ифодаси бўлганлигидан, У. нинг туб сабаблари иқтисодий соҳададир. У. дан кейин бошланадиган тинчлик экономика билан маҳкам борилик бўлиб, унинг натижалари билан белгиланади ва ғалаба қилган давлатлар ёки синфларнинг мақсадлари ва сиёсати шу билан мустаҳкамланади. Урушларда кўплаб одамлар, моддий бойликлар нобуд бўлади, урушлар жамиятнинг прогрессив ривожини тўхтатиб қўяди. Лекин бундан ҳар қандай У. қораланиши лозим, деган маъно чиқмайди. Марксизм адолатсиз, реакцион урушлар билан адолатли, прогрессив урушларни бир-биридан фарқ қилиб қарайди. Адолатсиз, реакцион урушлар ўзгларнинг ерларини босиб олишга, халқларни қул қилишга, дунёни қайтадан бўлишга қаратилган. Адолатли, прогрессив урушлар — синфий ва миллий зулмдан озод бўлиш учун олиб бориладиган урушлар бўлганлиги сабабли, реакцион давлатларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Ҳар бир даврда У. нинг мазмунини айни тарихий давр учун характерли бўлган шарт-шароит белгилаб беради. «Даврни тушунимасдан туриб, айни уруши тушуниш мумкин эмас» (Ленин). Империализм даврида урушлар айниқса вайронкор бўлади ва, одатда, жаҳон урушлари бўлади. Империалистик урушлар ҳозирги замон капитализмининг тажовузкорлик табиатидан келиб чиқади. Капиталистик ҳўжалик системаси мавжуд экан, демак, урушларнинг сабаблари ҳам мавжуд бўлади. Бироқ империалистик сиёсатга ҳозирги кунда тинчлик сиёсатни қарама-қарши бўлиб турибдики, бу сиёсатни жаҳон социализм системаси, бошқа тинчликсевар кучлар юргизмоқдалар ва бу сиёсат янги жаҳон уруши бошланишининг олдини олишга қодирдир. Социалистик мамлакатлар сиёсатининг асоси — социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципидан иборат. Буржуа идеологлари У. ни абадий ҳодиса қилиб кўрсатишга тиришмоқдалар. Улар У. нинг синифий моҳиятини яшириб ва уни инсон табиатининг ёки умуман жамият табиатининг хусусиятлари қилиб кўрсатиш йўли билан пировард оқибатда У. ни оқлашга уринмоқдалар. Ҳақиқатда эса, урушларни келтириб чиқарувчи эксплуататорлик жамиятининг ўзи абадий бўлмагани сијагари, урушлар ҳам абадий эмасдир. Коммунизм бутун жаҳон миқёсида ғалаба қозонгандан кейин урушлар ер юзидан абадий йўқолади ва ер юзида абадий тинчлик барпо бўлади.

**УТИЛИТАРИЗМ** (лат. utilitas — фойда, наф. манфаат) — этикада бир йўналиш бўлиб, у инсон ҳаракатларининг қимматини манфаатда деб билади, яхшиликни, баҳт-саодатни ва шу кабиларни фойдага, манфаатга олиб бориб тақайди. Инсон фаолиятига, фанга

ва маданиятта маңғаат нүктаи пазаридан қараң буржуа цивилизациясининг энг ҳарактерли күринишларидан биридир. Ўчнинг асосий принципларин 19-асрда яшаган инглиз философлари Бентам ва Мильл ишлаб чиқсан эдилар. Бентам этикага шундай критерияларни киритдики, капиталистик корхона эгаси ўз фаолиятида стихияли тарзда мазкур критерияларга амал қилади. Бентам «энг кўп сонли кишиларнинг энг кўп баҳт-саодатга» эришиш йўлини хусусий ташаббускорликнинг ривожланишида, фойдага интилишнинг кенг тарқалишида деб билади. У pragmatism философиясида изчиллик билан ривожлантирилди; pragmatism факат яхшиликни эмас, балки ҳақиқатни ҳам фойдага олиб бориб тақайди.

**УТОПИК СОЦИАЛИЗМ** (грек. и—йўқ, *topos* — ўрин, яъни ўринни йўқ демакдир) — ижтимоий тафаккурда шундай таълимотларни бирлаштирувчи йўналишдан иборатки, бу таълимотлар илгари сурган идеал социал тузумда барча кишиларнинг тўла социал тенглиги амалга ошган бўлади, унда кишини киши томонидан эксплуатация қилиш бўлмайди; бироқ бу таълимотлар мазкур жамиятга эришишининг реал йўллари ҳақида билим бермайдилар. У с. тарихининг дебочаси инсониятнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Мулкий тенгликка ва социал адолатга интилиш, асоратли меҳнат ва кашшоқлик бўлмайдиган жамиятни орзун қилиш — кўп ҳалқ ҳаракатларининг яққол кўриниб турган идеологияси эди. Феодализм шароитида тенглик тўғрисидаги ҳалқ-утопик идеологияси Германияда Дехқонлар урушининг йўлбошчиси Мюнцер таълимотида ўз чўққисига етади, чунки Мюнцер хусусий мулкни қоралаб, мол-мulkнинг умумийлигини ва меҳнат ҳамма учун мажбурий эканлигини ёқлаб чиқсан эди. Биринчи адабий утопияни, яъни ҳечқачон ва ҳеч ерда бўлмаган, лекин орзу қилинган, худди жаннатмаконнинг ўзгинаси бўлган жамият ҳақидаги афсоналарни яратган киши 16-асрда яшаган инглиз мутафаккири Т. Мор эди. Капиталистик муносабатлар ривожлана борган сари, бошқа мамлакатлардаги мутафаккирлар ҳам (Кампанелла, Морелли ва бошталар) шу хилдаги утопияларни яратадилар. Бироқ бу ривож топмаган илк социал орзу ва хаёллар ҳали асл маънодаги социалистик таълимотлар эмас эди. Бу утопияларнинг хусусий мулкни кўтаринки руҳ билан қаттиқ танқид қўлганига ва фош этганига қарамай, уларда янги жамиятнинг манзараси фантазия, эртак, хаёллий уйдирмалар сифатида майдонга чиқади. Бу утопиялар, одатда тенгламачилик руҳини илгари суради, улар кўп жиҳатдан орқага, гўё ўтмишда мавжуд бўлган «долгин аср»га, ибтидоий жамиятнинг кўкларга кўтариб мақтаган патриархал муносабатларига қаратилган эди. Асл маънодаги социалистик назариялар Европада буржуа революциялари даврида вужудга қелди (Англияда Уинстенли, Францияда Бабёф). Бу назариялар кенг ҳалқ оммасида пайдо бўлган буржуа революциялари

натижаларидан қониқмаганлик ҳиссисининг ифодаси эди, улар сиёсий-хўқуқий тенгликни социал тенглиkkача, биринчи галда мол-мулкка нисбатан тенглик даражасига етказиш ҳақидаги халқ оммаси талабларини назарий жиҳатдан расмийлаштириб берган эдилар. У. с. капиталистик тартибларни ва бу тартибларни муқаддаслаштирувчи идеологияни қуруқ икора этишдап, орқага «олтин аср»га қайтишга даъват этишдан иборат эмас эди; у капиталистик цивилизацияни, буржуа-демократик ислоҳотларнинг ноизчил, ноинснпарвэр характерини танқид қилиш формасидан иборат эди ва шу билан бирга унда, янги тузумга фақат капитализмнинг ютуқлари асосида: юксак даражада ривожланган ишлабчикариш, демократик эркинликлар, илм-фанинг ривожланиши ва ҳ. к. асосида эришиш мумкин, деган комил ишонч ҳам бор эди. 19-асрнинг бошларида яшаган атоқли мутафаккирлардан Сен-Симон, Фурье ва Оуэн У. с. идеяларини ишлаб чиқиша классик намуна қўрсаатдилар. Гарчи улар революцияга кескин суратда қарши чиқиб, янги ижтимоий тузумни социализм ғояларини тинч пропаганда қилиш йўли билан барпо этишини таклиф қилган бўлсалар-да, шу билан бирга улар бир қанча муҳим қоидаларни илгари сурдиларки, бу қоидалар илмий коммунизм учун бошланғич назарий материал бўлиб хизмат қилди. Бу қоидалар — тарихий тараққиёт ҳақидаги, коммунистик жамиятда меҳнатни инсоннинг биринчى әхтиёжига айлантириш ҳақидаги, меҳнат асосида тарбиялаш, хўжаликни план асосида юргизиши ҳақидаги, ақший меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги, шахар билан қишиюқ ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилиш ва шу каби қоидалардан иборат эди. Бирон-бир мамлакат тараққиётининг хусусиятлари У. с. гояларига ўз таъсирини қолдиради. Чунончи, Шарқий Європа ва Осиёning нисбатан заиф ривожланган ва феодализм сарқитлари кучли бўлган мамлакатларида социалистик таълимитлар майда буржуа, бошлича, деҳқонлар революционлиги билан қўшилиб, деҳқонлар социализм сифатида майдонга чиқди (19-асрда Россияда — народниклик). Ҳозирги замон шароитида У. с. революцион демократизм формаси сифатида, мустамлакачилик зулмидан қутилаётган ва тараққиётининг нокапиталистик йўлини ёқлаб чиқаётган мамлакатлarda кўп антиимпериалистик ҳаракатлар идеологиясининг алоҳида хусусиятини ташкил этади. У. с.ниң марксистик илмий социализм (коммунизм)дан муҳим фарқи шундан иборатки, У. с. ижтимоий тараққиёт қонунларига таяниб, инсониятнинг коммунизм сари ҳаракат қилиши зарурлигини асослаб беролмади. Ишчилар ҳаракати ривожланиб етмаганлиги туфайли утопик социалистлар пролетариатга ээзилган, азоб-үқубат тортадётган сияф деб қаардишлар ва ишчилар синфиининг актив сиёсий революцион кураши бирдан-бир куч эканлигини ва бу куч учун капиталистик

тартибларни йүк қилиш бевосита ҳаёттй зарурият эканлигини ту-  
щунолмас эдилар. У. с. «капитализм шароитида ёлланма қуллик  
нинг моҳиятини изоҳлаб беришни ҳам, капитализмнинг тараққиёт  
қонунларини очиб беришни ҳам, янги жамиятнинг яратувчиси бў-  
лишга қодир ижтимоий кучни топиб олишни ҳам улдалай олмади»  
(Ленин).



**ФАКТОРЛАР НАЗАРИЯСИ** (лат. factor — ясовчи, ҳосил этувчи) — ижтимоий ҳаётни белгиловчи кўпдан-кўп факторлар (сабаблар, шарт-шароитлар) ҳақида буржуа социологиясида тарқалган таълимот. Ф. н. 19-асрнинг охирларида социал фанда позитивизм идеяларининг инъикоси сифатида пайдо бўлди ва тарихни материалистик асосда тушунишга қарши қаратилди; Ф. н. тарафдорларининг фикрича, тарихни материалистик асосда тушуниш гўё бир ёклама характеристга эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг бутун мураккаблигини ҳисобга олмас эмиш. Уларнинг нуқтаи назарича, жамиятда энг турлитуман ҳодисалар (иқтисодий, биологик ва ҳ. к.) бир хил даражада муҳим эмиш. Шу сабабли улар социологиянинг вазифасини жамият ҳаётининг асосларини очиб беришдан иборат деб эмас, балки айрим тенг қўимматли факторларни якка-якка ҳолда анализ қилишдан, ёки жуда деганда, уларнинг ўзаро алоқаларини кузатиб боришдан иборат деб биладилар. Ф. н. нинг зоҳиррий ҳар томонламалиги замонида ҳақиқатда эклектик нуқтаи назар пинҳон бўлиб ётади ва бу нуқтаи назар ижтимоий ҳодисалар юзасида ётган нарсалардан нарига ўтолмайди. Шу билан бирга унинг кўп вакиллари руҳий факторларни очиқдан-очиқ афзал кўрадилар. Улар жамиятнинг моддий асосини кўришидан бош тортаб, аслда, социал муносабатларни кишинлар фаoliyatining психологик омилларидан иборат қилиб қўядилар. Марксистик социология жамиятда энг хилма-хил факторлар бир-бирига таъсир қилишини инкор этмайди. Бироқ у мазкур факторлардан ижтимоий тараққиётга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиганларини ажратиб олиш зарурлигини таъкидлайди. Худди ана шу иш ижтимоий процессли яхлит, бирлик ҳолатида тушунишга имкон беради. «Сиёсий, ҳуқуқий, фалсафиј, диний, адабий, садий ва ҳ. к. тараққиёт иқтисодий тараққиётга асосланганadir ...бунда иқтисодий зарурият, яъчи *пировард ҳисобда* ҳамиша Ӯзига йўл очиб оладиган иқтисодий зарурият асосида ўзаро таъсир амал қилиб туради» (Энгельс).

**ФАН** (наука) — инсон фаoliyatining соҳаси бўлиб, унинг мақсади — предметларни ҳамда табиат, жамият ва тафakkur процессларини, уларнинг хоссалари, муносабатлари ва қонуниятларини ўрганишдир; ижтимоий онг формаларидан бирин. «Ф.» сўзининг ай-

нан маъноси — билим демакдир. Бироқ ҳамма билимлар ҳам илмий деб қарала бермайди. Кундалик ёки турмуш тажрибаси деб аталган нарса, яъни оддий кузатиш ва амалий фаолият асосида олинган, фактлар ва процессларни оддигина тавсифлашдан, уларнинг соф ташки томонларини аниқлашдан нарига ўтмайдиган билим Ф. га таалуқли эмасдир. Том маънодаги илмий билим фақат фактларнинг мажмуми замирида қонуният борлигини — улар ўртасидаги умумий ва зарурий алоқа борлиги англанган чоқдагина бошланади, бу эса нима учун айни ҳодиса бошқача эмас, худди шундай юз беришини изоҳлаш, унинг янада қандай ривожланишини олдиндан айтиш имкониятини беради. Ф. фактлар ва қонунлар ҳақидағи билимларнинг оддий мажмуйдан иборат эмас, балки системага солинган билимлар мажмуйдан иборатдири, бу системада мазкур факт ва қонунлар муайян муносабатлар билан ўзаро боғланган бўлади ва бир-бирини тақозо қилиб туради. Ф. нинг ривожи фактларни оддий тўплашдан, улар орқали айрим қонуниятларни ўрганиш ва очиб беришдан яхлит боғланган, мантиқий жиҳатдан мунтазам бўлган, аллақачондан маълум эски фактларни изоҳлаб, янгиларини олдиндан айтиб берадиган илмий назарияга қараб боради. Илмий билимнинг тўғрилиги фақат унинг мантиқий жиҳатдан зиддияти бўлмаслиги билан, исбот қилинишилиги билан эмас, балки аввало албатта уни практикада — кузатишида ва илмий экспериментда текшириб кўриши билан белгиланади. Ана шу билан илмий билим кўр-кўrona эътиқоддан, яъни бирон-бир қоидани қандай бўлмасин бирор йўсунда мантиқий асосламасдан ва амалий синовдан ўтказмасдан туриб, уни ҳақиқат деб сўзсиз эътироф этишдан тубдан фарқ қиласди. Шу сабабли кўр-кўrona эътиқодга асосланган ва воқеликни хаёлий суратда бузиб тасвиirlab кўrsatadiган динга қарама-қарши ўлароқ, Ф. инсонга оламнинг чин манзарасини кўrsatadi ва бу манзара Ф. тараққий қилган сари тобора тўлароқ ва аниқроқ бўла боради. Ф. ҳодисаларнинг объектив қонунларини очиб бераркан, уларни воқеликка қатъни суратда мувофиқ келадиган абстракт тушунчалар ва схемаларда ифодалайди. Ф. нинг санъатдаги билишдан фарқи ана шундадир. Санъат фантазия, тўқима ва ш. к. мумкинлигига йўл қўядиган конкрет бадний образларда билинган нарсани ифодалайди. Ф. нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши лировард ҳисобда моддий ишлабчиқариш эҳтиёжлари, жамият тараққиёти эҳтиёжлари тақозосига мухим таъсир кўрсатиб, табиатнинг илгари маълум бўлмаган янги хоссаларини, янги материалларни, уларни ишлашинг янги методларини, янги энергетик манбаларни очиб бермоқда ва ишлабчиқариш ҳамда истеъмолнинг илгари мутлақо хаёлга келтириб бўлмайдиган соҳаларининг (радиоэлектроника, синтетик химия, ядро энергетики) ва

ж.к.) юзага келиши учун имконият яратиб бермоқда. Ишлабчиқарышда ва жамият ҳәтида Ф. нинг роли тұхтосиз үсіб бормоқда. У ҳозирги вактда тобора күпроқ ишлабчиқарувчи күнгә айланмоқда, чунки тадқиқот шартынан да дағындықтың орнынан көрсетілді. Ҳозирги замон ишлабчиқарышини пілгә қўйин бўлмайди, ишлабчиқарышнинг яна үсиси Ф. нинг барча тармоқларини ривожлантиришни, назарий тадқиқотлар үтказишни талаб этади. Ф. нинг тараққиёти материалистик дунёқарашнинг ривожланиши билан боғли бўлиб, бу дунёқараш унинг назарий негизини ташкил этади. Идеализм Ф. га душманdir, у Ф. ни *агностицизм* нинг боши берк кўчасига киритиб қўяди, уни динга қарам ахволга солиб қўяди. Ҳозирги замон шароитида илмий билишни ривожлантириш манфаатларини энг изчил равишда *диалектик материализм* ифодалайди.

**ФАН ЛОГИҚАСИ** (логика науки) — ҳозирги замон философия фаннинг бир бўлим бўлиб, бу бўлим илмий билишнинг мантиқий қонуниятларини тадқиқ қиласди. Ҳозирги замон фани жуда хилмажиллар соҳалар, тармоқлар билан ажралиб туради; бироқ билишнинг ҳамма соҳаларида ҳар қандай тафakkурга хос бўлган баъзи умумий белгилар номоён бўлиб туради. Бу — аввало илмий билишда турли мантиқий воситалардан фойдаланишдан иборат бўлиб, бундай воситаларсиз ҳеч бир илмий фан тузилмайди. Ф. л. худди ана шу воситаларни аниқлаш ва анализ қилиш билан шуғулланади. Ф. л. нинг энг кепг бўлмаларидан бири — илмий назариялар тузиш усусларини тадқиқ қилишибдир (қ. мас., *аксиоматик метод*), яъни ҳар бир усульнинг мантиқий характеристикаларини, уни табтиқ этиш шартларини анализ қилиш, шунингдек илмий назарияларнинг үзини ва илмий билишни ташкил этишдаги бошқа формаларни ўрганиш ва туркумларга ажратишдир. Ф. л. нинг муҳим пўналиши — билимнинг турли тармоқларида кенг ишлатиладиган асосли илмий тушунчаларни (мас., *алоқа*, *система*, *функция* ва б. тушунчаларни) анализ қилишдан иборат. Ф. л. нинг яна бир бўлими мұайян билувчилик вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган мантиқий воситалар ва тушунчаларни (мас., тараққиёт назарияларни, система-структурна назарияларни тузганда зарур бўлган воситалар ва тушунчаларни) тасвиrlаш ва анализ қилиш билан шуғулланади. Ф. л. да олинидиган натижаларнинг аҳамияти улардан у ёки бошқа маҳсус фанларда илмий тадқиқотнинг реал воситалари сифатида фойдаланиш қанчалик мумкинлигига қараб белгиланади. Ф. л. ўз мавзуи ва вазифаларига кўра *фан методологияси* билан маҳкам боялиқдир.

**ФАН МЕТОДОЛОГИЯСИ** (методология науки) — фаннинг бир соҳаси бўлиб, бу соҳа илмий тадқиқотнинг умумий ва хусусий методларини ҳамда воқеълик объектларининг турли типларига ва

илмий вазифаларнинг турли туркумларига ёндошиш принципларини ўрганади. Илмий тадқиқотнинг умум методологик принциплари диалектик ва тарихий материализмдадир. Марксистик Ф. м. худди ана шу принциплар асосида қурилади. Унинг объекти — илмий тадқиқотнинг яхлит ҳолидаги процессидан, яъни бутун илмий-билиш фаолиятининг ҳамма таркибий қисмлари билан узвий бирлигидан иборат. Ф. м. қуйидагиларни ўзаро алоқадорликда олиб қарайди: бирон-бир илмий тадқиқот обьектини, яъни айни тадқиқот иш кўрадиган воқелик соҳасини; анализ предметини, яъни обьектнинг айни конкрет ҳолда ўрганиладиган маҳсус томонини; тадқиқотда қўйилган вазифани; илмий вазифани ҳал қилиш жараёнида тадқиқотчининг фаолияти босқичларини. Тадқиқотнинг, тадқиқотчилик процедурасининг ва ҳ. к. *методи*, усули, приёми тушунчалари Ф. м. учун ўзига хос тушунчалардир. Билимларнинг ўзини ва уларни ҳосил қилиш усулларини маҳсус анализ қилишни (бу эса Ф. м. инг вазифасидир) предметга айлантириш зарурияти фан нисбатан оддий обьектларни ўрганишдан мураккаб обьектларни тадқиқ қилишга ўтганлиги муносабати билан пайдо бўлди. Бундан ташқари, ҳозирги замон фанида кўп вазифалар турли хилдаги мутахассисликларнинг вакилларидан иборат бир қанча илмий колективларнинг куч-ғайратини бирлаштиришни талаб этади. Шу муносабат билан Ф. м. комплект тадқиқотларни ташкил этишнинг энг самарали ва оқилона методларини ишлаб чиқиши билан шуғулланмоқда.

**ФАНШУНОСЛИК** (науковедение) — тадқиқотлар мажмуи бўлиб, бу тадқиқотлар ўзига хос қонунлар билан ривожланувчи ва ҳаракат қилувчи яхлит система сифатидаги фаннинг турли томонларини очиб беради. Ф. билишнинг жуда хилма-хил соҳаларини: фан социологиясини, фан логикасини, фан методологиясини, илмий ижодиёт психологиясини, фанметриясини, фанни ташкил этиш назариясини, илмий-техника прогнозлаштиришни ва ҳ. к. ўз ичига олади. У илмий билиш тараққиётининг қонуниятларини, жамият тараққиётida фаннинг ўрни ва ролини, илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг сиёсий, иқтисодий, психологик ва бошқа аспектларини, илмий муассасаларнинг структурасини, уларнинг илмий кадрларни тақсимлаш билан алоқасини ва ш. к. ўрганади. Бундай тадқиқотлар илмий қидиришларни планлаштириш учун, фанни бошқариш учун назарий асос яратиб беради Ф. фойдаланадиган методлар хилмачилдир. Бунда гносеологик анализ методларини ҳам кўриш мумкин, чунки фан — обьектив реаликни билишдан иборат; сиёсий иқтисад ёки қонкret экономика қўлланадиган методларни ҳам кўриш мумкин; анкеталар орқали сўраб билиш каби социология хос бўлган методларни ҳам кўриш мумкин ва ҳ. к. **Фаннинг назарий моделини тузиш** воситалари сифатида мураккаб системалар назариясини ривожлантириш фаншунослик тадқиқотларни тараққий эт-

тириш учун катта ажамиятга эгадир. Диалектик ва тарихий материализм фаншунослик моделларини тузишнинг умум методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

**ФАОЛИЯТ** (деятельность) — инсоннинг ташқи оламга нисбатан ўзига хос муносабат усули бўлиб, бу усул уни ўзгартериш ва инсоннинг мақсадларига бўйсундиришдан иборатdir. Ҳайвондан фарқли ўлароқ, инсон табиатга пассив-мослашувчи тарзида эмас, балки актив-ўзгартирувчи тарзида ёндошади. Агарда ҳайвоннинг хатти-ҳаракати тутма марфо-физиологик механизmlарга боғлиқ бўлса, инсон Ф. и унга жалб этилган табиий обьектларнинг қонунларига мувофиқ, яъни предмет «мантиқи»га биноан тузилади. Шу сабабли инсон Ф. ини Маркс предметли Ф. деб атаган. Инсон ўз ихтиёридаги нарсаларнинг ҳаммасини пиравард натижада табиатдан ҳосил қилган, аммо Ф. дан ташқари бу бойлик фақат потенциал тарздагина мавжуддир. Ф. нинг асосли ва ҳал қилиувчи тури меҳнатdir, меҳнатнинг асосий характеристикалари предметли Ф. га ҳам хосдир. Уз мазмунига кўра, Ф. — моддий ва маънавий неъматлар ишлабчиқарышдан, ижтимоӣ шароитлар ва муносабатларни ўзгартишидан, инсоннинг ўзини, унинг қобилияtlарини, маҳоратларини, билимларни ривожлантиришдан иборат. Модомонки мақсад — матлабдан ташқари, инсон мақсадларини (*Мақсад*) илгари суриш ва рӯёбга чиқаришдан ташқари Ф. бўлиши мумкин эмас экан, демак, табиатни моддий жиҳатдан ўзгартириши билан уни идеал жиҳатдан қайта ҳосил қилиш чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир бутун предметли Ф. иниккита нисбатан мустақил томонларини ташкил этади. Табиатга предметли — фаол муносабат тайёр тарзда берилмайди, балки у ўзлигича ривожланадиган процессидир. Ф. да инсоният жамиятининг тараққиёти амалга оширилади: тарихни худди одамлар яратадилар, бинобарин, улар Ф. иниг қонунлари тарих қонунларидир. Шу билан бирга Ф. нинг ўзи ҳам тарихан ривожланади. Унинг ҳақиқий мазмуни тарихда ўзгартирилган, чекланган деб аталувчи формаларда майдонга келади, бунинг сабаби социал меҳнат тақсимотида ва у вужудга келтирадиган натижадаредидир (*Бегсоналаштириши*). Натижада тарихий ижодкорлик кишиларни тарихнинг қиёфасиз қонунларига бўйсундириш формасида, тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч бўлган ижтимоӣ зиддият социал антагонизм формасида, кишиларнинг муносабатлари нарсаларнинг муносабатлари формасида, эркинлик ижтимоӣ қонунларга хилофган ҳаракат қилишга интилиш шаклида, меҳнат фақат қўшимча қиймат ҳосил қилиув чиғалият формасида, бир бутун инсон Ф. и назария ва практиканинг қарама-қаршилиги шаклида юзага келади ва хоказо. Ф. кинг ўзгартирилган формаларини фақат жамиятни коммунистик асосда қайта қуриш, социал антагонизмни тугатиш процессидагина бартараф қилиш мумкин.Faқат ана шундаги-

на предметтаи Ф. ўзининг ҳақиқий мазмуни ва бойлиги билан майдонга чиқади.

**ФАРОСАТ ВА АҚЛ** (рассудок и разум) — марксистик философиядан бурунги философияда шаклланган ва тафаккурниг муайян усууларини, босқичларини ифодаловчи категориялар. Тафаккурниг Ф. ва а. га бўлиниши Аристотель (пассив ва актив ақл), Николай Кузанский (фаросат ва интеллект), Ж. Бруно (ақл ва интеллект) философиясидаёт кўринган эди. Лекин бу категориялар Кант ва Гегель философиясида батафсироқ қараб чиқилган эди. Кант билиш уч босқичдан: ҳис, Ф. ва а. дан таркиб топади деб ҳисобларди. Сезги органлари бизга сезгиларниг, идрокларниг бир-бирига боғланмаган, тарқоқ оқимини етказиб беради. Бу оқим фаросат томонидан вужудга келтирадиган тушунчалар (категориялар) ёрдамида тартибга, системага солинади, сезгилар ўртасидаги ўхашашлик ва тафовут, зарурӣ ва тасодифий алоқалар, сабаб ва натижа муносабатлари ва ҳ.к. аниқланади. Лекин фаросат фақат бизнинг ҳиссий тажрибамиз билан, сезги органларидан олинган материал билан иш кўради. У бу тажриба доирасидан ташқари чиқиш ва нарсаларниг моҳиятини пайқаш, уларни ўз-ўзлигича мавжуд бўлган ва бизга боғли бўлмаган ҳолатида тушуниш имкониятига эга эмасdir. Фаросат ўрнига ақл келади. Ақлниг вазифаси — билимни абсолют, узил-кеシリкка олиб келишдан иборат. Шу мақсад билан ақл уч идеяни: рӯҳ ҳақидаги, олам ҳақидаги ва худо ҳақидаги идсияларни яратади. Аммо ақлниг «нарсалар ўзида» оламини пайқашга, бутун мавжудотнинг сабабларини билшишга уринишлари хаёлни бўлиб чиқади. Мас., у умуман олам ҳақида тугал билим олишга уриниб, ўз-ўзи билан ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиётга тушиб қолади (*Антиномия*). Шундай қилиб, Кант Ф. ва а. функцияларини қатъиӣ суратда бўлиб ташлаган ва бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйган эди: фаросат соҳаси — ниҳояли, чекланган бўлиб, ақл соҳаси — ниҳоясиз, абсолютдир. Буларниг ҳаммаси Кантга *агностицизмни* — предметлар моҳиятини принципиал равишда билинш мумкнин эмаслигини асослаш учун хизмат қилади. «Фаросатдан ақлга томон юқорилаб бораркан... Кант тафаккурниг аҳамиятини пасайтириб, унинг «тугалланган ҳақиқатга эрншиш» қобилиятини инкор этади» (Ленин). Гегель Ф. ва а. категорияларини диалектик бирлика пайқашга уриниб кўрч. Гегель фикрича, фаросат — тафаккурниг қўйи босқичидир. У фақат бир томонлама, қотиб қолган таърифлар беришга, объектларни қисмларга бўлишга, уларниг қарама-қарши томонларини (зарурит ва тасодиф, моҳият ва ҳодиса, ниҳояли ва ниҳоясизликни ва ҳ.к.) қайд этишга қобилдир, хотос. Шу билан бирга Гегель фаросатли тафаккурниг қонунийлигини ва зарурлигини таъкидлаб кўрсатди. У «фаросатниг ёрдамисиз назарий соҳада ҳам, амалий соҳада ҳам қатъият ва муайянликка эришиб бўл-

майдын» — деб ёзган эди. Ақлий тафаккурда фаросат қайыл этадиган бир томонлама, абстракт тушунчалар ҳаракатчан, бир-бирига үтүвчи тушунчалар сифатида юзага келади. Ақ қарама-қарши томонларнинг чүкүр ички бирлигини пайқайды ва, шундай қилиб, объектларни уларнинг конкретлигигида ва яхшитлигигида билиш имкониятини туғдиради. Эңгельс ёзган эдикى, Гегеллининг Ф. билан а. ни фарқ қилиб фақат диалектик тафаккур ақла мувофиқдир, деган гапида «маълум маъно бор». Ҳозирги замон илмий билишида тафаккурнинг фаросат томони деганда фактлар ва ҳодисаларни түғри таснифлай билиш, изчинт муҳокама юргизиб, хулоса чиқариш қобиляти, билимларимизни қатый мантикий қонунларга ва қондаларга бўйсундирилган муайян системага сола билиш тушунилади. Фанда янги фактлар очилгандаги туфайли ақл билимларнинг эски системасида зиддиятлар борлигини очиб бермоқда, янги идеяларни илгари суриб, билимларнинг янги системасини яратмоқда. Шу тариқа билимларнинг бир системасидан иккичи системасига ўтиш йўли билан билишининг яиада олга қараб ҳаракат қилиши юзага келади.

**ФАТАЛИЗМ** (лат. fatalis — тақдирга оид) — кишиларнинг «олий кучларга», «илохий тақдирга», «худонинг пешанага ёзиб қўйгани»га тамомила боғли эканлиги, ёки теварак-атрофдаги воқе-ликнинг кишилар сўзсиз бўйсуниши лозим бўлган қонунларининг радди-бадалсиз амал қилишига боғли эканлиги ҳақидаги фалсафий ёки диний таълимот. Ф. га асос бўлган нарса — илмий билимнинг ривожланмаганлиги, сабабият ҳақидаги, *зарурят* билан *тасодифнинг* ўзаро муносабати ҳақидаги масаланинг нотўғри ҳал қилиншидир. У заруриятнинг ролини ошириб кўрсатиш билан, уни абсолютизлаштириш билан боғлиқдир. Ф. шунингдек кишиларнинг ижтимоий заруриятни рўёбга чиқариш воситаси бўлмиш эркин фаолиятининг (Эркинлик ва зарурят) аҳамиятини ҳам инкор қилиш билан боғлиқдир. Тарихан Ф. кўпинча жамиятнинг тараққиёт истиқболларини кўрмайдиган синклар ва табақаларнинг кайфиятини акс эттиради. Реакцион синклар бўлиб қолган ва ўзининг ҳалокатига қараб бораётган ҳукмрон синкларнинг идеологлари социал революция хавфими, мазкур синклар ҳукмронлигининг туғаши хавфини, муқаррар «жаҳон ҳалокати», «цивилизация ҳалокати», «маданияти зулмати» ва ҳ. к., деб қарама-қадалар. Ф. ўзининг «оптимистик» вариантида бирон-бир социал кучларнинг прогрессив тараққиёті даврида юзага келиши мумкин (мас. 18-асрдаги француз материалистларида); муайян жамият ва унга хос муносабатлар системаси равнақ топган шароитда мазкур жамиятнинг қонунлари, «абадий», «ўзгармас» ва ҳ. к. қонунлар деб, мавжуд тартибларга қарши ҳар қандай чиқиш — «муқаддас» тиргакларга қарши фойдасиз тўполон деб талқин қилинади. Ҳамма ҳолларда Ф. чинакам илмий, марксистик дунёқарашга зиддир.

**ФАШИЗМ** (итал. fascio — бирлашиш) — капитализм дүнөсіда әңг реакцион сиёсий оқим, монополистик капиталнинг әңг шовинистик, әңг агресив доираларининг ошқора террористик диктатурасы. Дастлаб фашизм идора усули 1922 йилда Италияда, 1933 йилда Германияда, сүнгра Испанияда ва бошқа баъзи мамлакатларда ұратылды.<sup>1</sup> Империалистик буржуазия халқ оммасининг революцион ҳаракати кескин суратда юксалиб кетған шароитда парламентаризм ва буржуа демократияси методлари билан идора қилишга ва ҳукмронлик қилишга оқиз бўлиб қолғач, Ф. ни ұратышга киришади. Ф. нинг әңг асосий мақсади — капиталистик түзумни сақлаб қолиш, мамлакат ичидаги ҳар қандай демократик ҳуқуқлар ва әркенилларни тамомила ийқ қилиш, ишчилар ва миллӣ-озодлик ҳаракатини бостириш, босқинчилик урушларига тайёрланиш ва уларни бошлаб юборишидир. Халқа душман бу жинояткорона сиёсатни асослашга Ф. идеологияси хизмат қилмоқда. Бу сиёсатда марказий үринни антикоммунизм ишғол қиласп, унинг асосий мазмуни — социализмга тұхмат қилиш, коммунистик ва ишчи партияларнинг сиёсатини ва мақсадларини, марксизм-ленинизм таълимотини сохталаشتыриб күресатишидир. Ваҳшиена миллестилилк ва ирқчиллик «олни ирқнинг» гүё «қыйи», «зоти паст» проклар устидан ҳукмронлик қилиши лозимлиги идеяси, жаҳолатпаратстлик (иљгор фан, маданиятни таъқиб қилиш), зўравонликка ва шахсий ҳокимиятга сифиниш, урушни инсониятнинг табиии ҳолати, деб пропаганда қилиш ҳам Ф. идеологияси учун характерлидир. Фашист идеологлари социал демагогиядан кенг фойдаланиб, Ф. — «сиқфий тотувликидир», у эксплуатация үрнига миллият бирлигини жорий қиласп да шу каби сафсалаларни оммага уқдиришга уринмисқда. Иккинчи жаҳон урушида Ф. га ҳарбий, сиёсий ва идеология жиҳатдан қатый зарба берилди. Бироқ Ф. хавфи ҳали ҳам бор. Бир қанча мамлакатларда фашист идора усуллари сақланиб келмоқда ва қўллаб-куватланмоқда. Империалист давлатларнинг әңг реакцион үнсурлари демократик тартиботларни тутатншга уринмоқдалар, социалистик мамлакатларга қарши урушга тайёргарлик кўрмоқдалар. Фашизм хавфига қарши актив, муросасиз кураш — урушга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдир.

**ФЕНОМЕНОЛОГИЯ** (грек. phainomenon — юз берувчи, logos — тушунча, таълимот) — кенг маънода идеалистик философия терми ни бўлиб, маъноси — онг феноменлари (ҳодисалари) ҳақидаги таълимот демакдир. Mac., Гегель системасида «Рух феноменологияси»— Ф. нинг шундай бир қисмидан иборатки, унда абсолют рух зуҳротининг изчил равищда бир-бирини алмаштириб турадиган, уннинг тарихий тараққиёт босқичлари сифатида майдонга чиқадиган конкрет формалари тадқиқ этилади. Тор маънода Ф. деганда ҳозирги замон буржуа философиясининг оқими тушунила-

ди; бу оқимнинг асосчиси Гуссерлдир. Гуссерлнинг фикрича, Ф. онгнинг азалдан ўзига хос формалари ҳақидаги, моҳиятнинг мушоҳадаси ҳақидаги, умуман ҳақиқий ва абсолют борлиқ ҳақидаги фалсафий фандир. Баъзи буржуа философлари (мас., Шелер) Ф. ни **қимматдорлар** соҳасига жорий қилмоқдалар (аксиологияда феноменологик мактаб). Гуссерль билиш назариясиде татбиқ этган феноменологик метод («феноменологик редукция») билиш мавзуидан эмпирик нарсаларнинг, яъни амалда конкрет, реал суратда мавжуд нарсаларнинг ҳаммасини чиқарип ташлайди. «Соф» онг структурасини таъкиқ этиш, асл ҳолатдаги онг феноменларини (ходисаларини) анализ қилиш — ҳақиқий билимнинг бирдан-бир вазифаси деб ёълон қилинади. Феноменологик метод ниҳоятида формалистик методдир. У объектив воқелик ҳақидаги ҳамма тушунчаларни қараш доирасидан четда қолдиради ва шу билан, аслда, ўзи бемазмун сколастик фалсафа сотишга айланади.

**ФЕОДАЛИЗМ** — қулдорлик ёки ибтидоий жамоа тузуми ўрнини эгаллаган ва капитализмдан олдин ўтган ижтимоий-иқтисодий формация. Феодал тузумнинг характерли хусусияти шуки, унда натурал типдаги хўжалик ҳукм суради, техника паст ва қолоқ бўлади, ер феодалнинг (помешчининг) хусусий мулки бўлади, деҳқонлар феодалга қарам бўлиб қолади (ғайрий иқтисодий мажбурият). Ф. даврида деҳқонларнинг кўп қисмида ишлабчиқариш қуроллари йўқ эди, улар кичик хўжалик юргизарди, лекин ўзининг ери йўқлиги сабабли феодал уларга «улуш» қилиб берган ердан фойдаланишга мажбур эди. Бу ҳол феодалларнинг деҳқонлар меҳнатини (ёки бу меҳнат маҳсулотларини) ишлаб бериши рентаси (барщина), маҳсулот рентаси (натурал оброк) ва пул рентаси (пул оброки) шаклида текинга ўзиники қилиб олиши учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Феодал рентасининг бу формаларининг иззилик билан алмасишиб туриши Ф. даврида эксплуатация муносабатларининг ривожланишини билдиради. Феодал жамиятнинг икки асосий синфи (феодаллар билан деҳқонлар) доимо ўзаро муросасиз кураш олиб борарадилар, бу кураш деҳқонларнинг катта қўзғолонлари даврида ниҳоят даражада кескинлашиб кетарди. Деҳқонларга қарши курашда феодаллар давлатнинг паноҳига сиғинардилар; феодал давлат абсолют ва сословияли монархия шаклида мавжуд эди. Ф. даврида ижтимоий тузумнинг характерли белгиси — жамиятнинг сословияли, иерархик бўлнишидир (*Сословиялар*). Деҳқонлар қўйи, юридик жиҳатдан ҳуқуқсиз сословияга кираради. Энг катта феодал бўлган черков феодал жамиятда катта роль ўйнаради. Идеологияда дин ҳукмрон мавқени эгаллаб ижтимоий онгнинг бошқа формаларини (философияни, санъатни, ахлоқни ва ҳ.к.) ўзига бўйсундириб олган эди. Ф. даврида ҳатто халқ ҳаракатлари ҳам диний либосга бурканган эди. Феодал тузум буржуа

революцияларын натижасыда пүк қылпинді. Бирок Ф. нинг күп сарқылтари капиталистик жамиятта ҳам, айниңса қарам мамлакатларда, узоқ вақтдан бери сақланиб келмоқда (йирик помешчик мұлки, ишлаб берішлар системаси ва ҳ.к.). Бу сарқылтарни тутатиши — ҳозирги замон миллий-озодлик революцияларининг муҳим вазифаларидан биридір.

**ФЕТИШИЗМ** (португал. *feitíco* — жодугарлық, тумор) — буюмларга топиниш диний әзтиқодларнинг илк формаларидан бири. Ф. ижтимоий практиканың паст даражаси, мәхнат қуролларининг заңнұғлиғы, қадимғы инсон тажрибасын нисбатан камбағаллиғы натижасыда келип чиққан. Шу сабабли ибтидой одам күп ҳолларда ыламдаги буюмлар ва ҳодисаларга улар учун гайры оддий ва күпніңча гайри табиий хусусиятларни нисбат берган (чунончы, заңдарлы үсімліктернинг таъсири мұжиза) ва гайри табиий ҳисобланған, энг хилма-хил буюмларга овда смақ көлтириш хусусиятлариниң нисбат берғандар ва ҳ.к.). Қадимғы фетишистик диний әзтиқодларнинг сарқылтары ҳозирги замондаги динларнинг деярлы ҳамасыда сақлашып қолған (бұларға чүқициш, «авлиәларнинг» жасадлары қолдақтары топиниш ва ҳ.к.). Хусусий мұлкка асослаған товар ҳұжалаңыда, мас., товар фетишизмі кабін ҳодиса пайдо бўлади. Бунда алоҳида-алоҳида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасыда алоқа фақат нарсаларнинг ҳаракати орқали, товарларни айирбошлиш орқали юз беради. Бунинг устига тағин бу процесс тўғридан-тўғри кишиларнинг тақдирига ҳам таъсир кўрсатади: унинг натижасыда бирвлар хонавапрон бўлади, бирвлар бойиб кетади. Товарларнинг азалдан бир-бири билан айирбошланиш ҳамда бир-бири билан ва кишилар билан мұносабатда бўлиш каби сирли кучи бор экан, деган тасаввур ана шундан келиб чиқади. Дарҳақиқат, товарларнинг бир-бирига айирбошланишининг сабаби фақат шуки, улар инсон мәхнатининг маҳсулларидир ва уларнинг ҳаракати — ишлаб чиқарыш процессыда кишилар ўртасидаги ўзаро мұносабатларнинг натижасыдир. Товар Ф. и капитализм шаронтида равнақ топадиган пулга, олтинга сиғинища айниңса яққол намоён бўлади. Хусусий мұлк тутатилгач, маҳсулотнинг товар формаси «мистик туманлы пардан» ўзидан улоқтириб ташлайды (Маркс), товар Ф. и ҳам барҳам ейди.

**ФИДЕИЗМ** (лат. *fides* — әзтиқод) — диний әзтиқодни илмий билим ўрнига қўювчи таълимот. Илм-фанинг хулюсаларига хилофап, Ф., қандайдир «гайри ҳиссий олам» бор, деб даъво қиласы ва шу билан идеализмга бориб туташади. Идеализмни эса, Ленин Ф. нинг нозиклаштирилган ва силлиқлаштирилган формаси, деб таърифлаган эди. Динга мұносабат масаласыда философияда бета-раф یўл тутиш — Ф. га ён бериш демакдир. Ҳозирги замон Ф. и фан билан диннинг бирга сиғдириш мүмкінligини исбот қилишга уринмоқда; Ф. фанни рад этмайды, балки унинг обьектив ҳақиқат-

га бўлган «ҳаддан ташқари» даъвосини рад этади. Бунинг учун у олимлар ўртасидаги салтина ғоявий тентирашлардан фойдаланади, фан ҳали ҳал қимлаган масалаларни дастак қилиб чиқади. Диалектика материализм Ф. нинг асоссизлигини кўрсатди, унинг реакцияни моҳиятини фош қилди. Табиат ва жамиятни инсон практикаси асосида билаётган ва инсонга объектив ҳақиқатни очиб берадиган фан диний эътиқод учун ва, демак, Ф. учун ҳам ўрин қолдирмайди.

**«ФИЗИК» ИДЕАЛИЗМ** — философия ва физиканинг ривожланишида илмга хилоф тенденция бўлиб, у ҳозирги замон илм-фани эришган ютуқлардан идеалистик дунёқарашни асослаш учун фойдаланишга интилишда ифодаланади. Бу терминни биринчи марта Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» номли асарида ишлатган эди. Ленин айrim физиклар ва идеалист философларнинг 19—20 асрлар чегарасида физикада қилинган кашфиётларга асосланаб, материализмни рад қилишга уринишларини «Ф.» и. деб атаган эди: физикадаги мазкур кашфиётлар классик физика тасаввурларининг, мас., жисмларнинг ўзгармас массаси ҳақиқати, дунё биносининг абадий ва бўлинмас гишчалари деб таърифланган атомлар ҳақиқати ва ҳ. к. қоидаларнинг чекланланганлигини очиб берди. Диалектикадан хабардор бўлмаган баъзи табиатшунослар бу қоидаларни ноҳақ равишда умуман материализм нуқтаи назари билан тенглаштиридилар. Электроилар ва уларнинг ҳаракат қонуулари кашф этилиши, радиоактивлик ҳодисаларининг очилиши муносабати билан жисмлар массаси улар ҳаракатининг тезлигига қараб ўзгариши, атомлар эса мураккаб структурага эга бўлиб, бир-бирига айланади маълум бўлгач, бундан «Ф.» и. вакиллари бизнинг сезгилаrimiz пайқайдиган ва бизнинг назарияларимиз ажэ эттирадиган объектив реалликни инкор этувчи, жумладан, микрозарраларнинг объектив мавжудлигини таан олмовчи хулосаларни чиқарган эдилар. Физиканинг ривожланиши бизнинг билимларимиз доимо такомиллашиб, ўзгариб боришини, мутлақ тамомига етган назариялар йўқлигини ҳам кўрсатди. Бу фактдан «физик» идеалистлар илмий түшунчалар ва назарияларнинг шартлилиги тўғрисида, уларда объектив мазмун йўқлиги тўғрисида хулоса чиқардилар. Шу билан бирга улар табииёт илмининг тобора кўпроқ математикашиб бораётганлигини далил қилиб кўрсатардилар; бу математикашиб шунга боғлиқ эдики, фан материянинг баъзи элементларига яқинлашиб бораётган эди ва бу элементларнинг ҳаракат қонунларини математик формулалар ёрдами билан ифодалаш мумкин эди. Идеалистик кайфиятдаги табиатшунослар бу формалар замирида муносабатлар борлигини кўрмасдан, илмий назария моддий оламни эмас, балки тадқиқотчининг фикрини ажэ эттиради, «материя йўқолди — биргина тенгламалар қолди», деб даъво қилдилар. Физиканинг янада ривожла-

ниши унинг қоидаларининг тағин чуқурроқ ўзгаришига сабаб бўлди. Чунончи, нисбият назарияси жисемларнинг замоний интерваллари ва маконий ҳажмлари ҳаракатга қараб ўзгариб туришини (ҳаракатланувчи системаларда «замоннинг секинлашуви» ва «узунликнинг қисқариши»ни) исбот қилди, квант механика элементар зарраларнинг корпускуляр-тўлқин ҳаракети зиддиятли эканлигини, у айни бир вақтда зарранинг ҳолатини қайд этишга ва унинг импульсини аниқлашга имкон бермаслигини очиб ташлади. Ҳозирги замон «физик» идеалистлари бу ҳодисаларнинг объектив табиатини инкор этадилар ва улар кузатувчининг нуқта назарига, унинг асобблар ёрдами билан теварак-атрофидаги оламга таъсир кўрсатишига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Улар физик билимнинг математикашувини далил қилиб кўрсатиб, физик реаллик замирида энг кўп оддий ва равшан математик идеялар мажмудидан иборат чуқурроқ руҳий моҳият асос бўлиб ётади, деб исботлашга уринмоқдалар. Бироқ илмий назарияларнинг идеалистик ҳаракетида эканлигини асослашга уринишлар барбод бўлди ва барбод бўлмоқда. Фаннинг ривожланишининг ўзи Лениннинг, ҳозирги замон физикиси «диалектик материализм тугади» деган башоратининг ҳаққонийлигини тасдиқламоқда (*Атомистика, оламнинг физик манзараси*).

**ФИЛОСОФИЯ** (грек. *phileo* — севаман ва *sophia* — донишмандлик, яъни донишмандликни севиш) — фалсафа, ҳикмат — ижтиёмий онг формаси бўлиб, бу форма олам ҳақидаги, инсоннинг унда тутган ўрни ҳақидаги энг умумий тушунчалардан иборат; дунёқарашнинг назарий асоси. Инсон плк замонлардан бошлаб теварак атрофидаги оламга ўз муносабатини аниқлашга, ўз онгининг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақидаги, табият ва ижтиёмий ҳаёт ҳодисаларининг ўзгаришидаги қонуниятлар ҳақидаги масалани ўртага қўйишга уриниб келган. Ижтиёмий онгнинг алоҳида формаси сифатида Ф. қулдорлик жамиятида пайдо бўлди; бу вақтда инсоннинг табиятга таъсир доираси анча кенгайтан эди, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажralган эди, жамият турли дунёқарашга эта бўлган қарама-қарши синфларга бўлинган эди. Аввал бошда Ф. га инсоннинг ортирган билимларнинг ҳаммаси киради, у бўлакларга бўлинмаган эди. Билишнинг ривожланиб бориши жараёнида билимнинг айрим мустақил соҳалари ундан ажralиб чиқа бошлади, шу билан бирга асл маънодаги фалсафий проблематиканинг шаклланиши процесси ҳам юз бермоқда эди. Бу — *Ф. нинг асосий масаласи* (такфакурнинг борлиққа, онгнинг материяга муносабати масаласи), *билишнинг моҳияти*, формалари ва қонунлари ҳақидаги (*билиш назарияси ва логика*), ҳодисалар ҳаракати ва тараққиётининг манбаи ва умумий қонуниятлари ҳақидаги (тараққиётининг диалектик ёки метафизик концепцияси), ижтиёмий борлиқнинг табияти ва унинг ривожланишининг умумий қонунлари ҳақидаги (*социология*), ах-

лоқ-одоб ҳақидаги (этика), гўзалликнинг табиати ҳақидаги (эстетика) таълимотдир. Ижтимоий онгнинг бошқа формалари сингари, Ф. нинг ривожланишини ҳам ижтимоий борлиқ белгилайди; жамиятнинг ижтимоий тузумидаги ўзгаришлар кишиларнинг миясида, уларнинг фалсафий қарашларида акс этади. Лекин шу билан бир қаторда Ф. нинг ривожланишида нисбий мустақиллик ҳам бордир. Аллақачон пайдо бўлиб, шаклланган назариялар, традициялар, тўпланган ғоявий материал ҳам фалсафий билиш ҳаракатига таъсир кўрсатиб туради. Ф. ўзи ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатади: илгор философия социал тараққиётга ёрдамлашади, реакцион философия унга тўсқинлик қиласди. Ф. ўзининг ички зиддиятларига эга бўлиб, улардан асосий Ф. да асосий «партиялар» ўртасидаги—*материализм* билан идеализм ўртасидаги курашдан ибсәт, бу кураш жамиятдаги қарама-қарши синфлар тўқнашувчи ифодалайди, ҳеч бир фалсафий оқим бу курашда бетараф бўлиб қоломайди, зотан материализм, одатда, прогрессив ижтимоий кучлар манфаатларини, идеализм эса консерватив, реакцион кучлар манфаатларини ифодаларди. Ҳозирги шароитда империалистик буржуазия фалсафий идеализмдан ва унинг хилма-хил кўринишларидан марксизм-ленинизмга қарши курашда фойдаланмоқда. Уз келиб чиқиши ва ривожланиши жиҳатидан Ф. дин ва фан билан маҳкам боғлиқдир. Дастлабки вақтларда Ф. дин билан умумий бўлган баъзи проблемаларни ҳал қиласди. Лекин диндан фарқли ўлароқ, у ўз предметини ҳиссий-конкрет образлар формасида эмас, балки, фан сингари, тушунчаларда пайқарди. Кейинчалик Ф., айниқса материалистик Ф., фақат форма жиҳатдан эмас, балки мазмун жиҳатдан ҳам диндан тобора узоқлаша берди. Ф. билишнинг ва дунёни ўзгартирининг бутун тажрибасига таянадиган, фетишистик, диний онгдан холи бўлган *диалектик* ва *тарихий материализмда* диндан тамомила қутилади. Идеализм ҳозирга қадар ҳам дин билан маҳкам алоқада бўлиб келмоқда. Материалистик Ф. ижтимоий ҳаётнинг ва илмий билишнинг тажрибасини умумлаштиришга асосланади, унинг ўзи ўз предметини аниқ ва чуқур англайдиган фанга айланмоқда. Лекин бундай формага Ф. бирданинга келган эмас; унинг тарихи мураккаб ва зиддиятлидир, материализмнинг идеализмга қарши, *диалектиканинг метафизикага* қарши кураши билан тўлиб тошгандир. Марксизм Ф. да чинакам революция қилди ва ўз мазмуни билан яғни типдаги дунёқараш яратди. Тарихда биринчи марта шундай Ф. вужудга келтирилдики, у кишини киши томонидан эксплуатация қилишга барҳам бериш зарурлигини асослаб берди ва бу иш ишчилар синфининг тарихий вазифаси эканини кўрсатди. «Философия пролетариатда ўз *моддий* қуролини топгани сингари, пролетариат ҳам философиянда ўз маънавий қуролини топади...» (Маркс). Марксистик философиянинг характерли хусусияти шуки, у юқори дара-

жага (ижтимоий тараққиётни тушуниш даражасига) етказилган материализм тараққиётнинг илмий-диалектик концепцияси билан узвий равишда бирлаштиради. У бошқа фанлардан устун турадиган ва уларга ақл сотишдан иборат мавхум схемаларни тиқиширувчи фанлар фани бўлишина даъво қўлмайди, у шундай бир дунё-қарашдан иборатки, бу дунёқараш «ўзига далил-исбот топмоғи ва ўзини қандайдир алоҳида фанлар фанида эмас, балки реал фанларда кўрсатмоғи лозим» (Энгельс). Бу Ф. нинг илмий билишдаги ўрни шу билан белгиланадики, у бошқа фанларнинг ҳаммасининг натижаларини умумлаштиради ва уларни тадқиқ қилинувчи ҳодисаларга тўғри ёндошлини усули билан қўроллантиради. Марксизм-ленинизм Ф. си кишиларни фақат диннинг ва идеализмнинг руҳоний бўғовларидан холос қилиб қолмасдан, олами ҳақиқатда бўлган ҳолича тушунтирибгина қолмасдан, шу билан бирга уни амалий ўзgartиши ва қайта қуриш учун қурол бўлиб ҳам хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам бу Ф. зулмнинг, генгизиликнинг барча формаларига қарши курашаётган, янги, адолатли жамият қураётган миллион-миллион халқ оммасининг дунёқарashi бўлиб қолди. Ленин ва унинг шогирдларининг асарлари марксистик философияни ривожлантиришда янги босқич бўлди. Маркс таъбирига кўра, Ф. ўз замонасининг маънавий квантэссенциясидир. Империализм даври, капитализмдан социализмга ўтиш, буюк илмий-техника революцияси даври ленинизмда умумлашган фалсафий ифодасини топди. Буржуазия философиясининг марксизм-ленинизмга қарама-қарши бўлган оқимлари, аслда, ўтмишдаги фалсафий фикрнинг прогрессив традицияларидан воз кечдилар. Ниҳоятда ола-була оқимлардан, сохта янгиликдан иборат бўлган ҳозирги замон буржуза философияси ҳақиқатда инсониятни тўлқинлантирувчи йирик проблемалардан бирортасини ҳам ҳал этишига қодир эмаслиги аён бўлиб қолди. Ф. да тараққиётнинг бир йўли бор, у ҳам бўлса — тараққиёт учун, хусусий мулк ҳукмронлигига асосланган социал тузумни тутатиш учун, илмий билимнинг эришган ютуқларини, янги жамият қуриш тажрибасини фалсафий умумлаштириш учун кураш майдонига чиқаётган ижтимоий кучлар билан маҳкам алоқада бўлишдан иборат.

**ФИЛОСОФИЯНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ** (основной вопрос философии) тафаккурнинг борлиққа, идеявийликнинг, руҳнинг табиатга, материяга муносабати масаласидир. Бу масаланинг икки томони бор: 1) нима бирламчи — материя, табиатми ёки руҳ, онгми ва 2) онг олами тўғри акс эттиришга, уни билишга қодирми-йўқми. Материя ва онг, моддийлик ва идеявийлик булар энг кенг фалсафий тушунчалардир. Философлар оламнинг бирлиги ҳақида, унинг ниҳояли ёки ниҳоясизлиги ҳақида, унда амал қилувчи қонунларининг ҳарәккетерий ҳақида ва ҳ. к. қандай масалани қараб чиқмасиллар,

улар бунда материя билан онг ўртасидаги муайян нисбатга асосланадилар. Философлар Ф. а. м. га қандай жавоб беришларига мувофиқ икки қарама-қарши лагерга — материалистлар ва идеалистларга бўлиндилар. Материалистлар фанга таяниб, материяни, табиатни бирламчи деб, онги эсникимчли, ундан ҳосила деб ҳисоблайдилар. Материалистик философия оламни билиш мумкинлигини, инсон уни ўз онгида тўғри акс эттиришга қодир эканлигини ҳам эътироф этади. Идеалистларда эса, акснча, руҳий ибтидо, онг бирламчи бўлиб, материя эса онга қандайдир боғлиқ бўлиб, ундан тугилган бўлиб чиқади. Бундай позиция идеализмни дин билан яқинлаштириб қўяди, чунки дин оламни мистик ибтидо — худо яратган деб ҳисоблайди. Идеализм Ф. а. м. нинг иккичи томонини ҳам тўғри ҳал қилиб беролмайди. Ҳатто идеалистлар оламни билиш мумкин деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, улар бу билишни материянинг, борлиқнинг ичига чуқур кириш деб эмас, балки руҳнинг ўз-ўзини билиши деб қарайдилар. Баъзи идеалистлар эса агностицизм позициясида туриб тўғри билиш мумкинлигини умуман инкор қиласидар. Оламнинг бир асосини — материяни ёки онги эътироф этувчи материализм ва идеализмдан ташқари яна дуализм ҳам бўлиб, у, материя ва онг — бир-бирига боғли бўлмаган тенг ҳуқуқли икки ибтидодир, деб ҳисоблайди. Бироқ дуализм философияда қандайдир алоҳида «учинчи йўл» эмасдир. Дуалист философлар ноизчил, иккапланувчи позицияни ишғол қиласидар ва идеявийлик билан моддийликнинг (мас., инсоннинг оламни билишида) бирлигини, мослашганлигини изоҳлашта уриниб, идеалистларга қўшиладилар. *Диалектик материализм* Ф. а. м. ни ҳал қилганда материалистик йўлни ривожлантиради ва бу масалага чуқур илмий жавоб беради. У материянинг бирламчилигини ва онгнинг иккимчилигини шунчаки эътироф қилиш билан чекланмасдан, онг материянинг узоқ тарихий тараққиёти процессида пайдо бўлганлигини исбот ҳам қиласди. Худди шунингдек марксистик философия оламни билиш мумкинлигини қайд қилиш билан чекланмасдан, инсон онгининг теварак-атрофдаги предметларни акс эттириш қобилияти меҳнат фаолияти процессида пайдо бўлишини ҳам кўрсатади. Илгариги материалистлар, онг материянинг пассив инъикосидир, холос деб ҳисоблардилар, улардан баъзилари эса (*вульгар материализм*) ҳатто онини материя билан тенглаштириб, фикрни мияннинг қандайдир ажратиб чиқарган моддий нарсаси, деб қарапдилар. Диалектик материализм онгнинг материяга боғли эканлигини фақат эътироф қилиб қолмасдан, балки шу билан бирга инсоннинг оламни билиши процессида ҳам оламни ўзгартириши процессида, яъни амалий фаолиятида ҳам унинг актив роль ўйнашини эътироф қиласди. Шундай қилиб, Ф. а. м. ҳар қандай дунёқарашнинг бош принципидир. Уни ҳал этиш икки қарама-қарши фалсафий оқимни (материализм ва идеализм-

нин) чегаралаш учун, фалсафий системаларга объектив баҳо бериш учун аниқ мезон беради.

**ФИЛОСОФИЯНИНГ ПАРТИЯВИЛИГИ** (партийность философии) — ҳар қандай философинг, ҳар қандай фалсафий мактаб ёки оқимнинг иккى қарама-қарши йўналишдан бирига — материализм ёки идеализма сўсиз мансублиги. Ана шу иккى йўналғаш ўртасидаги, «фан партияси» билан «дин партияси» ўртасидаги, «Демокрит йўли» билан «Платон йўли» ўртасидаги муросасиз кураш философиянинг бутун тарихи орқали яққол ўтиб, пировард ҳисобда қарама-қарши ижтимоий синкларнинг манфаатларини акс эттириб келмоқда. Ҳозирги замон буржуа философияси кўп мактабларининг вакиллари ўзларининг идеализмга мансуб эканликларини ниқобла-моқдалар, бунинг учун улар ё философларнинг иккى лагерга бўлиниши қонунийлигини инкор қиласидар, ёки ўз концепцияларини философияда материализм ва идеализм қарама-қаршилигидан, улар ўртасидаги курашдан «юқори» турувчи аллақандай «учинчи йўл» қилиб курсатишга уринадилар. Буржуа философиясидан фарқли ўлароқ, диалектик материализм философиянинг асосий масаласини ҳал этишга бетарафлик, партиясизлик мумкинлигини принципиал равишда рад қиласди. «Бундан иккى минг йил муқаддам философия партияви бўлгани сингари, энг янги философия ҳам партиявийдир. Сохта олимлик лўттибозлигидан иборат янги номлар билан ёки бефаросат партиясизлик ниқоби билан пардаланган асосий масала устида курашаётган партиялар материализм билан идеализмидир» (Ленин). Ф. п. принципини Маркс билан Энгельс ифодалаб берган эдилар. Бу принцип Ленин асарларида, хусусан «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида янада ривожлантирилди. Бу принцип марксистик философия тарафдорларидан материалистик дунёка-рашнинг асосий қойдаларини ривожлантиришда принципиал ва изчил бўлишни, идеализмга қарши курашда муросасиз бўлишни, уларга материализмдан чекинишни ва идеализмнинг ҳамма кўришишларди унга ён беришни пайқаб олиш маҳоратини ўргатишни талаб этади.

**ФИЛОСОФИЯ ТАРИХИ** (история философии) — билимнинг бир соҳаси бўлиб, бу соҳа философиянинг ривожланишини ўрганади, бир хил фалсафий таълимотлар, оқимларнинг иккинчи хил фалсафий таълимотлар, оқимлар билан алмашинувини тақозо қиласиган қонуниятларни очиб беради. Ф. т. энг қадим замондан пайдо бўлган. Қадимги грекларнинг (Теофраст, Диоген Лаэртский ва бошқаларнинг) асарларидаёт фалсафий таълимотлар лўнда қилиб баён этилган. Бироқ бу баён том маънодаги Ф. т. эмас эди, чунки у ўз олдига фалсафий қарашларни тарихий жиҳатдан тадқиқ этишни эмас, балки мазкур қарашларни тасвирлаб беришни вазифа қилиб қўйган эди. Узоқ вақт давомида, айниқса христиан дини ҳулмон-

лик қылган даврда үтмишдаги фалсафий таълимотлар ҳақиқат даъвосини қолтоймайдын фикрлар йигиндиси деб қараларди, холос. Аста-секин тарихий-фалсафий асарларга тарихийлик, илмий-лип принципи кира бошлады, яғни, үтмишдаги фалсафий таълимотларда түғри қоидалар ҳам бор, уларда ҳақиқат уруғлари мавжуддирки, бу уруғларни янгилишлардан ажратмоқ зарур, деган фикр илгари сураладын бўлди. Ф. т. га шу хилдаги қарашни ишлаб чиқишига немис философи Гегель катта ҳисса қўшди. У философиянинг ривожланишини, фалсафий билимнинг қуий формаларидан юқорироқ формаларига, нотулиқ билимдан тұтароқ ва ҳар томон-ламароқ билимга үтишдан иборат, деб кўрсатди. Гегель нуқтаи назарича, турли фалсафий таълимотлар фикрлар, янгилишлар, ғалати воқеалар йигиндисидан иборат бўлмай, балки ҳақиқатнинг қарор тошишидаги босқичлардан иборат. Бироқ асли идеалист бўлган Гегель, бу таълимотларнинг пайдо бўлишига сабаб шуки, оламий ақл, абсолют идея улар орқали ўз-ўзини танийди, деб ҳисобларди. Шу сабабли Гегель фалсафий фикрнинг ривожи учун сунъий чегара белгилаб қўйган эди: философия ўз ҳаракатида гегелча системага яқинлашиб борган ҳамон у тўлиқ, абсолют билимга эришади ва унинг шундан кейинги ривожи тўхтаб қолади. Бу ҳол Ф. т. нинг баёнида схематизм туғдириди. Үтмишнинг фалсафий системаларида Гегель асосан шундай моментларни таъкидлаб кўрсатган эдики, бу моментлар унинг идеалистик системасининг чинлигини исботлаб берган эди. Илмий Ф. т. марксча-ленинча философия юзага келиши билан мумкин бўлди. Жамият тараққиёті қонуниятларини ва аввало ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга нисбатан ҳал қилувчилик роль ўйнаши қонунини билиш натижасида фалсафий фикр тараққиётини түғри тушуниш ва изоҳлаш мумкин бўлди. **Философиянинг қайси томонга қараб ривожланиб бораётганлигини абсолют идея эмас ва бирон-бир мутафакирнинг инжиқлиги, истаги эмас, балки жамият моддий ҳәётининг эҳтиёжлари, турли ижтимоий синфларнинг сиёсий кураши манфаатлари, воқеликни билиш процессининг обьектив логикаси белгилайди.** Марксистик Ф. т. нинг бош принципи ана шундан иборат. Бу принцип философиянинг тарихий тараққиётida ижтимоий-иктисодий формацияларнинг алмашинуви билан бөглиқ бўлган муайян босқичларни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Бу принцип турли фалсафий йўналишлар ва оқимларнинг пайдо бўлишини изоҳлаб бераркан, уларнинг характеристерини жамият, ижтимоий практика тараққиётининг даражаси, социал муносабатлар, жамиятнинг синфи табақаланиши, унда манфаатлари, психологияси ва идеологияси турлича бўлган синфларнинг мавжудлиги белгилаб беришини кўрсатди. Ана шу синфи табақаланишнинг инъикоси сифатида философияда икки асосий йўл, йўналишнинг — материализм ва идеализмнинг кураши ҳам маідонга чиқади. Жа-

мият тараққиётининг турли босқичларида бу курашнинг хусусиятларини худди бир фан сифатида Ф. т. ўрганацди. Марксизм-ленинизм ўтмишдаги фалсафий таълимотларга баҳо берганида партиявийлик принципига амал қиласи (Философиянинг партиявийлиги). Бу принцип философиянинг материалистик йўлини ҳимоя қилиши билдиради, бу йўл прогрессив социал кучларниң идеологиясини ва илмий дунёқарашнинг шаклланиш процессини ифодалаб берди. Философия тараққиётiga бир томонлама, сийقا назар билан қараши, фалсафий идеялар, қоидаларни фақат у ёки бошқа синфларнинг тамагирлик манфаатларини оқлаш нуқтаи назаридан қараб чиқишига интилиш бу принципга ётди. Бир вақтлар марксизмни сийқалаштирган вулыгаризаторлар (Богданов ва Шулятиков) Ф. т. га худди ана шундай нуқтаи назардан қараган эдилар, уларни Ленин қаттиқ танқид қилган эди. Ҳақиқатда эса философиянинг тарихий тараққиёт процесси жуда мураккаб бўлиб, синфий кураш унинг бирдан-бир сабабчиси эмасdir. Илм-фан тараққиёти ва ижтимоий онгнинг бошқа формаларининг ривожланиши фалсафий таълимотларнинг мазмунига таъсир кўрсатади. Философлар ўз таълимотларини ишлаб чиққанларида ўз салафларининг идеяларига таяниб иш кўрганлар. Энгельс, ўтмишдаги бутун философияни ўрганиш ҳозирги замон назарий тафаккур методларини ишлаб чиқиш учун гоят катта аҳамиятга эгадир, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, философиянинг тарихий тараққиёти логика ва диалектиканинг асосини ташкил этувчи илмий билиш назариясини шакллантириш процессини ўз ичига олади. Инсоният оламнинг умумий тараққиёт қонунларини, тафаккурнинг хусусиятларини бирданига билиб олган эмас. Бунинг учун фикр, фалсафий идеялар тараққиётининг узоқ давом этган тарихий процесси керак бўлди. Инсон билишиниң бу тараққиётiga ўтмишдаги материалистик таълимотлар ҳам, идеалистик таълимотлар ҳам ўз ҳиссаларини кўшдилар. Бу таълимотларда обьектив оламнинг хоссалари, билиш процессининг хусусиятлари турли даражада чуқур акс этган. Шу сабабли марксистик Ф. т. ўтмишдаги мутафаккирларнинг таълимотларида қимматли бўлган нарсаларнинг ҳаммасини очиб бермоқда. У қай тариқа философия жамиятининг ва билишининг тараққий қилиши билан биргаликда содда, мифологик, диний, идеалистик тасаввурлардан аста-секин ҳалос бўлиб, табиат, жамият ва тафаккурни илмий, материалистик ва диалектик тушуниш заминидаги тобора мустаҳкамроқ туришини кўрсатди. Фалсафий фикрнинг тарихий ҳаракати — ягона, яхлит процесс бўлиб, унинг айрим босқичлари бир-бири билан маҳкам ёэғлийдир. Бу процессининг жаҳоншумул ҳарактерга эга бўлишининг сабаби шуки, унда жаҳоннинг турли ҳалқлари иштирок этган. Бинобарин, философия тараққиётининг бирон-бир босқичини унинг

Ўтмишдаги босқич билан алоқасидан ташқари түғри тушуниш мумкин эмас, у ёки бошқа мамлакатдаги фалсафий фикрни, уни бошқа мамлакатлардаги фалсафий фикр билан таққослаб кўрмасдаи туриб, англаб олиш мумкин эмас. Ҳозирги вақтда марксча-ленинча Ф. т. билимнинг сертармок, жуда ривож топғап соҳаси бўлиб қолди ва бу соҳа айрим фалсафий таълимотларни, миллий традицияларни, фалсафий фикр ҳаракатларининг айрим босқичларини қўшиб олган ҳолда философиянинг тарихий тараққиёт процессини тадқиқ қилмоқда. Марксча-ленинча Ф. т. кишилар маънавий ҳаётни тараққиётининг қонуниятларини тушунишга, инсоният жамгарганин фалсафий билимларнинг бутун мажмуйини эгаллаб олишга ёрдамлашмоқда.

**ФОРМАЛАШТИРИШ** (формализация) — билимнинг (илмий назария, унинг айрим компонентлари ва шу кабиларнинг) мазмунини, унинг формасини ажратиб олиш, бу формани маҳсус тилда ифодалаш ва шундай тил билан иш кўриш қоидаларини яратиш йўли билан аниқлаш усули. Ф. деганда кенг маънода тилдан, жумладан ёзувдан ва шу кабилардан ҳар қандай фойдаланиш тушунилади. Бундай Ф. абстракция процесси билан жуда маҳкам боғлиқдир. Ҳар қандай абстракция сингари, Ф. ҳам билиш процессининг зарур моментидир. Ф. нинг ўзига хос маъноси математика ва логиканинг, айниқса математик логиканинг ривожи билан боғлиқдир (мантикий ва математик Ф.). Бундай ҳолда мазмунни аниқроқ белгилаш учун маҳсус сунъий тил ишлаб чиқилади, бу тилнинг символлари ва ифодалари воқеликнинг ўрганилаётган соҳаларининг муайян томонларини билдиради, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар эса математик логиканинг тегишли бўлимларида аниқланади. Ҳозирги замон формалаштирилган тиллари билимнинг катта-катта бўлимлари билан нуқул формал равишда (фақат белгилар тартибida) манипуляция қилишга имкон беради. Ф. методидан, айниқса мантикий Ф. дан ҳозирги замон фанида (математикада, табииётда) кенг фойдаланилмоқда. Бошқариши (*Кибернетика*) процессларини тадқиқ қилганда Ф. зарурдир. Фикрлаш процессининг, мас., ҳисоблаш процессининг формалаштирилиши туфайлигина уни автоматлаштириш (электрон-ҳисоблаш машиналаридан ва ҳ. к. фойдаланиши) мумкин бўлди. Ҳар қандай формалаштирилган назария унга мувофиқ келадиган мазмунли назариядан камбағалроқдир: у аниқликда ютиб чиқаркан, бунга қараб чиқилаётган мазмуннинг кўп томонларини онгли равишда абстракциялаштириш (мавхумлаштириш) ҳисобига эришади. Ф. билан мазмунли билим ўртасидаги номувофиқлик фан тараққиётининг муҳим манбаи бўлиб, бир хил формалаштирилган назарияларни ўрганилаётган объектларни аниқроқ акс эттирадиган иккинчи хил назариялар билан изчил алмаштириб туришга олиб боради.

**ФОРМАЛ ЛОГИКА** тафаккур формаларини — *тушунчалар, ҳукмлар, хулоса чиқарышлар, исбетлар* ва шу кабиларни уларнинг мантикий тузилиши нүктаи назаридан, уларда ифодаланувчи конкрет мазмунин назардан соқит қилган ҳолда, ўрганувчи фан. Мас., «Ҳамма студентлар — ўқувчилардир», «Ҳамма китлар сут эмизувчи-лардир», «Ҳамма одамлар ўлади» деган ҳукмларда турили мазмун бор, лекин Ф. л. нүктаи назаридан юқорида кўрсатилган ҳукмларнинг ҳаммаси бир мантикий турга нисбат берилади ва бу жиҳатдан уларнинг бир-биридан фарқи бўлмайди. Ф. л. фақат ҳукм субъектининг предикат билан, субъектнинг умумийлик характеристи билан (субъектда айни туркумдаги предметларнинг ҳаммаси акс эттирилганни ёки йўқми), ҳукмлар чин бўлиб чиқадиган шароитлар билан ва ҳ. к. боғланиш типи қизиқтирида, зотан унинг вазифаси — айни ҳукмлар учун йўл қўйиш мумкин бўлган хулоса қоидаларини аниqlашдан иборат. Ф. л. фан сифатида антик замондаёқ пайдо бўлган (Платон, Аристотель, стоиклар), ўрта аср схоластлари (Дунс Скотт, У. Оккам ва бошқалар) уни ишлаб чиқишга муҳим ҳисса қўшдилар, янги замонда эса инглиз философларидан Ф. Бэкон, Милья ва бошқалар Аристотелдан бошланниб келган дедуктив логика билан бор қаторда индуктив логика асосларини (*Дедукция, Индукция*) ишлаб чиқиб, Ф. л. фанига муҳим ҳисса қўшдилар. 19-асрнинг ўрталаридан бошлаб Ф. л. проблематикаси қатъий суратда тузилган формаллаштирилган тиллар (*Формаллаштириш*) доирасида ишланиб келмоқда. Шу муносабат билан пайдо бўлган *математик логика* Ф. л. тараққиётининг ҳозирги босқичидан иборат; уни ишлаб чиқиш *фан логикаси* ва *фан методологияси* тараққиёти билан жуда маҳкам боғлиқидир.

**ФРАНЦУЗ МАТЕРИАЛИЗМИ** (18-аср) — феодализмга қарши курашувчи прогрессив буржуазиянинг дунёқараси, марксизэмгача бўлган материалистик философиянинг формаларидан бири. Олдин ўтган материализмдан Ф. м. жанговар, кескин мунозара олиб бориши характеристи билан ажralиб туради. Унинг энг йирик вакиллари — Ламетри, Гольбах, Дидро, Гельвеций — истибоддога, ўрта аср тартибларига, динга, идеализмга кескин суратда қарши чиқиб, «яқинлашиб келаётган революция учун мияларни» (Энгельс) маърифатли қўлдилар. Ф. м. — метафизик материализмнинг кўринишларидан биридир. У кўпинча ўша вақтда табииёт илми илгари сурган табиатни механистик тушунишга таянарди. Ф. м. нинг хизмати шунда эдик, у деч қандай дастлабки илоҳий туртқиларга муҳтоҷ бўлмаган материянинг, табиатнинг активлигини таъкидлаб кўрсатарди, ҳаракатни материянинг унинг мавжудлиги билан чамбарас боғли бўлган асосий белгиси деб қарабарди. Бироқ француз материалистлари ҳаракатни бошлича жисмларнинг ташқи механик ўрин алмаштиришидан иборат қилиб қўйдилар. Тараққиёт идеяси, нарсаларнинг

муайян томонга қараб ўзгариши ҳақидағи тасаввур уларға ёт эди (бу идея күртак шаклида Диодора бор эди, у организем турларининг төвәрак-атрофдаги шароитга қараб ўзгариши ҳақидағи қоидани илгари сурган эди). Билиш назариясида француз материалистлари материалистик *сексуализм* позицияларыда турардилар. Барча билүлларни улар сезигилардан көлтириб чиқарадилар, тафаккурнинг фаолиятими эса асосан сезигиларнинг оддий комбинациялашувидан, таққосланишидан иборат қилиб қўядилар. Улар ҳиссий мушоҳадани ҳақиқат критерияси деб ҳисоблардилар. Француз материалистлари ўзларининг биллишга қарашлари қанчалик чекланган бўлишига (билишда кишиларнинг актив фаолияти ролини, билувчилик процессининг мураккаб характерини тушунмасликларига) қарамай билимнинг эҳтиросли тарафдорлари эдилар, инсон ақлиниң чексиз имкониятларига ишонардилар. Ф. м. атеизм билан чамбарчас боғли эди. Унинг вакиллари дин билан черковни халқни асоратга солишнинг бош маънавий қуороли деб билар ва уларни ошкора танқид қиласардилар. Улар диннинг социал илдизларини тушунмас эдилар, динни нодонлик ва алдаш натижаси деб қаардилар, диний хурофотларга қарашнинг асосий воситаси — маърифатдан, билимларни тарқатишдан иборат, деб ҳисоблардилар. Шундай бўлса-да уларнинг динни порлоқ равишда, маҳорат билан, донолик билан танқид қилишларини Ленин юксак баҳолаган эди. Француз материалистларнинг фикрича, оламда ҳеч қандай гайри табиий руҳоний вужудлар, ҳеч қандай илоҳий ўзбoshимчалик бўлиши мумкин эмас. Табиатда ҳамма нарса радди-бадал қилиб бўлмайдиган, абадий табиий қонунларга мувофиқ ҳаракат қиласи. Табиий вужуд бўлган инсон ҳам бу қонунларга бўйсунади. Инсоннинг бошқа табиий жисмлардан фарқи фақат шуки, у ҳис қилиш ва фикрлаш қобилиятiga эгадир. Ф. м. вакилларининг қарашларига кўра, кишиларнинг характеристи, уларнинг фикрлари ва ҳис-туйғуларининг мазмуни уларнинг биологик табиатига эмас, балки төвәрак-атрофдаги ижтимоий мухитга боғлиқдир. Одамларни табиат эмас, балки жамиятда ҳукмрон бўлган қонунлар ва хулқ-атворлар бузади. Улар шу фикрга асосланиб, одамларнинг феъл-атвори ижтимоий мухит ўзгарган тақдирдагина ўзгаради, деган тўғри холосани чиқарган эдилар. Бироқ француз материалистлари ижтимоий мухитни бошлича давлат тузумидан иборат қилиб қўйганликлари сабабли, бу мухитнинг ўзгариши йўлини ҳам улар асосан қонунларнинг ўзгаришига боғлиқ деб билардилар. Шу сабабли жамиятни қайта қўриш мумкинлигини улар қонун чиқарувчининг, «маърифатли подшохнинг» фаолияти билан боғлаб қаардилар, бу фаолият ҳам ўз навбатида маърифат тарқатиш, нодонлик ва хурофотга қарши курашга боғлиқ қилиб қўйиларди. Француз материалистлари этика проблемаларига катта ёътибор берардилар. Уларнинг фикрича, юқоридан белгиланган

(худодан юбориладиган) ҳеч қандай ахлоқий принциплар йўқ. Ди-  
ний ахлоқ — инсонга душман бўлган мунофиқлик ахлоқидир. Қиши-  
лар ўз манфаатларини кўзлаб иш қилганда ахлоқий иш қилган  
бўладилар. Чин ахлоқ инсоннинг баҳтга итилишига зид келмасли-  
ги лозим Бироқ, қишиларнинг хатти-ҳаракатига уларнинг шахсий  
манфаатларига асосланни баҳо бериш керак, деган талаб тийик-  
сиз эгоизмни (худбинликни) тарғиб қилиш керак, деган маънони  
бидирмас эди. Француз материалистларининг фикрича, ҳар қандай  
шахсий манфаат эмас, балки фақат жамият манфаатларига зид  
келмайдиган шахсий манфаатгина ахлоқнинг асоси бўлиб хизмат  
қилиши мумкин.Faқат оқилона тузиғлан, маърифатли, мукаммал  
қонунчиликка асосланган жамиятдагина ижтимоий ва шахсий ман-  
фаатларни тўғри қўшиб олиб боришиг эришиш мумкин. Француз  
материалистлари жамиятга қарашларида гарчи идеалист бўлсалар-  
да ва «оламни ўй-фикрлар бошқаради» деб ҳисобласалар-да, шу  
 билан бирга бу қарашлар жамият тараққиёти ҳақида диний тасав-  
 вурларга қарши қаратилганилиги сабабли, прогрессив ҳарактерга  
 эга эди. Ф. м. фалсафий фикрининг янада ривожланишига катта  
 таъсири кўрсатди.

**ФРЕЙДИЗМ** — психологияк ва социологияк таълимот бўлиб,  
 унинг асосчиси австряник психиатр врач З. Фрейд номи билан  
 шундай деб аталган. Ф. нийг ҳарактерли хусусияти шуки, у инсои  
 психикасини онгли ҳаракатларнинг ҳамда рационал (оқилона)  
 тарзда изоҳлаб бўлмайдиган ва онгсизлик оламини ташкил этадиган  
 инстинктлар, биологик истаклар, итилишлар ва импульсларнииг  
 мураккаб комплекси деб тушунади (Фрейд бу онгсизликни «инсо-  
 нинг табиии хусусияти» ёки «Оно» деб атайди). Унинг асосини ав-  
 вало инсоннинг кўпчилик психик ҳаракатларини белгилайдиган  
 сексуал инстинктлар («либидо») ташкил этади. Онгсизликни инс-  
 тинктлар билан бөғлиқ бўлган икки тушунча: сублимация ва комп-  
 лекс тушунчалари ҳарактерлайди. Комплекс — ҳамма қишиларда  
 мавжуд бўлган ва психиканинг бузилишининг ҳамма турларини  
 изоҳлайдиган нисбатан барқарор механизмидир. «Эдип комплекси» ана  
 шундан иборат бўлиб, бунинг маъноси — муҳаббат ва меҳрнинг бе-  
 меҳрлик ва душманлик билан қўшилиб кетиши демакидир: мас, бо-  
 ланинг онага муҳаббат ва меҳри, айни вақтда отага нисбатан рашқ  
 ва бемеҳрлик туйғусидир (маълумки, мифологиядаги Эдип ўз ота-  
 сини ўлдириб онасига уйланган) Сублимация (айнан маъноси:  
 «босишиш») — босилган сексуал истаклар ёки импульслар энергияси-  
 нинг фаолиятининг бошқа турларига: сиёсатга, илмий ва бадий  
 ижодга, динга ва бошқаларга айланишидир. Инстинктларнинг  
(бошқа ўлга буриладиган инстинктларнинг) бостирилиши, сурシリб  
 чиқарилиши талабларнинг, мас, ахлоқий нормалар, стандартлар  
 талабларнинг («Файри — Мен») таъсири остида инсондаги шахсий

ибтидо («Мен») орқали амалға оширилади. Фрейд ижтимоий ҳодисаларга, тарихий воқеаларга психоанализ нуқтаи назаридан қараб, онгсизлик оламининг инсон ва жамиятга ҳал қилувчи таъсири ҳақидаги хуласага келган. Фрейднинг «оммавий психология» ҳақидаги таълимоти ана шунга боғлиқ бўлиб, бу таълимотга кўра, инсоннинг ҳамма ҳаракатлари — босқичли инстинктнинг юз беришидир. Ф. нинг баъзи тарафдорлари шу қоидага асосланниб, «оломон» ва «йўлбошчилар» социал философиясини туздилар. Бу философияга кўра, йўлбошчилар инстинктларга моҳирлик билан таъсир кўрсатиб, фикр қилмайдиган ва кўр-кўrona инстинкт билан ҳаракат қиласидиган ва шу сабабли таъсирга дарров бериладиган омманинг куч-ғайратини истаган йўлга солиб юбора оладилар. Социал ҳаёт проблемаларига бу хилда қараш реакцион идеялар учун кенг майдон очиб беради. Ф. инсондаги биологик ибтидони ўз таълимотига асос қилиб қўяди ва шу билан бирга инсон психикасини объектив (социал) оламдан ҳам, физиологик механизмлардан ҳам ажратиб ташлайди. Шунинг учун Ф. да *вульгар материализм* билан *субъектив идеализм* бирга қўшиб олиб борилмоқда. Ф. нинг ҳозирги замондаги тарафдорлари (мас., Э. Фромм) психикани ҳаддан ташқари биологлаштиришни бартараф қилишга уринмоқдалар. Фроммнинг фикрича, ҳамма кишилар учун умумий бўлган, биологик шарт-шароит тақозоси билан вужудга келган инстинктларгина эмас, балки социал келиб чиқишга эга бўлган инстинктлар ҳам мавжуддир. Бироқ Фромм инсониятнинг моҳиятини абстракт-психологик тарзда тушуниб, кишиларнинг мoddий-ўзгартирувчи фаолиятининг ролини, жамиятнинг синкларга бўлининиин инкор қилади.



**ХАЕЛ** (воображение) — инсоннинг психик фаолияти бўлиб, бу фаолият жараёнида ўтмиш тажрибани (идрокларни, тасаввурларни, хотира образларини) ўзгартириш йўли билан янги ҳиссий ва фикрий образлар яратилади. Х. туфайли инсон фақат ўзи бир вақтлар идрок этган нарсаларигина эмас, балки ҳақиқатда йўқ бўлган ва ҳатточи бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам тасаввур этиши мумкин. Лекин ҳамма ҳолларда ҳам инсон Х. учун материални уни қўршаб турган оламдан олади. У воқееликнинг айрим томонларини бўрттириб, ўткирлаштириб, уларни бирор усул билан бирлаштириб, бошқа, мураккаброқ усуллардан фойдаланиб, ўз онгидаги образлар тузади. Х. инсоннинг ижтимоий практикаси жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у меҳнат процессида янги предметлар яратганида уларни илгаритдан ўзида тасаввур қилиши, хаёлий планини, ҳаракат тарзини ишлаб чиқиши лозим. Х. инсоннинг фақат амалий фаолиятида эмас, балки назарий фаолиятида ҳам foйт катта роль ўйнайди. У тафаккур билан бирга ривожланиб, воқееликни чуқурроқ билишга ёрдам қилиб келди. Олимнинг Х. и гипотезалар, моделлар яратишда, фикрий экспериментда қатнашади. «...Энг жиддий файда ҳам фантазиянинг ролини инкор этиш бемаънптиклир» (Ленин). Х. бадий ижоднинг зарур ва муҳим элементидир. Инсоннинг у ёки бу фаолияти билан бояглиқ бўлган Х. учун образларни маълум мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ равишда била туриб, онгли равишда шакллантириш ва ўзгартириш характерлидир. Бу ихтиёрий Х. ни файри ихтиёрий Х. дан фарқ қилмоқ керак. Туш кўриш, ширин ҳаёллар ва шу кабилар файри ихтиёрий Х. нинг мисоллариidir. Файри ихтиёрий Х. образларнинг сира ўйланмаган, кутилмаган ва ҳатто бемаъни бир тарзда ажойиб-ғаройиб қўшилиб кетиши билан характерланади. Ихтиёрий Х. ўз навбатида қайтадан яратувчи (мас., қайтадан ҳосил қилиш) ҳаёлга ва ижодий (олимга, рассомга, конструкторга ва ш. к. хос бўлган активлик билан янги образлар яратиш) ҳаёлга бўлинади. Ижодий Х. нинг алоҳида тури — орзудир. Орзу инсоннинг келажакдаги фаолияти билан бояглиқ бўлиб, уни қурдатли иштиёқ билан олға йўналтиради ва бу фаолиятининг мақсади ва истиқболини кўрсатиб беради. Маълум мақсадни кўзлаган орзудан

бөхуда хаёл суришни, «қуруқ хаёлпаратстлик»ни фарқ қилмоқ керак, чунки бундай хаёлпаратстлик кишини воқеликдан йироқлаштиради, актив фаолиятни бўғиб қўяди. Жамият эҳтиёжлари билан, ижтимоий-тариҳий практика билан боғлиқ бўлиш орзунинг қиммати ва таъсирчанлигини белгилайди.

**ХАЛҚ (народ)** — оддий тушунчада бу — бирон-бир давлатнинг, мамлакатнинг бутун аҳолиси, бутун яшовчиси демакдир; *тариҳий материализмда* бу — аҳолининг муайян тарихий даврда жамиятнинг олга қараб ривожланишидан манфаатдор бўлган, янги, прогрессивроқ тузумни ўрнатишида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган қисмидир. X. жамиятда бир хил мавқени эгалтамайдиган турли социал групкалар, синфлардан иборат. Қандай синфлар, қандай аҳоли табақалари X. ни ташкил этишни, унинг тарҳидаги роли қандай эканлигини марксистик назария очиб беради. Антагонистик синфлар пайдо бўлганга қадар X. га айни мамлакатнинг, территориянинг барча аҳолиси киради. Антагонистик жамиятларда X. азвало меҳнаткашлар оммасидан, моддий исъематларни ишлаб чиқарувчилардан иборат. Муайян даврлarda унга прогрессив ижтимоий ўзғаришларга интилевчи эксплуататор синфлар ҳам киради. X. га, мас, илк буржуя революциялари даврида феодализмга қарши курашувчи буржуазия, ээйлан ва қарам мамлакатларда ҳозирги замонда империализм ва мустамлакачиликка қарши озодлик курашида қатнашаётган буржуазия киради ва ҳ. к. Шундай қилиб, гарчи «X.» тушунчаси манфаатлари қарама-қарши бўлган турли синфларни бирлаштиrsa-да, лекин улар ўртасидаги зиддият реакцион ижтимоий кучларга қарши курашнинг энг муҳимроқ вазифаларига нисбатан иккинчи ўринга ўтиб қолади. «Революцион X.» тушунчаси марксизмда муҳим роль ўйнайди. Бу — революцияда бевосита иштирок этувчи ижтимоий кучлардир; революцион X. ана шу сифати билан бошқа синфлар ва табақалардан фарқ қиласди, чунки бу синф ва табақалар ўз мавқеларига кўра прогрессив ўзғаришлардан манфаатдор бўлсалар-да, лекин актив сиёсий курашга қодир эмаслар. Эксплуататор синфлар йўқ бўлган социалистик жамиятда барча синфлар ва ижтимоий группалар X. ни ташкил этади. Кенг ҳалқ оммасининг актив яратувчилик фаолияти коммунистик жамият қуришнинг зарур шарти бўлиб хизмат қиласди (*Тарихда ҳалқ оммасининг ва шахснинг роли*).

**ХАЛҚАҲОЛИ** (народонаселение) — айрим мамлакатларда ёки ср юзида яшовчи кишиларнинг жами. X. нинг структурасини, унинг жойланишини, динамикасини маҳсус фан — демография ўрганади. *Социология* ижтимоий тараққиётда X. нинг ролини ойдинлаштириб беради. Баъзи буржуя назариётчилари X. нинг ўсишини ижтимоий ҳаётни белгиловчи асосий фактор деб ҳисоблардилар. Аммо бирорлар X. прогрессив роль ўйнайди десалар, бошқалар капитализм ша-

роитида Х. нинг ҳаддан зиёд ошиб кетиши натижасида тенгсизлик, очлик, қашшоқлик пайдо бўлди, деган далилни кўрсатар ва бу ҳолни оқлар эдилар. Шундай деювчилардан бири инглиз руҳонийси ва экономисти Мальтус эди (18-асрнинг охири — 19-асрнинг боши). Унинг таълимотига кўра, моддий неъматларнинг ўсишига қараганда одамлар тезроқ кўпайиб бормоқда, бу эса аҳолининг ошиб ке-тиши хавфини туғдирмоқда, очлик ва қашшоқликни муқаррар қилиб қўймоқда эмиш. Мальтус таълимотининг ҳозирги замондаги тараффорлари (янги мальтусчилар) аҳолининг кўплаб камайишининг ҳар хил усусларини (юқумли касалларни, урушларни) кўкларга кўтариб мақтамоқдалар. Ҳақиқатда эса моддий неъматларни ишлабчирашини ривожлантириш имкониятлари фоят каттадир, аммо бу имкониятларга реакцион социал идора усуслари тўскىнлик қилмоқдалар. Х. нинг ўсиши жамият ҳаётининг зарурий, табиии шарти бўлса-да, лекин ҳал қилиувчи шарти эмасdir. Экономика Х. га бевосита таъсир кўрсатмайди, балки бошқа факторлар орқали: ижтимоий шароитларнинг мажмуи, оиласнинг ўсиш хусусиятлари, жамиятда аёлларнинг тутган мавқеи билан таъсир кўрсатади. Масалан, шундай бир ҳол қайд қилинганки, моддий ва маданий ҳаёт даражаси қанча паст бўлса, одатда, бола туғиши шунча кўп бўлади. Х. нинг ўсишининг экономикага тескари таъсири ҳам бир ёқлама эмасdir. Бир томондан, туғилишининг юқори даражада бўлиши ишлабчиқаршининг ривожига кўмаклашмоги лозим, чунки одамлар — жамиятнинг асосий ишлабчиқарувчи кучидир, иккинчи томондан, мамлакат та-раққиётининг конкрет шаронитлари аҳоли ўсишини тартибиға солиш юзасидан бир қанча чоралар кўришини талаб этиши мумкин («туғиши устидан наазорат ўтиратиша», «оиласвий планлаштириш» ва ҳ. к.). Маркс ёзганидек, «хар қандай тарихи алоҳида ишлабчиқарши усулига ҳақиқатда ўзининг алоҳида, тархий характерга эга бўлгач ҳалқаҳоли қонунлари хосдир». Мас., капитализм шаронитида ишебий аҳоли ортиқчалиги деган нарса мавжуд бўлиб, унда аҳолининг бир қисми тирикчилик учун етарли воситага ва ишга эга бўлмайди. Бу нисбий аҳоли ортиқчалиги капиталистик жамғарни қонунларидан туғилади. Социализм моддий ва маданий ҳаёт даражасининг доимо ўсиб боришини таъминлаб, туғилишининг оптимал даражасини сақлаган ҳолда ўлишининг паст ва муттасил пасайиб бориши асосида аҳолини ўтиришнинг янги типини вужудга келтирди. Шундай қилиб, Х. қонунлари абадий, ўзгармас эмасdir, улар анча даражада социал характерга эгадир.

**ХИТОЙ ФИЛОСОФИЯСИ** (Китайская философия) — минг йиллик традицияларга эгадир. Бу философиянинг кўпгина асосий идеялари куртак ҳолида хитой маданиятининг энг қадимги ёдгорликларидаёқ мавжудлар; эрамиздан бурууни 1 мингинчи йилга оид бўлган «Го Юй», «Цзо Чжуань», «И

Цзин» ва б. ана шундай ёдгорликлардан дир. Мас., «Го Юй», «Цзо Чжуань» оламнинг бош элементлари – беш унсур (сув, олов, металл, ёроч, тупроқ) ҳақида галқын қилиб, буларнинг хилма-хил қўшилишидан ҳамма нарсалар вужудга келади, деб таъкидлайди. «И. Цзин» («Ўзгаришлар китоби») ва аста-секин унга қўшилиб борган иловалар — фалсафий характердаги шарҳлар Х. ф. пинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Бу шарҳлардан бирининг «то инь, то ян — худди ана шу дао деб аталади» (яъни йўл, логос деб аталади) деган жумласи қадимги хитой диалектикасининг бош тезисини ифодаларди ва хитой философларининг кўп концепциялари ана шу тезис асосида қурилган эди. Шу билан бирга инь ва ян қарама-қарши кучларнинг қоронгулик ва ёруғлик, пассивлик ва активлик, манфий ва мусбат, хотинлик ва эрраклик асосларининг символлари сифатида юз берардилар ва табиат ҳамда жамиятдаги ўзгаришларнинг ҳамма процесслари мазкур кучларнинг механик тарзда ўзаро таъсир кўрсатиши (алмашиниши, бир-бирининг ўрнини босиши) натижасидир, деб изоҳ бериларди. Гарчи Хитойда ўзининг мифологияни космогонияси таркиб топган бўлса-да, лекин у (мас., қадимги грек мифологиясида фарқли ўлароқ) қадимги хитой мутафаккиларининг натурфилософиясига сезиларли таъсир кўрсатган эмасдир. Қадимги хитой мутафаккилари ахлоқ-одоб проблемаларига кўпроқ эътибор берардилар. Космогония ва космология уларни асосан инсонга натуралистик пуктан назардан қарашни ишлаб чиқиш муносабати билан қизиқтиради. Ҳамманинг эътироф қилишича, Чжанъо даври (эрамиздан бурунги 5—3-асрлар) Х. ф. учун «олтин дагр» бўлган эди. Бу даврда асосий фалсафий мактаблар шаклланади ва асосан назариялар ишлаб чиқлади, бу мактаб ва назариялар Хитойда фалсафий фикрнинг янада ривожланишига таъсир кўрсатади. Даосизм мактаби (Лао-цзи ва б.) асосий эътиборни дао қонунларини аниқлашга қаратади. У инсоннинг «йўли» ҳам оламнинг, табиатнинг қонуниятларига зид келмаслик учун мазкур қонунларга мувофиқ тузилиши лозим, деб ҳисоблаиди. Кейинчалик даосизм философияси асосида даосистик диний таълимот таркиб топа бошлайди. Айни вақтда конфуцианчиклар ҳам шаклланади. Унинг асосчилари Кун Фу-цзи (Конфуций), Мэн-цзи ва Сюнь-цзи инсон «табиати»ни тадқиқ қилдилар, унинг хатти-ҳаракат нормаларини ишлаб чиқдилар ва индивидларнинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштириш ўйли билан жамиятни қайтадан қуриш идеяларини илгари сурдилар. Чунончи, Конфуций «Буюк бирлашиш жамиятн» ҳақидаги социал-утопик назарияни тузади. Бу назарияга кўра, мазкур жамиятда «космон иродасига» мувофиқ тарзда барча вазифалар унинг аъзолари ўртасида аниқ бўлинган бўлади, пастда турувчилар юқорида турувчиларнинг («жанубларнинг») обрўйига сўзсиз итоат қиласидилар, кичиклар катталарни ҳурмат қиласидилар. Бу назария кейинчалик хитой сиёсий арбоби

лари, философлари, шоңрларыннинг күпини плҳомлантирган эди. Конфуцианчиликда социал ларзаларни даф қилишга интилиш яққол күринади ва у бунинг йўлини ҳамманинг анъанааларга, ахлоқ-одоби а ва урф-одатга риош қилишида деб билади. Конфуцианчиклар тақти билан расмий доктрина га айлангач, хитой жамиятни маънавий қиссининг шаклланишида энг кучли факторлардан бирин бўлиб қолди. Чжанъго даврида бошқа фалсафий мактаблар ҳам таркиб топиб, улар логика ва гносеология, давлат ва ҳуқуқ, космология ва ҳ. к. проблемаларини тадқиқ қилиш билан шугулланадилар. 10—13-асрларда Хитойда буддизмнинг тарқалишига ўзича бир хил реакция сифатида неоконфуцианчиклар деб аталувчи оқим пайдо бўлади. Неоконфуцианчилар борлиқнинг объектив ибтидолари — идеявилик (ли) ва моддийлик (ци) — нисбати масаласини турлича ҳал қиласидилар. Улардан баъзилари (Чжан Цзай ва б.) қадимги хитой материалисти Ван Чуннинг таълимотини давом эттириб, ци (моддийлик)нинг устунлиги ҳақидаги тезисни қаттиқ турниб ёқлаган эдилар. Кейинроқ, 17—18-асрларда, бу концепция Ван Фу-чжи (Ван Чуаньшань), Дай Джень ва б. асарларида ривожлантирилди. Мас, Ван Фу-чжи инсон ҳисларини бўғишга қарши чиқди, яхшилика ва социал адолатга интилишни инсон табиатида жо бўлган табиий қонунларнинг натижаси деб ҳисоблади. Неоконфуцианчиликнинг энг йирик вакили Джу Си объектив идеализм йўлига яқинроқ эди. У конфуцианчиклар тарқалишини шарҳловчиси ва системалаштирувчиши эди, у, идеяви ибтидо «ли» ни бирламчи деб ва уни ҳиссий идрок билан билиш мумкин эмас, деб ҳисобларди. Субъектив-идеалистик йўлнинг биринчи вакили Ван Ян-мин (Ван Шоу-жень) бўлиб, у «билим ва ҳаракат бирлиги» назариясини ривожлантирган эди. Бу назарияга мувофиқ, ҳаракатни интуитив тарзда пайқаладиган ахлоқ қоидалари белгилаб бериши лозим. Оммавий дехқонлар ҳаракати, айниқса 19-арсларнинг ўрталаридағи Тайшань қўзғолони социал-смёсий проблемаларга қизиқишини кучайтиради. Буржуа реформатори Кан Ю-вейнинг социал утопияси кенг шуҳрат қозонади. У конфуцианчик идеалига асосланниб, жамият тараққиётидаги уч фаза (хаос, дунёнинг қарор топиши ва буюк осойишталиқ) ҳақидаги анъанавий хитой таълимотига таяниб, ҳамманинг бир-бираига меҳр-муҳаббат боллаши ва мўлкий тафовутлар йўқлиги принципларига асосланган идеал «буюк бирлашиб жамиятини тасвиirlаб кўрсатади, 19-арсларнинг охирлари — 20-арсларнинг бошларида прогрессив фалсафий традицияларни ривожлантиришда Тань Си-тун ва Сунъ Ят-сен катта роль ўйнадилар. Тань Си-тун буржуа реформаторлик ҳаракатининг намояндаси бўлиб, ўз қарашларида Ҳ. ф. нинг анъанавий идеяларини Farbdan келувчи баъзи илмий-табиий тушунчалар билан қўшиб талқин қиласиди. Сунъ Ят-сен жамиятни қайта қуришнинг революцион-демократик программасини илгари сурди, онг

билан борлық иисбатига материалистик нұқтаи назардан қараш йүгіні тұтди, жамияттің ривожланишида идеяларнинг актив роль үйнашыны ұмома қилды. 1919 йылдан кейин Хитойда марксизм тар-қала бошлайды; бұ процесс мұрақкаб, зиддиятты характер қасб этады.

**ХРИСТИАНЛИК** — буддизм ва ислом билан бир қаторда жағон динларидан бири бўлиб, унинг жуда күп мұхлислари бордир. Черков диний таълимотига кўра, христианлик худонинг афсонавий ўғли — худосимон одам Исо Масеҳнинг ерга тушишига боғлиқ; Исо қызлиги-ча қолган Биби Марямдан галати равишда түгилган; у Фаластиндада янги динни тарғиб қилган ва үзининг чеккан азоб-уқубатлари ва хочга тортилиб ўлиши билан одамздан туноҳдан пок қилган, қайтадан тирилиб, осмонга чиқиб кетган, гуноҳларга ва имони комил тақвадорларга тегишил журм ва мукофотини бериш учун у гүёяна «қиёмат күни» қайтиб тушиши керак. Фан бу диний афсонанинг ёлғонлигини кўрсатди, унинг социал-сиеий ва идеологик илдизларини очиб ташлади. X. эрамиз I-асрининг иккичи ярмида вужудга келді. Даастлабки X. Рим империясидаги құллар, камбағалларнинг, насибасидан маҳрум қилинган ва эзилган, дунёвий азоб-уқубатлардан ўз кучи билан қутилишдан умидини бутунлай узган халқларнинг дини бўлган. У миллатидан қатын назар ҳамма аламдийдалар ва жафокашларга мурожаат қилиб, уларнинг кўнглига осмоний кучлар ёрдами билан тез вақт ичидә золимлар устидан ғалаба қилиш ишончини, яқин фурсатда ер юзида «илоҳий салтанат» ўрнатилишидан умидвор бўлиш ҳиссини жо қилган. Исо ҳақидаги мифнинг шаклланишига шарқдаги динларнинг ўлиб, тириладиган худодар ва қурбонлик қилиб жонни құтқарыб қолиш ҳақидаги афсоналари, яхудоликнинг ягона құдратлы худо ва унинг элчиси Мусонинг халоскор бўлиб, ер юзида «илоҳий салтанат» ўрнатиши ҳақидаги идеялари ғоят катта таъсир кўрсатган. X. қадим замондаги фалсафий системаларнинг элементларини: Филон Александрийнинг қаломы худо — *логос*, — янын рұхий олам билан моддий олам, худо билан одам ўртасидаги воситачи ҳақидаги таълимотини, стоиклар (Сенека)нинг бу фоний дунёда яшашининг бебақолиги, ҳамма кишиларнинг худо олдидә тенглиги ҳақида тарғиб қилган идеяларини ўзига сингдириб олиб, ишлаб чиққан. X. тарқала борган сари, Рим империясининг социал-иқтисодий кризиси чуқурлаша борган сари, X. анча ўзгарған. Унинг исенкорлик характеристері аста-секин йўқолган. Бу дунё зўравонлари олдидә ювош-итоатгўй бўлиш, сабр-чиdamли бўлиш, ҳаммасини кечириш, тақдирга тан бериш идеялари биринчи ўринага чиққан. Христиан жамоаларнинг социал состави ҳам ўзгарған: уларга мулкдор табақалар кириб олишган. Черков катта сиеий кўчга айланыб, катта бойлик тўплаган, 4-асрда X. Рим давлатининг расмий дини бўлиб қолади. Феодализм ва капитализм

даврида Х. кенг ёйилди. Шу билан бирга у бир неча оқимларга; католицизм, православие ва протестантизм оқимларига бўлиниб кетди. Х. нинг турии хиллари диний таълимотнинг асосий аҳкомларига (догматларига), маросимларга қараб бир-биридан фарқ қилинади. лекин уларнинг социал аҳамияти битта, у ҳам бўлса — инсонни зулм ва тенгизлил тузумига кўндириш, бу дунёда тортган азоб-укубатлари учун унга у дунёда жаннатдан жой ваъда қилишдан иборат. «Христианликнинг социал принциплари антик давр қуллигини оқладилар, ўрта аср крепостниклигини кўкларга кўтариб мақтадилар, эндиликда, агар зарур бўлса, аянч ишвалар қилиб ҳамки, пролетариатнинг эзилишини ҳам ҳимоя кила оладилар» (Маркс). Диннинг социал илдизлари сақланиб қолаётіанлиги сабабли, ҳозирга қадар ҳам Х. кўп капиталистик мамлакатларда кенг тарқалган дин бўлиб қолмоқда ва ҳукмрон синфлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

**ХУДО** (бог) — ғайри табиий хусусиятларга эга бўлган құдратли вужуднинг диний образи, оламдан устун турган ёки унга қуйиб қўйилган қандайдир олий куч. Баъзи динларда Х. фақат оламни яратувчи ҳисобланади, бошқа динларда эса у фақат оламни яратибгина қолмай, балки коннотда содир бўлувчи нарсаларнинг ҳаммасини бошқариб ҳам туради, айрим кишиларнинг ва бутун инсаниятнинг тақдирини белгилайди. Диний эътиқодларнинг дастлабки формалари (*фетишизм, сеҳргарлик, тотемизм*) Х. ҳақидаги тасаввурлар билан боғли эмасdir. Оддий предметлар, табиатнинг даҳшатли ҳодисалари ва кучлари, ҳайвонлар, ўсимликлар ғайри табиий хусусиятларга эга қилиб кўрсатилади. Руҳларга сифиниш (*анимизм*) пайдо бўлган қоқда, дастлабки пайтларда руҳлар юқори ва паст руҳларга, бошловчи ва эргашувчи руҳларга бўлинмаган эди. Бундай бўлинниш ибтидоий жамоа тузуми бузилиб, жамиятда юқори ва паст социал группалар ажралиб чиқкан даврда юз берди. Йўлбошчиларга ҳомийлик қилувчи руҳлар энг құдратли деб ҳисобланадиган бўлди. Аста-секин бу руҳларга ном берилади, уларга ҳамма томондан алоҳида сифиниш вужудга келади, улар худоларга айланади. Монархия идора усули пайдо бўлиши билан ягона құдратли Х. нинг мавжудлиги ҳақида диний тасаввурлар вужудга келади. Диндор киши ерда танҳо ҳукмронлик қилувчи құдратли подшоҳлар билан бир қаторда Х. ни осмондаги ягона, құдратли, ҳамма жойда ҳозиру нозир, ҳамма нарсадан хабардор подшоҳ деб тасаввур қила бошлайди. Агар оддий диндорлар онгига Х. озми-кўпми одамсимон вужуддан иборат бўлса,— идеалистик философия ва ҳозирги замон илохиёти Х. ҳақидаги тушунчани фан ва соглом ақл билан келишибтиришга уриниб, Х. ни жисмсиз руҳ сифатида тасвирлаб кўрсатади. Антагонистик жамиятда Х. идеяси меҳнаткашларни маънавий қулқилиш воситаси, синфиий ҳукмронликнинг маънавий қуроли бўлиб

хизмат қилди ва хизмат қилмоқда; социализм шароитида Х. ҳақидағи тасаввурлар илмий, материалистик дүнёқарашы ишлаб чиқишига халакит беради.

**ХУЛОСА ЧИҚАРИШ** (умозаключение) — Хулоса — тафаккур-иңг асосын мантиқий формаларидан бири. Х. ч. муҳокаманинг шундай бир процессидирки, унинг давомида асос деб аталаған бир ёки бир неча ҳукмдан, логиканинг муайян қоидаларига таяниб, янги ҳукм ҳулоса қилиб чиқарилади ва бу ҳулоса, ёки натижә деб аталағи. Х. ч.— янги билим олишнинг асосий методидир. Агар Х. ч. чин асосларға таянса ва унинг давомида фақат түгри мантиқий қоидалардан фойдаланылса, у вақтда олинган бу янги билим чинидир. Бу принципга амал қылмаслик Х. ч. да хатога олиб келади (мас., «Ҳамма йиртқич ҳайвонлар гүшт ейди» ва «Йұлбарслар — йиртқич ҳайвонлардир» деган чин асослардан, мантиқий қоидаларга риоя қилинган ҳолда, «Йұлбарслар гүшт ейди» деган түгри ҳулоса келиб чиқади. Айни вақтда агар: «Ҳамма студентлар имтихон беришга мажбурдилар» ва «Аспирантлар студент эмас» деган чин асослардан «Аспирантлар имтихон беришга мажбур эмаслар» деган ҳулоса келиб чиқади, бу ҳулоса эса нотұғридир, чунки бунда Х. ч. нинг мантиқий қоидалари бузилған. **Формал логикада** Х. ч. ни таснифлашнинг түрли вариантылары ишлаб чиқылған. Одатта ҳулоса чиқарыш бевосита ва бавосита бұлади. Бевосита ҳулосалар бир асосдан чиқарилади, мас., «Ҳеч бир ғолдуз — планета эмас» деган асосдан «Ҳеч бир планета — ғолдуз эмас» деган ҳулоса чиқарилади. Бавосита ҳулосалар камида иккى асосдан чиқарилади (юқорида күрсатылған миссияларға қаралсın). Ұз навбатида бавосита ҳулоса чиқарыштар дедуктив ҳулоса чиқарыштарға (*Дедукция*) ва редуктив ҳулоса чиқарыштарға бүлинади. Дедуктив ҳулосалар логика қонунларига биноан мұайян асослардан заруран келиб чиқади; редуктив ҳулосалар эса фақат бир қадар әхтимоллық билан тасдиқлаш тарықасыда чиқарилади. Дедуктив ҳулосаларға силлогик ҳулосалар киради, бу ҳулосаларнинг назариясін Аристотель тушиб берган; редуктив ҳулоса чиқарыштарға жумладан Бэкоң, Милль ва бошқалар ишлаб чиқкан индуктив ҳулоса чиқарыштар (*Индукция*) киради. Мұхокама юргизишининг ҳулосалар бир-бірига занжирдай боғли бұлған, олдин чиқарылған ҳулоса кейин чиқарадын ҳулосага асос бұладын реал процессида, күп қолларда айрим асослар ва ҳулоса чиқарыш қоидалари тушириб қолдирилади; шу мұносабат билан формал логикада қисқартма ҳулоса чиқарыштар назарияси ишлаб чиқылған. Х. ч. нинг мантиқий назарияси *исбот* назарияси билан мағкам боғлиқдир. Ҳозырғы вақтда Х. ч. назариясини *математик логика* ишлаб чиқмоқда.

**ХУНУКЛИК** (безобразное) — эстетика түшүнчесін бұлиб, бу түшүнчә ғұзалишкка душманларча қарши тұрадын ва тарихий

процесс жараёнида ғазининг бутун ожизлигини, йўқ бўлиши зарурлигини кўрсатадиган ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиради. Ҳаётда ва санъатда X. ни «ўз ўрида ўтқазиб қўядиган», гўзаллик-нинг маҳв этиувчи нури уни ғужанак қилиб ташлайдиган эстетик идеалсиз X. ни эстетик идрок қилиш мумкин эмас. Ўз мавжудлигининг бемаънилигини яққол кўрсатувчи X. комик мазмунда бўлиб, кулгини қистайди. Лекин агар у гўзалликка тўгридан-тўғри хавф соладиган бўлса, у вақтда у комик эмас, балки жирканч бўлиб қолади. Санъатда X. нинг акс этиш характеристи бадиий ижод методи билан белгиланади. Формалистик ва натуралистик санъат X. га шунчаки юзаки мурожаат қиласайди, балки чинакам гўзал идеаллардан маҳрум бўлгани учун ундан лаззатланади, завқ олади, уни гўзал қилиб кўрсатади (сюрреалист рассом Сальвадор Далининг асарлари бунга мисол бўлиши мумкин, чунки унинг асарларида гўзаллик X. тарзида, X. эса гўзаллик тарзида талқин этилади). Реалистик санъат X. ни четлаб ўтмайди (мас., Гоголь асаридаги Плюшкин образини, Шчедрин асаридаги Иудушка Головлёв образини, совет кинофильмларидаги ва прогрессив ажнабий кинофильмлардаги фашист қотиларнинг образларини кўз олдимизга келтирайлик). Лекин бу санъат X. нинг гўзаллик идеали билан мутлақо сиғишмаслигини кўрсатади, ҳар қандай қиёфада, шу жумладан у гўзаллик ва чиройлилик ниқобига бурканган ҳолларда ҳам уни таниб олишни ўргатади, X. нинг бундай акс эттирилиши ҳаётда унга қарши курашга ёрдам беради, гўзалликни барқарор қиласди.



**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** (лат. *civilis* — гражданска, давлатга, тарбияга оид) — инсон ва жамиятнинг маданий (ўзгартиувчиллик) фаолиятининг моддий ифодасига тегишили барча формалар ва турларнинг мажмуни: техника, моддий ишлабчиқаришини ташкил этиш формалари ва усуллари, коммуникацияларнинг (тил ҳам шунига кирди), социал институтлар ва шу кабиларнинг барча турлари. Ц. тушунчаси одатда маданият тушунчаси билан бир нисбатда ишлатилиди. Буржуя философиясида Ц. деганда кўпинча жамиятнинг моддий-техника соҳасида эришган ютуқлари, маданият деганда эса, фақат маънавий қимматдорлар тушунилади. Шу билан бирга ақлий фаолият (маданият) соҳаси Ц. социал тараққиётининг юқориyoқ соҳаси сифатида парсалар соҳасига, «тан учун» белгилаб қўйилган, инидивиддан бегоналаштирилган, одамлик ҳолатидан чиқарилган моддий ноз-неъматлар мажмунига қарама-қарши қилиб қўйилади. Mac, 19 асрнинг охири — 20 асрнинг бошларида маданиятипнг немис буржуя назариётчилари (А. Вебер ва бошқалар) ана шундай позицияларда турардилар. Улар Ц. нинг «техник-рационал» тараққиётини билан маданиятнинг ўз характерига кўра иррационал тараққиётини «ташқи» ва «ички», «тан» ва «руҳ», «фаросат» ва «ҳис» сифатида бир-бирига қарама-қарши қўйиган эдилар. Бу қарашлар Шпенглерда ўзига хос тарзда юқори чўққисига етди. Унинг қарашіча, Ц. тараққиётнинг шундай палласи эмишки, бу паллада маданиятнинг бутуниси ташқи ҳолатда мужассамлашиб, қотиб қолар эмиш, маданиятнинг «анорганик даври», қариди қолиши бошланиб, шундан кейин у ўлар эмиш. Баъзан Ц. ва маданият тушуичаларини, аслда, бир-бирини алмаштириб турувчи парсалар деб қарайдилар (Тойнби). Лекин ҳамма ҳолларда буржуя назариётчилари Ц. ва маданият тараққиётининг асосини ё идеалистларча тушунадилар (бундай ҳолда уни динда, инсоннинг ахлоқий нормалари, эстетик қобилиятларининг такомиллашувида ва ҳ. к. кўрадилар), ёки вулыгар-материалистларча тушунадилар (бундай ҳолда улар маданият тараққиётини фақат техника, фан тараққиётидан келтириб чиқарадилар). Марксистик философия инсон ва жамиятнинг ўзгартиувчиллик фаолиятини маданият ва Ц. нинг асоси деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам ўзгартиувчиллик принципи (фаолиятнинг моддий, маънавий, бадий)

соҳаларида) — ҳар қандай инсоний («дунёвий») Ц. нинг ҳал қилувчи белгисидир. Ц. тушунчаси қатъий маънода инсоннинг ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаларини ифодалайди. Бу натижалар — фақатгина моддий неъматларни инсоният жамиятининг яшаш асосларини яратишдан иборат эмасдири. Илмий билимлар, фалсафий таълимотлар, идеялар предмет фаолияти орқали, ҳуқуқий институтлар, партиялар ва ҳ. к. орқали моддийлашиб, реал кучга, маданий факторга, ўзгартириш воситасига айланадилар. Гарчи тарихда ҳеч бир реакцион синф инсоннинг ўзгартирувчилик фаолиятини батамом тўхтата олмаган бўлса-да (йўқса бу ҳол умуман жамиятни ҳалокатга олиб келган бўларди), бу фаолият турли социал шароитларда турлича жараён билан боради. Ҳозирги замон капитализми учун Ц. инсондан бегоналашганлиги, узулганлиги характерлидир, унда инсон, аслда, ўз ижодиётларининг қўшимтасига айланаб қолмоқда. Коммунистик жамиятда Ц. ва маданиятнинг гуманистик мазмуни тамомила очиб берилади: инсон Ц. ноз-неъматларини яратувчи вужуд сифатида ҳам, улардан фойдаланиб, ҳузур-ҳаловаг қилишга қодир вужуд сифатида ҳам ривожланишнинг реал имканиятига эга бўлади.



**ШАХС ВА ЖАМИЯТ** (личность и общество) — социология ва этиканинг энг муҳим проблемаларидан бири. Марксизмдан олдинги даврдаги философлар ва социологлар шундай бир зиддиятини, яъни айрим киши, бир томондан, жамиятнинг бир бўлакчаси бўлиб, ўз ҳаракатларида шу жамият шарт-шароитига бўйсунишидан ва, иккинчи томондан, у маълум мустақилликка, ташаббусга, иродада эркинлигига эга бўлишидан иборат зиддиятни ҳал қилолмаган эднлар. Улар, одатда, ё инсондан устун турувчи ҳамда унинг қиладиган ҳаракатлари ва фикрлари тарзини белгилаб берувчи, деб жамиятнинг ролини, ёки гўё ижтимоий муҳитдан қатъий назар ўз хатти-ҳаракатларини белгилай оладиган инсоннинг эркин иродасини мутлақ қилиб қўярдилар. Биринчи ҳолда улар худонинг иродасини, абсолют идеяни (объектив идеалистлар) ёки «шаронтни» (материалистлар) инсоннинг барча хатти-ҳаракатларининг манбани, деб ҳисоблардилар; иккинчи ҳолда бундай манбани инсоннинг ўзининг психикаси ичидан, унинг онгидан ёки шууридан излардилар (субъектив идеалистлар). Марксизм бу хилдаги ҳамма таълимотларнинг бир ёқламалигини бартараф қилиб, Ш. ва ж. ўртасидаги зиддият амалий фаолият жараённида ҳал этилади, шахс жамиятга боғлиқ бўлгани сингари, жамият ҳам кишиларнинг ижодий фаолиятига боғлиқдир, деб кўрсатади. Инсон жамият қонунларини, ўз ҳаётининг шарт-шароитларини билиб олгач, маълум мақсадга қаратилган актив фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий муҳитни ва ўз-ўзини ўзгартира олади. «Агар тўғри тушунилган манфаат бутун ахлоқ принципини ташкил этса, демак, у вақтда айрим кишининг хусусии манбаати умум инсон манбаатлари билан тўғри келишига интилмоқ керак» (Маркс). Инсон ҳақидаги марксистик таълимот жамият тараққиётининг объектив қонунларини илмий билишга таинади. Индивидуул муйян ижтимоий муносабатларнинг ҳомили бўлган тақдирдагина шахсга айланади. Инсоннинг индивидуал қобилиятлари, унинг одоб ва ахлоқ жиҳатдан ривожланиши, унинг интеллектуал имкониятлари, жами билимлари, малакалари ва у эга бўлган маданият инсон ҳақида кўп нарсани билдиради-ю, аммо асосий нарсани, яъни унинг жамиятда тутган ўрнини, ижтимоий-тарихий практикада иштироқини белгилаб бермайди. Сабабки айни бир хил-

даги индивидуал қобилиялар турли ижтимоий шароитларда турлича ривожлантирилиши ва фойдаланилиши мумкин. Шу сабабли шахснинг социал характеристикаси унинг марказий тавсифидир: объектив социал характеристика муайян синфга мансубликни билдиради, инсоннинг ижтимоий муносабатлар системасидаги ўркани белгилаб беради ва субъектив социал характеристика инсоннинг дунёқарашини билдиради. Шахснинг шаклланишини анализ қылганда индивидуум ўз ҳаётий фаолиятида боғлайдиган социал алоқаларни, унинг ҳаёт тарзини: унинг яшаши моддий шароитларини, социал колективларнинг (ишлабчиқариш бирлашмаси, оила, жамоат ташкилотлари) фаолиятида иштирок этишини ва ҳ. к. ҳам конкрет равишда ўрганиш зарур. Бу барча социал алоқаларнинг структурасини социология индивидднинг жуда хилма-хил социал ролларини анализ қылганда конкретроқ тарзда тасвирилаб беради ва тадқиқ қиласи. Индивидднинг социал роллари деганда шундай нормалар тушуниладики, жамият шу нормалар воситаси билан кишиларнинг машгулолтларини хилини, уларнинг хатти-харакат формаларини, манфаатлари доирасини ва ш. к. белгилаб беради. Шахснинг ривожланиши аввало унинг социал тажрибага қатнашуви билан, жамиятда мавжуд фаолият формалари ва турларини ўзлаштириб олиши билан белгиланади. Бу процесс турли конкрет-тариҳий шароитларда турлича юз беради. Антагонистик жамиятда социалликнинг, колективликнинг хилма-хил формалари индивиддга нисбатан ташки куч сифатида юзага чиқади, кишиларнинг фаолиятини, хатти-харакатини жамият томонидан тартибга солиш эса қўпинча мажбур қилиш, жазо-таъқиб қилиш характеристига эга булади. Чуончи, инсоннинг шахселик сифатини йўқотиш, унинг меҳнатини ийлонийлик шаънига тўғри келмайдиган ҳолга солиш, инсонни ишлабчиқаришни ривожлантириш воситасига айлантириш тенденцияси капитализмга хос тенденциядир. Коммунистик жамиятнинг мақсади — ўзининг ҳар бир аъзосини эркни суратда ва ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат. Шунинг учун у Ш. билан ж. ўртасидаги азалий конфликтни бартараф қилмоқда. Коммунистик жамиятда шахсни ҳар томонлама ривожлантириш деганда ҳар бир кишига етарли моддий имкониятларни, ҳаётий фаолиятнинг жуда хилма-хил ижтимоий алоқалари ва формаларини таъминлаб бериш маъноси тушунилади. Тўғри, коммунизмнинг биринчи фазасида жамият билан шахс ўртасидаги зиддият батамом бартараф қилинмайди; бу зиддият ўтмиш сарқитларининг яшовчанлигига, колективчилик ижтимоий муносабатлар билан кишиларнинг онгидаги, ҳаёт тарзидаги индивидуализм қолдиқларни ўртасидаги конфликтда айниқса кескин формада намоён бўлмоқда. Шахсни, шунингдек психология ҳам ўрганади; бу ҳолда тадқиқот мавзуи — индивидуал психиканинг хусусиятлари ва хоссалари: характер, ироди, интеллект, темперамент

ва шу кабилардан иборат бўлади. Шахси психолоҳик жиҳатдан ўрганиш унинг социал характеристикасини тўлдиради, бинобарин, бу ўрганиш инсон проблемасини чинакам илмий равишда асослаб бериш ва ҳал қилиш учун зарурдир.

**ШАХСИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ** (всестороннее развитие личности) — инсонни ўйгуни ҳолда ривожлантириши, унинг барча қобилиятлари ва сифатларини таомиллаштириши. Эксплуататорлик формацияларда Ш. ҳ. р. фақат бир ҳовуч озчилигга мусассар бўлиб, меҳнат ахлига сира дахли йўқдир. Капиталистик меҳнат тақсимоти шаронтида меҳнаткаш киши ишлабчиқаришининг айрим функциясини бажарувчи «қисмий» ишчига айланади, бу ишни бажариш учун кўпгина қобилиятларни ривожлантиришининг ҳожати бўлмайди. Ҳозирги замон саноат ишлабчиқариши ўзининг юксак техника даражасига кўра ҳартомонлама тайёргарлиги бўлган ходимларга муҳтождир. Лекин барча меҳнаткашларининг эркин ризожланнишини амалга оширимоқ учун эксплуатация, жинсий жиҳатдан, келиб чиқиши жиҳатидан камситиш бўлмаслиги, жамиятнинг барча аъзолари тенг бўлиши ва шулар каби социал шарт-шароит зарур. Ш. ҳ. р. учун шарт-шароит ва асос социализм даврида, коммунистик жамият қурилиши процессида ёки вујудга келтирилади. Бу асос ва шарт-шаронтлардан энг муҳимлари — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, буш вақтни кўпайтириш, маданий-техника даражасини кўтариш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқ қилишдан иборат. Коммунистик жамиятда Ш. ҳ. р.ники проблемани ҳал қилиши асосида: шахсий ва ижтимоий манбаатларни ўйгунаштириб қўшиш ва меҳнатни биринчи ҳаётий эҳтиёжга айлантириш асосида амалга оширилмоқда. Меҳнатнинг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланниши вақтнинг буш вақтга ва иш вақтига бўлинишига барҳам беради. Ҳамма учун меҳнат шахснинг ривожлапшишига кўмаклашувчи ижодий меҳнат бўлиб қолади. Коммунизм даврида меҳнат фаолиятиниң қандайдир бирор турига умрбод биркитиб қўйиш бўлмайди, инсон ўз ҳоҳиши билан машгулотларнинг бирон тури ва формасини ташлаб олади. Бундан, албатта, меҳнатнинг ихтиослаштирилиши бекор қилинади, инсоннинг ўз истеъоддларини тўла-тўқис очиб берадиган ва ўз кўнглига ёқсан фаолият турни бўлмайди, деган маъно чиқмайди. Ҳар томонлама ривожланган киши — ўзининг тўқис, ҳар томонлама ҳаётини актив яратувчи демакдир. У маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний мукаммалликни ўзизда уйғунаштириб қўшиб олади. У илмий дунёқарашга, ҳар томонлама чукур билимларга эга бўлади, актив жамоат арбоби бўлиб етишади, ҳаётнинг ҳамма соҳаларига санъатга, спортуга ва шу кабиларга қизиқади. Ӯнинг учун «турли ижтимоий функциялар — ҳаётий фаолиятнинг

бир-бирини алмаштириб турувчи үсуллари» (Маркс) бўлиб қолади. Бундай киши ҳозирнинг ўзидаёқ етишиб камол топмоқда. Жамиятнинг ҳар бир аъзосини тўқис, уйғун тарзда ривожланган, шахса айлантириш — жамиятни коммунистик асосда қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларидан биридан.

**ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ** (город и деревня) — одамларнинг жойлашувининг тарихан таркиб топган формалари бўлиб, бу формалар ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик тузумига ўтиш даврида пайдо бўлган. Шаҳарларда хунармандлик, савдо-сотиқ, маъмурӣ-давлат бошқармаси, маданият, қишлоқда эса деҳқончилик, чорвачилик, овчиллик, балиқчilik жойлашиди. Бир-бирига душман синфларга бўлинни кетган ҳамма жамиятларда Ш. ва қ. ўртасида қарама-қаршилик ҳам мавжуд бўладики, бунинг асосида ҳукмрон синфларнинг қишлоқ меҳнаткашлар оммасини эксплуатация қилиши ҳукм суради. Қапиталистик жамиятда бу қарама-қаршилик чуқурлашади. Ишлабчиқарувчи кучларни ривожлантиришда қишлоқ шаҳардан орқада қолади. Молия капитали банклар орқали қарзлар юзасидан катта процентлар шаклида меҳнаткаш деҳқонлар оммасидан фоят кўп маблагларни шилиб олиб, қишлоқда ўз ҳукмронлигини тобора мустаҳкамлайди. Монополиялар сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига паст баҳо белгилайдилар, саноат товарларини эса жуда баланд баҳода сотадилар. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларни ерсиз қолишга ва хонавайрон бўлишга олиб боради. Маданият соҳасида қишлоқнинг шаҳардан орқада қолиши кучаяди. Монополистик капитализм шаронтида Ш. билан қ. ўртасидаги қарама-қаршилик метрономиялар билан мустамлакалар ўртасидаги, саноат мамлакатлари билан аграр мамлакатлар ўртасидаги антагонизмда ҳам юз беради. Социализм даврида ҳар қандай эксплуатация тутатилади, шу асосда эса Ш. билан қ. ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам барҳам топади. Улар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари барқарор бўлади. Бироқ бу даврда Ш. билан қ. ўртасида муҳим тафовутлар ҳали сақланниб қолади ва буларнинг асосида социалистик мулкнинг икки формаси: умумхалқ мулки ва колхоз-кооператив мулки ётади. Улар саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлабчиқариши характеристида, маданият ва турмуш шароитларида намоён бўлади. Бу тафовутлар социализмдан коммунизмга ўтиш даврида ишлабчиқарувчи кучларни ривожлантириш, колхоз-кооператив мулкии умумхалқ мулки даражасига кўтариши асосида, қишлоқ хўжалиги меҳнатини индустрialiал меҳнатнинг бир турига айлантириш, қишлоқнинг ҳаёт кечириш шароитига яқинлаштириш йўли билан астасекин йўқолиб боради. Бу процесс фақат қишлоқнинг эмас, балки шаҳарнинг ҳам қиёфасини ўзgartишини назарда тутади. Келажакда индустрialiал марказлар мамлакатда тенг бараварроқ тарзда тақсим-

ланади, эски шаҳарлар реконструкция қилинади, янги шаҳарлар тұғыри планлаштирилған қолда, максимал даражада қулай турмуш шароитлари билан вужудға келтирілади.

Социалистик шаҳарлар иқтисодий, маъмурий-сийесий ва маданий-илмий марказлар сифатида бутун социалистик ва коммунистик қурилиш процессининг етакчи кучи ва шу жумладан қишлоқ хұжалиғи ишлаб чиқаришини юксак суръатлар билан ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш бобидаги вазифаларни бажармоқдалар. Коммунизм қурилиши жарапеніда қишлоқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, колхоз-кооператив мулкіни умумхалқ мулки даражасына күтариш, қишлоқ хұжалиғи мәжінатини индустріал мекнат турларидан бирига айлантириш, қишлоқнинг маданий дарајасини күтариш йўли билан Ш. ва қ. мекнат ва турмуш шароитлари аста-секин бир-бирига яқинлашмоқда.



**ЭВДЕМОНИЗМ** (грек. *eudaimonia* — ҳуэур-ҳаловат, баҳт-саодат) — ахлоқий таълимот бўлиб, бу таълимот баҳт-саодатга интилишни ахлоқнинг асоси деб ҳисоблайди. Бу таълимот қадимги Гречияда пайдо бўлди (Демокрит, Сократ, Аристотель ва б.), кейинчилик уни 18-асрда баъзи француз материалистлари илгари сурдилар, Э. баҳт тушунчасига киритилган мазмунга қараб турли ахлоқий системаларни (мас., «индивидуал Э.» ва «социал Э.» деб аталаданган системаларни) бирлаштириди. Аммо уларнинг ҳаммаси учун баҳт проблемасига ғайри тарихий, ғайри синфий қараваш характерли эди, улар баҳтни инсон ҳаракатларининг ўзгармас, абстракт мақсади, деб тушунардилар. Шунинг учун Э. га асосланган таълимотлар ҳам ахлоқни унинг социал мөҳиятидан ташқарида, абадий ва ўзгармас категория деб қарадилар. Шу билан бирга Э. да ижобий элемент ҳам бордир, чунки у баҳтнинг эришган ютуғини индивидуумнинг шахсий куч-ғайрати билан боғлади, бинобарин, бу жиҳатдан у диний ахлоқдан юқори туради; маълумки, диний ахлоқ кишиларнинг баҳти худонинг амрига боғлиқ деб исбот қилмоқчи бўлади. Э. ўзининг бош асослари жиҳатидан *гедонизм* ва *утилитаризмга* яқинидир. Марксистик этика. баҳт ахлоқнинг асоси бўлиб хизмат қилолмайди, деб ҳисоблайди, чунки ахлоқнинг ўзи пировард ҳисобда мавжуд ижтимоий муносабатларга боғлиkdir.

**ЭВОЛЮЦИЯ ВА РЕВОЛЮЦИЯ** (лат. *evolutio* — кенгайиб бориш ва *revolutio* — инқилоб) — объектив воқеиликдаги предметлар ва ҳодисаларда юз берадиган ўзгаришларнинг иккى хил типи ҳамда тараққиётнинг бошқа-бошқа икки босқичи. Диалектикада эволюция деганда тараққиётнинг шундай босқичи тушуниладики, унда айни предмет учун муҳим бўлмаган хоссалар, белгилар, қонуниятлар ўзгарамади. Мас., капиталистик тузумнинг қўйидагича ўзгаришларини эволюцион ўзгаришлар деб ҳисоблаш мумкин: унинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлабчиқариш муносабатлари, бошқариш формалари ва ҳ. к. қисман ўзгарамади (эркин конкуренция ўринини монополиялар ҳукмронлиги эгаллайди, сиёсатда реакция кучаяди), лекин шу билан бирга айни тузум учун энг муҳим бўлган томонлар: ишлабчиқариш воситалярнинг хусусий мулклиги, ёлланма ишчиларни эксплуатация қилиш ва б. илгаригича қола беради. Революция предметнинг ривожланишида шундай бир босқичдирки, бунда предметнинг структураси,

қонуниятлари тубдан ўзгарди, бунинг натижасида у бутунлай бошқа предметга алланади. Чунончи, пролетар революцияси давомида капиталистик жамият тубдан ўзгартырлади (хусусий мулк ўрнини ижтимоий мулк әгаллайди, буржуазия ҳокимияти ўрнига пролетариат диктатураси барпо этилади ва ш. к.) ва бутунлай бошқача ижтимоий тузум — социализм вужудга келтирилади. Воқелик-нинг ҳар қандай соҳасида ҳар қандай предметниң ривожланиши ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган эволюция ва революцияни ўз ичига олади. Предмет ва ҳодисаларнинг аста-секин, кам-кам ўзгариб бориши муайян босқичда тубдан, революцион ўзгаришлар учун, уларнинг бошқа предмет ва ҳодисаларга айланиши учун шарт-шарроит туғдиради. «...Табиатда ҳаёт ва тараққиёт секин борадиган эволюцияни ҳам, тез юз берадиган сакрашларни, тадрижотнинг узилишларини ҳам ўз ичига олади» (Ленин). Ўзгаришларнинг бу реал хилма-хиллигини метафизика инкор этиб, тараққиётни ё эволюциядан, ёки революциядан иборат қилиб қўяди ва улар ўртасидаги алоқадорликни ҳисобга олмайди. Марксизм-ленинизм вульгар-эволюционистик, реформистик қарашларга ҳам, онархо-синдикалистик назарияларга ҳам қарши кураш олиб бормоқда, чунки вульгар-эволюционистик реформистик қарашларнинг даъвосича, жамият фақат эволюцион суратда, арзимас майда реформалар асосида, революцион ларзалар ва инқилоблар қиласдан ривожлана беради; анархо-синдикалистик назариялар эса ишлабчиқарувчи кучларда, ишлабчиқариш муносабатларида, кишиларнинг онгида ва шу кабилаларда тадрижий ўзгаришлар бўлиши зарурлигини ва ўзгаришлар жамият структурасини тубдан ўзгариш учун, революция учун шарт-шаронг ҳозирлашини инкор қиласди. Эволюцион ва революцион ўзгаришларнинг формалари ёки типлари турли Chadir. Чунончи, эволюцион ўзгаришлар предметлар ҳажмларининг оддий камайиши ёки кўпайишидан, предметниң баъзи номуҳим хоссаларининг алмашинувидан, унинг структураси, функцияларининг оз-моз ўзгаришидан иборат бўлиши мумкин ва ҳ. к. Революцион ўзгаришлар тезлик ёки секинлик билан, тадрижий равиша (эски структуранинг айrim элементларини, қонуниятларини ва ҳ. к. изчил алмаштириб бориш йўли билан) ёки бирданига (бутун структурани бир вараканига қайта қуриш йўли билан) юзага келиши мумкин. Аста-секин амалга ошириб бориладиган революцион ўзгаришларга социализмдан коммунизмга ўтиш мисол бўлиши мумкин. Шуни назарда тутмоқ керакки, «эволюция» термини баъзан тараққиётнинг айrim босқичини эмас, балки бутун процессини билдиради. Юлдузлар эволюцияси, ер қобиги, тирик организмлар эволюцияси ва ҳ. к. ҳақида сўзлаганларида уни худди шу маънода ишлатадилар. «Революция» термини баъзан фақат ижтимоий ҳодисаларга татбиқ этилиб, социал революция маъносида тушунилади.

**ЭВРИСТИКА** (грек. lieurisko — топаман) — инсон фаолиятида янгиликларнинг (муҳокамалар, идеялар, ҳаракат усуллари) пайдо бўлиши ҳақидаги фан. Э.— билимнинг комплекс тармоғидан иборат бўлиб, бу тармоқ философия, психология, математиканинг ва меҳнатни илмий ташкил этишнинг бир қанча бўлимларини бирлаштиради. Унда марказий ўринни самарали (ижодий) тафаккур психологияси ишғол этади ва бу психологиянинг мавзуи — турили вазифаларни, проблемали ситуацияларни ҳал этишнинг психологик механизмларидан иборат. Ижодий интеллектуал фаолият кўрсатиш қобилияtlарини шакллантириш шарт-шароити (эвристик таълим) ва уни ташкил этиш методлари ҳам Э. нинг кўз остида бўлади. Техника тараққиёти тезлашиб кетаётганлиги, ҳал этиш керак бўлган проблемалар доирасининг кенгаяётганлиги муносабати билан Э. нинг аҳамияти ошиб бормоқда. Кибернетиканинг ривожланиши эвристик программалаштиришнинг, яъни фикрлаш фаолиятининг электрон техника воситалари билан моделлаштиришда маҳсус йўналишнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ишлаб чиқилаётган эвристик программалар замирида лабиринтнинг ўтишидан иборат вазифаларни ҳал этиш процессини тушуниш асос бўлиб ётади (бунда ҳал этишнинг мумкин бўлган ҳамма вариантлари бирин-кетин қараб чиқилади). Шу муносабат билан электрон машина программасига ҳал этишнинг қараб чиқиладиган вариантлари сонини чеклайдиган ва шу билан керакли вариантни излаб топишини енгиллаштирадиган маҳсус усуллар жойлаштирилади. Бундай усуллар «эвристик усуллар» деб аталган эди. Ҳозирги вақтда эвристик программалаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тадқиқотлар олиб боримоқда. Динамик моделлаштириш принципи жойлаштирилган программалар ишлаб чиқилемоқда, бундай вазифани ҳал этиш проблемали ситуация элементлари ўртасидаги муҳим алоқаларни аниқлаш йўли билан топилади. Бу иш инсоннинг интеллектуал фаолиятини программалаштириш учун, бу фаолиятни моделлаштирувчи машиналарни яратиш учун катта истиқболлар очиб бормоқда.

**ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ** (лат. existentia — яшаш, мавжуд бўлиш) — ҳозирги замон буржуза философиясида энг нуфузли субъектив-идеалистик йўналишлардан бири. Э. нинг характерли хусусияти иррационализмидир. Унинг вакиллари 19 асрнинг ўрталари — 20 асрнинг бошларида яшаган идеалист философлар (Къркегор, ҳаёт философияси) бошлаб берган ақлни танқид қилишнинг хилма-хил формаларини бир бутун қилиб қўшдилар. Россияда экзистенциалистик идеялар 1905 йил революцияси мағлуб бўлгандан кейин Бердяев ва Шестов асарларида кўринди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Э. Германияда пайдо бўлади (Ясперс, Хайдеггер). Францияда Э. гитлерчилар оккупацияси даврида тарқала бошлайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Э. замонлашган фалсафий оқим бўлиб қолади ва

айни вақтда чуқур кризисга йүлиқиб, ички зиддиятлар уни кемира бошлайды. Унинг ўз таълимотларини очиқдан-очиқ диний проблематика билан боғлаган вакилларигина («диний экзистенциалистлар» деб аталувчилар — Ясперс, Марсель, Бубер) сабитқадамлик билан ўз гояларига содик бўлиб қолдилар. «Атеистик» қанотнинг энг нуфузли намояндлари — Хайдеггер, Сартр — ўз таълимотларини ислоҳ қилдилар. Бу ҳол капиталистик мамлакатлардаги адабиётта, кино санъатига ва театрга катта таъсир кўрсатди. Рильке, Сартр, Кафка, Камю ижодиёти экзистенциалистик гоялар билан сугорилгандир. Э. нинг энг муҳим тушунчаси — экзистенциядир. Бу тушуича шахснинг асосий, ҳаммадан кўпроқ онгизис дастурини, инсоннинг ички борлигини билдиради. Бу — руҳни христианларни тушунишининг суррогатидир. Инсон экзистенцияни башишти у абадий бўлгандагина («абадийлик белгиси остидағина») идрок этиши ва англаши мумкин ва уни қутқариб қолиш учун яшашга мажбурдир. Инсон кундалик ташвишлар ва изтироблар оламига кўмилиб қолганида унинг ҳақиқиي Мен-и очилмасдан қолади. У қиёфасиз муҳитга («Ман») бўйсундирилган бўлади, ўз шахсини, мустақиллигини йўқотади, бошқалар қандай ҳаракат қиласа, шундай ҳаракат қилидиган, бошқалар қаидаи ўйласа, шундай ўйлайдиган бўлади. Фақат Ҳеччима олдида даҳшатга тушиш, яшашнинг бемаънилигини, унинг беҳудалигини сезишгина инсонни бу ҳолатдан халос қолади ва уни ўз экзистенциясига назар ташлашга мажбур этади, инсонни ҳақиқий борлиққа олиб келади. Экзистенциалистларининг фикрича, худди даҳшат, кўркув инсоннинг яшашининг асосини ташкил этади. Э. — борлиқнинг фоҳиалилигини, унинг мантиқа хилофилигини, инсон ихтиёрида эмаслигини тарғиб қиулувчи философиядир. Э. нинг асосий гоялари капиталистик воқеелик вужудга келтирадиган кайфиятларга (эртанги кунга ишонмаслик, истиқболдан қўрқиш, ҳеч кимга керак эмасликни сезиш ва шу каби кайфиятларга) мувофиқ келади. Э. нинг бир қанча вакиллари фанин ташқид қиласар эканлар, уларнинг бу ташқиди диний қарашларни ошкора тарғиб қилиш билан боғланшиб кетади (Марсель, Барт). Аслини суриштирганда, Э. умуман диний онгнинг бир туридир, у диний изланишларнинг назарий жиҳатдан қайта тикланишидир.

**ЭКЛЕКТИКА** (грек. *eklego* — танлайман) — турли хилдаги ва ҳатто қарама-қарши элементларни бир фалсафий таълимотда бирлаштириш. Бунинг маъноси — қарашларнинг яхлит системасини тузиндан воз кечиши ва турли хилдаги идеялар, баҳолар, назариялар ва шу кабиларни пала-партишлик билан аралаш-қуралаш қилиб юбориш демакдир. Э. нинг ҳодисаларга ҳар томонлама ёндошиш, уларнинг ривожланишидаги зидма-зид томонларни ва тенденцияларни назарда тутиш тўғрисидаги диалектик талаб билан (*Диалектика*) ҳеч қандай алоқаси йўқ. Философия тарихида Э. одатда музайян

ижтимоий системаларнинг кризисга йўлиқиши ёки тушкунликка тушиши даврлари учун жаҳартерлидир. Чунончи, қулдорлик тузуми бузилаётган даврда (эллинизм) Э. нинг белгилари александрия философиясига хос белгилар эди. 19-асрда яшаган француз философи Кузеннинг таълимоти ҳам Э. га мисолдир. Энгельс 19-асрнинг иккича ярмидаги немис буржуя философиясининг эклектиклигини таъкидлаб кўрсатган ва уни жуда боплаб «эклектик қашшоқлик аталаси» деб атаган эди, чунки унда *неокантчилик* ва *позитивизм*, *табиий-илмий материализм* ва беркличилик, *волюнтаризм* ва *агностицизм* идеалари аралаш-куралаш қилиб юборилган эди. Капитализмнинг умумий кризиси даврида буржуя ижтимоий фикрида эклектик тенденциялар кучаяди. Э. фалсафий ревизионизмга хўсдир, чунки у марксистик философияни *экзистенциализм*, *феноменология*, *неопозитивизм* ва шу кабиларнинг қоидалари билан «тўлдириш»га уринмоқда.

**ЭКСПЕРИМЕНТ** (лат. *experientum*—синов, тажриба, исбот)— ҳодисаларни анниқ белгиланган шарт-шароитда, яъни бу ҳодисаларни қайта ҳосил қилиш ва кузатишга имкон берадиган шарт-шароитда ўрганиш усули. Э. да у ёки бошқа ҳодисани хилма-хил шароитларда тадқиқ қилиш, уни айни бир ҳолатда ва турли ҳолатларда истаганча такорлаш, айrim бўлакларга бўлиш мумкин. Э. нинг табиати мураккабдир. Э.— инсоннинг объектга моддий таъсир кўрсатиш усулидир, инсоннинг воқееликни амалий ўзлаштириш усулидир. Шу билан бирга Э. инсоннинг амалий эҳтиёжларини қондириш учун эмас, балки илмий мақсад билди, яъни объектни тадқиқ қилиш учун ўтказилади. Шу сабабли унда назарий тафаккур учун ҳаракерли белгиларни — тадқиқотини қизиқтирадиган томоннинг ажратиб олиб, бошқа томонларни назардан соқит қилиш ҳолларини кўриш мумкин. Э.— ўзига хос амалий абстракциядан иборат. Фанинг турли соҳаларида Э. ўрганилаётган предметнинг табнатига боғлиқ бўлгани ўз хусусиятларига ғэгадир. Барча табиий ва техника фанларида Э. дан ҳақиқатни билиш ва уни исботлаш воситаси сифатида фойдаланилади. Сўнгги вақтда Э. ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини, мас., экономикани тадқиқ қилишда кўпроқ татбиқ этиладиган бўлиб қолди. Шу билан бирга бунда Э. кўпинча илгор тажриба формасига кирмоқда: кенг миқёсда социал ўзгариш қилишдан олдин Э. ни синов сифатида фақат айrim ҳоллардагина ўтказадилар (мас., айrim корхоналарда). Бу тажриба лабораторияда ўтказиладиган Э. дан фарқ қиласди, чунки у сунъий шароитда эмас, балки табиий шароитда ўтказилади, бу эса илмий таълимотларни ҳаётга татбиқ қилиш йўлини қисқартишга имкон беради. Билиш процессида Э. билан назария бир-бираига ўзаро таъсир кўрсатади. Э. гипотеза босқичида турган назарияни тасдиқлайди ёки рад қиласди ва унинг ривожлашиши учун материал беради. Шу билан бирга Э. ни абсолютлашти-

риш ярамайды. Бу илгари сурىлган назарияларни амалий текширишнинг бирдан-бир формаси эмас; балки ривожланәтган практиканинг бир моментидир, холос, бу практиканинг асосини эса ишлаб чиқариш меҳнати ташкил этади. Диққат билан ўтказилган ҳар қандай Э. бизнинг билимимизга объектив билимининг бир заррасини қўшади, назарияда ниманидир исбот қиласди ва уни ривожлантиради.

**ЭЛЕМЕНТ** — (лат. elementum — унсур, энг дастлабки модда) — мураккаб жисмлар, моддий системалар, назарий конструкцияларнинг бундан кейин (айни системада) бўлинмайдиган компоненти. «Э» тушунчасига бериладиган маъно инсоннинг билиши ривожланиши билан ўзгариб борди. Қадим замоннинг баъзи фалсафий таълимотларида, элементлар, деганда модданинг бўлинмайдиган конкрет турларини, унсурларни (сув, ҳаво, тупроқ, оловни) тушунганлар ва оламдаги ҳодисаларнинг жуда хилма-хиллиги ана шу унсурларнинг ўзгаришидан пайдо бўлади, деб ўйлаганлар. Демокритдан бошлаб бирламчи, энг содда элементлар ролини атомлар, материянинг энг майда зарралари ўйнаб келган (*Атомистика*). Ҳозирги вақтда «Э.» термини кўпинча бошқа объектлар билан қандайдир муносабатлар орқали бирон-бир ягона комплексга, системага bogli bўlgan ҳар қандай объектни билдиради. Система элементларининг алоқаси «структуря» термини билан белгиланади. Чунончи, ҳаво мудофааси системасининг элементлари — зенит установкалари, қирувчи авиация аэродромлари, радиолокациона станциялардан иборатдир, шахмат ўйинининг элементлари — турли шахмат фигуラлари, юришлар ва шу кабилардан иборат. Мураккаб системаларнинг мухим алоқаларини очиб берадиган илмий назариялар тузганда баъзи дастлабки, элементар тушунчалардан бошлаб иш тутилади. Чунончи, Маркс капитализм назариясини яратганида капиталистик ҳўжаликнинг элементар ячейкасини, «ҳўжайрачасини» акс эттирувчи тушунчани, яъни товарни бош нуқта қилиб иш бошлаган эди. У товар айрбошлини анализ қилишдан иш бошлаб, товар ҳўжалигининг ривож топган формаси сифатида капитализмнинг хусусиятларини, қонуниятларини очиб берадиган тушунчалар системасини тузган эди.

**ЭЛИТА** (франц. élite — сара, мұмтөз) — буржуа социологияси тушунчаси бўлиб, бу тушунча жамиятнинг мұмтоз қисмини, бошқа кишилардан юқори турувчи табақасини билдиради. Э. назарияси империалистик буржуазия идеологлари илгари сурган жамият социал структураси концепцияларидан биридир. Бу назария Парето, Моска ва бошқаларнинг асарларида тарғиб қилинмоқда. Бу назарияга кўра, жамият раҳбарлик мавқеини ишғол қилувчи мұмтоз озиликтан иборат ижодий Э. га ва тарихнинг боришига таъсир кўрсатишга лаёқатли бўлмаган пассив оммага бўлинади. Буржуа социологлари Э. нинг келиб чиқишини турлича изоҳлайдилар. Улар-

дан күплари Э. нинг келиб чиқишининг сабаби уни ташкил этувчи кишиларнинг табиий истеъдодидир, деб ҳисоблайдилар. Баъзи социологлар, капиталистик дунёда беш мустақил элита — сиёсий, иктисодий, маъмурий, ҳарбий ва идеологик элиталар бор, дейдилар. АҚШда индустрия капитанлари, йирик бизнесменлар Э. си деб атальувчи назария айниқса кенг тарқалган. Бу назарияга кўра, капиталист — гений эмиш, зиёраклик, ташаббускорлик, удабуронлик ато қилинган ижодкор шахс эмиш. Табиат ана шундай хислатларни ато қилган ҳар бир киши гүё Э. га кириши мумкин эмиш. Э. назарияси иммий жиҳатдан асосиз ва туб-томири билан антидемократик назариядир. У халқ оммаси жамиятин бошқаришга лаёқатли эквалигини инкор этади, жамиятнинг бир ҳовуч эксплуататорларга ва эксплуатация қилинувчи кенг оммага бўлинини абадийлаштироқчи ва оқламоқчи бўлади. Социалистик мамлакатларда мумтоз ва оддий кишиларга бўлинмасдан янги, адолатли жамият қураётган халқ оммасининг амалий ишлари бу назарияни рад қилиб ташлади.

**ЭМПИРИЗМ** (грек. *streigia tajkriba*) — билиш низариясида бир ўқналиш бўлиб, у билишни ҳиссий тажрибадан (сезиглар, идроклар ва шу кабилардан) иборат қилиб қўяди. Билишнинг можиятини тушунишда Э. *рационализмга* қарама-карши туради. Тажриба тушунчасига қандай мазмун берилишига қараб, материалистик Э. билан идеалистик Э. ни фарқ қилиб қарайдилар. Материалистик Э. тажрибани ташқи олам предметлари ва ҳодисаларининг инсон сезги органларига таъсири натижаси деб тушунади; эмпирик-идеалистлар назарича, тажриба соф субъектив харakterга эга бўлиб, инсон ўз тажрибасида ички дунёсидан (сезиглар, кечинмалар ва ш. к. дунёсида) ташқари чиқолмас эмиш. Материалистик Э. элементлари қадим замонда эпикуризмда, стоиклар таълимотида, кейинчалик эса поминализмда кўринган эди, бироқ капиталистик муносабатлар вужудга кела бошлаган ва ҳозирги замон табиёт илими ҳарор топастгап даврда у Ф. Бэкон, Локк асарларида, *18 асрдаги француз материализмидаги ўзининг тўлароқ ифодасини* топди. Материалистик Э. тажрибавий файларнинг ривожига тўсқинлик қилиб келгай илоҳиётга ва ўрта аср схоластикасига қарши курашда прогрессив роль ўйнади. Э. Беркли ва Юм таълимотларида, сўнгра эса эмпириокритицизмда идеалистик асосда ишлаб чиқилди. Ҳозирги замон буржуа философиясининг кўп вакиллари (*Неопозитивизм*) ҳам Э. га амал қилмоқдалар, шуниси ҳам борки, улар Э. ни билимни мантиқий анализ қилиш билан, унинг методлари орқали ҳозирги замон логикасини тадқиқ қилиш билан боғлаб олиб бормоқдалар; улар мазкур методлар ёрдами билан бизнинг билимимизни инсон бевосита сезигларида, кечинмаларида ҳосил қилган нарсадан, тилнинг белгилари билан иш қўришдан иборат қилиб қўйишга урин-

моқдалар. Материалистик ва идеалистик нүқтән назарга йўл қўювчи Э. нинг ноңчиллигининг илдизи унинг бир ёқламалигига, мушоҳадачилигига, билиш процессининг бутун мураккаблигини тушунмаслигидадир. Лениннинг ҳар қандай ҳақиқат агар «ҳаддан оширилиб», бўрттирилиб ўборилса, бемаъниликка айланниб кетиши мумкин, деган сўзларини Э. га тўла-тўқис татбиқ қиласа бўлади. Э. бизнинг билимимиз тажриба характеристига эта эканлиги фактини асос қилиб олади. Олами билганда биз сезги органларимиз бизга берадигац, биз воқелик билан бевосита алоҳа боғлаб (кузатиш, ўлчов, эксперимент ёрдами билан) оладиган материалдан бирон тарзда фойдаланамиз. Билишнинг худди ана шу моментини (жонли ҳиссий мушоҳадани) эмпириклар асосини, ҳал қилувчи омила айлантириб, инсоннинг бошқа билувчилик қобишиниятиларига фақат ёрдамчилик ролини берниб қўядилар. Э. нинг бундай холосага келишига сабаб шуки, у инсонни дунёни актив ўзгартирувчи ижодкор деб эмас, балки ташки таъсиirlариниг пассив обьекти деб ёки ўз сезигилари оламида биқиниб юлган вужуд деб қарайди. Марксистик гносеология Э. нинг бир ёқламалигиги бартараф қилди ва билиш фақат ҳиссий тажрибадан эмас, балки назарий тафаккурдан ҳам изборат эканлигини, бусиз ҳодисалар ўтасидаги алоқаларни аниқлаш, уларнинг моҳиятига кириш мумкин эмаслигини исбот қилди.

**ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ** (грек. *επρείτια* — тажриба) — айшан маъноси — «танқидий тажриба философияси», демакдир — 19-аср охирлари — 20-аср бошларидағи буржуа философияси оқимларидаи, позитивизмининг кўринишларидан бири. Швейцариялик философ Авенариус ва австриялик физик ва философ Мах (бу философияниг «махизм» деган иккинчи номи ана шундан келиб чиққан) Э. нинг асосчилари ва бош намояндаларидилар. Уларнинг қарапашлари Европанинг бир қанча мамлакатларидағи илмий интеллигенция орасида кенг тарқалди. Россияда бу қарапашлар 1905—07 йиллардаги биринчи рус революциясидан кейин социал-демократик интелигенцияниг бир ҳисми (Богданов, Базаров ва б.) орасида ёйилди. Улар (Богданов, Базаров ва б.) маҳизмни марксизм билан бирлаштиришга уршиган эдилар. Бу ҳол рус революцион ҳаракати учун катта хавф эди ва Ленинни ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» номли асарида Э. ни қаттиқ танқид қилиб чиққишига мажбур этган эди. Мах ва Авенариус гўё «олам ҳақида табиий тушунчага» асосланган, борлиқ билан тафаккурнинг, субъект билан объектнинг ўзаро муносабати каби «хаёлий» проблемаларни бартараф қиласидиган ва материализм билан идеализмнинг қарама-қаршилигини йўқ қиласидиган бутунлай янги философия яратишни даъво қилган эдилар. Улар асосий эътиборни билиш назариясига қаратган эдилар. Бироқ Мах ва Авенариус билиш процессини анализ қиласар эканлар, нарсалар олами билан тасаввурлар оламининг ўзаро муносабати проблемасидан

қошиб қутылғымадилар, лекин бу проблемани нозиклаштирилған «ілмий» терминология пардасында бурканған *субъектив идеализм* руҳида ҳал құлдилар. Э. гүё инсоннинг онғига ташқи оламни жо қиладиган («интроекция») ва шу билан оламни иккиге — моддий ва идеяйи, ташқи ва ичкі оламга — бўладиган идеализм ва материализмнинг «дуализми»га «соддароқ», «монистик» нұқтани назарни қарара-қарши қилиб қўядилар: улар моддий ва идеяйи, ташқи ва ичкі ҳолатни (муҳит ва Мен) чамбарчас боғли бўлган, бир-бисериз яшолмайдиган, «принципиал координация»да бўлган ҳолатлар дёб тасаввур қиладилар. Бу ҳолатлар бир хилдаги «олам элементлари»дан ёки сезгилардан таркиб топган бўлиб, бир муносабатда (пировард ҳисобда субъект томонидан белгиланадиган муносабатда) физик сезгилар сифатида, иккинчи муносабатда эса психик сезгилар сифатида юз беради; шу тариқа объект субъектдан ажралмайдиган, сезгилар нарсадан ажралмайдиган бўлиб чиқади, нарса эса сезгилар комплекси сифатида юз беради. Э. нинг тажриба ҳақидаги таълимотида ҳам худди ўша субъектив-идеалистик йўл тутилади. Гарчи тажрибанинг мазмуну «бетараф» деб, яъни моддий ҳам, идеяйи ҳам эмас, деб эълон қўлинса-да, Э. нинг фикрича, тажриба пировард ҳисобда сезгилар оқимидан иборат бўлиб, субстанциядан, сабабнятдан ва умуман идрок этувчи субъектдан ташқарида ва унга боғли бўлмаган ҳолда мавжуд объектив реалликдан тозаланади. Бўйда шундай бир факт эътибордан четда қолдириладики, тажриба бевосита ҳосил қилинган нарсадан, яъни ҳиссий, эмпирик билимдан ташқари яна воситали, назарий билим элементларини ҳам ўз ичига олади, чунки билувчи шахс якка ҳолдаги эмас, балки социал шаронтада яшовчи шахсdir. Тажрибани бевосита ҳосил қилинган нарса деб тушуниш муносабати билан фанда гипотезаларнинг, назарияларнинг аҳамияти рад этилади, илмий тадқиқот принципи сифатида фактларнинг оддий тасвири илгари сурилади. Билиш муҳитга биологик мослашув воситаси деб тушунилганлиги сабабли, унинг олдига воқееликка мувофиқ келмаслик, балки соддалик ва мақсадга мувофиқлик талаби қўйилди. «Энг кам куч сарфлаш» (Авенариус ва «тафаккурии тежаш» (Max) принципининг маъноси ана шу. Э. ўзини «20 аср табииёт илмининг философияси» деб эълон қилди. Ваҳоланки, Ленин қўрсатиб ўтганидек, Э. бутун табииёт илми билан эмас, балки унинг бир мактаби билан, яъни «физик» идеализм билан боғлиқдир; бу идеализм радиоактивдикнинг, электроннинг, массанинг ўзгарувчалигининг кашф этилишидан «материянинг йўқолиши» руҳида идеалистик хулосалар чиқарган эди. Э. нинг философияда «учинчи йўл» яратиш, философияни илмий билишни анализ қилишдан иборат қилиб қўйиш ҳақидаги даъвосини, фанда қилинган энг янги кашфиётларни дастак қилишини **кейинчалик неопозитивизм** илиб олди.

**ЭНТЕЛЕХИЯ** (грек. enteles — мукаммал, тугал ва echo — эгаман) — Аристотель ишлатган тушунча бўлиб, бу тушунча ҳаракат воситаси билан эришилган мақсадни ҳамда шаклданаётган фаол ибтидии билдиради. Аристотелда бу тушунча форма тушунчаси билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу форма ўз-ўзлигича реал нарсаларга айланга олмайдиган, бетутуриқ, қотиб қолган материяга нисбатан ўзгартирувчи кучга эгадир. Аристотель жисм Э. нинг жонидир, деб ҳисобларди, чунки, унинг фикрича, фақат жон жисмни жисм қилади, унга ҳаёт бағишлайди. Э. ни ҳаётбахш ибтидо деб тушуниш витализмнинг баъзи тарафдорларида (Дриш ва б.) учрайди.

### ЭПИСТЕМОЛОГИЯ — бу ҳам Билиши назариёси демакдир.

**ЭРКИНЛИК ВА ЗАРУРИЯТ** (свобода и необходимость) — кишиларнинг эркин ва актив фаолиятининг бу фаолият ташки шароитлари билан биринчи галда, табиат ва жамиятнинг кишилар онгига ва иродасига боғли бўлмаган объектив қонуниятларининг амали билан ўзаро муносабати ҳақидаги масала. Философияда Э. ва з. проблемасини биринчи марта унча-умича аниқроқ тарзда Спиноза ифодалаб берган эди ва у инсон ҳаракатларининг эркинлиги бу ҳаракатларниң ақла мувофиқлиги даражаси билан белгиланади, деб кўрсатгани эди. Эркинлик — билинган заруритлар, деб таълим бергач Гегелнинг пуктаи назари олға қараб ташланган катта қадам эди. Аммо аслда идеалист бўлган Гегель эркинликка эришиш масаласини заруритни билишини эркинликка эриншишнинг ҳал қи́лувчи шартларидан бири қилиб қўяди-ю, аммо бирдан-бир шарти қилиб қўймайди. Эркинлик — билинган заруритга мувофиқ онгли ва маълум мақсадга қаратилган фаолият бўлиб, бу фаолият табиат ва жамиятнинг объектив қонуллари билимига таянади ва бу билимдан фойдаланади. Демак, эркинлик даражаси табиат қонулларини фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам эгаллаш меъёри билан, яъни фақат билишининг эмас, балки практиканинг ҳам ривожланиши билан белгиланади. Заруритни билишининг ўзи маълум маънода амалий фаолиятнинг муввафақиятини кўрсатувчи белгидир. Жамиятнинг табиий заруритга нисбатан эркинлиги, табиат қонулларини эгаллаши ишлабчиқариш воситаларининг ўсиши билан, техника тараққиёти билан, фанинг ривожланиши билан, табиий муҳитни ўзлаштириш билан (*Табиат ва жамият*) бирга ўсиб боради. Бироқ, фан, техника, ишлабчиқариш ўз-ўзлигича, ўзига хос социал шароитлардан ташқарида мавжуд эмасдир. Шунинг учун ҳам табиий қонулларни эгаллаши эркинликнинг иккинчи аспекти билан — ижтимоий тараққиёт қонулларини билиш ва уларни эгаллаш билан боғлиқдир. Антагонистик жамиятда табиат қонулларини эгаллаш кўп даражада ижтимоий тараққиёт мақсадларига эмас, балки ҳукмрон синфиининг хусусий манбаатларига бўйсундирилган

Бўлади. Фан ва техника тараққиётидан — онгли ёки онгсиз равишда — инсониятнинг прогрессив тараққиёти мағфаатлари зарарига фойдаланилади. Натижада табиат устидан ҳукмронлик инсонни ўз яшаш шаронтларига бўйсундириш билан қўшилиб кетади. Бу зиддият фан ва техника ҳақиқидаги буржуя таълимотларида инсонга ёт бўлган стихиялар тарзида ифодаланди: эркинликка эришиш шартлари ва воситаларининг ўзи (фан ва техника) инсонни асоратга солувчи кучлар деб ўзлон қилинади. Ҳақиқатда эса бундай аҳволнинг сабабчиси эксплуататор жамият бўлиб, бу жамият ижтимоий қонунлардан планли фойдаланишини таъминлашга қодир эмасдир. Қишилар ишлабчиқарувчи кучлар тараққиётини назорат остига олиб, билинган заруриятга мувофиқ ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини тартибга солиб, ижтимоий қонунларни билишлари ва улардан амалий равишда фойдаланишлари мумкин. Бугига коммунистик формация шароитида тўла-тўкис эришиш мумкин. Коммунизмнинг биринчи фазаси бўлган социализм ижтимоий эркинликка эришиш йўлида қўйилган ҳал қилувчи қадамдир, чунки бунда тарихда биринчи марта табиат ва жамият қонунларидан социал тараққиёт мағфаатлари йўлида онгли ва планли фойдаланиш имкониятлари вужудга келтирилади. Социализм давридаёт реал эркинликка эришиш бошланади, чунки унинг асосий шарт-шароитлари: ишлабчиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, синфий антагонизмларининг йўқлиги, социал тараққиётнинг планли равиша олиб борилиши, ҳалқ оммасининг тобора ўсиб бораётган активлиги, ижтимоий ўзgartишларнинг асослари сифатида илмий назариядан тобора тўлароқ фойдаланилаётганлиги мавжуддир. Э. ва з. бир-бири билан маҳкам боғлиқдир. Заруриятни эътироф этмасдан ва илмиц билмасдан, объектив қонунларни ҳисобга олмасдан туриб эркинликка эришиш мумкин бўлмагани сингари, ўз мақсадларига эга бўлган инсоннинг эркин, маълум мақсадга қаратилган фаолияти бўлмаса, заруриятни тушуниш ва ўзлаштириш ҳам мумкин эмас. Философия тарихида, ҳозирги замондаги номарксистик фалсафий таълимотларда Э. ва з. проблемаси унга бир томонлама қараш билан, ё инсон фаолиятидаги эркинликки ошириб кўрсатиш, ёки ташки заруриятни унинг ҳаракатига бўйсундириш билан бузилмоқда. Бу хилдаги абсолютлаштиришларнинг ўтакетган формалари волюнтаризм ва фатализмдир; волюнтаризм инсон фаолиятининг ташки шароитларга, объектив қонунларга бирон-бир тарзда боғлиқ эканлигини инкор этади, фатализм эса инсоннинг ўз фаолияти мақсадларини, воситаларини ва формаларини эркин танлаб олишини инкор қилиш даражасига бориб этади ва инсоннинг унга ҳукмронлик қилувчи заруриятга батамон қарамагини тарғиб қиласиди (*Иродда эркинлиги*). Марксизм волюнтаризм ва фатализм концепцияларининг асоссизлигиди ишончли далиллар билан исботлаб бер-

моқда, чунки улардан чиқарыладиган амалий хulosалар муқаррағ равишида янглиш ва хатоларға олиб боради. Э. ва з. проблемасини илмий ҳал қилиш ва уни практиканинг методологик асоси сифатида мөхирлик билан табтиқ этиши — ишлабчиқариши ривожлантиришида, ижтимоий муносабатларни ўзгартиришда, илмий билишда мұнафакиятты натижаларга эришиш шартларидан бириди.

**ЭСТЕТИК ДИД** (эстетический вкус) — бевосита ҳис-түйғу билап ҳодисаларнинг эстетик қымматини аниқлаш, аввало гүзалликни ху-нукликтан фарқ қилиш қобилияты. Агар киши чинакам гүзалликдан завқланса, у вақтда Э. д. яхши бўлади, агарда киши гүзалликка бепарво бўлса, ёки хунуқликтан лаззат олса, у вақтда Э. д. ёмон ҳисобланади. Э. д. — кишиларниг түфма қобилияти эмасдир. У одамнинг эстетик мухитида, эстетик тарбияда шаклланади. Санъат асарларини идрок этиши ва бадний ижод Э. д. га катта таъсир кўрсатади. Диц билан баҳо берилларнинг умумий йўналишини кишиларнинг идеаллари ва дунёқараш белгилайди. Бинобарин, Э. д. нинг ўзи ҳам инсон шахснинг мухим хусусияти сифатида, яъни ҳаётнинг ва санъатнинг эстетик қымматдорларини нақадар чуқур ва ҳар томонлама пайқай олишини характерловчи хусусияти сифатида намоён бўлади. «Дид тўғрисида баҳсласиб бўлмайди» деган гап тўғрими? Бу гап шу маънода тўғрики, турли хилдаги, лекин баббаравар яхши хилдаги дидлар тўғрисида баҳсласиб ўтираса ҳам бўлади. Оламда бениҳоя кўп гүзал ҳодисалар бор, шунинг учун кишилар гүзалликнинг турли тишларини афзал кўрар эканлар, бу тамомила табиий ҳоддир. Бордию мас, бир киши эстетик жиҳатдан ўрмонни ёқтиради, иккинчи бир киши — денгизни маъқул кўради, бирорга Бахнинг музикаси кўпроқ ёқди, бирорга Бетховенни кўпроқ маъқул тушади, бундай ҳолларда ҳақиқатан ҳам дид тўғрисида баҳсласиб ўтираса бўлади. Лекин агарда дидлар гүзалликка ёки хунуқликка қарама-қарши муносабат билан бир-биридан фарқ қиласидиган бўлса, у вақтда дид тўғрисида баҳсласиш мумкининг эмас, балки зарур ҳамdir.

**ЭСТЕТИКА** (грек. *aisthetikos* — ҳиссий идрокка даҳлдор) — инсоннинг оламга муносабатининг бутун соҳасини ўрганувчи фан, оламнинг ҳамма томонларини гүзаллик қонунига мувофиқ инсон томонидан ўзлаштирилиши. Эстетик муносабат — инсоннинг воқелик ҳодисаларини гүзал ёки хунук, юксак ёки паст, трагик ёки комик (фожиали ёки кулгили) деб баҳолаш қобилиятидир. У дунёни сезишни, маънавий олами, хатти-харакатни белгилайди, инсоннинг бутун ҳаёт тарзида намоён бўлади. Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати объектив ва субъектив томонларга ёгадир: объектив томон — воқеликнинг эстетик хоссаларининг ўзидан ёки қымматдорлар (*гүзаллик, юксаклик* ва ш. к.)дан иборат бўлиб, субъектив томон — эстетик онгдан (кишининг ҳис-туйгулари, кечинмалари, эстетик диди, идеалидан) иборатдир. Инсоннинг олам-

га эстетик муносабатининг энг ривожланган тури — санъатdir, чунки худди санъат объектив эстетик қимматдорларни акс эттиришга, айни бир вақтда санъаткорнинг уларга субъектив муносабатни ифодалашга қодирdir (мас., Голстийнинг «Үруш ва тинчлик» романидаги Наташа Ростова образи ўз кечинмаларида самимий, ҳаётга ва одамларга зийраклик билан қарайдиган, астойдил ва қаттиқ сева оладиган аёл кишига хос эстетик жозиба мужассамланган, айни вақтда бу образда санъаткорнинг шундай аёлга зўр меҳри, унинг гўзаллигига берган баҳоси гавдаланган). Э. гўзаликнинг ва бошқа эстетик хоссаларининг табиатини, уларни инсон томонидан идрок қилиш хусусиятларини, санъатнинг ривожланишининг моҳияти ва қонунларини тадқиқ этади. Санъатнинг ўзига хос хусусиятини ўрганганида Э. унинг ижтимоий онгнидан бошқа формалари билан алоқасини ва улардан фарқини, санъатнинг ижтимоий ҳаёт билан ўзаро муносабатини (санъатнинг ҳалқчилиги ва партиявийлигини, унинг миллий ўзига хослигини) қараб чиқади, бадиий образни, бадиий ижод қонунларини (бадиий методининг йўпалишини, услубини) тадқиқ этади. Агар адабиётшунослик, санъатшунослик, музикашунослик каби фанлар санъатнинг айрим турларининг ўзига хос хусусиятини тадқиқ этса, Э. умуман бадиий ижодининг моҳиятини ва умумий қонунларини ўрганади. Э. нинг асосий масаласи — инсон эстетик онгининг воқеликка муносабатидан иборат. Инсон бу масалани қандай ҳал қилишига қараб эстетик назариялар — материалистик ёки идеалистик назариялар сифатида майдонга чиқади. Э. даги идеализм (Платон, Фома Аквинский, Кант, Гегеллинг эстетик таълимотлари), гўзалик ҳамда ҳаётдаги ва санъатдаги бошқа эстетик қимматдорлар бутунлай онгдан, яъни инсоний ёки гайри инсоний онгдан туғилади, деб даъво қиласди. Ҳозирги замон буржуа Э. си идеализмга асосланиб, объектив эстетик қонуниятларни инкор этиб ёки бузиб кўрсатиб, эстетик онгда ўзбошимчаликни ва воқеликни бузиб кўрсатувчи формалистик санъатнинг қонунийлигини асослашга уринмоқда. Э. даги материализм (Аристотель, Леонардо да Винчи, Дидро, Чернишевскийнинг эстетик таълимотлари) умуман эстетик онгининг ва хусусан санъатнинг манбанинн моддий воқеликда деб билади, у эстетик хоссаларни нарсаларнинг табиий хоссалари билан (ранг, симметрия ва шу кабилар билан) ёки уларни инсоннинг муносабати билан боғлайди. Материалистик Э. жамия ҳаётида санъатнинг катта роль ўйнашини шундан иборат деб биладики, санъат оламни билиш воситаси, инсон шахснин тарбиялаш воситасидир. Марксча-ленинча Э. эстетик фикр тарихининг материалистик традицияларини ҳамда эстетик проблемаларни тадқиқ қилишга диалектик ёндошишни ривожлантирмоқда. Диалектик ва тарихий материализм Э. нинг методологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Инсоннинг воқеликка муносабатини фақат унинг биологик, табиий

хусусиятлари билан боғлаб қарайдыган метафизик материализмдан фарқли ўлароқ, марксча-ленинча Э. эстетик муносабатнинг ижтимоий характерини таъкидлаб кўрсатади. Практика, дунёни ўзгартирувчи инсон фаолияти шундай бир асосдири, бу асос устида инсоннинг оламни эстетик равишда идрок этиш, гўзаллик қонунларига мувофиқ ижод қилиш қобилияти камол топиб бормоқда. Инсон фаолиятида музика садосини сезгирилик билан эшигадиган қулок, формаларнинг гўзаллигини кўрадиган кўз шаклланиб боради ва ҳ. к. Марксча-ленинча Э. санъатнинг воқеаликни акс эттириши диалектик характерда эканлигини, бу инъикос ҳётдаи пала-партиш нусха кўчирышдан иборат бўлмай, балки актив, ижодий фаолият эканлигини таъкидлаб кўрсатади. У реалистик санъатнинг ва учинг олий ютуғи бўлмиш социалистик реализм санъатининг алоҳида ижтимоий ва бадиий қимматини очиб беради. Э. бениҳоя хилма-хил услубларнинг мавжуд бўлишини, ҳар хил ижодий индивидуалликларнинг эркинлик билан юзага келишини социалистик реализм санъати тараққиётининг қонунияти деб тасдиқлайди. У санъаткорларга ижод қилиш жарни ёки сюжетини, ёзув тарзини ёки теманинг образли қилиб очиб бериш усулини ва шу кабиларни буюрмайди. Шу билан бирга у санъат арбобларига ўз ижодларнда энг самарали, гуманистик йўналишни топишда, ҳаётнинг акс эттириладиган ҳодисаларининг моҳиятини аниқлаб олишга, энг илтор ижтимоий идеалга — коммунизм идеалига мувофиқ келадиган эстетик идеални шакллантиришга ёрдам беради. Э. эстетик ва ижтимоий идеалларнинг алоқадорлигини очиб бериб, коммунизм қурлиши — айни вақтда фақат санъатда эмас, балки меҳнатда ҳам, турмушда ҳам, инсоңда ҳам, ижтимоий муносабатларда ҳам гўзаллик яратилидан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Э. меҳнат, турмуш, инсоний муносабатларнинг гўзаллигини очиб беришга интилмоқда, токи кишилар ўз амалий фаолиятларида дунёning эстетик бойлигини кўпайтирсинлар, ҳаётни борган сари тобора гўзалроқ қиласинлар, ҳамда ўз-ўзларини маънавий бойитсинлар.

**ЭТИКА** (грек. *ethos* — одат, характер) — 1) оддий тушунчада «ахлоқ», «одоб», «хулқ-атвор» маъносини билдиради мас. «дворянлар этикаси», «врач этикаси», «профессионал этика»; 2) *ахлоқ* назарияси, бирон-бир ахлоқ системасини ҳамда яхшилик ва ёмонликни, адолат, бурч, виждан, баҳт, ҳаётнинг маъносини бирон-бир тарзда тушуниши илмий асослаш. Ахлоқ назарияси сифатида Э. энг қадим замонда таркиб топа бошлаган. Энг аввал бошда Э. фалсафий фаннинг бир қисми эди, чунки унинг асосий проблемаларини, мас., шахснинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворининг детерминацияси (шарт-шароити) проблемаларини ҳал қилиш умумий дунёқараш дастурига боғлиқ бўлади. Шу сабабдан марксистик философиядан бурунги философиячинг энг йирик вакиллари этика назариясининг

асосий проблемаларини ҳам ривожлантирғанлар. Сократ, Эпикур, Спиноза, Гельвеций, Гольбах, Дидро, Кант, Гегель, Добролюбов, Чернишевский каби мутафаккырларнинг бу бобда мероси айниқса каттадир. Э. тарихида ҳамиша икки қарама-қарши йўналиш — материалистик ва идеалистик йўналишлар ўртасида кураш борди. Идеалистик Э., умуман ахлоқ-одобни, айрим кишининг хулқ-авторининг ва хатти-ҳаракатларининг ахлоқий мазмунини ё «олий кучлар» (худонинг ғамри, абсолют идея) белгилайди, ёки улар сабаби номаълум ҳолда ғайри иhtiёрий ҳаракат, инстинкт сифатида индивидуал онг ичидаги пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Материалистик Э. шунга асосланадиги, инсонни унинг ҳаёт шаронти камолга етказади, инсон яшайдиган мұхитнинг қонунлари унинг ахлоқ-одобини, унинг хулқ-автори сабабларини бирон-бир даражада белгилайди, унинг фаолияти шарт-шароитини ташкил этади. Ахлоқ-одобининг ривожланишига турлича қураш ана шундан келиб чиқади: идеалистлар, ахлоқ-одоб индивидуумнинг яхши ниятларининг амалга оширилиши ва ўз-ўзини такомиллаштириши натижасида ёки унинг худонинг амрига бўйсувни натижасида ривожланиши мумкин, деб ўйлайдилар, материалистик Э. эса, инсон ахлоқ-одобининг ривожланиши кишилар ҳаётти шарт-шароитлари ўзгаришининг қонуниятли натижасидир, деб эътироф қиласди. Ҳатто марксизмдан бурунги материалистик Э. да ҳам (объектив қонунларнинг амалини тақдирга боғлиқ деб, инсонни эса бу қонунлар олдида ожиз ва заиф, деб ҳисоблаган мутафаккырларнинг назариялари бундан мустаснодир) воқееликка революцион муносабатнинг уруғи бор эди. Марксистик Э., инсонни шароитнинг пассив маҳсулиди, деб ҳисоблаган эски материализмнинг чекланганлигини бартараф қиласди. У инсоннинг фаол, ижодкорлик табиатини таъкидлаб кўрсатди. Тарихий материализмнинг, ҳалқ оммасининг тарихий ижтимоий-ишлабчиқариш фаолияти ижтимоий мұхитни, шубилан бирга инсоннинг ўзини ва унинг ахлоқ-одобини ҳам революцион ўзгартышининг бирдан-бир усулидир, деган қоидаси Э. ниң асосидир. Марксистик Э. да инсон иродиа эркинлигининг эски ахлоқий проблемаси ҳал этилди. Эркинлик — зарурятни билишининг ва амалий фаолият жараёнида уни эгаллаб олишнинг меъёридир — мазкур проблемани ҳал этишининг умумфилософик калити ана шундан иборат. Индивидуумнинг ҳаёттий фаолиятининг асосий шарт-шароитини ижтимоий практика, жумладан у иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар системаси, умуман жамият, синф, коллектив ташкил этади. Шу сабабли индивидуал ахлоқий эркинлик инсоннинг ижтимоий манбаатларни англаши даражасига, бу манбаатларнинг унинг шахсий манбаатлари ва эҳтиёжларига қанчалик мувофиқ келиши даражасига боғлиқдир. Шундай қилиб, индивидуум жамиятнинг, синфининг, коллективнинг манбаатларини инкор этган тақдирда ҳам (*Индивидуализм*), у воқеалар оқимиға кўр-кўронада, пассив эрга-

шиб, ижтимоий (синфий, коллектив) манфаатларини амалга ошириш учун курашда ўз шахснин кўрсатмаган тақдирда ҳам, ахлоқий эркинлик булиши мумкин эмас. Марксистик Э. ахлоқни ривожланаётган ижтимоий муносабатларнинг инъекси деб, инсон ҳаётининг маъно ва мақсадлари тўғрисида ўз тушунчасини, яхшилик ва ёмонлик, бурч ва виждан, ижтимоий бойлик ва индивидуал баҳт тўғрисида ўз тушунчасини барқарор қилувчи турли синфлар манфаатларининг ифодаси деб қарайди. Марксистик Э. инсоният тарихида энг прогрессив синф бўлмиш пролетариатнинг манфаатларини ифодалаб, коммунистик ахлоқ принципларини—ўзаро ёрдам, ўртоқлик, коллектизам ахлоқи принципларини назарий жиҳатдан асослаб бермоқда. Э. социалистик жамиятда эски индивидуалистик ахлоқ сарқитларига қарши курашда таркиб топаётган ва турли социал группаларда ўзига хос тарзда юз бераётган реал ахлоқий муносабатларни тадқиқ қиласди. Шу билан бирга у шахс, коллектив, жамиятининг ўзаро муносабатлари, дунёқараш ва ахлоқ, ахлоқий баҳо ва унинг критерияси, ахлоқда сипифийлик билан ижтимоийликнинг ўзаро муносабати ва ҳ. к. проблемалар каби назарий проблемаларни ойдинлаштириб бериши билан шугулланади. Марксистик Э. жамият ва шахснинг ахлоқий ривожининг шарт-шароити ва йўлларини асослаб бермоқда, коммунистик жамият қурилиши процессида меҳнаткашларни ахлоқий тарбиялаш учун назарий таянч бўлиб хизмат қиласди. Марксистик Э. нинг энг муҳим вазифаларидан бири — ҳозирги замон буржува идеалистик Э. синни тақиқ қилишдан иборат. Бу Э. ё эксплуататорлик, индивидуалистик ахлоқнинг ўзгармаслигини, абадиблигиги ишбот қилишга уринади, ёки қандайдир ахлоқий нормалар, принциплар бўлиши зарурлигини умумай шубҳа остига қўяди.

**ЭЪТИҚОД** (вера) — воқеалар, назариялар ва ҳатто уйдирмалар далил-исботсанз ишончли ва ҳақиқат деб қабул қилинганда уларга бўлган муносабат. Э. — билимнинг қарама-қаршисидир. Унинг баҳс қиласдиган мавзуу, одатда, плм-фан ва инсониятнинг амалий фаолияти рад этадиган нарсалардан, мас, худонинг мавжудлиги, дунёни худо њеч нимадан яратганлиги ва шу каби «фактлар»дан иборат. Бу хилдаги Э. га ҳамма динлар асосланади ва уларнинг ҳимоячилари одатда диний Э. ақл-заковат билан сиғишмаслигини тушинадилар. Бу ҳол христиан илоҳиётчisi Тертулиян номи билан boglab айтиладиган: «Эътиқод қиласман, чунки у бемаънидир» деган ҳикматли гапда яққол ифодаланган. Бунинг маъноси — рационал нуқтai назардан дин ақидалари бемаънидир ва уларга фақат эътиқод қилиш мумкин демакдир. Шунинг учун ҳам дин билан муроса-мадора қиласа философлар ақл-заковатнинг ҳамма нарсани билиши мумкинлигиги инкор этганлар. «...Менга,— деб ёзган эди Кант,— эътиқодга ўрин бўшатиб бермоқ учун биланни чегаралашга тўғри келган эди». Кантнинг фикрича, Э. объектлари — руҳнинг ўлмаслиги,

худо, ирода эркинлигидир. *Билиш назариясида* Э. идеалистик тарзда тушиниладиган интуицияга яқин қандайдир бир нарса сифатида майдонға чиқади (славянофил А. Хомяковда, Вл. Соловьевнинг «ҳамма нарсанинг асли бир» деган философиясида, У. Жемснинг прагматизмida ва ҳ. к.). Қўр-қўрони Э. га таянадиган назариялар ва гипотезаларни материалистик таълимот асоссиз деб ҳисоблайди, чуики улар илм-фанга ва практикага зиддир. Илмий хулосаларнинг чиңлигига ишониш, бирон-бир воқеанинг, социал идеалнинг ва шу кабиларнинг муқаррар амалга ошувига ишончи комил бўлиш ҳам «Э.» термини билан белгиланади. Мас, одамларнинг гоят катта кўпчилиги вақти келиб коммунизм бутун дунёда ғалаба қилишига ишонади. Бундай Э. билимга асосланган бўлиб, жуда хилма-хил ҳаётни тажриба натижасидир. Бунда Э. бўлмаса инсоннинг ҳақиқий равишда билиши ҳам, ҳаракат қилиши ҳам мумкин бўлмайди.



**ЮҚСАКЛИҚ** (возвышенное) — эстетиканинг гүзал, чиройли ҳодисаларни тавсифлайдиган тушунчаси. Бу гүзал, чиройли ҳодисалар ўзининг фавқулодда юқсақлиги ва салобати билан ажралп туради, шу сабабли шодиёна ҳайратланиш, қойил қолиш ва завқ-шавқ ҳиссини уйғотади. Шуниси ҳам борки, юқсақ ҳодисаларнинг фор-маси ташқи жиҳатдан чиройли бўлмаслиги мумкин. Табиатдаги Ю.—поёнсиз даштлар ва денизлар, чексиз осмон, тоғларнинг энг баланд чўққилари, қудратли стихиялар ва шу кабилардан, яъни инсонга мутаносиб оддий ҳодисалар ва предметлар миқёсидан юқори турадиган ва лекин шу билан бирга инсонни эзмайдиган, балки уни юқсақликка кўтарадиган, унда дунёни билишга ва ўзлаштириб олишга интилиш, ижодий қобилиятларини, буюк дунё биносига дахлдор эканлигини сезиш ҳиссини уйғотадиган нарсаларнинг ҳам-масидан иборат. Жамиятдаги Ю.— ўзининг кучи ва қўлами жиҳатидан тез-тез учраб турадиган кундалик нарсадан юқори турадиган, ижтимоий жиҳатдан қимматли мазмунига эга бўлган ҳодисалар, во-қеалар, одамлар, уларнинг жасоратлари ва қаҳрамонлик ишларидан иборат. Ю. нинг қарама-қаршиси — пастлик. Ю. санъатда монументал образларда акс эттирилади (Эсхил трагедиясидаги Прометей, Бетховенниң қаҳрамонлик симфонияси, Мухинанинг «Ишчи ва кол-хозчи аёл» ҳайкални ва ш. к.). Санъат дафъатан қараганда оддийдай кўринадиган, ҳақиқатда эса буюк тарихий маънога эга бўлган нар-саларда ҳам Ю. ни намоён қила олади. Мас., совет санъати Улуғ Ватан уруши йилларида Ю. фақат раҳбарлар ва лашкарбошиларга эмас, балки фашизм устидан ғалаба қозониш учун курашган ҳар бир ҳақиқий жангчига ҳам хос эканлигини кўрсатди.



**ЯНГИ ГЕГЕЛЧИЛИК** — неогегельянство (грек. *пeos* — янги) — буржуа идеалистик философиясининг бир йўналиши бўлиб, бу йўналиш 19- асрнинг охири—20- асрнинг бошларида пайдо бўлди. Я. г. Гегель таълимотини қайтадан бунёдга келтириш ва янгилаш ниқоби остида майдонга чиқди, ҳақиқатда эса уни ўнгдан танқид қилиш фермаси бўлиб қолди. Я. г. учун энг характерли нарса шуки, у Гегель философиясини *иррационализм* руҳида талқин қилди. Я. г. бир қанча мамлакатларда ёйилди, аммо бу мамлакатлардан ҳар бирида у социал-сийесий вазиятга, фалсафий фикрнинг ривожланиш даражасига қараб, ўзига хос алоҳида тус олди. Англия ва АҚШда у диний идеология билан хийла даражада боғланган бўлиб чиқди ва ўзининг Бозаинет, Мак-Таггарт, Ройс каби вакиллари орқали *персонализма* ўтишининг ўзича бир формаси бўлиб қолди. Германияда Я. г. янги *кантчилик* ўрнига келди. Ҳаёт философияси деб аталаувчи оқим тарафдорлари, жумладан Дильтея унга катта таъсир кўрсатди. Немис Я. г. ининг энг йирик намояндларидан бири бўлмиш Кронер Гегель диалектикасини иккι ибтидони — рацоналлик билан иррационалликни яратириш ва «қўшиш» усули деб талқин қилишга уринди. Бошқа янги гегелчилар сингари, Кронер ҳам тарих, маданият, давлат ва ҳуқуқ проблемаларига кўп эътибор беради. Янги гегелчиларнинг социал қарашлари учун шу нарса характерлики, улар умумнинг, бутуниш (давлат, миллатнинг) айрим индивидуумдан устунлигини даъво қиласидilar. Улардан баъзилари томонидан илгари сурилган миллатнинг бирлигини таъминловчи, синфий зиддиятларни бартараф қилувчи кучли «тоталитар» давлат ҳақидаги, жамият ҳаётининг ажралмас элементи сифатида рўй берадиган урушлар ҳақидаги қондалар фашистлар диктатурасини гоявий жиҳатдан тайёрлашда муайян роль ўйнади. Италиянича Я. г. асосан буржуа идеологиясида либерал-консерватив тенденцияни ифодалаган Кроче ва социал проблемаларни «тәмир ва қон билан» (жамиятни милитарлаштириш ва фашистлаштириш йўли билан) ҳал қилишга уринган ўта ўнг доираларнинг идеологи Жонтиле асарларида баён қилинган. Францияда Я. г. энг аввал бошдан *экзистенциализмни* ўзига хос равишда тайёрлаш сифатида пайдо бўлади. Бўнда Гегель философиясининг

ёйнилиши Валь, Кожев, Ипполит ва бошқаларнинг номлари билан боғланган. Ҳеч қачон аниқ шаклга кирган йўналиш бўлмаган Я. г. ҳозирги вақтда, аслини олганда, ҳозирги замон буржуа философия-сининг бошқа оқимларига қорилиб кетди.

**ЯНГИ КАНТЧИЛИК** (неокантинианство) — идеалистик фалсафий йўналишлардан бири бўлиб, у Германияда 19-асрнинг 2-ярмида пайдо бўлди. Энгельс унинг вакилларини «классик немис философиясининг айниб бузилган авлодига» нисбат берган эди. Философлар, психологлар, социологлар, экономистлар, табиатшунослар «Кантга томон орқага» шиори остида бирлашдилар. Шу сабабли Я. к. бир қанча соҳобчалар ва мактабларни ўз ичига олган эди. Улардан асосийлари Марбург мактаби (Коген, Наторп, Кассирер ва б.) ва Фрейбург (Баден) мактаби (Виндельбанд, Риккерт ва б.) эди. Кантга қайтишининг маъноси — унинг философиясини идеализм нуқтаи назаридан қайтадан қараб чиқиш, ундан материалистик элементларни («марса ўзида»ни) бартараф қилиш, агностицизмни кучайтириш демак эди. Янги кантчилар Кантнинг билимларимизнинг ғайри тажрибавий, априор характеристи ҳақидаги қондасини биринчи ўнинг суриб қўйдилар. Улар фанни тафakkur томонидан муайян қондалар асосида тузилган тушунчалар системаси деб қараб, реал олам ўнинга фикрловчи мантиқий тузилмани қўйган эдилар ва табиат қонунларини эса фикрловчи ақл-фаросат томонидан яратилган, деб ҳисоблардилар. Янги кантчилар тарихни материалистик тушунишини рад этишга алоҳида эътибор берардилар. Риккерт ва Виндельбанд табиат ҳақидаги фанларни маданият ҳақидаги фанларга қарама-қарши қўйиб, ижтимоий тараққиёт қонуниятларини билиш мумкин эмаслигини асослашга уринган эдилар. Улар, табиатда ҳодисаларнинг тақрорлашиш хусусияти бор ва, демак, унда (номотетик, генераллаштирувчи метод деб аталувчи метод ёрдами билан) қонунларни топиш мумкин, деб даъво қиласдилар. Тарихда биз индивидуал, мустасно ҳодисалар билан иш кўрамиз, бунда қонунлар йўқ, бинобарин, тарихчининг вазифаси — гайри замоний идеал қимматдорларга (идеографик, индивидуаллаштирувчи методга) таяниб, фактларни системалаштиришдан иборатдир, холос, деяр эдилар. Янги кантчиларнинг фикрича, жамиятда асосий ролни ахлоқ, одоб, кишилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар ўйнар эмиш. Коген, Наторп ва б. «этник социализм» деган назарияни яратдилар. Бу назария социализмни ахлоқий идеал деб қарайди ва инсоният бу идеалга қараб аста-секин ахлоқий камолот йўли билан ҳаракат қиласдилар эмиш. Бу назариянинг асосий мазмуни — синфиҳ ҳамкорликни тарғиб қилишдан ва революциянинг зарурлигини инкор этишдан иборат эди. Шу сабабли Я. к. буржуазиянинг марксизмга ва революцион ишчилар ҳаракатига қарши курашида қулай идеологик қурол бўлиб қолди. Бернштейн ва бошқа ревизионистлар Я. к. нинг назарий

қоидаларига асосланган эдилар. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» номли китобида ва ревизионизмга қаратилган бошқа асарларида Я. к. нинг синфиий моҳиятини очиб ташлади, унинг назарий ожизлигини кўрсатиб берди.

**ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК** (добро и зло) — айрим кишининг ҳаракатлари ва хулқ-авторига, одамларининг катта-катта группаларининг фаолиятига ва, шунингдек, маълум даражада, йирик тарихий воқеаларга ахлоқий жиҳатдан баҳо бериш учун хизмат қиласиган энг умумий тушунчалар. Я. ва ё. нинг мазмуни тарихий шароитга боғлиқ. Синфлар бўлмаган бошлангич жамиятда бу тушунчалар орқали ибтидорий коллектив (урӯғ, қабила) нуқтаи назаридан фойдалари ва зарарни нарсага баҳо берилиган. Жамият синфларга бўлингандай, Я. ва ё. ҳақида турли ва кўп жиҳатдан қарама-қарши тасаввурлар юзага келиб, улар бир-бирига қарама-қарши турган синфларнинг манбаатларини ифодалайди. Айни бир хилдаги ҳатти-ҳаракатларни, социал ҳодисаларни (мас., кишиларнинг фаолият шароитларини) эксплуататорлар ва меҳнаткашлар турлича баҳоланидилар: баъзилар уларни фойдалари ва мақтогва сазовор деб ҳисоблайдилар (яхшилик), бошқалар эса уларни қоралайдилар, улардан ғазабланадилар (ёмонлик). Жамият тараққий қилиб бориши билан ахлоқий баҳо беришлар конкретлашади, улар у ёки бошқа ҳодисаларнинг социал фойдалигини (қимматини) ҳар томонлама қараб чиқишини ўз ичига олади. Баҳо бериш обьектларининг ўзи ҳам мураккаблашади. Аслини олганда Я. ва ё. ҳақидаги ахлоқий муҳокамалар пировард натижада синфларнинг манбаатларини аниқроқ ифодаловчи сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий критерияларга таянади. Я. ва ё. ҳодисаларнинг ахлоқий баҳосининг энг умумий ифодаси бўлиб хизмат қиласиган нарса бაъзан уларни бирон-бир конкрет ҳодисаларга бир қимматда татбиқ этишга тўсқинлик қиласиди: айни бир ҳатти-ҳаракат бир жиҳатдан яхшилик ва бошқа жиҳатдан ёмонлик бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда умумий тушунчалар кифоя қилмайди, бунда «яхшилик билан ёмонликнинг чирмасиб кетишини» оддигина қайд қилиш эмас, балки конкрет анализ ва баҳо керак, чунки ахлоқнинг синфиий қарама-қаршилик асосларининг қандайдир «чирмасиб кетиши» электрикадан бошқа ҳеч нима бўлиши мумкин эмас. Тарихда энг прогрессив синфнинг манбаатларини ифодаловчи марксистик этика Я. билан ё. ни фарқ қилиш критериясини ижтимоий тараққиётнинг обьектив тенденцияларида, деб билади. Яхшилик кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларининг, феъли-авторининг шундай мазмунидан иборатки, бу мазмун социал тараққиёт тенденцияларига мувофиқ келади, меҳнаткашларнинг эксплуатациядан озод қилиншига, коммунизм курилишига кўмаклашади, ёмонлик эса тараққиёт йўлида тўсиқ, ғов бўлиб чиқади. Коммунизмнинг асосий мақсадларидан бирин шахсни эркин ва ҳар томонлама ривожлантириш бўл-

ғанлиги сабабли, ҳар бир кишининг «аҳамиятли кучларининг» ривожланишига тўсқинлик қилувчи парсаларнинг ҳаммасини ёмонлик деб ҳисоблаш керак бўлади. Яхшиликтин коммунистик идеалларини химоя қилиш, ёмонликнинг ҳамма кўринишларига: бюрократизмга, социалистик қонунчиликни бузишларга, безорилликка, тамагирликка, мансабпастлика ва шу кабиларга қарши муросасиз кураш — совет кишиларини ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг ўзагини ташкил этади.

**ЯҲУДОЛИК** (иудаизм) — асосан яҳудийлар орасида муҳлислари бўлган дин. Я. эрамиздан аввал 1-чи минг йилликда шаклланган Тавротда (Я.-нинг «муқаддас» китоблар тўпламида) ҳайвонларни ва ўсимликларни, табиат стихияларини, арвоҳларни ва ҳ. к. қурматлаш излари бор. Ягона худо Яхвега сифиниш билан бир қаторда Я. учун «мумтоз ҳалқ» ҳақидаги, яҳудийларни «худо мумтоз қилганлиги» ҳақидаги таълимот ҳам характеристидир. Бу таълимотдан эксплуататорлар миллатчилик кайфиятларини авж олдириш, меҳнаткаш яҳудийларни синфий курашда қатнашишдан чалғитиш учун фойдаланиб келдilar. Я. га мессианизм — худонинг халоскори мессиянинг келишига этиқод ҳам хосдир. Меҳнаткашлар оммасининг мессианистлик хаёллари уларнинг золимларга қарши курашда ожизлигини, ғайри табиий кучлар ёрдами билан азоб-уқубатлардан кутилиш ва роҳат-фарогатга эришиш умидларини акс эттиради. Я. диндорларга худо олдида гуноҳкор, ожиз ва нотавон эканлигини ўқтиради, уларни абадулабад дўзахда азоб чекиш билан қўрқитади, кўпдан-кўп диний аҳкомлар ва тақиқлар гирдобига солади. 19 асрда Я. нинг баъзи идеологлари диннинг мавқенини мустаҳкамлаш учун Я. ни ислоҳ қилишга, уни энг бемаъни тасаввурлар ва маросимлардан холи қилишга уриниб кўрдилар. Ҳозирги вақтда ҳам руҳонийлар Я. ни ҳозирги замон шаронтига мослаштиришга уринмоқдалар. Исройлда Я. давлат дини деб танилган бўлиб, буржуазия, клерикаллар ундан кенг суратда фойдаланмоқдалар ва унда Я. реакцион миллатчилик оқими — сионизм билан чатишиб кетмоқда. СССРда Я. меҳнаткаш яҳудийларнинг баъзи қисмлари орасида тарқалган бўлиб, ўтмишнинг сарқити сифатида сақланниб келмоқда.



**ЎЗАРО ТАЪСИР** (взаимодействие) — жисмлар ва ҳодисалар алоқадорлигининг умумий формаси бўлиб, бу форма уларнинг бир-бира га ўзаро таъсирида ва ўзгаришида ифодаланади. Ў. т. бўлмаса, бирон-бир моддий объектларнинг, системаларнинг мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Ў. т. уларнинг элементларини бир бутун қилиб боғлади, уларнинг таркибини, структура тузилишини ва уларда содир бўладиган ўзгаришларни боғлиайди. Моддий системаларда Ў. т. шундай диалектик боғланиш сифатида майдонга чиқадики, унда сабаб ва натижса доимо ўрин алмаштириб туради. Фан тарихида ўзаро таъсирларнинг ўтказилиши механизмига икки нуқтаи назар билан қараш маълум. Биринчи нуқтаи назарга кўра, таъсир бир жисмдан иккичи жисмга, бир моддий системадан иккичисига, замондан ташқарида ва бу системаларни ажратиб турадиган масофага боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қиласидан қандайдир сирли кучлар ёрдами билан бир онда ўтказилади (узоқ таъсир). Иккичи нуқтаи назарга кўра, бир моддий система иккичисига фақат муайян муҳит орқали таъсир ўтказиши мумкин. Худди ана шу муҳит таъсирини нуқтадан нуқтага ўтказиб туради (яқин таъсир). Иккичи нуқтаи назар электромагнит назарияси ривожланиб бориши билан ҳаммага манзур бўлди. Ҳозирги замон физикасида Ў. т. модданинг, энергиянинг ва информациянинг бир моддий системадан иккичисига ўтказилиши сифатида тушунилади. Бу процесс физик майдонлар ёрдами билан амалга оширилади, аммо Ў. т. нинг тарқалиш тезлиги ёруғликнинг вакуумда тарқалиш тезлигидан ўтиб кетолмайди.

**ЎЗГАРИШ** (изменение) — предметлар, уларнинг турли томонлари ўртасидаги ўзаро таъсирини натижаси. Ў. объектив ва умумий характерга эгадир. Ў. жараёнида предметнинг сифати, унинг миқдори, структураси, функциялари ва ҳ. к. бошқача бўлиши мумкин. Ў. қайталама ва ноқайталама бўлиши мумкин. Чунончи, Ернинг Қуёш теварагидаги ҳаракати қайталама Ў. бўлиб, инсон ҳаётидаги ўзгаришлар кўпинча ноқайталама характерга эгадир. Бундан ташқари, Ў., агарда у предметнинг структурасини мураккаблашувга ва унинг ўз функцияларини самаралироқ бажаришига олиб келса, прогрессив ва агарда Ў. натижасида унинг структураси соддароқ бўлиб қоладиган бўлса, регрессив бўлиши мумкин. Ў. нинг олий формаси

*тараққиётдир.* Релятивизм ҳодисаларнинг ўзгарувчанлигини абсолютлаштириб, уларнинг муайян барқарорлигини, предметларнинг маълум доирада ўз структурасининг сақлаб қолишини унугатди. Догматизм, метафизика ҳодисаларнинг барқарорлик моментини абсолютлаштириб, улардаги Ў. ни ҳисобга олмайди. Диалектик материализм Ў. билан предметнинг нисбий барқарорлиги ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъкидлаб кўрсатади. Нисбий барқарорлик бўлмаса, ўзгарувчи предмет қандайдир шакл-шамонли йўқ бир нарсага айланниб кетган ва уни таниб бўлмайдиган бўлиб қоларди. Предметнинг Ў. ини инсон онгига фақат ихчам, ҳаракатчан тушунчалар ёрдами билангина акс эттириш мумкин. Диалектика тушунчаларнинг бир-бирига ўтишларини, абстракт таърифлардан конкрет таърифлар томон юқорилаб боришни таъкидлаб кўрсатар экан, шу билан у ҳодисалар Ў. ини назарий жиҳатдан пайқаб олиш усули сифатида майдонга чиқади.

**ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ** (самосознание) — инсон ўзини шахс сифатида англази, мустақил қарорлар қабул қилишга, шу асосда одамлар билан ва табиат билан онгли муносабатларга киришишга, қабул қилган қарорлари ва ҳаракатлари учун жавобгар бўлишга ўз лаёкатини англази. Ў. ў. а. инсонда онгнинг шаклланишида инсоннинг ўзgartиравчилик фаолияти ҳал қилувчи роль ўйнайди, шу фаолияти жараёнида у кўзга кўринувчи табиатни (ўзи яшаб турган табиий муҳитни) айрим нарсаларга, ҳодисаларга бўлади, керакли, фойдали нарсаларни кераксиз, зарарли нарсалардан ажратади, нарсалар ва ҳодисаларнинг сабабий бoggанишини пайқайди. Ўзини оламдан ажратиб олмоқ учун олам устидан ҳукмронлик қилиш, табиат қонуниятларидан ўз мақсадлари ўғлида онгли равишда фойдаланиш, табиатга бевосита қарам бўлишни енгиш керак эди. Ибтидоий одам узоқ вақтгача ўзини табиатдан туғул ҳатто колективдан ҳам ажратиб ололмаган: меҳнат қуролларининг номукаммаллиги фаолиятнинг ҳамма соҳаларида албатта биргалашиб ишлашин талаб қилган, натижада инсон коллектив билан бевосита, жисмоний равишда қўшилиб кетган. Техниканинг ривожланиши, табиат кучларининг аста-секин бўйсундириб борилиши, энергиянинг янги манбаларининг топнилиши, меҳнат тақсимоти натижасида колектив ҳаракатлар характерини ўзгартиради. Меҳнат тобора касб-хунар тусини, индивидуал иш тусини ола боради, аммо унинг ижтимоий характерга эга бўлиши давом этади, яъни у ижтимоий ишлабчиқариш системасига унинг ҳалқаларидан бири бўлиб киради. Шу пайтадан эътиборан инсон меҳнатни ўз индивидуал меҳнати деб, ўз амалиёти деб англай бошлиди. У ўзини жамиятнинг бошқа аъзоларидан фарқ қилиб қарайди, ўз «мен»ини, ўзининг жисмоний ва маънавий мустақиллигини англаб олади. Инсон ташқи оламга ва жамиятга муайян шахс сифатида

қарайдиган бўлади, ана шундай мунсабатлар учун жавобгарликини аংглаш унга хос хусусият бўлиб қолади. Ў.—ў. а. ана шу тариқа пайдо бўлади. Ў.—ў. а. нинг қарор топиши фақат айрим шахс учун характерли бўлмасдан, балки миллат, синф учун ҳам характерлидир. Бирон-бир синф ўз синфи оғигда юксак даражага кўтирилиб, ўзини равшан ажратиб кўрсатса, ўз манфаатларини ўз сиёсатини, жамиятнинг бошқа синфларига ўз муносабатларини аংглаб олса ва ўз сиёсий партиясини тузса, у вақтда биз синфи ў.—ў. а. нинг етилганлиги ҳақида сўзлашга ҳақлимиз. Социалистик жамиятда ў.—ў. а. шахсий нарса билан ижтимоий нарсанинг ўй-ғунашшиб қўшилишини билдиради (*Шахс ва жамият, Коллективизм*).

**ЎЗИЧА ҲАРАҚАТ** (самодвижение) — нарсаларда ички қўзғовчи кучлар асосида юз берадиган ўзгариш, аммо бу ўзгариш ташқи таъсирлардан юзага келмайди. Материянинг ў. ҳ. и идеясини материалист-философлар моддий оламнинг руҳий (бошлангич) ибтидо томонидан яратилганлиги ҳақидаги диний-идеалистик идеяга қарамакши ҳолда илгари сурган эдилар. Бу идея асосий материалистик қоидадан — оламнинг *моддий бирлиги* ҳақидаги қоидадан ажралмасдир. Оламда ҳеч бир нарса йўқки, у ҳаракатланувчи материянинг юз бериши бўлмасин, демак, материяни туғдирадиган, унинг ҳаракатига сабаб бўладиган табиатдан устун турувчи ҳеч қандай файри моддий куч йўқдир. Табиат ўз-ўзига сабабчидир. Бироқ бу тўғри қоида Маркгача бўлган материалистик философияда изчил равишда асосланмаган эди. У ҳаракатни метафизикларча сийқа, бир ёқлама тушуниш билан илашиб кетган эди. Ҳаракат асосан механик ҳаракатдан иборат деб билинар, у фақат жисмларнинг маконда оддий ўрин алмашуви, уларнинг кўпайиб ва камайиб туриши деб қараларди. Бундай ҳаракат ташқи характерга эга бўлиб, унинг ички манбай йўқдир, у бир жисмдан иккинчи жисмга ўтказиб турилади. Шу сабабли оламнинг ҳаракати яхлит ҳолда олиб қаралса, унда материяга ҳаракат ташқаридан киритилганлиги ҳақидаги, «биринчи турткি» ҳақидаги холоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Материалист философлардан бальзилиари идеализмга ён беришдан иборат бўлган ана шундай холосани чиқардилар, лекин ҳаракатни метафизикларча тушуниш муқаррар суратда шунга олиб келдики, ў. ҳ. процесси очилмай қолди, сояда қолиб кетгандай бўлди. ў. ҳ. процесси ички импульслар, манбалар асосидаги ҳаракат эканлигини биринчи бўлиб Гегель батафсил қараб чиқди. Лекин идеалист бўлган Гегель ў. ҳ. қобилиятини материяга эмас, табиатга эмас, балки руҳий бош ибтидога, идеяга нисбат берди. ў. ҳ. нинг илмий тушунчасини марксистик философия таърифлаб берди. *Диалектика материализм* фан ютуқларига таяниб, ҳаракат материядан ажралмаслигини, материя ўзгаришга, ривожланишга ичдан активлигини, қобилиятли эканлигини

исбот қилди. Материянинг ҳаракати унинг Ү. ҳ. идан иборат, чунки ҳаракат манбаси нарсаларнинг ўзида жо бўлган. Элементар зарралардан тортиб то инсоният жамиятигача воқеликнинг ҳамма соҳаларида нарсаларнинг ичидаги пайдо бўлувчи *зиддиятлар* ана шундай манба бўлиб хизмат қилади. Ривожланаётган предметлар ва ҳодисаларга нисбатан ташқи шароитлар ҳам уларнинг ўзгаришига ўз тамғасини босади-ю, лекин ҳал қилувчи нарса ички зиддиятлар бўлиб қолади. Фақат қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни асосидагина нарсаларнинг ҳаракатини ва ривожланишини Ү. ҳ. ва ўзича ривожланиш тарзида тушуниш мумкин. «Оламдаги барча процессларни уларнинг «ўзича ҳаракатида», уларнинг спонтан (ўзлигича) тараққисида, уларнинг жонли ҳаётида билиш шарти — уларни қарама-қаршиликлар бирлиги сифатида тушунишdir» (Ленин). Ҳар қандай тараққиётининг ҳаракатлантирувчи ибтидоси — қарама-қаршиликларга, зиддиятларга бўлинишидан ва уларнинг ҳал қилинишидан иборат, аммо бир хилдаги зиддиятларнинг ҳал қилиниши янги зиддиятларнинг пайдо бўлишини билдиради, Объектив олам тараққиётининг ниҳоясиз процесси ана шу тарика юз беради. Шу сабабли материянинг ҳаракати ҳеч қандай «биринчи туртқи»га муҳтож эмасдир. Ү. ҳ. бўлган бу ҳаракат ўзининг туб сабабидир.

**ҮЛЧОВ** (измерение) — объективнинг бирон-бир характеристикаси билан этalon (Ү. бирлиги) деб қабул қилинган бирон катталик ўртасидаги нисбатнинг аниқланиши. Моддий воқелик объектларидаги минқдорий жиҳат мавжуд бўлган, яъни мазкур объектларнинг бирон-бир хусусияти сифат жиҳатдан ўзига хослигини, сифат жиҳатдан яккинслигини йўқотмаган ҳолда кенг доирада ўзгариш қобилиятига эга бўлган тақдирда Ү амалга ошуви мумкин. Ү. учун этalon билан ўлчанадиган объективнинг танланган нисбатда айнан бирдай бўлиши зарур (мас., вагоннинг узунлигини килограмм билан ўлчаб бўлмайди, аммо уни темир линейка билан ҳам, ёғоч линейка билан ҳам ўлчаш мумкин). Ү. нинг муҳим белгиси — аниқликдир. Аниқлик даражаси Ү. нинг натижасига нисбатан қўйинладиган талабларга қараб ўзгариб туради. Практикада Ү. нинг турли нуқсонлари муқарар бўлибигина қолмай, балки уларга йўл қўйиш ҳам мумкин бўлади. Бу нуқсонларга баҳо бериш ва ўрнини тўлдиришнинг маҳсус методлари ишлаб чиқилган. Ү. туфайли предметларнинг бирон-бир хусусиятларини бир қимматли тарзда тасвирлашга эришилади, бошقا ҳолатларда бу хусусиятларнинг керакли катталигини қайта ҳосил қилиш имкониятини беради. Ү. га тааллуқли хусусиятлар, характеристикаларнинг танлаб олиниши кўп даражада илм-фан тараққиётаридаражасига боғлиқ бўлиб, фанда шаклланган назарий тасаввурлар билан белгиланади. Электр майдони кучланишининг, токнинг қаршилик кўрсатиши ва кучининг Ү. усуллари фақат электромагнитизм назариясининг ривожланиши, фан томонидан предметларнинг электр

ва магнит характеристикалари очиб берилishi натижасидагина юзага келиши мүмкін бўлди. Борлиқнинг тобора чуқурроқ алоқаларига кириб бориш У. нинг ўлчанувчи характеристикалари ва эталонлариг ҳақидаги илгариги тасаввурларни ўзгартишга (ёки чеклашга) мајбур этади. Бевосита ўлчовлар ва бавосита ўлчовлар бўлади. Катталик ҳажми бевосита (йўлнинг узунлиги линейка ёрдами билан) ўлчангандада бевосита ўлчов ҳосил бўлади ва катталик ҳажми ўлчанидиган бошқа катталик ҳажмининг функцияси деб белгиланганда (масофани ҳаракат қилувчи жисмнинг вақтга бўлган тезлигининг ҳосиласи деб белгиланганда) бавосита ўлчов ҳосил бўлади. Ҳозирги замон фанида миқдор тадқиқот методлари кенг ёйилиб, ҳам табиий ҳодисалар, ҳам социал ҳодисалар соҳаларини қамраб олаётганлиги сабабли, У. механизмини анализ қилиш катта гносеологик аҳамиятга эгадир.

### **ҮРТА АСР РЕАЛИЗМИ — *к. Номинализм ва реализм.***

**ҮРТА АСР ФИЛОСОФИЯСИ** — Фарбий Европа мамлакатларида (средневековая философия в странах Западной Европы) — 5—15 аср феодализми давридаги фалсафий фикр. У. ф. нинг мазмуни, унинг тараққиётининг асосий йўналишлари феодал жамиятининг социал-маданий хусусиятлари билан, биринчи галда ақлий фаолиятнинг ҳамма соҳаларida католик черковнинг зўравонлиги билан боғлиқ эди. Үрта асрлардаги фалсафий таълимотлар бир қанча умумий белгиларга эга эди: черковнинг идеологик мақсадларига (бевосита ёки бавосита) бўйсуниш, авторитетлар ва черков муқаддаслаштирган китобий донишмандлик олдиди тиз чўкиш, абстракт-метафизик услубда фалсафа сотиш, табиатни тажриба йўли билан тадқиқ қилишга эътиборсиз қарапаш. Үрта асрларнинг асосий фалсафий оқими схоластика бўлиб, У. ф. нинг ҳамма асосий таълимотлари унинг йўлнда шаклланиб, ривож топди. Үрта аср философлари асосан қўйидаги проблемалар билан: худо билан оламнинг, диний эътиқод билан илмий билимнинг, теологик ҳақиқатлар билан фалсафий ҳақиқатларнинг (*Назариянинг иккιёклама чичлиги*) ўзаро муносабати тўғрисидаги, умумий тушунчаларнинг (универсалияларнинг) табиати ҳақидаги айримликнинг умумийликка муносабати ҳақидаги ва бошқа проблемалар билан шуғулланган эдилар. Бу проблемаларни ҳал қилишга турли нуқтан назардан қарапаш натижасида У. ф. да бир қанча фалсафий йўналишлар вужудга келди, булардан асосийлари *номинализм* ва *реализм* эди. У. ф. нинг ўзига хос хусусиятга эга бўлишининг сабаби шуки, унинг таълимотлари ниҳоятда турли хилдаги foявий материал асосида шаклланган эди. У. ф. нинг бош манбай Августин Блаженний (4-асрнинг охири — 5-асрнинг боши) таълимотидан бошланади. Августин патристика деб аталувчи диний фалсафий оқимнинг кўзга кўринарли вакили эди. Бу оқимнинг мақсади — христианликни эллинизмнинг (қулдорлик жамиятининг туш-

кунлик даври), биринчи галда *неоплатонизмнинг* фалсафий мероси ёрдами билан идеологик асослашдан иборат эди. Августиннинг таълимоти ўрта аср фалсафий традициясининг шаклланишига ғоят катта таъсир қўрсатди, унинг «илоҳий давлат» деган назарияси эса ундан кейинги асрларда кўпгина мутафаккирларнинг тарих философияси асос бўлди. Аристотелнинг латин тилига таржима қилинган асарлари Ў. ф. учун асосий манба бўлди. Аввалда черков даҳрийлик асарлари деб қараган бу асарлар кейин фалсафий доктринанинг пойдеворини қурди ва бу доктрина сўнгра расмий равишда танилди. Аристотелизм ҳақида ахборот олинган биринчи манба ўрта аср Шарқ мутафаккирлари Ибн Сино, Форобий, Ибн Рушд — Аверроэс (10—13-асрлар)нинг трактатлари бўлди. Аристотель философияси (тўғрироги унинг энг архаик элементлари) католик *теологияси*-нинг эҳтнёжларига мослаштирилди. Фома Аквинский аристотелизмнинг етакчи шарҳловчиси ва системалаштирувчиси бўлди (*томизм* ва *неотомизм*). Ў. ф. тарихида схоластика билан мистиканинг кураши муҳим ўрин тутади. Мистика ўзининг баъзи вакиллари (Эккарт ва б.) орқали черковнинг «инсон билан худо ўртасида воситачи» бўлиш ролини ўйнашига қилган даъвосини ғад этиб, феодал идеологияга қарши кураш қуроли бўлиб хизмат қилди. Ў. ф. тараққиётининг сўнгги босқичида (13—15-асрлар) шундай бир оқим пайдо бўладики, бу оқимда ўрта асрлар руҳига ёт бўлган янги дунёқарашнинг асослари қўрилади. Бу оқимнинг вакиллари бўлмиш инглиз схоласт-номиналистлари Р. Бэкон ва Ў. Оккам илмий билишга катта аҳамият бердилар ва традицион схоластиканинг обрў-зътибoriga пуртур етказадиган идеяларни (папа ҳокимиятини чеклаш, теология ва философиянинг таъсир доираларини бўлиш ва б.) ҳимоя қилиб чиқдилар. Ў. ф. нинг Европа фалсафий фикри тарихидаги роли ҳақидаги масала адабиётда кўп мунозараларни туғдирди. Католик черковнинг идеологик нуқтаи назарини ифодаловчи философия тарихчиларининг даъвосича, гўё ўрта асрларда ҳозирги замон фалсафий дунёқарашининг пойдевори қурилган эмиш ва философиянинг ундан кейинги бутун тараққиёти «улуг схоластлар»нинг таълимотларига нисбатан муҳимроқ янги натижалар бермаган эмиш. Ҳақиқатда эса ўрта аср жамиятининг маънавий муҳити фалсафий ва илмий фикрни шу қадар бўғиб қўйган эдик», унинг минг йиллик тараққиёт натижалари кўп жиҳатдан қашшоқ бўлиб чиққан эди.



**ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК** (противоположность) — диалектик зиддият томонларидан бири бўлиб, у бошқа қарама-қарши томонни назарда тутади ва истисно қилади; бу кейинги қарама-қарши томон ҳам ўз навбатида биринчи қарама-қарши томонга нисбатан шундай муносабатда бўлади. Мас., пролетариат ва буржуазия, предметнинг барқарорлиги ва унинг ўзгарувчанлиги, ассимиляция ва диссимиляция ва ҳ. к.— ана шундай қарама-қаршиликлардир. Улар ўтасидаги зарурий, мұхим, такрорланиб турувчи алоқадорликларни қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонуни ифодалайди. Қ.-қ.— табиатга ҳам, жамиятга ҳам, тафаккурга ҳам хос умумий ва объектив тавсифдир. Қ.-қ. лардан ҳар бири ва уларнинг ўзаро муносабати бир қанча босқичларни босиб ўтади: 1) аввал бошда қарама-қаршилик ҳали ривожламаган, пинҳон ва очилмаган бўлади; 2) сунгра улар ўтасида муйайян тафовут пайдо бўлади; улар намоён бўла бошлайди ва зиддият томонларидан ҳар бири ташки ҳодисага биркитилган бўлади; 3) қарама-қаршиликлар қутбийлик муносабатига киришади, улар бир-бирига қарама-қарши туради. Қарама-қаршиликлар бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади, улардан ҳар бири иккинчисига актив таъсир ўтказиб, иккинчисида акс этади, «ёришади», ривожланиб, ўз Қ.-қ.iga айланади. Қарама-қаршиликлар қураши ҳар қандай предметнинг мэнбани ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Инсон қарама-қаршиликларнинг ўзаро таъсирини назарий жиҳатдан қайта ҳосил қилиб, предметнинг ўзлигича ҳаракат қилишини, ривожланишини пайқаб олади.

**ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛИГИ ВА ҚУРАШИ** (единство и борьба противоположностей) — диалектиканиң асосий қонунларидан бири бўлиб, бу қонун предметлар ва ҳодисаларнинг ўз ҳаракати ва тараққиётининг манбани очиб беради. У диалектиканиң моҳиятини, мағзини ифодалаб, унинг қонунлари системасида марказий ўринни эгаллайди. Бу қонуннинг мазмуни қўйидагилардан иборат. Бизни қуршаб турган объектив олам ҳам, уни акс эттирувчи онг ҳам ҳеч қачон тўхтамайдиган ҳаракат, ривожланиши ҳолатида бўлади. Нарсалар ва ҳодисалар пайдо бўлади, ривожланиши бир-бирига ўтиб туради. Бу ривожланиш асосида диалектик зиддият, яъни бир бутуннинг (нарсанинг, ҳодисанинг) бир-бирини истисно

құлувчи ва бир-бірнің тақозо құлувчи қарама-қаршиликларға иккіншінші кетіш ҳолати ётади (Қарама-қаршилик). Биз ривожланыптаған әр кандай предметті олиб қарамайлық, унга қарама-қарши томонлар, тенденциялар (янгилік ва эскилік, барқарорлық ва үзгаруучанлық за қозаз) ичдан хослигини күрамыз. Ве қарама-қарши томонлар бірлік ҳолатыда бұлады: диалектик зиддияттың әр бир томони иккінші томонсиз яшай олмайды, у иккінші томонни тақозо қиласы, қарама-қаршиликтің бир-бірінде киришиб турады. Бошқача қилиб айтқанда, қарама-қаршиликлар мұайян системада жойлашған бұлдырылған, бу система ичіда улар бирліккін ташкил этади. Қарама-қаршиликлар нінг бу үзаро мұносабати (уларнинг бирлігі екіншінде айнан) у екінші бошқа предметтің қандайдир яхліт бир нараса сифатыда, нисбатан барқарор шақыл сифатыда харектерлайды. Шу билан биргә қарама-қарши тенденцияларнинг бу бирлигі — курашады, бир-бірнің итаратыннан курашады. Қарама-қаршиликлар кураши — диалектик зиддият томонларының үртасаңын алоқанын мұайяна типидіркі, бунда қарама-қаршиликлар әр бир-бірі ичига кирады, әр бир-бірнің истисно қиласы. Қарама-қаршиликлар кураши диалектик ҳаракатынан курашады, мәтәфизиклар үйлекке иштеді. Бұннан мағынасы шукір, үзгариш манба, мәтәфизиклар үйлек, предметлар заңынан ташқарыда әмады, балқы уларнинг үзидады, уларнинг мөхиятидан ажралмасдыр. Диалектик зиддияттың үзи, қарама-қарши томонларнинг үзаро мұносабати кам үзгартасдан қолмайды. Нарсаларнинг үзлери сингары, улардаги зиддияттар әр пайдо бұлады, ривожланады ва ғойыб бұлады (хал этилады). Шу билан биргә улар қойындары босқычларни босып үтады: 1) у екінші бошқа обьектің ичидегі қарама-қарши тенденцияларнинг бевосита бирлигі босқычини; 2) зиддияттың томонлары ажралышы, бир қадар мустақиллікка эга бўлганда юзага келадиган тафовут босқычини; 3) томонлар бир-бірнің қарама-қарши қўйиб, үзларини қарама-қарши томонлар сипатыда қатъийлаштиргач, томонларнинг әр бириңнинг күтбланиш босқычини; 4) қарама-қарши тенденцияларнинг ниҳоят даражада кескинлашшуви, улар үртасадагы кураш заңынан таңдайды. Бирлік зиддияттың авж олишинин башланғыч босқычини қайд қиласы, қарама-қаршиликлар кураши эса зиддияттың ривожланышындағы юқори босқычни, уннан зәңг ривож топған формасынан да шу билан биргә уннан мөхиятини очиб беради. Мәтәфизика зиддияттың зәңг дастлабки формаларыда тұхтаб қолады. Диалектика зиддияттың уннан формаларынан яхлітпегіда очиб беради да бунда қарама-қаршиликлар курашиннан ажамияттың алоқида таъкидлаб күрсатады. «Қарама-қаршиликлар нінг бирлигі (мувоғиқ келиши, айнан, тенгма-тенг таъсири) шартли, вакъттанча, үткінчі, релятивдір. Тараққиёт, ҳаракат абсолют әртүрлілік, бир-бірнің истисно құлувчи қарама-қаршиликлар ку-

раши ҳам абсолютдир» (Ленин). Диалектик зиддиятнинг ривожланиши фақат унинг чуқурлашув, кескинлашув процессигина, унинг ривож топмаган формаларидан ривож топган формаларига ўтишина бўлмай, балки шу билан бирга зиддиятнинг ҳал қилиниш процесси ҳамdir. Бу босқичда ҳамма қарама-қаршиликлар бир-бирiga ўтади, қарама-карши томонлардан бирни иккинчисини енгади (мас., янгилик эскиликтан устун чиқади). Ривож топган зиддиятнинг ҳал этилиши натижасида предметнинг ўзи сифат жиҳатдан ўзгаради ва янги зиддият пайдо бўлади. Қ. б. ва к. қонуни умумий қонундир. Бу қонун анерганик табиатда ҳам, органик оламда ҳам, жамиятда ҳам, тафаккурда ҳам амал қиласди. Чунончи, ҳозирги замон физикиаси ҳар бир элементар зарарни, корпускуляр ва тўлқин хоссаларининг бирлиги, деб қарайди; биология тирик организмлар учун характерли бўлган ассимиляция ва диссимилляция процессларининг зиддиятли бирлигини очиб беради. Бу қонун синфий антагонизм ва шу каби зиддиятлар мавжуд бўлган жамиятда ҳам ўз ифодасини топади. Инсон билимининг ривожланиши ҳам унга бўйсунади. Эйнштейн сўзлари билан айтганда, фан «идеялар драмаси»дан иборат, чунки унда қарама-қарши ва зидма-зид курашувчи назарий концепциялар доимни пайдо бўлиб туради (мас., физикада ёргуларининг корпускуляр ва тўлқин назарияси). Бу диалектика қонунининг воқелик соҳаларидан ҳар бирида амал қилиш, юз бериш формаси ўзига хос специфик формадир. Қ. б. ва к. қонуни воқеликни билиш ва амалий равишда ўзgartиши учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу қонун ҳодисаларнинг ичига чуқурроқ киришга, ижтимоӣ ҳаётда зиддиятларни ҳел этиш йўлларини топишга имкон беради.

**ҚАРОР ТОПИШ** — (становление) — ҳодисаларнинг умумий ўзгаришининг, ривожланишининг моменти, томони, имконият билан воқелик ўртасидаги ўрталиқ ҳолат. Борлиқнинг умумий принципи сифатида Қ. т. қадимги грек философи Гераклитдаёқ намоён бўлган эди. Гераклит воқеликни абадий, ҳеч қачон тўхтамайдиган оқим шаклида тасаввур қиласди. Гегель философиясида Қ. т. категорияси ривожланаётган идея, фикрнинг биринчи таърифи деб қаралади ва ба таъриф борлиқ билан ноборлиқнинг ажралмаслигини, яъни ҳодиса борлиқка эндиғина йўналганда борлиқ ҳали йўқлигини ва шу билан бирга у бошланиб, бор бўлганини характерлайди. Қ. т. энг оддий асосий категорияларнинг бирни сифатида материалистик диалектикага киради. Бу категория ҳодиса эндиғина пайдо бўлиб, лекин ҳали бутунлай ривожланиб кетмаган ҳолатда юз берадигай ҳар қандай тараққиёт моментини ифодалаб, янгиликнинг шаклланиш ва қарор топиш, унинг мазмунининг бойиши, структурасининг мураккаблашуви процессини, бир қанча имкониятларнинг туғилиши ва улардан бирининг воқеликка айланиши процессини тушуништа ёрдам беради.

**ҚАТЪИЙ ИМПЕРАТИВ** — категорический императив — (лат. *imperativus* — бүйрүк) — Қант этикасининг асосий тушунчаси. Қант ўзининг «Ахлоқ-одоб мәтәфизикасига оид асосий қоида» номли асабода императивни ақл бүйргуни бажарувчи формула деб атайди. Қ. и. инсон иродаси тамомила ва ҳеч бир қолдиқсиз ақл томонидан белгилаб берилган чоқдагина амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, инсон агар ақл товушига амал қилиб иш күрса, ахлоқ билан ҳаракат қилган бўлади. Қ. и. унга ҳаёт вазияти қандай бўлишидан қатъи назар, бошқача тарзда эмас, худди шу тарзда ҳаракат қилинши буюради. Ахлоқий императив қатъийдир, мутлақдир, унинг талабича, инсон ўз хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай вож-далилларга амал қилиб (фойда, ҳаловат, яқинларини севиш ва ш. к.) иш кўрмаслиги керак. Унга барча кишилар, жамиятда тутган мавқеларидан қатъи назар, эргашмоқлари лозим. Қ. и. айтади: шундай иш кўр ва ҳаракат қилки, натижада сенинг эрк-ироданг амал қиладиган максимлар (коидалар) умумий қонун чиқарувчилик принципи бўлиб қола олсин. Қантнинг Қ. и. тушунчаси ичи-таши билан рационалистик, абстракт тушунча бўлиб, реал ҳаётдан, социал воқеилинг ўзига хос хусусиятидан ажралгандир. Унда хатти-ҳаракатларнинг объектив социал критерияси учун ўрин йўқдир, ваҳоланки бундай критерия бўлмаса, ҳар қандай ахлоқ амалга ошмай қолади. Қ. и. материалистик этикага, жумладан *18 асрдаги француз материализми* этикасига қарши қаратилган эди, чунки бу этика «соҳиб-экт»ни эмас, балки социал мухитни, реал ҳаёт ва тарбия шароитларини ахлоқий нормаларнинг шаклланиш манбаси деб биларди.

**ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД** (сравнительно-исторический метод) — ўрганиладиган ҳодисалар ўртасидаги ўхашашлик ва тафовутни аниқлашга, уларнинг генетик қариндашлигини (келиб чиқиш жиҳатдан алоқадорлигини) ойдинлаштиришга имкон берадиган билиш усуллари, процедураларнинг мажмуни К. г. м. нинг икки турини, яъни генетик жиҳатдан алоқадор бўлмаган, объексларнинг ўхашашликини очиб берадиган қиёсий-типологик Қ. т. м. билан ҳодисалар ўртасидаги ўхашашликни қайд қилиб, уларнинг келиб чиқишининг умумийлигидан далолат берадиган, улар ўртасидаги тафовутларни эса уларнинг келиб чиқиши турлича эканлигини кўрсатадиган асл маънодаги Қ. т. м. ни айириб кўрсатиш мумкин. Бир қанча фанларнинг, ҳам табиий, ҳам социал фанларнинг, қарор тоғиши Қ. т. м. билан боғлиқдир. Қ. т. м. тилшунослик ва этнография тарихида катта роль ўйнади, уларга тўплланган эмпирик материални ягона назарий позициядан турлиб қараб чиқишига имкон берди. 19 асрнинг охирлари — 20 асрнинг бошларида қиёсий-тарихий тадқиқотнинг эришган муваффақиятлари муносабати билан, шунингдек социал билимда сийқа эволюционизмнинг ҳукм сурини сабабли, Қ. т. м. ни бирдан-бир илмий метод деб қараш тенденцияси кўри-

нади (Конт, Спенсер, Диоркгейм). Кейинчалик бу методнинг чекланганлиги, у фақат илмий тадқиқот усулларидан бири эканлиги, бу эса ҳодисаларни тұла-түкис ҳолида үрганиш учун етарлы әмаслиғи тобора күпроқ англшила борады. Ҳозирги вактда Қ. т. м. маданияттар ва цивилизацияларнинг қиёсінің тадқиқотларида, турлы социал институтларни (оила, маълумот ва б.) таққослаб күришда табиғи әтилмоқда. Шу билен бирга қиёсий-тарихий тадқиқот методологиясини қайтадан үйлаб күриб, уни янги усуллар билан бойитиша уринилмоқда.

**ҚИММАТДОРЛАР** (ценності) — ҳам моддий, ҳам маънавий характеристердаги ҳодисалар бўлиб, улар инсоннинг, синфнинг, жамиятнинг бирон-бир эхтиёжларини қондиришга, уларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилишга қодирдир. Қишилар ҳодисаларнинг хоссаларини билиғина қолмасдан, балки уларга ўз ҳаётлари учун фойдали ёки заарарlı эканлиги нұқтаи назаридан баҳо ҳам берадилар. Қ. пировард ҳисобда ижтимоӣ характерга эга бўлиб, қишиларнинг амалий фаолияти жараённан пайдо бўлади. Инсон йўқ жоюда бирон нарсаннинг қимматдорлариги ҳақида, ўз-ўзлигича қимматдорлик ҳақида сўзлаш бемаънилиkdir. Мас., таркибида киспород бўлган атмосфера ер юзида инсон пайдо бўлмасдан анча илгари ҳам мавжуд эди, лекин фақат инсоният жамияти пайдо бўлиши билангина атмосферанинг қишилар ҳаёти учун ғоят катта қиммати борлиги ҳақида, уни, айтайлик, радиоактив ёғинлар билан ифлослашга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида сўзлаш мумкин бўлади. Қ. табии қимматдорларга (инсоннинг яшаши учун зарур табиий шаронтлар — қўёшнинг иссиқлиги, ҳаво, нам ва ш. к.), иқтисодий қимматдорларга (меҳнат предметлари, ишлабчиқарыш қуроллари ва воситалари, ишлабчиқарилган моддий неъматлар), социал-сиёсий қимматдорларга (булар ҳам моддий, ҳам идеологик муносабатларни, яъни эркинлик, тенглик, адолат ва шу кабиларни ўз ичига олади), ахлоқий қимматдорларга (яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик ва ҳ. к.), эстетик қимматдорларга (гўзалик), илмий қимматдорларга (ҳақиқат) бўлинади. Синфий жамиятда социал-сиёсий ва маънавий Қ. муқаррар суратда синфий характерга эга бўлади. Антагонистик синфлар яхшилик, адолат, эркинлик ва шу кабиларнинг турлича, баъзан эса тамоман қарама-қарши тушунчасини ишлаб чиқадилар, уларнинг идеаллари, мақсадлари хатти-ҳаракат нормалари, воқеликка эстетик муносабати турличадир. Шу билен бирга марксизм умум инсоний Қ. нинг мавжудлигини (ахлоқ—одобнинг элементар нормалари, санъат, адабиёт улуг мастерларининг асарлари ва б.) инкор этмайди. Ҳозирги вактда умумий тинчлик, термоядро уруши ҳавфими бартараф қилиш — умум инсоний қимматдор нарсадир. Коммунистлар умум инсоний Қ. ни империализм идеологлари ҳужумидан ҳимоя қилмоқдалар, Қ. ни кенг ҳалқ оммасининг

мүлкига айлантиришга чолишиңдеги. Ҳамма моддий, социал-сиесий ва маънавий Қ. нинг ҳомилии бўлмиш инсоннинг ўзи дунёда энг олий ва шак-шубҳасиз қимматдорлик бўлиб майдонга чиқади. Шу билан бирга марксизм инсонни абстракт тарзда эмас, балки конкрет-тарихий тарзда олиб қарайди. Тинчлик, демократия учун, жамиятни социалистик ва коммунистик асосдан қайта қуриш учун курашаётган меҳнаткашлар оммаси — энг олий даражадаги қимматдордир. Қ. ҳақидаги марксистик таълимот буржуа таълимотига — идеалистик аксиология (грек. *axios* — қимматли, *logos* — тушунча, таълимот) қарама-қаршидир. Аксиология ё К. ни қандайдир инсондан ажратилган ўзгармас абстракт моҳиятлар деб қарайди, ёки Қ. нинг объектив манбанини умуман инкор этиб, уларни айрим кишиларнинг субъектив дидларига, кайфиятига қаррам қилиб қўяди. Қ. ҳақидаги буржуа таълимотининг характерли хусусияти шуки, у Қ. нинг синфиий мазмунини инкор этади.

**ҚИСМ ВА БҮТУН** (часть и целое) — фалсафий категориялар бўлиб, бу категориялар предметлар мажмуни билан бу предметларни бирлаштирадиган, мажмуниятда тарқоқ ҳолдаги предметларга хос бўлмаган янги хоссалар ва қонуниятларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган алоқа ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Бу алоқа бутун сифатида, предметлар эса унга нисбатан қисмлар сифатида юзага келади. Оддий бир мисол: химик элементлардан натрий билан хлор якка-якка олингандা уларнинг бирикиши (ош тузи) эга бўлган хоссаларга эга бўлмайди. Бунда предметларнинг (қисмларнинг) алоқаси тузилувчи бутун типини ҳам белгилайди: тузилиш алоқалари структур бутунни, ҳаракатланиш алоқалари ҳаракатлантирувчи бутунни, тараққиёт алоқалари тараққий қилувчи бутунни белгилайди ва ҳ. к. Бошқа кўп фалсафий проблемалар сингари, бутунлик проблемаси ҳам антик замонларда ётага қўйилган эди. Бироқ марксистик философиядан бурунги философияда бу проблема тўғри ҳал этилмаган эди. Бутун ё сифат жиҳатдан янги хоссалардан маҳрум қисмлар йиғиндиси деб (метафизик материализм ва бир қанча идеалистик йўналишлар), ёки мистик, билиб бўлмайдиган руҳий моҳият деб қараларди (бутунни бу хилда талқин қилишини сўнгига юз йилликда кўпгина идеалистик мактаблар ривожлантириб келмоқдалар; неовитализм, гештальтпсихология, интуитивизм ва б.— шулар жумласидандир; чунончи, холизм (грек. *holos* — бутун демакдир) оламни бутунликнинг мистик билиб бўлмайдиган фактори, ҳамма янги бутунликларни яратиш процесси бошқаради, деб даъво қиласди). Бутунлик проблемасини ҳал қилишга фақат диалектик материализм қодир бўлиб чиқди; диалектик материализм, моддий оламдаи и предметлар ва ҳодисаларнинг яхлитлиги — жидий илмий анализга мусассар бўладиган моддий фактордир, деган қондага асосланади. Қ. ва б. материя ҳаракатининг барча формаларига хосдир,

бунда ҳаракатнинг ҳар ёар формасига бу алоқанинг муайян моддий ҳомили ҳам мувофиқ қелади (элементар зарралар ва атомлар, молекулалар, кристаллар ва коллоидлар, тирик ҳужайралар, кўп ҳужайралари организмлар, ҳайвонлар галаси, инсоният жамиятидаги турли уюшма формалари — оила, давлат, миллат ва ҳ. к.). Бу бутунлик формалари ўз келиб чиқиши жиҳатидан бир-бiri билан боғлиқдир. Қ. билан б. нинг иккита энг умумий типдаги алоқаси мавжуд бўлиб, уларни анерганик тип ва органик тип деб аташ мумкин. Анерганик бутунлик (молекулалар, кристаллар ва ҳ. к.) объектлар бирлашмаси нинг шундай формасидирки, бу форма ичida унинг таркибидаги элементлар маҳкам, барқарор ўзаро алоқада бўлиб туради. Бундай бутуннинг хоссаларини унинг қисмлари хоссаларининг механик йиғинди сидан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Органик бутунлик (биологик организм, жамият ва б.) — объектлар алоқасининг шундай формасидирки, бу форма ўз-ўзлигича ривожланиш қобилиятига эгадир. Органик бутун элементларини сиртдан бир-бiriдан алоҳида турган элементлар сифатида ундан ажратиб бўлмайди. Бутундан ташқарида мазкур элементлар ўзининг бир қанча хоссаларини йўқотибгина қолмасдан (анерганик бутунлика шундай бўлади), балки умуман яшай ҳам олмайди. Қ. ва б. категориялари билиш процессида муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай ҳодисани билишда бутуннинг хоссаларини унинг қисмлари хоссаларидан иборат қилиб бўлмаслигини, бутуннинг хоссалари қисмларининг хоссаларидан сифат жиҳатдан фарқ қилишини назарда тутмоқ зарур. Бутунни ўрганиш унинг таркибий қисмларининг, элементларининг хоссаларини билишга таяномги ва, аксинча, айрим томонларни, қисмларни қараб чиқиш бутуннинг табиатини билишга асосланмоги лозим. Қисмларининг бирлиги сифатидаги бутунни унинг хилма-хил алоқадорликларида билиш ўзига хос фикрлаш усуллари — *анализ ва синтез* ёрдами билан амалга оширилади.

**ҚОНУН** (закон) — табиат ва жамиятдаги ҳодисаларниң зарур ва муҳим алоқаси. Қонуниятли алоқалар, улар заруритли характерга эга бўлганликлари сабабли, тегишли шарт-шароит мавжуд бўлганда ҳамиша юз берни туради (мас., энергиянинг сақланиш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қонуни табиатнинг ҳамма энергетик процессларида амал қиласи, моддалар алмашинуви қонуни барча тирик организмларда амал қиласи ва ҳ. к.). Ана шунга қўра қонуниятли алоқалар барқарор, такрорланиб турадиган алоқалардир. Улар воқееликнинг энг муҳим, ички, нисбатан барқарор белгиларини, хусусиятларини ифодалайди. Бинобарин, Қ. тушунчаси мөҳият тушунчасига жинсодштир (*Моҳият ва ҳодиса*). Қ. бир ҳодисага хос бўлган айрим алоқани эмас, балки бир жинсдаги, туркумдаги ва ҳ. к. ҳодисаларга хос бўлган умумий алоқани ифодалайди. (Чунончи, массанинг ва энергиянинг ўзаро алоқадорлиги Қ. и барча моддий

объектлар учун амал қылады, қиймат Қ. и барча товарлар учун ва тозар ишлабчиқарыши бўлган ҳамма ижтимоий системалар учун амал қылади ва ҳ. к.). Шунинг учун ҳам Энгельс Қ. ни умумийлик формаси деб атаган. Алоҳида тарзда ўзига хос бўлган, ҳодисаларни нисбатан тор доирасини ўз ичига оладиган қонунлар бор (мас, тезликларниң қўшилиш Қ. и фақат механикада, термодинамик қонунлар фақат иссиқлик процессларида, квант механика қонунлари фақат микрооламда амал қылади ва ш. к.), шу билан бир қаторда умумийроқ характерга эга бўлган, процессларнинг кенгроқ доира-сига хос бўлган қонунлар ҳам бор (мас, энергиянинг сақланиш ва йир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қонунига табиатнинг ҳамма ҳодисалари бўйсунади) ва, ниҳоят, энг умумий қонунлар, яъни воқе-ликнинг (табиат, жамият, тафаккурнинг) беистисно ҳамма объективларига хос бўлган қонунлар — *диалектика* қонунлари бор. Қўпроқ умумий қонунлар билан камроқ умумий (хусусий) қонунлар ўрта-сида диалектик ўзаро алоқадорлик бор. Умумий қонунлар хусусий қонунлар орқали амал қылади, хусусий қонунлар эса ўз навбатида умумий қонунларнинг юз берини акс эттиради. Қонунларнинг бу ўзаро алоқадорлиги философия хусусий, конкрет фанлар муносаба-тида асос бўлиб хизмат қылади. Теварак-атрофдаги олам предметлари ва ҳодисалари бўйсунадиган қонунлар, баъзи идеалист философлар (Кант, Мах ва б.) айтганидек, одамлар онгининг, ижодининг маҳсулни эмасдир. Улар объектив суратда мавжуд бўлиб, одамлар уларни билиши ёки билмаслигидан қатъи назар, амал қила беради. Фан қонунларини ҳам одамлар ўзбошим-чалик билан яратмайди, балки улар объектив олам қонун-ларнинг кишилар онгидаги инъикосидир. Қ. нинг кашф этилиши факрнинг предметларнинг ташқи, номухим алоқаларини билишдан юста-секин уларнинг моҳиятини билишга ўтишдан иборат мураккаб процессыдир. Қонунларни билиш илмий изоҳ ва башоратнинг асоси-дир. Чунончи, Маркс ва Энгельс ижтимоий тараққиёт қонунларини ва капиталистик формациянинг ўзига хос қонунларини кашф этгач, бу формациянинг моҳиятини изоҳлаб бердилар ва шунингдек унинг ҳалок бўлишини ҳамда коммунистик жамият қарор топишими башорат қилдилар. Одамлар билиб олган қонунлар уларнинг дунёни ўзгаришдан иборат фаолиятининг асосини ташкил этади.

**ҚУЛДОРЛИК ТУЗУМИ** (рабовладельческий строй) — инсоният тарихида биринчи (бир қанча мамлакатлarda ибтидой, жамоа тузуми ўрнига келган) ижтимоий гузум бўлиб, унда антагонистик синфлар мавжуд бўлади. Кишини киши томонидан эксплуатация қилиш бу даврда энг ошкора, қўпол формада — қўллик формасида мавжуд эди. Қулдорлар ишлабчиқарыши воситаларини (ерни, меҳнат қуролларини ва ш. к.) ўз қўлларида тўплаб олган эдилар. Моддий нэ-матлар ишлабчиқарувчиларнинг ўзлари — қуллар ҳам уларнинг

мұлки бўлиб, зўрлик билан меҳнат қилишта мажбур этиларди. Күлдорлар ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум қилинганд қулларнинг бутун ҳәётига хўжайин эдилар, улардан фақет құшимча маҳсулотнигина әмас, балки уларнинг тириклиги учун, инсоний кучларини нормал равишда такрор ҳосил қилиш учун зарур бўлган маҳсулот қисмини ҳам тортиб олардилар. Яни қулларга доимо туғилиб турадиган әхтиёж асосан қулдорлар давлати олиб борадиган урушлар йўли билан ҳамда хонавайрон бўлган майда ишлабчиқарувчилар — дехқонлар, ҳунармандлар ҳисобига қондириб туриласди. Давлат Қ. т. даврида кўп қулларни итоатда сақлаб туришга, синфларга бўлинниб кетган жамиятни бошқаришга имкон берадиган куч сифатида пайдо бўлади. Қулларнинг меҳнати туфайли қулдорларнинг юқори табакалари моддий ишлабчиқарисида иштирок этишдан озод бўлди ва бошқаришини, сиёсатни, фан ва санъатни ўз қўлида тўплаб олди. Шу тариқа, Қ. т. шароитида *ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида қарама-қаршилик* вужудга келди. Шу даврда шаҳар билан қишлоқ ўртасида ҳам қарама-қаршилик пайдо бўлади, шаҳарда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, бошқарма, маданият тўпланди, қишлоқ эса тараққиётнинг паст даражасида қолиб кетди. Муайян тарихий босқичда қулдорлик ишлаб чиқариш усули ўз имкониятларидан фойдаланиб бўлди. Қуллар меҳнат натижаларидан манфаатдор әмас эдилар, бу эса меҳнат қуролларини хароб бўлишга олиб келди, ишлабчиқарувчи кучларнинг такомиллашувига тўқсинглик қилди; қулларнинг сафини тўлдириб турадиган манбаларга путур етди. Қулларнинг кўпдан-кўп қўзғолонлари, шунингдек озод дехқонлар ва ҳунармандларнинг уларни хонавайрон ҳилган қулдорларга қарши кураши шундай куч бўлди, бу куч Қ. т. нинг ҳалокатига кўмак-куради. Қадимги Римда Қ. т. нинг узил-кесил емирилишида душман қабилалар ҳужуми катта роль ўйнади.



**ҲАЁТ** (жизнь) — бу, Энгельс таъриғига кўра, «оқсил жисмларнинг яшаш усули бўлиб, бу усулнинг муҳим моменти — **уларни қуршаб турган ташқи табиат билан доимо моддалар алмасиб туришдан иборат...**». Механицистларнинг даъвосича (*Механицизм*), тирик нарсанни химиявий реакцияларга ва физик ўзаро таъсиirlарга бўлиб ташлаб, Ҳ. нинг моҳиятини физика ва химия қонунларидан иборат қилиб қўйиш мумкин. Механицистларга виталистлар (*Витализм*) эътироz билдирадилар. Улар, Ҳ. ни организмларда содир бўладиган моддий процесслар билан изоҳлаб бўлмайди, тирик нарсанинг ўзига хос хусусияти алоҳида номоддий, жоилантирилган «ҳаётй куч» нинг мавжудлиги билан боғлиқдир, деб ҳисоблайдиаr. Лекин бу нуқтаи назарларнинг униси ҳам, бўйиси ҳам тўғри эмас. Ҳ. гайри моддий нарса эмасdir, у материя ҳаракати формаларидан бири бўлиб, бу форма бошқа формалардан сифат жиҳатдан фарқ қиласди. Тирик организмларда, албатта, физиковий ва химиявий процесслар содир бўлиб туради, бу процесслардан ташқари Ҳ. нинг моҳиятини тушуниб бўлмайди. Лекин шу билан бирга Ҳ. ни физиковий-химиявий қонуниятлардан иборат қилиб қўйиш ярамайди: бу қонуниятлар Ҳ. нинг фақат асосини ташкил этади, унинг асл табиати ва ўзига хос хусусияти эса неорганик материяга хос бўлмаган биологик қонуниятларда очилади. Ерда Ҳ. табиатнинг узоқ тараққиёти натижасида пайдо бўлган. Эволюция жараённада кўпгина хилма-хил тирик организмлар таркиб топган. Ҳ. нинг ҳамма организмларга хос бўлган специфик белгилари бор: моддалар алмасинуви, алоҳида тарздаги структур тузилиш, ўсиш, кўпайиш, муҳитнинг ўзгариб турувчи шароитларига мослашиш ана шундай белгилардир. Ҳозир аниқланнича, оқсил моддалар ва барча маълум организмлар таркибига кирадиган нуклеин кислоталар Ҳ. нинг ҳомилларидирлар. Улар организмларнинг теварак-атрофидаги муҳитдан — уларнинг ҳаётни фаолиятининг маҳсуллари ажralиб чиқадиган муҳитдан — оладиган моддалардан синтезлашади. Шу тариқа моддалар алмасинуви жараённада организмларнинг ўз тараққиёти, уларнинг қисмларнинг ўзлигича янгиланиши юз бериб туради. Тирик нарсанинг асосий структур ва функционал бирлиги — ҳужайрадир. Кўп хужайралри организмлар одатда уруғлатилган бир ҳужайрадан ҳужайратнинг изчиллик билан

бўлиниши, ўсиши ва ихтиноссланиши йўли билан ривожланади. Организмларнинг уёки бошқа турларининг тарихан таркиб топган хусусиятлари кўпайиш жараёнда ирсият йўли билан бериб борилади. Тирик формаларнинг узоқ вақт давомида нисбий барқарор ҳолатда бўлишини худди ана нарса белгилайди. Авводларнинг бир-бирни ўрнини босиб бориши организмларнинг яшашининг узлуксиз процессини таъминлайди ва бу ҳол тирик организмнинг ривожланиши учун шартдир.

**ҲАЁТ ФИЛОСОФИЯСИ** (философия жизни) — буржуа философиясида бир оқим бўлнб, у *иррационализм* позицияларида туради, олам тараққиётининг, шу жумладан социал тараққиётининг моҳиятини «ҳаёт»нинг психологик тарзда шарҳлаб берилган биологик процессидан иборат деб билади. Ҳ. ф. 19 асрнинг охиirlарида оламнинг меҳанистик манзарасини тузган табиий-илмий дунёқарашга реакция сифатида юзага келди. Ҳ. ф. *механицизм* ўрнига «организм»ни қўяди, яъни воқеликни индивиднинг эркин «активлиги» деб, бу «активлик» иродага ўхашаш бўлганлиги сабабли уни рационал илмий билиш пайқаб олишга мусассар бўлламайди, деб қарашдиган «организм»ни қўяди. Ҳ. ф. ўз социал мазмунига кўра, капитализм умумий кризисининг бошланиши билан ва социал зиддиятларнинг кескинлашиши билан боғлиқдир. Ҳ. ф. бу зиддиятларнинг реал мазмунини хаспушлаб, уларни таркиб топган ҳамма социал формаларни тўхтовсиз бузатоған, ҳозирги замон жамиятининг «механик» ва «жонсиз» социал тузуми ўрнига «узвий» ва «жонли» муштарак жамият барпо этишини тақозо қилаётган «ҳаётний» стихия нуқтаи назаридан изоҳлайди. Ҳ. ф. нинг асосий foявий салафи бўлмиш немис философ Шопенгауэр ирова ва тасаввур сифатидаги «ҳаёт»ни оламнинг моҳияти деб эълон қилган эди. Ницше ва Бергсон асарларида Ҳ. ф. дунёни тегишли равиша «ҳокимиятга қараб борадиган ирода» ёки «ҳаётний түғён» деб изоҳловчи бутун бир дунёқарашдан иборат бўлиб қолади. Билиш назариясида Ҳ. ф. *интуитивизмга* амал қилиб, уни фанга қарама-қарши қилиб қўяди; унинг даъвосича, фан ҳаётни қаттиқ ва ҳаракатсиз тушунчаларда ифодалаб, уни фагат «анатомлаштириб» қўяр эмиш. *Интуиция*, аксиича, уларда ҳаётнинг бевосита кечинмаси, ундаги «шерик» сифатига майдонга чиқади. Ҳ. ф. тарафдорлари шунга асосланиб, тарихий процесс концепциясини кўрар эканлар, бу процессни «ҳаётний бирликлар структур алоқасининг» (Дильтей) ёки «маданият руҳининг» (Шпенглер) юз бериши деб қарайдилар. Бу даъво умумий тарихий қонунларни инкор этишга ва улар ўрнига «индивидуал қонун»ни ёки «тақдирни» қўйишга олиб боради. 20-асрнинг 30-йилларида Ҳ. ф. ўзининг маддоҳлари (Клагес, Боймлер, Юнгер ва б.) орқали фашизм идеологияси билан қўшилиб кетади ва унинг тарихий тақдирига шерик бўлади. Ҳозирги вақтда Ҳ. ф. буржуа идеологиясида ўзининг дастлаб-

ки формаларидагина (нишечиллик, бергсонизм) ҳамда Дильтей билан боғлиқ тарих концепцияси сифатида анча нуфузга эгадир. Ҳ. ф. нинг бир қанча қоидаларини **экзистенциализм** қабул қилиб олган.

**ҲАРАКАТ** (движение) — **материяга** ичдан хос ҳусусият, унинг мавжудлик усули. Диалектик материализм Ҳ. ни материянинг асосий ҳусусияти (*атрибути*) деб қарайди. Ҳ. материя билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, усиз яшамайди, у абадийдир, материянинг ўзи сингари уни яратиб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди, яъни ғойиб бўлиб кетолмайди ва ҳеч нимадан яратилолмайди. Кенг маънода Ҳ.— ҳар қандай ўзгаришдан иборат бўлиб, коинотда юз берадиган ҳамма процессларни қамраб олади. Ҳ. объект структурасининг типига таъсир этмайдиган оддий ўзгаришини (мас., атмосферанинг қалин қатлам-парида нисбатан катта тезлик билан ҳаракат қиласидаган жисмнинг температура ўзгаришини) ҳам, **тараққиётни**, яъни объектда сифат жиҳатдан янги алоқалар ва функциялар пайдо бўлишига (ёки, аксинча, эскиларидан баъзилари ғойиб бўлишига), унинг муҳим мурakkаблашуви ёки соддалашуви, Ҳ. «юқорига қараб ёки «пастга қараб» содир бўлишига (мас., эволюция процессида тирик мавжудотларнинг мураккаброқ ёки соддароқ тузилиши билан ўз салафаридан фарқ қиласидаган янги турларининг пайдо бўлишига) сабабчи бўладиган тараққиётни ҳам ўз ичига олади. 17—18 асрлар философияси Ҳ. ни аввало механик Ҳ.— деб, яъни фазода жисмларнинг ўрин алмашуви деб тушунарди. Диалектик материализм табииёт илми ва ижтимоий фанларнинг маълумотларига суюнган ҳолда шунга асосланади, **материя ҳаракатининг** бир эмас, балки бир қанча **формалари** мавжуддир ва бу формалар бир-бiri билан маҳкам боғли бўлиб, иерархик кетма-кетликин ташкил этади. Бунинг маъноси — Ҳ. формалари қўйи (механик) формадан борган саритобора юқорироқ формаларгача ва то социал формагача жойлашган бўлади, демакдир. Бунда ҳар бир юқорироқ форма қўйида турган формалар асосида пайдо бўлиб, уларни ўз ичига олади ва, бундан ташқари, фақат унинг ўзига хос специфик ҳусусиятларга эга бўлади. Философия материя Ҳ. нинг ҳамма формалари бўйсунадиган умумийроқ қонуниятларни очиб беради. Ҳ. нинг ҳамма конкрет турларининг манбай — воқеликнинг барча объектларига хос бўлган ички қарама-қаршиликларнинг курашидан, объектларнинг ўзи ўртасида ўзаро таъсир қилишдан иборат. Шундай қилиб, материя Ҳ. и қандайдир бегона бир омилга, гайри табиий кучга ва шу кабиларга боғлиқ эмасдир, балки материянинг ўз ҳаракатидир. Абадий ўзгариб турадиган материя оқимида осойишталик пайтлари ҳам бордир. Шу сабабли Ҳ. қарама-қаршиликлар — осойишталик (барқарорлик) ва ўзгаришлар бирлиги сифатида юз беради. Осоийшталик мувозанат формасида, нарсаларнинг маълум барқарорлиги формасида юз берида, бундай бўлмаганда муайян сифатлари билан нарсаларнинг

ўзи ҳам бўлмаган бўларди. Муайян вақтга чўзиладиган, сақлаб қолинадиган процесс сифатидаги ҳар қандай ўзгариш шу билан бирга барқарорлика ҳам эгадир ва Ҳ. ҳолатининг бу хилдаги сақланиши ҳам осойишталиkdir. Бироқ, бир-бири билан чамбарчас боғли бўлган Ҳ. билан осойишталик тенгма-тенг эмасdir. Ҳ. мутлақ, ҳал этувчи характерга эта бўлиб, ҳар қандай осойишталик эса нисбийdir. Осойишталикинг нисбий характери аввало шундан иборатки, у бутун материяга нисбатан эмас, балки фақат у ёки бошқа моддий обьектларгагина нисбатан ўринилди. Шуниси ҳам борки, ҳар қандай жисм учун осойишталик ҳолати вақтинча, чекланган бўлиб, унинг мавжудлик моментларининг фақат биргинасидан иборатdir, ваҳоланки Ҳ. ни, ўзгариши умуман айни жисмнинг бутун мавжудлигидан ажратиш мумкин эмасdir. Бундан ташқари, муовозанэт, осойишталик Ҳ. нинг айни обьектга хос бўлган ҳамма турларига эмас, балки фақат биргина турига тааллуқлиdir. Бошқача қилиб айтганда, биз осойишта ҳолатда деб қарайдиган ҳар қандай жисм ҳақиқатда қандайдир муйаян бир жиҳатдангина осойишта бўлиб, бошқа жиҳатлардан у ўзгариб туради. Мас., Ер юзасида ётган жисм Ер билан бирга ҳаракат қиласи, яъни у ернинг юзасига нисбатангина осойишта туради; жисмнинг ўзида турли физик ва химик ва ҳоказо ўзгаришлар содир бўлиб туради. Ҳ. нинг зиддиятлиги шунда намоён бўладники, у узлукли ва узлуксизликнинг бирлигидан иборатdir. Ҳ.—материя ўзгаришининг доимий, тўхтосиз, ўзлуксиз процессидир, лекин Ҳ. алоҳида, сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласидан формалар шаклида мавжудdir, бинобарин, материя Ҳ. ининг узлуксиз оқими айни вақтда узлукли ҳамdir. Ҳ. нинг узлукли ва узлуксизлик ҳолатларининг бирлиги ҳатто унинг нисбатан содда формасида — механик Ҳ. да ҳам юз беради. Ҳаракатдаги жисм изчил равишда ўтиб турадиган фазо нуқталари фақат бир-биридан ажралган (узлукли) бўлмай, балки шу билан бирга ўзаро боғланган ҳамdir (узлуксизлик). Йўқса жисмнинг жойдан жойга кўчиши, ўз ўрни мавқенини ўзгартиши мумкин бўлмас эди. Ҳ. шунингдек абсолют ҳолат билан нисбий ҳолатнинг бирлиги ҳамdir. Ҳ. материянинг умумий хоссаси сифатида абсолютdir, лекин айни вақтда у нисбий формада — айrim конкрет ҳаракатлар шаклида мавжудdir. Ҳар бир айrim жисмнинг Ҳ. и макон ва замонда чеклангандир, ҳолбуки, умуман материя Ҳ. и ҳеч нима билан чекланмагандир, у абсолютdir, уни яратиш ва йўқ қилиш мумкин эмасdir. Философия Ҳ. нинг умумий хоссаларини ўрганибина қолмай, балки шу билан бирга уни билиш хусусиятларини ҳам очиб беради. Гарчи ўз-ўзлигича Ҳ. абсолют бўлса-да, ҳар бир айrim Ҳ., айни система-нинг ўзгариши фақат бошқа системага нисбатангина аниқланиб ва белгилаб берилиши мумкинки, бу система ҳам ўз навбатида ё ҳаракатдаги, ё осойишталикдаги система деб қаралиши мумкин; модо-

шики ресал Ҳ. айни вақтда бир қанча системаларга нисбатан содир бўлар экан, демак, унга бўло бериш ва уни қараб чиқишнинг ҳам бир қанча усуслари бўлиши мумкин (мас., ер юзасининг муайян нуқтасига нисбатан, Ерга, Күёшга ва шу кабиларга нисбатан Ҳ.), аммо тури нисбатларда Ҳ. турли характеристикалар касб этади.

### **ҲАҚИҚАТ** — к. *Объектив ҳақиқат.*

**ҲАҚИҚАТНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМАЛИГИ НАЗАРИЯСИ** (двойственной истины теория) — бу таълимотга кўра, философия ва илоҳиёт бир-биридан мустақил бўлиб, ўзларининг алоҳида татбиқот соҳаларига эгадир. Ҳ. и. н. нинг пайдо бўлиши 12—13 асрларга оид бўлиб, у вақтларда ривожланәтган илмий фикр диннинг эзувчи бўғовларидан кутилиш ўйларини сабот-матонат билан изламоқда эди. Бу назарияни тайёрлашда X—XI аср шарқ мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино, Берунийлар катта ҳисса қўшдилар. Бу назария ўзининг чала-яримлигига қарамай, илмий тараққиётга шак-шубҳасиз кўмаклашди. Форобий ва Ибн Сино таълимотини ривожлантирган атоқли араб мутафаккири Ибн-Рушд (Аверроэс) (12 аср), номинализм вакилларидан Дунс Скотт ва У. Оккам (*Номинализм ва реализм*) бу назариянинг мухлислари эдилар. Улар, философия илоҳиётга боғлиқ бўлмаган ўзининг алоҳида принципларига эгадир ва бу принциплар теология ақидаларига зид келишлари мумкин, деб чиққан эдилар. Ҳ. и. н. ни диннинг илмий билиш соҳасига бутунлашт аралашмаслигини талаб қилган инглиз материализмининг бош асосчisi Ф. Бэкон ривожлантиради. Ҳозирги вақтда бу назариядан замоналаштирилган, янги тус берилган шаклда буржуа философияси ва черков динни илмий танқиддан ҳимоя қилиш учун, фан билан диннинг биргаликда яшави мумкинлигини «асослаш»га уриниш учун фойдаланмоқдалар.

**ҲАҚИҚАТНИНГ КОНКРЕТЛИГИ** (конкретность истины) — билишнинг у ёки бошқа ҳодисаларга хос бўлган алоқалар ва ўзаро таъсирларга, мазкур ҳодисалар яшаб ва ривожланиб турадиган шароит, ўрин ва вақтга боғлиқ эканлиги. Бир шароитда бўлган предмет ҳақида айтилган тўғри фикр мазкур предмет бошқа шароитга тушгандан нотўғри бўлиб чиқши мумкин. Мас., сув 100°C да қайнайди деган фикр нормал атмосфера босими мавжуд бўлган (симоб устунчаси 760 мм бўлган) тақдирдагина тўғридир ва бундай шароит бўлмаганда у фикр нотўғридир. Ҳодисанинг ўзи ва унинг мавжуд бўлиш шароитлари вақт ўтиши билан ўзгариб туриши сабабли, мазкур ҳодисани акс этирувчи билим ҳам шунга мувофиқ ўзгариб туради. Шунинг учун вақтнинг бир моментида унинг ҳақида айтилган тўғри фикр бошқа моментда нотўғри бўлиб чиқинши мумкин. Чунончи, социалистик революциянинг ҳамма ёки кўпчилик капиталистик мамлакатларда айни бир вақтда ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақида монополиядан илгарти капитализмга нисбатан тўғри бўлган

қонда империализм даврига түгри келмай қолди, чунки империализм даврида революция озгина мамлакатларда ёки ҳатто алғын олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мүмкінліги ҳақидаги қонда ҳақиқат бўлиб қолди. X. к. умумий схемалар, андазаларни қўлланиш мүмкінлігини истисно қиласди ва ҳодисаларни анализ қиласганде реал ҳолатни, уларнинг ривожланишига онд ўзига хос шарт-шароитни ҳисобга олишин талаб этади. Предмет ҳақидаги чинакам конкрет билим — унинг турия хоссалари, томонлари яхлит мураккаб бирлашдан иборат, деб тушунилган билимдир.

**ҲАҚИҚАТ КРИТЕРИЯСИ** — критерий истины (грек. *kriterion* — мезон, муҳокама воситаси) — инсон билимларининг ҳақиқатлигини текшириш воситаси. Билимнинг ҳақиқатлигини текшириш — унинг объектга мувофиқлигини аниқлаш демакдир. Бундаги қийинчилик шундан изборатки, билимларнинг обьектга мувофиқлигини аниқлаш чамаси, фақат бошқа билимлар ёрдамида мумкин бўлса керак Сабабки, воқелик тўғрисида биз аввало уни сезгиларда, тушунчаларда ва Ҳ. к. қандай тасаввур қилинганига қараб муҳокама юртамиз. Демак, бунда билишга нисбатан қандайдир бошқа бир нарса Ҳ. к. сифатида майдонга келиши ва айни вақтда Ҳ. к. билим томони бўлмоги лозим, йўқса у тайёр билимга солинадиган андазага айланиси қолади. Бу қийинчиликлар шу йўл билан бартараф қилинади, кишиларнинг ташқи дунё билан практика орқали боғлиқ бўлиши англаб борилади. Инсон худди ана шу практикада оламнинг қонунларини очиб олади, ўз навбатида табиат ва жамиятни янаса ўзгариш учун бу билимлардан фойдаланади. Амалий фаолист табиат ва жамият қонунлари билан мувофиқлашган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Агарда бизнинг билимларимиз асосида бажариладиган амалий ишлар куттилган муваффақиятга олиб келса, демак, бу билимларимиз ҳақиқатdir. Шу сабабли худди практика инсон билимининг ҳақиқатлиги критериаси бўлиб хизмат қилади, чунки бунда практика (табиат ва жамиятни ўзгариш обьектив процесси сифатида) инсон билимини шакллантирувчи бўлиб ва билим натижалари билан нисбатдош қилиш мумкин бўлган қандайдир ташқи нарса бўлиб майдонга чиқади. Билимларни амалий текшириш турли формаларда бажарилади: эксперимент ёрдами билан, илмий кашфиётларни ишлабчиқаришда жори қилиш йўли билан, назарий башоратларни практика билан нисбатдош қилиш йўли билан ва Ҳ. к. Айрим ҳолларда бундай текшириш бевосита эмас, балки мураккаб йўл билан амалга оширилади. Мабирон-бир кашфиётнинг ҳақиқатлиги мавжуд билим билан тақдирлаш орқали асослаб берилади. Лекин бу ҳолда ҳам пишорвард натижада практика Ҳ. к. бўлиб чиқади, чунки ҳақиқат деб топилган илмий қоидалар ўз вақтидаётк практикада исбот этилган бўлади. Модомики тарихнинг ҳар бир муайян босқичида практика чеклан-

ган, ўзгарувчан экан, демак, практика критерияси ҳам ҳар бир муайян ҳолда мутлақ эмасдир. Йўқса абсолют ва мисбий ҳақиқат ўртасидаги ҳар қандай тафовут йўқолиб кетган бўларди.

**ҲИНД ФИЛОСОФИЯСИ** (индиjskaya filosofiya) — қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган Ҳиндистон фалсафий фикри. Ҳ. ф. тараққётида уч асосий даври ажратиб кўрсатиш мумкин: қадимги давр (эрэмиздан бурунги I минг йилликнинг боши ва эрамизнинг дастлабки асрлари), ўрта аср даври (илк ўрта аср даври — илк ўрта асрчилик — 10—12- асрларгача ва кеч ўрта асрчилик — 17—18- асрларгача), янги давр (ҳозирги замон ҳам шунга киради). Биринчи даврда фалсафий фикр инсониятнинг энг қадимги ёдгорликлари бўлмиш Ведаларда (ведеиён динида) баён этилган мифологик тасаввурлардан аста-секин ажрала бошлади. Бу процесс ведайлик гимнларига берилган шарҳларда — Упанишадаларда (эрэмиздан бурунги 8- аср) ўзининг энг лўнда ифодасини топган. Бу шарҳларда воқеликни монистик нуқтаи назардан изоҳлашга, борлиқнинг олий реалигини, яъни унинг туб сабаби нималигини, унинг бутун ўзгарувчан, бекарор эмпирик хилма-хиллигини бир бутун қилиб боғлайдиган ва унинг умумий асосини ташкил этадиган нарсанни қидириб топишга уриниш яққол сезилиб турибди. Кўп ҳолларда руҳий ибтидо — браҳман ёки атман (пуруша) ана шундай асос деб эътироф қилинади ва шу билан бирга атман деганда инсонинг жони ҳам тушунилади. Лекин шу билан бир қаторда Упанишадаларда турли моддий ибтидоларни: озиқ, ҳаёт (нафас), табиий стихияларни (ҳаво, олов, сув, тупроқ, бабъизда эфирни), макон, замонни ва ҳ. к. борлиқнинг бош манбани деб ҳисоблаган қарашлар ҳам эслатиб ўтилади. Бир қанча талқинларда браҳман (атман)нинг ўзи оламга қориштириб юборилади, у билан бирдай қилиб қўйилади, бу эса бундай нуқтаи назарни пантеизм деб баҳолашга имкон беради. Упанишадаларда бошқа фалсафий проблемалар ҳам: оламнинг структураси ва уни бошқарувчи қонунлар (рита, дхарма), билимининг манбалари ва турлари, (ҳиссият, ақт, муқаддас) қашфиёт, мистик интуиция), социал тафовутларнинг келиб чиқиши, инсоннинг социал мажбуриятлари ва ҳ. к. қараб чиқилади, бир қанча назариялар тузилади ва бу назариялар кейинчалик Ҳиндистондаги деярли ҳамма фалсафий таълимотлар ва динларнинг мулки бўлиб қолади: жоннинг ўзининг бундан илгариги мужассамотларида қилган ишларга мувофиқ қўчиши (карма ва самсара) ҳақида, дунёвий ҳаётнинг босқичлари ва характери (варнашрама) ҳақида, браҳманни (атмани) пайқаш ва қутулишнинг бирдан-бир усули бўлган у билан қўшилиб кетиш, ҳаётнинг олий мақсадига эришиш (мокш, мукти) ҳақида, онгни ҳар қандай мазмундан тозалаш йўллари ва воситалари (йога) ва б. ҳақида тузилган назариялар. Упанишадалар кўп жиҳатдан бутук қадимги ҳинд философиясининг қиёфасини белгилаб берадики, бу

философия Қадимги Ҳиндистон эпоси Махабхарата (эрамиздан бурун б аср) фалсафиј текстларидә батағылар оқишилаб чиқылады. Ҳозирғы замон адабиетида илк ўрта асрчиликни Ҳ. ф. нинг классик даври деб ҳисобламоқдалар. Бу даврда у турли фалсафиј мактаблар ёки системалар доирасида ризожлантирилди; нъяя, вайшешика, санкхья, йога, миманса, веданта, чарвака (ёки локаята), жайнизм ва буддизмнинг фалсафиј таълимотлари. Ҳар бир мактаб бирон-бир фалсафиј проблематиканинг нуқтаи назарини ажратиб кўрсатади. Чунончи, борлиқнинг бошланғич принциплари сифатида моддий элементлар ҳақидаги таълимот, билиш назариясида *сенсуализм* ва этикада *гедонизм* ташкил этади. Жайнизм органик оламнинг жонлиллигини исботлашга, нозӯравонлик ва *релятивизм* принципига алоҳида эътибор беради. Буддизмнинг ҳамма мактаблари борлиқнинг ўзгарувчан, беқарор характерини уқтириб кўрсатадилар, борлиқнинг субстанциаллигини инкор этадилар; будда философиясининг баъзи вакиллари воқеликни хом хаёл, сароб, пуч деб эълон қилдилар, логика ва гносеология проблемаларини ишлаб чиқишга катта эътибор бердилар. Вайшешика системасида марказий ўринни атомистик таълимот эгаллайди. Нъяя асосан ана шу таълимотга таянган ҳолда логика ва гносеология проблемаларини ишлаб чиқмоқда. Санкхья оламнинг ривожланиши ҳақидаги таълимот билан қизиқади. Йога қўпинча онгни объектив оламдан соқит қилиш йўллари ҳақидаги психологик масалалар билан шуғулланади. Миманса ведеизм динининг маросимларини фалсафиј нуқтаи назардаи шарҳлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Веданда объектив идеализмнинг энг кўп ишланган системаси бўлиб, бу система ягона чин реалистик деб браҳман-атман ҳақидаги таълимотни ривожлантиради. Фалсафиј мактабларининг деярли ҳаммаси диний доктриналарни (назарияларни) эътироф этади. Шу билан бирга уларнинг таълимотларида озми-кўпми муайянлик билан ё материалистик ёки идеалистик тенденция кўзга ташланади. Биринчи тенденция чарвак, санкхья, вайшешика мактабларида, иккичи тенденция веданта, йога мактабларида ўзининг изчилроқ ифодасини топади. Кеч ўрта асрчиликда Ҳиндистон фалсафиј фикрида муайян тургунлик ва тушкунлик кўзга ташланади, унинг динга қарамлиги кучаяди. Айни вақтда мамлакатда оммавий равишда бхакти (айнаи — худога садоқат, муҳаббат) ҳаракати азж олади ва бу ҳаракат ўзининг диний шаклига қарамай, ҳиндуйзм динининг ҳамда эндигина тарқала бошлиганислом динининг аҳкомларига ва мутаассиблигига қарши қартилган эди. 18 асрнинг охирлари — 19 асрнинг бошларида Ҳиндистонда маърифатчилик юзага кела бошлади ва бу ҳам албатта диний формада ривожланади. 19 асрнинг иккичи ярмида — 20 асрнинг биринчи ярмида инглиз мустамлакачилик зулмига қарши миллий-озодлик ҳаракати азж олган даврда ҳам мафкуравий ва фал-

сағий таълимотлар ассоцак аза шундай формага киради (Р. Тагор, М. К. Ганди, Ж. Неру ва б.). Бу таълимотларда антиимпериализм, демократизм, соялари кенг ажс эттирилади. 20 йиллардан эътиборан марксчча-ленинча дунёкараш ёйла бошлайди ва Ҳиндистон Коммунистик партияси унинг тикомоли бўлиб майдонга чиқади.

**ХОДИСА — қ. Моҳият ва ҳодиса.**

**ХОДИСАЛАРНИНГ УМУМИЙ АЛОҚАДОРЛИГИ** (всеобщая связь явлений) — тезарак-атрофимиздаги оламнинг энг умумий қонунияти, материалистик диалектиканинг, барча предметлар, ҳодисалар ва процесслар ўзаро алоқадорлар, деб кўрсатувчи принципи. Олам ягонаидир, ундаги мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ҳаракат қилиувчи материянинг ўз беришлари (кўринишлари ва ҳоссалари)дир; шу сабабдан оламда мутлақ равишда ажратиб — яккалаёт қўйилган ҳодисалар ва предметлар йўқдир; уларнинг ҳаммаси бирор тарзда бир-бири билан боғлиқдир. Ҳ. у. а. ниҳоясиздир, универсалдир, у материяни унинг барча структур дараражаларини: элементар зарралардан тортиб то метагалактикаларни ҳам уз ичига олади. Бу алоқадорлик предметлар ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирида, яхни уларнинг ўзгаришини, бошқа предметлар ва ҳодисаларга ўтишини тақозо қиласидаги ўзаро таъсирида намоён бўлади. Ҳ. у. а. ғулмаганида, яхлит система сифатидаги, қонуният асосида ривожлангаётган бир бутун оламнинг булиши у ёқда турсин, балки ўзининг мунайян сифатлари билан алоқида нарсалар ҳам бўлмаган бўлаф эди. Бизни куршаб турган оламнинг ҳодисалари бениҳоя хилмажилдир. Улар уртасидаги алоқадорлик ҳам бениҳоя хилма-хилдир. Бу — элементар зарралар, атомлар, молекулалар уртасидаги алоқалардир, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турлари ичидаги ва турлари орасидаги ҳамда уларнинг ташки муҳит билан бўлган муносабатларидир ва, ниҳоят, ижтимоий алоқалар — одамлар уртасидаги муносабатлар: ишлабчиқариш, сиёсий, мафкуравий, оиласи, синфи, миллий ва ҳоказо муносабатлардир. Алоқалар материя ҳаракатининг аларни формалари ичидагиз мавжуд бўлмай, балки улар орасида ҳам мавжуддир. Мас., Ердаги бутун ҳаёт Қуёшдаги ядро процесслари билан боғлиқдир, Қуёш тиринк организмларга зарур энергияни бериб туради. Воқеликнинг қайси бир соҳасидан қайси бир предметни олиб қарамайлик, унинг бошқа предметлар билан алоқалари жуда хилма-хил кўринишларга эга эканлигини кўрамиз. Бу алоқалар ички ва ташки, муҳим ва номуҳим, зарур ва тасодифий, бевосита залавосита, доимий ва зақтийча алоқалар булиши мумкин. Шундай қилиб, диалектиканинг ҳар ҳандай категорияси (мас., қ. Ташки ва ички, Зарурият ва тасодиф, Сабаб ва натижা, Моҳият ва ҳодиса) Ҳ. у. а. ни у ёки бошқа томондан характерлаб беради. Ҳодисаларни сиптиш — улар уртасидаги турли алоқаларни аста-секин очиб бориш процессидир (аввал ўзиди ётган сиртқи алоқалар, сўнгра чуқурроқ,

ички, муҳим алоқалар очилади). «Предметни ҳақиқатан билмоқ учун унинг ҳамма томонларини, ҳамма алоқаларини ва «бавоситаликларини» қамраб олиб, ўрганиш керак» (Ленин). Бу алоқаларни билиш одамларнинг ўзгартирувчи, амалий фаолиятининг муввафқиятли бўлиши учун жуда муҳимдир. Чунончи, коммунистик қурилиш мурраккаб процессдан иборат бўлиб, бу процесс жамиятнинг моддий-техника базасини ривожлантиришни ҳам, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришини ҳам, кишиларни тарбиялашни ҳам ўз ичига олади. Шу сабабдан, келажак жамиятни кўришда бу процесснинг ҳамма томонларининг ўзаро алоқадорлигини, ўзаро таъсирини ҳисобга олмоқ зарур.

**ҲУКМ** (суждение) — кеңг маънода муайян предмет, ҳодиса ҳақида айтилган фикр; логикада Ҳ. деганда предмет ҳақида ё инкор-қилиниб, ё тасдиқлаб айтилган фикр тушунилади. Уз формасига кўра Ҳ. одатда икки тушунчанинг боғланишидан иборат. Бу тушунчалардан бири субъект деб аталади ва айтилган фикрда мантиқий эга ролини бажаради, иккинчиси предикат деб аталади ва мантиқий кесим ролини бажаради. Демак, Ҳ. тушунчаларнинг шундай алоқасидан иборатки, бу алоқада бир тушунча иккинчиси орқали характеристланади; бу алоқа «дир» ёки шунга мувофиқ «эмас» боғловчиси орқали юзага чиқарилади, бу боғловчи Ҳ. да ошкора тарзда (мас., «Қарағай — дараҳтдир») ёки яширин шаклда (мас., «Графит электр ўтказмайди») пайдо бўлади. Аристотель ўша вақтдаёқ ҳукмларни туркумлаш ишини бошлаган эди. Ҳажми (ёки миқдори) га қарб, умумий, жузъий ва айрим ҳукмларни фарқ қилинб қарайдилар. Умумий ҳукмларда бирор группанинг, жинснинг ҳамма предметлари ҳақида бирон фикр айтилади (мас., «барча металлар электр ўтказувчидир»), жузъий ҳукмларда бу предметларнинг баъзилари ҳақида фикр айтилади (мас., «баъзи мактаб ўқувчилари — шахматчилардир»), айрим ҳукмларда алоҳида предметлар ҳақида фикр айтилади (мас., «Чайковский — улуғ рус композитери»). Сифат жиҳатдан ҳамма ҳукмлар тасдиқ ва инкор ҳукмларга бўлинади: улар предметлардаги бирор-бир хоссаларнинг борлигини ё тасдиқлайдилар, ёки инкор қиласидилар (тақослаб кўрия: мас., «барча одамлар ўлади» ва «Баъзи кишилар сузишни билмайди») Ҳукмларни мураккаброқ белгиларига қараб ҳам (муносабатига, модаллигига қараб) бир-биридан фарқ қилиб қарайдилар. Бундан ташқари, формал логикада ҳукмларни содда ва мураккаб ҳукмларга бўлиш муҳим роль ўйнайди. Содда ҳукмларни билимларнинг муйаян системаси доирасида бошқа ҳукмларга парчалаб бўлмайди, мураккаб ҳукмлар эса «ва», «ё-ёки», «агар», «унда» ва шу каби боғловчилар орқали содда ҳукмлардан таркиб топади. Ҳ.— билиш фаолиятининг асосий формаларидан биридир. Илмий проблемалар ҳудди ҳукмлар формасида ўртага ташланади; мавжуд билимларнинг асосий қўпчилиги

Х. формасига киради. Ышөөж бар Х. ни иккинчиси билан бирлаштириб, тъни муҳокама юргизиб (*Хулоса чиқарыш*) у ёки бошқа хулосаларга келади, янги билим ҳосил қиласиди.

**ХУКУҚ** (право) — кишиларнинг хатти-ҳарақат нормалари, қоидаларининг мажмуми бўлиб, ва норма ва қоидаларни давлат белгилаб ёки тасдиқлаб қўяди, уларнинг мажмуми ҳукмрон синф иродасининг конун дарајасига кўтарилиган ифодасидир. Давлатдан ташқари Х. нинг бўлиши мумкин эмас. Давлат органлари ҳукуқий нормаларни белгилайдилар, бекор қиласидилар ва ўзгартирадилар, мажбур қилиш чораларини кўллаш йўли билан уларнинг бажарилишини таъминлайдилар. Х. ижтимоий ҳаётнинг энг турли-туман соҳаларини меҳнат, кишиларнинг мулкий муносабатлари, оила, никоҳ ва шу каби муносабатларни ўз ичига олади. Х. муайян ижтимоий-иқтисодий шароитда, жамият синфларга бўлинган ва синфий эндижиятлар кескинлашиб кетган чоқда юзага келади. Ҳукмрон эксплуататор синф қонунлар ёрдами билан ўз мол-мulkини дахлсиз деб эълон қиласди, ўзгаларнинг меҳнатини ўзиники қилиб олиш ҳукуқини асослаб қўяди. Шу билан бирга қонунлар, ҳукуқ нормалари азалдан барқарор қилинган, барча кишиларнинг манфаатларининг ифодаси деб қаралади. Меҳнаткашларнинг мавжуд тартибларга ҳар қандай қарши чиқиши ижтимоий ҳаётнинг туб асосларига қарши қаратилган қонунсиз чиқиш деб эълон қилинади. Шу билан бирга синфий кураш процессида (мас., капитализм шароитида) меҳнаткашлар оммаси гарчи чекланган бўлса-да, лекин уларнинг манфаатларига жавоб берадиган ҳукуқларни (забастовкалар қилиш ҳукуқи, турли ташкилотлар тузиш ҳукуқи ва ҳ. к.) курашиб оладилар. Меҳнаткашлар бу ҳукуқларни қаттиқ туриб ҳимоя қилган ҳолда ҳозирги замон буржуазиясининг демократиядан воз кечишга, террористик, файри ҳукуқий бошқариш методларига ўтишга уринишига қарши кураш олиб бормоқдалар. Социалистик Х.— олий ва тарихан энг сўнгги типдаги Х. дир. Бу Х. ҳалқнинг кўпчилиги иродасини ифодалайди, ишлабчи-қариш қуроллари ва вёситаларининг ижтимоий мулклигини, кишиларнинг киши томонидан эксплуатация қилиниши йўқ этилганлигини, меҳнат қилиш ва меҳнатга бажарилган ишнинг сони ва сифатига мувофиқ ҳақ тўлаш ҳукуқини мустаҳкамлайди. Социализм шароитида Х. кишиларни тарбиялашнинг, индивидуализмни, хусусий мулкчилик ахлоқи, психологиясини, янги жамият қуришга халақит берувчи нарсаларнинг ҳаммасини бартараф этишнинг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилмоқда. Коммунизмга қараб борилган сари Х. нормалари коммунистик ахлоқ нормаларига тобора зичроқ яқинлашиб боради, унинг принциплари ва фармойишларини ифодалайдиган бўлади. Социалистик Х. нинг характеристи хусусияти шуки, ҳалқнинг жуда аксарияти ихтиёрий равишда унга риоя қиласиди. Коммунизм тўлағалаба қилғандан кейин инсоннинг ҳаёт кечириш нормалари киши-

ларнинг одатига айланади, шу муносабат билан мажбур қилиш зарурати ҳам қолмайди. Давлат сингари, Ҳ. ҳам барҳам ейди. Лекин Ҳ. нинг барҳам топиши социалистик демократия принципларидан бири бўлмиш қонунчиликнинг заифлашурни орқали эмас, балки уни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш сриғали кўз беради.

## ИСМЛАР ҚУРСАТГИЧИ

**АБЕЛЯР** Пьер (1079—1142) — француз философ-схоласти ва илоҳиётчиси, ўрта аср реализмини танқид қилиб чиққан, ўз қарашлари учун даҳри деб католик черкови томонидан қораланганд, асосий асарлари «Ҳа ва йўқ», «Ўз-ўзлигингни бил» ва б.— 203, 274.

**АВГУСТИН** (лақаби Блаженній), Аврелий (354—430) — христиан илоҳиётчиси ва мистик философ бўлиб, унинг қарашлари схоластика манбаларидан бири бўлган эди, эллинизм философиясини христианликни асослашга мосластиришга уринган эди, асосий асарлари «Илоҳий шаҳар ҳақида», «Тавба-тазарру».—377.

**АВЕНАРИЎС** Рихард (1843—1896) — швейцариялик идеалист философ, эмпириокритицизмнинг асосиларидан бири, асосий асари «Соф тажрибали танқид».—219, 357, 358.

**АВЕРРОЭС** — қ. ИБН РУШД.

**АИДУКЕВИЧ** Казимеж (1890—1963) — польск философи ва логика олими, неопозитивизмнинг Львов-Варшава мактаби деб аталган оқимиға қўшилди, кейинги йилларда Польша Фанлар академиясининг философия ва социология институтида ишлади, асарлари: «Тил ва билиш» ва б.—157, 198.

**АИЕР** Альфред Жулс (1910) — инглиз неопозитивист философи, Оксфорд университетининг профессори, асосий асарлари: «Тил, ҳақиқат ва логика», «Билиш проблемаси».—198.

**АЛЕКСАНДЕР** Сэмюэл (1859—1938) — инглиз неореалист философи, «эмержент эволюция» идеалистик назариянинг асосчиси, бу назария ўзгариш процессларини мантиқий жиҳатдан пайқаб бўлмайдиган иррационал процесслар деб қарайди, асосий асари: «Макон, замон ва худо»—199.

- АЛЬБЕРТ** Буюк (1193/1207—1280) немис философи ва илоҳиётчиси, Фома Аквинский билан бирлікда католицизмнинг фалсафий-теологик доктринасини ишлаб чиққан, асосий асарлари: «Теология мажмусаси», «Сабаблар ҳақида» ва умумийликнинг пайдо бўлиши ҳақида» ва б.—274.
- АММОН** Otto (1842—1916) — немис антропологи ва социолог-расист, социал дарвинизм намояндаси, асосий асари: «Ижтимоий тузум ва унинг табиий асослари».— 253.
- АНАКСАГОР** (эрамиздан олдин тахминан 500—428) — қадимги грек натурфилософи, ионизчил материалист. б.—235.
- АНАКСИМАНДР** (эрамиздан олдин тахминан 610—546) — қадимги грек милета мактабининг философи, стихияли материалист ва содда диалектик, асари: «Табият ҳақида», бизгача стиб келмаган.—22, 59, 158.
- АНАКСИМЕН** (эрамиздан олдин тахминан 588— тахминан 525) — қадимги грек милета мактабининг философи, стихияли материалист ва содда диалектик.—22, 158.
- АНСЕЛЬМ** Кентерберийский (1033—1109) — ўрга аср илоҳиётчиси ва схоласт философи, университар ҳақида мунозарауда реализм йўлини тутган, худо борлиғининг онтологик исботи деб аталган диний назарияни ривожлантирган, асосий асари: «Муҳокамага қўшимча».—202, 235, 274.
- АНТОНОВИЧ** Максим Алексеевич (1835—1918) — рус материалист философи, публицист, адабий танқидчи, Чернишевский ва Добролюбовнинг сафдоши, асарлари: «Ҳозирги замон философияси» ва «Гегель философияси» ва бошقا мақолалар.— 233.
- АРИСТОТЕЛЬ** (эрамиздан олдин 384—322) — қадимги грек мутафаккири бўлиб, унинг асарлари ўша замондаги билимларнинг деярли ҳаммасини ўз ичига олади, философияда материализм билан идеализм ўргасида иккиланиб юради, асосий асарлари: «Органон», «Рӯҳ ҳақида», «Метафизика», «Политика» ва б.—13, 14, 23, 26, 27, 38, 65, 132, 144, 145, 146, 150, 168, 227, 235, 273, 279, 302, 316, 330, 341, 350, 359, 362, 377, 396.
- АРОН** Раймон (1905 йилда туғилган) — француз буржуа социологи бўлиб, социологиянинг сиёсий проблемалари, тарихи билан шуғулланади, социалистик идеологиясига душманлик билан ҳужум қўймоқда, асосий асарлари: «Тарих философиясига кириш», «Индустрнал жамиятнинг ривожланиши ва социал страфикация», «Ҳозирги замон жамияти ва социология» ва б.—267.
- БАФЁФ** Гракх (1760—1797) — француз революционери, тенгламачилик коммунизмнинг вакили, «төнглар» ҳаракатининг раҳбари, асосий асари: «Тенглар таълимоти».— 308.
- БАЗАРОВ** (Руднев Владимир Александровичнинг тахаллуси) (1874—1939) — рус философи ва экономисти, социал-демократ,

философияда — эмпириокритик, асосий асарлари: «Замонамиз мистицизми ва реализми» ва б.—357.

**БАКУНИН** Михаил Александрович (1814—1876) — рус революционери, народниклик ва анахризм идеологларидан бири, философияда эклектик, асосий асарлари: «Давлатчилик ва анахрия», «Федерализм, социализм ва антиеологиязм» ва б.—18, 192.

**БАРТ** Карл (1886—1968) — швейцариялик теолог ва философ, «диалектик теология»нинг асосчиси, ўз қарашлари жиҳатидан «диний» экзистенциализмга яқин туради, асосий асарлари: «Черковь догматикаси», «Бугуннинг телевизияни мавжудлиги» ва б.—353.

**БАХ** Иоганн Себастьян (1685—1750) — немис композитори.—361.

**БЕЙЛЬ** Пьер (1647—1706) — француз философ-скептиги, дастлабки маърифатчилардан бири, диний догматизмни танқид қилиб чиққан, асосий асари: «Тарихий ва танқидий луғат».—250.

**БЕЛИНСКИЙ** Виссарион Григорьевич (1811—1848) — рус революцион демократи, адабий танқидчи, публицист, философ-материалист, рус реалистик эстетикасининг асосчиси, асарлари: «Адабий орзуулар», «Рус адабиёти ҳақидаги фикрлар ва мулоҳазалар», «Гоголга хат» ва бошқа мақолалар.—29, 71, 233.

**БЕМЕ** Якоб (1575—1624) — немис философ-пантеисти, мистик, унинг таълимотида шу билан бирга материалистик ва диалектик идеялар ҳам бор эди, асосий асарлари: «Аврора ёки уфқдаги тоңг шафағи» ва б.—180.

**БЕНТАМ** Иеремия (1748—1832) — инглиз буржуа ҳуқуқшуноси ва ахлоқшуноси, утилитаризмнинг таниқли вакили, асосий асари: «Деонтология ёки ахлоқ ҳақида фан».—280, 308.

**БЕРГСОН** Анри (1859—1941) — француз идеалист философи ва иррационалисти, у интуицияни фалсафий билишнинг олий формаси деб ҳисоблаган, асосий асарлари: «Ижодий эволюция» ва б.—116, 123, 152, 301, 388.

**БЕРДЯЕВ** Николай Александрович (1874—1948) — рус мистик философи, экзистенциолист, асосий асарлари: «Ижоднинг маъноси», «Тенгизилик философияси», «Инсоннинг вазифаси», «Эсхатологик метафизика тажрибаси» ва б.—352.

**БЕРКЛИ** Жорж (1685—1753) — инглиз философи — субъектив идеалист, асосий асарлари: «Инсон билимининг ибтидолари ҳақида трактат», «Галис билан Филонус ўртасидаги уч сұхбат».—42, 44, 92, 93, 151, 186, 210, 243, 251, 273, 356.

**БЕРНАЛ** Джон Десмонд (1901 йилда туғилған) — инглиз физиги ва жамоат арбоби, фаннинг фалсафий-социологик проблемалари юзасидан бир қанча асарларнинг автори бўлиб, бу проблемаларни у диалектик материализм нутқаи назаридан қараб чиқади, асосий асарлари: «Жамият тарихида фан», «Ҳаётнинг келиб чиқиши» ва б.—160.

- БЕРНХЕМ** Жеймс (1905 йилда туғилган) — америка социологи, «бошқарувчилар жамияти» файри илмий назариясининг автори, бу жамиятда ҳокимият төр доирадаги маъмурлар, ташкилотчилар, бошқарувчиларга тегишли бўлиши лозим, асосий асари: «Бошқарувчилар революяси». — 298.
- БЕРНШТЕЙН** ЭДУАРД (1850—1932) — немис социал-демократи, ревизионизм ва реформизмга асос солганилардан бири, асосий асарлари: «Социализм проблемалари» ва б.— 230, 369.
- БЕРУНИЙ** (Абу Райхон ал-Беруний—973—1048) — 66, 71, 158, 391.
- БЕТХОВЕН** Людвиг ван (1700—1827) — немис композитори.— 361, 367.
- БОГДАНОВ** (Александер Александрович Малиновскийнинг таҳаллуси) (1873—1928) — рус философи, социолог ва экономист; 1907 йилгача большевик, сұнгра партиядан четлашиб, марксистик философияни ревизия қилиб чиқди, эмпириокритицизм кўринишларидан бири бўлмиш эмпиромонизмни яратди, асосий асарлари: «Эмпиромонизм», «Жонли тажриба философияси» ва б.— 328, 357.
- БОЗАНКЕТ** Бернард (1848—1923) — инглиз янги гегелчи философи, асосий асари: «Индивидуаллик ва қимматдорлик принципи». — 368.
- БОЙЛЬ** Роберт (1627—1691) инглиз физиги ва химиги, фалсафий қарашларida механистик материализм элементларини теология билан қўшиб олиб бораради.— 30.
- БОЙМЛЕР** Альфред (1887 йилда туғилган) — немис фашизмининг идеологларидан бири, асосий асарлари: «Ницше — сиёсий тарбия», «Сиёсат ва тарбия». — 388.
- БОҚКАЧЧО** Жовани (1313—1375) — Уйғониш давридаги итальян ёзуучиси-гуманисти.— 55.
- БОР** Нильс (1885—1962) — даниялик физик, квант назариясининг яратувчиларидан бири, позитивизм таъсирини бартараф қилиб, квант механикасининг баъзи проблемаларини материалистик нуқтаси назаридан шарҳлаб берди.— 60, 184.
- БОТТИЧЕЛИ** Сандро (1444/1445—1510) — Уйғониш давридаги итальян живописи, Флоренция живопись мактабининг вакили.— 305.
- БОУН** Борден Паркер (1847—1910) — америка философи, персонализмнинг илк намояндаларидан бири, асосий асарлари: «Персонализм» ва б.— 216.
- БОХЕНСКИЙ** Иозеф (1902 йилда туғилган) — философ-неотомист, ўз асарларida диалектик материализмни ва СССРда философиянинг ривожланишини сохталаштириб кўрсатмоқда, асосий асарлари: «Совет-рус диалектик материализм» ва б.— 301.
- БРАЙТМЕН** Эдгар Шеффилд (1884—1953) — американлик философ-персоналист, асосий асарлари: «Табият ва қимматдорлар», «Дин философияси» ва б.— 216.

**БРИЖМЕН** Перси Уильямс (1882—1961) — америкалик физик ва философ, субъектив-идеалистиқ оқым—операцонализмнинг бошлиғи, бу таълимотта күра, ҳар қандай тушунччанинг маъноси фақат уни текширганда ва ишлатганда фойдаланиладиган операцияларнинг тасвири орқали белгиланади, асосий асарлари: «Физика назариясининг табиати» ва б.—220.

**БРОД** Чарлз Данбар (1887 йил. туғилган) — инглиз философ-идеалисти, неореализм ва «эмержент эволюция» назариясининг тарафдори, асосий асарлари: «Илмий фикр», «Онг ва унинг табиатдаги ўрни», «Инсон шахси ва ўлгандан кейин унинг яшаши мумкинлиги» ва б.—117.

**БРУНО** Жордано (1548—1600) — итальян мутафаккири-материалист, ўз таълимотини пантейзм формасида баён қилган, Коперникнинг коинотнинг тузилиши ҳақидаги идеяларини ривожлантирган асосий асарлари: «Сабаб, ибтидо ва ягоналик ҳақида», «Коинотнинг бенихоялиги ва оламлар ҳақида».—59, 61, 158, 185, 194, 213, 271, 306, 316.

**БУБЕР** Мартин (1878—1965) — диний философ, асосий асарлари: «Дин ва философия», «Инсон проблемаси» ва б.—353.

**БУЛЬ** Жорж (1815—1864) — англиялық логик ва математик, математик логиканинг яратувчиларидан бири, асосий асари: «Фикр қонунларининг тадқиқоти»—156, 157.

**БҮТЛЕРОВ** Александр Михайлович (1828—1886) — рус химия олими, органик бирикмалар тузилиши назариясининг яратувчиси, изоизил стихияли материализм позицияларидан турган.—30.

**БЭКОН** Роджер (тахминан 1214—1292/1294) — инглиз мутафаккири, табиатшунос, табиатни тажриба йўсинида ўрганишга даъват этган, асосий асарлари: «Катта асар», «Кичик асар», «Ўчинчи асар».—377.

**БЭКОН** Фрэнсис (1561—1626) — инглиз философи, инглиз материализмнинг отаси, фаннинг ривожига катта таъсир кўрсатган, асосий асари: «Янги Органон».—42, 61, 158, 306, 330, 341, 356, 391.

**БЮХНЕР** Людвиг (1824—1899) — немис физиологи ва философи, вульгар материализмнинг вакили, асосий асарлари: «Куч ва материя», «Дарвинизм ва социализм».—54, 159.

**ВАЛЬ** Жан (1888 йил туғ.) — француз идеалист философи, янги гегелчиликка яқин туради, француз экзистенциализмига катта таъсир кўрсатди, асосий асарлари: «Конкретлик сари», Субъективлик ва трансценденция» ва б.—369.

**ВАН ФУ-ЧЖИ** (Ван Чуань-шань) (1619—1692) — хитой материалист философи, буддизм философиясини танқид қилган, асосий асарлари: «Ўйлар ва саволлар», «Си-шуни ўқигандага қилинган қайдлар» ва б.—338.

**ВАН ЧУН** (27—104) қадимги хитой материалист философи ва атеисти, унинг таълимотига кўра, бутун мавжудот мөддий субстанция — «бирламчи эфир» («юань ци»)дан иборат, асосий асари: «Танқидий муҳокамалар».—338.

**ВАН ЯН-МИН** (Ван-Шоу-жань) (1472—1528) — хитой философи, субъектив идеалист, асосий асарлари: «Гу Дун-цяога жавоб хат» ва б.—338.

**ВЕБЕР** Альфред (1868—1958) — немис буржуа социологи, унинг «Тарих ва маданият социологияси» деган асарида ҳәёт философияси вакилларининг таъсири сезиларлиди, асосий асари: «Тарих ва маданият социологиясининг принциплари» ва б.—343.

**ВЕБЕР, Макс** (1864—1920) — немис буржуа социологи, янги кантчиликка ва позитивизмга яқин турарди, унинг қарашлари ҳозирги замон буржуа социологиясига катта таъсир күрсатди, асосий асарлари: «Протестантлик этикаси ва капитализм руҳи», «Хўжалик ва жамият».—266.

**ВЕРТГЕЙМЕР** Макс (1880—1944) — немис психоложи, унинг ҳараратни идрок этиш соҳасидаги тадқиқоти гештальтихологияга асос бўлди, асосий асарлари: «Самарали тафаккур» ва б.—59.

**ВИКО Жамбаттиса** (1668—1744) — итальян философи ва социологи, тарихий доиравий айланиш назариясининг яратувчиси, асосий асарлари: «Миллатларнинг умумий табиати ҳақидаги янги фаннинг асосланиши», «Хўқуқий дунё тартибининг ягона принципи ҳақида».—284.

**ВИНДЕЛЬБАНД** Вильгельм (1848—1915) — немис идеалист философи, философия тарихчиси, Баден (Фрейбург) янги кантчилик мактабининг асосчиси, асосий асарлари: «Қадимги философия тарихи», «Янги философия тарихи», «Муқаддима», «Тарих ва табииёт».— 100, 369.

**ВИНЕР** Норберт (1894—1964) — америка математиги, кибернетикани яратувчилардан бири, унинг умумий фалсафий қарашлари эклектик ва зидма-зиддир, асосий асарлари: «Кибернетика ёки ҳайвондаги ва машинадаги бошқариш ва алоқа», «Кибернетика ва жамият».— 135.

**ВИТГЕНШТЕИН** Людвиг (1889—1951) — австриялик философ ва логика олими, неопозитивизм философиясининг шаклланишига катта таъсир күрсатди, асосий асарлари: «Мантиқий-фалсафий трактат», «Фалсафий тадқиқотлар».— 52, 157, 198.

**ВИШНЕВСКИЙ** Всеволод Витальевич (1900—1951) — рус-совет драматурги.—301.

**ВОЛЬТЕР** (Аруэ Франсуа Мари) (1694—1778) — француз философи-деисти, сатирик ёзувчи, тарихчи. Маърифатнинг таниқли намояндаси, абсолютизмга ва католицизмга қарши кураш олиб борди, асосий асарлари: «Фалсафий мактублар», «Метафизика

хакида трактат», «Жумумий тарих тұғрисидаги тажриба ва халқ-жарнинг хуялқ-автори ва рухи ҳақида».— 66, 164, 285.

**ВОЛЬФ** Христиан (1679—1754) — немис идеалист философи, Лейбниц философиясининг оммалаштирувчи, телеология тарафдори, асосий асари: «Логика, ёки инсон фаросатининг кучлари ҳақида Оқилона фикрлар».—81, 212, 295.

**ВОРОНЦОВ** Василий Павлович (такаллуси — В. В.) (1874—1920) — рус экономисти, либерал народникликнинг идеологи, асосий асарлари «Россияда капитализмнинг тақдири», «Бизнинг йўналишларимиз» ва б.—193.

**ВУНДТ** Вильгельм (1832—1920) — немис идеалист философи, физиолог, экспериментал психологиянинг асосчиларидан бири, асосий асарлари: «Логика...», «Физиологик психологиянинг асосланиши», «Халқлар психологияси».—54, 268.

**ГАЗРИ** Эдвин (1886—1959) — америка психологи, бихевиоризмниг вакили.—44.

**ГАЛИЛЕЙ** Галилио (1564—1642) — итальян олим, экспериментал математик табииётнинг ва механистик материализмнинг асосчиларидан бири, асосий асари: «Дунёнинг икки энг бош системаси — Птолемей ва Коперник системалари ҳақида диалог».—30, 158, 306.

**ГАНДИ** Мохандас Қармчанд (1869—1948) — Хиндистондаги миллий озодлик ҳаракатининг идеологи ва арбоби, ўз фалсафий қарашлари жиҳатидан объектив идеалист, асосий асарлари «Менинг хаётим» ва боштари.—395.

**ГАРТМАН** Николай (1882—1950) — немис философи, борлық ҳақида, борлық категориялари ҳақида объектив идеалистик таълимочни — «танқидий онтология»ни яратди, асосий аспарлари: «Этика», «Онтологиянын асослашылған дони». «Эстетика» — 195. 212.

**ГАРТМАН** Эдуард (1842—1906) — немис идеалист философи, иррационалист, онгсиз руҳий ибтидои воқееликнинг асоси деб ҳисобларди, асосий асари: «Онгсилик философияси».—211.

**ГАССЕНДИ** Пьер (1592–1655) – француз математик, философ, Эпикуринг атомизм идеяларини ва этикасими ривожлантириди, асosий асари: «Философия мажмуаси».—102.

**ГЕГЕЛЬ** Георг Вильгельм Фридрих (1770—1831) — немис философи, объектив идеалист, немис классик идеализмининг вакили, у ҳар томонлама ишлаб чиқсан идеалистик диалектика диалектик материализмнинг назарий манбаларидан бири бўлди, асосий асарлари: «Рух феноменологияси», «Фалсафий фанлар энциклопедияси», «Логика фани», «Хукуқ философияси» ва б.—5, 8, 42, 50, 71, 73, 75, 77, 92, 93, 110, 118, 132, 133, 146, 152, 167, 168, 183, 186, 194, 195, 196, 197, 204, 209, 212, 230, 232, 233, 234, 235, 267,

- 272, 285, 289, 301, 302, 303, 316, 317, 318, 327, 359, 362, 364, 368, 374, 380.
- ГЕДЕЛЬ** Курт (1906 йил. түг.) — австрийлик математик ва логика олимі, математик логиканы шылда чиқишиңа анча ҳисса құшды, асосий асари: «Principia Mathematica» да жинседеш системаларнинг формал ҳал қилиб бұлмайдыған гаплары ҳақида» да б.— 157.
- ГЕКСЛИ** Томас Генри (1825—1895) — инглиз табиатшуноси, биолог, Дарвиннинг дүсті да давомчысы, философияда ноизчил материалист, агностицизмга мойил эди, асосий асари: «Органик вұждулар қаторида инсоннинг мавзеи ҳақида».—10.
- ГЕЛЕН** Арнольд (1904 йил. түг.) — немис буржуа философи, инсон ҳақида, уннинг мөхитінде яшаш ҳақида идеалистик таълимнот бұлмаш «Фалсафий антропология»нинг намояндадаридан бири, асосий асари: «Инсон...» да бош.—24.
- ГЕЛЬВЕЦИИ** Клод Андриан (1715—1771) — француз материалист философи, атеист, француз буржуа революциясини ғоявий тайёрлашда катта роль үйнады, асосий асарлари: «Ақл ҳақида», «Инсон ҳақида».—24, 29, 159, 236, 243, 330, 364.
- ГЕЛЬГОЛЬЦ** Герман (1821—1894) — немис физиги, физиологи, ноизчил материалист, янғы кантычилик агностицизмінде мойил эди, асосий асарлари: «Күчнинг сақланиши ҳақида», «Физиологик оптика» да бош.—97.
- ГЕРАКЛИТ** (әрамиздан олдин тах. 540—так. 480) — қадимғы грек материалист философи, да стихиялы диалектик, асосий асари: «Табиат ҳақида» (бизга айрим парчалари етиб келган).—22, 70, 145, 158, 206, 380.
- ГЕРДЕР** Иоганн Готфрид (1744—1803) — немис философи — маърифатчи, ёзувчи, адабиётшунос, умуман тарихни идеалистик асосда тушуниш позицияларыда түрған қолда маданияттың тадқиқ қилишша тарихий усуулни татбиқ этди, асосий асарлари: «Инсонияның тарихи философиясында доир идеялар» да бош.—285.
- ГЕРЦЕН** Александр Иванович (1812—1870) — рус революцион демократи, ёзувчи, публицист, философ-материалист, народникликнинг асосчиларидан бири, асосий асарлари: «Фанда дилематизм», «Табиатның үрганиш ҳақидағы мактублар», «Нариги соҳидалан» да бош.—29, 71, 137, 192, 233, 234.
- ГЕТЕ** Иоганн Вольфанг (1749—1832) — немис ёзувчысы да мутафаккири, табииет илми соҳасидаги асарлари билан ҳам машұрдир, асарлари: «Тажриба — субъект билан обьект үртасыда восита», «Санъат асарларининг ҳақиқатлары да ҳақиқатсимон-лары ҳақида» да бош.—164.

- ГИЛЬБЕРГ** Давид (1862—1943) — немис математика ва логика олими, математик логикага доир асарлари билан машҳурдир, асосий асарлари: «Геометрия асослари» ва бош.—157.
- ГОББС** Томас (1588—1679) — инглиз философи, механистик материализмнинг асосчиларидан бири, асосий асарлари: «Жисм ҳақида», «Инсон ҳақида», «Граждан ҳақида», «Левиафан».—43, 59, 102, 122, 236, 280, 302.
- ГОГОЛЬ** Николай Васильевич (1809—1852) — рус ёзувчи, рус адабиётида танқидий реализмнинг асосчиси.—137.
- ГОЛЬБАХ** Поль Анри (1723—1789) — француз материалист философи, атеист, француз революцион буржуазиясининг идеологлариidan бири, асосий асарлари: «Табиат системаси», «Фош этилган христианлик» ва бош.—29, 122, 159, 232, 243, 280, 330, 364.
- ГРАВ** Жан (1845—1919) — француз майдада буржуа социалисти, анархизм назариётчиларидан бири, асосий асарлари: «Улаётган жамият ва анархия», «Келгуси жамият».—18.
- ГРОЦИЙ** Гуго (1583—1645) — голландиялик юрист, тарихчи, давлат арбоби, табиий ҳуқуқ ва ижтимоий шартнома назарияларининг бош намояндларидан бири, асосий асари: «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида».—280.
- ГУМПЛОВИЧ** Людвиг (1838—1909) — австриялик буржуа юристи ва социолог-иркпарести, асосий асарлари: «Социология ва сиёсат» ва бош.—266.
- ГУРВИЧ** Георгий Давидович (1894—1965) — француз социологи ва ҳуқуқ назариётчisi, социологияда гиперэмпиризм деб аталмиш назариянинг (микросоциологик назариянинг) тарафдори, асосий асарлари: «Социологиянинг ҳозирги замондаги вазифаси», «Социал детерминизм ва инсон эркинлиги».—176.
- ГУССЕРЛЬ** Эдмунд (1859—1938) — немис идеалист философи, феноменологиянинг ҳозирги замон буржуа философиясидаги оқимнинг асосчisi, бу оқим билишнинг субъекти ва обьекти ўртасидаги муносабатни тушунишда субъектив-идеалистик асосга таянади, асосий асарлари: «Мантикий тадқиқотлар», «Биринчи философия» ва бош.—115, 116.
- ГЮЙЕНС** Християн (1629—1695) — голландиялик физик, астроном ва математик, ёргулук тўлқин назариясининг автори.—17, 152.
- ДАЙ ЧЖЭНЬ** (Дай Дун-юань) — (1723—1777) — хитой олими ва материалист философи, асосий асарлари: «Яхшилик табиати ҳақида», «Мэн-цзига шарҳлар» ва бош.—338.
- ДАЛИ** Сальвадор (1904 йил. тур.) — испан живописи, ҳозирги замон буржуа санъатида бир йўналиш бўлмиш сюрреализмнинг вакили, бу йўналишнинг характерли хусусияти шуки, у санъаткорнинг файри ихтиёрий интилишини, дардли фантазиясини кўкларга кўтариб мақтайди, санъатда фрейдизмни тарғиб қиласди.—342.

- ДАЛЬТОН** Жон (1766—1844) — инглиз физика ва химия олимі, атомистиканы экспериментал асослашга ёрдам берди.—30.
- ДАНТЕ** Алигьери (1265—1321) — итальян шоири, «үрта асрчиликнинг сүнгги шоири ва шу билан биргә янги замоннинг биринчи шоиприн» (Энгельс)— 55, 61, 306.
- ДАРВИН** Чарлз Роберт (1809—1882) — инглиз табиатшуноси, илмий эволюцион биологиянинг асосчысы, асосий асари: «Турларнинг келип чиқиши...»—76, 166, 194, 233, 253, 277, 296.
- ДЕКАРТ** Рене (1596—1650) — француз философи математик ва табиатшунос, философияда дуализм позициясыда турарди, асосий асарлари: «Метод ҳақида мұхокама...», «Философия асослары» ва бош.— 31, 59, 71, 81, 93, 96, 116, 117, 118, 229, 271, 304.
- ДЕМОКРИТ** (эрэмиздан олдин тах. 460—тах. 370) — қадимғы грек философи, атомизмга асос солувылардан бири, қадим замонда материализмни әнд порлоқ ифода қылған мутафаккир, асосий асари: «Кичик диакосмос».—22, 23, 29, 30, 42, 43, 102, 144, 158, 235, 326, 350, 355.
- ДЕСНИЦКИЙ** Семен Ефимович (1789 йилда вафот этган) — рус мағрифатчысы, ҳуқуқшунос ва социолог, асосий асарлари: «Юриспруденцияның үрганишнинг бевосита ва яқын усули ҳақида бир-иккі сүз», «Халқларнинг мұлк ҳақидаги турли тушунчалары тұғрисида юридик мұхокама...» ва бош.—164.
- ДИДРО** Дени (1713—1784) — француз материалист философи, әнциклопедистлар бошлиғы, француз революцион буржуазиясиянинг идеологларидан бири, асосий асарлари: «Табиатни изохлашша доир фикрлар», «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий асослары».—29, 59, 71, 159, 243, 330, 331, 362, 364.
- ДИЛЬТЕЙ** Вильгельм (1833—1911) — немис идеалист философи, буржуда фалсафий фикрида — ҳаёт фалсафасыда иррационалистик оқым асосчыларидан бири, асосий асарлари: «Рұх ҳақидагы фанга кириш», «Герменевтиканың пайдо бўлиши» ва бош.—24, 368, 388, 389.
- ДИОГЕН** Лаэртский (эрэмизнинг 1-ярмida) — қадимғы грек философи, тарихчиси, асосий асарлари: «Философияда шұхрат қозонған әзүвчиларнинг ҳәёти, таълимоти ва ҳикматлари ҳақида ўн китоб».—326.
- ДОБРОЛЮБОВ** Николай Александрович (1836—1861) — рус революцион демократ, материалист философ, адабий танқидчи ва публицист, Чернишевский тарафдори, асосий асарлари: «Инсоннинг ақлий ва ахлоқий фаолияти билан боғлиқ ҳолда узвий ривожланиши», «Обломовчилек нима?», «Ҳақиқий күн қаочон келади?» ва бош.—29, 233, 234, 364.

- ДОСТОЕВСКИЙ** Федор Михайлович (1821—1881) — рус ёзувчisi, мутафаккири, рус адабнётида танқидий реализм вакилларидан бири.— 56.
- ДРЕЙК** Дьюрант (1878—1933) — америка идеалист философи, танқидий реализм тарафдори, асосий асарлари: «Онг ва унинг табиатда ўрни», «Мелиоризм философияси» ва бош.—281.
- ДРИШ** Ганс (1867—1941) — немис биологи, ҳозирги замон витализмининг намояндаси, асосий асарлари: «Органиклик философияси» ва бош.—53, 359.
- ДУНС СКОТТ** Иоанн (1265/1266—1308) — ўрта асрда ўтган шотландий сколаст философ, номинализм тарафдори, асосий асари: «Оксфорд асари».—53, 274, 330, 391.
- ДЬЮИ** Жон (1859—1952) — америка философи, социологи ва педагоги, прагматизмининг бош вакилларидан бири, асосий асарлари: «Мактаб ва жамият», «Философияда реконструкция», «Инсон проблемалари» ва бош.—220.
- ДЮРКГЕЙМ** Эмиль (1858—1917) — француз социолог-позитивисти, француз социологик мактабнинг бошлиги, асосий асарлари: «Ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳақида», «Социология методи», «Диний ҳаётнинг элементар формалари».—266, 382.
- ЖЕВОНС** Уильям Стенли (1835—1882) — инглиз экономисти, логик ва философ, математик логиканинг ривожига ҳисса қўшган, асосий асарлари: «Дедуктив ва индуктив логиканинг бошланғич дарслиги», «Фан асослари».—156.
- ЖЕМС** Уильям (1842—1910) — америка философи ва психологи, прагматизм асосчиларидан бири, асосий асарлари: «Диний тажрибанинг хилма-хиллиги», «Прагматизм», «Радикал эмпиризм очерклари» ва бош.—81, 199, 220, 366.
- ЖЕНТИЛЕ** Жованни (1875—1944) — итальян янги гегелчи философи ва сиёсий арбоби, унинг қарашлари фашизм идеологиясига таъсир кўрсатди, асосий асарлари: «Гегель диалектикасининг ислоҳ қилиниши», «Логика системаси — билиш назариясидир».—368.
- ЖЕФЕРСОН** Томас (1743—1826) — америка маърифатчиси ва сиёсий арбоби, буржуа демократи, философияда деист, асарлари: «Дин ҳақида мулоҳазалар» ва бош.—66, 102.
- ЖОТТО** (1226/1267—1337) — итальян рассоми, илк Уйғониш даври живописида реализмнинг отаси.—305.
- ЖИЛЬСОН** Этьен (1884 йил. туғ.) — француз идеалист философи, ҳозирги замон томизмийнинг вакили, асосий асарлари: «Томизм», «Христиан философиясига кириш», «Философ ва теология».—301.
- ЖОЛИО-КЮРИ** Фредерик (1900—1958) — француз физиги, жамоат арбоби, коммунист, диалектик материализм тарафдори.—160.

- ЗЕНОН** Элейий (әрамиздан олдин тах. 490—430) — элей мактабига мансуб қадимги грек философи, у илгари сурган ўзининг машхур қоидалари (априорийлари) билан ҳаракатнинг мумкин эмаслигини асослашға уринган еди.—24.
- ЗИММЕЛЬ** Георг (1858—1918) — немис идеалист философи, социолог, ҳаёт философиясининг вакили, асосий асарлари: «Тарих философиясининг проблемалари», «Социологияның асосий ма-салалари» ва баш.—24.
- ИБН РУШД** Мұхаммад (лат. Аверроэс) (1126—1198) — араб философи ва олим, Аристотель философиясининг материалистик элементларини ривожлантириди, асосий асарлари: «Раддияга раддия», «Философия билан дин ўртасидаги алоқа хусусида қарор чиқарувчи мұхомкамасы».—27, 273, 377, 391.
- ИБН СИНО** Абу Али (лат. Авиценна) (980—1037) — ўрта аср төжік философи, олими ва врачи, асосий асарлари: «Қитоби шифо» (қисқартирилган шақлда «Қитоби најжот» ва «Донишнома»да баён қилинған).—27, 66, 71, 158, 273, 377, 391.
- ИБН ХОЛДУН** Абдурахмон Абу Зайд (1332—1406) — араб тарихчысы ва социологи, асосий асары: «Араблар, форслар, барбарийлар ва улар билан ер юзида яшовчы халқлар тарихидан мисоллар китоби».—27.
- ИЛЬФ ИЛЬЯ** (Файнзильберг Илья Арнольдовичнинг таҳаллуси) (1897—1937) — рус совет ёзувчысы.—137.
- ИППОЛИТ** Жан (1907—1967) — француз философи, унинг қарашларыда янги гегелчилик ва экзистенциализм белгилари бор, асосий асарлари: «Рұх феноменологиясын»нинг генезиси ва структурасы», «Логика ва экзистенция», «Маркс ва Гегель ҳақида тадқиқотлар».—369.
- КАЗАКЕВИЧ** Эммануил Генрихович (1913—1962) — рус совет ёзувчысы.—301.
- КАМПАНЕЛЛА** Томмазо (1568—1639) — итальян мутафаккири, оқылона ва мұккамал жамият ҳақидағы утопиянинг яратувчысы, бу утопияни «Қүйеш шаҳри» номлы асарида баён қилған.—306, 308.
- КАМЮ** Альбер (1913—1960) — француз идеалист философи ва ёзувчысы, экзистенциализм вакили, асосий асарлари: «Сизиф ҳақидағы фасона», «Ісөн ҳақида мұлоҳаза», «Йсәнкор инсон» ва баш.—353.
- КАНТ** Иммануил (1724—1804) — немис классик идеализмииң отасы: шунингдек қүйеш системасининг көлиб чиқиши гипотезасини яратғанлиғы билан ҳам машхурдир, асосий асарлари: «Соф ақални танқид», «Амалий ақални танқид», «Мұхомкама қобилиятини танқид».—10, 11, 21, 22, 25, 26, 42, 50, 55, 71, 80, 81, 92, 93, 114, 132, 150, 152, 166, 186, 193, 195, 196, 229, 234, 237, 250, 267, 272, 301, 302, 316, 362, 364, 365, 369, 381, 385.

- КАН Ю-ВЭЙ** (1858—1927) — хитой сиёсий арбоби ва реформатори, асосий асарлари: «Конфуцийнинг давлат тузумини ислоҳ қилиш ҳақидаги таълимотининг тадқиқоти», «Буюк бирлашув ҳақидаги китоб» ва бош.—338.
- КАРНАП Рудольф** (1891 йил тур.) — австриялик философ ва логик, неопозитивизмнинг таниқли вакили, 1936 йилдан бери АҚШда ишлайди, асосий асарлари: «Тилнинг мантиқий синтаксиси», «Семантика юзасидан тадқиқотлар» ва бош.—157, 164, 198.
- КАССИРЕР Эрнст** (1874—1945) — немис идеалист философи, Марбург янги кантчилик мактабининг вакилларидан бири, асосий асарлари: «Янги замон философияси ва фанида билиш проблемаси», «Символик формалар философияси» ва бош.—369.
- КАФКА Франц** (1883—1924) — австриялик ёзувчи-экспрессионист, унинг ижоди экзистенциализмга катта таъсир кўрсатган.—181, 353.
- КЕЛЕР Вольфганг** (1887 йил тур.) — немис психологи, гештальт-психологиянинг асосчиларидан бири, одамсимон маймунларнинг интеллектуни тадқиқ қилишлари билан машҳурдир.—59.
- КЕМЕНИ Жон Жорж** (1926 йил. тур.) — американлик логик, философ-неопозитivist ва математик, асосий асарлари: «Философнинг фанга қараши», «Семантикага янгича қараш» ва бош.—157.
- КИНДИ (ал-Кинди)** Абуюсуф Яъқуб бин Исҳоқ (800—879) — араб философи, врачи, математиги ва астрономи, метафизика, логика, этика ва шу кабиларга доир асарлари бор.—26.
- КЛАГЕС Людвиг** (1872—1956) — немис реакцион идеалист философи, асосий асарлари: «Рұҳ — жоннинг душмани», «Инсон ва хаёт» ва бош.—388.
- КОВАЛЕВСКИЙ Максим Максимович** (1851—1916) — рус буржуа социологи, тарихчи ва ҳуқуқшунос, позитивизм тарафдори, асосий асарлари: «Социология», «Оила ва мулкнинг келиб чиқиши ва ривожланиши очерки».—266.
- КОГЁН Герман** (1842—1918) — немис идеалист философи, Марбург янги кантчилик мактабининг асосчиси, асосий асарлари: «Кантнинг тажриба назарияси», «Философия системаси» ва бош.—369.
- КОЖЕВ Александр** (1902 йил. тур.) — француз янги гегелчи философи, асосий асарлари: «Гегель ҳақидаги лекцияларга кириш» ва бош.—369.
- КОЗЕЛЬСКИЙ Яков Павлович** (такх. 1728—такх. 1894) — рус маърифатчиси ва материалист философи, асосий асарлари: «Фалсафий тақдимотлар» ва бош.—164.
- КОЗЛОВ Алексей Александрович** (1831—1901) — рус идеалист философи, Россияда персонализмнинг дастлабки тарафдорларидан

- бири, асосий асарлари, «Фалсафий этюддар», «Философия — фандир» ва бош.—268.
- КОЛМОГОРОВ** Андрей Николаевич (1903 йил. түр.) — совет математиги, математик логика соҳасидаги тадқиқотни шу киши бошлаб берган.—157.
- КОНДИЛЬЯК** Этьен-Бонно де (1715—1870) — француз маърифатчи философи, билишнинг сенсуалистик назариясини ишлаб чиқкан; материализм билан идеализм ўртасида иккисиниб юрди, асосий асарлари: «Сезигилар ҳақида трактат» ва бош.—38.
- КОНТ** Огюст (1798—1857) — француз буржуа философи ва социологи, позитивизмнинг асосчиси, асосий асари: «Позитив философия курси».—218, 250, 265, 280, 382.
- КОНФУЦИЙ** (Кун Фу-цзи) (эрамииздан олдин 551—479)— қадимги хитой философи, сиёсий арбоби ва педагоги, у яратган ахлоқий-сиёсий таълимот хитой фалсафий ва ижтимоий фикрининг ривожига катта таъсир кўрсатди, унинг қарашлари асосан «Сұхбатлар ва муҳокамалар» («Луньюй») китобида баён қилинган.—337.
- КОПЕРНИК** Николай (1473—1543) — поляк астрономи, оламнинг гелиоцентрик системасини яратувчи, асосий асарлари: «Осьмон сфераларининг айланиши ҳақида».—61, 306.
- КОФФКА** Курт (1886—1941) — немис психологи, гештальтпсихологиянинг асосчиларидан бири, асарлари: «Тасаввурларни ва унинг қонунларини анализ қилишга доир», «Психик ривожланиш асослариз» ва бош.—59.
- КРИВЕНКО** Сергей Николаевич (1847—1907) — рус публицисти, либерал народниклик идеологи, асосий асарлари: «Жисмоний меҳнат — тарбиянинг зарур элементти», «Ора йўлда...»—193.
- КРОНЕР** Рихард (1884 й. түр.) — немис буржуа янги гегелчи философи, асосий асарлари: «Кантдан Гегелгача» ва бош.—368.
- КРОПОТКИН** Пётр Алексеевич (1842—1921) — анархизмнинг рус назариётчisi, географ ва сайёҳ, асосий асарлари: «Анархия, унинг философияси ва идеали», «Хозирги замон фани ва анархия», «Этика» ва бош.—18.
- КРОЧЕ** Бенедетто (1866—1952) — итальян янги гегелчи философи, тарихчи, адабий танқидчи, асосий асари: «Руҳ философияси».—117, 368.
- КУАЙН** Уиллард ван Орман (1908 йил. түр.) — американлик логик ва математик, асосий асарлари: «Математик логика» ва бош.—157.
- КУЗЕН** Виктор (1792—1867) — француз буржуа идеалист философи, эзеклетик, асосий асари: «Философия тарихи курси».—354.
- КЬЕРКЕГОР** Сёрен (1813—1855) — даниялик идеалист философ, теолог, ҳозирги замон экзистенциализмининг салафи, асосий асар-

- лари: «Ёки — ёки», «Қўрқув ва титроқ», «Улим касали» ва бош.—180, 352.
- ЛАВЖОЙ** Артур Онкен (1873—1962) — америка философи, танқидий реализм вакили, асос. асарлари: «Дуализмга қарши қўзғолон», «Идеялар тарихи очерклари».—281.
- ЛАВРОВ** Пётр Лаврович (1823—1900) — рус философи, социологи ва публицисти, народникликнинг назариётчиси, асосий асарлари: «Тарихий мактублар», «Фан таснифотининг мақсади ва аҳамияти» ва бош.—192.
- ЛАМЕТРИ** Жюльен Офре де (1709—1751) — француз врачи ва философи, механистик материализмнинг вакили, асосий асарлари: «Инсон-машина», «Эпикур системаси».—159, 330.
- ЛАНЖЕВЕН** Поль (1872—1946) — француз физиги ва жамоат арбоби, коммунист, диалектик материализм тарафдори.—160.
- ЛАО-ЦЗИ** (эрамиздан олдинги басринг иккинчи ярми ва 5 басринг биринчи ярми) — қадимги хитой философи, даосизм фалсафий мактабининг асосчиси, унинг қарашлари «Даодэцзин» («Лаоцзи») китобида баён қилинган.—337.
- ЛАПЛАС** Пьер Симон (1749—1827) — француз астрономи, математики, физиги, қўёш системасининг келиб чиқиши гипотезасини яратганлиги билан машҳурdir, фалсафий қарашлари жиҳатидан француз материалистлари қарашларига яқин туради.—68, 170.
- ЛЕВИН** Курт (1890—1947) — немис психологи, 30-йиллардан бошлаб АҚШда яшади, аввалида гештальтистларга қўшилди, сўнgra асосан социал психологияни тадқиқ қилишга киришди, асосий асарлари: «Ният, иорда ва эҳтиёж», «Топологик психология принциплари» ва бош.—59.
- ЛЕВКИПП** (эрамиздан олдин тах. 500—440) — қадимги грек материалист философи, атомизмнинг отаси, «Буюк диакосмос», «Ақл тўғрисида» номли асарларнинг автори ҳисобланади.—30.
- ЛЕЙБНИЦ** Готфрид Вильгельм (1646—1716) — немис маърифатчиси, олим ва философ, объектив идеалист, асос. асар. «Инсон ақли ҳақида янги тажрибалар», «Теодицея», «Монадология».—38, 55, 117, 152, 157, 185, 217, 229, 268, 296, 304.
- ЛЕНИН** Владимир Ильич (1870—1924)—6, 7, 9, 12, 20, 40, 44, 49, 55, 60, 70, 72, 74, 75, 76, 77, 82, 87, 98, 99, 108, 115, 116, 122, 126, 133, 138, 139, 140, 151, 152, 154, 155, 156, 159, 160, 161, 162, 165, 174, 177, 178, 185, 186, 193, 204, 206, 214, 215, 218, 224, 230, 231, 232, 234, 240, 242, 245, 246, 249, 251, 259, 262, 264, 266, 271, 273, 278, 279, 293, 299, 307, 310, 316, 320, 321, 322, 324, 326, 328, 331, 334, 351, 357, 358, 370, 375, 380, 396.
- ЛЕОНАРДО да ВИНЧИ** (1452—1519) — Уйрониш давридаги итальян рассоми, олим, философ, механистик материализмнинг

- баъзи қоидаларини ифодалаб берган санъат назариётчиси.**—158.  
306, 362.
- ЛЕССИНГ** Готхольд Эфраим (1729—1781)— немис маърифатчысы, драматург ва санъат назариётчеси, философияда — деист, асос. асар. «Одамзодни тарбиялаш», «Лаокоон» ва бош.—66, 164.
- ЛОБАЧЕВСКИЙ** Николай Иванович (1792—1856) — рус математиги, унинг номи билан аталған нөзвклид геометрияның яратувчысы, фалсафий қарашлари жиҳатидан материалист, асос. асар. «Геометрия асослари ҳақида» ва бош.—152.
- ЛОКК** Жон (1632—1704) — инглиз материалист философи, билишнинг сенсуалистик назариясини батағсил ишлаб чиққан, асос. асар. «Инсон ақыл ҳақида тажриба».—38, 42, 43, 66, 102, 116, 117, 118, 232, 243, 356.
- ЛОМОНОСОВ** Михаил Васильевич (рус олим, мутафаккири, рус философиясида материалистик традицияга асос солувчи, шоир, асарлари: «Иссиқ ва совуқнинг сабаблари ҳақидаги ўйлар», «Ер қатламлари ҳақида» ва бош.—30, 66.
- ЛОПАТИН** Лев Михайлович (1855—1920) — рус философи, объектив идеалист, асос. асар. «Философиянинг ижобий вазифалари» ва бош.—268.
- ЛОССКИЙ** Николай Онуфриевич (1870—1965) — рус идеалист философи, унинг қарашлари интуитивизм вариантыларидан бириendir, асар. «Интуитивизмнинг асосланиши», «Олам — узвий бир бутундир» ва бош.—116, 268.
- ЛОТЦ** Иоганн (1903 йил. түг.) — немис буржуа философи-неотомисти, Пуллахда (Мюнхен яқыннда) папа факультетининг профессори, асос. асар. «Мұхокама ва борлиқ», «Инсоннинг ёлғизлиги ҳақида» ва бош.—301.
- ЛУКИАН** (так. 120 — так. 180) — қадимги грек ёзувлыш-сатириги, құлдорлық жамияти бузилиш даврининг хүлк-авторларини аёсиз савалаган.—137.
- ЛУКРЕЦИЙ** (Тит Лукреций Кар) (әрамиэдан олдин так. 99—55) — қадимги рим шоири ва материалист философи, Эпикурнинг избосари, «Нарсаларнинг табиати ҳақида» номли фалсафий поэманинг автори.—23, 29.
- ЛУЛЛИЙ** Раймунд (1235—1315) — ўрта аср испан схолости, логик, асос. асар. «Буюк санъат».—274.
- МАК-ТАГГАРТ** Жон Эллис (1866—1925) — инглиз философи, унинг қарашлары янги гегелчilik ва персонализмга яқинидir, асос. асар. «Мавжудлик табиати» ва бош.—368.
- МАЛЬБРАНШ** Никола (1638—1715) — француз идеалист философи, идеалистик асосда Декартнинг дуализмини бартараф қилишга уринди, асос. асар. «Ҳақиқатни излаб топиш ҳақида».—213.
- МАЛЬТУС** Томас Роберт (1766—1834) — инглиз руҳонийси, эконо-

- мист, аҳоли ошиқлиги ҳақидаги фанга хилоф назариянинг автори, асос. асар. «Ҳалқаҳоли қонуни ҳақидаги тажриба...»—336.
- МАЛЬЦЕВ** Анатолий Иванович (1909 йил. туғ.) — совет математиги, математик логика ҳақидаги асарни у яратган.—157.
- МАРИТЕН** Жак (1882 йил. туғ.) — француз философи, неотомизм лидерларидан бири, асос. асар. «Санъят ва сколастика», «Анти-модерн», «Ахлоқий философия» ва бош.—301.
- МАРКОВ** Андрей Андреевич (1903 йил. туғ.) — совет математиги ва логика олими.—157.
- МАРКС** Карл (1818—1883).—8, 9, 16, 28, 34, 35, 50, 66, 71, 73, 75, 76, 95, 98, 100, 103, 112, 115, 130, 132, 137, 139, 154, 155, 159, 160, 161, 165, 171, 175, 176, 181, 186, 195, 197, 206, 209, 210, 221, 222, 231, 237, 248, 259, 260, 265, 266, 272, 275, 279, 285, 289, 290, 298, 315, 320, 323, 324, 326, 336, 340, 345, 348, 355, 374, 385.
- МАРСЕЛЬ** Габриэль (1889 йил. туғ.) — француз философи-экзистенциалисти ва ёзувчиси, асос. асар. «Метафизика кундалиги», «Бор бўлмок ва эга бўлмоқ», «Одамлар инсонийликка қарши» ва бош.—180, 353.
- МАХ** Эрнст (1838—1916) — австриялик физик ва философ, эмпириокритицизмнинг асосчиларидан бири, асос. асар. «Сезигилар анализи...», «Билиш ва янглишиш».—93, 151, 186, 210, 219, 243, 251, 273, 357, 358, 385.
- МАЯКОВСКИЙ** Владимир Владимирович (1893—1930) — рус совет ёзувчиси.—35.
- МЕНДЕЛЕЕВ** Дмитрий Иванович (1834—1907) — рус химия олими, химиявий элементларнинг даврий қонунини кашф этган, ўз дунёқарашига кўра материалист, асос. асар. «Химия асослариз».—30.
- МЕРТОН** Роберт Кинг (1910 йил. туғ.) — америка социологи, буржуза социологиясида структур-функционал мактабнинг вакили. асос. асар. «Социал назария ва социал структура».—267.
- МЕЧНИКОВ** Лев Ильич (1838—1888) — рус социологи, географи ва публицисти, ижтимоий ҳаётда географик факторларнинг ҳал қи-лувчи роли ҳақидаги таълимотни ривожлантиргди.—160.
- МИКЕЛАНДЖЕЛО** Буонаротти (1475—1564) — Уйлониш даврининг итальян ҳайкалтароши, рассоми ва архитектори.—305.
- МИЛЛЬ** Жон Стюарт (1806—1873) — инглиз буржуза философи, логики ва экономисти, позитивизм вакили, асос. асар. «Логика системаси...», «Утилитарианизм» ва бош.—110, 164, 218, 308, 330, 341.
- МИХАЙЛОВСКИЙ** Николай Константинович (1842—1904) — рус социологи, публицист ва адабий танқидчи, либерал народниклик идеологи, социологияда «субъектив метод»ни ҳисоя қилган эди,

асос. асар.— мақолалар: «Прогресс нима?», «Дарвин назарияси ва ижтимоий фан» ва бош.—193.

**МОЛЕШОТТ** Якоб (1822—1893) — немис философи ва физиологи, вульгар материализми вакили, асос. асар. «Табиатда ҳаётнинг айланиши» ва бош.—54, 159.

**МОЛЬЕР** Жан Батист (1622—1673) — француз драматурги—137.

**МОНТЕГЮ** Уильям Пепперелл (1873—1953) — америка философи, неореализм вакили, асар. «Билиш усуллари», «Буюк фалсафий кароматлар» ва бош.—199.

**МОНТЕНЬ** Мишель (1553—1592) — француз философи, скептицизм вакили, бу скептицизм ўрта аср схоластикасига қарши қаратитган эди, асос. асар. «Тажрибалар».—250.

**МОНТЕСКЬЕ** Шарль Луи (1689—1755) — француз маърифатчisi, социолог, социологияда географик йўналиш асосчиларидан бири, бу йўналиш табиий шароитларни жамият тараққиётининг ҳал қилувчи фактори деб қаради, асос. асар. «Эрон мактублари», «Қонунларнинг руҳи ҳақида» ва бош.—280, 285.

**МОР** Томас (тах. 1478—1535) — инглиз мутафаккири ва сиёсий арбоби, у «Утопия» номли асарида идеал коммунистик жамият манзарасини тасвирлаган.—306, 308.

**МОРЕЛЛИ** (18 аср) — француз маърифатчisi ва утопик коммунисти, асос. асар. «Табиат кодекси»—308.

**МОРЕНО** Жэкоб (1892 йил. туғ.) — америка социологи ва психиатри, социометриянинг асосчиси, асос. асар. «Ким яшаб қолад?», «Социометрия ва инсон ҳақидаги фан» ва бош.—176.

**МОРРИС** Чарлз Уильям (1901 йил. туғ.) — америка философи, унинг қарашларida прагматизм ва неопозитивизм элементлари қўшилиб кетади, асос. асар. «Қонулар назариясининг асослари», «Белгилар, тил ва хатти-ҳаракат» ва бош.—38.

**МОСКА** Гаэтано (1858—1941) — итальян буржуза социологи, юрист ва ижтимоий фикр тарихчиси, элита назарияси турларидан бирининг автори, асос. асар. «Сиёсий фан элементлари».—355.

**МУНЬЕ** Эмманюэль (1905—1950) — француз персонализмининг бош намояндаси, асос. асар. «Персонализм нима?», «Персонализм».—216, 217.

**МУР** Жорж Эдуард (1873—1958) — инглиз идеалист философи, неореализм вакили; этикада — интуитивизм тарафдори, асос. асар. *Principia Ethica*, «Фалсафий тадқиқотлар» ва бош.—117, 199.

**МУХИНА** Вера Игнатьевна (1889—1953) — совет ҳайкалтароши.—367.

**МЭН-ЦЗИ** (эрэмиздан олдин тах. 372—289) — қадимги хитой конфуцианчи философи, унинг қарашлари «Мэн-цзи» китобида баён қилинган.—337.

**МЮЛЛЕР** Иоганнес (1801—1858) — немис табиатшуноси, физиолог,

фалсафий қарашлари жиҳатидан кантчи, «физиодогик идеализм» га мойил эди.—97.

**МЮНЦЕР** Томас (так. 1490—1525) — 1524—1525 йиллардаги Германияндеги Дәхқонлар урушида халқ оммасининг идеологи ва йўлбошчиси; фалсафий қарашлари жиҳатидан пантеизмга яқин турарди, асос. асар. «Асосланган ҳимоя нутқи», «Сохта эътиқоднинг фош этилиши» ва бош.—308.

**НАТОРП** Пауль (1854—1924) — немис философи, Марбург янги кантчилик мактабининг вакили, асос. асар. «Аниқ фанларнинг мантиқий асос солиниши».—369.

**НЕДОНСЕЛЬ** Морис Густав (1905 йил. түг.) — француз философи-персоналисти, асос. асар «Онгнинг икки ёқламалиги», «Инсон шахси ва табиат» ва бош.—216.

**НЕЙРАТ** Отто (1882—1945) — австриялик философ ва социолог, неопозитивист, мантиқий позитивизм тарафдорларининг Вена тўгараги деб аталган ташкилотнинг ташкилотчиларидан бири, асар. «Эмпирик социология», «Социал фанларнинг асослари» ва бош.—198.

**НЕРУ** Жавоҳарлал (1889—1964) — Ҳиндистон давлат арбоби, Ҳиндистондаги миллий-озодлик ҳаракати юзасидан бир неча асарнинг автори.—395.

**НИКОЛАЙ КУЗАНСКИЙ** (1401—1464) — немис философи ва олим, унинг ўз ҳарактери жиҳатидан пантеистик бўлган дунёқараши ўрта аср схоластикасидан янги замон материализмiga ўтиш белгиларига эгадир, асос. асар. «Олимона билмаслик ҳақида» ва бош.—194, 271, 316.

**НИЦШЕ** Фридрих (1844—1900) — немис философи, иррационализм ва волюнтаризмни тарғиб қиласиди, унинг баъзи қарашларидан кейинчалик фашизм идеологлари фойдаланган эди, асос. асар. «Зардушт шундай деяр эди», «Яхшилик билан ёмонликнинг нариги томонида», «Ҳокимиятга бўлган иродада».—24, 53, 122, 123, 211, 388.

**НОВИКОВ** Николай Иванович (1744—1818) — рус математиччи, жамоат арбоби, ёзувчи, фалсафий қарашлари жиҳатидан дейст.—164.

**НОВИКОВ** Пётр Сергеевич (1901 йил. түг.) — совет математиги, кўплек назарияси ва математик логика юзасидан бир неча асарнинг автори.—157.

**Ньютон** Иссак (1643—1727) — инглиз физиги, астрономи ва математиги, класик механикани яратувчи, унинг дунёқараши зиддиятли ҳарактерга эга эди, асос. асар. «Натурал философиянинг математик бошлигчилари».—17, 30, 66, 152, 168, 192, 208.

**ОГАРЕВ** Николай Платонович (1813—1877) — рус революцион демократи, философ-материалист, публицист ва шоёр, «Рус ма-

салалари», «Яна деңқонларни озод қилиш ҳақида», «Умумий масала ҳақида хусусий мактублар» ва бош.—233.

**ОККАМ** Уильям (1290/1300 — тах. 1349) — инглиз теологи ва схоласт философи, номинализм тарафдори, асос. асар. «Батартиблик», «Бутун логика мажмусаси», «Шарҳлаш «ҳақида».—203, 274, 330, 377, 391.

**ОПАРИН** Александр Иванович (1894 йил туг.) — совет биохимиги. Ерда ҳәётнинг пайдо бўлиши ҳақидағи машҳур гипотезанинг автори.—60.

**ОУЭН** Роберт (1771—1858) — инглиз социал утописти, асос. асар. «Янги ахлоқий дунё ҳақида китоб», «Инсон зотининг онгидаги ва фаолиятида революция...», «Жамиятнинг бутунлай янги ҳолати ҳақида лекциялар» ва бош.—309.

**ПАРЕТО** Вильфредо (1848—1923) — италян буржуа экономисти ва социологи, элита назарияси вариантларидан бирини илгари сурған, асар. «Экономика ва социология», «Сиёсий иқтисод курси» ва бош.—355.

**ПАРСОНС** Талкотт (1902 йил. түг.) — америка буржуа социологи, буржуа социологиясида структур-функционал мактабнинг вакили, «социал ҳаракат» (социал ҳатти-ҳаракат) деб аталадиган назарияни ишлаб чиқмоқда, асос. асар. «Социал ҳаракат структураси», «Социал система» ва бош.—267.

**ПАУЛЬСЕН** Фридрих (1846—1908) — немис педагоги ва янги қантчи философи, асос. асар «Этика системаси», «Философияга кириш» ва бош.—54.

**ПЕРЕВЕРЗЕВ** Валерьян Федорович (1882—1968) — рус адабиётшиноси, социал-демократ, унинг адабий ҳодисаларни тадқиқ қилиш методологияси марксизмни вулыгарлаштиришдан иборат.—56.

**ПЕРРИ** Ралф Бартон (1876—1957) — америка идеалист философи, неореализм тарафдори, асос. асар. «Ҳозирги замон фалсафий тенденциялари», «Қимматдорлар умумий назарияси» ва бош.—199.

**ПЕТРАРКА** Франческо (1304—1374) — Уйгониш давридаги италян шоири-гуманисти.—306.

**ПЕТРОВ** (асли фамилияси — Катаев) Евгений Петрович (1903—1942) — рус совет ёзувчisi.—137.

**ПИРРОН** (эрэмиздан олдин тах. 365—275) — қадимги грек философи, антик скептицизмнинг отаси.—250.

**ПИРС** Чарльз Сандерс (1839—1914) — америка философи, логика олими ва психология, pragmatizmнинг асосчиси, семиотика идеяларининг отаси, асос. асар. мақолалар — «Әзтиқодни мустаҳкамлаш», «Қандай қилиб идеяларимизни равшанлаштирумө керак?» ва бош.—38, 164, 220.

**ПИСАРЕВ** Дмитрий Иванович (1840—1868) — рус революцион пуб-

листи-демократи, адабий танқидчи, материалист философ, асосий асар... мақолалар — «XIX аср схоластикаси», «Фикрловчи пролетариат», «Платон идеализми» ва бош.—233.

**ПЛАТОН** (эрмиздан олдин тах. 427—347) — қадимги грек философи, объектив идеалист, 30 дан ошиқ фалсафий диалогларнинг автори («Парменид», «Пир», «Софист» ва бош).—5, 22, 23, 38, 42, 92, 114, 144, 158, 186, 197, 204, 209, 235, 273, 279, 281, 326, 330, 362.

**ПЛЕХАНОВ** Георгий Валентинович (1856—1918) — рус философ-марксисти, рус ва халқаро ишчилар ҳаракатининг таникли арбоби, 1903 йилдан кейин меньшевистик позицияга ўтди, асос. асар. «Тарихга монистик қарашининг ривожланиши масаласига доир», «Тарихда шахсинг роли масаласига доир» ва бош.—193.

**ПЛОТИН** (тах. 205—270) — қадимги грек идеалист-философи, неоплатонизмнинг асосчиси, Платон таълимотининг мистик томонларини ривожлантириди, унинг трактатлари «Эннеадалар» номи билан бирлаштирилган.—197.

**ПОРЕЦКИЙ** Платон Сергеевич (1846—1907) — рус математиги, астрономи ва логика олимичи, логика алгебраси ва математик логиканинг бошқа соҳаларини ишлаб чиқиша анча ҳисса қўшган.—156.

**ПОРФИРИЙ** (232/233—304) — қадимги грек философи-неоплатончи, Платон ва Аристотель асарларини шарҳлаган.—197.

**ПРАТТ** Жеймс Биссет (1875—1944) — америка философи, танқидий реализм вакили, асос. асар. «Персоналистик реализм», «Материя ва руҳ» ва бош.—281.

**ПРОКЛ** (410—485) — Афина шеоплатонизм мактабининг бошлиғи, асос. асар. «Платон теологияси ҳақида» ва бош.—197.

**ПРУДОН** Пьер Жозеф (1809—1865) — француз майда буржуа публицисти, социолог ва экономист, анархизмнинг асосчиларидан бири, асос. асар. «Мулк нима?», «Қашшоқлик философияси» ва бош.—18.

**ПСЕВДО-ДИОНИСИЙ АРЕОПАГИТ** (5 асрнинг 2-ярми) — диний-фалсафий асарларнинг машҳур автори бўлиб, у биринчи Афина епископи Дионисий Ареопагит номи билан майдонга чиққан эди (1 аср); ўрта аср схоластикасига катта таъсир кўрсатган бу асарларда христианлик таълимотини неоплатонизм билан қўшишга уринилган.—273.

**ПТОЛОМЕЙ** Клавдий (2 асрнинг 1-ярми) — қадимги грек математиги, астрономи ва географи, оламнинг геоцентрик системасини яратувчи, асос. асар. «Асар ёки Математик система».—306.

**ПУАНКАРЕ** Анри (1854—1912) — француз математиги, физиги ва философи, Эйнштейндан мустақил равишда маҳсус нисбият назариясининг асосчilarини ишлаб чиқди, фан ва унинг қонунларини

- шарҳлашда идеалистик нуқтаи назарни — концепционализм йўлини тутди, асар. «Фаннинг қиммати» ва бош.—141.
- ПУГАЧЕВ** Емельян Иванович (тас. 1742—1775)—1773—1775 йилларда Россияда энг йирик деҳқонлар қўзғолонининг раҳбари.—164.
- ПУШКИН** Александр Сергеевич (1799—1837) — рус шоири, янги рус адабиётининг отаси.—56.
- РАБЛЕ** Франсуа (1483/1494—1553) — француз ёзувчisi, «Гаргантюа ва Пантагрюэль» номли сатирик романнинг автори.—137.
- РАДИШЧЕВ** Александр Николаевич (1749—1802) — рус ёзувчisi ва мутафаккири, рус тафаккурида революцион традициянинг асосчisi, асос. асар. «Петербургдан Москвага саёҳат», «Инсон, унинг ўлиши ва ўлмаслиги ҳақида».—66, 102, 280.
- РАССЕЛ** Берtrand (1872—1970) — инглиз философи ва логика олимни, жамоат арбоби, математик логикани ривожлантиришга катта ҳисса қўши, фалсафий қарашлари жиҳатидан неопозитивист, асос. асар. «Онг анализи», «Материя анализи», «Қиммат ва ҳақиқат тадқиқоти», «Инсоннинг билиши», «Гарб философияси тарихи» ва бош.—157, 164, 198, 199, 214.
- РАТЦЕНГОФЕР** Густав (1842—1904) — австриялик буржуа социолог, социал дарвиҳизм тарафдори, асар. «Сиёсатнинг моҳияти ва мақсади», «Социологик билиш» ва бош.—253.
- РАФАЭЛЬ** Санти (Санцио) (1483—1520) — Уйғониш даврида италяннан рассоми ва архитектори.—305.
- РЕКЛЮ** Жан Жак Элизе (1830—1905) — француз географи ва социологи, ижтимоий тараққиётнинг географик назариясига амал қиласади, анархизмнинг назариётчisi, асос. асар. «Инсон ва Ер».—18, 160.
- РИККЕРТ** Генрих (1863—1936) — немис философи ва социологи, Баден (Фрейбург) янги кантичилк мактабининг бош намояндадаридан бири. асос. асар. «Тушунчаларнинг табиий-илмий тузилиш чегаралари» ва бош.—100, 369.
- РИЛЬКЕ** Райнер Мария (1875—1926) — австриялик шоир-символист чининг ижоди экзистенциализмга катта таъсир кўрсатди.—353.
- РИМАН** Георг Фридрих Бернхард (1826—1866) — немис математиги, геометриялардан бирининг яратувчisi.—152.
- РОЗЕНБЕРГ** Альфрид (1893—1946) — немис сиёсий арбоби, немис фашизмнинг бош идеологларидан бири, ирқий фашистик назарияларнинг автори.—181.
- РОЙС** Жосайя (1855—1916) — америка янги гегелчи философи ва персоналисти, асос. асар. «Философиянинг диний асоси», «Ҳақиқат проблемаси» ва бош.—368.
- РОСТОУ** Уолт Уитмен (1916 йил тур.) — америка буржуа социологи, экономист, тарихчи, марксизмга қарши қаратилган «иқтисо-

- дій үсиш босқылари» назариясининг автори, асос. асар. «Иқтисодий үсиш босқычлари. Нокоммунистик манифест».—101, 267.
- РОСЦЕЛИН** Иоанн (тах. 1050—1112/1122) — француз ўрта аср схоласти, номинализмнинг бош асосчиларида бири.—202, 274.
- РУССО Жан** (1712—1778) — француз маърифатчisi, философ-дeист, социолог ва ёзувчи, ижтимоий шартнома назариясини ривожлантириди, асос. асар. «Кишилар ўртасида тенгизликтининг келиб чиқиши ва негизлари ҳақида фикр юритиши», «Ижтимоий шартнома».—66, 102, 164, 280, 285.
- САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН** Михаил Евграфович (такаллуси Н. Шчедрин) (1826—1889) — рус сатирик ёзувчиси.—137.
- САНТАЯНА Жорж** (1863—1952) — америка философи ва ёзувчиси, танқидий реализм вакили, асос. асар. «Ақл ҳаёти», «Борлиқ салтанати» ва бош.—281.
- САРТР Жан Поль** (1905 йил. түг.) француз экзистенциалист философи, жамоат арбоби ва ёзувчи, асос. асар. «Борлиқ ва ҳеч нима», «Диалектика ақлни танқид» ва бош.—353.
- СВИФТ Жонатан** (1667—1745) — инглиз сатирик ёзувчиси, «Гулливернинг саёхати»нинг автори.—137.
- СЕКСТ ЭМПИРИК** (2 асрнинг охири—3 асрнинг бошлари) — қадимги грек скептик философи ва врачи, асос. асар. «Математикларга қарши», «Пиррон қоидаларининг уч китоби».—250.
- СЕЛЛАРС Рой Вуд** (1880 йил. түг.) — америка буржуа философи, танқидий реализм вакили, асар. «Физик реализм философияси» ва бош.—281.
- СЕНЕКА Луций Анней** (эрэмиздан олдин 4—65) — қадимги Рим филосofi, стоик, сиёсий арбоб ва ёзувчи, асос. асар. «Люцилий-га мактублар» ва бош.—339.
- СЕН-СИМОН Анри Клод де** (1760—1825) — француз социалист-утописти, асос. асар. «Женева истиқоматчисидан замондошларга мактублар», «Инсон ҳақидаға фан очерки» ва бош.—309.
- СИДДХАРТХА ГАУТАМА** (Будда) — ривоятта күра, буддизмнинг асосчisi, эрамиздан олдин 6—5 асрларда яшаган, бу шахснинг реал суратда яшаганлығы ҳақида ишончли далил-исбот йўқ.—46, 47.
- СКИННЕР БЭРХАЗ** (1904 йил. түг.) — америка психологи, ҳозирги замон бихевиоризмининг вакили, асос. асар. «Фан ва инсон хатти-харакати», «Мадад факторлари» ва бош.—44.
- СОКРАТ** (эрэмиздан олдин 469—399) — қадимги грек идеалист философи, Платоннинг муаллими.—23, 350, 364.
- СОЛОВЬЕВ Владимир Сергеевич** (1853—1900) — рус философи, идеалист ва мистик, асос. асар. «Мавхум ибтидоларни танқид», «Худо одамзод ҳақида мутолаа» ва бош.—180, 366.
- СПЕНСЕР Герберт** (1820—1903) — инглиз философи ва социологи,

- позитивизмнинг бош намояндаларидан бири, асос. асар. «Синтетик философия системаси».—218, 250, 266, 382.
- СПИНОЗА** Барух (Бенедикт) (1632—1677) — нидерландлик материалист философ, атеист, асос. асар. «Этика» ва бош.—31, 71, 102, 116, 117, 213, 230, 236, 280, 302, 359, 364.
- СПОЛДИНГ** Эдвард Глисон (1873—1940) — америка буржуа философи, неореализмнинг вакили, асар. «Билишнинг ишончлилiği асоси», «Янги рационализм» ва бош.—199.
- СУЗО (СОЙЗЕ)** Генрих (тах. 1300—1366) — немис ўрта аср мистиги, Эккартнинг шогирди, асос. асар. «Хақиқат» рисолачаси», «Адабий ҳикмат рисолачаси».—180.
- СҮНЬ ЯТ-СЕН** (1866—1925) — хитой революционер демократи, миллий мустақилликни қўлга киритиши, социал ўзгаришлар қилишга қаратилган сиёсий программани илгари сурди, асос. асар. «Сүнъ Вэнь таълимоти».—338.
- СЮНЬ-ЦЗИ** (эрэмиздан олдин тах. 298—238) — қадимги хитой материалист философи, табиатни шарҳлашга катта эътибор берган, унинг қарашлари «Сюнь-цзи» книгобида баён қилинган.—337.
- ТАГОР** Рабиндранат (1861—1941) — ҳинд ёзувчиси, мутафаккир, жамоат арбоби, фалсафий қарашлари жиҳатидан-пантейст.—395.
- ТАН СИ-ТУН** (1865—1898) — хитой философи, буржуа реформаторлик ҳаракатининг идеологи, асос. асар. «Инсонпарварлик ҳақидаги таълимот».—338.
- ТАРД** Габриэль (1843—1904) — француз социологи, буржуа психологиясининг тармоғи бўлмиш социал психологияни яратувчилардан бири, асос. асар. «Taçlid қонунлари», «Социал логика» ва бош.—266.
- ТАРСКИЙ** Альфред (1902 йил. туғ.) — поляк логика олими, АҚШда муаллимлик қиласи, мантикий семантика, математик логика проблемаларини ишлаб чиқмоқда, асар. «Хақиқатнинг семантик концепцияси» ва бош.—157.
- ТАУЛЕР** Иоганн (тах. 1300—1361) — немис ўрта аср мистиги, асос. асар. «Ваъзлар».—180.
- ТЕЛЕЗИО БЕРНАРДИНО** (1508—1588) — итальян натурфилософи, материалист, асос. асар. «Нарсаларнинг ўз принципларига муовфииқ уларнинг табиати ҳақида».—306.
- ТЕОФРАСТ** (эрэмиздан олдин 372—287) — қадимги грек ботаниги ва философи, Аристотелнинг шогирди; унинг асарлари — антик философияни ўрганиш учун муҳим манбадир, асос. асар. «Ахлоқий характерлар».—326.
- ТЕРТУЛЛИАН** Квентиний Флоренс (150/160 — тах. 222) — христиан илоҳиётчisi, асос. асар. «Рұҳ ҳақида».—365.
- ТИМОН** (эрэмиздан олдин тах. 320—230) — қадимги грек скептик философи.—250.

- ТКАЧЕВ** Пётр Никитич (1844—1885) — рус адабий танқидчиси ва публицисти, народникликнинг идеологларидан бири, асос. асар. «Ижтимоий ўз-үзини сақлаш қонуни», «Халқ ва революция» ва бош.—192.
- ТОИНБИ** Арнольд Жозеф (1889 йил. туг.) — инглиз тарихчиси ва социологи, тарихий тараққиётнинг «даврийлик назариясининг» вариантини яратди, асос. асар. «Тарих тадқиқоти».—343.
- ТОЛАНД** Жон (1670—1722) — инглиз материалист философи ва атеисти, асос. асар. «Серенага мактублар».—66.
- ТОЛМЕН** Эдвард (1886—1958) — америка психологи, необихевионизмнинг вакили, асос. асар.—«Хайвонларда ва инсонда маълум мақсадга қаратилган хатти-ҳаракат».—44.
- ТОЛСТОЙ** Лев Николаевич (1828—1910) — рус ёзувчиси ва мутафаккири, асос. асар. «Тавба-тазарру», «Менинг эътиқодим нимада?» ва бош.—5, 240, 362.
- УАЙТХЕД** Альфред Норт (1861—1947) — инглиз идеалист философи, логик ва математик, математик логикани ривожлантиришга ҳисса қўши, асос. асар. «Principia Mathematica» (Рассел билан бирга ёзилган), «Процесс ва реаллик» ва бош.—195, 199.
- УИНСТЕНЛИ** Жерард (1609—тах. 1652) — инглиз утописти, «тенгламачилик коммунизми» идеяларини ривожлантириди, асос. асар. «Эркинлик қонуни».—308.
- УОТСОН** Жон (1878—1958) — америка психологи, бихевиоризмнинг асосчиларидан бири, асос. асар. «Бихевиорист нуқтаи назаридан психология», «Бихевиоризм» ва бош.—44.
- ФАЛЕС** (эрэмиздан олдин тах. 624—547) — қадимги грек философи, стихияли материалист ва диалектик, Милета мактабининг асосчиси.—22, 59, 158, 206.
- ФАДЕЕВ** Александр Александрович (1901—1956) — рус совет ёзувчisi.—301.
- ФОРОБИЙ** (ал Форобий) Абу Наср Муҳаммад бин Муҳаммад (870—950) — Үрта Осиё философи, Шарқда антик философияни дастлаб оммалаштирганлардан бири, Аристотель асарларининг шарҳловчиси, «Фазилатли шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида трактат», «Масалаларнинг моҳияти» ва бош.—27, 158, 273, 377, 391.
- ФЕЙЕРБАХ** Людвиг (1804—1872) — немис материалист философи ва атеисти; унинг қарашлари марксистик философиянинг назарий манбаларидан бири бўлди, асос. асар. «Гегель, философиясини танқид қилишга доир», «Христианликнинг моҳияти», «Келлаҳак философиясининг асослари» ва бош.—24, 29, 44, 77, 159, 195, 197, 233, 236, 243.
- ФИЛОН АЛЕКСАНДРИЙСКИЙ** (эрэмиздан олдин тах. 30/25 — эрамиздан бошлаб —50) — яхудий-александрий философия мактаби-

- нинг бошлиғи, яхидо динини платонизм ва стоицизм билан құшишга уринган эди.—339.
- ФИХТЕ** Иоганн Готлиб (1762—1814) — немис классик философиясининг вакили, субъектив идеалист, асас. асар. «Фаншунослик», «Инсоннинг вазифаси» ва бош.—92, 195, 251, 272, 273.
- ФЛЮЕЛЛИНГ** Ралф Тайлер (1871—1960) — америка философи, персонализм вакили, асас. асар. «Теологияда персонализм» ва бош.—216.
- ФОГТ** Карл (1817—1895) — немис табиатшуноси, фалсафий қарашлари жиҳатидан вулыгар материалист, асар. «Инсон ва унинг табиатдаги ўрни», «Физиология мактублар» ва бош.—54, 159.
- ФОМА АҚВИНСКИЙ** (1225/1226—1274) — италян теолог-схоласти, томизмнинг — католицизм фалсафий таълимитининг яратувчisi, асас. асар. «Мажусийларга қараш мажмua», «Теология мажмuaси».—202, 212, 235, 274, 279, 300, 301, 362.
- ФРАНКЛИН** Вениамин (1706—1790) — америка олимi, ва сиёсий арбоби, философияда — деист.—66.
- ФРЕГЕ** Готлоб — немис математиги ва философи, математик логикага оид асарлари билан машҳурдир, асас. асар. «Арифметиканинг асосий қонуллари».—145, 156, 164.
- ФРЕЙД** Зигмунд (1856—1939) — австриялик врач ва психолог, психоанализ назариясини яратувчи, бу назария фрейдизмга асас бўлди, асас. асар. «Готем ва табу», «Кундалик ҳаёт психопатологияси», «Психоанализ ҳақида» ва бош.—121, 167, 211, 332, 333.
- ФРИЗ** Иозеф де (1898 йил. туғ.) — немис буржуза философи-неотомисти.—301.
- ФРИЧЕ** Владимир Максимович (1870—1929) — совет адабиёти тарихчиси ва санъатшунос, фарб адабиёти ва санъати юзасидан қимматли тадқиқотлар автори, бироқ бу асарларда айрим ҳодисалар вулыгар-социологик нуқтай назардан талқин этилган эди.—55.
- ФРОММ** Эрих (1900 йил. туғ.) — философ, социолог, психолог, неофрейдизмнинг бош намояндадаридан бири, асас. асар. «Эркинликдан қочиш», «Софлом жамият», «Инсон ўз турган-биттанича» ва бош.—333.
- ФУРЬЕ** Шарль (1772—1837) — француз социалист-утописти, асас. асар. «Умумий бирлик назарияси», «Янги саноат дунёси ва ижтимоий дунё» ва бош.—309.
- ХАЙДЕГЕР** Мартин (1889 йил. туғ.) — немис философи, экзистенциализмнинг асосчиларидан ва бош намояндадаридан бири, асас. асар. «Борлиқ ва замон», «Кант ва метафизика проблемаси», «Метафизикага кириш» ва бош.—93, 301, 352, 353.
- ХАЛЛ** Кларк (1884—1953) — америка психологи, необихевиоризм

- вакили, математик методлардан психологик тадқиқотлар учун фойдаланды.—44.
- ХОКИНГ** Уильям Эрнест (1873 йил тұғ.) — америка буржуа философи — персоналисти, ассоциативист, асар. «Философия типлари», «Фан ва худонинг идеяси» ва бош.—216.
- ХОМЯКОВ** Алексей Степанович (1804—1860) — ёзувчи ва идеалист философ, славянофильчилердин ассоциаларидан бири, асар. мақола: «Эскилик ва янгилик ҳақида», «Философия соҳасида ҳозирги замон ҳодисалари ҳақида» ва бош.—366.
- ЦИЦЕРОН** Марк Туллий (эралыдан олдин 106—43) — қадимги Рим нотиги ва давлат арбоби, философияда — эклектик, ассоциативист. «Яхшилик ва ёмонлик чегаралари ҳақида», «Мажбуриятлар ҳақида», «Давлат тұғрисида» ва бош.—279.
- ЧАЙКОВСКИЙ** Пётр Ильич (1840—1893) — рус композитори.—396.
- ЧЕЙЗ** Стюарт (1888 йил. туғ.) — америка буржуа философи, неопозитивизм ійналишларидан бири бўлмиш «умумий семантика» вакили, асар. асар. «Сўзлар истибоди» ва бош.—199.
- ЧЕМБЕРЛЕН** Хаустон Стюарт (1855—1927) — инглиз буржуа философи ва ирқчи социологи, социал дарвинизм тарафдори, асар. асар. «XIX аср асослари» ва бош.—253.
- ЧЕРБЕРИ** Эдвард (1583—1648) — инглиз давлат арбоби, тарихчи ва философ-действительник, асар. «Ҳақиқат тұғрисида трактат» ва бош.—66.
- ЧЕРНИШЕВСКИЙ** Николай Гаврилович (1828—1889) — рус революцион демократи, философ-материалист, ёзувчи ва танқидчи, асар. асар. «Рус адабиетининг Гоголь даври очерклари», «Философия антропологик принцип», «Инсон билимининг характеристика» ва бош.—24, 29, 71, 192, 233, 234, 235, 362, 364.
- ЧЕРЧ** Алонзо (1903 йил. туғ.) — америка математика ва логика олимни, мантикий семантика, математик логика соҳасидаги асарлари билан машҳурдир.—157.
- ЧЖАН ЦЗАЙ** (1020—1077) — хитой материалист философи, янги конфуцийчилердин ассоциаларидан бири, асар. асар. «Чжэн-мэн».—338.
- ЧЖУ СИ** (1130—1200) — хитой философи, объективист идеалист, янги конфуцийчилердин таниқли вакили, асар. асар. «Тұрт ажком тұпламыга доир шарҳлар», «Табдилоттар китоби»нинг чин маъноси» ва бош.—338.
- ШАРРОН** Пьер (1541—1603) — француз скептик философи, асар. асар. «Донишмандлик ҳақида».—250.
- ШЕКСПИР** Уильям (1564—1616) — инглиз драматурги ва шоири.—55, 56, 61.
- ШЕЛЕР** Макс (1874—1928) — немис идеалист философи, аввалда Гуссерлининг феноменологияси таъсирида эди; умрининг сүнгиги

даврида инсон, унинг моҳияти ва яшаши ҳақида идеалистик таълимот бўлмиш «фалсафий антропология»ни яратди, асос. асар. «Трансцендентал ва психологияк методлар», «Инсондаги абадия ҳақида» ва бош.—24, 319.

**ШЕЛЛИНГ** Фридрих Вильгельм Йозеф (1775—1854) — немис философи — объектив идеалист, немис классик философиясининг вакили, асос. асар. «Трансцендентал идеализм системаси», «Инсон эркинлигининг моҳияти ҳақида фалсафий тадқиқотлар...» ва бош. 92, 93, 194, 195, 196, 204.

**ШЕСТОВ** Лев Исаакович (1866—1938) — рус философи, унинг қарашларида экзистенциализм, иррационализм ва мистика элементлари қўшилиб кетган эди, асос. асар. «Достоевский ва Ницше», «Асоссиэлик апофеози», «Афина ва Иерусалим» ва бош.—352.

**ШИЛЛЕР ИОГАНН** Фридрих (1759—1805) — немис шоири, эстетикада Кант таъсирида эди, асос. асар. «Фалсафий мактублар». «Эстетик тарбия ҳақида мактублар» ва бош.—164.

**ШИЛЛЕР** Фердинанд Канинг Скотт (1864—1937) — инглиз буржуза философи, прагматизм вакили, асос. асар. «Гуманизм» ва бош.—220.

**ШЛИК** Мориц (1882—1936) — австриялик буржуза философи ва физиги, неопозитивизмнинг асосчиларидан бири, асос. асар. «Билишнинг умумий назарияси», «Позитивизм ва реализм», «Этика масалалари» ва бош.—52, 198.

**ШОЛОХОВ** Михаил Александрович (1905 йил. туғ.) — рус совет ёзувчisi.—137.

**ШОПЕНГАУЭР** Артур (1788—1860) — немис идеалист философи, унинг таълимотига волюнтаризм, иррационализм ва пессимизм аралашиб кетган, асос. асар. «Оlam ирова ва тасаввурдан иборат».—53, 122, 211, 388.

**ШПЕНГЛЕР** Освальд (1880—1936) — немис буржуза философи, идеалист ва иррационалист, тарихий процессни мустақил, алоҳида маданиятларнинг даврий тараққиёти, деб талқин қилган, асос. асар. «Европа қуёшининг ботиши».123, 343, 388.

**ШТИРНЕР** Макс (Каспар Шмидтнинг тахаллуси) (1806—1856) — немис ёш гегелчи философи, анархизмнинг асосчиларидан бири, асос. асар. «Яккаю ягона ва унинг мулки».—18.

**ШУЛЯТИКОВ** Владимир Михайлович (1872—1912) — рус социал-демократи, адабий танқидчи; идеологик ҳодисаларни бевосита иқтисодий муносабатлардан келтириб чиқарип, тарихий материализмни вульгарлаштирган эди.—55, 160, 328.

**ЭВКЛИД** (әрамиздан олдин 4 аср — 3 асрнинг боши) — қадимги грек математиги, ўша вақтда машҳур бўлган геометрияни ва

- соңлар пазариясини аксиоматик метод билан баён қылган, асос. асар. «Бошламалар».—13, 157.
- ЭИНШТЕИН** Альберт (1879—1955) — немис физиги, нисбият назариясини яратувчи, унинг дүнекаращининг принциплари — оламнинг объективлигига ва уни билиш мумкинлигига ишонишдан изборат.—111, 152, 380.
- ЭККАРТ** Иоганн (тах. 1260—1327) — немис ўрта аср мистиги, асос. асар. «Ваъзлар ва муҳокама».—180, 377.
- ЭМПЕДОКЛ** (эрамиздан олдин 490/483—430/423) — қадимги грек материалист философи, тўрт унсур (тупроқ, сув, ҳаво ва олов) ҳақидаги таълимотни илгари сурған, «Табиат ҳақида», «Покланиши» поэмаларининг автори.—59.
- ЭНГЕЛЬС** Фридрих (1820—1895)—9, 11, 16, 22, 23, 55, 58, 59, 65, 71, 72, 73, 76, 79, 82, 110, 111, 115, 130, 137, 154, 155, 158, 159, 161, 162, 164, 169, 170, 175, 182, 197, 206, 207, 210, 223, 231, 234, 257, 265, 266, 279, 289, 311, 317, 324, 326, 328, 330, 354, 369, 385, 387.
- ЭНЕСИДЕМ** (эрамиздан олдин 1 аср) — қадимги грек скептик философи, Пирроннинг шогирди, асос. асар. «Пиррон нутқлари», «Пиррон очерклари».—250.
- ЭПИКУР** (эрамиздан олдин тах. 340—такс. 270) — қадимги грек материалист философи ва атеисти, асос. асар. «Табиат ҳақида» ва бош.—23, 29, 30, 57, 102, 296, 364.
- ЭРИУГЕНА** Иоанн Скот (такс. 810/815—такс. 877) — ирландиялик философ-схоласт, ўрта аср реализмининг асосчиларидан бири, асос. асар. «Табиатнинг бўлениши ҳақида» ва бош.—202, 213, 274.
- ЭСХИЛ** (эрамиздан олдин 525—456) — қадимги грек драматурги, «Трагедиянинг отаси» (Энгельс).—367.
- ЮЖАКОВ** Сергей Николаевич (1849—1910) — рус публицисти, социолог ва экономист, либерал народниклик идеологи, асос. асар. «Социологик этюдлар».—193.
- ЮЗОВ** (Каблиц Иосиф Иванович) (1848—1893) — рус публицисти, либерал народниклик идеологи, асос. асар. «Народниклик асослари».—193.
- ЮМ** Давид (1711—1776) — инглиз идеалист философи ва агностиги психолог, тарихчи ва экономист, асос. асар. «Йинсон ақли ҳақида тадқиқот».—10, 42, 235, 237, 243, 250, 356.
- ЮНГЕР** Эрнст (1895 йил. тур.) — немис реакцион идеалист философи, фашизм идеологиясини фалсафий «асослаш»га уринган эди, асос. асар. «Ишчи. Ҳукмронлик ва образ».—388.
- ЯКОБИ** Гюнтер (1881 йил. тур.) — немис философи, идеалистик онтологик системани ишлаб чиқсан, асос. асар. «Воқеликнинг умумий онтологияси».—212.

**ЯСПЕРС** Карл (1883—1969) — немис философи, экзистенциалізм-нинг бош намояндаларидан бири, ассоц. асар. «Философия», «Ақл ва экзистенция», «Мавжудлик философияси» ва бош.— 93, 180, 301, 352, 353.

**ҒАЗЗОЛИЙ** (ал-Ғаззолий) Абу Ҳамид Мұхаммад (1059—1111) — мусулмон илоҳиётчisi, суфизмни ислом ортодоксал диний таълимоти системасига кириди, ассоций асарлари: «Философлар раддияси», «Диний фанларнинг жонланиши», «Хатолардан халос қилуочи» ва б.—27, 250.

## ЛУГАТНИНГ АВТОРЛАРИ

Н. И. Азаров, А. С. Айзикович, Н. П. Аникеев, Л. И. Анциферова, Ц. Г. Арзаканьян, А. К. Астафьев, В. Г. Афанасьев, Л. Б. Баженов, Э. Я. Баталов, Э. В. Беззеревных, И. В. Блауберг, Л. В. Блинников, А. С. Богомолов, Е. И. Бородин, Г. Н. Волков, А. И. Володин, П. П. Гайденко, В. И. Гараджа, А. И. Голодко, В. М. Гордон, Л. И. Греков, Г. А. Давидова, Д. И. Даниленко, К. М. Долгов, Л. А. Друянов, А. Ф. Зотов, В. И. Зуев, С. Т. Қалтахчян, М. Я. Қовалъзон, В. Л. Қокунов, П. В. Қопнин, Э. М. Коржева, О. Г. Кудряшова, Н. М. Ланда, В. С. Марков, Р. К. Медведева, С. Т. Мелиюхин, И. Б. Михайлова, А. В. Мозганов, Ю.Б. Молчанов, В. П. Морозов, А. П. Огурцов, И. К. Пантин, В. М. Пасика, А. П. Поляков, С. И. Попов, С. И. Пружинин, В. Н. Пушкин, В. Н. Садовский, В. Н. Саприков, М. М. Сидоров, Л. В. Скворцов, М. М. Скибицкий, Э. Ю. Соловьев, Л. Н. Столович, В. И. Столяров, А. А. Судариков, Е. А. Фролова, Л. Д. Ходорковский, Н. В. Хорев, В. Е. Чертыхин, А. Я. Шаров, В. Д. Широков, Т. В. Щелокова, Э. Г. Юдин, Н. С. Юлина.

Бу пугат кенг доирадаги китобхонларга мұлжалланған справочник бўлиб, унда фалсафий адабиётда учрайдиган асосий тушунчалар ва терминларга изоҳ берилган. Лугатнинг иккинчи нашри тақризчиларнинг мулоҳазалари ва китобхонларнинг истаклари ҳисобга олиниган ҳолда ишлаб тўлдирилди, мақолаларнинг таркиби бирмунча кенгайтирилди, улар ҳозирги замон фалсафий фани эришган билимлар даражасига мувофиқ янгиланди.

## ҲУРМАТЛИ ҚИТОБХОНЛАР!

- «Ўзбекистон» нашриёти қўйидаги китобларни нашр этди.
- К. Маркс. **Капитал**. Учинчи том, 967 бет, тиражи 20000, баҳоси 1 с. 94 т.
- В. И. Ленин. **Тўла асарлар тўплами**. Русча бешинчи нашридан таржима. I том, 731 бет, тиражи 30000, баҳоси 65 т.
- В. И. Ленин. **Тўла асарлар тўплами**. Русча бешинчи нашридан таржима. 2 том, 759 бет, тиражи 30000, баҳоси 65 т.
- В. И. Ленин. **Тўла асарлар тўплами**. Русча бешинчи нашридан таржима. 3 том, 882 бет, тиражи 30000, баҳоси 65 т.
- В. И. Ленин. **Асарлар**. (Русча тўртинчи нашридан таржима). Том 42, 673 бет, тиражи 20000, баҳоси 65 т.
- В. И. Ленин. **Асарлар**. (Русча тўртинчи нашридан таржима). Том 43, 767 бет, тиражи 20000, баҳоси 65 т.
- В. И. Ленин. **Асарлар**. (Русча тўртинчи нашридан таржима). Том 44, 576 бет, тиражи 20000, баҳоси 65 т.
- В. И. Ленин. **Асарлар**. (Русча тўртинчи нашридан таржима). Том 45, 822 бет, тиражи 20000, баҳоси 65 т.
- Совет Иттилоғи Коммунистик партияси тарихи**. 804 бет, тиражи 75 000, баҳоси 1 с. 34 т.
- Қисқача атеистик луғат**. 141 бет, тиражи 10 000, баҳоси 35 т.
- Жаҳон аҳолиси** (справочник). 364 бет, тиражи 5000, баҳоси 1 с. 32 т.
- Олим Усмон, Ренат Дониёров. **Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати**. 422 бет, тиражи 15 000, баҳоси 90 т.

Жалол Бобоев. Материализм билан идеализм курашининг асосий даврлари. 383 бет, тиражи 10 000, баҳоси 90 т.

Раҳима Амиҷова. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг аграр сиёсати ва уни сохталашибурилар. 182 бет, тиражи 5000, баҳоси 72 т.

А. Қўёнбоев. Улуғ Октябрь ва Туркестон. 212 бет, тиражи 3000, баҳоси 81 т.

Дин — маънавий оғунинг бир тури. 94 бет, тиражи 10 000, баҳоси 12 т.

Қ. Ҳасанов. Ақмал Икромов. 177 бет, тиражи 20000, баҳоси 31 т.

Ҳалқ контролёри (справочник). 364 бет, тиражи 15 000, баҳоси 51 т.

М. Жўраев, Б. Пармузин, А. Абдуқодиров, Ҳ. Нурий, К. Яшин, Т. Пўлат Тошкеит. 231 бет, тиражи 15 000, баҳоси 1 с. 64 т.

В. Булатова, И. Ноткин. Хива обидалари, 94 бет, тиражи 25 000, баҳоси 63 т.

*На узбекском языке*

**КРАТКИЙ СЛОВАРЬ ПО ФИЛОСОФИИ**

Перевод со II издания издательство  
«Политической литературы» — Москва — 1970 г.

*Издательство «Узбекистан»  
Ташкент — 1973 г.*

Отпечатано в типографии № 2 г. Янгиюль,  
ул. Чехова, 3.

Редакторлар: *С. Абдукаримов, М. Сиддиқова,*  
*И. Ҳамраев*  
Бадиий редактор *М. Гумаров*  
Техредактор *Т. Аббосов*  
Корректор *С. Мирзақориев*

Теришга берилди 18/V-1972 й. Босишга рухсат  
этилди 19/III-1973 й. Қоғоз формати 70×108 $\frac{1}{2}$ мм.

№ 1. Босм л. 13,5. Шартли бос. л. 18,9.

Нашр. л. 28,39. Тиражи 20 000.

«Узбекистон нашриёти, Тошкент, Навоий, 30.  
Шартнома № 211—71.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар,  
полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
Давлат комитети 2- босмахонасида босилди.

Янгийўл ш., Чехов кўчаси 3. Заказ № 68.  
Баҳоси 1 с. 05 т.